

Халқимизнинг
оташқалб
фарзанди





66.3(58)8
X-22

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ

*Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов
ҳаёти ва фаолияти ҳақида хотиралар*

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2017

УЎК: 323.1-051(575.1)(092)

КБК: 66.3(5Ў)8

X 22

X 22 Халқимизнинг оташқалб фарзанди [Матн] /
Тўпловчилар: С.Рашидова, Г.Рашидова, Ш.Жаб-
боров. – Т.: «Маънавият», 2017. – 448 б.

ISBN 978-9943-04-329-9

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-
нинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Ша-
роф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғри-
сида»ги қарорида кўплаб хайрли тадбирлар қаторида Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси томонидан Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолият-
тига бағишланган «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» номли
хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ҳам белгиланган.

Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб,
юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимо-
ий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданияти-
миз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таникли
ёзувчи Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралар бугунги озод ва до-
риломон кунларимиз қадрини янада чуқурроқ хис қилиш, фар-
зандларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш
ишида улкан аҳамият касб этади. Шу маънода, бу улуғ зотни кўр-
ган, ҳамсухбат ва фаолиятда сафдош бўлган инсонларнинг хо-
тираларини жамлаш қутлуғ бир ишдир.

Шароф Рашидов қобилиятли раҳбар бўлиш билан бирга,
ўз даврининг кўзга кўринган ёзувчиси ҳам эди. Адабиётшунос
олимларимиз мақолаларида «Ғолиблар», «Бўрондан кучли»,
«Қудратли тўлқин», «Кашмир кўшиғи» каби асарлари тадқиқ
этилган.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

*Сайёра Рашидова,
Гулнора Рашидова,
Шухрат Жабборов*

ISBN 978-9943-04-329-9

© «Маънавият», 2017

▼

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

**«ШАРОФ РАШИДОВ НОМИНИ ЎЗБЕК
ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИ ВА ҲАЁТИДАН
АЙРИ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ»**

*(2016 йил 18 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилар
вакиллари билан учрашувдаги нутқдан)*

...Жиззах халқи советлар даврида собиқ Марказ томонидан ўйлаб чиқарилган «пахта иши», «ўзбеклар иши», «рашидовчилик» деган тухмат ва маломатларга дуч келганини ва буларнинг барчаси оддий, бегуноҳ одамлар елкасига оғир юк бўлиб тушганини бугун ҳам изтироб билан эслаймиз.

Айниқса, Ўзбекистонни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқарган, юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юктирмасдан ўтган камтарин ва донишманд давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг шахсига нисбатан турли бўҳтонлар уюштирилганида ҳам бундай ноҳақликдан юрак-бағри эзилган, лекин унга бош эгмаган Жиззах элининг сабр-бардоши ва матонати олдида таъзим қилсак, арзийди.

Маълумки, Шароф Рашидов республикага қарийб чорак аср етакчилик қилди. Ўтмишни яширишнинг ҳожати йўқ. Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юганида ўзи умр бўйи химоя қилган, содиқ хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди. Мисли курил-

маган шаккоклик билан унинг хотирасини таҳқирлаб, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. «Рашидовчилик» деган сохта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлик килдилар.

Ўйлаб қоласан киши, дунёда шунақаям адолатсизлик бўладими?! Инсон тирик пайтида уни кўкларга кўтариб, вафотидан кейин ер билан яксон этса, қадрини беобрў қилса, бу ўзи қандай давлат, қандай жамият бўлди?

Лекин, тарих гувоҳ, ҳаётда шундай адолатсизликлар ҳам бўлар экан. Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳаттоки, шоиру олимни ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Биз яқин тарихимизда кечган шундай аянчли воқеалар миқсолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт. Собик совет ҳудудининг баъзи ўлкаларида эски тузумни яна қайтаришга уринишлар бўлаётган ҳозирги пайтда бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Барчангиз яхши эслайсиз, мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан истиқлолга эришганимизнинг иккинчи йили Шароф Рашидовнинг номи тўлатўкис оқланди. Ўша йили у кишининг 75 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихи ва ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди.

Келгуси йили айни шу пайтларда халқимизнинг оташқалб фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудига 100 йил тўлади. Шу қутлуғ санани бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаб, у киши туғилиб вояга етган табаррук Жиззах заминида мухташам ёдгорлик мажмуаси барпо этсак, нима дейсизлар?



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қарори*

**АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЁЗУВЧИ
ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ
100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Республикаимизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Нуроний» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва жамоатчилик вакилларининг халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига мувофиқ Жиззах вилояти Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиксин.

Ушбу режада:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ва ҳайкалини ўрнатиш;

халқимиз, айниқса, ёш авлодимизни атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Жиззах шаҳрида унинг мемориал уй-музейини ташкил этиш ва музей ҳудудини ободонлаштириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адибнинг «Сайланма» китобини;

Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижтимоий-ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни» мавзусида илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий, ўрта махсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида хотира тадбирлари ташкил этиш;

2017 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Жиззах ва Тошкент шаҳарларида Шароф Рашидов та-

валлудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш тадбирлари назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 март*

**ВАТАННИНГ
ФИДОЙИ
ФАРЗАНДИ**



Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛЬ ФАРЗАНДИ

(1992 йил 6 ноябрь куни Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантананда сўзланган нутқ)

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Узоқ-яқиндан келган биродарлар! Хурматли дўстлар!

Авваламбор, кўҳна Жиззах юртига ташриф буюрганингиз ва бугунги тантананда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз атоқли давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг сеvimли фарзанди Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини нишонлаш учун мўътабар Жиззах заминига тўпландик. Бугун ўзбек халки, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Шароф Рашидов руҳи ва хотирасини эслаб, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирмоқда. Шу кунларга етказгани учун Аллоҳга минг қатла шукр дейишимиз керак.

Бугунги тантанани сўнгги йилларда она-Ватанимиз, жафокаш халқимизни мисли кўрилмаган тухматлардан, иғво, маломат тошларидан бутунлай халос қилиш бўйича олиб борган машаққатли курашимизга бир нуқта қўйиш куни десак хато бўлмайди. Минглаб асоссиз жабрланганлар, уларнинг оҳу фарёд чеккан ота-оналари, муштипар аёллари, фарзандлари, камситилган халқимиз ҳаққи-ҳурмати, рўй-рост айтайлик: бу кунни орзикиб кутган эдик!

Бу кунни энг орзикиб кутган, энг махтал бўлган – Шароф Рашидовнинг муқаддас руҳидир! Минг афсуски, ул муборак зот шу кунларга ета олмади. Ҳаммамизнинг ниятимиз – руҳи поклари шод бўлсин.

Азиз дўстлар!

Ўтганларни эслаш – халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга – ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукрлик, онкўрлик, беписандлик – халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид.

Бугун асрлар давомида эзилган, камситилган, шаъни ва ғурури ерга топталган эл-юртимизнинг эзгу ниятларига эришдик – мустақил давлат қуряпмиз. Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, куч-қувват ато этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда янги жамият барпо этмоқчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик.

Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифалари, синовларини эслайлик. Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат килди, доимо хуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Фөробий, Абу Али ибн

Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар.

Бобокалонларимиз – имом Ал-Бухорий ва имом Ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Мустақиллик пойдеворига халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустақиллик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланяпти. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотида қайтмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади.

Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз – истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт.

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

Халқимиз руҳиятининг сарчашмаларидан бўлмиш қадимий ва навқирон Наврўз айёми, диний қадриятларимиздан бўлмиш Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити қайтадан ҳаётимизга кириб келди. Бундай амалий қадамлар

кишиларимизда бугунги ва эртанги кунга, ҳокимиятга, раҳбарларга ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотди.

Халкимизнинг миллий онги, ғурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгилан-моқда.

Истиклол кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўпгина аждодларимиз каби Шароф Рашидов ҳам мустақиллик кунига етиб келолмади. Биз бугун тўлик ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан эди.

Дақиқани абадиятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, Шароф Рашидовнинг ҳаётини ҳам ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётдан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Нима учун дунё бўйлаб Шароф Рашидовнинг номи ўзбек халқи мужассамлаштирган фазилатлар тимсоли сифатида қабул қилинади? Нега халқимиз уни давлат арбоби сифатида юксак эъзозлайди? Нима сабабдан ҳамма уни ёзувчи, шоир, инсон қалбининг зукко билимдони сифатида ардоқлайди?

Шароф Рашидов ўзини тарбиялаб вояга етказган халққа ҳаётини, бутун борлигини тиккани учун!

Ҳақиқатан ҳам юрт соҳиби халқ ғамини ўйлагувчи бўлса, Яратганнинг ўзи ҳам, колаверса, халқ ҳам уни кўллайди, асрайди, тиклайди, эслайди.

Ҳурматли юртдошларим!

Шароф Рашидов авлодларидан, отасидан мерос қилиб олган – барча ишда олдинда юриш, кундалик турмушда камтар бўлган ҳолда иш бобида талабчанлик, одамларнинг дардига малҳам бўлишдек ўзбекона фазилатларни умр бўйи кадрлади. Қишлоқдаги етти йиллик мактабда, Жиззахдаги педагогика техникумида ўқиганида ҳам, Ўзбек давлат университетиде таҳсил кўрганида ҳам, талаба бўла туриб вилоят газетасида

ишлаганида ҳам унинг мана шу фазилатлари намоён бўлган. Салоҳияти юксаклиги боис, университетнинг охирги курсида ўқиб турганида мухаррирлик лавозимига кўтарилади.

Шароф Рашидовнинг дастлабки қадамлари билан танишар экансиз, унинг замондошларини лол қолдирган қобилияти сабаблари аён бўлади, яъники олдинга интилган одамни ҳеч қанақа куч тўхтатиб қололмайди.

1942 йили Шимоли-ғарбий фронтдаги ўқчи бригаданинг йигирма беш яшар сиёсий раҳбари Шароф Рашидов жангда оғир ярадор бўлиб, юртига қайтади. Ўттиз ёшида «Қизил Ўзбекистон» газетасига мухаррир этиб тайинланади. Республика журналисти учун бу лавозим – олий чўкки эди.

Шароф Рашидов ёзувчи сифатида ҳам жуда тез халқ эътиборини қозонди. Ўзбекистон адиблари уни Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси этиб сайлашади.

Шароф Рашидов ўттиз уч ёшида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлади. Собик СССР тарихида бундай ёш раҳбар, олий ҳокимият эгаси бўлмаган. Аммо Рашидовнинг тақдиридаги асосий поғона ҳали олдинда эди. У 1959 йилда ўша даврнинг энг юқори лавозими – Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланганида эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада умрининг охирги кунларигача сабот ва матонат билан ишлади. Республикага қарийб чорак аср етакчилик қилди. Бу йиллар тарихнинг ўзига хос мураккаб даври эди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов даври ва унинг шахси ҳали тарихчилар, олимлар ва ижодкорлар томонидан пухта ўрганилади. Лекин бир нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат албатта қарор топади.

Минг афсуски, ҳақиқат кечикиб келадиган вақтлар ҳам бўлади. Аммо виждонли одамлар, улар ким бўлмасин, тарих талабидан, охират сўроғидан кўрқиши керак, ўйлаши керак, адолат мезонини эсидан, хаёлидан чиқармаслиги лозим.

Ўтмишни бўяш ва безашнинг ҳожати йўқ. Шароф Рашидов ўз тузумига садоқат билан хизмат қилди. Аммо пайти келиб, у дунёдан кўз юмганидан кейин, умр бўйи ҳимоя этган тузуми унга хиёнат қилди. Дунёда ҳеч бир бундай беандиша тузум йўқки, инсон кадрини бу қадар беобрў қилса! Бугун кўқларга кўтариб, эртасига ер билан яксон этса!

Ҳақиқат эгилса эгиладики, синмайди. Ўзбекистон халқи Шароф Рашидов ўзининг муносиб фарзанди эканини исботлай олди ва шу билан бирга ўзининг ҳам иззат-нафси, гурурини ҳимоя қила билди.

Агар сотқинлик юз бермаганида халқнинг обрў-эътиборига ҳеч ким раҳна сола олмас эди. Кўпгина собиқ раҳбарлар лавозимдан, имтиёзлардан ажралиб қолишдан кўрқиб, ўз юртининг, ўз устози, етакчисининг шаънини ҳимоя қилиш ўрнига, халққа мурожаат этиш ўрнига, ўзлари ҳам бир кун келиб худди шундай қурбон бўлишларини асло ўйламай, рўй-рост хиёнат қилди.

Шароф Рашидов номини абадийлаштиришни илтимос қилган раҳбарларнинг, орадан сал вақт ўтмай, айнан ўзлари қабул қилган қарорни бекор қилганликлари ҳақидаги ҳужжатларни ўқиганда уятдан ларзага тушади киши.

Бугун Шароф Рашидовнинг номи хўжаликлар, районлар, шоҳкўчаларга қайтариб берилмоқда. Бу нарсалар илгариги даврлардагидек «халқ номидан» эмас, балки табиий, астойдиллик билан амалга оширилмоқда.

Халқ, айрим арбоблардан фаркли ўлароқ, Шароф Рашидовнинг шахси хусусида ҳеч қачон хато фикрга

бормаган. Меҳнаткаш, виждонли халқ ўзи тўғрисида ёмон фикрга бормаганидек, суюкли раҳбари тўғрисида ҳам ёмон фикрга боролмас эди.

Халқ шуҳратпараст, мансабпараст, ялоқхўрлардан фарқли равишда, Шароф Рашидовнинг китобларидан унинг қалбини кўра оларди. Чунки унинг қалби халқ қалби билан бир эди. Шу туфайли халқ қалбига қулоқ солган киши Шароф Рашидов қалбини тўла англаши мумкин.

Шароф Рашидов ниҳоятда иқтидорли, ўз халқи сингари барча соҳаларда истеъдодли инсон эди. У теран тафаккури ҳамда билими билан нафақат давлат арбобларини, балки сиёсатчилар, дипломатлар, хўжалик ходимларини ҳам ҳайратда қолдирар эди. Унинг ижодий истеъдоди ҳам кўп қиррали эди. Шоир, ношир, публицист сифатида яратган асарлари бу жанрлардаги ҳар қандай асарлар билан беллаша олади.

Шароф Рашидов ҳақида гап кетар экан, авваламбор, ўша давр зиддиятлари хусусида гапириш керак.

Бу мураккаб шахс бир тарафдан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан – марказдан келган, туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга татбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслик зарур. Унинг умри сандон билан болға ўртасига қўйилган эди, деб айтсак ҳам асло муболаға бўлмайди.

Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди. У ўз халқининг эртасини ва келажагини ҳаммадан кўпроқ ўйларди.

Энг оғир шароитларда ҳам Шароф Рашидов халқига фарзандлик бурчини қўлдан келганича адо этди. Марказдан келган буйруқларни юмшатишга, юртимиз ободонлиги учун пул ва маблағ ундиришга ҳаракат қилди.

Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод ва Макрид чўлларининг ўзлаштирилиши Ўзбекис-

тон келажаги билан бевосита боғланган эди. Миллионлаб гектар кўрик ерларда пахта, боғ-роғлар ва бошқа озиқ-овқат экинларининг жой олиши аслида узоқни ўйлаб иш тутиш натижаси эди. Кечаги чўлу биёбонлар бугун Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон харитасида Навоий ва Зарафшон, Янгиер ва Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар барпо этилди. Республиканинг ҳамма жойида қурилиш ва ободончилик ишларини кенг миқёсларда олиб бориш, ишлаб чиқариш кучларини раванқ топтириш ҳақида у киши тинимсиз қайғулар эди.

Ўзбекистоннинг ҳамма бурчаги, ҳамма элати Шароф Рашидов учун бирдай ардоқли эди. Бироқ Шароф Рашидов Тошкент халқи ва Тошкент шаҳри учун алоҳида меҳр-муҳаббатга сазовор. Тошкентни Шарқнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш Шароф Рашидовнинг орзуси эди. Тошкентнинг ҳар бир улкан қурилиши, осмонўпар бинолари, меҳмонхоналари, хиёбонлари Шароф Рашидовнинг назарида турар эди. Халқимиз Шароф Рашидовни ҳақли равишда Тошкентнинг бош меъмори деб атайди. Бу айниқса Тошкент зилзиласидан кейин янада ёрқинроқ намоён бўлди Тошкент ер ости қасри – метроси учун биз биринчи навбатда Шароф Рашидовнинг порлок хотираси олдида таъзим бажо қиламиз.

Шароф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида ўзбек халқини дунёга танитишда хизматлари бекиёсдир.

Жаҳонда «Тошкент руҳи» сифатида машҳур бўлган тушунча Шароф Рашидовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Бу – жумҳуриятимиз тупроғида таваллуд топган халқаро ҳаракатдир.

Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракати, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали, Ҳиндистон ва Покистон ўрта-

сидаги тинчлик сулҳининг Тошкентда имзоланганини эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Шароф ака одамларнинг кўнглини яхши билган. Чўпон билан гаплашадими, ишчи билан гаплашадими ёнги деҳқон даласидан хабар оладими, уларнинг барчасига ўзига яраша гап топиб, қалбига йўл топа билган.

Шароф ака ҳар йили пахтакорлар қурултойида нутқ сўзлар эди. Бу нутқни кўпчилик соғиниб кутар эди. Қурултой ўзбек тилида ўтарди ва раҳматли Шароф ака деҳқонлар билан шундай содда ва самимий тилда сўзлашар эдики, турли мажлис ва йиғинларда бошқа тилда гапиравериб, она тилини ҳаддан ташқари соғингани сезилиб қоларди.

Қадрли дўстлар!

Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодга катта мерос қолдирди. Бу мероснинг моҳияти – Шароф Рашидовнинг табиатан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатидаги ибратидир.

Ҳар бир инсон ўз ички дунёси, табиати, тарбияси, фикрлаш даражасида яшайди ва фаолият кўрсатади, ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Бу маънода Шароф аканинг маънавияти, тафаккури ва кўп қиррали, самарали амалиётнинг уйғунлиги ҳаммамизга ибратдир.

Биз Шароф Рашидов фаришта эди демоқчи эмасмиз. Беайб – парвардигор, дейдилар. У кишининг фаолиятида хато ва камчиликлар ҳам бўлган. Лекин шахсан бир нарсага ишончим комил: Шароф Рашидов улкан давлат арбоби сифатида нимаики иш қилган бўлса, энг аввало, Ўзбекистонни ўйлаган, ўз халқининг истиқболини ўйлаган.

Рашидов – ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган.

Шўролар даврида бизга юкқан энг ёмон иллат шуки, раҳбар кишиларни тириклигида осмон қадар баланд кўтариб, ўлганидан кейин тепкилашга ўргандик. Шўролар даври бизларга раҳбар шахсларга илоҳий зотлар деб қарашни тарғиб этди. Агар шу иллатдан қутулсак, раҳбарларни ҳам эл орасида юрган одамнинг бири, ҳамма катори, шу Ватан нони, тузини еб катта бўлган киши деб қарасак, ўзаро меҳру оқибат хийла кучайган бўлур эди.

Мансаб курсисига миниб, оёғи ердан узилган раҳбарларни жуда кўп кўрдик. Дўстларини, қон-қардошларини, охир-оқибатда она-Ватанини унутган раҳбарларни ҳам учратдик.

Ўз халқини ўйлаб, ўзга халқнинг иродасини бажаришга мажбур бўлган кишининг аччиқ тақдири Шароф Рашидовнинг ҳам бошига тушган эди.

Биз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилиб, халқ иродасини яна бир бор амалга оширганимизни кўриб турибмиз. Бу юбилейни ўтказишдан мақсадимиз, авваламбор, шу улуғ зотнинг қарийб 40 йилга яқин Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматларини тағин бир бор эътироф этиш, унинг ҳалол ва покиза номини авлодлар олдида тиклаш эди, деб айта оламан.

Биз раҳматли Шароф Рашидов номи асл ҳолига тикланганидан беҳад мамнунмиз. Биз унинг руҳи олдида, халқимиз олдида ва адолат олдида қарздор эдик. Биз Шароф Рашидов ҳақиқатини айтишда халқимиз иродасига суяниб иш тутдик ва бу йўлда адашмадик. Халқ баҳоси – энг одил баҳо. Халқимиз эса Шароф Рашидов номини доимо бошида кўтариб, энг оғир кунларда ҳам ерга қўймай, эъзозлаб келмоқда.

Азиз дўстлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Шу тантана муносабати билан элимиз ва юртимиз учун хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Биринчидан, Шароф Рашидовни ёмонотлик қилишдан мақсад фақатгина давлат арбоби ва ёзувчини бадном этиш эмас, балки бу баҳона бутун бир мамлакатни, халқни бадном этиш эди. Ғанимлар бу мақсадларига қисман эришдилар ҳам. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталган уйдирмаларга маълум муддат ичида бошқа халқларни ишонтиришнинг ҳам удасидан чиқдилар. Аммо ёлғоннинг умри кўпга чўзилмади. Дунё аҳли ўзбек халқининг аслида ким ва нималарга қодир эканини бугунги кунда рўй-рост кўриб турибди.

Биз бугун Шароф Рашидов номини оқлар эканмиз, бу ишга бутун халқимиз номини поклашдек улуғ бир ишнинг камтарона, аммо узвий бир қисми деб қараш керак.

Иккинчидан, халқни бадном қилишда бизнинг ғанимларимиз жуда усталик билан йўл тутишди. Бошқача айтганда, «сопини ўзидан чиқаришди». Ўзбек халқи ичидан чиққан, шу халқнинг нон-тузини еб катта бўлган раҳбарлар ва бошқа кишиларнинг қўли билан иш кўрилди. Бу каби қабиҳ ниятнинг яна бир тарафи шуки, шу тариқа миллатимизни икки ва ҳатто учга парчалаб юбормоқчи эдилар. Хайриятки, биз бу нарсани олдиндан пайқаб қолдик. Миллат фарзандларини оқ-қорага ажратмадик. Айбдор кимсаларни қулоғидан тортиб ёруғ жойга чиқардик, аммо қасос ҳуқуқини Аллоҳнинг измига бағишладик.

Яқин ўтмиш бизга берган **учинчи** сабоқ шуки, биз эски мутелик иллатидан иложи бор қадар тезроқ қутулиш чорасини кўришимиз зарур экан.

Тўртинчидан, бугун истиқлол шабадаси эсаётган пайтларда, халқимизни, Ватанимизни бегоналар ҳукмига ташлаб қўймаймиз. Одамларимизнинг тақдири оқибатига ўзимиз жавобгармиз, деган ҳақиқатни янада теранроқ англамоғимиз даркор.

Бешинчидан, 80-йиллар қатағонларида қаддини букмаган, тухматчиларга бош эгмаган, ўзи ва халқи шаънини қаттиқ туриб ҳимоя этган кишиларга таъзим-ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этамиз. Мана шу минбардан туриб, эл-юрти, халқи ва замини пок номини сақлаш учун курашган жасур инсонларга тасанно айтмоқчиман. Бундай мардларнинг номини, сиймоларини тарихчиларимиз, адабиёт, матбуотимиз келажак авлодларимиз учун абадийлаштириб қолдиришлари керак, деб ўйлайман.

Олтинчидан, сўз ва иш бирлигимиз, виждон амри, тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан бу дунёда адолат борлигига ёшларимизни ишонтирайлик.

Ва, ниҳоят, Шароф Рашидовга нисбатан бўлган айбу хатоларни тузатиб, шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик. Номини келажак авлодлар учун тиклайлик. Тарих учун сақлайлик. Шу билан бирга, ўз яқинларини, халқини, мамлақатини таҳқирлаганлар, бўҳтонлар ёғдирганлар ўзининг муносиб баҳосини олсин ва тарихда ўз ўрнини билсин. Шундай қилсак, мустақил давлат тузиш йўлида ўзбек халқи учун хос бўлган фазилатларни яна бир бор мустаҳкамлаган бўламиз. Бобокалонларимиз, қадимий аждодларимиз хотираси, руҳлари ва келажак авлодлар ҳурмати, масъулияти олдида бошқача бўлиши мумкин эмас. Ўзбек халқининг истаги ҳам шундай.

Сўнгги йиллар сабоғи шундан иборатки, биз турли ўтқинчи нарсалардан довдираб қолмаслигимиз, инсоний кадр-қимматимизни йўқотмаслигимиз лозим. Чунки дунё халқлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бундай таназзул ва депсинишларни деярли барча миллатлар турли даврларда турфа ҳолатда бошларидан кечирганлар. Ижтимоий тўфонлардан бирлик ва аҳиллик билан чиққан халқлар кескин тараққиётга юз бурганлар.

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи деб эъзоз-ҳурмат билан эслашлари муқаррар.

Эндиги вазифа – миллатнинг, нафақат миллатнинг, балки бутун Ўзбекистон халқининг яқдиллигини таъминлашдан иборат. Эндиги вазифа – Ватан равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилиш. Ватан озод экан, энди қиладиган меҳнатимиз меваси четга кетмайди, балки шу юртнинг келажаги, фарзандларимиз бахт-саодати учун хизмат қилади.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган (бунга ишончим комил) ҳур Ўзбекистонда яшайди. Она юрт тарихи, мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади.

Ана шу муқаррар тарихда Шароф Рашидовнинг ҳам қутлуғ номи ҳурмат ва ғурур билан тилга олинади.

Азиз дўстлар!

Мен Жиззах юрти ва эли ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Албатта, бугун ўзбек халқи – битта халқ, ягона халқ. Аммо ҳар бир вилоят ёки музофотни алоҳида олиб қарасак, уларнинг ўзларига хос сифатлари ва фазилатлари яққол кўринади. Биз Жиззах эли вакиллари билан илгари ҳам кўп учрашгандик. Ҳақиқатни аниқлаш ва юзага чиқаришда улардан фикр олганмиз.

Бошқа вилоятлар аҳлини асло камситмоқчи эмасман. Бошқа элатларга меҳру муҳаббатимни билдириб, бир нарсани таъкидламоқчиманки, Шароф ака шу жойда таваллуд топгани боис Жиззах эли кўпроқ жабр чекди. Аммо Жиззах халқи ҳақиқат учун, ўз фарзанди Шароф Рашидов номини қайта тиклаш учун ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатганини тан олмаслик асло мумкин эмас.

Биз барчамиз, ўзбек халқи фарзандлари, оғир синовларда ўзаро бирлашиб аҳил бўлиб, қўлни-қўлга бериб, елкадош бўлиб, ҳақиқат учун курашда чиниқдик. Энди бу халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Ишонтириб айтаман, биродарлар, энди каро кунлар орқада қолди. Ўзбек халқи – улуғ халқ. Ўзбек халқининг бисоти ҳам катта. Биз нафақат ўзимизни, бошқаларни ҳам боқишга қурбимиз етади. Бошқаларга ёрдам беришга, бошқалар билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилишга қодирмиз.

Бизнинг йўлимиз – холисона йўл. Ўз кучимизга ишониб, ўз бойлигимиз ва имкониятларимиз билан, минг йиллик маданиятимиз ва тарихимизга, ўтган буюк алломаларимизнинг руҳи покларига таяниб иш юритмоқдамиз.

Бугун мен ишонч билан айта оламанки, танлаган йўлимиз тўғри ва энг маъқул йўл. Энди бу йўлдан – мустақиллик ва озодлик йўлидан бизни ҳеч ким қайтара олмайди. Шу йўлдан борсак, халқимиз муродига етади, асрий орзуларимиз ижобат бўлади.

Азиз биродарлар!

Юрагимда йиғилиб юрган, айтсам ҳам ҳеч адо бўлмайдиган аламли бир нидо борки, уни яна бир бор такрор айтмасликнинг иложи йўқдир. Тинчлик ва бутлик қадрига етайлик, азизларим. Яқдил ва ҳамнафас бўлайлик. Нечоглик мураккаб бўлмасин, биз кечираётган ҳаётнинг яхши фазилатлари жуда кўп. Бунинг учун Аллоҳга шукрона айтмоқ жоиздир.

Илгари бу гапни айтмаган эдим. Аммо бугун сўзламоқ пайти келди. Майли, айтаман, Маккага сафар қилган чоғимизда, Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, мен халқимнинг бугуни ва келажagini бер, дея Худога илтижо қилдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади.

Бизга кўрсатилган барча ҳурмат ва иззат – Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъбатулло зиёратида улуғ бир рамз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлок бўлишига имон келтирдим.

Мен бугун шу буюк ишончимга тенг шерик бўлинглар, дея даъват этаман, азиз ватандошларим! Шу ишонч кўнглимизда қўрғон янглиғ қад кўтарар экан, инонингки, бизнинг куч-қудратимиз минг чандон ошажак!

Бу буюк ишонч бизга Ўзбекистонда, нафақат Ўзбекистонда, балки буткул кўхна Туркистонда тинчлик ва осойишталикни сақлашда бизга мадад бергуси.

Ҳар бир оила, ҳар бир хонадоннинг тинчлигини сақлай билсак, марра – бизники. Жуда оддий, аммо энг улуғ вазифа аслида шу ўзи.

Билиб қўйинглар, бир-икки йил ўтиб, ўзимизни ўнгласак, елкамизга офтоб тегса, ўшанда Ўзбекистон ўзининг неларга қодир эканини дунёга намойиш этади!

Илоё, шундай чоғларга тус-тугал, сафларимиз тўқис бўлиб етайлик. Бу йўлда Аллоҳ таолонинг ўзи бизларга мадад берсин!



ШАРОФ РАШИДОВ МАШҲУР ИНСОНЛАР НИГОҲИДА

Шароф Рашидовни анчадан буён билардим, биз у билан 1952 йилда Тошкентга келганимда танишгандик. Ўшанда мен Қозоғистон Фанлар академияси президенти, у эса – ўз республикаси Олий Совети Президиуми раиси эди. Фронтдан қайтган Рашидов урушдан кейинги оғир даврда кенг дунёкараши, етук ақли, принципиаллиги, ташкилотчилик иқтидори билан ажралиб турарди. Шунинг учун унга ёшлигидан юқори лавозимларга муносиб кўрилиши тасодифий эмасди. Давлат арбоби даражасига эришиш унинг дил амри – журналистлик ва ёзувчилик меҳнати билан баравар давом этди.

Динмуҳаммад КУНАЕВ

Ҳурматли Шароф Рашидович!

Китобингизни олдим. Менга эътиборингиздан бениҳоя таъсирландим. Китоб равон ўқилади ва тушунилади, чунки содда, тиниқ, яхши ёзилган. Сизга кўплаб кувонч тилайман.

Расул ҲАМЗАТОВ

Шароф Рашидовнинг ижодий дастхати учун мавжуд ҳаётни пухта билишга гувоҳлик берувчи воқеликнинг бисёрлиги эътиборга сазовордир. Ҳеч нарса бичиб-тўқилмаган, бирор ўринда сунъийлик йўқ. Санъаткор

нигоҳи ҳолатларнинг тиниқ тасвиридан илғаб олинади. Тафаккур умумлашмаларининг фалсафага мойиллигида илғанади. Сўзда ифода топган манзараларда намоён бўлади. Роман муаллифига чизилган портретлар ифодалилиги муҳим.

Виталий ОЗЕРОВ,
адабиётшунос (Россия)

Шароф Рашидовнинг бетакрор ўзига хослик ато этувчи публицистикасининг эътиборли жиҳати нафақат муаллифнинг сезиларли назарий ҳиссаси жо бўлган аниқ проблематиканинг мавжудлиги, балки ёзувчининг образлар тилидан кенг фойдаланишга муттасил интилишидан дарак берувчи оҳангнинг эмоционаллиги, жўшқин эътиқод, шаклнинг оригиналлиги ҳисобланади. Сўз устаси, назариётчи ва публицист бу ўринда узвий яхлитликда намоён бўлади.

П. ФЕДОСЕЕВ,
академик



**ЮРТГА САДОҚАТ
БИЛАН ХИЗМАТ
ҚИЛГАН ИНСОН**



Хурсандой РАШИДОВА:

МЕН БАХТЛИ АЁЛМАН...

Хурсандой Фафуровна Рашидова ўзи ҳақида:

– Мен 1920 йилда Жиззах районининг ҳозирги Навоий номли колхозида, ўрик гуллаган фаслда туғилган эканман. Онам, Норбуви Ҳайдарова асли сарбозорлик (ҳозирги Галлаорол райони) бўлиб, саводсиз, оқкўнгил ўзбек аёли эди. Отам Абдуғаффор хожи Бойматов уч марта ҳаж зиёратини бажо келтирган, маълумотли киши эдилар. Ҳатто Октябрь инқилобидан кейин ҳам ҳаж сафарига улгурган эканлар. Отамнинг оталари – бобом Бойматбой ҳожининг хоки тупроғи Маккада қолган, ҳаж сафарида бандаликни бажо келтирган эканлар. Отам қазо қилганда мен 7 ёшда эдим. Онам раҳматлик ҳам менинг тўйимни кўролмадилар. 1942 йил охирида фронтдан қайтган муаллим Шароф Рашидов билан турмуш қурдик. Уч қиз – Сайёра, Дилором, Гулнора ва Илҳомжоннинг онаси бўлдим. Шароф Рашидовдек буюк инсоннинг ҳаётига ҳаётим туташ бўлганидан бахтиёрман. Мен бахтли аёлман...

– Хурсандой Фафуровна, рози бўлсангиз, суҳбатимизни сиз Шароф Рашидов ҳаётига, Шароф Рашидов сизнинг ҳаётингизга кириб келган, таъбир жоиз бўлса, юлдуз-юлдузга мос тушган – муҳаббат боғидан гул терган илк кундан, илк воқеадан бошласак...

– Бу «боғ»га ким қачон киргани ва ким қачон гул тергани ўзимизга ҳам аён эмас. Таъбир жоиз бўлса, бизда муҳаббатдан бошқа яна бир кудратли куч бўл-

ганки, мен буни таърифлай олмайман. Чунки ҳали тақдиримизни боғламай туриб, Шароф ака мен учун ҳам ота, ҳам она, ҳам оға, ҳам суянчиқ ролини ўтаганлар. Аниқроқ айтсам, Шароф ака Жиззах педагогика техникумини яқиндагина битириб, бизга адабиётдан дарс берардилар. Мен ўшанда 7-синфда ўқир эдим. Бутун синфни у киши ўзларига маҳлиё қилиб олгандилар. Синфда 36 ўқувчи бўлиб, шундан 10 таси қизлар эди. Шароф ака Пушкиннинг ўнлаб шеърларини ёд билар ва ҳайратланиб ўқирди. У киши туфайли адабиёт фани бизни ўз сеҳрига олганди. Бир сафар ҳамма гўр ўқувчилар каби мен ҳам ўз ўқитувчимнинг сеҳри билан каловланиб, ундан сўраганим ёдимда: «Муаллим (биз Шароф акага шундай мурожаат қилардик), нега ҳамма сизни бирдай Шарофжон дейди? Нега ҳамма сизни яхши кўради?». «Чунки мен ҳаммани яхши кўраман, Хурсандой, – дегандилар Шароф ака. – Одамларга қандай муносабатда бўлсангиз, одамлар ҳам сизга шундай муносабатда бўладилар».

Шароф аканинг нафақат ўзига яқин тутган одамларни, балки бир кўришган одамларни ҳам сеҳрлаб қўйгувчи оҳанрабои бор эди. Шу жиҳатдан менинг онам билан бўлган уларнинг илк учрашуви кўзим олдига келаверади... 1937 йили Шароф ака биз – етти йиллик мактабни битираётган бир гуруҳ қизларни ЎЗГУ (ҳозирги СамДУ)га ўқишга юбориш ташаббускори бўлган эдилар. Мен ҳам мактаб аълочиси сифатида ана шу рўйхатга тушган эдим. Лекин ўқишга жўнашим учун онамнинг розилигини олишим шарт эди. Менинг ёлғиз қиз бошим билан Самарқанддек азим шаҳарга жўнашимни онам хаёлга ҳам сиғдира олмасдилар. Шароф ака онамни мактабга таклиф қилиб, мени ўқишга жўнатишга кўндирганда, бу суҳбатнинг нақадар енгил кўчганига лол қолган эдим. Шароф ака билан онамнинг суҳбатини эшик тиркишидан ҳам кўриб, ҳам

ҳаяжон билан кулоқ солиб турардим. Шароф ака айнан қайси сўзлар билан онамга мурожаат қилганлари ҳозир ёдимда йўқ. Бироқ «Хурсандой ўқиши керак, у аълочи, қобилиятли ва ҳоказолар» деганларини эслайман. Шу билан бир қаторда, онамнинг жавобини эшитиб, «шу гапираётган менинг онамми?» деб ёқа ушлаб қолгандим. «Майли, Шарофжон ўғлим, кизимни сизга, сизни Худога топширдим». Эшик ташқарисида туриб, уялгандан юз-кўзим ловуллаб кизариб кетган эдим.

Йўлда эса «Нега ундай дедингиз, она? Нега мени «биров»га топширдим дейсиз? – дедим уялганимни яширолмай. – Нега дарров энди кўна қолдингиз?». «Бу йигитнинг шундай оҳанрабоси бор эканки, мен унга йўқ деган сўзни раво кўрмадим, – дегандилар онам. – Бу йигитда ўзига хос хислат бор, қизим. Хизир кўрган йигит. Менга шундай туюлди. У йигит кам бўлмайди. Унга суянганлар ҳам»...

1937 йил кузида 15 нафар жиззахлик йигит-қизлар ЎзГУ қошидаги ишчилар факультетига ўқишга бордик. Шароф ака ўша йили ЎзГУнинг филология факультетига ўқишга кириб, айна пайтда «Ленин йўли» газетасида ҳам ишлардилар. Шароф ака олийжаноб инсон эди. У газета редакциясидан олган маошидан турмуш шароити оғир бўлган бир гуруҳ талабаларга доимий ёрдам кўрсатиб турарди. Дугоналарим Нишонбуви, Зайнаб, курсдошларимиз Ҳайитбой, Султон ва бошқалар бу ёрдамдан баҳраманд эдилар.

1941 йили уруш бошланган кезданоқ Шароф ака бизнинг тақдиримиз ҳақида қаттиқ қайғура бошладилар. Ўша йили август ойида Шароф акани Самарқанд вокзалидан фронтга кузатиб қўйдик. Жиззахдан оталари Рашид бобо ва тоғалари Ҳамроқул Носиров келдилар. Поезд вокзал перронида жўнаш олдидан Шароф ака биз билан бирма-бир хайрлашди. Шунда кутилмаганда оталари ва тоғалари томонга ўгирилиб, ил-

тимос оҳангида сўз қотдилар: «Тоға, сиздан илтимос, ота сиздан ҳам, Хурсандойни Жиззахга олиб кетсаларингиз... Уёқдан омон-эсон қайтсам, биз бирга бўлармиз». У пайтда мен ота-онасиз ва ёлғиз ўз муаллимимга суяниб қолган эдим. Балки мана шу сиз айтган илк муҳаббатдир. Балки мана шу юлдузи-юлдузига дуч келишидир. Балки мана шу тақдирдир. Худога минг қатла шукр, тақдиримдан мамнунман.

– *Шароф Рашидовнинг тақдир йўли ўзига хос мўъжиза бўлганди. Ва ҳамон шундайлигича қолмоқда: 25 ёшида у обком котиби, 30 ёшида «Қизил Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири, 32 ёшида Республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси, 33 ёшида Республика Олий Совети Президиумининг раиси, 42 ёшида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари! Қарийб 24 йил «биринчи раҳбар»ликда оғишмай туришининг ўзи бўладими! Ҳаётлик пайтидаёқ унга ҳайкал қўйилганди. Хурсандой Фафуровна, Шароф Рашидов беназир кишимиди? Табиат унга алоҳида қандай хусусиятлар бахш этганди? «Худо берган» томонлари нимада эди?*

– 1942 йилда Шароф ака жангдан ярадор бўлиб қайтгач, Фарҳод ГЭСи қурилишига жалб этилди. Мана шу қурилишда у киши Акоп Абрамович Саркисов, юртдошлари Мама Назар Турсунов, Зокир Норматов ва бошқалар билан бирга бўлганлар. Қурилишда партия ташкилотчиси бўлиб қатнашаётган Шароф ака Фарҳод ГЭСи қошидаги бой кутубхонада бош кўтаролмасди. Одатдагидек кутубхонада мутолаага шўнғиб турганида, кимнингдир ғойибдан келган момакалдирок гулдурегидек овози янграйди. «Бу йигит ким?»

Китоб дунёсига шўнғиб турган Шароф ака ўгирилиб салом беради. Шунда одамлар куршовида келаётган паҳлавон келбатли, баланд бўйли, соябонли шапка кийган номаълум киши ўзидан-ўзи сўрагандек саволга тутади: «Бунча юлдузи иссиғ-а, бу солдат йигитнинг? Кимсан ўғлим?»

Шароф Рашидовнинг Фарҳод ГЭСига ташриф буюрган Усмон Юсупов билан илк учрашуви мана шундай кечган экан. Бу ҳақда Шароф ака кейинчалик бир неча бор тўлқинланиб ҳикоя қилган эди. Усмон Юсупов қайта-қайта саволга тутгач, савол-жавоб ниҳоясида ёнидаги ёрдамчисига қараб: «Ўртоқ Рашидовнинг координатларини яхшилаб ёзиб олинг, Тошкентга боргандан кейин менга эслатасиз», – дейдилар.

1942 йилнинг кузида Шароф ака билан турмуш қурдик. Нарзиқул ака деган Жиззах райкомининг биринчи котиби тўйимизга бош бўлганини эслайман. 1943 йил августида қизимиз Сайёра туғилди, Сайёра тўрт ойлик бўлганда бизни раҳматли кайнотам Рашид бува ва у пайтларда ўсмир бўлган Ўктам Орипов Жиззахдан Самарқандга от-аравада кўчириб олиб келдилар. Самарқандда Советская кўчасидаги 19-уйда яшадик. Бу пайтда Шароф Рашидов «Ленин йўли» газетасининг масъул муҳаррири эди. Кейинчалик у тез орада Самарқанд обкомининг кадрлар бўйича котиби бўлди.

1946 йилнинг бошлари эди. Усмон Юсупов Шароф акани Тошкентга шошилиш чакорида қолди. Усмон ота негадир Шароф Рашидовни Фатҳиддин Шамсиддинов ва Нажимовлар билан биргаликда қабул қилганлар. Улар ҳам Усмон Юсупов суҳбатига чақирилган экан. Усмон Юсупов Шароф Рашидов билан эски танишлардек қуюқ сўрашиб; «Комсомол ишига қандай қарайсиз, ўғлим?» – деб сўрайдилар. Шароф Рашидов эса дабдурустдан қўйилган таклиф гирдобидан чиқиб кетиш ўнғай эмаслигини сезгач, юракдаги асл муддаосини рўй-рост айтишга ўтади. Ва ижодий ишга майли зўрроқ эканлигини, иложи бўлса уни вилоят газетасида қолдиришларини сўрайди. «Нима, обком оғирлик қияптими, ўғлим?» – сўрайди Марказий Комитет биринчи котиби. «Газета юрагимга яқинроқ», – жавоб қайтаради Шароф ака. Шунда фикрлари бир

жойдан чиқмаганини кўриб, Усмон ота ВЧдан Носир Маҳмудов (Самарқанд вилояти партия кўмитасининг биринчи котиби)га кўнғироқ қилади. «Ўртоқ Рашидовни республика комсомол кўмитасига биринчи котиб қилиб тавсия этиш таклифига сиз қандай қарайсиз, Носир Маҳмудович?» – деб сўрайдилар. Телефонда давом этган бир фурсат суҳбатдан кейин Усмон ота трубкани кўяр экан: «Хайр, мен сизни тушундим, Носир Маҳмудович», – дейди-ю, суҳбатда қаттиқ қаршиликка дуч келганини яширолмайди: «Носир Маҳмудов ҳам ўжар одам. Комсомолга бўлса, бермайман деяпти. Майли, Самарқандда ишлаб тургин, ўғлим, сенга муносиб иш топамиз». Орадан бир йил ўтиб Шароф ака «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир бўлиб келдилар. Оиламиз Тошкентга кўчиб ўтди.

Шароф Рашидов онгли ҳаётининг асосий даврини – 36 йилини мана шу шаҳарда яшади. Шароф ака Жиззахда туғилди. Самарқандда билим олди, лекин, менинг назаримда, у киши Тошкентда камолотга етди.

Тошкентни Жиззах ва Самарқанддан кам севмасди. У киши Жиззахни кадрлар, Самарқандни улуғлар, бироқ Тошкентни жон-дилдан севарди. Бир куни вақти-соати етиб, хоки тупроғи мана шу шаҳар тупроғига сингиб кетишини бу одам ҳис қилган бўлса, ажаб эмас.

У киши беназир эмасди албатта. «Худо берган» томонларидан бири шунда эдики, кўп нарсаларни Шароф ака олдиндан кўра биларди. Ҳаётда кечган кўпдан кўп воқеаларни у киши аввал тушда кўрганларини айтганлари ёдимда. Ҳатто, ўз ўлимини ҳам. Шароф ака 1983 йил октябрь фожиасидан анча олдин ярим тунда мени уйғотдилар. Уйғотиб, анча вақтгача гап бошламай туриб қолдилар. Кейин эса: «Хурсандой, мен туш кўрдим, эрталаб ҳаммасини сизга айтаман», – дедиларда, яна ёстиққа бош қўйдилар. Сезиб ётдим, қайтиб у кишининг кўзларига уйқу келмади. Кейин ўзларининг

айтиб беришларича, ўша тунда у киши чоптириб келётган оқ от аввал қоқилиб йиқилади-ю, Шароф ака ерга кулайди. Яна бироздан кейин қанот пайдо қилган от Шароф акани олиб осмонга уча бошлайди. Улардан ҳам олдинда оппоқ кийинган, соч-соқоллари ҳам оппоқ бўлган мўйсафид учиб боради...

– Хабардор кишиларнинг каромат қилишларига кўра, Шароф Рашидов умрининг охирини бутунлай ёзувчиликка бағишламоқчи бўлган эканлар. Давлат арбоби ва ижодкорлик унинг қалбига қай даражада яқин эди. Унинг қалбида замондошлари ўқиб улгурмаган ва пайқамаган қандай мақсадлар бор эди?

– Шароф Рашидов 1959 йил март ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланганини биз қандай «кутиб олганимизни» айтсам, кўп жиҳатда ўринли бўлар, деб ўйлайман. Шунини таъкидлашим керакки, Шароф ака билан ҳамма нарсани гаплашиш мумкин эди, бироқ, у кишидан «ахборот» олиш осон эмасди. У давлат ишини оила ишига сира-сира қўшмасди. Шароф ака биринчи котиб бўлиб сайланган кунлари биз оиламиз билан мутлақо беҳабар эдик. Ўша куни Шароф ака кеч соат 12 дан ошганда уйга қайтдилар. Биз доимо Шароф ака қаердалигини билар ва ундан хабардор бўлар эдик. Лекин ўша куни бу сирни ҳеч ким ечолмади. «Шароф ака қаердалар?» деган саволимизга у кишининг ҳамма ишидан хабардор ёрдамчиларидан «мажлисдалар» деган жавоб олдик. Лекин бу қандай мажлис эканлигини кейин билдим. Уйга жуда ҳорғин қайтган Шароф ака «Нега бунча кеч қолдингиз?» – деган саволимга: «Болалар ухлашяптими?» – деб савол билан жавоб қайтардилар. «Аллақачон» дедим мен. «Бўлмаса, болаларни уйғотинг», – дедилар кутилмаган буйруқ оҳангида. «Ҳаммасиними?» – сўрадим мен ажабланиб. «Ҳа, ҳаммасини уйғотинг». Энг кичигимиз ўшанда 7 ёшда, ҳали мактабга бормаганди.

«Ҳаммасини уйғотинг! Ҳаммасини ювинтиринг!» – деб яна такрорладилар. У кишининг ҳорғин чехрасидан бирор бир маъно уқиш учун кўз югуртирганимда зўр-базўр жилмайиб қўйдилар: «Оилавий мажлис қиламиз».

Болалар ювиниб, кийиниб давра тортишди. Шунда Шароф ака бир неча йиллар бурун бизни Жиззахдаги мактабда ўқитгани каби дона-дона сўз бошлади: «Болажонларим, мен ҳозиргина катта бир мажлисдан чиқиб келяпман. Бугун бизда бюро бўлди. Мени республиканинг биринчи котиби қилиб сайладилар. Энди бу оғир вазифада мен кимга суянаман? Биринчи навбатда сиз – болажонларим, менинг ёрдамчим бўлишингиз керак. Бунинг учун нима қилишимиз керак? Биринчи навбатда мактабда аъло баҳога ўқишингиз керак. Хулқ-атворимиз ҳаммага намуна бўлиши керак. Оилада темир интизом бўлмай туриб, мен қандай қилиб кўчада интизом ҳақида гапира оламан?»

Биз ўшанда Тошкент шаҳрининг Урицск маҳалласидаги Кренкель кўчаси, 5-уйда турардик. Болалар қайта-қайта ваъда беришиб, хоналарига кириб кетдилар. Кейин биз Шароф ака билан ёлғиз қолдик. Шунда мен дабдурустдан айтган сўзимни қаранг. «Шароф ака, бўйнингизга оғир вазифа олибсиз-ку?» – десам, у киши: «Хурсандой, қўйишмади, лекин тўрт-беш йил ишлаб, кейин ёзувчилигимга қайтаман. Вазифа оғир. Республика мисоли ботқоққа ботиб ётибди. Амал талашувлар республикани хароб қиляпти. Ватанни ўйлайдиган раҳбар кам. Пойтахтнинг аҳволига қараб ачинаман. Шундай республиканинг пойтахти қандай бўлиши керак? Қўлимдан келгунча Тошкентни жаҳонга таниқли шаҳар, Шарқнинг буюк шаҳри қилишга бор кучимни аямайман». «Соғлиғингиз кўтарармикан, Шароф ака?» Бу саволга ҳам асосим бор эди. 1952 йилда Шароф ака Москвада ўт пуфагини олдириб ташлашга мажбур бўлган эдилар. Кейинги йилларда ҳам ўт пуфаги йўқлиги

ўз касрини кўрсатиб тез-тез жигарда ўт йиғилиб қолар, бу Шароф аканинг ранги-рўйида ҳам ўз асоратини кўрсатиб турарди. «Соғлиқни энди Худодан тилаймиз, Хурсандой», – деб кўйдилар.

Шароф Рашидов орадан сал кун ўтиб докторларнинг қатъий талаби билан 1-стационарда уч кун ётиб чиқишга мажбур бўлдилар. Докторлар жигарда йиғилиб қолган ўтни обдан ювдилар. Мен ҳам у кишининг ёнида бўлишимга тўғри келди. Шароф аканинг стационарга тушгани қаттиқ сир тутилганига қарамай, эртаси куни палатага машҳур раис Ҳамроқул Турсунқулов кириб келдилар. Ҳамроқул Турсунқулов Шароф ака учун ўз ўғлидек ғамхўрлик қилишини мен ўша суҳбатда ҳис қилдим. Ҳамроқул Турсунқуловнинг Шароф акани огоҳлантириб айтган бир сўзи ўшанда мени анча-мунча таажжубга солган бўлса ҳам, вақт-соати келиб, кекса деҳқоннинг сўзи тўғри чиқди. «Шарофжон, Ўзбекистонни учта-тўртта «чипқон»дан халос қилиш керак, болам. Бу «чипқон»ларни даволайман, деб овора бўлманг. Сиз учини даволасангиз, бошқа жойида чипқоннинг болачалари яна чиқаверади. Уларни илдизи билан суғуриб ташламасангиз, Ўзбекистон покиза бўлмайди», – деб кекса деҳқон ўша уч-тўрт «чипқон»нинг номини санаган эди.

Шароф Рашидов хато қилган одамга ўз хатосини тузатиш учун имконият бериш кераклигини ва ўзи ҳам шундай йўл тутажagini кекса раисга уктириб турганда, Ҳамроқул Турсунқулов гўё портлади: «Ие, сиз қизиқ экансиз, Шарофжон! Иккита касални даволаб бўлмайди. Сиз ҳам даволайман деб овора бўлманг. Бу мен айтган одамлар ўша ҳар икки касал билан баб-баравар оғришган. Бу порахўрлик ва хотинбозлик касали. Бу касал уларнинг оёғидан чалган. Хотинбоз борки, порахўр бўлиши турган гап. Бу бир-бири билан боғланиб кетган дард. Бу чипқонларни тузатаман деб уринманг. Бу хато бўлади. Кейин кеч бўлади!»

Хурматли раисни кузатиб қўйгач, Шароф ака оғир ўйга толдилар. Республиканинг бешигини тебратиб турган ҳукмдор кишиларни рўй-рост порахўр ва хотинбоз деб дангал тилга олиш ўша пайтнинг ўлчови билан айтганда, катта айбнома эди. Шароф Рашидов, яқинда республиканинг «биринчилигига» сайланган киши бундай айбнома билан қизиқмаслиги мумкин эдими? Бу айбномани ўртага қўйган одам республиканинг биринчи деҳқони, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эди. Шароф ака бир хулосага келиши учун вақт керак эди, албатта.

Бироқ асосий сабаб вақтмиди? «Бу «чипқон»ларни мен ҳам яхши биламан, – деганди Шароф ака бир сафар менга ҳам юрагини ёриб. – Лекин улардан ҳам каттароқ «чипқон»лар Москвада туришибди. Бу «чипқон»лар марказдаги «чипқон»лар билан илдизи-илдизига туташиб кетган. Улар учун бу дунё фақат айши-ишратдан иборат. Улар гўё фақат шунинг учун туғилган»

Шароф ака республика «биринчи»лигига сайланган республика раҳбариятидаги маънавий турмуш нақадар оғир кечиши билан бир қаторда, Москванинг ҳам маҳаллий шароит билан мутлақо ҳисоблашмаган волюнтаристик қарорлари аҳволни янада танг қиларди. Шароф ака янги иш бошлаган йилларда бир кун тонг маҳали уйимизда уч раис олдинма-кейин тўқнаш келиб қолдилар. Аввал Жиззахдан Ҳамроқул тоға келганди. Кейин Янгийўлдан Ҳамроқул Турсункулов билан Абдулла Ортиқов келдилар. Ўша кезде Н.С.Хрущевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини «ихтисослаштириш» бўйича Иттифоқ ҳукумати қабул қилган қарор юзасидан норизолик машҳур раисларни тонг маҳали Тошкентга Шароф ака ҳузурига отланишга мажбур қилган эди. Бу қарорга кўра, ҳамма хўжалик ўз доирасида етакчи бўлган соҳа билан шуғулланиши, пахтакор пахта билан, чорвадор фақат чорва билан

шуғулланмоғи даркор эди. Ана шу қарорга асосан колхозлар ихтиёридаги қўйлар совхозларга ўтказилиши шарт килиб қўйилган эди. Шароф ака уйдан туриб, ўша пайтда қишлоқ хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келган Н.Ж.Худойбердиевга қўнғироқ қилдилар: «Нормухаммад Жўраевич, колхозларимиздан қўйлар батамом олиб қўйилса, уларнинг холи нима кечади? Уларнинг қозонига тош солиб қайнатамизми? Колхозларда чорва туёғининг бир қисмини сақлаб қолишга эришмоқ керак, ёрдам қилинг, керак бўлса, Москва билан гаплашинг. Мен ҳам гаплашаман».

Кейинчалик бу суҳбат Шароф Рашидовга қанчалик қимматга тушганлигини ҳам айтиб ўтишим керак. Москва қарорларини етарлича бажармаганлиги учун Ўзбекистон Марказда қаттиқ «муҳокама»дан ўтди. Бу республикада ўз пайтида суғуриб ташланмаган «чипқон»лару унинг Москвадаги чипқонлар билан ҳамкорликда Шароф акага ва унга яқин кишиларга марказ қўли билан берилган илк зарбалардан бири эди.

– Шароф Рашидов ўз замондошларидан кимнинг суҳбатини ардоқлар ва кимнинг маслаҳатини айниқса қадрлар эди? Яхши кунларнинг ҳамроҳи кўп, лекин оғир дамда у киши кимга кўнгили ёрарди?

– 50-йилларнинг иккинчи ярми Шароф Рашидов учун осон кечмади. Шароф Рашидов Олий Совет Президиуми Раиси бўлиб ишлаб турганда, бир йилда 300 кунга қадар командировкада бўлардилар. Иванов деган шофёрлари бўларди, ҳозир ҳам ҳаёт, биз билан, оиламиз билан яқин алоқасини сақлаб қолган. Шароф аканинг командировка чемоданини аэропортга чиқиб алмаштириб бериб келарди. Шароф ака бир вилоятдан учиб келиб, бир самолётдан иккинчи самолётга ўтирардилар. 1957 йили Шароф аканинг соғлиғи ёмонлашиб, бизни қаттиқ ташвишлантди. Ўшанда Тошкентда республика раҳбариятидаги маънавий турмуш ҳам

у кишини озмунча эзмас эди. Ўша йили Шароф Рашидовни Кремль касалхонасига ётқизишга тўғри келди. Ҳамон эсимда, уни аэропортда республика фаолларидан икки киши – М.М.Мусахонов ва С.К.Зиёдуллаев кузатиб қўйишди...

Шароф ака соғлиғи яхши бўлган йилларда ишлаб чарчамасдилар. 70-йилларда ёдимда бор, айти саратон маҳалида Тошкент обкомининг биринчи котиби М.М.Мусахоновни зўрлаб дам олишга жўнатар ва у кишига «Мирза Маҳмудович, шу кундан эътиборан Тошкент обкоми котиби бўлиб ишлаб турамиз. Сиз хотиржам дам олиб келинг. Ҳордиқ чиқариб кайтганингиздан сўнг, кўнглингиз тўқ бўлсин, ўрнингизни бўшатиб берамиз», – деб ҳазил-мутойиба қилардилар.

Сўнгги йилларда, сир эмаски, Шароф Рашидов кишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий масалаларни Н.Ж.Худойбердиев, М.М.Мусахонов, Й.Р.Қурбонов ва вилоят раҳбарлари билан бамаслаҳат ҳал қилардилар. Шунингдек, кишлоқ хўжалигида суяғи қотган тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатларига қулоқ осиб ўз бурчи деб биларди. Шароф аканинг ишдан кейин ҳам уйдан туриб кўп марта Маҳмуд Мирзаев, Маҳмуд Исматов, Жўра Хоназаров, Андижондан Абдусамат Тиллабоев, Самарқанддан Жониқул Юсупов, Шамси Назаров, Сурхондарёдан Мурод Омонов, Намангандан Аҳмаджон Одилов, Юқори Чирчиқдан Хван ва бошқалар билан телефонда тез-тез суҳбатлашиб, фикрлашиб турганларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Маданият соҳасида эса у киши Оқил Умрзоқович Салимовга батамом ишонардилар.

Бироқ мен шу ўринда Шароф Рашидовнинг дўстлари, шогирдлари унинг ишончини қай даражада оқлай олишди, деган қўшимча саволга ҳам аниқлик киритишни истар эдим. Бировлар Шароф Рашидовнинг «фалончи сафдоши турмада сотибди, бюрода ёки пленумда у

ҳақда нохуш сўз айтибди», деган майда-чуйда гапларни ташиб юришни ўзларига эп кўрдилар. Ким нима айтган бўлса, бу уларнинг виждонига ҳавола. Бироқ, мен шунга далолат беришим керакки, Шароф Рашидов бошида қора булутлар айланган дастлабки кезлардаёқ мен сафдошларидан ва шогирдларидан бир қанчасини бўлажак кунлар юзасидан қаттиқ огоҳлантирганман. Уларга иложи бўлса бизнинг хонадонимизга боғланган томонларини унутишларини, оғир кунларда ўз бошларини омон сақлашларини таъкидлаганман. Шароф аканинг чин дўстларини, сафдошларини сақлашнинг бошқа йўлини топмаганман. Шу боисдан ҳам, мен Шароф Рашидов ҳақида айтилган у ёки бу гапнинг замирида нималар ётганини англаган ҳолда хулоса қилиш кераклигини илтимос қилардим. Айтмоқчиманки, бир нокас олдида Шароф Рашидовни улуғлайман деб марказдан келган жаллодларнинг қиличига дучор бўлгандан кўра, мен Шароф аканинг дўстлари, сафдошларининг жонини сақлаб қолишни афзал билганман, айтишга осон, ўша кезларда Шароф Рашидовнинг дўстлари, сафдошлари бошида қатағон қиличи ҳеч нимани аямаган, бешафқат қайралган эди. Гдлян ва Иванов бошчилигида жаллодлар одамларни не аҳволга солишганини мен ўз кўзим билан кўрганман. 25 кун мени ҳам тинимсиз тергов қилишган, сўроққа тутишган. Асосий савол нимадан иборат эди, денг? Рашидов оиласининг яқинлари ким эди? Шароф Рашидов оиласининг тўйларида кимлар таклиф қилинарди? Қаранг-а, Рашидов оиласининг яқини бўлишнинг ўзи ҳар қандай жазога лойиқ деган ҳукм учун етарли асос бўлиб қолганди. Ўзи шундай бўлгани йўқ, албатта. Республикада ва марказ қуриб, ўз пайтида суғуриб ташланмаган ва бунинг учун Шароф Рашидов марҳаматидан энг миннатдор бўлиши керак «чипқон»лар бунга биринчи навбатда сабабчи бўлди. Улар ифлос ўтмишини оқлашнинг бошқача йўлини то-

полмадилар. Республикада Усмонхўжаев ҳукмронлик қилган даврда шундай бўлди. Шароф Рашидовнинг дўстлари ва сафдошлари, шогирдлари ва издошларига оғир кунларни бошидан кечиришга тўғри келди. Бу қатагон Нишонов даврида авжга минди. Лекин мен аминманки, Шароф Рашидовнинг назари тушган ҳақиқий инсонлар қиёфасини заррача ўзгартирмади. Улар содиқ қолдилар. Шароф Рашидов ҳаётда майда гаплардан ўзини йироқ тутарди. Бугун ҳам Шароф ака руҳини ҳурмат қилган ҳар бир инсон у киши ҳақидаги майда-чуйда гаплардан сақланишса яхши бўларди.

– Вақти-соати етиб, инсон бу дунёнинг барча қошонаси билан, шу жумладан, тоғу тахт билан видолашуви аниқ. Шу жиҳатдан Шароф Рашидов ўз ворисини танлаб улгурганмиди? Айрим тахминларга кўра, Шароф Рашидов бир пайтлари ўз ўрнига Нишоновни, кейинчалик Салимовни ва ниҳоят Усмонхўжаевни муносиб кўрган эмиш? Сиз бу тахминлар ҳақиқатга қай даражада яқин деб биласиз?

– Мен суҳбатимиз бошидаёқ айтиб ўтдим, Шароф Рашидов оқкўнги, одамларга ўта ишонувчан, содафёъл киши эди. Бироқ ундан давлат ишига оид ахборот олиш осонмасди. Шу боисдан, мен ҳам унинг «ворис»лик ҳақидаги васияти қандай бўлганлигини аниқ айтолмайман. Лекин юқорида келтирилган номзодлар устида Шароф аканинг муносабатлари қай даражада бўлганлиги хусусида фикримни айтишим мумкин. Нишонов ворислик даражасига етмаганлиги аниқ. Қолаверса, унинг башарасини Шароф Рашидов жуда барвақт билиб олганди. Табиатан мутлақо ҳалол ва покиза ҳаёт тарафдори бўлган Шароф ака Нишоновнинг ҳаёт тарзидан ҳазар қилар ва қаттиқ нафратланар эди. Рафиқ Нишоновнинг марҳум хотини ўз эрининг мунофиқлиги, риёкорлиги ва хиёнатлари устидан Шароф Рашидовичга мурожаат қилганида, у киши

бир неча кун оромини йўқотган ва бизнинг ичимизда кимлар яшаб, кимлар ишлаяпти, деб тўлғониб юрган эдилар. Усмонхўжаев ҳақида эса кўп гап эшакка юк, деб ўйлайман. Чунки Усмонхўжаев Олий Совет Президиуми Раислигига муносиб номзод бўлолмаганини ҳам Шароф ака ҳаётлигидаёқ тан олган эдилар. Бир сафар Усмонхўжаев ичиб уйда бўкиб қолганидан Шароф Рашидов хабардор бўлгач, телефонда: «Ука, ўзингни кўлга олинг, докторларни овора қилманг. Ҳали биронта доктор алкаш раҳбарни даволай олмаган!» – деб қаттиқ танбех берганларини эслайман.

О.У. Салимов ҳақида нима дейишим мумкин? Назаримда, у ҳеч қачон катта раҳбарликка интилмаган.

– Ёзувчи Шароф Рашидов кимни севиб ўқиб, кимни ўқиб ҳайратланарди? Адиб сифатида у кимга сизинар ва кимларни қадрларди?

– Шароф аканинг адабиёт, санъат ва маданият арбоблари ичида астойдил ҳурмат қиладиган дўстлари кўп эди. Яшин ака, Иброҳим Мўминов, Обид Содиков, Воҳид Зоҳидов, Садриддин Йўлдошев, Абдували Имомалиев, Восил Қобулов, Саъди Сирожиддинов, Эркин Юсупов, Ўктам Орипов, Ҳамробоев, Содик Мираҳмедов, Уйғун ака, Раҳмат Файзий, Александр Удалов... Эҳ-ҳе қай бирларини санай. Шароф ака уларга ўзига ишонгандек ишонар ва уларни фанимиз ва маданиятимизнинг жонкуярлари деб эътироф этгандилар. Лекин катта адабиёт ҳақида гап кетганда Шароф ака «ўзбек адабиётининг уфқида уч юлдуз балқиб чиқмоқда», – деб кўярдилар. Уларнинг ҳар бир янги сатри Шароф аканинг эътиборидан четда қолмасди. Булар: Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева... «Улар устозларидан ўтиб кетишди!..» – бу ҳам Шароф аканинг айнан сўзлари. Адабиётимизнинг бу уч ёрқин юлдузи Шароф акада катта умид уйғотганди. Ўйлайманки, улар ўртасида бўлган ижодий мулоқотни уларнинг ўзлари учун

қолдирсак яхши бўларди. Абдулла Ориповнинг китобларини Москвада нашр эттириш ва унга муносиб ва мойил таржимон топиш хусусида бош қотирганларини Абдуллажоннинг ўзлари яқинда газетда ишонарли қилиб ёздилар ва Шароф аканинг Москвага йўллаган дастхатигача эълон қилдилар. Айна пайтда Эркин Воҳидов ҳам Шароф аканинг меҳр ардоғида эди. Унинг машҳур «Ўзбегим» шеъри атрофида турли кимсалар ўз ҳукумини ўтказишга уринганларини яхши биламан. Тун ярмидан оққанда ётоқхонада телефон жиринглаб, Шароф ака аллакимнингдир Эркин Воҳидов ҳақида билдирилган эътирозларига: «Қўйинг, Эркин Воҳидовни сиздан кўра яхшироқ биламиз, тегманг, шоирни безовта қилманг», – деганини яхши эслайман. Кейин билсам, бу бемаҳалда сим қоққан республика Давлат хавфсизлик қўмитасининг раиси бўлиб, у шоирни «тергов» қилиш учун Шароф Рашидовдан шошилинич ва қатъий рухсат талаб қилаётган экан. Бироқ муддаосига ета олмади... Ҳалимаҳон ҳақида нима дейишим мумкин? Мен ўйлайманки, Ҳалимаҳон Шароф Рашидовнинг чин қизи эди ва шундай бўлиб қолди. Шароф Рашидов Ҳалимаҳонни кашф этганида бу жингалак соч, келажаги порлоқ, қизча ҳали ўрта мактаб ўқувчиси эди.

– *Санъат оламида Шароф Рашидов ардоқлаган кишилар кўп.*

– Шароф аканинг санъат оламига бўлган муносабати ҳақида сўз айтганда, биринчилар қаторида Раҳим Аҳмедов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Зикир Муҳаммаджонов, Галия Измайлова ва бошқалар кўз олдимга келади. Ажойиб ҳофизимиз, академик Юнус Ражабийга Шароф аканинг ҳурматлари бениҳоя зўр эди. Композиторлардан Улуғбек Мусаев, рассом Баҳодир Жалоловни бизнинг келажагимиз деб билардилар. Баҳодирни эркалаб, «Худо бизга Камолиддин Беҳзодни кайтариб берди» деб фахрланиб гапирганлари эсимда.

Агар Шароф Рашидов қай куй ва мусиқани тинглашни хуш кўрарди, десангиз, айтишим мумкин. У ҳаётида камдан кам бўладиган ҳордиқ онларида Турғун Алиматов маҳорат билан чалган танбур куйларини тинглаб хаёлга чўмарди. Ҳатто бир сафар: «Агар пенсияга чиқсам, албатта танбурни ўрганаман», – деб иштиёқ билан айтгандилар.

– Фан олами билан Шароф Рашидовни кимлар ва нималар кўпроқ боғлаб турарди?

– Шароф Рашидов фан оламининг муаммолари билан ҳеч эринмай, эрта-ю кеч шуғулланишга тайёр эди. У Муҳаммаджон Ўрозбоев, Убай Орипов, Иброҳим Мўминов, Содик Азимов ва бошқаларнинг муаммолари билан Москвага тез-тез кўнғироқ қилар, масалалар ечимини шахсан илтимос қиларди. Академик Королев билан уйдан туриб кўп сўзлашганлари ёдимда.

Айни пайтда, Шароф Рашидовнинг юрагида буюк армонлари ҳам бор эди. Биз бир сафар академик Иброҳим Мўминовнинг хонадони меҳмони эдик. Икки куда (биз улар билан яқинда қудалашган эдик) Амир Темур буюкклиги ҳақида, унинг тарихдаги ўрни ва хизмати ҳақида узоқ суҳбат курдилар. Мен Амир Темур ҳақида уларнинг қарашлари нақадар яқинлигини англаб, ҳайратланиб қулоқ тутардим. «Темур ҳақида бизнинг давримизда жим туриш гуноҳ. Бирон нима қилиш керак? Ахир Петр I кўкларга кўтариб кино қилиняпти, романлар ёзилган. Амир Темур олдида у ким?» – деб суҳбатни якунладилар Шароф ака. Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги машҳур рисоласи ана шу суҳбат меваси бўлса, ажаб эмас.

– Лев Толстой: «Толстойни Толстой қилган Толстойнинг кун тартибидир». – деган экан. Шароф Рашидовнинг кун тартиби қай даражада эди?

– Шароф Рашидовнинг кун тартиби қатъий эди: серҳаракат ва камуйкулик унга хос эди. Тонг соат 5 да

Ўрнидан турар ва 30–40 минутлик ҳовли айланишдан сўнг иш столига ўтирарди. Энг муҳим хусусият – у бутунлай иш формасига кириб «ясаниб», сўнг ишга киришарди. Шунча йил яшаб, Шароф аканинг бирон марта ишга кечикиб кетганларини эслолмайман.

– *Шароф Рашидов кўчадаги мавқеидан кечиб, «оддий ота» бўла олармиди? Оила даврасида унинг ўрни қандай эди?*

– Мен Шароф аканинг уйда ва кўчада бир хилда камтарлиги ва оддийлиги ҳақидаги кўплаб мисоллар ва воқеаларни эслашим мумкин. Ўйлайманки, бу кўпчиликка ҳам сир эмас. Шароф ака одам турган жойдан қайрилиб кетолмас, кўришмай ўтолмас эди. «Раҳбар Рашидов» ҳақида бугунга келиб озми-кўпми ҳақиқат рўёбга чиқиб, хотиралар, ёдномалар битилмоқда. Шароф аканинг оиладаги ўрни ҳам ниҳоятда оддийлик ва соддаликка асосланган эди. У ўз фарзандларининг севимли отаси, набираларининг ёқимли бобоси эди.

Шароф аканинг ишдан қайтиши оиламизда кичкинтойларнинг айниқса катта байрами эди. Улар оталари ва боболарининг ҳар куни ишдан қайтишини ювиниб, тоза бўлишиб, ясаниб-тусаниб кутиб олишарди. Шароф ака набиралар билан ҳар тўқнаш келганда ҳар қанча чарчоқ босганига қарамай, уларни ердан озод кўтариб олар, эркалар ва кичкинтойлар нима ўқиб, нима ёдлашганини сўраб-суриштирардилар. Сўнгги йилларда бизнинг кичик оиламиз 20 кишига етиб қолганди. Улар тўпланганда, Шароф ака уларнинг ҳар бирига хос сўз топиб айтар, номларининг ёнига ширин сифатлар қўшиб, кўнглини кўтарар ва шодлантирардилар. Ўғлим Илҳомжон, қизларимиз Сайёрахон, Дилоромхон, Гулнорахон ва куёвларимиз Аҳтамжон, Толибжон ва Азизжонлар ҳамда набираларимиз Шароф ака билан ўтирган ҳолида катта ҳаёт мактабини ўтардилар. Мен буни пайқаганим учун ва бу мактаб ва сабоқ уларнинг ке-

лажак ҳаёти учун асқатишини билганим туфайли, бир стол устида уларнинг бошини қовуштиришга жоним ҳалак эди. Афсуски, биз камдан кам бунинг уддасидан чиқар эдик. Байрамлардагина биз тўпланиб, ҳамма стол атрофида ўз ўрнини эгаллаганда, одатда тўрдаги ўрин кўпинча бўш бўларди. Шароф ака гоҳ Москвада, гоҳ республика бўйлаб командировкада, гоҳида эса мажлисларда халқ дарди, ғами ва катта ташвишлари билан банд бўларди. Биз эса буни тушунганимиз учун у кишини кутиб чарчамасдик. Ҳаёт бизга кутиш ва сабр-тоқат бахтини мўл-кўл берган экан. Мен ҳамон Шароф ака шу эшикдан мана ҳозир, мана ҳозир кириб келадилар, деб кутаман. Қалбингдаги одамни кутиш бахти буюк ва мароқли. Мен бахтли аёлман. Шароф Рашидовдек буюк ва табаррук зот билан умрим бирга ва ҳамнафас кечганлигидан бахтиёрман. Ҳа, мен бахтли аёлман.

Сухбатдош Шароф Убайдуллаев.

*«Саодат» журналининг 1992 йил
октябрь-ноябрь сонларидан олинди.*



ЮРТГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛГАН ИНСОН ХАЛҚ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Республикамизни жуда оғир ва мураккаб йилларда бошқарган, эл-юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юқтирмай ўтган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов фаолиятини халқимиз тарихидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 март куни қабул қилинган «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини халқимиз катта қувонч билан кутиб олгани бежиз эмас. Бу қарорнинг аҳамияти ва қадрини, айниқса, ўша долғали кунларнинг гувоҳи бўлган катта авлод вакиллари жуда теран англайди. Уларнинг хотиралари, фикрлари ёшлар учун бебаҳо манбадир.

Кўп йиллар Шароф Рашидов билан елкама-елка ишлаган *Ўзбекистон фан арбоби, академик Оқил САЛИМОВ* билан *Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ*нинг суҳбати яқин тарих ҳақиқатлари, Шароф Рашидовнинг атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи сифатида эл-юртимиз олдидаги унутилмас хизматлари ва инсоний хислатлари ҳақида бўлди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ:

– Оқил Умрзоқович, тарих – ҳақиқат чироғи, тиррик хотира. Собиқ мустабид тузум даврида халқимиз ҳаётида рўй берган синовлар бугунги авлодлар учун катта сабоқ бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Халқимиз эл-юрт учун жон куйдириб ишлаган, шу улуғ йўлда умрини тиккан фарзандларини ҳамиша эъзозлаган. Мустақиллик арафасида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов жасорати билан ҳақиқат қарор топгани – «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тамғалар билан айбланиб, ноҳақ камалган юзлаб инсонлар, жумладан, Шароф Рашидов номининг оқланиши бунинг яққол исботидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Бу ерда ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, у кишининг ҳайкали ўрнатилиши, Жиззах шаҳрида мемориал уй-музей ташкил этилиши режалаштирилди. Адибнинг «Сайланма» китоби, Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» хотира китоби нашрга тайёрланмоқда. Хужжатли фильм яратиш, илмий конференция ўтказиш кўзда тутилган.

Халқимизнинг оташқалб фарзанди таваллудининг кутлуғ санасига катта ҳозирлик кўриляётган айни кунларда бу улуғ сиймонинг шахсияти ва фаолиятида муҳассам бўлган ноёб фазилат ва хислатларни яна бир бор ёдга олиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Яқин ўтмишимиздаги мураккаб даврларда Шароф Рашидовнинг республикамизни қарийб чорак аср давомида бошқариши албатта осон бўлмаган. Бу тарих ҳақиқатларини бугун, айниқса, ёш авлодларга эслатишанглантиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Оқил САЛИМОВ:

– Дарҳақиқат, тарихни билмай туриб, бугунги кунга баҳо бериб бўлмайди. Яхши биласиз, ўша даврларда ҳар қайси иттифоқдош республика раҳбари собиқ Мар-

каз чизигидан чиқмасдан фаолият олиб боришга мажбур эди. Шунга қарамай, Шароф Рашидович республикамиз, халқимиз равнақи учун ўзини аямасдан меҳнат қилди. Республикамиздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектлар қурилиши айнан у кишининг номи билан бевосита боғлиқ эканини эл-юртимиз яхши билади. Энг муҳими, буларнинг барчаси нафақат ўша давр, балки келажакни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган. Бир мисол: ўша пайтларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида миллионлаб гектар кўриқ ерлар очилди, пахтазору буғдойзорлар, боғ-роғлар барпо қилинди. Бугунги кунда бу ҳудудлар халқимизнинг фаровон ва тўкин ҳаёти учун хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга Навоий, Зарафшон, Янгиер, Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар бунёд этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг табиий бойликларини қайта ишлаш борасидаги йирик индустрияга ўша вақтлар пойдевор қўйилган, десак, хато бўлмайди.

Шароф Рашидович улкан давлат арбоби, таниқли адиб бўлишига қарамасдан, ниҳоятда камтар, самимий, одамларга меҳрибон инсон эди. У юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, қурилиш майдонлари ва далаларда, саноат корхоналарида бўлиб, турли касб эгалари, оддий одамлар билан мулоқот қилишни хуш кўрарди. Шундай сафарлар чоғида эл-юрт ҳаёти учун муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича режалар ишлаб чиқиларди.

У киши халқимизнинг огир ва машаққатли меҳнат эвазига катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта, пилла, қоракўл тери етказиб бераётганини чуқур англади, қўлидан келганча ана шу заҳматқаш одамларнинг оғирини енгил қилишга интилар эди.

Халқимиз Шароф Рашидовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бугунги салоҳияти ва замонавий

қиёфасини яратишда беқиёс хизматлари сингганини яхши билади ва юксак қадрлайди. 1966 йилги зилзила оқибатида вайрон бўлган тураржойлар, маъмурий бинолар, корхоналарни тиклаш, бошпанасиз қолган ва яна узоқ ўлкалардан кўчиб келган одамларни уй-жой билан таъминлашнинг ўзи бўлмаган. Бугун пойтахтимиздаги метрополитен хизматидан фойдаланаётган, театрлару музейлар, санъат саройлари ё сайилгоҳларда бўлган ҳар бир инсон Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олдида хурмат бажо этади.

Дарвоқе, Тошкент метрополитени қурилишига собиқ Марказ дастлаб қарши чиққан. Ҳали зилзилани, ҳали ерости сувларини баҳона қилиб, бу лойиҳани амалга оширишга йўл бермаган. Шароф Рашидов метро Тошкент ҳаёти учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, энг билимдон ва тажрибали мутахассислар иштирокида таҳлилий маълумотлар тайёрлатиб, пойтахтимизда метрополитен қуришга барча асос борлигини исботлаб берган эди.

Истиклол йилларида Тошкент метросининг йўналишлари кенгайди. Бугун ҳам унинг янги йўналишлари бўйлаб қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Сергели йўналишида 7,1 километрлик ер усти метроси қурилмоқда.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ:

– Шароф Рашидов феномени ҳақида гап кетганда, у кишининг жуда мулоҳазали, донишманд, дили ҳам, тили ҳам пок, меҳрибон, юмшоқ кўнгилли инсон бўлганини эслаймиз.

О. САЛИМОВ:

– Чиндан ҳам, Шароф Рашидович том маънода зиёли инсон эди. Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, деган қоидага ўзи ҳам амал қиларди, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. Ундаги бир сўзлилиқ, қатъият,

матонат, ҳар қандай оғир муаммони оқилона ҳал қила олиш фазилатларига жуда кўп гувоҳ бўлганман. Яна бир фазилати – ҳамиша далил ва исботлар билан гапирарди.

Собиқ Иттифоқ миқёсидаги кўзга кўринган сиёсий арбоблардан бири сифатида Шароф Рашидовнинг ташқи сиёсатдаги фаолиятини, афсуски, кўпчилик яхши билмайди. Масалан, 1966 йили Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги можарони тўхтатиш бўйича қабул қилинган тарихий битимга эришишда Шароф Рашидовичнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган.

У АҚШ ва СССР ўртасида ядро урушига олиб келишига бир баҳя қолган «Кариб танлиги» муаммосини бартараф этишда, Куба раҳбарлари билан музокаралар олиб боришда фаол қатнашган эди. Кўплаб мамлакатларга сафарларда СССР делегацияларига раҳбарлик қилган эди. Бунга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ:

– Шароф Рашидов дунёдан кўз юмганида, аввало, ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди, хотирасини таҳқирлаб, қабрини кўчирди. Оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этди. «Рашидовчилик» деган бўҳтонни ўйлаб топиб, юзлаб бегуноҳ одамларни қатағон қилди.

Бу ҳақда гапирганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда, «яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт», деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбарининг: «Ўйлаб қоласан киши, дунёда шунақаям адолатсизлик бўладими?! Инсон ти-

рик пайтида уни кўкларга кўтариб, вафотидан кейин ер билан яксон этса, қадрини беобрў қилса, бу ўзи қандай давлат, қандай жамият бўлди? Лекин, тарих гувоҳ, ҳаётда шундай адолатсизликлар ҳам бўлар экан. Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳаттоки шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан», деган фикрлари ҳар қайси инсонни чуқур ўйга толдириши табиийдир.

О. САЛИМОВ:

– Ҳа, афсуски, бу тарихимиздаги энг катта хатолардан бўлди. Бунинг учун ўша вақтда мансабни деб, ўз манфаати ва обрўсини ўйлаб ор-номусини, эл-юртини сотган бир гуруҳ кимсалардан бошқа ҳеч ким айбдор эмас.

Халқимиз ўша оғир вақтларда ҳам Шароф Рашидов эл-юрт равнақи учун бутун умрини бағишлаганини яхши англарди. Халқимиз бор ҳақиқатни яхши билади, ҳеч нарсани унутгани йўқ. Шу боис, кўп ўтмай адолат қарор топди. Шароф Рашидовга нисбатан нонкўрлик, мунофиқлик ва хоинлик қилганларни ҳаётнинг ўзи жазолади. Энг муҳими, бугун халқимиз уларнинг номини деярли эсламайди. Аслида уларга энг ҳақли, энг оғир жазо шу.

Ўша вақтлар Шароф Рашидовга қўйилган «айб»ларда ҳам у инсоннинг халқимизга, маънавиятимизга, тарихимиз ва кадриятларимизга нақадар содиқ бўлгани кўриниб туради. Хусусан, ўша сотқинлик бошида туриб, эл-юртимиз нафратига учраган кимсалардан бири матбуотдаги интервьусида шундай деган: «Рашидовнинг миллатчилик туйғусидан келиб чиқиб, Темур каби қонхўр босқинчиларни улуғлаштиргани айниқса менга ёқмас эди».

Орадан кўп ўтмай, ким ҳақ эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди-ку! Биринчи Президентимиз Ислом Қари-

мов маънавий тикланиш ва янгиланиш ислохотларини улуғ аждодларимиз, хусусан, Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қурди. Соҳибқирон бошқа саркардалардан фарқли равишда бунёдкор шахс бўлгани, қайси жойдан бир ғишт олса, ўрнига ўн ғишт қўйдиргани, бир дарахт кестирса, ўрнига ўн кўчат эктирганини, буюк Темурнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини дунёга яққол исботлаб берди.

Ислом Абдуғаниевич ана шундай улуғ сиймоларимиз қаторида Шароф Рашидовнинг ҳам порлоқ хотирасини тиклади. 1992 йил ноябрь ойида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Биринчи Президентимиз «Дақиқани абадиётдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, Шароф Рашидовнинг ҳаётини ҳам ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди», дея таъкидлаганларида ниҳоятда ҳақ эди.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ:

– Шу ўринда бир суҳбатимизда айтиб берганингиз – Шароф Рашидов Имом Термизий қабрини тез-тез хуфиёна зиёрат қилиб тургани, бу масканни обод қилиш йўлларини излагани ёдимга келмоқда. Бу тарих ҳақиқатларидан бугунги ёшларни ҳам хабардор қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Мана, Шароф Рашидов орзу қилган кунларга етдик: Биринчи Президентимиз Ислом Каримов жасорати билан улуғ алломаларимизнинг муборак номлари тикланди, халқимиз уларнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, 1990 йили мамлакатимизда Абу Исо Муҳаммад Термизий (Имом Термизий) таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланган бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 февралдаги қарори билан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Ислом маданияти ривожига ул-

кан хисса кўшган буюк аждодимиз Абу Исо Муҳаммад Термизий ва бошқа термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганишга киришилди.

Бугун мазкур зиёратгоҳда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, замонавий ёдгорлик мажмуаси барпо этилаётир. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилади.

О. САЛИМОВ:

– Жуда тўғри айтдингиз. Мен Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ҳақидаги қарорини ўқиб, тўлқинланиб кетдим.

Шароф Рашидович бу кунларни чин дилдан орзу қилган, десак, хато бўлмайди. У киши қачон Сурхондарёга борса, тонг-саҳарда Имом Термизий қабрини зиёрат қиларди.

Ўша зиёратларнинг бирида мени секин четга тортиб, бир гапни айтди: «Шундай улуғ алломаимизнинг мангу оромгоҳи, қаранг, қандай хароб ахволда... Бу жойни обод қилишимиз керак, фақат бу ташаббус маҳаллий аҳолидан чиққани маъқул». Ҳеч нимага тушунмадим. Сўнг у киши айтдики, «Шу ерлик одамлардан Марказга, республика раҳбарияти ушбу тарихий масканга эътибор бермаяпти, деган мазмунда шикоят уюштирсангиз». Хаёлимга дарҳол «мени синаяптими», деган ўй келди ва кескин жавоб қилдим: «Кечирасиз, Шароф Рашидович, мен бундай қила олмайман». Кўнглимдаги фикрни сезди ва оҳиста жилмайди: «Сизнинг садоқатингизга заррача ҳам шубҳам йўқ, лекин шундай қилмасак бўлмайди». Орадан кўп ўтмай Марказдан бир катта раҳбар Шароф Рашидовга кўнғироқ қилди: «Қанақа раҳбарсиз, ўрток Рашидов, Сурхондарёда қандайдир бир олимнинг

кабри хароб бўлиб ётганидан аҳоли норози: бизга кетма-кет шикоят ёзмокда. Шу қабрга сал караб қўйсангиз бўлмайдими?».

Шу тариқа Имом Термизий зиёратгоҳи бироз тартибга келтирилди. Дарахтлар, гуллар экилди. Лекин, қанча хоҳламайлик, бундан ортиғи хавfli эди. Шароф Рашидович шундан ҳам анча таскин топиб юрди.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ:

– Шароф Рашидов ҳамиша миллий кадриятларимизга содиқ бўлган. Наврўз байрамини қадрлагани ҳам бунга далил.

Адабиётимиз ривож, ижодкорлар учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги хизматлари туфайли юзлаб ёш шоир ва ёзувчилар, рассом ва композиторлар юзага чиккан. Шароф Рашидов атоқли ёзувчи бўлиш билан бирга, ижодкорларнинг ғамхўри, хомийси ва ҳимоячиси бўлганини ҳам яхши биламиз.

О. САЛИМОВ:

– Чиндан ҳам, бу инсон миллий кадриятларимизга ҳамиша содиқ бўлган. Халкимиз тарихини асраш, улуглаш Шароф Рашидовнинг эзгу орзуси бўлган эди. Бу йўлда у кўп ишлар қилган.

Дейлик, нима учун Тошкентда «Алгоритм» заводи қурилган? Бу корхонага Ал-Хоразмий номи берилганига эътибор беринг. Нима, бу завод учун бошқа ном йўқмиди?..

Нима учун ўша вақтларда кадрият ва урф-одатларимиз билан ҳукмрон тузум мафкураси ўртасида кўп боғлиқлик изланган? Чунки шундай қилмаса, тоталитар мафкура тазйики билан кадриятларимиз йўқолиб кетиши мумкин эди.

Мана, Наврўзни эслаяпсиз. Жиззахда Наврўзбулок деган жой бор. Бу номни Шароф Рашидовичнинг ўзлари қўйдирган эди. Маҳаллий аҳоли қадимий байраимизни ўша жойда нишонлар эди. У кишининг таклифи

ва далдаси билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров «Наврўз» романини ёзган эди.

Шароф аканинг вафотидан сўнг миллий кадриятларимизни йўқотишга кескин ҳаракатлар бошланди. Наврўз тақикланди. Унинг ўрнига сохта байрам – «Навбахор» жорий қилинди. Бироқ халқимиз бундай сохта байрамни қабул қилмади.

Шароф Рашидов қанчалик муҳим давлат ишлари, мана шундай сиёсий можаролар билан банд бўлмасин, Худо берган истеъдоди, сўз санъатига бўлган чексиз меҳри туфайли ижод оламини ҳеч қачон тарк этмади. Кўплаб роман ва киссалар, шеърый асарлар, публицистик мақолалар яратди.

Айниқса, адабнинг «Кашмир қўшиғи» асари ўзбек адабиётида ўзига хос воқеа бўлганини кўпчилик ижодкор зиёлилар эътироф этади. Энг муҳими, бу асарда ёзувчининг дилидаги пинҳоний армони – озодликка интилиш ғоялари бадиий сатрларда ўз аксини топганини зукко китобхонлар яхши англайди. Адиб воқеаларни Ҳинд юртига кўчирган. Сабаби эса аён...

Шароф Рашидович маданият ва санъат аҳлига жуда катта эътибор билан қарар, ижодкор зиёлиларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга интиларди. Албатта, ўша даврда замон мафқураси таъсирида ёки ғоявий буюртмалар асосида ёзилган асарлар ҳам бўлган. Лекин, шулар билан бир қаторда, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган кўплаб асарлар ҳам яратилгани айни ҳақиқат.

У киши ёш ижодкорларни ҳаминша қўллаб-қувватлар эди. Масалан, кейинчалик ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари бўлиб етишган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари истеъдодли шоирларни кўп бор ҳимоя қилганига ўзим гувоҳ бўлганман. Шароф Рашидов уларнинг асарларини рус тилига таржима

қилдириб, Москвада нашр эттиришга бош-кош бўлди. Уларнинг бошида қора булутлар айланиб қолганда, Эркин Воҳидовни Гётенинг «Фауст», Абдулла Ориповни Дантенинг «Йлоҳий комедия» асарларини таржима қилишга даъват этганларини яхши эсламан. Шароф Рашидовичнинг бу оқилона тадбири туфайли ҳам ёш шоирлар бало-қазолардан сақланиб қолган, ҳам ўзбек адабиёти икки шоҳ асар таржимаси билан бойиган эди.

...Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонимиз, халқимиз учун қилган фидойи хизматларини, ҳалол ва покиза номини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди. Яқин ўтмишимиздаги жуда мураккаб, оғир ва таҳликали йилларда юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, тақдир синовларидан муносиб ўтиб, ўз вазифасини шараф билан адо этган Шароф Рашидов қисмати барчамизни мустақилликнинг қадрига етишга, уни кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундайди.

ЎЗА мухбири Умид ЁҚУБОВ
ёзиб олди.



Сайёра РАШИДОВА:

**БАҒРИКЕНГ ХАЛҚИМИЗНИНГ
МЕХР-МУҲАББАТИ БИЗГА
КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАГАН**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори халқимизни беҳад мамнун этди.

Республикаимизни оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта хисса қўшган Шароф Рашидовнинг ҳаёти – авлодлар учун ибрат намунаси. «Адолат» газетаси мухбири унинг фарзанди, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори Сайёра РАШИДОВА билан отасининг ҳаёти, фаолияти борасида суҳбатлашди.

– Президентимизнинг қарори юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган Шароф Рашидовнинг хотирасини улуғлаш билан бир қаторда, мустақиллик йилларида тугилиб вояга етаетган авлоднинг яқин ўтмишимиздаги тарихий воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлишига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз. Шароф Рашидовни кўпчилик атоқли давлат арбоби, истеъдодли ёзувчи сифатида эътироф этади, ёдга олади. У киши оилада қандай инсон, қандай ота бўлган? Шу ҳақда гапириб берсангиз.

– Сухбатимиз аввалида шуни таъкидлаб ўтишни истар эдимки, биз, Шароф Рашидовнинг фарзандлари орадан шунча йиллар ўтиб, отамнинг юрт ривожига, халқимиз турмуши яхшиланиши йўлида қилган хизматлари муносиб баҳолангани ва кадрланганига гувоҳ бўлиш бахти насиб қилгани учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Халқимизнинг «Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди», деган нақли нақадар топиб айтилганига яна бир бор амин бўлдик.

Отам вафотидан сўнг, оиламиз, айниқса, онам не-не кийинчиликларни бошидан ўтказмади. Лекин ўша дамларда бир нарса аниқ бўлдики, Шароф Рашидовни халқимиз ниҳоятда яхши кўрар экан. Шундай қарашлар давом этиб турган пайтларда қанча одамлар гоҳ уйимизга келиб, гоҳ йўлда бизнинг кўнглимизга далда берган.

Умуман олганда, ҳар қандай вазиятда айнан бағрикенг, танти, олижаноб халқимизнинг меҳр-муҳаббати бизга куч-қувват бағишлаган. Қолаверса, мамлакатимиз мустақиллиги асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ва бугунги кунга келиб у кишининг муносиб издоши сифатида фаолият юритаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эътибор ва эътирофлари биз, фарзандларни, шу билан бирга, отамнинг ҳақиқий шогирдлари, ҳамкасбларини беҳад қувонтирди.

Жиззах вилоятидаги туманга Шароф Рашидов номи берилиши, туманда унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси барпо этилиши ва ҳайкали ўрнатилиши, Жиззах шаҳрида мемориал уй-музейининг ташкил этилиши ва музей ҳудуди ободонлаштирилиши, отамнинг «Сайланма» китоби ҳамда ҳаёти ва фаолиятига бағишланган хотира китобининг чоп этилиши – шу сингари барча саъй-ҳаракатлар халқимиз, айниқса, ёш авлодга отамнинг ҳаёти ва фаолиятини яқиндан таништиришга хизмат қилиш билан бир қаторда, мустабид тузум даврида республикаимизнинг жуда мурак-

каб ва оғир ҳаёт йўлини босиб ўтганлиги ҳақида кенг маълумотлар ҳам беради. Зеро, асл, ҳақиқий тарихни билмасдан туриб, келажакни куриб бўлмайди, ўтмишни ўрганмасдан туриб, бугунги кунни тўғри англаш мушкул.

Энди отамнинг оиладаги ўрни хусусида тўхталиб ўтсам. Оила – жамиятнинг энг муҳим бўғини. Лекин оила бошлиғи жуда ҳам муҳим иш билан банд бўлган тақдирда, оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, рўзгор, хўжалик ишларини юритиш билан боғлиқ ҳамма қийинчилик онанинг зиммасига тушади. Отам давлат ишлари билан банд бўларди, биз, фарзандлар эса отамга зиммасидаги масъулиятли вазифаларни ба-жаришда халақит бермаслигимиз лозим эди. Яъни ўз тарбиямиз, билимимиз, меҳнатимиз билан ҳаммага ибрат бўладиган даражада кучли бўлишимиз керак эди. Бу, аввало, онам берган тарбия маҳсули. Онам бизларга отамга энг яқин кўмакчи, содиқ ва ишончли елкадош бўлишимиз кераклигини қайта-қайта уқтирган. Аслида бу ўғитларнинг ҳаммаси отамдан чиқарди. Отамнинг ўғитлари онам орқали етказиларди. Умуман, оиламиздаги муҳитнинг барқарорлигида, фарзандларнинг ўзаро аҳиллигида, тарбиясида отам билан бир каторда онамнинг хизмати катта бўлган.

Оиламиз мисолида айта оламан, қайси оилада эр ва хотин, ота-она, қариндошлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат ҳисси юқори бўлса, бу омиллар фарзандларнинг феъл-атвори, тақдири ва келажакда ўз аксини топади. Ўзаро самимий ва илиқ муносабат ўрнатилган, меҳрга тўла оилада камол топган бола ҳаётни кадрлайди, юртини, одамларни яхши кўради. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, болалар таълим-тарбиясини яхшилаш, уларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини бойитишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Бу аждодлардан мерос боқий анъана ҳисобланади.

– *Сир бўлмаса, Шароф Рашидов ўз рафиқаси, умр йўлдошини қандай учратгани ҳақида айтиб берсангиз.*

– Ота-онамнинг гапларига қараганда, онам отам ўқитувчи бўлган мактабда таҳсил олган. Онам отамдан 3 ёш кичик бўлган. Отам ўша вақтларда ҳаракатчан, зийрак, ўткир зеҳнли ўқувчисини ёдида сақлаб қолган. Сўнг оилада уйланиш масаласи кўндаланг турган вақтда отам онамни ёдга олади. Онам табиатан жуда доно аёл эди. Отам онамнинг бу сифатини жуда қадрлар эди.

– *Бола – ота-онанинг кўзгудаги акси, дейишади. Сиз ва ука-сингилларингиз ота-онангиздан қандай жиҳатларни ўзларингизга олгансизлар?*

– Биринчи навбатда, ростгўйлик, иккинчидан, ўз Ватани, ҳамюртлари ва ишига содиклик, учинчидан, одамларни севиш, хурмат қилишдек жиҳатларни айтиш мумкин. Отам ҳаммани бирдек хурмат қиладиган, бошқа инсонларнинг тақдирига бефарқ бўлмаган, эътиборли инсон эди. Қўл остидаги ҳар бир ходимни энг яқин одамидек хурмат қилар эди. Айнан шу жиҳатлари бизларга мерос бўлиб ўтган, деб айта оламан.

– *Шароф Рашидовни яхши билганларнинг ҳаммаси у кишини «бировга озор бермайдиган», «инсонлар қалбига йўл топа биладиган» шахс сифатида ёдга олишади.*

– Отам инсонийлик, инсонпарварлик деган тушунчани ҳамма нарсадан устун кўрарди. Урушда бўлган дамларида ҳар қадамда ўлим билан юзма-юз келиши натижасида инсон ҳаётининг ниҳоятда қадрли эканлигини ич-ичидан ҳис қилган. У киши одамлар билан суҳбатлашишни, уларнинг ҳолидан хабар олишни яхши кўрарди. Отам ҳар доим хизмат сафаридан жуда ҳам кўтаринки кайфият билан уйга қайтарди. Республика-миз вилоятларида, жойларда бўлган чоғида ёшлар, турли соҳа вакиллари, мутахассислар билан суҳбатлашиб,

бахри диллари очилиб келарди. «Келажагимиз порлок, сабаби мамлакатимизда истеъдодли, билимли ёшларимиз кўп», – деб қайта-қайта таъкидларди.

Кўпинча отам билан кечки овқатни бирга ердик. Ҳатто турмуш куриб, фарзандли бўлганимизда ҳам, набиралари, биз, фарзандлари билан овқатланишга одатланганди. Бир куни отамнинг кечки овқатдан сўнг жуда фаромуш, хафа бўлиб ўтирганини сезиб қолдим. Одатда, отам уйдагилар, айниқса, набиралари билан доимо яхши кайфиятда суҳбатлашарди. Лекин ўша сафар негадир кайфияти йўқ эди. Кечки овқатдан сўнг бир ўзи ўтирган хонага кириб, тушкун кайфияти сабабини сўрадим. Шунда у киши ўша куни партия пленуми бўлганлиги, пленумда айрим партия аъзолари жиддий хатолари учун партия сафидан четлаштирилганини айтди. Ўзингиз биласиз, у вақтларда партиядан четлаштириш ҳар қандай раҳбар, мутахассис учун энг катта жазо ҳисобланарди. Отам ўшанда хато қилган одамларнинг тақдири ҳақида эмас, аввало, уларнинг фарзандлари, оиласи тўғрисида ўйлаб куюнаётган экан.

– Бугунги кунда илмий ютуқларингизни дунё ҳамжамияти тан олган академикларимиздан бирисиз. Илмий фаолият билан машғул бўлиш истаги сизда қандай пайдо бўлган? Шароф Рашидовнинг илмга, бу соҳа вакилларига бўлган муносабатлари ҳақида нима дея оласиз?

– Аввало, отам зиёли, кенг дунёқарашга эга, олий маълумотли ва изланувчан инсонларни, илм-фан соҳибларини қаттиқ ҳурмат қиларди. Шу боис биз, фарзандларнинг илм-фан билан машғул бўлишимизни истарди, ўзимиз ҳам шу йўлни танладик. Тўнғич фарзанд сифатида менга катта масъулият юкланганини ич-ичимдан ҳис қилардим. Менга, эндигина 17 ёшга кирган қизга Москвадаги университетнинг кимё факультетида таҳсил олишимга имконият яратиб беришди. Бор куч-

гайратимни билим олишга йўналтириб, менга билдирилган ишончни оқладим, шекилли, мендан кейин сингилларим ҳам Москвада ўқиди, изланди ва ўз ҳаётини илм олиш, изланишга бағишлади.

Университетни тамомлаб, Тошкентга қайтдим ва ЎзФА Кимё институтидаги лабораторияда ўз меҳнат фаолиятимни бошладим.

70-йилларда пахтачилик соҳасида туксиз чигит уруғини экишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шу аснода Ўзбекистон пахтачилиги соҳасига дунё мамлакатларида кенг қўлланилаётган янги технологияни жорий этиш ишлари бошланган эди. Уруғларни экишга тайёрлаш жараёнида уларга кимёвий моддалар билан ишлов беришга тўғри келади. Бир куни кимёвий воситалар билан ишлов бериладиган пахта уруғлари қопларга солиниб, экин майдонига сочилаётганида ҳаддан зиёд ортиқча чанг кўтарилиши, кимёвий моддаларнинг ортиқча сарфланиши эътиборимни тортди.

Пахтачиликни ривожлантириш, аниқроқ айтганда, чигитлар ишловида инсон организмига кимёвий моддаларнинг салбий таъсирини камайтириш билан боғлиқ илмий лойиҳалар билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилган эдим. Отам билан ниятим ҳақида фикрлашганимда, у киши бу масала жуда долзарб аҳамиятга эгаллиги ва жиддий ҳамда изчиллик билан ўрганишни талаб этишини айтди ва менга ок йўл тилади. Шундай қилиб, 30 йил отамнинг дуолари билан маҳаллий хомашёлар ёрдамида экологик тоза ва биологик актив модда ҳисобланмиш полимерлар билан пахта уруғига ишлов бериш, яъни капсуллаштириш дея ном олган йўналиш бўйича назарияни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш устида иш олиб бордик.

Полимерлар кимёси соҳасидаги илмий ишим биологик актив полимерларни синтезлаш ва тадқиқот юртиш билан боғлиқ бўлганлиги боис, ушбу моддалардан

нафақат қишлоқ хўжалиги, балки тиббиёт, фармацевтика соҳасида самарали фойдаланиш мумкинлиги биз, илмий ходимларни ўйлантирар эди. Ушбу масала юзасидан отамнинг ўқувчиси, Ўзбекистон фан арбоби, ЎзФА академиги, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Ўктам Орипов билан маслаҳатлашган эдим. Ўктам ака менга Москвада фаолият юритаётган ўқувчиси, таниқли олим Раҳим Ҳайитов ҳамда устози, машҳур иммунолог, академик Рэм Петров билан маслаҳатлашишни тавсия этди.

Шундан сўнг Ўктам Ориповнинг таклифига бинотан профессор Раҳим Ҳайитов ва академик Рэм Петров отамнинг қабулига киришди ва улар қарийб 4 соатга яқин тиббиёт соҳасини ривожлантириш мавзусида суҳбатлашишди. Рэм Петров ушбу мулоқотдан сўнг отамнинг тиббиёт соҳасидаги билими нақадар кучли эканлиги, ушбу мавзуда кўплаб адабиётларни мутолаа қилганлигидан ҳайратда эканлигини айтганди. Суҳбат якунига кўра, Ўзбекистон тиббиётида янги илмий йўналиш – иммунологияга асос солинишига эҳтиёж мавжудлигига оид тўхтамга келинди. Ўша пайтларда Ўзбекистон аҳолисининг саломатлик кўрсаткичлари отамни жуда ташвишга соларди. У кишини нима сабабдан халқимизда жигар, ўт қоғи, ошқозон ва бошқа касалликлар кўп учраши безовга қиларди ва тинимсиз ўқиш, изланишлар ҳамда мутахассислар билан суҳбатлардан сўнг, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда инсон организмининг ҳимоя тизимини яхшилашга хизмат қилувчи ихтисослашган илмий муассасани ташкил этиш лозимлигига оид хулоса юзага келган эди.

Мутахассислиги бўйича филолог, педагог бўлган отам муттасил равишда қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, геология, қурилиш ва бошқа соҳа, тармоқларга оид билимини оширишга ҳаракат қиларди. Имкон топди дегунча, илмий, бадий адабиётларни ўқир, шу соҳа

вакиллари билан тенгма-тенг баҳслашиб, суҳбатлаша олар эди. Бу изланишлар, уйқусиз тунлар машаққати замирида халқимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, экологик ва тиббий кўрсаткичларини яхшилаш мақсади ётарди.

– Шароф Рашидов мамлакат ривожини учун хизмат қиладиган лойиҳаларга собиқ марказнинг эътиборини қарата олган раҳбарлардан бўлган, деб эшитганмиз. Шундай лойиҳаларнинг амалга ошмай қолгани ҳам бўлганми?

– Отам, юқорида таъкидлаганимдек, ҳар қандай лойиҳа юзасидан марказга таклиф билан чиқишдан аввал ушбу соҳани ипидан игнасигача ўрганар эди. Лойиҳанинг амалга оширилиши қандай ижобий натижалар бериши ва аксинча, қандай жиддий хатоликларга сабаб бўлишини чуқур ўйлаб кўрарди, олимлар, мутахассислар билан суҳбатлашарди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам амалга ошганми, деган саволга аниқ жавоб бериш биров мушкул. Сабаби уларнинг бири қисман, яна бошқаси исталганидек амалга оширилмаган бўлиши мумкин. Лекин аксарияти амалга ошган, десак, тўғри бўлади. Аммо бир лойиҳа аниқ ёдимда. Ўзбекистонда экин майдонлари кенгайиб борар, бироқ уларнинг суғорилишига сув етарли эмасди. Айнан шу боис, отам Сибирь дарёсидаги ирмоқлардан бирини Ўрта Осиёга йўналтириш таклифини илгари сурганди. Бу лойиҳа жорий этилишига оз муддат қолганда отам вафот этди. Отамнинг вафотидан сўнг маълум вақт у кишининг лойиҳалари, амалга оширган ишлари бутунлай қораланди ва шу билан бошланган лойиҳа якунига етмай қолди.

– Шароф Рашидов давлат арбоби сифатида республикамизда ўтган асрнинг 60–80-йилларида олиб борилган қурилиш ишларининг ташаббускори бўлган. У кишининг гоёси билан бунёд этилган Тош-

кент метрополитени, Ўрта Осиёдаги энг баланд телеминорадан тортиб, Халқлар дўстлиги (ҳозирги «Истиқлол») саройи, Зомин санаторияси сингари бино ва иншоотларимиз ҳанузгача халқимизга бе-миннат хизмат кўрсатиб келмоқда.

– 1966 йилда Тошкентда рўй берган кучли zilзила шаҳар марказининг катта қисмини вайрон қилган эди. Эсимда, ўша йили ёзги таътилда Москвадан Тошкентга келганимда отам, иши ҳар қанча кўплигига қарамай, ўзи аэропортга чиқиб кутиб олганди. Йўлда кетарканмиз, вайронагарчиликлар кўламини кўриб, ич-ичимдан эзилиб кетдим. Отамга «Наҳотки, аҳвол шу даражада?..» дея олдим. Шунда отам бир хўрсиниб, «Ҳали кўрасан, Тошкентни яқин 20 йил ичида бутунлай танимай қоласан», – деганди қатъий ишонч билан.

Отам табиатан жуда босик, вазмин, камтар ва ҳаётнинг ёрқин томонларини кўра оладиган ва қадрлайдиган инсон эди. У киши ўша пайтда ҳам барча ташвишларни енгиб, бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди. Пойтахтимизда метро қурилишини амалга оширди. Ҳар бир бекати ўзгача кўринишда барпо этилган Тошкент метрополитени пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб келаётганлиги, дунёдаги энг гўзал метро бекатлари рўйхатидан ўрин эгаллагани бизни фахрлантиради, албатта.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан отамнинг номи оқланиб, Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги тантанали нишонланганида биз, фарзандларнинг кўзлари севинч ёшларига тўлди. Ўша йили Ш.Рашидовнинг Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройи меъморий мажмуаси учун қурилиш ғоясининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида вафотидан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланганини унутиб бўлмайди. Президенти-

миз Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз бошлаган оқилона сиёсатни муносиб давом эттираётгани кўнгилга ҳаяжон бағишлайди. Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш, у киши туғилиб ўсган Жиззах заминида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш таклифини билдирганди. Яқинда, 27 апрелда Жиззах вилоятига борганда ҳам Президентимиз бу борада бошлаб юборилган ишларни янада жадаллаштириш юзасидан кўрсатмалар бергани ҳаммамизни қувонтирди.

– Сайёра Шарофовна! Вақт ажратиб, хотираларингиз билан ўртоқлашганлигингиз учун Сизга газетхонларимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Саодат СОДИҚОВА,
«Адолат» газетаси
мухбири



ЯРКИЙ ПРИМЕР СЛУЖЕНИЯ РОДИНЕ

По всей стране проводятся мероприятия в соответствии с постановлением Президента от 27 марта 2017 года «О праздновании 100-летия со дня рождения выдающегося государственного деятеля и писателя Шарафа Рашидова». В связи с этим многим, особенно молодежи, хочется больше узнать об этой яркой личности, о том, что Рашидов сделал для Узбекистана. И, наверное, лучше всего о Шарафе Рашидовиче могут рассказать те, кто знал его лично и работал с ним, как, например, ветеран труда Исмаил Джуррабеков.

– Исмаил Хакимович, с какими чувствами вы восприняли данное постановление главы государства?

– Во-первых, это чувство глубокого удовлетворения, вызванное тем, что руководство страны одобрило предложение широких слоев общественности о том, чтобы широко отметить 100-летие Шарафа Рашидова, который сыграл особую роль в истории нашей страны. В постановлении Президента коротко, но емко представлен образ Шарафа Рашидовича как выдающегося государственного деятеля, известного писателя, возглавлявшего нашу республику в чрезвычайно сложные и тяжелые годы, самоотверженно трудившегося во имя ее развития, своей общественной и творческой деятельностью внесшего большой вклад в развитие национальной литературы и культуры.

Наряду с этим возникло чувство восстановления определенной справедливости. Наверное, не у меня одного долгие годы было мнение, что, отдавая дань уважения

Шарафу Рашидовичу, мы не в должной мере оценивали все то, что он сделал для Узбекистана. Я не понаслышке знаю, что многие узбекистанцы, особенно старшего поколения, добрым словом вспоминают Шарафа Рашидовича и как руководителя республики, и как скромного и общительного человека, и как писателя. Для меня большая честь работать в составе организационного комитета по празднованию 100-летия со дня рождения Шарафа Рашидова, и я постараюсь внести свой посильный вклад в ту большую работу, которая в соответствии с постановлением проводится в целях возвеличивания светлой памяти и достойного празднования юбилея Шарафа Рашидовича.

– Говорят, что большое видится на расстоянии. С именем Шарафа Рашидовича связан значительный период развития Узбекистана. Как вы оценили бы этот период и непосредственно роль Рашидова, в частности, в развитии сельского хозяйства?

– За четверть века, которые Шараф Рашидов возглавлял республику, учитывая ту систему, которая действовала в бывшем Союзе, он сделал очень многое. И крайне трудно переоценить то, что по его инициативе и при его непосредственном участии было осуществлено во всех сферах жизни тогдашнего Узбекистана.

Взять то же сельское хозяйство. В те времена оно занимало ведущее место в экономике республики. И это понятно, ведь бывший союзный центр отвел Узбекистану роль главного производителя хлопка-сырца. Поэтому очень многое в республике было направлено на решение главной задачи и даже под определенным давлением – дать больше «белого золота». Эта задача решалась успешно – Узбекистан был главным поставщиком хлопка-сырца в бывшем Союзе. Ради этого в республике задействовали огромные материальные и людские ресурсы и, если можно так выразиться, жертвовали многим другим для развития других отраслей сельского хозяйства и эко-

номики Узбекистана в целом. О том, чем это обернулось для республики и ее населения, сегодня хорошо известно. Но такие были времена.

Однако любое задание бывшего центра можно было выполнить по-разному. Одни руководители просто брали «под козырек», забывали обо всем другом и бросали все силы и средства на то, чтобы отрапортовать о достижении намеченных показателей. А другие и в жестко категоричных условиях подходили к делу с умом, проявляли инициативу, предлагали и отстаивали свои решения в интересах не только центра, но и республики. К ним относился и Шараф Рашидович.

В качестве примера можно привести хотя бы то, что решение задачи по увеличению объемов производимого хлопка-сырца, повышению его урожайности стало основанием для развития в Узбекистане сельскохозяйственного машиностроения, организации в республике производства тракторов, хлопкоуборочных комбайнов, широкого спектра навесного оборудования. Но главное все же заключалось в том, что во многом благодаря усилиям Шарафа Рашидовича буквально ожили громадные территории, на которых нынче живут и трудятся миллионы узбекистанцев. И хотя освоение целинных земель началось незадолго до того, как Рашидов возглавил Узбекистан, именно при нем эта работа получила свое комплексное развитие.

Широкомасштабные работы по орошению объектов сельского хозяйства и строительству ирригационных систем были проведены в Голодной и Каршинской степях, а также в Центральной Фергане, Каракалпакстане, Сурхандарьинской, Бухарской областях. Но на некогда целинные земли пришла не только вода.

И если в 1946–1965 годах на территории Узбекистана было освоено 600 тысяч гектаров новых орошаемых земель, то в 1966–1985 годах – 1,6 миллиона гектаров. В 1985 году функционировали 23 водохранилища объемом 10 миллиардов кубометров воды, каналы общей

длиной 197 тысяч километров, 900 оросительных систем, 92 тысячи гидроузлов. И основная заслуга в этом принадлежит тогдашнему лидеру республики.

– В то время в Узбекистан часто приезжали знакомиться с опытом орошения и освоения новых земель, новыми решениями в области ирригации и мелиорации.

– Было и такое. И это не случайно. В Узбекистане были реализованы уникальные проекты. Например, уделяя большое внимание развитию регионов республики, Шараф Рашидович понимал, что воды из Зарафшана, особенно в засушливые годы, не хватит для того, чтобы обеспечить ею растущее потребление для производственных и хозяйственных нужд, а также обеспечения водой населения Самаркандской, Бухарской, Джизакской и Кашкадарьинской областей. Поэтому он со специалистами «пробивал» проекты, которые были направлены на орошение тех же хлопковых плантаций, но, с другой стороны, помогали людям лучше обустроить свою жизнь. Например, в отдельных районах часть проблем снял Аму-Каракульский канал, соединивший в 1962 году Амударью и Зарафшан в нижнем течении. Так вода из Амударьи пришла для орошения полей Бухарской области. Но многие районы оставались без воды, ведь не заставишь ее течь вверх? Но в Узбекистане, как оказалось, это возможно. За короткий срок был сооружен Аму-Бухарский машинный оросительный канал, первая очередь которого была построена в 1965 году, а вторая очередь – в 1975 году. Насосные станции подняли воды Амударьи на десятки метров и соединили ее с рекой Зарафшан в верхнем течении. А Каршинский каскад насосных станций, который был сдан в эксплуатацию в 1973 году? Он позволил воде из Амударьи совершить «восхождение» на 130 с лишним метров, оросить десятки тысяч гектаров целинных земель Каршинской степи и подпитывать Талимарджанское водохранилище. Благодаря этим двум крупным и уникальным системам ма-

шинного орошения водой обеспечены 700 тысяч гектаров земель, на которых живут и трудятся свыше 2,5 миллиона человек. В народе говорят, что вода – это жизнь. И это действительно так. Получив воду, некогда степные земли превратились не только в сельскохозяйственные угодья. Здесь появились промышленные предприятия, в том числе по переработке сельхозпродукции, расцвели сады, люди получили не только работу и жилье, но и приусадебные участки, что позволило им обеспечивать свои семьи многими основными продуктами питания.

– Но в период, когда Рашидов руководил Узбекистаном, развитие получило не только сельское хозяйство и хлопководство, в частности...

– Как руководитель республики Шараф Рашидович решительно отстаивал интересы Узбекистана. Ведь времена были действительно, как отмечено в постановлении Президента Шавката Мирзиёева, чрезвычайно сложными и тяжелыми. Любые вопросы, а тем более о строительстве крупных объектов, принимались в тогдашнем центре, с которым руководителю республики надо было согласовывать буквально каждый свой шаг.

Рашидов уделял не меньше внимания другим отраслям экономики. К примеру, с его именем связано то, что у нас начали широко использовать богатства несметных подземных кладовых. Возьмем природный газ. Так, в начале 60-х годов прошлого века началась разработка уникального месторождения Газли в Бухарской области. В 1972 году в Кашкадарьинской области построен Мубарекский газоперерабатывающий завод.

Развивалась химическая промышленность. В 1962 году был сдан в эксплуатацию Ферганский завод азотных удобрений. В 1964 году – Навоийский химический комбинат. В 1969 году выдал первую продукцию Алмалыкский химический завод.

Развитие экономики республики и рост населения требовали увеличения производства электроэнергии. С именем Рашидова, в частности, связано строительство

Навоийской, Тахиаташской, Сырдарьинской тепловых электростанций, развитие гидроэнергетики.

– Здесь нельзя не вспомнить и то, что благодаря Шарафу Рашидовичу Узбекистан стал известен своим золотом.

– Это отдельная история. Навоийский регион в центре рассматривали только с точки зрения добычи урана для оборонной промышленности. На это были направлены огромные силы, средства, ресурсы. Но Рашидов, опираясь на исследования видных ученых, специалистов Узбекистана, смог убедить руководство бывшего Союза в том, что в этом регионе имеются огромные запасы золота, и опять же «пробить» решение о создании предприятия по его добыче и производству. Он сам не раз бывал на НГМК, лично присутствовал при пуске золотоизвлекательного завода в 1969 году, когда здесь был получен первый слиток золота. В начале 1970 года Шараф Рашидович отметил, что создание и освоение Навоийского промышленного района – это подвиг нашего народа. И сегодня старожилы таких городов, как Навои, Зарафшан, Учкудук, Нурабад, Зафарабад, Тамды, добрым словом вспоминают, как много сделал Рашидов для развития всего региона и как он способствовал тому, что в 1982 году на карте Узбекистана появилась Навоийская область. Так что заслуга Шарафа Рашидовича в том, что Узбекистан стал ассоциироваться не только с хлопком, но и вошел в десятку ведущих стран мира по производству золота, более чем очевидна.

– Вы упомянули о строительстве новых городов. В связи с этим можно сказать, что и Ташкент был, по сути, отстроен заново.

– В определенной степени это так. После землетрясения 26 апреля 1966 года под руководством Шарафа Рашидовича в короткие сроки были приняты и согласованы «наверху» меры по скорейшему устранению последствий стихии. Благодаря помощи, оказанной всеми республиками бывшего Союза, всеми регионами Узбе-

кистана и мужеству, самоотверженному труду самих ташкентцев, было налажено бесперебойное обеспечение пострадавших медикаментами, продовольствием, промышленными товарами, организовано строительство множества объектов, в первую очередь жилья. Уже к зиме более 300 тысяч ташкентцев получили кров, а через два года столица была полностью восстановлена и перестроена, превратившись в современный мегаполис с новыми жилыми массивами, объектами соцкультбыта. Без четкого и слаженного взаимодействия на всех уровнях, начиная с руководства республики, это было бы невозможно. А спустя некоторое время в Ташкенте начали строить метро, причем решение об этом Шараф Рашидович, как это зачастую было, решительно отстаивал в центре и настоял на своем.

– В нашей беседе, наверное, не удастся обойти и тот момент, что после смерти Шарафа Рашидовича в тогдашнем центре придумали термин «рашидовщина», чтобы представить бывшего руководителя Узбекистана в негативном свете. Ваше мнение о том трагическом периоде в истории нашего народа?

– Не буду углубляться в то, кто выдумал приведенный вами термин и какие личные цели он преследовал. Скажу, что те обвинения, какие выдвинули в адрес Рашидова, можно было предъявить руководителю практически любой бывшей союзной республики. Но так получилось, что выбрали именно Узбекистан. Почему? На мой взгляд, это была своеобразная месть как раз Шарафу Рашидову за то, что он проявлял определенную самостоятельность, решительно отстаивал интересы республики, насколько это можно было в тех условиях командно-административной системы. Шараф Рашидович, не был, как многие другие, порождением этой системы. Он был журналистом, писателем, фронтовиком, награжденным боевыми орденами.

Кстати, среди тех, кто обвинял Рашидова в серьезных нарушениях или поддерживал эти обвинения, было

немало тех, кто работал с Шарафом Рашидовичем, кому он доверял, но кто предал его, спасая себя. Показательно то, что очернением имени Рашидова занимались в основном номенклатурщики, чья дальнейшая карьера зависела от поддержки мнения центра. Остальные, особенно простые люди, не поддерживали обвинения и выражали возмущение тем, что в некоторых случаях применялся и термин «узбекское дело», что порочило весь народ республики.

И остается только радоваться тому, что справедливость восторжествовала и в независимом Узбекистане дали соответствующую оценку тому периоду истории. Первый Президент Узбекистана Ислам Каримов вернул доброе имя тем, кто безвинно пострадал и был опорочен во времена репрессий начала и середины 80-х годов минувшего века. Была восстановлена справедливость и в отношении Шарафа Рашидова. И сегодня весь узбекский народ с воодушевлением воспринял постановление Президента Шавката Мирзиёева о широком праздновании 100-летия со дня рождения Шарафа Рашидовича, инициативу главы государства о присвоении имени Шарафа Рашидова Джизакскому району Джизакской области, где он родился.

– Исмаил Хакимович, до сих пор вы говорили и вспоминали о Шарафе Рашидовиче как о руководителе. А каким он был человеком? Какие черты характера вы бы отметили?

– В первую очередь я бы отметил то, что, несмотря на высокий пост, который он занимал, Шараф Рашидович был очень прост в общении, внимательно относился к любому собеседнику, всегда интересовался, чем живет народ. Он очень много ездил по республике. Его поездки в каждую область, а он бывал в каждом регионе и каждом районе минимум один-два раза в год, продолжались по 5–6 дней. При этом Шараф Рашидович встречался не только с руководством и активом, но и простыми людьми. С особым вниманием относился к фронтовикам, мно-

гих из которых знал в лицо. Любил встречаться с молодежью, и его беседы с юношами и девушками носили не какой-то назидательно-нравоучительный характер, а были скорее отеческим напутствием на добрые и полезные дела.

Можно отметить его интеллигентность, высокую эрудицию и культуру, что свойственно настоящим творческим личностям. Шараф Рашидович был крайне скромным, не любил пышных встреч и восхвалений. Был неприхотлив в быту. Так, по республике он практически всегда ездил на поезде, в котором зачастую и жил во время посещения регионов республики.

Но главное, конечно же, высокое чувство ответственности за все, что он делал, за все, что ему поручили. И все знали, если Рашидов что-то пообещал, то он обязательно свое обещание выполнит.

Одним словом, это была яркая личность.

– А в чем, на ваш взгляд, заключается главное наследие Шарафа Рашидовича?

– Если вспомнить, то Первый Президент Узбекистана Ислам Каримов, отмечая особенность начала независимого пути развития страны, отметил, что, не построив новый дом, не надо разрушать старый. Так вот, тот старый дом был возведен и обустроен во многом благодаря усилиям Шарафа Рашидова. Президент нашей страны Шавкат Мирзиёев на состоявшейся в ноябре 2016 года встрече с избирателями Джизакской области подчеркнул, что имя Шарафа Рашидова неразрывно связано с историей и жизнью узбекского народа, чьим самоотверженным сыном он был сам. Многое, что было создано в период его руководства республикой, после модернизации, технического и технологического обновления продолжает работать и приносить пользу независимому Узбекистану, людям.

**Интервью вел Сергей ЛИ,
корр. «Народное слово»**

**ХАЛҚҚА
БАХШИДА УМР**
(Хотиралар)



Раҳмат ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТОҒ ҚУЛАДИ

Тоғ қулади, чинор қулади. Тоғ қулаганда ҳам, чинор қулаганда ҳам еру кўк титрайди. Шундай бўлди. Эшитган кулок, вужудни ларзага келтирди. Қадрдон далалар силкинди, оппоқ пахтазор титради.

Тоғлар қуламайди, чўкади. Чинорлар қуламайди, ёши етиб чирийди. Аммо... мудҳиш ўлим ўз ишини қилди: тоғдек партия ва давлат арбобини, чинордек улкан адабиёт алломасини қулатди.

Давлат бошига, эл бошига, кўп миллатли адабиётимиз бошига оғир кулфат тушди. Ўлим ҳақ. Унга шак келтириб бўлмайди. Ҳеч ким, ҳеч вақт дунёга устун бўлолганмас, бўлолмайди, дейди халкимиз. Аммо навқирон ёшда, навқирон шижоатда, навқирон ақлда, навқирон поклик, ҳалолликда, навқирон арбоблик, навқирон ижодкор чўққисида тоғдек, чинордек тўсатдан қулаш... ана шуниси вужудни титратади, дилларни ўртаб кетади, кўнгилларни чил-чил синдириб вайрон этади, бардошни тўлдириб тошириб юборади, тоқатни бедод қилади.

Ноёб истеъдод соҳибининг партия ва давлат ишини ҳам моҳирона бошқара билиш истеъдоди намоён бўлиши – бу камдан кам учрайдиган ҳодиса, ҳодиса эмас, мўъжиза дейиш мумкин. Бу иккаласини қўшиб, баб-баробар олиб бориш, партия ва давлат раҳбарлик лавозимини ҳам, етук санъаткорнинг етук ижодий ишини ҳам тенг бажариш – буниси энди том маънода камёб истеъдод, аниқроғи, жасорат. Улкан жасорат. Ана шу жасорат авжи кучга тўлган пайтда ўлим орамиздан азиз ва қадрдонимиз, йирик партия ва давлат арбоби, улкан ёзувчи Шароф Рашидовни олиб кетди. Биз ўттиз тўрт йил мобайнида мут-

тасил республикамизнинг давлат ва партия раҳбари бўлиб турган буюк инсон Шароф Рашидовдан жудо бўлдик.

Камбағал деҳқон оиласида дунёга келган, журналистика аклини пешлаган, Улуғ Ватан уруши жангтохлари тоблаган, улкан халқ қурилишлари чиниқтирган – буларнинг ҳаммасида йирик партия ва давлат арбоби даражасига етишган Шароф Рашидов ижодининг дастлабки йилларидаёқ Александр Фадеев назарига тушган, ниҳоят республикадагина эмас, Иттифоқ китобхонлари орасида, кўплаб хорижий мамлакатлардаги миллионлаб китобхонларнинг севимли адибига айланган романист, публицист, олим эди.

Шароф Рашидов ўзининг ажойиб фазилатлари – поклиги, ҳалоллиги, самимийлиги, одамийлиги, меҳроқибати, жонқуярлиги, садоқати, камсуқумлиги, муҳаббати, фидойилиги билан каттаю кичикка ўрнак, ибрат эди. Унинг бу инсоний фазилатларидан, саховатидан, оқибатидан, оқилона маслаҳату ҳимматларидан, меҳршафқату нуруний сиймосидан, ҳамиша ҳамсуҳбати руҳиятини кўкдек кенг ва ёриштириб юборадиган чеҳрасидаги ёқимтой табассумдан баҳраманд бўлганлар – шулар насиб этганлар кўз олдида ҳам, қалбининг тўрида ҳам, дили-шуурида ҳам Шароф Рашидов ҳамиша тирик, ҳамиша ўша-ўша иссиқ, ёқимтой чеҳра кулиб туради. Биз Дўстлик қасрида юракларни эзувчи мотам марсиялари остида у билан видолашар эканмиз, «Алвидо, азиз дўстимиз!» дея жисман ундан ажралишдигу, аммо руҳан у ҳамиша биз билан бирга бўлади.

Унинг номи миллион-миллион инсонлар қалбида яшайди, ишида яшайди, курашида яшайди. Унинг номи миллион-миллион саноат ходимлари, олимлар, пахтакорлар, бинокорлар қалбида яшайди, ижод қилади. Унинг номи китобхонлар қалбида яшайди, ҳаётида яшайди, орзу-умидида яшайди, курашади.

Ҳа, буюк инсонлар номи ҳеч қачон ўчмайди, унутилмайди.

*(«Тошкент оқишони» газетаси,
1983 йил 4 ноябрь)*

Мақсуд ҚОРИЕВ,
*Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби*

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Бир умрга ёдимдан чиқмайди ўша дамлар. Иттифоқо, Шароф Рашидов билан биринчи бор 1949 йилда учрашиб колганман. Ўшанда мен Тошкент давлат юридик институтининг аспирантурасида ўқирдим. Нима бўлди-ю, бир мақола битиб «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномасига олиб келганман. Газетанинг тарғибот бўлимида Баҳром Раҳмонов деган хуштабиат, заковатли бир инсон ишлар экан. Бўлимда Абдурахмон Ортиков деган зукко журналист адабий ходим экан. Кейинчалик у катта олим бўлиб етишди. Фалсафа фанлари доктори, профессор унвонига сазовор бўлди. Тошкент олийгоҳларида узок йиллар ишлади.

Абдурахмон ака мақоламни синчковлик билан ўқиб чиқди-да, кейин мудирга маслаҳат солди. Афтидан эндигина талабалик курсисидан чиққан, ҳеч қандай унвони, илмий даражаси бўлмаган бир аспирантнинг республиканинг энг нуфузли рўзномасида назарий мақола билан чиқиши унчалик қолипга сиғмас эди. Ўша вақтда буни унчалик ҳис этмай, хаёлга чўмиб турган эдим, менинг бу ҳолатимни зимдан қараб турган мудир тўсатдан:

– Бизга ишга келмайсизми? – деб қолди.

Кутилмаганда берилган бу савол, тўғрироғи таклиф мени эсанкиратиб қўйди.

– Ҳа, биргалашиб ишлардик, – деди Абдурахмон Ортиқов мудирнинг фикрини қувватлаб.

Иккиланиб турганимни кўриб, Баҳром ака трубкани олиб кимгадир кўнғирок қилиб, «Муҳаррир ўзидами» деб сўради. Кейин менга: «сиз кетмай тулинг», деб шошганча хонадан чиқиб кетди. Бирпасда ҳамма нарса ўзгариб кетгандай, қарабсизки, мен муҳаррирнинг хонасидаман.

Кенг ва ёруғ хона. Дераза ёнида мажлислар ўтказиш учун катта стол қўйилган. Рўзноманинг адабий машғулоти, «летучка»лар шу хонада ўтади.

– Муҳарриримиз Шароф Рашидов, – бизни таништирди Баҳром Раҳмонов.

– Қани, ўтилинг, ука, – деди муҳаррир кетма-кет жиринглаётган телефонлардан бирини оларкан.

Разм солдим. Шароф Рашидов деб эшитиб юрардим, лекин ўзини кўрмаган эдим. Баланд бўйли, хипчадан келган, нигоҳлари меҳрли ва ўткир, истараси иссиқ, башанг кийинган. Бўртиб чиққан қабоқлари ўзига қандайдир улуғворлик, самимийлик бахш этгандай.

Шароф ака телефонда сўзлашяпти-ю, аммо менинг хаёлларим бошқа ёқда. Наҳотки, шундай улуғ даргоҳда ишлаш менга насиб этса, бундай масъулиятли ишни эплай олармиканман, яна айтинг-айтинг журналистикадан хабарим бўлмаса, эндигина битта мақола ёзиб келиб эдим, ҳали бунинг устига у газетада чиқадими, йўқми?

Шароф Рашидов телефонии қўйди-да, кейин менга: «Менга ўртоқ Раҳмонов сиз ҳақингизда айтди, гап битта, энди редакциямизга ишга келасиз», – деди катъий.

Шароф аканинг сўзи жиддий эди, бу гапни шундай айтдики, гўё мен шу ондан бошлаб газетада ишлайдигандай, бошқа гапга энди ўрин йўқ. Унинг ажиб бир меҳригиёси мени гўё ўзига ром этиб олгандай ҳис этдим ўзимни.

– Мен... аспирантуранинг иккинчи курсидаман, диссертация устида ишлаётган эдим...

– Эй ука, ҳали ёшсиз, ўқишни ҳам давом эттираве-
расиз, диссертация бўлса ёқлайсиз ҳам, ёрдам берамиз,
– деди муҳаррир яна қатъий.

– Бир оғиз илмий раҳбаримнинг розилиги керак...

– Раҳбарингиз ким?

– Институт директори Соли Ражабов, – дедим.

– Соли Ашурович денг, хозир.

Шароф Рашидов қўнғироқ тугмасини босиб қабул-
хона котибасини чақирди, уни институт директори би-
лан улашни сўради.

Хуллас, бир неча дақиқалар ичида тақдирим ҳал
бўлди. Қисматим дафтарига шу ёзилган экан. Ҳа, ўша
олижаноб инсоннинг бир оғиз сўзи билан журналист-
тика оламига кирдим, энг қийин, машаққатли касб, ле-
кин шарафли. Бунинг мен кейин иш жараёнида сездим,
билдим, шундай вақтлар ҳам бўлдики, қандай қилиб
бўлса ҳам яна илмий соҳага кетай, деган хаёлларга кел-
ганман, аммо матбуотнинг ўзига хос сеҳрли кучи мени
борган сари шу муқаддас даргоҳга мустаҳкам қилиб
боғлаб қўйган эди, кейин қанча ҳаракат қилмайин ун-
дан чиқиб кета олмадим, Оллоҳ ўз даргоҳида қабул ай-
ласин, илоҳо жойлари жаннатда бўлсин. Бунинг учун
мен ажойиб устод, муаллим Шароф Рашидовдан умр-
бод миннатдорман.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси ижодкорларнинг ҳа-
қиқий ҳаёт ва ижод мактаби бўлиб хизмат этди десак,
хато бўлмас, ҳаммадан ҳам газетамизнинг толмас, ти-
ниб-тинчимас муҳаррири Шароф Рашидовнинг фаоли-
яти ҳаммамизга ўрнак, намуна бўлган. Ҳар ҳафтада бир
марта тўпланадиган «летучка» мунозаралар билан ўтар,
ошкора танқид, эркин мушоҳада, фикрлар кураши, бар-
часига кенг йўл берилганди. Баъзан бўлимлар ўртасида
қаттиқ тортишувлар, босилиб чиққан мақолаларнинг
муҳокамаси худди илмий кенгашлардагидек жонли
ўтар, мақоланинг мазмуни, мундарижаси, ҳатто имло-
сигача кенг таҳлил этиларди.

Хуллас, «Қизил Ўзбекистон» газетаси Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврларда камолот чўққисига кўтарилган, эл ўртасида танилган энг обрў-эътиборли, халқнинг севимли ва асосий миллий рўзнамаси эди. Барча унга ишонарди, мадад кутарди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Шароф Рашидов унақанги «хўжа кўрсин»га ишлайдиган муҳаррирлардан эмасди, у ҳақиқий журналист, таҳрири бақувват, ҳар қанча мақтовларга лойиқ, намунали, талабчан муҳаррир эди.

Жумҳуриятимиз қайноқ ҳаёти билан бирга «Қизил Ўзбекистон» рўзнамасидаги эркин ижодий муҳит кун сайин ривож топиб борар, газета саҳифаларида ҳаётнинг янги, мураккаб муаммолари ёритилар, газетанинг муаллифлар доираси борган сайин кенгайиб, унга янги-янги кишилар қўшилди. Муштарийлар анжуманлари, учрашувлар ўтказилар, газетанинг ташкилотчилик ишлари борган сайин ошиб борарди. Газетага келаётган хатлар оқимининг чеки йўқ... Энг оммавий газета сифатида камолот чўққисидан турган бир пайтда, нима бўлдию, Шароф Рашидов рўзнамадан кетиб қолди, уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис қилиб сайлашди.

Шундан бошлаб, Шароф Рашидовнинг ҳаётида катта бурилишлар бошланиб кетди, кейин у Ёзувчилар уюшмасида узоқ ўтирмади, Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси этиб сайланди.

Ёз ойлари эди ўшанда, хонада саҳифа ўқиб ўтиргандим. Бирдан Марказқўмдан биринчи котибнинг ёрдамчиси М.И.Косих телефон қилиб қолди: «Сиз хонангиздан чиқмай турунг, Шароф Рашидович Сочидан телефон қилар эканлар». Телефонни қўйишим билан шаҳарлараро алоқадан қўнғироқ бўлди, олсам Шароф Рашидов экан.

Менга «Дўстлик байроғи» китоби устида иш олиб бораётганлигини айтиб, «Яқин кунлар ичида бир-икки бобларини сизга юбораман, шунинг таҳрири этиб, босмага тайёрлайсиз», – деб қолдилар.

Кейин бироз вақт ўтгач китобнинг айрим боблари кетма-кет кела бошлади. Мен уни пешма-пеш кўриб, баъзи бир тузатиш ва қўшимчалар билан машинкага берардим.

Шароф аканинг одати – кўк сиёҳда ёзишни яхши кўрарди, газетада муҳаррирлик қилган кезларида шунақа сиёҳдан фойдаланарди. «Дўстлик байроғи» китобининг кўлёмаси бошдан-оёқ ана шу рангдаги сиёҳ билан битилган. Мен шунда Шароф аканинг кунтига, ишлаш услубига қойил қолганман, қарийб етти-саккиз босма табоқдан иборат рисолаани бошдан-оёқ ўз дастхатида, ҳеч эринмасдан бирма-бир ёзиб чиққани кишини ҳайратга солади. Шароф ака ўта ишчан, чарчаш нималигини билмас, қачон кўрсангиз, бир асар устида иш олиб борар, ҳатто мажлисларда ўтирганда ҳам тинчимас, қабулида бўлганингизда сиз билан суҳбат қуриб туриб, «сиёсий бюро»нинг қарорларини ўқиб, кўк сиёҳли ручкаси билан керакли жойларини чизиб ўтирарди.

Кўлёманинг асосий қисмлари кўлимга теккандан кейин, машинкадан чиқариб нашриётга топширдим. Лекин Шароф ака Сочида турганда хат йўллаб кўлёмасидаги айрим фикрлар, мулоҳазаларни айтиб турган. Ўша юборилган хатлар унчалик катта эмасди, бир қоғозга етар-етмас, фақат иш юзасидан битилган. Шундай бўлса ҳам, ўқувчилар мени кечирсинлар, ўша олижаноб инсоннинг хотираси учун ана шу икки хатни келтириб ўтмоқчиман.

Сочидан ёзиб юборилган кичкинагина мактуб шахсан менга ёзилган. Уни шу дамгача бирор одамга кўрсатмаганман, айтмаганман ҳам.

Мана ўша дастхат:

«Укам Мақсуджон!

Сизга Сочи шахридан самимий салом. Яхши ижод қилиб, дам олмоқдамиз. Яқин кунлар ичида кўришиб ҳам қолурмиз.

Ука, Сизга «Дўстлик байроғи» китобидан икки бобини юбордим. Қолган учтасини ҳам тезда етказаман. Сабабки, баъзи манбаларни Тошкентда қолдириб келган эканман. Шу боисдан баъзи жойларини яна бир кўриб чиқишга тўғри келар, китобни тайёр деса бўлади, аммо шу тайёр нарсани ҳам, жуда банд бўлганлигим сабабли февраль ойидан бери сизга топшира олмаяпман. Умидим шулким, 10 сентябрь куни охирги мақолани мендан олурсиз. Ишингизга зафар тилайман. Дўстларга ва келинга салом.

Эҳтиром билан,

1960 йил 18 август».

Ушбу мактубда Шароф Рашидов охирги мақолани 10 сентябрда топшираман деган бўлса ҳам, лекин бир неча кундан кейин махсус почта оркали ваъда қилинган охирги бобни редакцияга юборди. Мен тезда кўриб чиқиб, теришга тушириб юборганман.

Шундан кейин иккинчи алоқа хатини олдим, унда баъзи бир кичик мулоҳазалар баён этилган, қилиниши зарур бўлган ишларни алоҳида қилиб ёзиб қўйган эди:

«Укам Мақсуджон!

Салом!

1. Русчасини ҳам юбордим. Солиштириб ўқисангиз фойдадан холи бўлмас.

2. 35,46,50 ва яна бошқа бетларда сўзлар ҳар хил ишлатилган. Турли-туман бўлмасин. Матбуотда қабул қилинган вариантни олинг. Изчиллик бўлсин.

3. Тезроқ ва жиддийроқ ўқиб, кунт билан таҳрир этиб, босмаҳонага топширинг. Вақт кетиб қолди, кечикяпмиз.

Сизга эҳтиром билан,

Шароф Рашидов

3.IX.1960».

Иккинчи мактубнинг бир муҳим жойи бор. Унда Шароф ака бир нарсага менинг эътиборимни жалб этган: яъни «кунт билан таҳрир этиб», деган иборани ишлатган. Бунинг маъноси шуки, мен Шароф аканинг китобини олгач, таҳрир вақтида ўзимча анча мулоҳазага борганман, менинг фикрларимни Шароф ака узоқдан туриб билгандай, «Кунт билан таҳрир этинг», деб гўё менга рухсат этганди. Агар баъзи жойларини бироз ўзгартириб таҳрир этсам хафа бўлмасмиканлар, деб мулоҳазага борган эдим. Таҳрир этсам тўғри бўлармикин, ахир Шароф ака Марказқўмнинг биринчи котиби, яна бутун олам танийдиган одам бўлса.

Албатта, мен китобнинг баъзи жойларини таҳрир этганман. Ўша мен кўриб чиққан сиёҳ билан ёзилган қўлёзмани бир неча йил эҳтиётлаб сақлаб юрдим, аммо кейинчалик Шароф Рашидов вафотидан бир йилча илгари Марказқўмдан Михаил Иванович Косих кўнғироқ қилиб, ўша қўлёзмани олиб келиб беришни илтимос қилди. Афтидан уни архивга топшириш керак экан. Мен ўша қўлёзмани шахсан ўз қўлим билан Косихга олиб бориб берганман.

Шароф Рашидов дам олишдан қайтиб келгандан кейин, босмахонада тайёр терилиб ўқиб қўйилган китоб гранкасини олиб, унинг Шелковичнаядаги уйига бордим. Шароф ака раҳматлар айтиб, китобни олиб қолдида, бир кун ўтгандан кейин эрта билан мени уйига таклиф этди. Бирга ўтириб нонушта қилдик. Дастурхонда кўп нарса йўқ эди, бир пиёла қатиқ, нон, шакар, сарёғ, кейин қуймоқ олиб келишди.

Шароф ака китобга баъзи бир тузатишлар қилган эдилар, кейин уларни менга кўрсатдилар-да: «Розимисиз, ўртоқ муҳаррир?» – деб қўйдилар.

1978 йил, янги йил арафаси эди, тўсатдан Шароф Рашидов редакциянинг янги биносини кўргани борди, деб қолишди. Ўшанда барча редакциялар ўн олти

қаватли янги бинога кўчиб ўтишганди. Бу янги матбуот кошоноси ҳам, аслида Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан қурилган. Бирлашган нашриётнинг директори В.А.Архангелский даврида ўша икки қаватли бино устига яна икки қават бино қўйилган. Жумҳуриятимизда матбуот ишлари тобора ривож топиб, янги-янги рўзнома, жаридалар юзага келаётган бир шароитда редакциялар мавжуд бинога сиғишмай қолди. Шунда муҳаррирлар, нашриёт раҳбарияти билан биргалашиб янги редакцион корпус қуриш ҳақида хат тайёрлаб Шароф Рашидов ҳузурига кирганмиз. Шароф Рашидов хатимизни ўқиб чиқиб, шу заҳотиёқ унга имзо чекиб, Давлат план комиссиясининг раиси Саидкарим Зиёдуллаевга топшириқ берган. Шундан кейин тез фурсат ичида лойиҳа-ҳужжатлар тайёрлаш бошланган. Хуллас, бир неча ой ичида қурилиш ишлари ҳам авж олиб кетди. Бу ишда нашриётнинг янги, ёш директори Ислон Шоғуломов жуда катта ташкилотчилик кўрсатди, редакцион корпус қарийб беш йил ичида қуриб битказилди.

Мана, бугун 1978 йил арафасида ана шу янги бинога Шароф Рашидов биринчи бор ташриф этади.

Шароф ака ўша куни кечга томон келди, аввал ишни босмахонадан бошлаб, ўзи билган, узоқ йиллар бирга ишлаган харф терувчилар, метранпажлар, версткачилар, оддий ишчилар, инженер-техник ходимлар билан учрашгач, редакциялар билан танишди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси бинонинг тўртинчи ва бешинчи қаватига жойлашган эди. Шароф Рашидов, барча бюро аъзолари билан биргаликда бешинчи қаватга кўтарилиб, ўзининг бирга ишлаган жамоаси билан учрашди. Шунда муҳаррир хонасига кирганда иш столида газетанинг бугун ўқилиши лозим бўлган саҳифалари турарди. Ана шу кадрдон саҳифалар собиқ муҳаррирнинг кўзига бошқача кўриндими ё бўл-

маса газетада ишлаган навқирон йилларини эслатдим, уларни олиб кўзига суртгандай меҳр билан караб қолдилар.

Шунда мен Шароф Рашидовга:

– Шароф Рашидович, бир вақтлар сиз мана шу муҳаррирлик курсисида ўтирган эдингиз. Қани жойингизга ўтиринг, – деб ҳазиллашган бўлдим.

Шароф Рашидов ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, менинг ўриндиғимга шартта ўтириб олди. Кейин худди газетанинг муҳарриридек, саҳифаларни кўздан кечира бошлади.

– Энди, мана бу саҳифага эсдалик учун кўл қўйиб беринг, – дедим яна.

Шароф ака чўнтагидан ручкасини олди-да, саҳифага имзо чекди. Ўша Шароф Рашидов кўл қўйган саҳифа бирор жойда сақланиб қолган бўлса, ажаб эмас. Аммо муҳаррир хонасида саҳифани ўқиш иайтида тушган тарихий сурат менинг шахсий альбомимда ўша даврлардан ўчмас ёдгорликдек сақланиб қолган.

Шароф Рашидов ўз фаолиятида матбуотнинг кучига, қудратига таянарди. Кўпинча: «Ўйлаб кўринг, биз бирор вилоятда ёки республикамизда йиғин ўтказсак, боринг минг киши қатнашсин, аммо матбуотдаги чиқишларни юз минглаб одамлар ўқийди», – дерди. Шу боисдан, вилоятларда бўлганда маҳаллий газеталарнинг муҳаррирлари билан учрашишни ҳам унутмасди, уларнинг кўпларини жуда яхши биларди. Ҳатто республика газеталарининг вилоятлардаги мухбирларига ҳам баъзан топшириқ берганлигининг гувоҳиман.

Шароф Рашидов ўз ҳаётида республикамизга ҳам, халқимизга ҳам жуда кўп ибратли ишлар қилди. У фақат яхшилик учун туғилган эди, қайга борса, яхши из қолдириб келарди. Уни ҳамма жойда кутишарди, бу ҳақ гап. Донгдор пахтакорлар, илғор чорвадорлар, моҳир механизаторлар, қурувчилар... Унинг ўшалар орасида

иншонган, хурмат қилган кишилари бор эди. Ҳар борганда уларга топширик бериб, иззат-хурматини жойига кўйиб келарди, шу боисдан қачон вилоятларга, хўжаликларга бориб қолса, ўша дўстларига бир учрашиб, ҳолидан хабар олмасдан ўтмасди. Чунки уларга келаман деб ваъда қилган, топширик бериб кетган. Турсунбой Латипов, Жоникул Юсупов, Бобомурод Омонов, Турсунбой Охунова, Мелиқўзи Умирзоқов, Ҳамроқул ота Турсунқулов, Абдулла Ортиқов, Искандар Дўстов, Хван, Тюпко... Рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бир куни иш билан Шароф Рашидов ҳузурига борганимда, юрак ютиб дедим:

– Шароф ака, Сиз менга жуда кўп яхшиликлар қилдингиз, бир вақтлар мени газетага ишга олган ҳам ўзингиз. Ҳозир Сиз ишлаган ўша муборак газетага муҳаррирман, менга отамдек бўлиб қолдингиз, энди бир хонадонимга таклиф этсам, дедим-да, жим тура бердим.

Шароф ака ўйлаб турдилар-да, тўсатдан:

– Қачон борайлик, – деб қолдилар.

Шошиб қолдим, мен ҳам ўйлаб-нетмай, «шу пайшанба куни», деб юборибман.

Мен у кишининг ҳузурига кирганимда ҳафтанинг сешанба куни эди, ўртада чоршанбани қолдириб, «пайшанба куни» дедим.

– Сизникига борганим бўлсин, энди гап бундай, келишиб олайлик, ўша куни кечқурун соат 6 да машинангизни Марказқўм олдига юборасиз, биз сизнинг машинангизда борамиз, – дедилар.

Ўша вақтда редакциянинг машинасида Тўлаган Обидов деган ажойиб йигит ҳайдовчи бўлиб ишлар, ўзи ўта вафодор, содиқ инсон эди. Белгиланган кунда Тўлаганга барча гапни тушунтириб, Марказқўм биноси ёнига юбордим. Унга ҳамма гапни яхшилаб тушунтирдим. «Бир вақтлар Шароф акани Тошкент обкоми ёни-

дан Марказқўмга олиб бориб қўйганман», – деб қўйди менга.

Хуллас, пайшанба куни кечкурун соат олти яримда Шароф Рашидов ўз оилалари Хурсандой Гафуровна билан менинг Урицкий кўчасидаги уйимга меҳмон бўлиб келишди. Хурсандой опа бир кучоқ оппоқ харир гулларни кўтариб олган эдилар, гўё гул гул билан бирга хонадонимизга кириб келгандай туйилди.

Уйда биз эр-хотин, жажжи қизим Наргис бўлса хизмат қилиб юрибди. Шароф ака қизимга ҳавас ва меҳр билан қараб:

– Исминг нима, чиройлик қиз, – деб қолдилар.

– Наргис, – деди у.

Шароф ака «Исминг жисмингга монанд экан», деб қизимни бағирларига босиб, «бахтли бўл» деб пешонасидан ўпиб қўйдилар.

Ўша даврлар Шароф аканинг «Кашмир кўшиғи» қиссаси босилиб чиққан, асарнинг асосий қаҳрамони эса Наргис эди. Биз қизимизга ўша исмни қўйган эдик.

Самимий суҳбат бўлди. Гўё бизнинг хонадонимизга отам билан онам келгандай. Суҳбат кўпроқ матбуот ҳақида борарди. Ўша газетада ишлаган дамлар ҳақидаги суратлар альбомидаги расмларни кўриб чиқдилар. Унда Шароф Рашидовнинг газета жамоаси билан бирга тушган суратлари, боғ сайлига чиққан дамлар, пахта теридаги суратлар... Хуллас, барчасини бирма-бир эринмай кўриб чиқдилар. Бу воқеага қанча йиллар ўтиб кетди. Энди ўша дамларни ёдга оламан, қарангки, Шароф ака бизнинг хонадонимизга келганларида ёнларида бирорта кўриқчилари ҳам бўлмаган эди. Ҳеч ким бу воқеадан хабардор бўлмаган. Ўзимиз, оиламиз билан мўғтабар меҳмонларни кўча бошигача кузатиб чиқдик. Йўловчилар ҳам йўқ, гўё уйимизга оддий бир меҳмон келиб кетгандай. Қўшнилар келганларини кўрган бўлсалар ҳам, бепарво ўтиб кетаберганлар. Зеро, Шароф

Рашидовдек буюк давлат арбоби, атоқли адибнинг хонадонимизга ташриф буюришини ҳеч ким кўз олдига келтира олмасди. Улуғ одам ўзини шундай тутса ҳам, буюклигича қолаверади.

Шароф Рашидовнинг ҳаёти фақат меҳнат билан ўтди. На роҳатни, на маишатни биларди. Ичмасди, чекмасди... Иғво, фисқу фасод шу даражага бориб етдики, ҳатто уни порахўрликда айбламоқчи ҳам бўлишди.

Мана, республикамиз мустақил тараққиёт йўлига кирди, халқимизнинг эзгу орзуси, умиди ушалди. Ҳурматли Шароф Рашидов ҳам ана шундай эзгу кунларнинг келишини, Ўзбекистонни ҳақиқий мустақиллигини жуда-жуда орзу қилгандир балки...



Абдуллажон ТУРДИҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси

ЭЛ БАХТИ УЧУН ЯШАГАН ИНСОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарор чиққанини эшитиб, юртимиздаги миллионлаб инсонлар каби мен ҳам тўлқинланиб кетдим. Кўзларимга севинч ёшлари келди. Чунки бу қарор аҳамияти ва кадрини ҳаммадан кўра Шароф Рашидов билан ўша долғали йилларда елкама-елка ишлаганлар яхши биладилар.

Бу инсонни мен нафақат меҳрибон, куйинчак, фидойи одам, балки кучли давлат раҳбари сифатида ҳам яхши билганлардан бириман. Шароф Рашидов юртимизда жуда кўп иншоотлар, муҳим объектлар қурилишига бош-қош бўлгани, келажакни ўйлаб, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб бориши учун Ёзёвон, Сурхон-Шеробод, Мирзачўл ва Қарши чўлларини ободонлаштириш ишларини амалга оширгани, натижада аҳолининг турмуш тарзи бора-бора муайян даражада яхшиланиб борганидан хабардорсиз. Айниқса, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан кейин пойтахтни қайта тиклаш, замонавийлаштириш ишларида ҳам катта жонбозлик кўрсатган, метро қурилишига ҳам бош-қош бўлган. Ваҳоланки, ўша пайтлар собиқ Марказ Тошкентда метро қурилишига қарши чиқиб, зилзилаю ерости сувларини баҳона қилиб, бу ҳаракатга тиш-тирноғи билан қарши турган. Аммо Шароф Рашидов

шу лойиҳани амалга ошириш учун энг тажрибали му-
тахассислар билан таҳлилий маълумотлар тайёрлаб,
пойтахтимизда мазкур қурилишнинг амалга оширили-
шини таъминлай олган эди.

Шароф Рашидов давлат арбоби сифатида яна кўплаб
хайрли ишларни амалга оширган. Айниқса, Куба дав-
лати раҳбарлари билан музокаралар олиб боришдаги
закийлиги ва фаоллиги таҳсинга лойиқ бўлган.

Хуллас, мен оддий бир қишлоқ йигити ана шундай
тарихий шахс билан учрашиш, бу одамнинг мадади би-
лан халқимизга хизмат қилиш бахтига мушарраф бўл-
ганлардан бириман.

Агрономлик техникумини тугатиб, Ховос совхозида
бригадир, агроном, бўлим бошлиги ҳам бўлиб ишлаб,
1970 йилда Пахтакор туманидаги 26-совхознинг 6-бў-
лимига бошлиқ этиб тайинландим. Ўшанда илк бор
12 центнер ҳосил бериб келаётган далаларнинг ҳар
гектаридан 24 центнердан пахта йиғиб олишга эришиб,
зиммамдаги режани биринчи бўлиб бажаргандим. Бу-
нинг учун «Запорожец» машинаси билан тақдирлан-
ганман.

1971 йилнинг ёз ойларида «Ховос» хўжалигига ди-
ректорликка тайинландим. Ўшанда бу хабарни ҳеч
кимга айтмай, бола-чақам билан қишлоғимга кириб
борганимда онам: «Нега пахта терими олдидан бу ерга
келдинг, ёки ишдан бўшатиб юбордиларми?» – деб
роса уришгандилар ҳам...

1974 йилнинг май оyi охирларида хўжалигимизга
Шароф Рашидов келадиган бўлди. Ўшанда республи-
ка раҳбарини кутиб олиш учун Ховос темирўлига бо-
риб турдик. Шароф ака мени ўзи ўтирган машинанинг
олд ўриндиғига таклиф қилди-да, самимий суҳбатлаша
кетди. Ёшимни, ота-онамни, касбимни сўради. Хўжа-
лик ҳаёти билан қизиқди.

– Илгари халқимиз узумчилик ва боғдорчилик би-
лан шуғулланган. Бу ерларда вино ишлаб чиқарадиган

тўртта завод бўлган. Кейинчалик Боёвут чўллари ўзлаштирилганлиги сабабли ҳозирги аҳоли кўчирма қилинган, қаровсиз қолган боғ, узумзорлар тугаб кетган эди. Эндиликда узумзор, боғлар қайтадан тикланди. Ҳозирги пайтда қишлоғимизда йигирма икки ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Мана шу уч тарафимиз Тожикистон, кун ботар томонимиз Зомин районига қарашли, – дедим.

Кейин Шароф Рашидов кизиқиб, Ём қишлоғи ҳақида ҳам суриштирди. Сабаби, 1937 йил Ёмда ўқитувчи бўлиб ишлаб юрганида Жиззахдан болалар уйига ўқувчиларни олиб келган экан. Бориб кўрамиз, деб қолди. Совет қишлоғининг ичидан ўтаётганимизда йўлда 10–12 нафар аёл бир эраккни сувга пишиб чиқаётганига кўзи тушиб, ҳайдовчисига машинани тўхтат, дегандай ишора қилди.

– Булар нима қилаётганини биласизми, Абдуллажон? – сўрадилар Шароф ака шўх жилмайиб.

Елка қисдим. Ростини, ўзим ҳам бунақа манзарани биринчи кўриб туришим эди.

– Билиб қўйинг. Улар Худодан ёмғир сўраяптилар. Бу «Суст хотин» деган энг қадимги урф-одатимиз бўлади.

Машина тўхтаб, Шароф Рашидов тўғри ўша одамлар томон юра бошлади. Аёллар ҳурматли меҳмонни дарров таниб қолишди ва ўраб олишиб, «айланай-ўргилай»лаб сўраша кетдилар.

Аёлларнинг бири эса «суст хотин» маросимига олиб чиқилган нонни Шароф Рашидовга узатди. Шароф ака нонни синдириб, ҳаммага бир бурдадан улашиб чикқач, аёллар билан бироз суҳбатлашди. «Мендан нима илтимосларингиз бор?», – деб сўради.

Аёллар аҳоли ҳам, далалар ҳам сувсизликдан қийналаётганини, шунинг учун қишлоқда фақат қариялар қолиб, ёшлар иш излаб чўлларга кетиб қолаётганини айтишди.

Буни эшитиб, Шароф ака менга юзланди:

– Бу масалада нима қилиш керак деб ўйлайсиз, Абдуллажон?

– Анчадан бери бир нарсани режалаштириб юрибмиз. Бу муаммони ечиш учун кичикроқ сув омбори қуриш мумкин. Чунки бу ерларда қишин-ёзин булок суви қайнаб чиқиб туради. Бундан ташқари, мана-ви Туркистон тизма тоғларидан сел сувлари келади... – ёшлигимга борибми, ёки бу инсоннинг мулоийм ва самимий муомаласи таъсир қилибми, шартта-шартта дилимдаги барча орзу-ниятларимни айтиб ташладим.

Ўша куни раҳбар хўжаликлар аҳволи, одамларнинг турмуши билан қайта-қайта кизикди. Кўп жойларда бўлди. Қишлоқларнинг манзараси, кенг, текис ерларини кўриб, бу жойларда катта имконият борлигини айтди. Кейин ёлғиз қолганимизда, бир таклифини ўртага ташлади: «Сиз ҳеч нарсага эътибор қилмай, ҳозиргидай яхши ишланг. Бу ерларда узумчилик ва боғдорчилик райони ҳам ташкил этамиз. Ҳалол ишласангиз, шу районни ўзингиз бошқарасиз!» – деб елкамга бир уриб қўйди.

– Аммо, Шароф ака, устимдан кўп ёзишади. Бундан ҳар замонда хафа ҳам бўлиб кетаман... – беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди бу гап.

– Сиз бундай ҳолатлардан хафа бўлманг. Мана мен, Жиззах шаҳридан 1937 йилда чиқиб кетганман. Яқинда Москвадан комиссия келиб текшириб кетди. Сабаби менинг устимдан ҳам шикоят хати ёзишибди. Бундан хафа бўлишим керакми? Муҳими, ҳалол ишлайверинг, – деди.

Икки кундан кейин Гулистон шаҳрида катта йиғилиш бўлиб, унда Шароф Рашидов сўзга чиқди. Вилоятда бажарилган ва қилиниши шарт бўлган ишлар тўғрисида гапириб, Ховос райони, унинг тарихи, одамлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шу ташриф-

дан сўнг, 1975 йили Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва Ховос туманининг юқори қисмида йилига 100 минг тонна мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари берадиган Жўрахон Усмонов тумани (ҳозирги Янгиобод тумани)ни ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, Ховос хўжалигининг Сармич ҳудудида, Советда бошқа хўжаликлар ташкил этилди. Кейинроқ Хўжамушкент ўрмон хўжалиги очилди. Сармич ва Баландчақирда булоқ ва сел сувларини тўплайдиган сув омбори қурилиши ҳам режалаштирилди. Бир ярим-икки ойлар ўтгач, республика сув хўжалиги вазири келиб, сув омбори қуриладиган жой билан танишди ва тез орада Хўжамушкент ва Сармич сув омборлари қурилди. Сармич ва Баландчақирда булоқ ва сел сувларини тўплайдиган сув омбори бунёд этилиши масаласи ҳам кўрилди.

Бундай ўзгаришлардан, қолаверса, Шароф Рашидовнинг эътиборидан руҳланиб, янада ғайрат билан ишладик. Қанча қийинчилик бўлишига қарамай, уни мардонавор енгилди уринар, бошқаларни ҳам шунга ундардик. Эсимда, 1978 йилнинг қиши жуда оғир келганди. Гарчи совуқ 12–15 даражага тушиб кетган бўлса ҳам, ерларнинг шўрини ювиш керак эди. Ва биз шундай қилардик ҳам. Аммо тунги аёзларда лоток ариқлар юзини муз қоплаб, сув остидан оқарди. Доимо пахтали шим ва куртка, этик кийиб, кеча-кундуз сувчилар билан юрган кунларнинг бирида совуқдан сув лотоклари ёрилиб кетаётгани учун шўр ювишни тўхтатиш ҳақида вилоят партия қўмитасидан буйруқ олдик. Бу буйруққа амал қилиб, ишни тўхтатганимизда эса Шароф Рашидов имзоси билан телефонограмма келганини хабар қилишди. Унда айнан шўр ювиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказилиши айтилганди. Ўша йиғилишда республика раҳбари шуидай аччиқ киноя қилган эди: «Сирдарёликлар мисли оқ қанд, сувга тушса эриб кета-

ди. 10–12 даража совукни совук деб, шўр ювмасдан юришибди. Хоразм ва Қорақалпоғистонда ҳозир 20–25 даража совук! Шундай бўлса ҳам улар шўр ювяпти».

Шундан сўнг Марказий Комитет бюроси томонидан Сирдарё вилояти хўжаликларига вакил бириктириш тўғрисида қарор қабул қилинган, тўхтатилган сув яна қайта очилди. Бироқ совук ўз ишини қилган, лотоклар ичи тўла муз, сув юрмасди. Кундуз кунлари муз синдириб, сув ҳайдаймиз, кечаси эса бетон ариқ юзаси қалин бўлиб яна музлайди. Қайтадан бу муздан сувни ажратамиз... Аҳвол жуда оғир эди. Совук жондан ўтар даражада...

Бир куни борсам, одамлар жунжикиб, нима қилишларини билмай туришибди. Сабаби, бу гал муз жуда қалин экан. Сув ажратишнинг иложи йўқ! Табиатнинг бундай қайсарликларидан бешиб кетган эканман, ишчилардан бирининг қўлидаги кувалдани олиб, жонжаҳдим билан музни тешишга тушдим. Аммо бир-икки урганимни биламан, муз ёрилиб, унинг остидаги сув ичига тушиб кетдим. Муз остидаги сувнинг шиддати 15–20 метрларгача оқизиб борди. Бошимни кўтарсам, музга тегади. Чикиб олгудай бирор ёриқ жой йўқ. Ахийри нафасим қайта бошлаб, тақдирга тан берганимда, одамлар амаллаб қутқариб олишди. 10–15 минут ўзимга келиб олгач, машинага ўтириб, жикқа ҳўл уст-бошим билан, кийимларимни аламаштириб келаман, деб уйимга жўнадим. Лекин уй ҳам совук, чунки у вақтлар ҳали газ қайда, ҳатто ўтин тақчиллигидан уйлар ҳам иситилмасди. Энди у кунларни аччиқ хотира сифатида эсласам-да, ҳали-ҳануз ўша шамоллашнинг азобини тортиб келаётганим ҳам рост.

Шароф Рашидов ҳақида ўйласам, ўша оғир йилларда кечган умр саҳифаларим беихтиёр ёдга тушаверади. У киши республикамизни ривожлантириш, одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш йўлини тинимсиз ўй-

лар, ўз оромидан кечган фидойи инсон эди. Шу боис бутун республикани қадам бақадам кезиб, доимо оддий халқ билан мулоқотда бўлиб, уларнинг дардини тингларди. Ёш, ғайрати ичига сигмаган, фидойилик билан меҳнат қилган ёшларни доимо қўллаб-қувватларди.

Ўзим ҳам ёшлигимдан сув чиқариш ва боғ-роғ яратишни орзу қилиб юрганим учундир, қачонки фойдаланилмай ётган жойни кўрсам, шу ерда нимадир барпо этиш ёки боғ қилишини режалаштириб бораверардим. Шунинг учун «Ховос» совхозида бўлим бошлиги, директор бўлиб ишлаган пайтларимда биринчи ўринда йўл бўйларига кўплаб дарахтлар экдик, бўлимлар, чўлдаги ровот, дала шийпонларига йўл олиб бориб, ер остидан сув чиқариб, боғ яратдик. Орзум – Мирзачўлда ҳам одамлар дам оладиган бир мевазор боғ яратиш эди. 1975 йил декабрь ойи охирида Баландчақирга қайтаётиб шу худудда узунлиги 100–150 метрлик, баландлиги 15–20 метр бўлган қирнинг ярмини текислаб, ишни тўхтатиб, кетишга чоғланиб турган техникаларга кўзим тушди. Секин ўша қирни айланиб кўрсам, айнан шу ерда боғ ва дам олиш учун иморат қуриш мумкинлигини сездим. Эртасигаёқ қозикча ва арқон олиб, мутахассислар билан янги қурилажак дала шийпони, ҳовузнинг ўрни, йўлакларини белгиладик. Аста-секин бу жойда боғ, иморат, йўлаклар, ҳовуз, ҳатто иссиқхоналар қурилди. Хуллас, юқорида тилга олганим, ташландиқ жойда барпо этилган боғ гуркираб яшнади.

1977 йил кузи оғир келиб, вилоятимизнинг пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди. Бор-йўғи 13 тагина хўжалик режасини уддалаган, уларнинг бири бизнинг хўжалик эди. Шу боис, кўплаб хўжалик раҳбарлари ишдан олинди.

Шароф Рашидов ҳар қачон Жиззахга келсалар ёки бошқа вилоятлардан қайтишларида, албатта, бизнинг хўжалигимизга ҳам тўхтаб ўтар эдилар. Бу инсоннинг

туғилиб ўсган жойларига нисбатан яна бир хурмат ва эътиборини шунда ҳам кўриш мумкин эди. Бир сафар, 1978 йилда, Жиззахдан қайтаётганларида, Шириндаги ГРЭСга боришда бизнинг хўжалик орқали ўтадиган бўлибди. Бир кун аввал менга бу ҳақда хабар берилиб, ҳатто «Мабодо чойга таклиф қилиб юрмагин, Шароф Рашидович Боёвутда чой ичадилар, сўнг ГРЭСга ўтиб кетадилар», – деб қаттиқ огоҳлантиришди.

Қоқ туш пайти Шароф Рашидовни чегарада кутиб олдик. Улар йўл ёқасидаги биринчи бўлим пахта дала-сига тушдилар. Бўлим бошлиғи Қўлдошев Шарифбой деган киши ва бошқалар билан суҳбатлашдилар. Ҳаммадан ҳол-аҳвол сўраб, ишларимизга омад тилаб, энди йўлга тушаётган эдилар, тунов кунги огоҳлантиришларни унутиб: «Шароф ака, бир пиёла чой ичиб кетинг», – дебман шошиб. Улар астагина: «Чо-йингиз борми?», – дедилар ҳорғин жилмайиб. Мен: «Ҳа!», деб жавоб бердим. «Ундай бўлса машинага ўтиринг», дедилар. Раҳбарлар менга ёмон қараш қилди. Ўша боғдаги дачанинг бир хонасига кондиционер улатиб, совутиб қўйган эдим. Уйда қатикли ош қилдириб, бозордан мева-чева олиб дастурхон тайёрлаганман. Меҳмонлар бу ерга киришгач, кайфиятлари кўтарилди. Бир косадан совуган қатикли ош ичилгач, Шароф ака: «Менга шунақа овқатни онам раҳматлик қилиб берар эдилар», – деб яна ярим коса ичдилар. Ташқарига чиқсам, айвонда кўриқчилар менга норозилик билан қараб туришарди. Мен уларга: «Ахир шунчаки, кўчада бўлса ҳам саломлашган одамни-да, урф-одатимиз бўйича, бир пиёла чойга таклиф қиламиз-ку!», – дедим. Хонага қайтиб кирсам, нимадандир таъбим хира бўлганини сезган Шароф ака мулоимлик билан: «Хафа бўлманг, уларнинг вазифаси шунақа», – деб кўнглимни кўтардилар.

1978 йилнинг июнь ойи охирларида ҳам Шароф Рашидов шу боғга яна келиб, бу сафар энди уни эринмай

айланиб чикиб, меҳнатимиз учун раҳмат айтиб, «Қилса бўлар экан-ку», – деб, экилган дарахтларнинг тури билан қизикдилар. Нега дарахтларни ариқ ичига эккансиз, четига эмас, деб сўрадилар. «Чунки бу ерлар баҳаво жой бўлса ҳам, тупроғи шўр. Дарахтлар эса чўл шароитида кўпроқ сув талаб қилади. Ариқ сувлари бу шўрни тепага, дарахт илдизига қараб ҳайдайди. Шунинг олдини олиш учун дарахтларни ариқ ичига экдим. Энди тупроқнинг шўри илдиздан юқорига, ариқ лабига чиқиб қоляпти. Натижада, кўчатларимиз бу шўрдан халос бўлиб куч олиб, гуркираб ўсаяпти», – дегандим, ёш боладай қувониб кетди. Мамнунлигидан елкамга қокиб, раҳмат айтиб, атрофдагиларга: «Қаранглар, қандай тажриба! Ўрганса арзийди», – дедилар. Мақтовдан яйраб, ўзларидан ток қаламчасини экиб беришларини сўрадим. Улар менга қараб: «Ахир ҳозир ёз-ку, қандай бўлар экан?», – деганларида, мен ота-боболаримиз арпани ўриб олиб, кейин ток қаламчасини экканларини айтганимдан кейин, ўша кўчатни астойдил экиб бердилар. Бу ток шу бугунгача кўкариб турибди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Шароф ака тўсатдан Меҳнатобод райониغا келдилар. У киши билан республика ва вилоят раҳбарлари ҳам бор эди. Тушликдан сўнг қўл ювгани турдилар. Бирга чиқдим. Янги катта-кичик сочиқлар илиб қўйилган экан, мен бориб кичикроқ, юмшоқ сочиқни олиб у кишига тутдим. Улар қўлларини артиб менга: «Қулоғингизни тутинг», – дедилар самимий кулимсираб. Яқинлашиб, кулоқ тутдим. Шароф ака кўзлари билан сочиқларга имо қилиб, бошқалар эшитмайдиган тарзда паст овозда дедилар: «Шуни билиб олинг, бундай сочиқларнинг каттаси билан бадан, кичикроғи билан бош ва менга берганингиз билан оёқ, силлиғи билан эса қўл артилади», – деб тушунтирдилар. Ўша пайтдаги менинг аҳволимни кўрсангиз эди. Ҳамма қараб турибди. Мен қизариб, уял-

ганимдан кулиб турсам-да, хижолатдан ҳар тола сочимдан тер оқаяпти гўё. Аммо Шароф ака: «Уялманг, бундан кейин кўплаб меҳмон кутасиз, билиб олсангиз, керак бўлади», – дедилар. Иккаламизнинг гапимизни ҳеч ким эшитмади. Бошқалар қизиқиб, Шароф Рашидов сизга пичирлаб, кулоғингизга нима дедилар, деб сўраганларга: «Яхши бир гап айтдилар, аммо бу – сир», – деб қўя қолдим...

1975 йили Ғанишер Юнусов номли янги хўжалик ташкил этилди. Аста-секин бу ерда ҳам боғ-роғ, дарахтзорлар пайдо бўлди. Газ ва сув келтирилди, янги уйлар ва клублар қурилди. Одамлар ўтроқ бўлиб қолди. Шу тарзда чўлда яна бир қанча янги хўжаликлар барпо этилди. Кейинчалик Меҳнатобод номли янги район ҳам ташкил қилинди. Менга шу туманнинг район ижроия қўмитаси раислиги ва райкомлигини ҳам қўшиб олиб бориш вазифаси топширилди. Шу сабаб билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бориб, ҳужжатларни топширдим. Менга 6-қаватга чиқиб, раҳбар қабулхонасида кутиб туришимни айтишди. Бу ерда мендан бошқа одамлар ҳам бор экан. Улар бирин-кетин ичкарига кириб-чиқиб туришибди. Ниҳоят, қабулхонада қолган 12–15 кишини ичкарига таклиф қилишди. Шароф Рашидов бюрони очиб, масаланинг моҳиятини тушунтириб, чақирилганларни биттадан турғизиб, вазифаларга тасдиқлай бошладилар. Меҳнатобод райони ташкил бўлгани ва мени шу районга раҳбар қилиб тасдиқлашларини сўраб таржимаи ҳолим ва меҳнат фаолиятимни ўкиб эшиттирдилар. Сўнгра зиммамдаги вазифанинг оғирлиги, мен раҳбарлик қиладиган ҳудуддаги шароит, тупроқ ҳолати ҳақида ҳам муфассал тушунтирдилар. Айниқса, бу жойларда ернинг шўрлиги, гипс қатламининг юзада жойлашганига тўхталиб, оғир тин олиб, «Меҳнатобод бу Мирзачўл учун «Бермуд учбурчаги»дай гап. Ша-

роити, тупроғи бизга нима беради, нима йўқ? Аммо биз шундай ишлашимиз керакки, бу ерларда ҳам одамлар яйраб яшаб, меҳнат қилсин!» – дедилар. Менга омад тиладилар.

Икки кун ўтиб, янги районнинг Қахрамон кўрғонида тикланган биргина хонада иш бошладим. Телефон ва бошқа жиҳозлар ҳам қўйилмаган, хона совук. Қалин кийиниб олганман. Шу тариқа 83 та вагон келтирилиб, шуларда ижроия кўмита идораси ташкил этилди. Гулистон билан телефон алоқаси ўрнатилиб, янги туман раҳбарларини Янгиер ёки Гулистонга олиб бориш учун 1 та УАЗ автомобили ва 2 та микроавтобус ажратилди. Зиммамизда эса давлатга 23.800 тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш вазифаси юклатилган эди. Шароит оғирлигига қарамай, техника тайёргарлиги, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилашга ҳаракат қилдик. Аҳоли ўртасида тунтуририш ишларини олиб бордик. Натижада водий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилояти, ҳатто Тожикистон республикасидан одамлар кела бошлади. Уларни хўжаликларга жойлаштирдик. Мен учун бу вазифа оғир, сира район раҳбари бўлиб ишламаганман. Тайёр район бўлганда ҳам майли эди, ишни келган жойидан давом эттириш мумкин бўларди... Аммо яйдоқ чўлда ҳамма ҳамма ишни нолдан бошлаш керак эди. Хўжаликларда уй-жой, мактаб, боғча қуриш, ичимлик суви, газ йўқ... аммо барча тармоқларни йўлга қўйиш зарур эди. Хўжаликлар билан гаплашай десанг телефон, касал бўлганларни даволаш учун касалхона бўлмаса... Кимгадир тиббий ёрдам керак бўлса, уйда кўрсатилар, оғирроқ беморлар эса бирор ўткинчи машинадами, амаллаб Гулистондаги шифохоналарга етказиларди. Бунинг устига қишлоқ хўжалиги ишлари бошланган, ер ҳайдаш, шўр ювиш, техника тайёргарлиги...

Аммо ҳамжиҳатликни қўлдан бермадик. Тезлатиб уй-жойлар, чойхона, ошхона, дўконларни қурдик. Ўша

йили биринчилар қаторида пахта тайёрлаш режасини ҳам бажардик.

Ана шундай кунларнинг бирида, аниқ санаси эсимда йўқ, аммо пахта тайёрлаш режасини бажарганимиз ҳақида ғалаба рапортини берадиган кунимиз эди. Шунинг учун эрталаб соат 8-00 ларда телефонда хўжаликларнинг энг охирги ҳисоботларини олдим. Ишга бориш учун турмуш ўртоғим авайлабгина тутиб турган байрамона костюмимнинг бир енгига энди қўл солган пайтим телефон қаттиқ жириглаб қолди. Олсам, сизни Тошкентдан сўрашяпти, деб улаб беришди. Аёл кишининг овози эшитилди: «Сиз Турдикуловми? Шароф Рашидович сизни сўраяптилар», – деди.

Бугун ҳам телефондаги ўша сўзлашувимизни эсласам, кўзимда ёш келиб кетади. Бунчалик самимият ва меҳрибонлик билан қилинган муомала... Аввало, ўзимни ўнглаб олгунимча Шароф ака биринчи бўлиб, мендан илгари салом бердилар. Кейин мени тарбиялаган онам, халқимга, шундай ишлашим учун шароит яратиб берган оилам, турмуш ўртоғимга раҳмат айтдилар. Мен эса ҳамон нима дейишни билмас, фақат кўзларимдан тирқираб ёш оқарди. Ўзимни босиб олиб, зўрға: «Раҳмат, Шароф ака», – дея олдим. Бундай қарасам, ҳамон кийгизишга улгурмаган байрамлик костюмимни ушлаганча хотинимнинг ҳам ёноқларидан милдир-милдир кўз ёшлари қуйилиб турибди. Телефондаги сўзлашув тугагач, эр-хотин ўтириб, иккаламиз худога минглаб шукрлар қилдик. Ахир ким эдиг-у, ким бўлдик! Бошқалар ҳатто кўришнигина орзу қиладиган шундай улуғ инсон онамга, оилам аҳлига, мени етиштирган халқимга раҳмат айтди. Энди жонимни жабборга бериб бўлса ҳам, шундай инсоннинг ишончини оқлашим керак, деб, қаттиқ бел боғладим. Худо хоҳлаган экан, бутун фаолиятим давомида шу одам мен учун идеал бўлиб қолди. Доимо қилган ишларимни Рашидов

тарозиси билан ўлчаб юрдим. Ҳатто ҳозир ҳам бирор иш қиладиган бўлсам: «Шароф ака тирик бўлганида нима дер эдилар», – деб ўйлайман...

Ҳар қанча оғир шароитга қарамай, 1981 йил пахта тайёрлаш режасини уддалаганимиз учун республика кўчма байроғини олдик. Шу йили Боёвут районига биринчи секретарликка тавсия этилдим. 1982 йилнинг февраль ойида эса Шароф Рашидов бошчилигида раҳбарлар Боёвутга ташриф буюриб, жойларда амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Қандай камчиликлар борлиги, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида мулоқотлар қилинди. Ана шундай халқпарварлиги учундир, Шароф Рашидов вилоятга келармиш, деб эшитса, оддий одамлар дарҳол кўчалар ва хонадонларни ҳам саранжом ва саришта қилиб кўярдилар. Меҳмонлардан холи тарзда Шароф Рашидов мени ёнига чақириб, Боёвут тумани мамлакатнинг пахтачилик бўйича лабораторияси, ҳатто академияси ҳисобланишини таъкидлагани сира ёдимдан чиқмайди.

– Шунинг учун сиз, биринчидан, билдирилган ишончни оклашингиз керак. Иккинчидан, пул топаман деб, обрўйингизни тўкманг. Пул топиш мумкин, обрўни эса йўқ. Учинчидан, сиз ҳалол ишлаб, халқ ишончини қозонсангиз, халқнинг ўзи сизни тўйдиради, буни унутманг! Тўртинчидан, сиз келишган йигитсиз, аммо оилага хиёнат қилишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Бешинчидан, халқ ичида кўпроқ бўлинг! Касалхона, мактаб ва боғчалардан тез-тез хабар олиб туринг, – дея оталарча насихат қилдилар.

Шароф Рашидовнинг ўша унутилмас учрашувда менга айтган бу гаплари бир умрлик дастуруламалим бўлди. Айнан шу ўғитларга таяниб, кўпроқ иш ўрганишга, қарорларни тайёрлаш ва тажрибали инсонлардан сўраб-ўрганишга, кам гапириб, кўпроқ эшитишга ҳаракат қилдим. Бу ўрганганларим кейинчалик Зомин,

Зарбдор ва Ховос туманларида ишлаганимда ҳам мен учун бебаҳо қўлланма вазифасини ўтади.

Кейинчалик Ўзбекистонда биринчи бўлиб ҳашаротларга қарши биологик усул билан курашишни йўлга қўйдик. 1983 йил қишлоқ хўжалиги институтининг вакиллари билан ғўза зараркунандалари – ўргимчаккана, кўсакқуртига қарши биоусул билан куршиш учун «Хабробракон» капалаги, олтинкўз каби ҳашоратларни кўпайтириш учун лаборатория ташкил этиб, натижада ўша йили ҳашаротларга қарши заҳарли дори сепувчи машиналардан воз кечдик. 1984 йилда зарарли ҳашаротларга қарши тўлиқ биологик усулда кураш йўлига ўтдик. Бу ишларнинг яхши натижа берганлигини йил якунидаги юқори кўрсаткичлар билан исботлаб ҳам бердик.

Ўша йили туман пахтачилик, ғаллачилик, чорва, поллиз, сабзавот етиштиришда катта фойда кўрди. Энди олинган бу фойдани меҳнат ҳақига тақсимлаб, колхозчиларга катта-катта мукофот пуллари ажратдик.

Шу тарзда пахта тайёрлаш режасини бажардик, ер ҳайдаб, шўр ювиш вақти келди. Ер ҳайдаб, орқама-орқа пол олиб, шўр юва бошладик. 9-совхоз чегарасидаги йўл тагига ётқизилган қувурга туяқорин тикилиб қолиб, сув дамланиб йўлни босиб қолган эди. Мен шу қувурнинг оғзини очиб юбориш учун экскватор олиб бориб ишлатиб турган эдим, ГАИ машинаси Янгиер шаҳрига қараб сигнал бериб ўтди. Машинанинг орқасидан қараб турган эдим, олдимга бошқа бир машина келиб тўхтади. Бундай қарасам – Шароф Рашидов! Мен билан кўришиб, ўнг қўлимдан тутиб, чап қўлларини елкамга қўйиб туриб: «Сикилманг, бу қийинчиликларнинг роҳати ҳам бўлади», – деб хайрлашиб кетдилар.

Менимча, бу даражадаги оғир шароитларга қарамай меҳнат қилаётганимни кўриб, жуда раҳмлари келди. Балки шунгадир, 1981 йилнинг декабрь оyi мени

вилоят партия кўмитасига чақиришди. У ерда менга Боёвут туманининг биринчи секретарлигига тавсия этилаётганимни айтишди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим, «Боёвут катта жой, мен учун оғирлик қилади», – дедим. Аммо «Бу эътирозингизни Шароф Рашидовга билдирасиз», – деган жавоб олдим. Қўлимга ҳужжатларни бердилар. Соат 12-00 да Тошкентга, Марказий Қўмигага етиб бордим. Боришим билан қўлимдан ҳужжатларни олиб, 6-қаватга чиқинг дейишди.

Шароф Рашидовнинг қабулхонасидаги яна ўн чоғлик одамлар билан ичкарига кирдик, эшик олдидаги охирги ўриндикқа ўтирдим. Шароф ака бюро аъзоларига масаланинг моҳиятини тушунтириб, таклиф қилинганларга бир-бир қараб менга тўхталдилар ва «Абдуллажон, келдингизми, биз сизни Боёвут райони-га биринчи секретарликка тавсия қилдик» – деб мени ўтирганларга таърифлаб кетдилар. Бюро аъзолари ҳам менинг Меҳнатободдаги ишларимни макташди. Шароф аканинг менга омад тилаб айтган сўзлари ҳамон эсимда: «Район анча оғирлашиб қолган. Шу ерликсиз, одамларни яхши биласиз, Ховос шу райондан ажралиб чиққан. Тупроқ шароити, одамлари сизга таниш. Меҳнатободда қилган меҳнатингиз учун сизга катта раҳмат! Бу янги районда ҳам сизга омад тилаймиз», – деб мени ушбу вазифага тасдиқлашди.

Қўлдан келганча бу ишончни оқлашга ҳаракаат қилдим, албатта. Аммо шу йили содир бўлган бир воқеа асло ёдимдан чиқмайди. Собиржон ўғлим қишлоқ хўжалиги институтида ўқир эди. Пахта теримига чиқиб, шамоллаб, бетобланиб қолди. Тана ҳарорати 39–40 даражадан тушмагач, уйга қайтиб келди. Онам раҳматлик билан бориб уни Гулистон касалхонасига ётқиздик. Фойдаси бўлмади. Декабрь ойида Тошкентга олиб келиб, ҳукумат стационарига жойлаштирдик. Бу ерда ҳам бирор аниқ ташхис қўя олмадилар. Ҳар куни турли ака-

демик ва профессорлар келиб кўриб, турли ташхисларни кўйиб кетардилар. Болам ҳолдан тойиб, тура олмай-диган даражага келиб қолди. Эр-хотин нима қилишни билмаймиз. Охири бош шифокор кабинетидан Шароф Рашидовга телефон қилдим. Қабулхоналарида Мая опа деган аёл ишлар эди. Мен саломлашиб, воқеани тушунтириб, раҳбарни улаб беришларини сўрадим. Телефонда Шароф аканинг овозларини эшитибок, ёш боладай йиғлаб юбордим. Улар мени овутиб, ҳаммаси яхши бўлишига, бу ишни ўзлари назорат қилишларига ишонтирдилар. «Сиз ўша ердан қимирламанг», – деб тайинладилар. Ярим соат ичида профессорлар гуруҳи йиғилди. Консултация бошланиб кетиб, менинг чиқиб туришимни сўрадилар. Кейин боланинг боши рентген қилинса, кулоғининг орқасида калла суяги лат еб, ўша ердан катта қон томирига зарар етказган экан. Чириган суякни шундай қириб олишлари билан, тана ҳарорати жойига тушди. Бу ҳақда Шароф Рашидовга хабар қилдик. У киши мени телефонга чақириб, кўнглимни кўтариб кўйдилар. Худога шукр, Собиржон ўшандан буён соғ-саломат. Олти фарзанднинг отаси бўлди. Унинг жонини асраб қолишда ўз ёрдамини аямаган Шароф ака ва барча шифокорлардан эса умримнинг охиригача миннатдорман.

Шароф Рашидов вафотидан кейин, 1984 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленуми бўлиб ўтди. КПСС МК секретари Лигачёв иштирок этди. Усмонхўжаев ва Абдуллаевалар бир овоздан марҳум Шароф Рашидовни ёмонотликқа чиқардилар. Ўзбекистон кадрлари Рашидов даврида айниган деб марказдан кадр юборишларини сўрадилар. Бундай шармандагарликни ҳеч кўрмагандим!

Жиззахда эса вазият ундан-да оғир эди. «Шароф Рашидовнинг туғилган юрти» деб бу инсонга яқин бўлган бирорта ҳам одам ишда қолмади, кўпчилик вазифасидан бўшатилаб, устидан жиноий ишлар очилди.

Ҳар куни обком бюросида 2–3 нафар раҳбар ишдан олиниб, партиядан ўчирилди. Собик иттифокнинг барча марказий газеталарида, хусусан, «Правда» ва «Известия»да Ўзбекистонни, унинг марҳум раҳбарини қораловчи мақолалар тинимсиз чоп этилар, Москвадан келган «десантчи»ларнинг гаплари, шунингдек, уларнинг ноғорасига ўйнаган, халқимиз ичидан чиққан «Ёв кочса, ботир кўпаяди» тоифасидагилар урчиганди. Боболаримизнинг «Бир йигит халқ бахти учун туғилса, бошқаси шўри учун туғилади», – деганлари шудир, эҳтимол...

Сира тушунолмасдим, Шароф Рашидовдан кейин республика раҳбарлигига чиққан кишиларга бу улуғ инсонни қоралаш, унинг пок номига қоракуя суркаш нега керак бўлиб қолган эди?

Ўйлаб кўрсам, бу аслида собик Иттифок, яъни Москванинг иши, сиёсий ўйинлари экан. Ҳатто, ўша пайтлари собик Иттифокнинг марказий газеталарининг бирида Беженский деган олчоқ кимсанинг Ўрта Осиё республикалари ҳақидаги катта бир мақоласи чиққан эди. Унда очикдан-очик «ўзбекларнинг обрўси ошиб кетаяпти, Шароф Рашидовнинг обрўси шу қадар баландки, халқи уни ниҳоятда ҳурмат қилади, яхши кўради. Буни ўйлаб кўриш керак. Бу аҳволда келажақда СССРни Москва эмас, Ўрта Осиё «бошқариши» ҳеч гап эмас», – деб ёзганди. Кўряпсизми, қанчалар ичиқоралик билан ғараз мақсадлар илгари сурилган.

Халқимиз чиндан ҳам Шароф Рашидовни яхши кўрар эди. У киши ноҳақ қораланаётганини ҳамма ич-ичидан сезиб, билиб турарди. Аммо замон қаттол, айрим буқаламундек турланадиган кимсаларга бу қўл келган эди. Шароф Рашидовнинг яқинлари, қариндош-уруғлари рўйхатга тушди, ҳатто у кишига кимлар «хайрихоҳ» эди деган гап-сўзлар болалаб кетган эди...

Шукрки, юртимиз Мустақилликка эришгач, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланди. Бу Шароф Рашидовга нисбатан халқимизнинг юксак эҳтироми эди. Чунки Шароф Рашидов ўзи яшаган ва ишлаган давр ва тузумнинг ҳеч бир таъқик ёки қаршиликларига қарамай, доим эли тарафида бўлди. Унинг дардини билди. Бу дардга қўлдан келганча малҳам бўлишга ҳаракат қилди.

Шароф Рашидов билан боғлиқ хотираларим жуда кўп. Очиғи, бу инсон билан ҳар гал кўришганимда мен ўзимга чексиз куч, далда олар эдим. У киши бир гал менга: «Абдуллажон, доим ёдда тутинг. Одамлар касалхона ва камокхонага ўз ихтиёри билан бормайди. Шу сабаб у жойларга бориб қолганлар аҳволдан хабар олиб туринг. Сиз элнинг устида юрган одамсиз. Ҳаммага ибрат бўлинг, ёмон ишлардан узоқ юринг. Обрў орттиринг, элу халққа чин юракдан хизмат қилинг. Одамлар ташвиши билан яшанг. Қўлингиздан келганча элга яхшилик қилаверинг. Пул-бойлик топаман деб асло номингизга доғ туширманг. Шундагина сизни шу элнинг дуоси баландликка олиб чиқади. Яхшиликларнинг ўзи сизни излаб топади», – деган эди.

Бугунги Баландчақир қишлоғи ҳудуди ва ён-атрофи 1980 йиллари қуп-қуруқ адирликдан иборат жойлар эди. Шароф Рашидов Жиззах вилоятининг бу ҳудудларида янги хўжаликлар очиш, обод қилиш ҳақида кўп гапирар эдилар. Ҳамон қулоқларим остида мана бу гаплари ҳам жаранглаб тургандек:

– Абдуллажон, юртимизнинг ҳар бир гўшаси жаннатмонанд, қут-баракали, ҳали кўрасиз, бу жойларда гўзал боғ-роғлар яратилади. Одамлар ҳавас қиладиган хўжаликлар, тумайлар ташкил этилади. Бу ерда етиштирилган ширин-шакар мевалар нафақат республика-

миз, балки дунё аҳолисини боқади. Ўшанда бу гапларимни эслайсиз ҳали.

Йиллар ўтиб, бу гаплар ҳақиқатга айланди. Шароф Рашидовнинг бу улуғ орзуси ижобатини муҳтарам Шавкат Миромонович амалга оширдилар. У киши Жиззах вилоятида ҳоким бўлиб ишлаган пайтлари Янгиобод тумани ташкил этилишига эришдилар. Туманга қарашли Баландчакир қишлоғи ҳам бугунги кунда фаровон, гуллаб-яшнаётган гўзал масканга айланди. Шу жойларга озми-кўпми меҳнатим синггани, шундай улуғ инсонлар назарига тушиб, меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан ҳамиша фахрланаман, Яратганинг бу иноятдан доимо бошим осмонда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинганда, қолаверса, давлатимиз раҳбарининг турли йиғинларда фарзандларимизни китоб ўқиши, китобга қайтиш лозимлиги ҳақидаги гапларини эшитиб, Шароф Рашидовнинг кутубхонаси, шахсий китоблари билан боғлиқ бир воқеа ёдимга тушди. Буни кўплар билмаса керак. Ўшанда мен Жиззахда обком котиби эдим. Шароф ака вафотидан кейин, у кишининг турмуш ўртоғи Хурсандой опа бир «Зил» машинасида Шароф аканинг кутубхонаси, яъни китобларини Жиззахга олиб келди. Ахир, ул зот нафақат руспубликамизнинг биринчи раҳбари, балки ҳаммамизга маълум атокли ёзувчи, катта адиб ҳам эди. Умри давомида пул, мол-дунё йиғмаган, йиғганлари шу бир катта машина китоб бўлган. Ўшанда одамларнинг китобдан ҳам шунчалар қўрқишини кўриб ҳайрон қолганман. Бошим балога қолмасин, деб ҳамма ўзини четга олган. Ана шу китобларни Жиззах шаҳридаги ота

уйига олиб келдик. Мен ўзим чиқиб Хурсандой опани кутиб олдим. Китобларини тушириб олдик. 1990 йилда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов бу ҳақда кимдандир эшитиб, мард йигит экан, раҳмат айтиб қўйинглр, деб айтибдилар. 1992 йилда Рашидовнинг номи оқланиб, Жиззахда ош берилди. Ўшанда, Хурсандой опа қўлимдан ушлаб элга қарата ўз миннатдорлигини билдирган эди. Менинг кўзларимдан дув-дув ёш тўкилганди.

Жорий йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарори эълоң қилинганда яна кўзларимга ёш қуйилиб келаверди. Бутун халқимизнинг дилидаги умид, истакнинг рўёби бўлди бу.

Мана орадан шунча вақт ўтиб, Шароф Рашидов номи қайта эъзоз ва ҳурмат билан тилга олинмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов амалга оширган эзгу ишлар мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Зеро, мамлакатимиз дунёда ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлишида муносиб ҳисса қўшган улуғ инсонлар номини унутмаслигимиз, улар ҳаётини ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатишимиз хайрлидир. Чунки бу улуғ зотлар Ватани, халқи учун амалга оширган ишлар доим одамлар юрагида ва эъзозидадир. Ва бундан кейин ҳам шундай бўлиши шубҳасиз.



Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ШАРОФ РАШИДОВ ТУҲФАСИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи, олижаноб инсон Шароф Рашидов билан бўлган бир учрашув ҳеч эсимдан чиқмайди. Воқеа бундан ўттиз беш йил олдин рўй берганди.

1979 йил. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Кўптомлик асарлар таҳририяти мудири бўлиб ишлаб юрган кезларим. 28 октябрь куни эди. Соат бешларда хонамдаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни олдим. Бу ўша пайтда Марказий Комитетда хизмат қиладиган шоир акамиз Барот Бойқобилов экан.

– Муҳаммаджон! – деди Барот ака жарангдор овоз билан салом-алиқдан сўнг. – Эртага эрталаб соат тўққиз яримга ЦКга учинчи эшик олдига келинг. Кутиб олишади. Сизни Шароф Рашидович қабул қилмоқчилар...

Фавкулудда хабардан ҳайратга тушдим: Шароф Рашидович мени нега қабул қилмоқчи эканлар, деган савол қийнади. Ўша пайтда каттадан-кичик ижодкорлар ўзларининг янги чиққан асарларини арбоб ва адиб юрт оғасига совға қилиш каби эзгу одатни маҳкам тутардилар. Мўътабар бинонинг четидаги бир хонасида дарча бўларди, ҳар ким каттами-кичик ўз китобини дастхат ёзиб шу ерга беминнат топшириб кетиши мумкин эди. Китоблар муаллифлар томонидан кўнгилдан чиқариб берилар, мақсад ўз ижоди нишонасидан баҳраманд этиш хоҳиши эди, холос. Шунинг ўзи ҳам қалам аҳли учун катта кўнгил мадади хизматини бажарарди.

29 октябрь куни эрталаб айтилган вақтда белги-ланган манзилга етиб келдим. Мени бир одам, Шароф Рашидовичнинг ёрдамчиси экан, кутиб олди. Бироз суҳбатлашгандан сўнг бинонинг олтинчи қаватига кў-тарилиб, кенггина қабулхонага кирдик. Бу ерга аввал ҳам бир келгандим. Икки йил аввал бир гуруҳ чет эл ёзувчилари мамлакатга ташриф буюрганда Шароф Рашидов меҳмонлар билан худди шу ерда учрашган, мен меҳмонларни кузатувчилар сафида эдим.

Қабулхонада биздан бошқа яна беш-олти одам ҳам кутиб ўтиришарди. Уларнинг аксарияти мен тен-ги ёшлар эканлигини кўрдим. Саломлашиб сафга кўшилдик.

Кабинет эшиги ёнида ўрта ёшлардаги котиба аёл ўтирарди, иккинчи ёш котиба қиз қўшни хонада теле-фонда вилоятлардан пахта маълумотларини суришти-рар, бирма-бир рақамларни ёзиб оларди. Шунини айтиш керакки, ўша йили об-ҳаво қийинчиликлари ва бошқа турли табиий сабаблар туфайли юрт далаларида экин-лар ривожини мўлжалдан орқада қолган, пахта тайёрлаш аҳволи жуда ночор даражада бўлиб, план бор-йўғи 25 фоизга бажарилганди. Бу, албатта, нафақат раҳбардан то оддий фуқаро кайфиятигача, балки мамлакатдаги бутун вазиятга ҳам оғир таъсир қиларди.

Бир пайт Шароф Рашидов қабулхонага кириб келди. Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Яқиндан назар қилдим: бу қаддини тик тутиб юрадиган, баланд бўйли, очик чехра, нуроний юзли инсон эди. Хиёл табассум би-лан барчамизга қўл узатиб кўришди, котибалардан ҳол-аҳвол сўраб саломлашди. Кейин ичкарига таклиф қилди. Шароф Рашидов юзида пахта плани билан боғ-лик вазият таъсири сезилмасди (балки сездирмасди!).

Биз ёрдамчи билан ичкарига қадам қўйдик.

Катта хонанинг кирганда кўчага қараган деразала-рига яқин жойда мажлислар ўтказиш учун узун стол

қўйилган. Хонанинг чап томонида эса раҳбарнинг катта иш столи савлат тўкиб турарди. Шароф Рашидович узун стол бошида ўтирарди. У мени ўзининг ўнг томонига биринчи стулга таклиф этди, ёрдамчи эса менинг каторимда, қўлида калам-дафтар, узун столнинг охирига ўтирди.

Мен ҳаяжонда кўзларимга ишониб-ишонмай, нима дейишимни ҳам билмай жим ўтирар эдим. Ҳали ҳам таклиф этилганим сабабини яхши билмасдим. Бирдан Шароф Рашидович самимий жилмайди-да, оҳиста сўз бошлади:

– Бундан йигирма икки йил аввал, 1957 йилда биз – СССР Олий Совети Президиуми Раиси К.Е.Ворошилов ва камина Индонезия мамлакатига сафар қилдик. Бали оролига бўлса керак, келганимизда, денгиз соҳилида баландликда саришталанган жойга таклиф қилишар экан: «Сизларга бир мўъжиза кўрсатамиз. Мўъжизамиз бор!» деб бизларга сирли қараб қўйишди. Ҳақиқатда мўъжиза юз берди: бу ерда денгиз суви табиий равишда бир неча метрга кўтарилар ва маълум бир вақтда сув яна ўз ўрнига тушар экан! Мўъжиза деганлари, сув билан эмас, балки ўша сув кўтарилганда оддий одамлар томонидан қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна» асосида кўрсатиладиган халқ томошаси билан боглик экан!..

Дарҳол ёдимга ўтган йили ўзимнинг таржимамда нашр этилган «Рамаяна» эпосини Шароф Рашидовичга атаб дарчага топширганимни эсладим. Ўша вақтда Шароф аканинг қўллаб-қувватлаши билан жаҳон адабиётининг нодир асарлари ёш авлод вакиллари томонидан ўзбек тилига таржима қилина бошланган, хусусан, Эркин Воҳидов немис шоири Йоганн Вольфганг Гётенинг «Фауст», Абдулла Орипов италян шоири Данте Алигьерининг «Дўзах» («Илоҳий комедия»дан), мен эса қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»ни ўзбек тилига ўгирган эдик. Бу асарлар нашр этилиб, кенг тарқалган, ўқувчиларнинг яхши баҳосини олиб улгурган эди.

— ...Сув кўтарилиши билан денгиз бўйида сурон ичида томоша бошланиб кетди, — сўзини давом этдирди Шароф Рашидович. — Қувғинда зор-мустар юрган шаҳзода Раманинг (эпоснинг бош қаҳрамони) суюкли қайлиғи соҳибжамол Ситани, ана, дев Равана ўғирлаб узоқ Ланка оролига олиб қочиб кетди!.. Раманинг сафдошлари, баходирлар, қўрқмас жангчилар, айиқлар, маймунлар, бургутлар, кушлар — бутун табиат кучлари бирлашиб Ситани ёвуз душман қўлидан кутқаришга киришдилар. Улар денгиздан сузиб, тоғлардан ошиб ўтдилар, Ланка оролини қамал қилдилар. Оролда беомон жанг бўлади, Рама билан Равана яккама-якка курашга кирадилар, Рама енгиб чиқади, Сита озод бўлади!.. Ана шу паллада денгиз суви пасая бошлади! Томошани кўриб яйраган халқ энди денгиз бўйига ошиқади. Гап шундаки, сув тушиб кетгач, сув билан юқорига чиқиб қолган катта-кичик балиқлар курукда патирлашиб ётишади, пайт пойлаб турган одамлар ёприлиб уларни териб олишади. Денгизнинг тубидан қайнаб чиққан коралл тошлар ҳам чакқонларга «ўлжа» бўлади. Одамлар у тошларни битта ҳам қолдирмай йиғиштириб олиб, янчиб, майдалаб олий навли сементдан ҳам аъло қурилиш материалига айлантиришиб сотишади...

Шароф Рашидович менга табассум билан қаради, деди:

— Сиз берган «Рамаяна»ни ўқиб, бир-бир ўша кунларни эсладим... Раҳмат. Ҳа, бу тенги йўқ асар. Ҳиндистоннинг биринчи достони! Уни ёзган деб ҳисобланадиган Валмики эса биринчи шоир деб улуғланади. — Шароф Рашидович жим қолди, бироздан кейин қўшиб қўйди:

— Ҳиндистонда кўпчилик одамлар саводсиз, аммо сўрасангиз, бу эпосни ҳаммаси ёддан айтиб беради!

Қадим Ҳиндистон, унинг заҳматкаш халқи, гўзал афсоналари Шароф Рашидовичга руҳан яқин эди.

Адибнинг «Кашмир кўшиғи», «Икки дил достони» каби асарлари айни ўша мавзуларда ёзилган. Шу сабабдан, чамаси, нафақат ҳинд, балки бошқа Осиё халқлари адабиётларига ҳам сарчашма вазифасини бажарган дунё адабиётининг нодир намунаси деб саналадиган «Рамаёна»дай асарнинг ўзбек тилида жаранглашидан қувониб кетган эди.

Кейин Шароф Рашидович асар таржимаси устида қанча меҳнат қилганимни сўради.

– Беш йил тер тўқдим, 1971 йилда бошлаган эдим, – деб жавоб бердим.

Шу палла Шароф Рашидович «Маъқул!» дегандай бош тебратиб қўйди, кейин котибага ким биландир телефонда гаплашмоқчи эканини айтиб, у одамни топишни буюрди ва шу орада менга столнинг олдида турган ям-яшил нукраваш кутини олиб узатди:

– Яхши иш қилибсиз. Сизга мендан тухфа бўлсин!

– Миннатдорман! – дедим қўлим кўксимда қутичани олиб.

Ташқарига чиққунимгача қўлимдаги қутичага қарамадим, тўхтаб томоша қилиш ноқулай эди. Қутичада шундай русча сўзлар ёзиб қўйилган экан: «Поэту Мухаммаду Али от Шарафа Рашидова, за перевод «Рамаёны». 29 октября 1979 г.». Аста қутини очдим: унда тилло пероли авторучка ярқираб турар эди...

Масъул вазифалар билан қаттиқ банд бўлган, атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг кўксида ёзувчи қалби тепарди. Бу қалб ўз халқининг камолини кўриш, оғирини енгил қилиш, жўшиб-жўшиб васф этиш истаги билан тўлиб-тошарди. Бир суҳбатда, давлат ишлари қўл-оёғингизни боғлаб олган, қандай паллаларда ижод билан шуғулланасиз, деган саволга адиб, уйқу ҳисобига ижод қиламиз-да, деб камтарингина жавоб берганини эшитгандим.

1981–1982 йилларда Шароф Рашидовнинг ўзбек тилида беш томлик «Асарлар»и айнан бизнинг таҳри-

риятда чоп қилинди. Ҳамма томларни тайёрлашда мен фаол иштирок этдим. Атоқли адибнинг қарийб барча асарларини синчиклаб мутолаа қилиб чиқдим. «Асарлар» аввал рус тилида Москвада дунё юзини кўрган эди. Асарлар орасида шеърлар, романлар, қисса ва киносценарийлар, публицистик ҳамда адабий-танқидий мақолалар ўрин олганди.

Шароф Рашидов адабиётга шоир сифатида кириб келди.

*Олқиш оқар тилларимдан, илҳомимдир ёш,
Мақом айлар қўлларимда эркимнинг сози.
Юрагимда озодликнинг янгроқ овози,
Эрким қўлда, гунчаланур эркимнинг ёзи.*

(«Эрким» шеъри)

Бу шеър 1937 йилда ёзилган. Ёш шоир эндигина йигирма ёшга кирган эди. Шундай сарлавҳа қўйиб шеър битмок ва унда ўша вақтда ўзи мутлақо мавжуд бўлмаган «эрк», «озодлик» сингари юксак инсоний тансиқ туйғуларни ифода этгувчи сўзларни баралла ишлатмок ва бу билан ошкор ғурурланмок журъат, жасорат дегулик. Бунда шоирнинг қалбидан самимий туйғулар отилиб чиққанини кўрамиз.

*Эрк гунчаси тинмай гул очар,
Сочларингни силар сабоси –*

сатрларини ўқиймиз «Сингилга» шеърида. Озодлик руҳидаги бошқа бир шеърини эса очикчасига «Эрк истар кўнгил» (1939) деб атайди. Шароф Рашидовнинг шеърларида устози Ҳамид Олимжоннинг («Бахтлар водийси» шеърдан олинган «Мустақиллик ишқи билан ёнган далалар кўм-кўк...» сатрини эсланг) тип-тиник сойдаи равон шеърияти таъсири сезилади. «Чегарачи», «Сув ва нур» дostonлари, «Келинчак» балладаси,

«Белград қизи», «Лочинлар», «Она насихати» сингари шеърлари ана шундай асарлар жумласидандир.

«Навоийга» (1938) шеъри «шеърият диёрининг қуёши»га бағишланган. «Нур, севги, вафою мардоналикни / Намоён айлади сенинг ашъоринг» сатрларини келтириб, Навоийни мадҳ айлар экан, «Оташ қалбдан чиққан олтин сатрлар / Безади шеърият кошоналарин!» дея ғурурланади шоир.

Ижодий ниятлар кўлами кенгайиб, аста-аста шоирни наср томон етаклади. У бир неча насрий асарлар ёзди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу асарларда муаллиф муқтадир замонга боқишга мажбур эди, иложсиз адабиётнинг бадийлик мезонларидан кўра ғоявийлик тамойилларига, бошқача айтганда, социалистик реализм деган ясама метод талабларига кўпроқ эътибор қаратишига тўғри келди. Бу, афсуски, асарларнинг бадий қимматига таъсир этмай қолмади. Масалага объектив ёндашилса, бундай ҳолат нафақат Шароф Рашидов, балки умуман ўша давр адабиётимизга баб-баравар тегишли эканини таъкидламоқ керак бўлади.

Шароф Рашидовни том маънода Шарқ куйчиси дея оламиз. Унинг бу мавзуда ёзган асарлари, айтиш мумкинки, адиб ижодини безаган, адабиётимизни бойитган асарларга айланди. Ҳинд халқ афсоналари асосида ёзилган «Кашмир кўшиғи» (1956) ҳали-ҳамон ўз номига муносиб қўшиқдай жаранглаб турибди.

Асар нима ҳақида? Водий бағридаги гўзал Гуллар боғи ҳақидами?.. Ёки «*Ўйлаган ўйимдан қайтмайди дилим!*» деб ўз сўзида қаятий турган гўзал Наргис ҳақидами?.. Асаларилар шоҳи Бамбур тўгрисидами? Наргис билан Бамбурнинг ишқ-муҳаббати ҳақидами? Баҳорнинг тўнғич гуллари Лола, Атиргул, Наврўзгуллар борасидами? Бўрон, Қуюн, Хоруд сингари ёвуз кучлар ҳақидами?..

Асар ҳаммаси ҳақида... Ҳаёт ҳақида, олам ҳақида... «*Ер билан осмон бирлашур, аммо эзгулик билан ёвузлик,*

уруш билан тинчлик – ҳеч қачон!» – дейди Наргис ёвуз, «қадами етган жойга жаҳолат уругини сепеди»ган «хурпак дўзахи» Бўрон иддаоларига жавобан. Буни кўриб, «Наргисни қуршаб олган гуллар, дугоналар, қушлар, қумрилар, булбуллар, гиёҳлар маъқуллаб, гув-гувлаб, париллаб чапак чала бошладилар...»

Асарни таърифлаш мушкул, уни фақат ўқимоқ керак, ҳис этмоқ керак, ўқувчи ёзувчининг маҳоратига холисона иқрор бўлади, сўз санъатига тан беради. Мана, асардан олинган сатрлар, нодир топилмалар, ташбехлар, истиоралар, тимсоллар:

«...Бироқ, олма йўқки, гир айланаси бир текисда қирмизи бўлса. Бўстон йўқки, бир чеккаси тоғларга тақалмаган, бирор жойи жарлик билан тилинмаган бўлса. Эзгулик йўқки, атрофида фалокат ўралашиб юрмаган бўлса...»

«Севгидан бенасиблар – ҳидсиз гулдирлар.

Севгидан бенасиб – мевасиз дарахтдирлар.»

«Симобий кўпиклар сачратиб шарқираб тушадиган, гиёҳларга ва илк чечакларга ризқ улашган зилол сувлар», «Чўққиларида юлдузлар ором олгувчи салобатли тоғлар», «Висолсиз севги – сувсиз гул»...

«Тонг шафақи ва қорли чўққилардан андоза олган кўйлаги ҳам, нимчаси ҳам, мўъжаз қалпоқчаси ҳам ол рангда», «Шамшод қомати ҳуснига ярашиқ» Лоланинг «тарам-тарам лаъли ёноқлар»и... Чиройли тимсол! Адиб Наргиснинг дилкаш дугонаси Лола сиймосини ана шундай тиниқ ва мусаффо тасвир этади, ўқувчи қалбига нақшлаб қўяди.

Ушбу ранг-баранг тасвирларга эътибор беринг:

«Атиргул – баҳордан яшнаб кетган офтобрўя-сига гунчаларини ёзиб юборган, андоми пурвиқор ва махмур...»

«Ўнг билан тушнинг сарҳади ипак толасидан ҳам, ўргимчак риштасидан ҳам нозиклашиб кетади...»

Табиат достони, табиат тараннуми, табиат кўшиғига айланган асарнинг якуний хулосаси қуйидаги сатрларда мужассам:

«Ҳаётнинг буюк ҳикмати унинг устуворлигида, унинг боқийлигида, ларза ва офатлардан омон чиқиб, уруғ ва томирлардан янгилашиб муттасил олга интилишида, юксалишидадир...».

Шароф Рашидовнинг улуғ Шарқ шоири Мирзо Абдулқодир Бедил қаламига мансуб «Комде ва Мудан» достони асосида яратилган «Икки дил достони» асари ҳам улуғвор ғояларга суянади – инсонларни бирлашишга, севги ва садоқатни улуғлашга даъват этади. Ширали тил билан ёзилган асарнинг Комде, Мудан, Отуп Чатр (рассом), Қорашох, Тўтиқуш, Танбур (кучли образ даражасига кўтарилган!), Бола сингари қаҳрамонлари образлари маҳорат билан яратилганини айтиб ўтиш ўринлидир.

«Икки дил достони» ишқ-муҳаббат, куй, сознинг асло завол топмаслиги, севгининг поклиги, гўзалликнинг манбаи ҳам ишқ-муҳаббатда эканлигини тараннум этувчи асардир.

«Кашмир кўшиғи», «Икки дил достони» асарлари ёрқин поэтик сеҳрга бойлиги билан бошқа санъат вакилларининг диккатини ҳам ўзига жалб этмай қолмади. Чунончи, «Кашмир кўшиғи» асари асосида талантли композитор Улуғбек Мусаев «Афсоналар водийси» операсини ёзди. Машҳур Озарбайжон композитори Ориф Меликов «Икки дил достони» мотивларига суяниб, кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган «Севги афсонаси» балетини яратди. «Кашмир кўшиғи»дан олинган «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз?» номли кўшиқ ҳозир ҳам радио тўлқинларида жаранглаб, кўнгилларга роҳат бахш этади.

Олтмиш ёшга қадам қўйган адиб «Йўл бошида» мақоласида босиб ўтилган йўлларга назар ташлайди: *«Ўзимнинг таржимаи ҳолимга тегишли бўлган*

энг муҳим ҳодисаларни хотирамда тиклар эканман, мен худди қаттиқ ҳаёт мактабини ўтган авлоднинг қаҳрамонлик билан тўлган тарихи саҳифаларини варақлагандай бўламан. Мен жуда йирик сув ҳавзалари, мислсиз даражада улкан гидростанциялар қурилишларини, ўлканинг у чеккасидан бу чеккасигача қазилган ажойиб каналларни, бепоён кимсасиз чўлларни ўзлаштиришларни кузатибгина турмасдан, ўзим ҳам умумхалқ ишида фаол иштирок этдим... Шу маънода тўла ҳуқуқ билан айта оламанки, менинг ёшлигим мамлакатим ва республикамнинг ёшлиги пайтларига тўғри келди.» (Шароф Рашидов. Асарлар. Беш томлик. Т., 1982. Тўртинчи том. 270-бет).

Шароф Рашидов ўзбекни, она халқини ўйлаш, унга куйиниш туйғулари кўнглида гупириб турган, аммо ошкор қанот ёзишга йўл қўйилмаган бир замонда яшадди. Одамлар одам эмас, бир буюм, «винтик» бўлиб қолган ўша дамларда катта юртни бошқариш осон иш эмасди. У мафкуравий исканжалар орасида бўлганига қарамай, улуғ боболар руҳини кўнглига жо этиб, мадад олиб, ўзбекка хос вазминлик, сабр-чидам, тоғдай тоқат билан мардонавор фаолият юргизди. Она халқига фидойи фарзандларча хизмат қилиш унинг бирдан бир мақсади эди.

«Бўрондан кучли» романида жозибадор қаҳрамон қиз Ойқиз ўзига ўзи дейди: «Сен, Ойқиз, кураш нима эканлигини яхши биласан! Кураш турли-туман кишилар ва турли-туман фикрларнинг қарама-қарши учрашувигина эмас, балки шу билан бирга тақдирлар жангидирки, фронт линияси бизнинг қалбимиздан ўтади...»

Шундан қиёс олиб айтиш мумкинки, атоқли давлат арбоби ва истеъдодли адиб Шароф Рашидов, бир умр ўз элу юрти бахту саодати, фаровонлиги учун кураш чизигини ўз қалбидан ўтказиб яшади.

2017 йил

Фёдор РАЗЗОҚОВ

ФИДОЙИ УМР ҚИССАСИ

(Китобдан парча)

Рашидов фронтдан олисда – Свердловск областининг Ревда шаҳрида даволанди. Бир неча ой даволангандан кейин тиббиёт ходимлари жароҳат юрагида жиддий асорат қолдиргани учун Рашидов ҳарбий хизматни давом эттира олмайди, деган хулосага келишди. Натижада уни ҳарбий хизматга яроқсизга чиқаришди ва нисбатан осойишта меҳнат фаолияти билан шуғулланишни тавсия қилиб, ўз ватаани, Жиззахга жўнатдилар. Бироқ хотиржам ишлайдиган давр эмасди. Рашидов бир пайтлар ўзи таълим олган мактабда дериктор бўлиб ишлай бошлади. Ўша кезларда Ўзбекистонда ўқитувчилар жиддий етишмаётгани сабабли (уларнинг жуда кўпчилиги урушга сафарбар қилинганди), Рашидов директор бўлиши билан бирга дарс ҳам берарди. Оғир давр эди: дарсликлар, ёзув ашёлари етишмасди, ўқитувчилар йўқлиги учун эса кўплаб мактаблар бирлаштирилди: фақат 1942 йилда 110 та мактаб бирлаштирилди. Муаллимлар етишмаслиги масаласини ҳал қилиш учун республикада ўқитувчиларни тайёрлаш курслари ташкил қилинди (1943 йилда 16 минг ўқитувчи бу курсларни битириб чиқди).

Одамларнинг хотирлашича, Рашидов зиммасидаги вазифани уддабурронлик билан бажарган. Ўқитувчилар етишмагани учун бир йўла адабиёт ва она тили, тарих,

рус тили фанларидан дарс берган. Жуда кучли хотирага эга бўлгани учун ўқувчиларга маҳорат билан дарс берган. Ёшлигида ўқиган турли китоблардан қизиқарли воқеа-ҳодисалар хотирасида муҳрланиб қолгани бу борада унга қўл келган. Жумладан, Рашидов ўз юрти ва собиқ Иттифоқ халқлари тарихига оид кўплаб афсоналар ва ривоятларни яхши билган. Бу эса муаллимлик фаолиятида унга катта наф берган.

Ўзбекистон меҳнаткашлари уруш йилларида ўзларининг шахсий жамғармаларидан 650 миллион сўмни мудофаа жамғармасига ўтказдилар, бундан ташқари, республика аҳолиси томонидан харид қилинган давлат қимматли қоғозларидан 4226 миллион сўм маблағ ҳам мазкур фондга келиб тушди. Шу маблағлар ҳисобига «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон 20 йиллиги», «Ўзбекистон колхозчиси», «Ўзбекистон комсомоли» сингари танк колонналари ва авиаэскадрильялар яратилди ҳамда улар Иккинчи жаҳон уруши жангларида қаҳрамонларча иштирок этди.

Рашидов мактаб директори лавозимида бир йил ҳам ишламади. Унинг урушдан олдинги журналистика соҳасидаги тажрибасини инобатга олиб, олдинги ишига қайтаришди – Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетаси муҳаррири этиб тайинлашди. Бир йилдан кейин – 1944 йил июлда – мансаб пиллапоёси бўйлаб навбатдаги қадамни кўяди: партиявий ишга ўтади. Бу табиий эди. Биринчидан, «Ленин йўли» газетасида муҳаррир бўлиб ишлаганда, одамларни яхши биладиган ва улар билан ишлай оладиган раҳбарлик салоҳиятини намоён қилди, иккинчидан – ўша йилларда мамлакат партия ташкилотларида тажрибали кадрлар тақчил эди, Рашидов сингари (ёш, ғайратли, ғурурли, бунинг устига уруш синовидан ўтган) намояндалар партияга сув ва ҳаводай зарур эди. Шу боис Рашидов Самарқанд вилоят партия ташкилотининг котиби этиб тайинланди, боз устига унинг зиммасига кадрларни танлашдек

масъулиятли вазифа юкланади. Бу бежиз бўлмасдан, бевосита Рашидовнинг шахсий фазилатларидан келиб чиққанди: у ҳақиқатдан ҳам нафақат одамларни яхши ажрата билар, шунингдек, улар билан лозим тартибда муомала қилиш малакасига ҳам эга эди.

Рашидовнинг бу лавозимда хизмат қилиши келгусида мансаб пиллапояларидан кўтарилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади: у партиявий раҳбарлик ишларида муайян тажрибага эга бўлади ҳамда шундай одамлар билан танишадики, улар тез орада энг юқори мансабни эгаллашида унга ёрдам беради.

Айни шу паллада Рашидовнинг оиласи бошига кулфат тушади: 3 июлда Ҳамид Олимжон вафот этади. Ўша кезларда Ҳамид Олимжон бутун мамлакатга танилган машҳур шоир бўлиб улгурганди. Ҳамид Олимжон 1939 йилдан Республика Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилиб келарди (у 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси этиб сайланади.). Унинг «Ойгул ва Бахтиёр» (1938), «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд», «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940) сингари асарлари чоп этилганди. Ҳамид Олимжон уруш йилларида ҳам қизгин ижод қилди: «Қўлингга қурол ол!» (1942) шеърлар тўплами чоп этилди, «Муқанна» тарихий драмаси (1943), «Роксананинг кўз ёшлари» (1944) поэмасини ёзди.

Ҳамид Олимжон автоҳалокат оқибатида вафот этади. У ўша куни юк машинасида вилоятдан Тошкентга қайтиб келаётганди. Юк машинаси кузовида ўн тўртта қаламкаш дўстлари ҳам бўлган. Ҳайдовчи йўлдаги бурилишлардан бирида машинани бошқара олмай қолади ва машина ағдалириб кетади. Машина устидаги кишиларнинг ҳаммаси шикастланади. Улардан фақат Ҳамид Олимжон ҳаётдан кўз юмади. Шоир энди 35 ёшга тўлганди.

Ҳамид Олимжоннинг турмуш ўртоғи шоира Зулфия эрининг хотирасига содиқ қолиб, ортиқ турмуш кур-

майди. У Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган «Баҳор келди сени сўроклаб» шеърида шундай ёзганди:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёнимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!*

Ҳамид Олимжоннинг дафн маросимида у бундан буён ҳам ўзи, ҳам турмуш ўртоғи учун шеърлар ёзишга аҳд қилади. Ҳамид Олимжон бахт ва баҳор куйчиси эди, Зулфия айни шу боис ҳар баҳор унга бағишлаб шеър ёзишни одатга айлантиради.

Ҳамид Олимжоннинг вафоти Шароф Рашидов учун ҳам катта йўқотиш бўлади. Чунки машҳур шоир тоғаси сифатида уни тарбиялашга алоҳида ҳисса қўшган, ижодкор бўлишга илҳомлантирганди. Шу боис Рашидов Ўзбекистон раҳбари бўлгандан кейин Ҳамид Олимжоннинг хотирасини абадийлаштиришга йўналтирилган қатор ишларни амалга оширди.

Рашидовнинг партиявий соҳада фаолият юритиши ижодига тўсқинлик қила олмади. Ўша кезларда у насрда ҳам, назмда ҳам қалам тебратади. Рашидов уруш даҳшатларини бошдан кечиргани учун ўша пайтларда асосан уруш мавзусида асарлар битди. 1945 йилда унинг фашистлар Германияси устидан совет халқи галабасига бағишланган «Қаҳрим» шеърлар тўплами нашр этилади. Рашидовнинг шеърлари ҳам расмий совет шеърляти доирасида яратилган асарлар сирасига кирарди. Лекин тўпламдаги асарларнинг қиммати шундан иборат эдики, инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушни ўз кўзлари билан кўрган инсоннинг мулоҳазалари ва кечинмалари ҳар бир шеърнинг асосини ташкил қиларди. Шеъринг тўплам муаллифи адабий жамоатчилик эътиборига тушади: Рашидов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади.

Пахтачилик – республика қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси ҳисобланарди. Пахтачилик том маънода муҳим соҳа бўлиб, усиз собиқ Иттифоқ миқёсида наинки енгил ва озиқ-овқат саноати, ҳатто оғир саноатнинг автомобилсозлик, авиасозлик, электротехника, кимё, мудофаа (пахтадан порох олинарди) сингари соҳалари ҳам ривожлана олмасди. Қисқаси, мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига кўра, пахта етакчи ўринда турарди. Бунда Ўзбекистон пахтасига талаб катта эди. Собиқ Иттифоқ саноати учун зарур пахтанинг 60 фоизини Ўзбекистон етказиб берарди (Бу борада Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжон, Қозоғистон ва Қирғизистон кейинги ўринда турарди). Натижада аҳолининг асосий қисми мамлакат енгил саноат корхоналарида асосан Ўзбекистондан етказиб берилган пахта негизида ишлаб чиқарилган кийим-кечак билан таъминланарди.

Бу борада ҳам айрим оғишларга, шубҳасиз, йўл қўйилди. Жумладан, пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришга зўр берилиши пахтазорларни мавжуд суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтиришни талаб қилди. Оқибатда сабзавот, полиз экинлари, ем-хашак етиштириладиган суғориладиган ерлар майдони қисқариб кетди. Ўзбекистонда ғаллазорлар ва бедазорлар қисқариши оқибатида ғалла, дон ва ем-хашак (шу каби бошқа маҳсулотлар ҳам) кўшни республикалардан олиб келинадиган бўлди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар Ўзбекистон иқтисодиёти тарихида «олтин давр» деб ҳам таърифланади. Агар урушгача Ўзбекистондаги саноатлаштиришнинг асосий йўналиши Россиянинг (Москва, Ленинград, Ғарбий Сибирдаги) корхоналари учун хом ашё етказиб берадиган ўлкага айлантиришга қаратилган бўлса, урушдан кейин бу ҳолат тубдан ўзгарди. Чунки уруш даврида Марказдан саноат корхоналарининг аксарият қисми айнан Ўрта Осиёга эвакуация қилинган-

ди (фақат Ўзбекистонга 48 та машинасозлик, металлга ишлов бериш, кимёвий ва бошқа оғир саноат корхоналари, 45 та енгил саноат корхоналари ва бошқалар кўчириб келтирилди), бу Ўзбекистон иқтисодиёти юксалишига катта туртки бўлди. Натижада республикада ривожланиб келаётган саноат эҳтиёжларини таъминлаш учун беминнат кўмир-металлургия негизи яратилди.

1947 йилда аксига олиб Ўзбекистонда пахта етиштириш режаси бажарилмади: давлатга 1 миллион 500 минг тонна пахта топширилди, яъни олдинги йилдагига нисбатан 365 минг тонна пахта кам етиштирилди (йиллик режа атиги 76,4 % бажарилди.). Оғир об-ҳаво шароити бунга сабаб бўлди: апрель ойи совуқ келди, кейин ёғингарчиликлар бошланиб, июннинг ўрталаригача давом этди (кўпгина туманларда икки, уч марта қайтадан чигит экишга тўғри келди, паст ҳаво ҳароратида тупроқ исимагани учун ерга қадалган уруғ униб чиқиш ўрнига чирий бошлади). Устига-устак бензин ва керосин етишмас, оқибатда қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиб бўлмасди. Бироқ Москва бу сабаблар билан қизиқишни истамасди — Марказ ҳар қандай шароитда ҳам пахта режасини бажаришни талаб қилар, бинобарин, республика раҳбариятининг ваз-корсонлари унинг кўнглини юмшата олмасди. Усмон Юсуповни вазиятни таҳлил қилиш учун пойтахтга чақиршади.

Бу пайтда Рашидов ҳамон Самарқанд вилоят партия кўмитасининг котиби вазифасида хизмат қиларди. У хизмат хонасида кам бўлар, Ўзбекистон бўйлаб тез-тез хизмат сафарига чиқар, ўша кезлардаги йирик қурилишларда, жумладан, Марказий Фаргона ерларини ўзлаштириш, Фарҳод ГЭСни (бу қурилиш 1943 йилда бошланган бўлиб, Рашидов кейинги йилиёқ ёнига ўн кишини олиб у ерга етиб борганди) барпо этишда иштирок этарди. Унинг бу борадаги қизғин фаолияти Тошкентда марказий партия аппаратида ишлаётган

самарқандик хамюртлари эътиборини тортади. Натижада улар Рашидовни республика пойтахтига ишга ўтиши учун қўлидан келган ҳамма чораларни қўлайди. Ниҳоят, 1947 йилда Рашидов республиканинг марказий «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири этиб тайинланади. Ўшандаёқ Рашидов ВКП МҚ (б) қошидаги Олий партия мактабига (сиртқи бўлимга) ўқишга киради, бу унинг келгусида партиявий мансаб пиллапояларидан юқори кўтарилиш нияти борлигини яққол кўрсатади.

Бу пайтга келиб Рашидовнинг оилавий ҳаёти ҳам изга тушади: у уйланган, турмуш ўртоғининг исми-шарифи Хурсандой Ғафуровна бўлиб, ўғли Илҳом ва қизи Сайёра вояга етарди (сал кейин яна икки қизи дунёга келади).

«Қизил Ўзбекистон» газетасидаги фаолият Рашидовга жуда қўл келади: айна шу даврда дастлабки йирик насрий асари – «Ғолиблар» романини ёза бошлайди. Бу асарда ўзбек халқининг чўлларни ўзлаштириш билан боғлиқ кураши ҳикоя қилинади. Ўша кезларда бу жуда муҳим масала бўлиб, серғайрат ёшлар республикада ерларни суғориш тизимини ўзгартиш бўйича дадил чора-тадбирларни ёқлаб чиққан бўлсалар, эскича усул тарафдорлари бунга хомхаёл ҳисоблаб, танқид қилишар, ҳаммаси азалий ҳолатда қолиши керак, деб даъво қилишарди.

Рашидов республика қишлоқ хўжалигидаги вазиятни жуда яхши билар, шу боис дастлабки романини шу мавзуга бағишлаганди. «Ғолиблар» романининг бош қаҳрамонлари – Олтинсой қишлоғи кенгашининг ёш раисаси Ойқиз Умрзоқова ва у кўнгили қўйган, ёшлар етакчиси (кейинчалик урушдан қайтиб келгач, партия ташкилотининг котиби бўлади) Олимжон – чинакам янгилик тарафдорлари сифатида иш тутишади: улар Олтинсой дарёсига тўғон солиб, сув омбори барпо этишни, натижада асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўлни обод қилишни режалаштирадilar. Колхоз

раиси, эскича фикрлайдиган Қодиров бу режага қарши чиқади.

«Эскича ва янгича қарашлар» ўртасидаги зиддият ўша кезларда совет адабиётидаги асосий йўналиш ҳисобланарди. Лекин ўзбек адабиётида айнан Шароф Рашидов «Ғолиблар» романи билан бу йўналишнинг тамал тошини қўйди. Унинг романи 1951 йилда чоп этилди (етти йилдан кейин унинг давоми «Бўрондан кучли» романи яратилди).

Рашидов публицист сифатида ҳам қалам тебратади: республика, иттифоқ, халқаро мавзулардаги долзарб мақолалар ёзади. Бу борада Москва зиёлиларнинг таъсири кучли доираларида ҳам назарга тушади. Жумладан, Рашидов атоқли ёзувчи Александр Фадеев билан дўстона алоқаларни йўлга қўяди, Фадеев ўша кезларда собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг бош котиби ҳамда Бутуниттифоқ тинчлик кенгашининг вице-президенти эди (бу икки лазовимга 1946 йилда тайинланганди).

Юқорида айтилгандек, Шароф Рашидов ҳам бу курашдан четда тура олмасди. Устига-устак унга икки томондан: ёзувчилар томонидан ҳам (Александр Фадеев билан дўст бўлгани учун), партия аппарати томонидан ҳам (яқин келажакда мансаб пиллапояларидан кўтарилиши эҳтимоли кучли бўлгани учун) ҳамла қилинади. Оқибатда 1949 йилнинг март ойи бошидаёқ бўлган Ўзбекистон КПнинг X съездида унинг муҳолифлари Рашидовни марказий газетанинг муҳаррири лавозимидан олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўтаришга қарор қилади.

Партия анжуманида бир йўла икки нотик Рашидовни қаттиқ танқид қилади, уни мафкуравий хатога йўл қўйганликда очикдан очик айблайдилар. Шамол қайси томондан эсаётганини, бу хуружларнинг бошланиши эканини англаган Рашидов мажлислар оралиғидаги та-наффусда Ўзбекистон КП МҚнинг Биринчи котиби Усмон Юсуповга мурожаат қилади. Усмон Юсупов Раши-

довни хурмат қиларди. Рашидов ўз шубҳаларини баён қилиб, тинчгина истеъфога чиқиб кўя қолайми, деб маслаҳат сўрайди. Ўша пайтда У. Юсуповнинг ўзи ҳам танг аҳволда эди («Игнатъев гуруҳи» Тошкентга келганидан кейин унинг ҳам раҳбар сифатидаги тақдири қил устида турарди), шунга қарамай у Рашидовга ёрдам беришни ваъда қилади. Натижада танаффусдан кейин У. Юсупов дарҳол Рашидовга сўз беради ҳамда Рашидов нутқ сўзлар экан, вақти-вақти билан унинг сўзини бўлиб, қўллаб-қувватлаб туради. Бу Рашидовга қарши кампания ташаббускорларини чекинишга мажбур қилади (лекин улар ҳали тамомила таслим бўлмаганди).

Рашидов, барчасидан қатъий назар, муҳаррирлик лавозимини тарк этади: июль ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбар этиб тайинланади. Бу Москванинг, аниқроғи, Александр Фадеевнинг аралашуви билан амалга ошган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чунки у «космополитизмга қарши кураш» кампанияси даврида Рашидовнинг тутган йўлини унутмаганди. Шу боис Тинчлик тарафдорларининг Биринчи Бутуниттифок конференциясида иштирок этиш учун пойтахтга келганида айнан Фадеев: «Таниқли партия ходими, иқтидорли адиб, туғишгаидай биродарим Рашидов билан фахрланаман», – дея Ўзбекистон делегациясининг раҳбари шарафига қадаҳ кўтаради.

Ўша оқшом Фадеев ҳамда унинг СССР Ёзувчилар уюшмасидаги ўринбосари Константин Симонов Рашидовни кўргани меҳмонхонага келади ва эрталабгача у билан суҳбатлашади. Фадеев ўшанда некбинлик билан Рашидовга шундай дейди: «Сени олдинда катта партиявий масъулият, юқори давлат мансаби кутиб турганини биламан, лекин ўз укамдай маслаҳат бермоқчиман – ҳар қандай вазиятда ҳам ижод қилишни ташлаб қўймагин».

**Рус тилидан Мирпўлат МИРЗО
таржимаси**

Акрам ИНОМОВ,
*Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист*

ОРЗУЛАР ОҒУШИДА ВАТАН МУҲАББАТИ

Одатда ҳар бир инсонга нисбат беришда кексаларимиз «Тоza жойдан чиққан, авлоди тоza» деган сўзларни бежиз айтишмаган. Дарҳақиқат, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов ҳам ана шундай палаги тоza авлодларнинг фарзанди.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Жиззахнинг Совунгарлик маҳалласида таваллуд топган бу инсоннинг авлоди, насли-насаби барчага ибрат эди. У ҳам оддий қишлоқ болалари сингари кетмон чопган, мол боққан, отасининг оғирини енгил қилиш учун ҳаракат қилган. Гоҳида боболарига совун пиширишда кўмаклашган. Аммо қўлидан дафтар, қалам, китоб тушмаган. Доимо мутолаада бўлган, изланган, ўз устида тинимсиз ишлаган.

Айтишларича, боболари Мулла Сойиббой, Халил ота, Азим боболар ўз даврининг етук инсонлари бўлган. Уларнинг хонадонига булунғурлик Фозил Йўлдош ўғли тез-тез ташриф буюрар эди. У дўмбирасини қўлига олиб дostonларни шунақанги маромига етказиб айтганки, бу бевосита мазкур дostonларнинг бир умр ёдда сақланишига асқотган. Шунинг учун ҳам айни қиш пайтида қишлоқ болалари бир жойга тўпланиб боболаридан эртагу дostonларни эшитган ва янгисини тинглаш учун кеч бўлишини орзиқиб кутишган. Эртақчи боболар эса фарзандларидан ҳар бир дostonнинг мағзи, моҳияти ва интиҳосини доимо сўраб ту-

ришган. Шу аснода ўспиринларнинг онгу тафаккури, дунёқараши шакллана борган.

Эзгулик йўлида қилинган савоб ишлар вақт ўтган сайин ўзининг самарасини бера бошлаган. Бу авлоддан бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Асил Рашидов, Ҳамрокул ота Носиров, Орифжон Икромовдек улуғ инсонлар чиққанлиги бугун ҳайратланарли ва айни пайтда ибратланарли ҳолдир.

Бола бошидан дейишгани айни ҳақиқат. Рашид ота ва Қўйсиной аммалар фарзандларини оқ ювиб, оқ тарашди. Уларни ҳалол ва покиза, ўқимишли қилиб тарбиялашди. Қимматчилик, қаҳатчилик йилларида олти ўғилни олий маълумотли қилиш ҳар кимга ҳам насиб этмаган. Рашид ота колхозда аввал кетмончи, кейин звено бошлиғи бўлиб ишлаган. Ўз сўзининг ва ваъдасининг устида турадиган, интилган мақсадига эришиш учун бор куч ва имкониятини ишга солишга қодир бўлган бу инсон, айни пайтда кўпларнинг бошини қовуштириб яхши йўлларга сафарбар этиш қудратига эга бўлган. Ғалла ўрими авж олган пайтида ёшгина Шароф ҳам отасининг этагини тутиб ҳашарда иштирок этган.

Ўша кезларда Ҳамрокул ота Носиров янги ташкил этилган колхозда ферма мудури бўлиб ишлаган. Бир куни у Рашид ота ҳақида шундай деганди: «Айни пахта йиғим-терим пайти. Ишдан қайтаётсам қаёқдандир оқ булут пайдо бўлди-да, жала қуйиб юборди. Не кўз билан қарайки, пахтазорнинг ўртасида поччам оқ яктақда усти боши ҳўл бўлган ҳолатда турибди. «Ия, бу нима қилганингиз почча, шамоллаб коласиз-ку», – дедим. Поччам «Ҳамрокул, бу пахтани не-не қийинчилик билан етказдик, уни асрашимиз ҳам керак-ку», – дейдилар тажанг ҳолатда. Қарангки фидойиликни, эгниларидаги кийимларини ечиб, икки қанор келадиган пахтанинг устига ёпиб қўйибди.

Шароф Рашидов ҳам фидойиликни, жонкуярликни, садоқат ва вафони отасидан ўрганган. Зеро, ёшлигидан ана шу йўсинда тарбияланган инсоннинг келажаги ҳам порлоқ бўлди.

Урушдан қайтиб, мактабда ишлаган кезларида Фориш йўлида узоқ масофага югуриш бўйича мусобақа бўлиб ўтади. Бир кўли жароҳатланган бўлишига қарамасдан мусобақада иштирок этган Шароф Рашидов биринчи ўриини эгаллайди ва кўл соати билан мукофотланади. Соат – оддийгина сўз. Лекин унинг замирида кўз юмгунча ўтиб кетадиган лаҳзалар акси мужассам. Эҳтимол, Шароф Рашидов вақтни беҳуда ўтказмасликка ишора натижаси ўлароқ, пахта йиғим-теримида иштирок этган кўпгина теримчиларга бошқа нарса эмас, айнан соат совға қилган. Республиканинг биринчи раҳбари кўлидан олган бу эсдалик соатлари одамларнинг уйида ҳануз сақланиб, Шароф Рашидовнинг барҳаётлигини акс эттириб турибди.

Ҳаётга теран қарайдиган, кенг мушоҳада юритадиган бу инсон ҳамма нарсани синчковлик билан кузатган. Амакиси Соатбойнинг турмуш ўртоғи Хосият она билан Қўйсиной аммалар деярли тенгдош бўлган. Улар ҳар гал бир-бирлари билан учрашиб қолишса, кучоқлашиб, «Дугонажон, бормисиз, омонмисиз», дея сўрашар экан. Айнан шу номдаги кўшиқ яратилишига ҳам ана шу икки дугонанинг сўзлари асос бўлганига аминмиз.

Олий ўқув юртининг иккинчи босқичида ўқирдим. Чуқур тошлоқ чанг кўчадан учта енгил машина келиб ҳовлимиз ёнига тўхтади. Қўлимда болта. Янги уйга кўчиб ўтаётганлигимиз туфайли ўзим эккан теракни қирқмоқчи эдим. Машинадан тушганлар тўғри ҳовуз бўйи томон йўл олди. Уларнинг бири Шароф Рашидов, қолганлари район партия комитетининг биринчи котиби Эркабой Исломов, шаҳар ижроия комитети-

нинг раиси Убайдулло Тўрақулов ва колхозимиз раиси Ҳамроқул ота Носиров эди.

Қўлимдаги болтани бир четга қўйиб, ийманибгина уларга пешвоз чиқдим. Узоқдан кузатиб келаётган эканлар шекилли, саломлашганларидан сўнг: «Болта билан нима қилмоқчи эдингиз?», – деди Шароф ака. «Мана бу теракни бутаб қўймоқчи эдим», – дея жавоб бердим. «Жуда тўғри қиласиз. Бутаб қўйингу, аммо кесманг», – дедилар ним табассум билан. Ўзим ҳақимда суриштириб кетди, дадамларни, аямларнинг ҳол-аҳволини сўради. Гарчанд Шароф ака анча йилдан буён қишлоқдан чиқиб кетган бўлса-да, ўзларининг маҳалладошлари исмларини ёддан чиқармаганликларига қойил қолдим.

– Қайси институтда ўқияпсиз?

– Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида.

– Ҳа, Орифжон (Икромов) ректор бўлган институтдами? Қандай касбни танламоқчисиз?

– Журналист бўлмоқчиман.

– Билиб қўйинг, журналистнинг нони қаттиқ бўлади. Журналист адолат тимсолидир. У даврнинг виждони. Буни ҳеч вақт унутманг. Сизга омад, – дедиларда, кучоқлаб бағриларига босиб, бошимга қўлларини қўйдилар. Бу мен учун катта бахт эди.

Кўп ўтмай боғимиз ёнида туман ижроия қўмитасининг меҳмонхонаси қад ростлай бошлади. Ўшанда Шароф ака «Ҳадемай Жиззах вилояти ташкил топади. Ташкилий қўмита аъзолари айнан шу жойда туриб воҳани бошқаради. Уларга шароит яратаяпмиз», – деган эди. 1973 йилнинг декабрига келиб Ўзбекистон харитасида Жиззах вилояти пайдо бўлди.

Газетамиз бош муҳаррири, устоз Тожи Одилов (Шароф Рашидовнинг ҳам устози) 1976 йилнинг 25 март кuni «Мен билан бирга юрасан. Маржонбулоқда олтин кони очилади, шунда иштирок қиламиз», – деди.

Ҳаво бироз совукрок эди. Кўп ўтмай минбарга ҳукумат раҳбарлари кўтарилишди. Маржонбулоқ олтин конининг очилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Шароф Рашидов нутқ сўзлади. Ўша кезларда иш бошлаганимга эндигина уч йил бўлган эди. Ҳали-ҳамон Шароф Рашидовнинг сўзлари қулоқларим остида жаранглайди. «Шундай кунлар келади. Ўзбекистон дунёда манаман деган давлатлар билан тенглаша оладиган буюк мамлакатга айланади. Биз бирлашиб, биргалашиб аниқ мақсад сари ишласак, ҳар бир ўзбекнинг остонаси тиллодан бўлишига аминман. Чунки биргина Жиззах вилоятининг ўзида Менделеев жадвалидаги барча элементлар мавжудлиги биз учун катта бойлик. Билиб қўйинглар, Маржонбулоқдан Олтиҳовузгача бўлган тоғ бағрида минглаб тонна олтин захиралари ер қаърида яшириниб ётибди. Аммо бизни ташвишлантирадиган масала ҳам йўқ эмас. Айримлар нима дейишяпти, бу олтин конларида фақат бир миллатга мансуб одамлар ишлаши керак эмиш. Бундай лўттивозлар эшитиб қўйсин, ҳамма бойликлар ўзимизники, демак, унда ўзимиз ишлашимиз керак. Гоҳида юқоридагилар билан кўпгина мунозараларга борамиз. Айтинглари-чи, Ўзбекистоннинг заррин қуёш нурларидан баҳраманд бўлган меваларимизнинг бир килосини 15–20 тийиндан сотиб олишиб, Болтиқбўйи мамлакатларидаги меваларнинг бир килосини 40–50 тийиндан харид қилишади. Бунга сабаб нима?»

Ўша кезларда, қайсики ажал машинаси ғилдираги ҳар қандай кучларни янчиб ташлашга қодир бўлган бир пайтда бундай сўзларни айтиш ҳақиқий қаҳрамонлик, жасорат, матонат, Ватанга, халқига муҳаббатнинг ёрқин кўриниши эди.

Кўп ўтмай яширин олтин кони очиқ олтин конига айланиб кетди. Сабаби шуки, Ғаллаорол туманининг

«Меҳнат байроғи» газетасида «Маржонбулоқда олтин кони очилди» сарлавҳали мақола бериб юборилган эди.

1978 йилнинг айна баҳорида Жиззах туманида янги еттинчи давлат хўжалиги ташкил топди. Хўжаликнинг маркази очилиши маросимида Шароф Рашидов иштирок этди. Келажак авлодга битилган мактуб капсулага қўйилиб, биринчи пойдевор ўрнатилди. Унда биринчи котиб сўзлади: «Аҳолимиз кун сайин кўпайиб боряпти. Уларга уй-жой керак, ишлаш учун ер зарур, озик-овқат захирасини яратишимиз керак. Бу хўжаликни ташкил этганлигимиз бежиз эмас. Келгуси йилдан бошлаб Сирдарё сувини Фориш тоғ тизмалари бағрига олиб келишга киришамиз. Янги Зарбдор тумани ташкил топади. Айнан шу туманда иккинчи насос станцияси барпо этилади. Бу билан 50 минг гектардан зиёд майдонни суғориш имконияти яратилади. Биласизлар, Фориш ўзининг узуми билан машҳур дунёда. Аммо бу жойда кўпчилик аҳолининг турмуши фақат чорва билан боғланиб қолган, ишсизлар кўп. Бунинг олдини олиш мақсадида айнан шу хўжаликда яна бир кичик насос станцияси қурилади. Бу насос станцияси орқали биз тоғ бағрида 10 минг гектар жойда узумзор барпо этишга эришамиз, натижада минглаб одамларнинг бандлиги таъминланади.

Яна бир муҳим лойиҳамиз шундан иборатки, келгусида чўл бағрида учинчи насос станциясини барпо этамиз. Унинг ишга тушиши баробарида Зомин ва Равот текислигидаги минглаб гектар майдонлар инсон измига бўйсундирилади. Оқибатда янги-янги боғ-роғлар барпо этилибгина қолмай, кўплаб одамларимизнинг уй-жой билан таъминланиши йўлга қўйилади».

Ҳақиқатдан ҳам, кўп ўтмай, 1982 йили Зарбдор туманида иккинчи насос станцияси қурилиб ишга тушди. Шу билан бирга, еттинчи давлат хўжалигидаги насос станциясига Сирдарё суви етказиб келинди. Фориш туманига қарашли «Меҳнатобод» хўжалиги ташкил эти-

либ, бу жойда 2 минг гектардан зиёд майдонда узумзор вужудга келди.

Шароф Рашидов нафақат бугунни, балки халқимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган турмуш даражасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берар эди. Тўғри, ўша пайтда Ўзбекистон собиқ СССРнинг асосий пахта хомашё базаси бўлган. Аммо Москвага етказиб берилган хомашёнинг маблағини баҳоли қудрат республикага қайтариб келиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмасди.

1961 йили Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилди. Бевосита чўлни ўзлаштириш билан машғул бўлган инсонларнинг айтишича, Шароф Рашидовнинг бу ташаббуси кўпчиликка ёқмаган. Ҳатто, «ажратилган сармоёга куйиб қолишимиз мумкин, шўрхок ерларни ўзлаштириб бўлмайди», дея бу ташаббусга қаршилик кўрсатганлар анчагина эди. Улар ўзларининг фикрларини тасдиқлаш учун бевосита ўзлаштирилаётган ерларнинг тупроқ шароитини ўрганиш мақсадида АҚШдан ҳам бир гуруҳ мутахассисларни чақиришган. Шунга қарамасдан, Шароф Рашидов, барибир, ҳар қандай ҳолатда марказни бу ғояни амалга оширишга кўндириш имконини топган. Ниҳоят, халқимизнинг метиндек иродаси ва бирдамлиги, меҳнаткашлиги туфайли чўл чекинди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган чакалакзорлар ўрнида пахтазорлар, боғроғлар барпо этилди. Нафақат Мирзачўл, балки Сурхон, Шеробод, Қарши чўллари ҳам халқимизга хизмат қила бошлади.

Чўлда бунёд этилган ҳар бир шаҳарга ном танлашга Шароф Рашидов ижодий ёндашган. Масалан: Абдурахмон Саъдийнинг «Гулистон ва бўстон ёхуд ахлоқ» асарига қиёслаб, Мирзачўл бағрида бунёд этилган шаҳарларнинг бирига Гулистон, иккинчисига Бўстон деб ном берган. Чўлни ўзлаштириш ўнлаб, юзлаб қаҳрамонларни яратди, десак, асло муболаға қилмаймиз.

Халқнинг азиз фарзанди элини доим севган, ардоқлаган, қувончини кўриб севинган, ташвиши бўлса дил-дилидан ачинган. Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов айтганларидек: «Биз бугун тўлиқ ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан эди».

Дарҳақиқат, Тошкентдаги ерости саройи, яъни метрополитен қурилиши билан боғлиқ воқеаларни ёдга олайлик:

«Шароф ака уйда ҳордиқ чиқарар эдилар. Шу тобда кимдир у кишига кўнғирок қилди. Ҳиёл ўтмай, негадир тўсатдан телефон гўшагини қўлларидан тушириб юбордилар ва уни яна кўтариб: «Менга Байбаковни улаб беринг», – дедилар зарда билан. «Иванов деган ходимингиз миллатимизни ҳақорат қилибди. Мен барча ишларни Леонид Ильич (Брежнев) билан маслаҳатлашганман, розилигини олганман, сиз билан ҳам келишганман. Нега энди бу инсон бизни ҳақоратлаши керак экан, сиздан масалага ойдинлик киритишингизни сўрайман», дедилар-да, гапни тугалладилар. Кейин билсам, ўша Иванов деган шахс Ўзбекистонда метро қурилиши лойиҳасини давлат план қўмитасига олиб борган вакилга бўлмағур сўзларни айтиб, унинг устидан кулибди. Бу ҳолат Шароф акага қаттиқ таъсир қилди. У киши бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Ўша кезларда Ҳиндистон сафарига отланган Л.Брежнев қарийб икки соат мобайнида Тошкентда тўхтаб, касалхонада Шароф ака билан суҳбатлашиб ўтирдилар. Бу воқеа 1975 йил рўй берган эди», – дея эслаганди Шароф Рашидовичнинг турмуш ўртоғи Хурсандой Ғафуровна.

Бугун баралла айта оламизки, мамлакатимизнинг пойтахтида бунёд этилган бу ерости қасри халқимиз томонидан Шароф Рашидовдан эсдалик сифатида эъзозланади, миннатдорлик рамзи ўлароқ тилга олинади.

Шароф Рашидов тоталитар тузум даврида ўша тузумга хизмат қилиш баробарида, одамларимизни ёмон кўзлардан, офатлардан омон-эсон сақлаб колган.

Шароф Рашидов кўнгли пок, бағрикенг раҳбар эди. У шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсонни ўзига яқин оларди. Керак бўлса, дардига шерик бўларди. Эътиборсизлик унга бегона эди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тўртинчи бош бошқармаси бошлиғи Анвар Ботирбеков у кишининг бу хислатлари тўғрисида шундай эслаганди:

– Нима бўлди-ю, нурунийларимиздан бири Расул Ғуломов оғир бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Ўша куннинг ўзидаёқ бу ҳақда Шароф Рашидовга хабар қилдик. Шароф ака ҳаял ўтмай касалхонага Расул аканинг ҳол-аҳволидан хабар олиш учун етиб келди. У билан узоқ суҳбатлашди. Биздан қанақа дори-дармон етишмаслигини ва яна қанақа ёрдам зарурлигини сўрадилар. Ҳамма нарса муҳайёлигини у кишига уқтирдик. Расул Ғуломов то касалхонадан чиқиб кетгунга қадар ҳар куни эрталаб ва кечкурун унинг ҳолати ҳақида сўраб турдилар. Мамлакатнинг биринчи раҳбари бир инсоннинг тақдирига шунчалик вақт топиб, эътибор қаратганлигига фақат иймон келтираман. Шароф ака ҳар доим халқимиз учун жон куйдирган, Ватанимиз равнақига меҳнати сингган, касалхонамизга тушган ҳар бир фуқаронинг ҳолидан ана шу йўсинда хабар олиб турарди. Бундай бағрикенглик ҳаммамизни ҳайратга соларди.

Эл ардоғидаги инсон мустақиллик эпкинлари тобора яқинлашаётганлигини сезиб турган. Ҳайкалтарош Яқоб Шапиро Шароф Рашидов ҳақида тўлқинланиб шундай дерди:

– Ўз миллатини, тарихини, анъаналарини севган бундай инсонни кўрмаганман, ҳаётимда. У бизлар билан ҳам яқин мулоқотда бўларди. Ҳайкалтарошу мусаввирларни атрофига тўплаб, уларни доим эзгулик-

ка, яхшиликка йўллаб турарди. Бир куни ҳузурларига чақириб, «Биласанми, Якоб, сени нега чақирдим. Жиззахга борсанг, Темур дарвозасини бориб кўргин. Бир кунмас-бир кун келиб, биз бу ерда буюк соҳибкирон бобомиз Амир Темурга ҳайкал ўрнатамиз», – дедиларда, қўлларимни маҳкам сиқиб кузатиб қолдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Шароф Рашидович ўша даврда нега бунга ишора қилганлигини англадим.

Тожикистонлик икки марта Меҳнат Қаҳрамони Абдуғафур Самадов билан айнан Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларни билиш учун суҳбатлашгани Ғўлакандозга борган эдим. Ота Шароф Рашидов ҳақида шундай эслаганди:

– Шарофжон дилбар йигит эди. Ҳар гал СССР Олий Советининг съездида борганимизда бирга Москва шаҳрини сайр килдиарди. Йўл-йўлакай, «Ўзбекистонда кўплаб давлат хўжаликларини ташкил этдик, янги-янги қўрғонлар қуриляпти. Бу ишларни тезлаштирма-сак ютқазиб қўямиз. Нима бўлса ҳам, берган бир кило пахтаимизни икки килограмм қилиб қайтариб олиш чораларини кўришимиз керак, ота», – дея таъкидларди. Узоқ ўтмиш ҳақида, тожик ва ўзбеклар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ҳақида суҳбатимиз анча узоқ давом этарди. Очиғини айтсам, Шарофжон билан учрашгудек бўлсам, Хизрни кўргандек бўлардим. У шундай ҳам ақлли ва фаросатли, диди кучли инсон эдики, биз учун арзимаган нарса деб кўринган масалага ҳам эътибор қилишдан эринмасди. Ўзбек замини ана шундай улуғ инсонни ўз бағрида тарбиялаганлиги, камолотга етказганлиги – бу катта бахт. Биласизми ўғлим, айтмай деянману, лекин кўнглимда қолиб кетмасин. Барибир ҳақиқатга тик боқиш керак. Шарофжоннинг ўрнига бўлган раҳбар қамокдан чиқиб ҳузуримга келди. У ўзини оқламоқчи бўлди. Мен унга «Устоз отангдек улуғ»

деган наклга амал қилиш керак», – дедим. Ҳар қандай шароитда ҳам миллатни сотиш бу Ватанга хиёнат эканлигини унга тушунтирдим.

Хиёнат – бу иллат, ҳеч вақт кечирилмайди. Шароф Рашидов вафотидан сўнг бўлиб ўтган ўша XVI пленумда кўнгли пахтадек оппоқ, фаришта сифат инсонга қанча тошлар отилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», «Рашидовчилик» деган уйдирмалар ўйлаб топилди. Оддий колхозчидан тортиб юқори лавозимдаги шахсларгача ноҳақ айбланди.

Эсимда, кечга яқин Учтепага ҳарбий десантлар келиб тушди. Кун ботиши билан Шароф Рашидовнинг Жиззахга қўйилган бюсти олиб ташланди. Ҳамма қаҳрда, ғазабда, лекин оғир кунларни бошидан ўтказган бу азим шаҳарнинг одамлари тишларини тишларига қўйиб, сабр-бардош қилишди. Қарангки, ўша кезларда вилоят ички ишлар бошқармаси тизимида хизмат қилаётган Жиззахлик ички ишлар ходимлари қўшни Қозоғистон Республикасининг Еттисой шаҳрида бўлиб ўтаётган кўпқарида тартиб-интизомни сақлаш баҳонасида у жойга сафарбар қилинди. Жиззахликлар қон тўкилишига йўл қўймади, ёруғ кунларни кутиб яшади.

1990 йилнинг 21 январь куни навбатдаги газетани чиқаришга тайёргарлик кўраётган эдик. Ўша куни Қангли қишлоғида яшовчи оддий ишчи Имомқул Бердиев келиб, Шароф Рашидов ҳақида «Ёв қочса...» сарлавҳали мақоласини кўп газеталарга тақдим этганлигини ва бирорта нашр уни босишга журъат қилмаганлигини айтиб қолди. Хуллас, 22 январь куни Шароф Рашидов ҳақида «Жиззах овози» газетасида ана шу мақола чоп этилди. Эртаси куниёқ вилоят партия комитетининг биринчи котиби А.Ф.Клепиков партиянинг бюро йиғилишини чақириб, бу мақолани муҳокама қилди ва уни босган газета бош муҳарририга нисбатан партиявий чора кўриш, вазифасидан четлаштириш масаласини ўртага

қўйди. Суриштирув ишлари бошланди. Айнан шу йилнинг 12 февраль куни Фарғона вилоят газетасида беш нафар СССР халқ депутатлари номидан «Ўзбекистонга тош отманг» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Биз эса бу мақолани газетамизнинг 13 февраль сонисида кўчириб босдик. Вазият шу даражада таранглашдики, газетанинг ҳар бир сонини Комфирқа вакиллари назорат қила бошлади. Аммо бизнинг бу ҳаракатимизни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қўллаб-қувватладилар.

Ўша йилнинг 6 ноябрь куни Жиззахдаги Шароф Рашидов хонадонидида эҳсон маъракаси ўтказилди. Унда нафақат республикамиздан, кўшни мамлакатлардан ҳам кўплаб одамлар ташриф буюрди. 7 ноябрь куни Ислон Каримов Шароф Рашидовнинг хонадонидида унинг оила аъзолари билан суҳбатлашди. Ана шу аснода эзгулик, яхшилик йўлидаги улуғ ишлар бошланиб кетди.

1991 йилнинг ноябрь ойи эди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов ўзининг вилоятлардаги ишончли вакиллари билан салкам тўрт ярим соат суҳбатлашди. Бу суҳбатнинг асосини Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралар, у кишининг амалга оширган ишлари ташкил этди. 1992 йилнинг бошларида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Муаззам диёр тўйхонага айланди. Унда Ислон Каримов иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.

Ўзида китоб аксини мужассам этган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдидаги майдонда давлат ва жамоат арбоби, бутун ҳаёти ва фаолиятини шу заминнинг инсонлари учун сарфлаган Шароф Рашидовнинг бюсти қайта қад ростлади. Бу мухташам хиёбоннинг очилиш маросимида иштирок этган оппоқ соқолли нуроний оқсоқолдан тортиб, қайвони онахонларнинг кўзларида ёш қалқирди. Бу кўз ёшлар адолатнинг, ҳақиқатнинг қарор топганлигига умидворлик белгиси эди. Мустақил-

лигимизга ишонч эди. Юртбошимизнинг жасорати ва матонатига миннатдорчилик ифодаси эди, назаримда.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов фаолият кўрсатаётган кезларда фақат олдинга қараб ҳаракат қилиш, ҳар бир вақтни беҳуда сарфламаслик, ундан унумли фойдаланиш зарур эди.

Одатда у киши бирор вилоятга сафар қилсалар, албатта поездда борар ва ўзи учун ажратилган вагонда яшашга одатланган эди. «Шароф ака ҳар куни эрталаб соат бешдан еттига қадар ижод билан шуғулланардилар. Навоий вилоятига борганимизда қизиқ воқеа рўй берди. Эрталаб уйқудан турсак, Шароф ака йўқлар. Тан соқчилари ҳам негадир ўша куни ухлаб қолибди. Унинг аъзойи бадани титраб, «Янга, Шароф акани кўрмадингизми?» – дея мендан сўрайди. Ёмон ҳолатга тушиб колдим. Вагондан пастга тушсак, тўрт нафар милиционер иршайиб турибди. Улар бизнинг кистовимиздан сўнг: «Кечирасиз, янга, бизга айтманглар деган эдилар, турмага кетдилар», – дея жавоб беришди. Шоша-пиша автомашинага ўтириб турмага йўл олдик. Не кўз билан қарайликки, Шароф ака маҳкумлар олдида туриб уларга одоб-ахлоқдан, ҳаёт сабоқларидан сўзлаётган эди. Шунда соқчи: «Булар ашаддий жиноятчилар-ку! Нега бундай қилдингиз?» – дея савол берди. Шароф ака хохлаб кулиб, «Гарчанд улар маҳкум бўлсалар ҳам, бизнинг оғаларимиз, фарзандларимиз, шунини унутманг» – деди-ю, кафти билан соқчининг елкасига қоқиб қўйди.

Ҳа, Шароф Рашидович шу заминда туғилган ҳар бир инсонни бахтли қилиш учун, керак бўлса, жонини ҳам фидо қилишга тайёр инсон эди. Бугун халқимиз ўзининг ардоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўряпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг юз йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши ана шу эзгу ниятнинг амалдаги ифодасидир.

Мели НОРМАТОВ,
ёзувчи

УСТОЗИМ ҲАЁТИДАН ИККИ ВОҚЕА

1960 йили Москвада қиш жуда қаттиқ келди. Баъзи очик жойларда совуқ қирқ даражадан ҳам ошиб кетди. Мактаблар, айрим ташкилотлар вақтинча ёпиб қўйилди. Қор уюмини кўриб ваҳимага тушасиз. Эҳтиёт бўлмасангиз, кулоқ-бурундан ажраб қолиш ҳеч гап эмас. Синоптикларнинг айтишларича, юз йил аввал ҳам шунақа қиш бўлган экан. Начора!.. Ётоқхона билан ўқув корпуси оралиғи яқин. Наридан борса, ўттиз-қирқ метр. Шунда ҳам музлаб қоласиз. Аудиторияда ўтириб бўлмайди. Орадан ўн кунлар ўтгач, аёз чекинди.

Кутилмаганда кўнглим ғаш бўлди, сабабини билмайман. Устоз хонадонига кўнгирак килдим. Шифохонада даволанаётган экан. Бориб кўришим керак. Йўлга чиқдим. Қидириб, суриштириб охири ўрмон ичида жойлашган шифохонани топдим.

Хурсандой янгамиз очик чехра билан кутиб олди.

– Вой-бу! Қоришиб қолибсиз-ку. Шундай пайтда йўлга чиқиш... Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Мана бу сутни ичиб олинг, совуқни кесади. Бир ҳисобда, келганингиз яхши бўлди, кечагина сизни эслаган эдик.

Ростдан ҳам, бир стакан қайноқ сутни ичиб ўзимга келдим.

- Акам тузалиб қолдиларми?
- Яхшилар.
- Бахтимизга омон бўлсинлар!

– Сафаримиз қариб қолди, Худо хоҳласа, қайтмоқчимиз.

– Устоз қанилар?

– Нариги хонада шоир Александр Твардовский, фазогир олим Раҳматуллин – учовлон суҳбатлашиб ўтиришибди. Юринг.

Устоз ўрнидан туриб кўришди ва ҳамишадагидек елкамдан кучиб кўйди:

– Шогирд укам, шу ерда олий ўқув юртида таҳсил оляпти, Мели Норматов.

Дастлаб Твардовский гапга солди:

– Хўш, Мели Норматович, ўқишлар яхши борап-тими...

– Ёмон эмас.

Суҳбатга устоз аралашди:

– Ҳозир муҳим мавзуни қаламга олган. Аниқроғи, чўлқуварлар хусусида.

– Хўп яхши. Устозингиз изидан бораётган экансизда. Шундай пайтда... Ҳа, публицистика иш беради. Валентин Овечкин асарларини мутолаа қилиш ҳам фойдадан холи эмас.

Устозга қарадим. Шароф ака айтаверинг дегандек имо қилди.

– Шароф Рашидович тавсияси билан Овечкиннинг «Районнинг иш кунлари» китобини таржима қилдим. «Серташвиш баҳор» номи билан икки марта чоп этилди.

Улуғ шоир бирдан ўрнидан туриб, мени кучоқлади:

– Қойил! Шароф Рашидович, аввало, сизга катта раҳмат. Валентин Владимирович жонажон дўстингиз эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Овечкин каби тугма талантлар камдан кам дунёга келади.

– Яхши инсонларнинг қадрига етиш кўп савобли иш. Аввалги куни Валентин Владимирович билан шу

хонада суҳбатлашиб ўтиргандик. Ўзбекистонда яшаб, ижод қилгиси бор.

– Менга ҳам айтган. Шароф Рашидович билан суҳбатлашсам, янгидан янги мавзулар куйилиб келаверади, деганди.

– Ҳамфикр бўлиб ижод қилсангиз, янги асарлар устида ишлашга туртки бўлади.

– Жуда тўғри, Шароф Рашидович!

Шароф ака Раҳматуллинга юзланди:

– Домла, сизни зериктириб қўйдик. Узр.

– Йўк, Шарофжон. Аксинча. Суҳбатларингдан маза қилаяпман, ижодий ҳамкорлик эзгу иш. Бу илм аҳлига ҳам тааллуқли. Камина адабиёт мухлисиман. Қўлимга яхши асар тушса ўқиб, тугатмай қўймайман.

– Раҳмат. Сизнинг илмий изланишларингиз таҳсинга сазовор. Халқ, мамлакат учун катта иш қиляпсиз.

– Раҳмат!

...Валентин Овечкин умрининг сўнгги йилларини жонажон диёримизда ўтказди. Шароф Рашидов унинг бемалол ижод қилиши учун барча шароит, имкониятларни яратиб берди. Адиб ўзбек халқини, унинг адабиётини чин дилдан севар, кадрлар эди. Ёзувчиларимизга, айниқса, ёш ижодкорларга сахийлик билан кўмак берарди...

Шароф Рашидов Овечкин билан кадрдон эди, уни ниҳоятда ҳурматлар эди. Адибнинг «Жизнь продолжается» номи билан чоп этилган ҳикоя ва очерклар тўпламига ёзган сўзбошисида Валентин Владимировичнинг ҳаёт йўли ва бетакрор ижодий фаолияти хусусида батафсил тўхталган, адабиётимизнинг равнақи, ривожланиши бобидаги хизматларини ҳаётий мисоллар билан кўрсатган, таҳлил этган.

В. Овечкин 1968 йили Тошкентда вафот этди.

Инсоннинг комиллиги, аввало, унинг одоб-ахлоқи билан белгиланади. Шу боис, мазкур масалага азалдан жиддий эътибор берилган ва одамзот ҳар жиҳатдан тарбияли, яхши хулқли бўлишга интиланган.

Шуларни эътиборга олиб телевидениеда «Ота-оналар университети», «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» каби туркум кўрсатувларни тайёрладик ва эфирга узата бошладик. Тез орада оммалашиб кетди. Томошабинлардан юзлаб-минглаб мактублар олдик. Матбуотда ижобий фикрлар билдирилди. «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи»да асосий ролни актёрлар ўйнаса, «Ота-оналар университети»да сўз сеҳридан фойдаландик. Республикадаги энг нуфузли зиёлилар, ўз касб-корининг моҳир усталари, олиму фузалолари таклиф этилди.

«Ота-оналар университети»нинг ректорлиги Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Қори-Ниёзий, проректори маориф вазири Анвар Қўчқоров, бошловчилиги Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Аъзамхон Рустамов зиммасига юкланди.

Кўрсатув сценарийсини тайёрлаб Қори-Ниёзийга олиб борардик. Домла синчиклаб кўздан кечирар, фикр-мулоҳазаларини айтар, янги мавзуларни таклиф этарди.

«Ота-оналар университети»нинг навбатдаги сони эфирга чиқиши керак. Домланинг розилигини олишимиз зарур.

– Келаверинглар, лекин бетобман. Грипп қийнаб кўйди.

Шогирдим Тоҳир Муллабоев билан устозникига бордик. Ростдан ҳам кароватда ётарди. Қўлида қандайдир рисола, қалам билан чизиб нималарнидир қоғозга тушираяпти. Салом-алик қилдик, сўрашдик.

– Бу автореферат. Қозон университетидан. Илмий кенгаш аъзосиман-да. Такриз беришим керак. Бироқ

ижобий фикр билдиrolмайман... Қани, сценарий мун-дарижасини ўқинг-чи.

Муллабоев ўқиди. Кўтарилган масалалар домлага маъкул бўлди:

– Индинга Наврўзи олам денг... Буни ўйлаб кўриш керак. Аввало, Анвар Қўчқоров билан маслаҳатлашиб олай, кейин... кейин... Шароф Рашидовичга чиқаришга тўғри келади.

Кўрсатувни эфирга узатишга оз фурсат қолди. Аммо домладан дарак йўқ. Ҳаммамиз безовта, нима қилишни билмаймиз. Айниқса, режиссёр азобда. Репетиция қилиш керак, тинмай қўнғироқ қиламан. Ҳеч ким жавоб бермайди... ахири, «Домла телевидениега кетганлар», деган овоз эшитилди...

Ниёзий домла Анвар Қўчқоров билан бирга Шароф Рашидов ҳузурига киришади... Салом-алиқдан кейин Шароф ака дейди:

– Хуш кўрдик, мархабо домла!

– Хушвақт бўлинг, Шароф Рашидович. Сизни бир масала юзасидан безовта қилаяпмиз, узр!

– Нима масала экан?

– Эртага Наврўзи олам. Бугун соат саккизда университетимизда халқимизни муборакбод этайлик, шу сабабдан...

Шароф ака кулиб:

– Раҳмат! Кўп яшанг домла, ҳозир мен ҳам шу масала устида бош котириб тургандим. Наврўзи олам муборак бўлсин! – дейди.

– Раҳмат, сизга ҳам.

– Наврўзи олам баҳонасида дийдор кўришдик. Наврўз – халқ байрами. Элу юрт сайли, аввало, захматкаш дехқонларимиз яйраб, яшнаб далаларга, қир-адирларга чиқиб, уруғ сочадиган, бунёдкорлик ишларини бошлаб юборадиган фасл. Қандай ажойиб удумларимиз, урф-одатларимиз бор. Бир-бир айтаверсак... қолаверса,

Шарқ элининг янги йили – янги куни-ку! Уни ҳеч ким тақиқлаган эмас. Домла, халқни, телетомошабинларни баҳор байрами билан табрикланг, муборакбод этинг!

– Раҳмат, Шароф Рашидович, рухсатингизни олганимиз яхши бўлди.

Биз студияда нима қилишни билолмай лол бўлиб турганимизда тўсатдан Ниёзий домла Анвар ака билан жилмайиб кириб келди. У ғоят хурсанд эди.

– Э, бормисиз, домла!

– Сизларни қийнаб қўйдик, узр, ҳозир Шароф Рашидович ҳузуридан келаяпмиз. Ҳаммангизни Наврўзи олам байрами билан табриклайман.

– Репетиция нима бўлади?

– Репетициянинг ҳожати йўқ, тайёргарликни кўриб келдим. Қани, студиягами?

Академик Қори-Ниёзий 1970 йили халқни Наврўзи олам билан ойнаи жаҳон орқали қизгин муборакбод этди.



Аҳмадали АСҚАРОВ,
академик

ДУРДОНАЛАР ЭЪЗОЗ ТОПГАНДА...

1982 йил меҳнат таътилидан қайтгач, куз мавсумида Сурхондарёга, ўтроқ аждодларимизнинг бронза даврига тегишли қадимги илк шаҳар вайроналари – Жарқўтон ёдгорлигида илмий казишма ишларини давом эттириш учун экспедицияга кетдим. Археология менинг севимли касбим, дала-тадқиқот ишлари ҳаётим мазмунига айланган. Одамлар курортларга, санаторийларга, дам олиш орамгоҳларига бориб ҳордиқ чиқаришса, даволанса, туб маънодаги археолог эса, дала-тадқиқотларига бориб асаб жароҳатларини даволайди, дам олади, ҳаёт икир-чикирларидан холи, изланишлар жараёнида топилаётган кундалик янгиликлар, илмий кузатувлар оламида, уларнинг қиёсий талқини ва таҳлилида, очиқ мусаффо ҳавода маънавий озуқа ва руҳий қувват олади. Давлат хомийлигида илм-фан учун яратилган имкониятлар (транспорт ва унга етарли ёқилғи, молиявий таъминот ва бошқалар) илм аҳлига қанот бағишлайди, бор вужудинг ва борлигинг билан фидойиларча ишлашга интиласан.

Ана шундай завқ-шавқ билан Жарқўтон ёдгорлигида ишлаётган кезларимда (бу 1982 йил сентябрь ойининг охирлари эди), Шароф Рашидович Рашидов Сурхондарё обкомининг саркотиби Абдухолик Каримов билан биргаликда Жарқўтонга ташриф буюрдилар. Ўша кезларда мен шогирдларим билан Жарқўтон ёдгорлигининг «протошаҳристон» деб шартли номланган қисмида, 5-тепаликда бундан 3,5–4 минг йил аввал

Утган қабила сардорининг қабрини очиш билан банд эдик, яъни қадимги мазор лаҳадига тушиб, скелет атрофига қўйилган сардор касбига тегишли ашёвий далилларни тупроқдан тозалаш завқи бутун вужудимни қамраб олган эди.

Қабр ер сатҳидан 2,5 м. чуқурликда, умумий майдони қарийб 5 кв.м. бўлиб, унинг ичи турли хил ашёвий далилларга лиқ тўла эди. Лаҳаднинг шимоли-ғарбий бурчагида ўнг биқини билан оёқ-қўллари букланиб, ғужанак ҳолатда ётган, бош чаноғи шимолга қаратилган эркак скелети ётар эди. Қабр топилган тепалик бир неча патриархал оилаларни бирлаштирган уруғ-қабила жамоасининг тураржойи бўлган.

Айнан ана шундай қабрлардан бирини қазийётган пайтимизда, кутилмаганда Республика раҳбари она диёримизда бундан 3,5–4 минг йил аввал илк бор қад кўтарган, яъни Самарқанддан роса минг йил аввал аждодларимиз томонидан бунёд этилган энг қадимги шаҳар – Жарқўтонга ташриф буюрган эдилар.

Қабр майдонидан юқорига нарвон ёрдамида кўтарилар эканман, шогирдим Улугбек Раҳмоновга тезда қўл ювиш учун менга сув келтиришни сўрадим. Бироқ, Шароф Рашидов: «Йўқ, қўлингизни ювманг, иш кийимингизга ёпишган аждодлар гардини ҳам қоқмай келинг! Аждодлар гарди бизнинг қўлимизга ҳам юқсин. Узоқ ўтмиш тарихдан маълумки, Зардуштий аждодларимиз ерни, она заминни улуғлаганлар, уни эъзозлаганлар. Мана шу қабрдаги ҳар бир ашёвий далил ҳам муқаддас тарихимиздан гувоҳлик берувчи ўтмиш садоларидир», – деб менга қўл узатдилар.

Ўша йили сентябрь ойи иссиқ келди. Эрталабдан бошланган қуёш ҳарорати соат 11-00 да ҳам 35 даражадан кам эмас эди. Шароф Рашидовнинг буғдойпоя шляпаси остидан маржондек оқайётган тер суҳбатни қисқа қилишга ундагандай бўларди. Суҳбатдошимиз эса савол беришдан тўхтамас эди. Абдухолик Қари-

мов суҳбатга аралашиб, «Шароф Рашидович, чевар теримчи қизларимизга соат 11-00 га ваъда қилинган эди. Соат 12 бўлди. Аҳмадали билан суҳбатни кечга томон давом эттирсак, нима дейсиз?», деган эдилар, «Ҳа, чевар қизларимизни ҳам узоқ куттириб қўйиш инсофдан эмас, бу суҳбат давомини кечга кўчиришга розиман», – дедилар.

Шундан сўнг ўша куни кеч соат саккизлар чамаси Термизга – обкомнинг дала ҳовлисига етиб бордим. Соябон остида стол атрофида уч киши: бир томонда Шароф Рашидович ва Абдухолиқ Каримов, улар қаршисида ёлғиз камина ўлтирарди. Хизматда вилоят ижроқўми раиси Нормўмин Туропов бўлди. Суҳбат уч соатлар чамаси давом этди. Менинг бундай юқори мартабали раҳбарлар билан илк бор учрашувим эди. Шароф Рашидовга хос ўта камтарона фазилат, юксак инсоний маданият, у кишининг илм аҳлига бўлган чуқур ҳурмати мени лол қолдирди. У киши жуда зукко, теран фикрловчи, суҳбатдошининг қалбида нималар кечишини тезда англаб етувчи раҳбар эканлигига тўлиқ амин бўлдим. Суҳбат охирида ростгўй, теран фикрловчи, сўзи билан дили, амалий фаолияти бир инсонларни қадрлашини айтиб, халқимизнинг ўтмиш тарихи, маданияти ва маданий меросини ўрганишда тўғри йўлда эканлигимни таъкидлаб, сеvimли соҳамда янада улкан ютуқларга эришишимни тилади.

Ниҳоят, суҳбат охирида: «Бу ноёб топилмаларни Республикаимизнинг қайси бир музейига топширасиз?», – деб сўраб қолдилар. Мен эса, «Шароф Рашидович, Сурхондарёнинг бронза даврига тегишли Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари жуда ноёб археологик обидалардир. Улардан топилган материалларни ҳозиргача Тошкент шаҳридаги Тарих музейига, Самарқанддаги санъат ва маданият музейига, Термиз ўлкашунослик музейларига бериб келдик. Лекин Шеробод халқи, биринчи навбатда, ёшлар, айниқса, Шеробод ту-

мани мактаб ўқувчилари уларни Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларига бориб кўришга мажбурдилар. Ўзбекистонда бирор жойда махсус археология музейи йўқ. Аммо мавжуд музейларда улардан фақат музей қоидаларига кўра, айрим экспонатлар танланиб, асосий оммавий материал у музей ертўлаларида идишларда сақланади. Агар сиз изн берсангиз, шу жойда ёдгорлик материаллари мисолида кичикроқ бўлса ҳам, бронза ва илк темир даври материаллари асосида махсус археологик музей ташкил этган бўлардик», — дедим. Шароф Рашидовга таклифим маъқул тушди. Абдухолик Каримов бўлажак музей қурилишини вилоят бюджети ҳисобидан ўз зиммасига олдилар. Шароф Рашидович мендан музей экспонат заллари майдони масаласида фикримни билгач, у киши музей очилишида шахсан келишга ваъда қилди.

Эртаси куни Абдухолик Каримов Жарқўтонга Шеробод тумани раҳбарларини йиғиб, Шароф Рашидов билан бўлган суҳбатни ва қурилажак музей ҳақида, унинг қурилиши билан боғлиқ тегишли лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва ишга зудлик билан киришишни топширди. Музей қурилишини шахсан ўзи назоратга олишини айтди. Ўша куни музей биносини Жарқўтон ёдгорлиги шимолий томонидан ўтган Шеробод—Музробод магистрал йўли ёқасига, Оққўрғон қишлоғи этагига, ёдгорликка яқин даштликка жойлаштириш режалаштирилди. Бу жойда ичимлик суви танқислиги туфайли биринчи навбатда қудуқ қазиш, музей учун ажратилган майдонни темир панжаралар билан ўраб олиб, кўкаламзор бог барпо қилиш, музей ҳудудида катта экспозиция зали, археологик ашёлар-экспонатларни тайёрлаш зали ва уларга қўшимча қилиб 4 та хизмат хоналарини қуришга келишиб олдик.

Кундузлари Жарқўтонда қазишмаларни давом эттириш билан бирга, юклатилган топшириқни ўз вақтида бажариш учун кечалари ҳам ишлашга тўғри келди.

1982 йил октябрь-ноябрь ойларида музей биноси тикланди, декабрь ойида музей мажмуаси майдонининг атрофи панжаралар билан ўралиб, 1983 йил февраль охиригача майдон хилма-хил мевали дарахтлар, гул кўчатлари экишга тайёр бўлди. Март ойида қурувчилар пардозлаш ишларини якунлаб, бинони бизга топширишди. Самарқанддан атиргул кўчатлари олиб келинди. Бир вақтнинг ўзида, март ва апрел ойлари давомида экспозиция зали, унга тегишли экспонат стендлари тайёрланиб, археологик ашёлар илмий ва тарихийлик тизими асосида жойлаштирилди. Жараённи мунтазам кузатиб борган Абдухолик Каримов ишнинг жадал, қатъий режа асосида бораётганлиги ҳақида Тошкентни хабардор қилиб тургани боис, 1983 йил 8 май куни Шароф Рашидович Термизга учиб келди. Шу куни партия ва хўжалик фаолларининг мажлиси бўлиб, 9 май эрталаб соат 11 ларда Шароф Рашидов раҳбарлигида масъул кишилар Жарқўтон музейи очилишига етиб келишди.

Авваллари сувсиз қақраб ётган даштликда қад кўтарган музей мажмуаси ва бу жойда олиб борилган ободончилик ишлари республика раҳбарига маъқул тушган бўлса керакки, у киши Абдухолик акага қараб «Офарин» сўзини икки марта қайтардилар. «Энди, ушбу объектнинг ички мазмуни билан танишиш учун лента кесишга ўтайлик», – деб тўпланганларга мурожаат қилди. Шу лаҳзаларда янграган гулдурос қарсақлар садоси остида Шароф Рашидовичга яқинлашдим. Ичкарига негадир тўрт кишигина кирдик (Шароф Рашидович, Абдухолик Каримов ва мен билан яна бир киши, кейин билсам у девқомат йигит Шароф Рашидовичнинг тансоқчиси экан). Шунда Абдухолик ака менга яқинлашиб: «сизга 15 дақиқа вақт берилган, чегарадан чиқманг», – деб секингина шивирлади. Музей залига киргач, Шароф Рашидович зални кўздан кечириб, сўнг менга қараб: «Қани, экспонатлар билан та-

ништиришни бошланг», – деб хитоб қилди. Ўтмишда аждодларимиз томонидан яратилган ҳар бир экспонат олдида тўхтаб, у киши мени узлуксиз саволга тутар, санъат даражасида ишланган экспонатларни завқшавқ билан томоша қилиб, уларни яратган аждодлар маҳоратига таҳсинлар айтиб, роҳатланар эдилар. Бирдан: «шу буюмларни ясаган аждодлар ҳайкаллари ҳам топилганми?» – деб сўраб қолдилар. «Ҳа, ўша давр одамларининг ҳайкаллари ҳам бор. Улардан бири шу залга қўйилган», – деб ҳайкал томон юра бошлаган эдим, Шароф Рашидович: «Шошилманг, навбати билан уни ҳам томоша қиламиз, таништиришни келган жойингиздан давом эттиринг» – деб мени тўхтатдилар. Экспонатлар орасида уч дона сиёҳдон ҳам бор эди. Сиёҳдонлардан бирида қора бўёқ изи сақланган эди. Бу топилма Шароф Рашидов эътиборини ўзига тортди. У киши бу сиёҳдонлар қайси нарсалар билан бирга топилганлигини сўрадилар. Мен улар билан бирга топилган археологик мажмуаларни кўрсатганимда: «Қадимги ёзув излари учрамадими?» – деб сўраб қолдилар.

Гарчи мен: «Ҳозирча топилгани йўқ», – деб жавоб қилсам-да, у киши бир неча дақиқа сукунатда хаёл денгизига шўнғиб: «Ҳа, археологик изланишлар ҳали кўп нарсаларга, инсон ақли бовар қилмайдиган кашфиётларга олиб келади, синчков бўлинглар», – деб маслаҳат бердилар. Бу саволлар бежиз берилмаган эди. Бу эса доно раҳбарнинг фан кашфиётларига дилдан қизиқиб қарашларидан, илм заҳматкашларининг меҳнатини қадрлай олишидан нишона эди.

Музей экспонатлари билан танишиб бўлгач, Шароф Рашидович: «Бу топилмалар ҳақида яхлит бирор илмий асар ёзилганми?» – сўраб қолдилар. 1977 йилда «Фан» нашриётида «Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана» номли рисолам чоп этилган эди. Китоб рус тилида ёзилганлиги учун «Тон-

кому ценителю древней культуры Шарофу Рашидовичу Рашидову от автора» деб дастхат ёзиб бир нусхасини тайёрлаб кўйган эдим. Уни дарҳол Шароф Рашидовичга тутқаздим. У киши дастхатни ўқиб: «Энди бу китоб шахсий кутубхонамнинг китоб жавонидан жой олади. Асарингизни албатта ўқиб чиқаман», – деб кўнглимни кўтардилар.

Биз музейдан ташқарига чиққач, Шароф Рашидович тўпланган жамоага қарата: «Бу жойда янги маданият ва маърифат маскани барпо этилибди. Узоқ ўтмишда яшаган аждодларимизнинг ўтроқ деҳқончилик маданияти ижодкорлари яратган ноёб топилмаларни кўриб лол қолдим. Чунки унинг ҳар бир осори атиқаси бир олам тарихни ўзида мужассамлаштирган. Шошилмай, бемалол кўринглар, биз эса қанча керак бўлса, сизларни шунча кутамиз», – деб уларни музейга чорлади.

Ўша куни тушлик олдидан Шароф Рашидович республика фаоллари иштирокида менга раҳмат айтиб, «Сиз томонингиздан бизга қандай илтимослар бор, тортинманг, сўрайверинг», дедилар. Мен эса, у кишига «Ҳаммаси жойида, севимли соҳамда ишлаб турибман. Оилавий муаммоларим йўқ, бахтимизга Сиз саломат бўлсангиз, бас», – деб миннатдорлик билдирдим. У киши: «Қалбингиз тубида ушалмаган орзуларингиз, истакларингиз йўқми?» деб жиддий сўрадилар. Мен дарҳол хушёр тортиб, «Шароф Рашидович, ушалмаган орзулар ҳам йўқ эмас. Агар улардан бирини айтишга изн берсангиз, Сиздан миннатдор бўлган бўлар эдим», – дедим. «Эшитаман, айтинг, бажо келтирамиз», – дедилар.

Мен: «Ўзбекистон ҳудудлари турли даврларга оид археологик ёдгорликларга бой. Самарқанддаги Афросиёбдек қадимги шаҳар харобалари ҳар бир вилоятда мавжуд. Археологларнинг маълум гуруҳлари қадимги тош даври, ўрта тош ва янги тош даври ёдгорликларида, бронза даври ёдгорликларида ҳам комплекс изла-

нишлар олиб боришмоқда. Ҳозирга келиб кўлимизда шунчалар кўп ноёб моддий маданият ашёвий далиллари тўпланганки, улар ҳар хил музейлар ертўласида, музей экспозицияларида кенг кўламда намойиш этилмай, ночор ҳолда сақланмоқда. Улар турли даврларда аجدодларимиз томонидан яратилган этномаданий бойлик, маданий мерос дурдоналаридир. Улардан Тошкентда замонавий илмий технология билан жиҳозланган махсус археология музейи ташкил этилса», – дедим. Шароф Рашидов эса бўлажак археология музейининг экспозиция заллари ва унинг қошида ташкил этилажак илмий фонднинг тахминий ҳажми билан қизиқдилар. Мен бўлажак музей учун камида 5 минг квадрат метр экспозиция заллари, ундан уч марта катта майдонга эга бўлган илмий фонд биноси кераклигини айтдим.

Шароф Рашидович бир неча дақиқали сукунатдан сўнг: «Ғоя яхши, аммо музей мажмуасининг қурилиши масаласида муаммолар бўлиши муқаррар. Чунки республика ҳукумати лойиҳа баҳоси 1 миллиондан ортиқ сарф қилишни талаб этадиган қурилиш учун Марказдан изн сўрайди. Бундай масалалар, албатта, Москва руҳсати билан амалга оширилади. Агар таклифингиз маданият биноси эмас, балки ишлаб чиқариш билан боғлиқ иншоот бўлганида, Марказга мурожаат қилсак бўлар эди», – дедилар.

Бундай эркин мулоқот имкониятидан фойдаланиб: «Шароф Рашидович, унда қалбимга тугиб қўйган, аммо янги бино қурилишини талаб этмайдиган, бошқа таклиф айтсам бўладими?», – деб сўрадим. Шароф Рашидович: «Марҳамат, эшитамиз» – дедилар.

Археологик қазिशмалар вақтида ҳар хил рангли металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган қадимги санъат асарлари, яъни юксак санъат даражасида ишланган ноёб топилмалар топилади. Улар минг, бир ярим минг, икки минг, ҳатто ундан ҳам қадимги даврларга тегишли. Улар ҳамон музей экспозицияларида намойиш

этилмай сейфларда сақланмоқда. Ана шундай ноёб топилмалар асосида кенг томошабинларга намойиш этиш учун Ленинградда, Эрмитажда «Олтин фонд» ташкил этилган. Москвада эса «Олмос фонди музейи», Киевда тарих ва санъат музейи қошида «Олтин хазина» ташкил этилган. Шундай «Олтин хазина»ни Ўзбекистонда ҳам ташкил этишга хазиначаримиз етарли. Тегишли бино ҳам бор», – дедим. Таклифим Шароф Рашидовичга маъкул тушди. «Бу таклифни дарҳол хатга тушириб, юқори идорага юборинг. Уларни жамлаш масаласида таклифларингизни ҳам ёзинг», – дедилар.

Шундай қилиб, 1983 йил 9 май биз археологлар учун байрамга айланди. Республикада археологик тадқиқот натижалари, археологик илм-фан республика бош раҳбарининг назарига тушди. Телевидение ходимлари, журналистларга топшириқлар берилиб, археологик изланишлар ҳақида махсус телефильм яратиш топширилди. Аммо, ўша даврда амалга ошмай қолган махсус республика археология музейи Сурхондарё вилояти археологик ёдгорликлари материаллари асосида буюк истиқлол шарофати билан мустақиллигимиз даврида Термиз шаҳрида барпо этилди.

Тошкентда ноёб археологик топилмалар асосида «Олтин хазина» музейини ташкил этиш ғояси бўйича эса, ўша 1983 йилда давлат комиссияси тузилиб, Республикадаги барча музей фондларида сақланаётган тегишли экспозиция материалларини ҳисобга олиш ва уларни илмий экспертизадан ўтказиш иши менга топширилди. Комиссия бу иш билан яқин уч ой шуғулланди ва тегишли материаллар Республика раҳбариятига етказилди. Бироқ Шароф Рашидовичнинг бевақт вафоти туфайли музей 1983 йилда очилмай қолди.

Мухиддин НАРЗИҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси

ҚОЯ

Куз кирган бўлса-да, Мирзачўлда иссиқнинг тафти баланд, далага кирсангиз ғўзанинг ривожидан баҳри дилингиз очилади. Эрталабки салқинда ўтган йиғинда мен ишлайдиган «10-А» совхозининг директори Худоёр Латиповдан эрта-индин Шароф Рашидов келишини эшитдик. Ҳамма жой чиннидек тозаланди. Меҳмонлар кўпам куттирмай келиб қолишди. Зулуқдек қора «Чайка» ва «Волга»лар совхозимизнинг Хайрулла Ширинов раҳбарлик қилаётган 6-бўлимига келиб тўхтади. Машинадан жилмайиб тушган катта меҳмон даланинг бошида кутаётган совхознинг мутахассислари билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, Худоёр аканинг қўлтиғидан олиб, пахта ичига кириб кетди. Ҳамманинг кўзи Шароф акада. Бирга келган казо-казо раҳбарлар белгача келадиган бақувват ғўзалар, кўзни қамаштирадиган пахтазорга паст овозда баҳо берарди. Ҳар тупда ўртача ўн саккизтадан бўлиқ кўрак. Лўппи бўлиб очилиб қолган уч-тўртта пахтани ғўза барглари тўсиб қолган. Меҳрли, тийрак кўзли, баланд коматли, қотма гавдали, юзлари истарали, ўзига ярашиб турган қора кўзойнакли, оч ҳаворанг шляпали ва шу рангдаги костюмли Рашидовнинг ўзини оддий тутиши, самимий гапириши мени ҳайратга солди. Совхоз директорига юзланди.

– Сув қуйишга кеч бўлмадимиз, Худоёрхон?

– Сув югуртириб олганимиз шунданки, сув ичса, чигитнинг илиги тўлади, пахта пишиб тобига етса,

тош босади, толаси пишиқ ва узун бўлади, сифати ошади. Халқимизда онаси кўпнинг, боласи кўп, деган нақл юради. Шундан бу йил чигитни ҳар гектар ерга 150–160 мингдан қилиб қалин ташладик, текис ундириб олдик, пахтанинг ички биологик имкониятларига қараб, бу йил янги усулда 5 минг тонна пахта берамиз. Ҳозиргина ўзингиз пахтанинг чигитини чиқариб, санаб, ҳосилнинг чўғини чамалаб ўтгиз центнерга боради, дедингиз. Айтганингиз келсин.

– Балли, икки баравар кўп денг, Худоёрхон? Режа канча? Режани айтмадингиз-ку?!

– Режа 2200 тонна. Ҳисобимиз шундай, Шароф ака! Келаси йил яна минг-икки минг тонна кўшамиз. Совхоз куришга кетган харажатларни 4–5 йилда эмас, икки йилда қопламоқчимиз. Биз туғилганда оналаримиз атала ичган, гапимиз айнимаиди, лабзга содиқмиз.

Шароф Рашидович кўлидаги бўлиқ пахтани тита туриб ички ёқимли қониқиш назари билан ҳамроҳларига нигоҳ солди.

– Чўлда юқори ҳосилдорликка эришишнинг илғор усулларини чўчимасдан қўллашнинг натижаси бу. Қўриқда янги очилган совхоз иккинчи йилдаёқ икки баравар кўп, беш минг тонна пахта бермоқчи. Давлат харажатларини икки йилда қопламоқчи. Яхши ибрат. Мирзачўлни ўзлаштиришни хато дегувчилар бу ерда қилинаётган улуғвор ишлардан хабар топсинлар, кабинетларидан тоза ҳавога чиқиб, ўзлари келиб кўрсинлар халқ матонатини. Пайкал ичида Худоёрхон пахтанинг харид нархларини ошириш зарурлиги ҳақида қаттиқ илтимос қилди. Жамики пахтакорларнинг фикри деса бўлади бу таклифни. Биз ҳозир Москвада Госплан раҳбарлари билан бу масала устида ишляяпмиз. Пахта ўсимлигини кўрмаган баъзи ўртоқлар фабрикаларни мамлакат ичкари ўлкалари, ҳатто Узоқ Шарқда қурилишига эришмоқдалар. Етиштирган ҳосилнинг

8 фоизини эмас, камида ярмини республикамизнинг ҳар бир районида завод ва фабрикалар қуриб, пахта-ни тўлиқ қайта ишлашга ўтишни тезлаштириш билан халқимизнинг даромадини ошириш имконияти туғилади. Яқинда Леонид Ильич Брежнев билан алоҳида учрашаман ва бу масалани орқага ташламай қарор қабул қилишни сўрайман. Аҳолининг жадал суръатлар билан ўсиши дуруст, бироқ вояга етган йигит-қизларни ишга жойлаштириш эртага муаммога айланиши турган гап. Биргина совхоз мисолида аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш тажрибасини кўрдик. Бу йил республикамизда байроқдор бўлишни Худоёр Латиповичдан илтимос қиламиз, қандай ёрдам зарур бўлса, қиламиз. «Ташсельмаш» заводини оталикка юборамиз. Ўртоқ Нажим Ҳамроев ва Қудрат Аҳмедовдан барча муаммоларингизни ечиб беришини илтимос қиламиз. Ҳаммамиз сизнинг ихтиёрингизда. Бу ердаги жаҳоншумул ишлардан хабар топган ёзувчию шоирлар ҳам кўчиб келадилар. Юзларингиз ёруғ бўлади. Ўшанда ишларингизни кўриб, Мирзачўлга маблағ ажратишга оғринганларнинг ишончсизлиги тарқаб кетади.

Меҳмонлар хайрлашиб, Дўстлик районига ўтиб кетишди. Совхозда бирга ишлайдиган шоир акам Анвар Эшонов: «Дунёнинг ишлари шунақа чархпалак, укам. Ҳойнаҳой, катталар йўл-йўлакай Шароф акага Худоёрхон акамни ўзбошимчаликда, обком ва райкомнинг топшириқларини бажаришдан бош тортишда, дефоляцияни бошлаш ўрнига 19 сентябрь бўлишига қарамай пахта сугораётганда айблаб, тагига сув қуйиб келишган. Шароф Рашидович индамай келаверган. Аҳволни ўз кўзи билан кўриб, ишдан олинини нақд бўлиб турган Худоёр Латиповда бирор айб топмади, ишларини маъқуллаб, ёмонлаганларнинг ўзларини унга ёрдамчи қилиб кетди. Мана сенга донишмандлик, мана сенга

окил раҳбарлик. Ҳали кўрасан, ука, улоқни маррага биринчи бўлиб Худоёрхон акам ташлайди».

Чинданам бир адибу икки шоир ҳақ бўлиб чиқди. Ўша 1972 йили совхоз 13 октябрь куни режани бажарди, етиштирилган ҳосилни тўлиқ машиналарда териб олиб, мавсум охиригача давлатга жами 5400 тонна пахтани фақат биринчи сортларда сотди. Ҳамёни пулга тўлган деҳқонларнинг уч-тўрттаси машина ва мотоцикллар миниб келишди, кўпчилик гилам, мебель, музлатгич, телевизор каби уй жиҳозларини сотиб олди. Бир-бирини пахтазорда топиб кўнгили қўйган ёшларнинг тўйи эртақлардагидек шоҳона ўтди.

Кейинги йили Шароф Рашидович донгдор бригада бошлиғи Фарход Латиповнинг йўли ёқасида, каналнинг устига қурилган шийпонига келиб тушдилар. Август ойи эди. Мирзачўлнинг қовун ва тарвузларидан, сабзи шарбатидан татиб кўрдилар. Қўлларини лоток сувига тикиб оҳиста гап бошладилар.

– Жаҳонда нефть билан пахтанинг нархи баланд. Сиёсий бюронинг пахта планларини йилдан йилга ошириш бўйича топшириқларини бажарамиз деб Орол денгизини адо қилмоқдамиз. Аммо Сибирь дарёлари сувларининг бир қисмини Ўзбекистонга буриш ҳақидаги ваъдалар бажарилмаяпти. Бу лойиҳага қарши ёзувчилар, фан ва жамоат арбоблари тортиляпти, дардимизни ўз бўйнимизга осиб қўйишяпти. Бир ёзувчи ерларимизни босиб олган Чор Русия генераллари Тошкентда қурган фонтанни кўрган одамларимиз ҳайратга тушиб, ёқа ушлаб: «Мўъжиза, мўъжиза», – деган эди, деб ёзибди. Зора ўша ёзувчи тарихимизни ўқиганда, минг йиллар аввал ҳам бизнинг юртимизда фавворалар сўлим ҳовлиларни безаб, чор атрофни салкинлаштириб турганини билиб оларди. Бугун халқимизнинг иродаси ва шавкатли меҳнати туфайли Сирдарёнинг суви қақраб ётган чўлларни гулистонга айлантирмоқда. Халқимиз

бу ернинг жуда оғир шароитларида ишлаб даромад олмоқда, кўл учида бўлсаям рўзгор тебратмоқда. Ҳали секин-аста даромадлари ошади, турмуш шароитлари яхшиланади. Гектар бошига ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига бўшайдиган ерларни қишлоқ аҳолисига бириктириш эвазига уларнинг даромадларини оширишга эришамиз. Асил мўъжиза шулар эмасми?

Шароф Рашидов ўзи учун ҳайкал қўйиб улгурганини ўша йилларда машинасозлик соҳасида ишлаб яққол билганман. Унинг сиёсий иродаси билан қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш даражасини кўтариш мақсадида Марказкомнинг Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлими ташкил этилди. Ўшанда мени Шароф Рашидовнинг суҳбатига олиб киришди. Л.И.Греков, О.У.Салимов, Й.Р.Қурбонов, И.Г.Анисимкин, А.А.Хўжаев, Ғ.Ҳ.Қодиров иштирокида Шароф ота бир умр хотирамдан кўтарилмайдиган тилаклар айтиб, насиҳат қилгандилар.

– Сизни, Марказий Комитетнинг Мирзачўлда синовдан ўтган энг ёш ходимини табриклаймиз. Энди ошна-оғайнилар, қариндошлар, ичимликлар дарёдек оқадиган зиёфатлар, турли макрли аёллар атрофингизда кўпайиб кетади. Ҳушёр бўлинг. Давлатнинг ишини дилида тутмай, ҳар хил жойда, ҳукумат ишидан йироқдаги одамлар ичида тилга чиқариш, мақтаниш, кибрга берилиш, ёнидагилар билан ташлашиш, иғво ва фитналарга аралашиниш қанчадан-қанча истеъдодли ва қобилиятли раҳбарларнинг бошига етган. Олий партия мактабида, Академияда ўқиб, билимингизни оширишга кўмак берамиз. Ота-онангиз, оилангизни азиз тутинг, обрўйингизга панд берадиган ишларга яқинлашманг. Ҳамма билан камтарин ва самимий бўлиб юрсангиз, марра сизники. Сиздан умидимиз катта.

Сўнгра Турсун Умаровга қишгача уй-жой билан таъминлаш ҳақида топшириқ бердилар ва ўринларидан

туриб: «Омад тилайман», – дея хайрлашдилар. Юрагида ори бор, ғурури бор инсон бунақа гапларни унутиб бошқа йўлдан кета оладими? Бўлса бордир. Бирок, ўзим отамнинг устозинг чироғини ўчирмай юришни ҳамиша шараф деб билгин, деган ўғитларидан чикмай келмоқдаман.

Марказкомда ишлаб, шунга амин бўлдимки, Ш.Рашидовнинг иродаси билан «Ташсельмаш», Тошкент трактор, агрегат, қишлоқ хўжалиги кимё машинасозлиги, «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш», Юқори Чирчиқ прицеплар заводлари пахта етиштириш, «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси пахтани дастлабки ишлаш ва толасини ажратиб олиш, «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси толани тайёр тўқимачилик маҳсулотга айлантириш, «Средазсельхозмаш» бирлашмаси эса боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик учун машиналар ва технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Ш.Рашидов Тошкентдаги авиация, «Фотон», Экскаватор заводларини беш-ўн баробар кенгайтириш, «Алгоритм», «Восток», «Совпластитал» каби юзлаб машинасозлик корхоналарни, ўнлаб янги пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик, нефть ва газ ишлаб чиқариш, кимё, электроника ва электротехника, асбобсозлик саноатларини ташкил этишга бош-қош бўлганди.

Италия билан ҳамкорликда бунёд этилган 100 от кучига эга дизель двигателлар ишлаб чиқарувчи Тошкент мотор заводи, Трактор заводида ана шу двигателлар ўрнатиладиган тракторлар, «Ташсельмаш»да кучли моторли пахта териш машиналари, Асакада 40 минг дона прицеп, «Ўзбексельмаш»да СХУ-4 замонавий сеялкалари, «Чирчиксельмаш»да такомиллаштирилган КХУ-4 пахта культиваторлари ишлаб чиқариш қувватлари, чорвачилик машиналари чиқарадиган Хоразмдаги «Урганчкорммаш», Қорақалпоғистондаги Манғит, Сур-

хондарёдаги Сариосиё, Фарғонадаги Яккатут, Намангандаги «Уйчисельмаш» ва бошқа юзлаб заводлар Биринчи раҳбар бевосита аралашмаганда икки дунёда ҳам қурилмасди. Лойиҳани Москвада режага киритиш ва уни қуриш учун маблағ ажратилиши, қурилиши ва фаолият кўрсатишини ташкил этишда Шароф отанинг беқиёс улкан хизматларини алоҳида эҳтиром билан эслаб ўтгим келади. Раҳбаримиз ҳар бир корхонада ишчи ва хизматчилар учун энг қулай шароитлар яратилишини, дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этишни, меҳнат кўрсаткичларини инобатга олиб рағбатлантириш ишларини ташкил этишни, соҳада миллий кадрларнинг улушини бир неча бор ўстиришни талаб этардилар. Ўша даврда йирик машинасозлик корхоналарига бош директор этиб тайинланган Абдумўмин Бўриев, Ўктам Исмоилов, Рафиқ Матчонов, Қудрат Парпиев, Раҳим Ражабов, Ўткир Султонов, Камолиддин Соҳибжонов, Маҳамат Тошматов, Ҳамид Гуломов сингари салоҳиятли инженерларнинг ҳар бири билан Шароф Рашидович вақтини аямасдан суҳбат қилар, сўнгра ҳар томонлама қўллаб-қувватларди. Натижада уларнинг корхоналарида юздан ортиқ янги техника ўзлаштириб, собиқ Иттифокда машъал бўлдилар, нафақат Ўзбекистон, балки Куба, Греция, Сурия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон деҳқонларига етказиб бердилар, Ўзбекистон саноатининг довуғини оширишга муносиб ҳисса қўшдилар, кўрсатилган ишончни оқладилар.

... Қорли-кировли киш кунларида Марказий Комитетнинг иккинчи секретари Леонид Иванович Грековга ҳамроҳлик қилиб Львов шаҳрига сафар қилгандик. Мақсад бу ерда Бўстонлиқ туманида қад кўтараётган «Белдирсой» қароргоҳи жойлашган тоғ ёнбағри, қияликларда фойдаланиш учун махсус занжирли тракторлар ва дор йўли механизмларини ўз кўзимиз билан

кўриб, буюртма бериш, шунингдек, «Трусковец» санаторийсида ўзбекистонлик беморлар учун ажратилган жойлар сонини икки бараварга ошириш ҳақида келишиш эди. Греков ўзининг бу ташаббусини республика раҳбари маъқуллаганидан хурсандлигини яширолмасди. Инсоннинг жаҳли чиқиши, асабийлашиши, гап таллашишига ўрганиб қолганмиз. Бироқ Шароф Рашидовичнинг жаҳли чиққанини асло сездирмаслиги, кўнгил ғалаёнини ичида сўндириб юбориши, ҳистуйғуларини жиловлай олиши, босиқлик, мулойимлик ва сабр-тоқат билан иш юритиши умумий манфаатлар йўлида жуда катта ижобий роль ўйнайди. Номенклатурага кирувчи раҳбарлар ҳузурига кимгадир тўғаноқ кўйиш мақсадида ёмонлаб кирса, ёмонланаётган раҳбарни ҳам чақириб юзлаштирарди, бир-бирининг хатосини пойлаш, «подставка» қилиш, юқорига шипшитиш, ғаламислик иллатлари давлатга улкан зарар етказди деб ҳисобларди. Республика раҳбарлари бир-бирига қўл чўзиб ҳамжихат ва аҳил, соат механизмидек ишлаши шундан. Шароф Рашидович камчиликка йўл қўйган раҳбарларни жазоласа ҳам, жарга итариб юбормади, кувғин қилмади, салоҳиятига яраша иш билан таъминлади, вақт ўтиб хатосини тушунса, яна масъул вазифаларга қайтарди.

Шароф Рашидов Марказий Комитетнинг жамоаси йиғилишида айтиб берган бир-икки воқеа кўпчиликнинг ёдида қолган: «Янги ходимларимиздан бири биздаги магазинда озиқ-овқат маҳсулотлари икки марта арзон деб ўртоқларини ишонтирмақчи бўлибди. Шулардан бири девор ошиб ховлидаги магазинга кириб кўрса, ўртоғи ёлғон гапирган экан. Бўлим мудирини ўринбосари бўлиб ишлайдиган масъул ходимимиз Андижондан ким раҳбарлик лавозимига кўтарилса, мен ёрдам қилдим деб уларнинг қўлтиғига сув пуркаркан. Бу гап очилиб қолди».

Ўзбекистон ССР Қурилиш министри Сервер Омеров ЦКнинг мажлисларидан бирида курилайётган тўқимачилик корхоналарига технологик ускуналарни етказиб бермасликда Енгил саноат министри Маҳмуд Қурбоновни танқид қилди. Айбловни кескинроқ рад этган Қурбоновнинг гапи тугагач, ғижимлайётган бир кафт қаламни столга сокин, овозини чиқармай ураётган Рашидов ўрнидан турди.

– Бу масалани мажлисга келгунча ҳал этиш мумкин эмасмиди? Бир-бири билан келишиб, аҳил ишлашни удалай олмайдиган министрларни Марказий Комитет маъқулламайди.

Шу-шу йиғилишларда фақат ЦК ва республика ҳукуматининг кўмаги, қўллаб-қуватлаши лозим бўлган муаммолар муҳокама қилинадиган, мажлислар эса майда масалаларга чалғимасдан янада мазмунли, қисқа ўтадиган бўлди.

Жиззах шаҳар партия комитетида ишлаб юрган кезларимда, Москвада ёки хориж сафарларида давлат ва ҳукуматнинг турли даражадаги ишончли раҳбарлари оғзидан Шароф Рашидов ҳақида ҳолис фикрлар эшитганимда ул зотга бўлган ҳурматим янада ошарди.

Шароф Рашидовичнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ўтадиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёзувчиларининг халқаро анжуманлари, шунингдек, шу қитъалар мамлакатлари кинофестиваллари совет халқининг бошқа давлатлар халқлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамларди.

Оғир дарддан азоб чекиб ётган хавфсизлик хизмати полковниги Фозил Абдураимовнинг: «Бир шикоят бўйича Шароф Рашидов мени ишдан бўшатганди. Зеро, вилоят давлат хавфсизлиги органи раҳбари сифатида сергаклик ва огоҳликни, салгина бўлса-да, кўздан қочирганим учун жазолангандим. Бу менга Ўзбекистоннинг равнақи учун умрини бахшида этган етук

раҳбар, халқимизга тоғ қоясидек таянч бўлган улуғ ар-боб, ҳалол инсон Шароф Рашидовни умримнинг охиригача қалбимда сақлаб юришимга асло соя солмайди», – деганлари бугунгидай эсимда.

Бу воқеаларни келтиришдан мурод, Рашидовдек кечаю кундуз банд раҳбарнинг атрофда нималар бўлаётганидан яхши хабардор экани, олий идораларни виждонли ва муносиб кишилар билан мустаҳкамлашга доимо эътибор бериб келгани ва ўз даврида Ўзбекистонни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганига ўқувчиларнинг эътиборини тортиш эди.

Мирзачўл ва Жиззах даштларини ўзлаштириш, Жиззах ва Навоий вилоятларини ташкил этиш ҳамда комплекс ривожлантиришда Шароф Рашидовичнинг ташаббуси ва улкан ҳиссаси борлигини ким ҳам инкор этарди? Рашидов барча вилоятлар муаммоларига бирдек қарар ва бениҳоя холислик билан ҳал қиларди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди, ноҳақ қамалганлар озодликка чиқарилди, тухматдан қўйилган айблар бекор бўлди. Ёруғ даврлар бошланиб, элимизнинг кўкрагига шамол тегди. Бундай қиёси бўлмаган савоб ишлар республикамизга жуда ярашади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори шонли фарзандларини ҳамиша шарафлаб келган халқимизнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Республикамиз халқини қўлдан келган имкониятлар доирасида қоя янглиғ муҳофаза қилган, унинг равнакига улкан ҳисса қўшган Ш.Рашидовга юксак эҳтиром кўрсатилиши қалбларда ҳукуратимизга чуқур ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотди, ўчмас чироқ ёқди. Илдам одимлар билан кўтарилиб бораётган, дунёнинг тўрт тарафида танилган халқимизнинг муборак қўллари дуода: «Суюкли Ватанимизга илоҳим кўз тегмасин!».

Турсунбой РАШИДОВ,
академик

МЕТРО ҚУРИЛИШИ ТАШАББУСКОРИ

Аввало, мен Ўзбекистоннинг кекса олимлари – академиклари вакили сифатида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шароф Рашидовнинг 100 йиллик юбилейини муносиб равишда нишонлаш ва номини абадийлаштириш бўйича ташаббусини хурсандчилик ила кутиб олдим.

Мен 1956 йили Ўрта Осиё давлат университети, ҳозирги Ўзбекистон миллий университетининг механика-математика факультетини «аъло» баҳолар билан битириб, шу университет аспирантурасига ўқишга кирдим. Кейинчалик техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, дунё тан олган олим Муҳаммад Тошевич Ўрозбоев раҳбарлигида илмий-ижодий фаолият билан шугулландим.

Академик Муҳаммад Ўрозбоев механика фани соҳасида забардаст олим, республикада техника тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, илмий мактаб яратган инсон эди.

Эсимда, Шароф Рашидов у кишини ҳурмат ила «Домла» деб тилга олар эди. М.Ўрозбоев бир вақтнинг ўзида республика Фан-техника қўмитасининг раиси ҳамда олий ўқув юртларида сабоқ берувчи устоз эди. Узоқ йиллар 40 минг талабаси ва минглаб профессор-ўқитувчилари бўлган Тошкент Политехника институтида ректор сифатида ушбу даргоҳ ривожлани-

га сезиларли хизмат қилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм аҳлига бўлган эҳтироми туфайли академик М.Ўрозбоев номи ҳам тикланди.

...Хурматли Шароф Рашидович билан илк бор институтга директор лавозимига тайинлаш арафасида, 1966 йили апрель ойида, у кишининг қабулида суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Менга «Сиз ҳали ёш экансиз, ғайрат ва шижоат билан ишланг», деб оқ йўл тилаганлар.

1966 йил 26 апрель куни Тошкентда ер силкиниши содир бўлди. Шу куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъатида мени Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директорлигига тайинлашлари керак эди. Шу воқеа рўй берди, ҳайъат мажлисидан вайронага айланган шаҳардаги иморат ва иншоотларни кўздан кечиришга чиқиб кетдик. Бироз вақт ўтгач, Тошкентга собиқ Иттифокдаги республикалардан ёрдамчилар кела бошлади. Тошкентни тиклаш умумхалқ қурилишига айланди. Бу масалаларни ташкил қилишда Шароф Рашидов ўзларининг ташкилотчилик маҳоратларини кўрсатдилар.

Эсимда, 1967 йили ёзларида юқорида мажлис бўлар эмиш, деб мени таклиф қилишди. Мажлис Марказком биносида Ш.Рашидовнинг иш хоналарида бўлиши керак экан. Мен ва В.Уломов мажлисга таклиф қилингандик. Мажлис хонасида тахминан 40-50 киши ўтирар, улар Москва, Ленинград ва иттифокнинг бошқа республикаларидан келган метро қурилиш соҳасидаги лойиҳачи, қурувчи ва эксплуатация қилувчи мутахассислар экан.

Йиғилишни Шароф Рашидовнинг ўзлари бошқардилар. Масала Тошкентда метро қурилишига бағишланган эди. Мажлис қатнашчилари Тошкентда метро қурилиши масаласи катта муаммо эканлигини

таъкидладилар. Тошкентнинг грунт шароити мураккаб, колаверса кучли зилзилалар содир бўлиши мумкинлиги, бундай шароитда бу ердаги мутахассисларнинг кўпчилиги илгари метро қурилишида иштирок этмаган, тажрибалари йўқлигини гапиришди. Шу заҳотиёқ Шароф Рашидович: «Мана бу ерда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг ёш директори, фамилиядошим ўртоқ Рашидов ўтирибдилар, у кишини эшитайлик-чи», – деб менга сўз бердилар.

Мен бу масала бўйича гапиришимни билмаган эдим. Биз ўша пайтда Тошкент зилзиласи оқибатида ер ости қувурлари (сув, газ, канализация) шикастланишларини чуқур ўрганаётган эдик, диссертация ишим ҳам шу масала билан боғлиқ эди.

Мен ўрнимдан туриб: «Тошкент зилзиласи оқибатларини яхши ўргандик. Тошкентимиз учун метро қурилиши масаласи қўйилгудек бўлса, метро тоннеллари ҳам йирик қувурлардай гап», – дедим. «Ҳозирда шу мавзудаги изланишларни давом эттиряпмиз. Метро қурилиши мумкинлигини асослаб берамиз», – дедим.

Шароф ака: «Ҳозир йиғилишдан сўнг у кишига саволлар беринглар, муаммоларга аниқлик киритинглар, бу олимдан фойдаланинглар», деб топширик бердилар. Йиғилишдан кейиноқ, 11 та савол олдик. Ҳозирги кунгача бу қўйилган масалалар билан шуғулланиб келмоқдамиз. Албатта, қўйилган масалани халқимиз ҳаёти учун муҳимлиги бизга ғайрат ва шижоат бағишлади. Бор имкониятларимиз ва республикамиздаги қурилиш, геология, геофизика ва умуман, механика ва зилзилабардошлик бўйича илмий ва ортирилган тажриба салоҳиятимиз бир жойга жамланди. Бизга О.Содиқов, М.Ўрозбоев, Ғ.Мавлонов каби алло-малар катта ёрдам бердилар. Институтимиз олимларининг илм-фандаги ютуқларидан тўғри фойдаланилди

ва бу масалада кўп муҳокамаларда қатнашишга тўғри келди. Бир неча бор Иттифоқ Илмий техника кенгаши йиғилишларида, Госпланда, Фан-техника кўмитасида махсус муҳокамаларда қатнашдик, кўплаб асосланган хужжатларни тақдим қилдик. Бу масаланинг ҳал бўлишини осонлаштиришда Шароф Рашидовнинг ҳиссалари катта бўлди.

Хуллас, Тошкентда метро қуриш мумкин, деган хулосага келинди. Маблағ ажратиш, лойиҳалаш ва қуришга тайёргарлик учун камида 5 йил кетди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Шароф Рашидович метро масаласини ҳал қилиш учун давлат ва партиянинг юқори органларига 18 марта мурожат қилганлар.

Лойиҳа ва қурилиш ишлари бошланиши учун ҳали юқоридан маблағ ажратилмасдан туриб, республика бюджетидан сарф қилина бошланди. Метронинг биринчи йўналиши 1977 йил 6 ноябрда ишга туширилди.

Тошкентда бугун ҳам метро бекатларида бўлганимда бизга метро жуда керак эканлигини ҳис қилдим. Ҳозирги кунда Юнусобод йўналишини охирига етказиш ва Сергели даҳасида ер усти метро йўналиши қурилиши бўйича ишлар бошлаб юборилди, тез орада бу ишлар ҳам ўз якунини топади.

Яна бир хотира. Мен 1971 йили Москвада докторлик диссертациясини ёзаётган эдим. 9 май саҳарлаб Тошкентга учиб келишимга тўғри келди: устозим Муҳаммад Ўрозбоев вафот этган эди. Самолётдан тушиб тўғри устознинг дала ҳовлисига бордим. Ҳали ҳеч ким йўқ эди. Бироздан кейин Шароф Рашидов ва Оқил Салимов кириб келишди ва домлам ётган хонага кириб кетишди. Мен ҳовлида қолдим, бироздан сўнг Оқил ака чиқиб: «Турсунбой, қачон ёқлайсиз?» – деб савол берди. Мен: «Ёзда ҳимоя қилмоқчи эдим, лекин энди бу ерда бироз қолиб, маросимларда бўлишим керак», – деб жавоб бердим. Оқил Умурзоқович Шароф аканинг

олдига кириб кетдилар-да, сўнг чикиб: «Шароф ака айтдиларки, сиз бугун дафн маросимида сўзлайсиз, сўнг Москвага учиб кетинг, ёзгача мўлжалингизни амалга оширинг», – дедилар.

Хуллас, Шароф Рашидович ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берганликлари, республика фан ва техника тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганликлари туфайли юқорида келтирилган мисоллар кўп соҳаларда юз берган. Нафақат Тошкентда, қолаверса, масалан, Ленинград ҳамда иттифоқдош республикалардаги аспирантура ва докторантураларда ҳам кўплаб ёшлар таълим олар эдилар.

Агар инсон ўз умри давомида бирор яхшилик қилган ва қолаверса, етук мутахассис тайёрлашга ҳисса қўшган бўлса, унинг қилган яхшиликлари, савоби дунёдан ўтгандан кейин ҳам етиб турар экан. У зотни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!



Тухтамиш БОЙМИРОВ,
ветеран труда

ШАРАФ РАШИДОВ – ПРИМЕР ДЛЯ БУДУЩИХ ПОКОЛЕНИЙ

Как и многим моим сверстникам, мне очень трудно писать о Ш.Р. Рашидове, ибо он недосягаем как для других, так и моему воображению и уровню интеллекта. Этот человек – гигант мысли, таланта и государственного предвидения будущего узбекского народа. Этот человек – образец скромности, культуры и высочайшей человеческой порядочности.

Его гениальность во многих отраслях народного хозяйства до сих пор остается непревзойденным. Он дал такой толчок многим отраслям и политической жизни узбекского общества, которые до сих пор остаются незабываемыми. Он брался за крупные проекты и доводил их до логического конца, некоторые давали резкий толчок той или другой отрасли народного хозяйства и люди в его бытность пользовались плодами этих грандиозных дел. О его деятельности по ускоренному развитию многих отраслей – от хлопководства до производства лимонов уже много написано его соратниками, друзьями и многими иностранными деятелями.

Если смогу, я бы хотел немного рассказать о Ш.Р.Рашидове, как о человеке, о его гуманности, культуре, человеколюбии, тактичности и широте его многогранной деятельности. Его уже нет с нами более тридцати лет, почему мы до сих пор говорим о Рашидове, вспоминаем его, с болью в сердце горюем

до сих пор. Потому что этот человек оставил в жизни каждого узбекистанца свой глубокий душевный след. Он присутствует в ежедневной жизни каждого человека, кто бы он ни был – большой деятель или рядовой работник, академик или рабочий, крупный поэт-писатель или труженик сельского хозяйства, целинник или житель столицы. Он живет в нас, он живет в наших детях и внуках.

Где бы мы ни работали, свои помыслы сверяем с Рашидовым. Он ежедневно присутствует в жизни всего общества, в жизни многих народов, населяющих Узбекистан. Каждая нация – русский он или украинец, казах или киргиз, грузин или армянин, вспоминают его как духовного отца, старшего брата, потому что он поднял авторитет этих народов до небывалых высот. Среди них много Героев труда, лауреатов Ленинской и государственных премий, депутатов Верховного Совета СССР и Узбекистана. Представители этих народов были секретарями ЦК партии, заместителями председателя правительства республики, первыми секретарями обкомов, председателями облисполкомов. Иногда я встречаюсь с друзьями – представителями многих народов и они с такой теплотой, искренно, душевно до сих пор говорят о нем. Будучи великим гуманистом и интернационалистом он одинаково относился ко всем – большой он человек или рядовой труженик.

До сих пор я все думаю, в чем его секрет, в чем его гений. Видимо все это надо искать в его человеколюбии, в его идеальной чистоплотности и гуманности. О его немислимых человеческих качествах можно говорить и писать очень много, но все равно не только я, а я думаю очень многие все равно не дойдут до глубины этой истины, все равно не раскроют его до конца, потому что он нескончаемый излучающий источник великого духа.

Конечно, по роду своей деятельности я мог бы о Рашидове сказать только связывая его с Голодной степью, так как без него Голодная степь не имела бы никакого смысла. Эту степь растоптали бы и наконец закрыли бы. Самые лучшие его годы были связаны с Голодной степью – он был идейным вдохновителем и великим организатором этой всенародной эпопеи. Я хочу отдельно написать об этом, более широко со всеми фактами, цифрами и людьми – участниками. Потому что эта тема очень широкая, многогранная, и я думаю, стоит об этом сказать отдельно. Без Рашидова Голодная степь никогда не была бы Голодной степью, ставшая всемирной лабораторией передовых методов комплексного освоения засушливых земель.

Молодежи, читателям я хочу рассказать о Рашидове в воспоминаниях, связанных с Джизакской областью и о секретах моего появления в этих краях в ранге первого секретаря обкома партии. Хочу рассказать о своих впечатлениях по совместной работе с Рашидовым и его ближайшими соратниками. И здесь я не буду останавливаться на цифровых показателях, достижениях во многих отраслях народного хозяйства и др. Как я уже сказал в начале своего повествования хочу остановиться на человеческих качествах Ш.Р. Рашидова, о его уроках культуры и этики, о его уважительных отношениях с людьми.

Человек с таким громадным интеллектом, скромной улыбкой в разговорах он мог переспорить любого, даже умудренного жизненным опытом человека. Я лично всегда радовался, находясь с ним рядом на полях, на объектах, на совещаниях и в личной поездке с ним один на один в его машине – «Чайке». Видел и постоянно восхищался любовью Рашидова к людям, особенно к рядовым труженикам. Этот человек олицетворял образец такта, мудрости и человеческой ду-

ховной щедрости. На него можно было смотреть целый день и все больше хотелось быть с ним рядом, слышать, видеть его.

Если мою трудовую и человеческую деятельность разделить на два периода – Голодностепскую и Джизакскую, больше мне запомнился второй период.

После Голодной степи меня Ш.Р. Рашидов забрал в ЦК партии на большую должность – заведующим отделом по транспорту и связи, где я проработал почти год. Эта работа еще больше сблизила меня с Ш.Р. Рашидовым, я еще больше узнал этого человека – гиганта. Бывало иногда в течение недели мне приходилось почти ежедневно встречаться с ним по вопросу обеспечения областей грузовыми вагонами для отправки в Россию плодоовощной продукции и бахчевых. Только Джизакская область отправляла такой продукции почти двести тысяч тонн. Во время посещения его кроме вагонов были и другие вопросы касающиеся строительства, кадров и конечно дел голодностепских. Я теперь понимаю, что меня он видимо взял в ЦК для подготовки в будущем на другую более серьезную должность. В ЦК я еще ближе познакомился со многими членами бюро ЦК и другими руководителями правительства республики. Особенно я сблизился с Ю.Р.Курбановым. Тогда он был секретарем ЦК по вопросам агропромышленного комплекса. Видимо он меня помнил по прежней работе в Голодной степи.

В 1978 году бывшего первого секретаря Джизакского обкома С.М. Таирова перевели в Ташкент – министром лесного хозяйства республики. В феврале 1978 года по настойчивой рекомендации Ю.Р. Курбанова и конечно с благословения самого Ш.Р. Рашидова меня рекомендовали в Джизакскую область на самую престижную в то время должность – первого секретаря обкома партии. У меня даже в мыслях не было, что я

когда-нибудь буду руководителем области, особенно области, в которой родились два крупных руководителя республики – первый секретарь ЦК партии Ш.Р. Рашидов и председатель Совета Министров Н.Д. Худайбердыев.

Конечно, перед вступлением в должность первого секретаря я был на беседе у секретаря ЦК КПСС М.А. Суслова и на секретариате ЦК КПСС, которую вел Суслов. На секретариате Кулаков, Кириленко, Капитонов, Демичев и другие поддержали мою кандидатуру и Михаил Андреевич Суслов сказал – «Вы можете ехать, что мы сами доложим на Политбюро ЦК КПСС».

Конечно, быть первым секретарем такой области как Джизакская в то время было очень почетным. Может быть кого-то прельщал такой почет, но я страшно боялся ответственности перед Ш.Р.Рашидовым, не подведу ли я его, справлюсь ли с этой должностью, оправдаю ли доверие этого святого для меня человека. Я не боялся работы, не боялся показателей, не боялся строительства г.Джизака. Я боялся, смогу ли оправдать доверие, оправдаю ли надежды Шарафа Рашидовича, смогу ли претворить в жизнь его великие задумки.

Обстановка в Джизаке была очень сложная, область уже второй год не выполняла план по хлопку, темпы освоения резко замедлились, надо было завершить многочисленные начатые по районам области каскады насосных станций.

Надо было быстро разобраться с кадрами, особенно с руководителями хлопководческих хозяйств, районным звеном партийных и советских кадров, надо было укрепить многие областные организации, укрепить кадрами сам обком и облисполком. Решение кадровых вопросов постепенно начало давать свои результаты. Начали выполняться планы по сельскому хозяйству, включая животноводство, строительство, промышлен-

ность. Область в 1978 году первый раз за последние годы выполнила все показатели, один за другим начали сдаваться законченные объекты, особенно в Джизаке. Во всех этих делах я чувствовал постоянную помощь со стороны Шараф Рашидовича. Для контроля и оказания помощи был закреплен член бюро, секретарь ЦК партии А.А.Ходжаев, который сделал очень много для г.Джизака. Для решения вопросов Джизакской области часто приезжал Председатель Совета министров республики Н.Д.Худайбердыев. В области установились нормальные, дружеские и одновременно требовательные отношения между руководителями области и районным звеном, районными руководителями и руководителями хозяйств, строительных организаций, промышленных предприятий. Ушли в историю постоянные гонения и оскорбления кадров, незаслуженные партийные наказания и унижения человеческого достоинства.

Особенно уважительные отношения были установлены между руководителями и работниками обкома партии с первыми секретарями райкомов партии. Эти люди действительно были, как говорится, вне «критики». Люди к ним относились с большим уважением и особенной теплотой. Эти люди действительно были «отцами» тружеников района. И мы – большие руководители также к ним относились с большим уважением, особым тактом, оберегали их авторитет и создавали им все условия для нормальной, плодотворной работы. В большинстве эти люди были честными и порядочными. Положительные изменения обстановки и хорошие народно-хозяйственные показатели области конечно радовали Рашидова, он постоянно звонил, расспрашивал о проводимой работе, особенно интересовался перспективой многих отраслей. Часто приезжал воочию убедиться размаху проводимых работ по развитию

животноводства, освоению новых земель и созданию новых целинных хозяйств. Каждый его приезд, каждая его поездка по области, встречи с активом и тружениками области были огромным событием, большой жизненной школой для нас всех. Впитывали все, о чем он говорил, о чем он просил, на что обращал наше внимание. Каждый его приезд лично для меня был целым событием, огромной школой и моральной поддержкой. От каждого его приезда оставалось что-то историческое в нашей памяти.

Вот один поучительный пример величайшего такта, образец высочайшей культуры уважения человека. Когда Шараф Рашидович приехал в область, мы решили показать ему Пахтакорский, Октябрьский и Арнасайские районы. Предупредили первых секретарей райкомов партий, а они в свою очередь руководителей хозяйств. Ознакомились с Пахтакорским районом, посетили многие хозяйства, встретились со строителями и конечная остановка 28 совхоз (ныне Самарканд), там был намечен обед. Директор совхоза Эргаш Холматович Холматов встретил нас и особенно Шараф Рашидовича очень радушно и тепло, так как он еще будучи первым секретарем райкома партии очень хорошо знал Рашидова и пользовался его поддержкой. Обед прошел очень спокойно и Шараф Рашидович решил многие вопросы Пахтакорского района и 28 совхоза. Руководители района и хозяйства многого не просили у Шараф Рашидовича, все просьбы были в пределах разумного.

После обеда через 28 совхоз поехали в Октябрьский район. По пути Эргаш Холматович попросил Шараф Рашидовича на одну минутку остановиться у одного его звеньевского, к сожалению его имени я не запомнил. Мы все – Рашидов, я, Насреддинов, Холматов сидели в его машине «Чайке». Приехав на место, все вышли из машины и направились к хлопковому полю звеньевско-

го. Этот звеньевой очень аккуратно одетый, скромный, стеснительный с большой радостью показывал Шараф Рашидовичу свой урожай хлопка. Хлопок действительно был прекрасный, и он пообещал Шараф Рашидовичу в этом году дать 40 центнеров с гектара. Этот урожай изумил Шараф Рашидовича и он сказал всем нам, видите оказывается и на целине можно получать по 40 и более центнеров хлопка. «Вот товарищ Баймиров ответ недоброжелателям Голодной степи» сказал он. Звеньевой очень настойчиво просил Шараф Рашидовича на минутку зайти в его шипан и выпить пиалушку чая. Когда мы зашли в шипан на столе было все, кроме пиалушки чая. Шараф Рашидович прежде чем сесть за стол осмотрел внутреннее убранство шипана. Шипан был беленький, аккуратный, на стене висели портреты членов и кандидатов в члены Политбюро ЦК КПСС. Мы даже не заметили, что среди портретов был и портрет Шараф Рашидовича, сделанный еще до избрания его кандидатом в члены Политбюро, без первой звезды Героя Социалистического Труда.

Потом до нас дошло, что его портрет не должен был висеть вместе с другими членами Политбюро. Вы обратите внимание, Шараф Рашидович мог мне и генералу Ярлы Нарбековичу Нарбекову, начальнику областного УВД потихонечку сказать – уберите этот портрет. Но он этого не сделал и тут же преподнес нам всем великолепный и мне запомнившийся на всю жизнь урок этики, урок человеческой культуры. Он обратился лично к звеньевому, в шипане которого мы сидели, и попросил его подарить этот портрет ему. Шараф Рашидович объяснил это тем, что у него не сохранился такой портрет и хотел попросить его об этом. Услышав это звеньевой обрадовался, залез на стул, достал портрет и вытерев с него пыль рукавом преподнес его Шараф Рашидовичу. Он принял его и поблагодарил звеньевого за этот пода-

рок. Мы забрали с собой этот портрет и он долго еще висел в обкоме. Мы говорим великие люди. Вот вам великий человек был рядом с нами и до нас тогда не доходил его гений, его далеко идущие мысли.

Вот вам еще один пример неподдельной скромности и культуры человека, который никогда не выпячивал свою фигуру, свою личность и старался быть «как все». В городе Джизаке тогда были развернуты большие работы по завершению строительства крупных подконтрольных объектов. С помощью Шараф Рашидовича и под контролем секретаря ЦК партии Асадиллы Ашраповича Ходжаева шло к завершению строительство площади и установка памятника Ленину. Круглосуточно работали на площади, где мы должны были установить бюст дважды Героя Социалистического Труда Шараф Рашидовича Рашидова, согласно решения Политбюро ЦК КПСС и указа Президиума Верховного Совета СССР. Мы ускорили завершение строительства этой площади, установили бюст Рашидову, закончили все благоустроительные работы. Всю площадь почистили, вымыли, посадили деревья, повесили везде лозунги и плакаты. Все было готово к открытию.

Мне самому как-то неудобно было сказать Шараф Рашидовичу об открытии этой площади, поэтому я попросил некоторых руководителей ЦК, правительства республики, чтобы они там, в Ташкенте договорились с Рашидовым, когда можно торжественно открыть его бюст. Время идет, нет долгожданных известий из Ташкента и открытие затягивается, области каждый день звонят мне и спрашивают день открытия бюста, приходилось отвечать всем вот-вот, на днях. Думаю, что ждать, набрался смелости, позвонил Шараф Рашидовичу и попросил его принять меня по ряду вопросов. Конечно, я ему по телефону не сказал, что хочу просить уточнить день открытия бюста.

На второй день после звонка поехал я к нему на прием с целым рядом вопросов по Главсредазирсовхозстрою, маржанбулакским золотым делам и конечно, с главным вопросом по объектам города Джизака. Мы с ним долго беседовали, у него было тоже очень много вопросов ко мне. Когда мы обсудили все вопросы, я в очень деликатной форме попросил его разрешения открыть площадь с его бюстом. Он поблагодарил всех местных, ташкентцев которые участвовали в строительстве. По его настроению чувствую, что сегодня разрешения не получу и никакого открытия не будет. Он долго думал и четко сказал: «Товарищ Баймиров, мы все с вами члены партии и Вы должны знать, что по товарищу Ленину решение Политбюро вышло намного раньше, чем по моему бюсту. Как же так, Вы откроете мой бюст раньше, чем памятник Ленину. В ЦК КПСС следят за этим и мы с Вами получим серьезное замечание. Давайте лучше ускорьте завершение памятника Ленину, торжественно откроем, покажем по телевидению в республике и передадим на телевидение в Москву и после этого можно будет думать об открытии бюста». Вот вам еще один пример дальновидности, тактичности и бдительности. Лично я не знал и не думал о таких тонкостях политической деятельности и человеческой мудрости.

Конечно, после всего этого мы ускорили завершение памятника Ленину, торжественно открыли, передали по всем каналам телевидения и радио, показали по «Времени» в Москве. После всего этого прошло немного времени и мы начали готовиться к открытию площади с бюстом Шараф Рашидовича. Согласно договоренности с секретарем ЦК Ходжаевым А.А. условились пригласить всех первых секретарей обкомов партий, больших гостей из Ташкента и свой областной актив. Договорились, что пригласим ташкентских и

московских телевизионщиков, кинодокументалистов. Все эти наши подготовительные мероприятия дошли до самого Шарафа Рашидовича и он зарубил все, от наших мероприятий остались «рожки да ножки». Первых секретарей обкомов не приглашать, больших гостей из Ташкента не будет. Только разрешили участвовать при открытии бюста первому секретарю Самаркандского обкома партии Бекташ Рахимовичу Рахимову, первому секретарю Сырдарьинского обкома партии Виктор Алексеевичу Хайдурову. Провели большой митинг, выступило много людей, было сказано много теплых слов в адрес Шараф Рашидовича. Открыли бюст, открыли новую гостиницу, крупный двухэтажный книжный магазин, двухэтажный ресторанный комплекс на площади. Действительно был торжественным этот день. Люди ликовали, были довольны как на празднике, телевизионщики, кинодокументалисты все сияли и уехали, чтобы показать по Ташкентскому телевидению и передать в Москву. Каждый день ждали мы, что вот-вот покажут из Ташкента и из Москвы отчет об этом мероприятии. Оказывается Шараф Рашидович попросил, чтобы торжества, связанные с его именем, пока не показывали. Видимо он не хотел много шума, связанного с его личностью, с его персоной. Я лично его понимаю, почему он все это сделал. Вот вам еще один пример скромности, высокопорядочности.

Конечно в один из его приездов мы с ним без посторонних съездили к его бюсту. Бюст ему очень понравился, особенно он был доволен площадью. Тогда он мне рассказал, что этот бюст сделан Яковом Шапиро с его фотографии, когда ему было 52 года. После один за другим приезжали первые секретари обкомов, министры, гости из других республик посмотреть на бюст Ш.Р.Рашидова и все они восхищались его схожестью с оригиналом.

Шараф Рашидович очень трепетно относился к вопросам Джизакской области, решал их сам и давал конкретные поручения правительству, министерствам и ведомствам республики. Вот один характерный пример решения вопроса строительства больницы на 240 коек в Арнасайском районе. Мы много раз обращались в Госплан, министерство здравоохранения республики, чтобы они включили в план строительства больницу на 240 коек. Данные ведомства из года в год тянули решение этого вопроса, не давали задание на проектирование этого объекта, не включали в пятилетние планы. Что делать, бедные жители Арнасайского района мучаются, ездят в больницы Дустликского и Мирзачульского районов. Думаю, дай этот вопрос решим через своего друга Наджим Рахимовича Хамраева, начальника Главсредазирсовхозстроя. Конечно он категорически против строительства этого объекта, так как ему в Москве выделяют деньги на освоение земель и строительство совхозов, а такие объекты в районах должна обеспечивать республика. В один из приездов Шараф Рашидович пригласил Наджим Рахимовича и с ним мы поехали по целинным районам. Конечно, я подложил маленькую «бомбу» под Наджим Рахимовича. Конечно, он не подозревал ни о чем. С участием Шараф Рашидовича мы решили многие вопросы освоения, строительства целинных совхозов и оросительных систем. После объезда всех районов подъезжаем в Арнасайский район, где был намечен обед (они очень хорошо встречали гостей). Во время обеда Шараф Рашидович в очень деликатной и культурной форме сказал Наджим Рахимовичу, что все совхозы и все объекты этого района Ваши, здесь от республики только один райком со своим зданием. В этом районе живут тоже Ваши люди. Наджим Рахимович есть просьба, чтобы Вы построили им больницу на 240 коек и закончили минимум за

два года. В этот момент я смотрел на Наджим Рахимовича, он был готов сожрать меня со всеми потрохами, все что он кушал наверное шло мимо желудка. Он стал очень культурно возражать Шараф Рашидовичу. Что эти объекты нет у него в схеме освоения и в Москве ему запретили строить такие объекты. Шараф Рашидович внимательно со свойственной ему легкой улыбкой слушал Наджим Рахимовича и молча продолжал обедать. Когда Наджим Рахимович закончил он сказал ему, что мы его очень уважаем и если хотите любим, с большим уважением относимся к нему и что такой для него маленький объект для своих целинников. Он попросил, чтобы первый секретарь райкома Манзур Нишанович и Наджим Рахимович пожали руки друг другу. Первый секретарь райкома от радости не только руки жал, но и крепко обнял Хамраева. Шараф Рашидович еще раз спросил есть ли еще вопросы, конечно вместо ответа все дружно зааплодировали решению вопроса больницы в Арнасайском районе. Перед отъездом Наджим Рахимович в шутку мне сказал, что сегодняшней обед стоил ему несколько миллионов рублей. Будучи ответственным человеком Наджим Рахимович выполнил свои обещания и в срок завершил строительство больницы на 240 коек в Арнасайском районе.

Вот еще один поучительный, жизненный пример. Я долгие годы добивался в Госплане и в министерстве мясо-молочной промышленности строительства мясокомбината в Джизакской области. Вышеуказанные ведомства категорически отказывались проектировать и строить мясокомбинат. Говорил об этом я и Шараф Рашидовичу. Он давал указание министерству мясо-молочной промышленности, чтобы они рассмотрели этот вопрос. Вместо решения вопроса они подготовили кучу экономических обоснований, что в Джизаке нельзя строить мясокомбинат, мол есть рядом мя-

сокомбинаты в Ташкенте, Бекабаде, Жамбае. Видимо они Шараф Рашидовичу тоже «доказали», что строить нельзя. Будучи порядочным и высокопартийным человеком он не стал настаивать. А я этот вопрос не снимал с повестки дня. На пленумах ЦК, на съездах компартии Узбекистана настойчиво выступал и доказывал об экономической эффективности строительства мясокомбината в Джизаке.

В один прекрасный день подвернулся долгожданный случай решения этого вопроса. Звонит Шараф Рашидович, что к нам едет проездом в Самарканд министр мясо-молочной промышленности СССР Сергей Федорович (к сожалению фамилию его не помню). Хорошенько встретил его, он оказался прекрасным человеком, и очень тонко и культурно представил ему вопрос о мясокомбинате. Министр приехал с сопровождающими моими «друзьями»- министром мясо-молочной промышленности республики и его замом по строительству. Сергей Федорович оказывается долгие годы был послом СССР в Афганистане, знает наши обычаи и наше гостеприимство. Завершился обед и Сергей Федорович стал прощаться со всеми, подошел ко мне и сказал – «Шараф Рашидович просил меня, чтобы я захал к тебе – молодому секретарю обкома. У тебя есть ко мне какие-нибудь поручения и просьбы?». Я сказал, что Вы Сергей Федорович какие вопросы могут быть гостям. «Но ты не скромничай, может быть есть какие-нибудь просьбы»-сказал он. Раз он настойчиво спрашивает у меня, я сказал Сергей Федоровичу, что вот мои друзья, министр республики и его боевой зам не решают мне вопрос строительства мясокомбината в Джизаке. Я мучаюсь с перевозкой скота в отдаленные мясокомбинаты, теряю живые килограммы. Он тут же обратился к ним и спросил в чем дело. Мои «друзья» долго тянули со своим невразумительным ответом и

Сергей Федорович громко сказал, что мы решим этот вопрос, будет мясокомбинат в Джизаке и что он сам доложит Шараф Рашидовичу об этом. Вот так решился еще один крупный вопрос, имеющий огромный социальный и политический вес. Продукция этого комбината шла нашим людям.

После отъезда Сергей Федорович позвонил Шараф Рашидович и поблагодарил меня, что я провернул такой вопрос, а кто его на самом деле провернул вы догадываетесь.

Когда уже завершалось оформление проспекта Ленина (так раньше называлась главная улица г. Джизака) мы никак не могли заполнить правую часть этого проспекта, напротив дома связи. Появилась идея строить здесь 6 или 8 девятиэтажных домов из конструкций домостроительных комбинатов «Главташкентстроя». Я сказал об этом Шараф Рашидовичу и он подхватил эту идею. В один из своих приездов он привез с собой начальника «Главташкентстроя» Туляган Набиевича Набиева и показал ему эту пустующую площадь, сказал, что он должен делать.

Как люди относились к просьбам и поручениям Шараф Рашидовича. Из-за уважения, из-за любви к этому великому гению люди делали чудеса, иногда и невозможное. Не только мы сами в республике, даже в Средней Азии любили Шараф Рашидовича, любили и уважали его за рубежом, в других республиках и относились к нему с огромным уважением.

Как то Шараф Рашидович остановился у нас в области на несколько дней, и вот в один прекрасный день говорит он мне во время завтрака на даче обкома – «В одиннадцать часов поезжайте в Джизакский аэропорт и встретьте первого секретаря ЦК Компартии Туркмении Мухаметназар Гапуровича Гапурова». Поехал я в аэропорт, встретил Гапурова и привез его прямо в обком в

мой кабинет, где сидел Шараф Рашидович. Пока ехали с аэропорта Мухаметназар Гапурович Гапуров очень тепло отзывался о Шараф Рашидовиче, сказал, что он является старостой Среднеазиатских республик и мы через него решаем многие крупные межнациональные вопросы. Я поднял Гапурова на десятый этаж и завел к Шараф Рашидовичу. Они обнялись, расцеловались и начали расспрашивать друг у друга как обстоят дела в республиках, дома. Через минут 10–15 Шараф Рашидович попросил меня, чтобы я оставил их одних. Они долго беседовали и видимо согласовали многие межреспубликанские вопросы и когда я зашел, они довольные сидели у меня в кабинете. Мы тут же в обкоме организовали обед и даже во время обеда (обедали втроем) Мухаметназар Гапурович говорил о Шараф Рашидовиче очень лестные слова и даже назвал его старшим братом всех среднеазиатских секретарей. Гапуров надел Шараф Рашидовичу туркменский тун и туркменскую папаху и попрощавшись с ним улетел в Ашхабад. Еще раз я убедился в высоком авторитете Шараф Рашидовича и его высочайшей интернациональности, если даже такие люди как Гапуров искренне ценят его ум и прозорливость.

Еще один поучительный случай в моей жизни. Строители в целинных районах научились хорошо и быстро строить животноводческие комплексы. Они пошли так далеко, что десятки тысяч скотомест начали пустовать и встал вопрос быстрого решения обеспечения их племенным скотом. Многие пробовали решить этот вопрос, но не смогли довести до конца. Я обратился к Шараф Рашидовичу помочь с этим вопросом и он оперативно вмешался в это дело. Он мне сказал, что разговаривал с П.М. Машеровым и когда встретимся в Москве, там и решим этот вопрос. Когда мы встретились с Шараф Рашидовичем на Пленуме ЦК КПСС он меня

предупредил, что после пленума встретимся в постпредстве Белоруссии с кандидатом в члены Политбюро ЦК КПСС первым секретарем ЦК КП Белоруссии Петр Мироновичем Машеровым. Конечно, я пораньше приехал, встретился с постпредом Белоруссии в Москве и с ним стали ждать приезда Машерова и Рашидова. Они вдвоем приехали на одной машине и сразу все сели за обеденный стол обедать. Шараф Рашидович представил меня Машерову и сказал, что вот он первый секретарь Джизакского обкома. Машеров сразу в шуточной форме сказал – «Он с вашей родины». Шараф Рашидович сказал, что он недавно был начальником «Голодностепстроя», осваивал целину и вот теперь большой партийный работник. Машеров сразу обратился ко мне и сказал – «Я тебе племенной скот дам, а что ты мне дашь»? Я был готов к этому вопросу и сразу сказал, что дадим семена люцерны. Он сказал – «Тебе самому ехать не надо, пришли своего председателя облисполкома, я дам команду заместителю председателя Совета Министров Юрию Хусаинову и пусть они вдвоем договорятся». Конечно, этот вопрос очень удачно решился, мы завезли на целину много породистого скота. Вроде бы небольшой вопрос, а на какую высоту он поднялся. Сидя рядом с этими двумя великими людьми завидовал их искренней дружбе и братским отношениям.

Вот дорогие друзья читатели, молодежь какой был этот великий патриот. Все, что он делал, делал только ради людей, ради узбекского народа, ради процветания родного края. Эти воспоминания одна тысячная доля того, что я мог бы рассказать, но видимо попозже и в другой форме.

Бахтиёр НОСИРОВ,
иқтисод фанлар номзоди

АВВАЛО ИНСОН ЭДИ

Жиззах Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлаб турган Буюк Ипак йўлидаги асосий шаҳарлар ва манзилгоҳлардан бири бўлиб келган. Ушбу фаровон ўлкада одамзоднинг яратувчилик фаолияти ва маънавий камолга етиши учун алоҳида муҳит вужудга келган. Чунки бу – Ер куррасининг ана шу икки қутбида пайдо бўлган афсоналар, оғиздан-оғизга кўчиб, бизгача етиб келган ривоятлар бир-бирига сингиб кетган, бир-бирини бойитган заминдир. Бинобарин, бу заминга тушган ҳар қандай дон ўсиб-униб, ҳосил бериши муқаррар. Эҳтимол, Жиззах уфқида кўплаб ёрқин юлдузлар нур сочгани шундандир. Булар, биринчи навбатда, Ҳамид Олимжон, Назир Сафаров ва Сарвар Азимов каби сиймолардир. Айниқса, ёрқин юлдузлардан бири Шароф Рашидовдир. Шароф Рашидов миллатимиз сардори, улуғ ёзувчи эди. Унинг ҳар бир сўзи оддий инсонлар қалбида ўчмас из қолдирар, уларни яхшиликка, Ер юзида ҳаёт давом этиши учун меҳнат қилишга, яратувчан бўлишга ундар, кўплаб тўсқинлик ва қийинчиликларга қарамай, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч туғдирар эди. Шароф Рашидов қийин ва мураккаб даврда яшади ва меҳнат қилди. Унга отилган таъна тошлари бесамар бўлди. У ҳамиша покиза инсонлигича қолаверди.

Шароф Рашидов қандай инсон эди, деган савол мени ҳеч қачон қийнамаган, чунки бу улуғ зот тўғрисидаги реал

тасаввурларим ўзимга яқин уч кишидан: отам Хайрулла Носиров, кайнотам академик Иброҳим Ҳамробоевдан, устозим академик Нажим Раҳимович Ҳамроевдан менга ўтган.

Биринчи учрашув. Бир куни биз отам Хайрулла Носиров билан бирга «Дўрмон» боғида Рашидов меҳмони бўлганмиз. Бу учрашувдан иккалалари ҳам қанчалик қувонганликлари шундоқ кўриниб турарди. Улар жуда узоқ суҳбатлашишди. Сўз қандайдир жуда муҳим нарса устида борганлиги билиниб турарди. Мен уларга яқин жойда, Рашидовнинг кичкина, аммо тийрак набираси билан бирга бўлдим ва катталарни чалғитмасликка ҳаракат қилдик. Шунда отамнинг саволи қулоғимга чалинди:

– Нима бўляпти ўзи, Шароф ака?

– Хайрулла ака, бу бир чуқур кудук, тагида нима бор, ҳеч ким билмайди.

Уларнинг юзларида ташвиш аломатлари бор эди... Мени уларнинг партия ҳақидаги суҳбатлари ҳайратга солди. Партиядаги муаммолар ҳақида эшитганларим юқори синф ўқувчиси бўлган мени қаттиқ ларзага солди. Янги меҳмоннинг кириб келиши суҳбатни бўлди.

Рашидов меҳмонга отамни, назаримда, самимий, завқланиб ва фахрланиб таништирди.

– Бидамиз, Хайрулла ака Носировни бидамиз, – деди меҳмон бунга жавобан.

Мен навбатдаги ҳаёт сабоғини машхур олим, академик Иброҳим Ҳамробоевич Ҳамробоев ҳикоясини тинглаб олганман. Мана, унинг ҳикояси:

– Италияда бўлиб ўтган халқаро илмий конференциядан қайтиб Москвага келдим. Телефон кўнғироғи ширин уйқумни бузди. Нотаниш одам Шароф Рашидов билан сўзлашишимни айтди. Мен қаттиқ ҳаяжонда эдим, шу сабабли аввал у мен билан саломлашди ва шу заҳотиёқ орден билан мукофотланганимни айтиб, мени

табриклади ва бугун, туғилган куним – 5 майда марказий матбуотда Фармон босилиб чиқишини маълум қилди. Мен унинг ҳаётимдаги жуда муҳим воқеа ҳақида хабар бериб, оддий муомала қилишидан ҳайратга тушдим. Эҳтимол, одамнинг улуғлиги ана шундай муҳим вазиятларда ўзини қандай тутишида намоён бўлса керак.

Бир куни мени Марказқўмга чақиришди. Фан бўлимининг мудир О.У. Салимов ҳузурига кирдим.

– Номзодингизга қим ҳалакит қилган бўлиши мумкин? – деб сўради у.

– Мен қаердан билай, Оқил Умурзокович? – дедим мен.

О.У. Салимов кеча Москвадан Ш.Р. Рашидовдан шошилинч телеграмма келганлигини, у киши Ленин мукофотига номзодлар рўйхатида И.Х. Ҳамробоевнинг номзоди йўқлиги муносабати билан Марказқўм номидан Ленин ва Давлат мукофотлари қўмитасига хат юборишни ва бу ишни қайтадан кўриб чиқишни сўрашни топширганлигини айтди. Кейинчалик маълум бўлишича, ўша кунларда СССР ФА вице-президенти Александр Павлович Виноградов Ленин ва Давлат мукофотлари қўмитасидаги воқеалардан хабар топиб, Рашидовга қўнғироқ қилган ва ўзининг фикрича, И.Х. Ҳамробоев тўғрисидаги қарор адолатсиз эканлигини айтган ҳамда Ўзбекистон раҳбарияти бу ишга аралашса, яхши бўларди, деб қўшиб қўйган. Шундан кейин Шароф Рашидович Тошкентга Марказқўмга қўнғироқ қилган.

1966 йил 5 ноябрда Марказқўм мажлисида Шароф Рашидовнинг ўзи менга мукофотни топширди.

«Москва» колхозида касб-хунар билим юртининг очилишида биз Шароф Рашидов билан алоҳида турган, мен унга оғзаки маълумот бераётган эдим. Шу вақтда олдимизга қандайдир амалдор келди (маълум бўлишича, у юқори лавозимли ҳукумат ходими экан) ва паст овозда ушбу касб-хунар билим юрти атрофида янги

уйлар кад ростлаганини маълум килди. Шароф Рашидовдан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Амалдор нимага шама қилганлигини ҳатто мен – трестнинг 27 ёшли бош муҳандиси ҳам тушуниб етдим. Бу вазият область партия кўмитасининг залида Шароф Рашидов иштирокида ўтган умумий кенгашда ўз ечимини топди. У ўзининг яқунловчи нуткида сал кам «ғийбат гап»ни одамлар учун яхшилик томонига буриб юборди. Бу ҳам мен учун навбатдаги сабоқ бўлган эди.

1981 йил. Олтин куз. Юқори Туркистон тоғ тизмасининг Моргузар тоғлари этагидаги хушманзара тепалик. Бу Жиззах вилоятининг Сайхон деган жойи. Бу ерда республика чорвачилигининг иқтисодий салоҳиятини ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга қаратилган жуда катта режани амалга ошириш белгиланган эди. Мен ўша вақтда раҳбарлик қилган «Жиззахқишлоққурилиш» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси ходимлари олдига 50 минг товук ва 2 млн бройлерга мўлжалланган «Сайхон» паррандачилик фабрикасини ишга тушириш бош вазифа қилиб кўйилган эди. Қурувчилар гайрат-шижоат билан меҳнат қилишар, иш том маънода қайнар эди. Қурилиш туну кун тўхтамасди.

Ниҳоят, узок кутилган кун ҳам етиб келди. Узокдан машиналар қарвони кўринди. Кузатиб келувчилар орасида республика ҳамда вилоятнинг турли амалдорлари бор. Шароф Рашидов барваста, кўркам, қадди-қомати келишган бир одам эди. У одамлар билан учрашган заҳоти жозибаси ҳамда самимияти билан ўзига ром этар эди.

Бундан роса бир йил олдин бу ерда – чўлда шу жойларнинг истиқболи ҳақида, бу маконда бройлер паррандачилик фабрикаси қурилажаги ҳақида, бу фабрика озик-овқат муаммосини ҳал этажаги ҳақида сўз борган эди. Орадан бир йил ўтгач, бу ерда кўпдан-кўп бинола-

ри ва иншоотлари бўлган шаҳарча барпо этилди. Булар сервис хизмати кўрсатишга мўлжалланган бинолар, қозонхоналар ва тозалаш иншоотлари эди. Турган гапки, бу ерда жўжалар учун инкубаторий ҳамда товуклар ва бройлерлар учун «сарой» деб атаса бўладиган бинолар ҳам бор эди.

Баланд тепалик устида мана шу мураккаб ишларнинг ҳаммасини бошқарадиган «Штаб» бор эди. Шу ернинг ўзида ишлар рўйхатини акс эттирувчи тахта, эълонлар тахтаси ҳам бор.

Шароф Рашидов ҳамма билан саломлашди. У сафарлари чоғида «Ҳорманг!» деган сўзни тез-тез такрорлар эди.

Шароф Рашидов ниҳоятда зиёли, билимдон одам эди. У қишлоқ хўжалиги ходимлари, қурувчилар ёки олимлар билан учрашганида, ҳамиша ҳар соҳада чуқур билимга эгалигини, долзарб муаммоларни батафсил ўрганганлигини кўриш мумкин эди. Марҳамат қилиб айтингчи; ўйлаб кўринг; мақбул ечимни топа олишингизга умид қиламан; шунга қарор қилдик; келишдик – бу иборалар унинг учун оддий бўлиб қолган. У ҳеч қачон суҳбатдошининг сўзини бўлмасди, ҳеч қачон овозини баланд чиқармаган, ҳеч қачон бетоқат бўлган эмас. Суҳбат чоғида ўзини ҳамиша хотиржам тутар эди. Мана шу хотиржамлик оқибатда суҳбатдошига ҳам ўтар эди. Шунда амалий мулоқот бўлиб, бу мулоқот вақтида энг мураккаб вазифалар ечимини топар эди. Одамларга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш профессионал кадрлар фидокорона меҳнат қилишининг гаровига айланар, улар бор кучларини сарфлаб, ғайрат-шижоат билан ишлар эдилар.

Ҳаммамиз инкубаторий сари йўл олдик. Шароф Рашидов дарчадан қараб ҳозиргина тухумдан чиққан жўжаларни кўрди. Жўжалар момикдек, сап-сарик, тумшуқлари қизил эди. Улар ҳеч нарсага парво қилмай,

тухумлар устида бетартиб юришар эди. Шароф Рашидов узоқ қараб турди, нималар ҳақидадир ўйлаётгани билиниб турарди, сўнгра «жонивор» деб қўйди. Бундан роса бир йил аввал бу ерлар бўм-бўш эди. Энди эса олдимизда жониворлар юрибди.

Шу ерда мен қилинган ишлардан ва келажак режаларидан маълумот бердим. Шу вақтда область қўмитасининг ходимларидан бири Рашидов ёнига келиб паст товушда: «Бу Хайрулла ака Носировнинг ўғли», – деди. Назаримда, у бу сўзларни эшитмагандек эди, чунки унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у: «Шаҳринисо (менинг онам) менинг энг яхши, иқтидорли ўқувчим бўлган ва мен ўзим уни Хайрулла ака Носировга олиб берганман», – деди.

Сал кейинроқ ўша одам ёнимга келиб: «Хизрнинг назари тушди сизга», – деди.

Шароф Рашидов бағри кенг ва юраги тоза, ҳақиқий инсон эди. У ҳаётнинг қийин ва оғир дамларида одамларга айникса меҳрибон бўларди.

1982 йил 4 май куни отам Хайрулла ака Носиров тўсатдан вафот этди. Ўша куни кечкурун Шароф Рашидов ва у кишининг турмуш ўртоғи Хурсандой Гафуровна болалари билан Кўкчадаги уйимизга келишди ва бизга таъзия билдириб, оғир жудолик бошимизга солган ғамга шерик бўлишди.

Хонада онам Шаҳринисо, ака-укаларим, опа-сингилларим ва мен ўтирибмиз. Шароф Рашидов онам билан дилдан суҳбатлашди, қаерда ишлашимиз, нима билан машғул эканимиз билан қизиқди. Бу улуғ инсоннинг чинакам одамийлиги эди. Уларнинг бу ташрифи бизни қаттиқ қўллаб-қувватлади ва биз ундан жуда миннатдор бўлдик.

Очил МЎМИНОВ,
меҳнат фахрийси

ҚАДРЛАНГАН ҚАДРЛАЙДИ

Урушнинг етим боласиман. Бешигим кўндоғидаёк отам фронтга кетганича, бедарак йўқолди. Ўн тўққиз ёшида тул қолган онам бева келинчақлигича мен ёлғизини кўз ёшлари-ла оқ ювиб, оқ тараб катта қилди. Ҳам она, ҳам ота бўлиб, ўн гулидан бир гули очилмаган чорасиз умрини жуфту ҳалолнинг ёдгори – менга бахшида этди...

Не тақдир эҳсоники, армонлар ҳасратидан ҳамиша кўнгли нимта, руҳи сўник етим йигит ёшимда мўъжизакор сийландим: Аллоҳ менга Шароф Рашидовдек маънавий отани насиб этди. Алоҳида эътибор-эъзоз онам учун ҳам, мен учун ҳам Парвардигори Эгам мукофоти бўлди: онамнинг фахру ифтихорга йўғрилган бахтиёр кунлари, наслу насаби бутун ўғилнинг донгдорлик ва шуҳрат йиллари бошланди. 1959 йилдан 1983 йилгача қарийб чорак аср давомида донгдор маккажўхорикор бригадир, нишондор раис ва Жилвон ҳамда Ўртачўл кўрик ерларини ўзлаштириб, у ерларда янги-янги давлат хўжаликларининг ташаббускор директори, ижрокўм раиси, Олий Совет депутаты, ҳукумат аъзоси мақомларида маънавий отам, раҳнамом, қиблагоҳим – Шароф Рашидов билан қирқ бир марта учрашдим, етти марта шахсан қабулларида бўлиш, юзма-юз суҳбатлашиш саодати насиб этди.

...1959 йилнинг 22 марти. Шахсан Рашидов ташаббуси билан республикада биринчи бўлиб Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида маккажўхоричилик ёшлар бригадаси тузилди. Етти аъзо ва битта трактор билан

50 гектар ерда иш бошлаш ҳақидаги ташаббусимиз республика ёшлар ташкилоти томонидан маъқулланди. Мен – 20 яшар деҳқон боласи республиканинг барча ёшларига мурожаат билан чиқдим. Бизнинг ташаббус барча вилоятлардаги тенгдошларимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Расмий рағбат республиканинг янги сайланган раҳбари – Шароф Рашидовнинг бригадамизга шахсан ташрифлари билан ифодаланди. Бу 1959 йилнинг 18 июли эди. Дала шийпонида салом-аликдан сўнг Рашидов дархол менинг маълумотимни, нима сабабдан ўқишга бормаганлигимни сўради. Мен икки йил Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга киролмаганимни айтдим. Шунда бригаданинг барча етти аъзосига қараб, «Сизларни, албатта, ўқитамиз, тарбиялаб, келажакда ҳар бирингизни етук кадрлар қилиб етиштирамиз, шунга тайёр бўлинглар», – деб ваъда бердилар ва ваъдаларининг устидан чиқдилар: жумладан, каминани Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқитдилар.

Ана шу тариқа мен Рашидовнинг муборак назарларига тушдим. Умрларининг охиригача мени оталикқа олдилар, асраб-авайладилар, тарбия қилдилар, ўқитдилар, турли мартабалару унвонлар, нишонлар билан сийладилар. Шахсий ҳаётимдан касб-коримгача, оиламу мартабаларимгача шахсан у кишининг назоратида ва марҳаматида бўлди... Мен, миннатдор маънавий ўғил, шогирд (мени танимайдиган катта раҳбарларга «менинг шогирдим» деб таништирар эдилар) ва маслакдош сифатида авлиёсифат буюк устозимнинг порлоқ хотираларига бағишлаб ёзган учта китобим – «Мен Шароф Рашидовдан қарздорман» (1997), «Шароф Рашидов хузурида етти қабул» (2007), «Тиригидаёқ ўзига ҳайкал қўйган Шароф ота» (2017) – улуғ инсоннинг камина билан турли учрашувлару суҳбатлари, таассуротлари – ёдномалар ихзори бўлди.

...1960 йилнинг 10 январида республика фаоллар йигинига таклиф этишди. Навоий номли театр бино-

сида бир кун давом этган йиғилишда Москванинг Кубадаги таҳликали вазият ҳақидаги махсус махфий хати муҳокама қилинди. Танаффусда кечкурун Шароф Рашидов қабулида бўлишим айтилди. Бордим. Саломаликдан сўнг ўтиришни буюрдилар. Руҳиятлари бироз носоз, кайфиятлари унчалик эмас эди. «Очилвой, – деб тўғридан тўғри гап бошладилар, – саволларимга очиғича жавоб бер, мен ҳақиқий аҳволни билмоқчиман. Биринчиси, Жалол Расуловнинг жиноий иши тўғрими ёки уюштирилганми?». Мен раиснинг ўзи айбдорлигини, воқеа қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича айтиб бердим. Рашидов Жалол Расулов билан таниш эканликларини айтиб, жуда афсусландилар (колхозимиз раиси маст ҳолда Гафур Раҳмонов деган идора ходими билан урушган, катта жанжал шахсан вилоят прокурорининг ўзи томонидан тергов қилиниб, айбдор узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Орадан йиллар ўтиб, Шароф Рашидов колхозимизга навбатдаги ташрифларидан бирида Жалол Расуловни тасодифан йўлда учратиб, у билан суҳбат куради. Жазони ўтаб бўлган собиқ раис болалари олдида юзи шувутлигини, уни партиёга тиклаб беришларини илтимос қилади. Илтимос қондирилади).

«Иккинчиси, – дея саволда давом этдилар, – районда пахта кўзбўямачилиги учун раҳбарлар ишдан олинди. Ростини айт: шу фактлар тўғрими?» Мен бундан хабарим йўқлигини, лекин мўл-қўл ҳосил етиштирилганини, атрофимдаги бригадалар йиллик режани 125–130 фоизга ҳалол бажаришганини, пахта сотиб олиш ёки кўшиб ёзишларга ҳеч қандай ҳожат йўқлигини, буни яхши билишимни айтдим. (Ҳар гал учрашганимизда Шароф Рашидович мендан маълум мавзуда фикр сўрардилар. Битта мисол: 1983 йилнинг сентябрь ойида, бевақт вафотларидан бир ойча олдин Ўртачўлга келиб, чўлни ўзлаштириш ишлари билан танишгач, Ўртачўлни район қилиш кераклиги тўғрисидаги вилоят раҳбари таклиф киритди. Мен тўққизта дон-чорвачилик совхози ташкил

этилган бўлса-да, бу ерда мустақил район тузишга ҳеч қандай шарт-шароит йўқлигини ўз совхозим мисолида тушунтириб бергач, вилоят раҳбарига қараб: «Вы поняли его, что он сказал, вот вам ответ на ваш вопрос, который поставили. Работайте ещё, создайте все условия для людей», деб уктирдилар).

Жавобларим қониқтирди, шекилли, чеҳралари ёришди. «Учинчиси, – дея шахсимга ўтдилар, – сен олий маълумотли агроном, агроном бўлганда ҳам донгдор, нишондор олим-агроном бўлишинг керак. Сени сиртқида ўқитмоқчимиз. Самарқандда. Хужжатларни тайёрлай-вер...» (1965 йилда олий маълумотли бўлдим).

Таъзим қилишдан ўзга йўл, бир умр миннатдор бўлишимдан ўзга сўз тополмай, йиғлаб юбордим...

«Охиргиси, – дедилар вазиятни ўзгартириб ва жиддийлаштириб, – Шофирконда райком котиби билан колхоз раисларининг ўзаро муносабатлари қандай? Орада зиддиятлар бор, шекилли? Котибларингни алмаштирдик. Кўзбўямачилиги, қўшиб ёзишларни бошлаб юборгани учун адолатли равишда ишдан олдик. Янгиси қандай иш бошлади?»

«Ишни яхши бошлади. Йўл қўйилган камчиликларни илдизи билан йўқотишга астойдил киришди», – деб жавоб бердим. «Қулоғингга қўрғошиндай қуйиб ол, – дедилар мен томон эгилиб, – бу камчиликлар яна такрорлангудек бўлса, ҳеч ким аяб ўтирилмайди. Ҳаммаси одил жазосини олади».

Шукроналар бўлғайким, бот-бот кадрландим. Лекин мен учун энг олий кадр маънавий падарим Шароф Рашидовнинг менга беҳад ишончи, беҳад ардоғи, оталиги бўлди. Бу улуғ зот мен учун муқаддаслигича қолди. Мангу қолди. У кишининг ёрқин хотирасини, ўзим ўтиб кетсам-да, бола-чақаларимга, етти пушт ва ундан кейинги авлодларимга ягона маънавий мерос қилиб, абадга қолдириб кетаман!..

Кадрлаганни қадрлаш бамисоли Аллоҳга ибодатдир!

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,
сиёсатишунослик фанлари
доктори

ЎЧМАС ШАРАФ

Ўзбекистонда Шароф Рашидов раҳбарлик қилган давр республикамиз тарихида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда Ш. Рашидовнинг йирик давлат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий юксалишига улкан ҳисса қўшганлиги эътироф этилмоқда. Бу эътироф этмоқчи бўлган мезон асоси эл-юрт учун узоқ муддат самарали ва равнакли хизмат қилиш, давлат сиёсатини равон олиб бориш, марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимида ўз ўрнини топиш ва ундан аниқ мақсадларда фойдаланиш каби раҳбарлик сифатларини таҳлил этишдир.

Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Олий Совети президиуми раиси, собик иттифок Олий Совети президиуми раиси муовини вазифаларида ишлаган. Республика, қолаверса, иттифок даражасидаги лавозимлар Ш.Рашидовни раҳбар сифатида шакллантирган. Бошқариш усулларини эгаллашда муҳим босқич бўлган. Айнан шу даврда Ш.Рашидов кўпгина сиёсий раҳбарлар билан яқиндан танишган. Ўз зукколиги ва билимдонлиги билан Марказ раҳбарлари назарига тушган. У Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришга раҳбарлик қилган давридаёқ катта аҳамиятли ишларни ташкил эта олиш ва уни бошқариш каби ташкилотчилик қобилиятини кўрсата олган. Марказий Фарғонада қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш Ўзбе-

кистонда биринчи бор янги замонавий тажрибаларни ҳаётга жорий этиш билан эътиборлидир. Кейинчалик Ш.Рашидов ушбу тажрибаларни моҳирлик билан такомиллаштирди ва республикада бошқа кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда фойдаланди. У 40 ёшида Ўзбекистон компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланган.

Ш.Рашидов ўз халқига садоқат билан хизмат қилган. Марказий Қўмита Сиёсий бюроси аъзолигига номзод сифатида давлат бошқарувида бевосита иштирок этган. Шу нуқтаи назардан ушбу тизим сиёсатини чуқур ўрганган ва таҳлил қила олган. Зеро, Ш.Рашидов ҳақидаги суҳбат, хотира ва мақолаларни ўқиб, айрим хулосалар чиқаришимиз мумкин. Кинорежиссёр М.Қаюмов Ш.Рашидов билан Мурунговда бўлган суҳбатини эслаб, у кишининг «Агар шу олтинларнинг бир фоизи ўзимизда қолганидами!» деган афсус тўла сўзларини келтиради. Ёки «Марказий Қўмитада бўлган йиғилишларнинг бирида, – деб хотирлайди олим А.Тўраев, – республикада пиллачиликнинг аҳволи ҳақида гапириб, у киши шундай дегандилар: «Бизда ипак куртининг қадри уни етиштираётган одамларникидан юқори. Дунёда бирор халқ ўзи яшаб турган иссиқ ўрнини куртга бўшатиб бермайди. Бола-чақаси билан совуқ бўлишига қарамай куртни деб очик ҳавода жунжикиб яшайдими? Бунга фақат ўзбек халқи кодир, холос. Мана, шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида касаллик, болалар ўлими кўпайиб бормоқда... Давлатга пилла керак экан, уни етиштириш учун махсус бинолар куриш лозим...» Ўзбекистон компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Ш.Рашидов кўп воқеа ва ҳодисалардан норози бўлса-да, маълум доира чегарасидан чиқа олмасди. У ўз имконияти ва ҳокимияти даражасида ҳаракат қилган.

Ш.Рашидов марказлашган улкан маъмурий-бўйруқ-бозлик бошқарув тизимида республиканинг иқтисодий-

сиёсий, молиявий ва бошқа кўплаб социал масалалари юқоридан белгиланган режа асосида амалга оширилишини жуда яхши биларди. Марказнинг ҳар қандай хоҳиш-иродасига бўйсуниб, унинг кўрсатмаларига амал қилиш каби талабларга мос, ҳамоҳанг ишлаш кераклигини яхши англади. Шу билан бирга, Ш.Рашидов республиканинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилишни бир дақиқа ҳам сусайтирмаган. Аксинча, маҳорат билан ушбу талабларни республика халқи манфаати билан боғлаб амалга ошира олди. Биргина кўриқ ерларни ўзлаштириш асносида нафақат пахтачилик, балки бошқа қишлоқ хўжалик соҳалари ривожлантирилди, янгича асосдаги чорвачилик ва паррандачилик комбинатлари, саноат корхоналари, сув хўжалиги иншоотлари, маданий ва социал иншоотлар қурилди. Минглаб қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрланди. Ўзбекистон харитасида янги маъмурий ҳудудлар ташкил этилди. Бу вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон ва унинг келажаги билан боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этишда Ш.Рашидовнинг йирик давлат арбоби сифатида доно сиёсатчи, тадбиркор раҳбар сифатида характерли жиҳатлари яққол намоён бўлади. Ш.Рашидов Ўзбекистон муаммоларини умумиттифок манфаати даражасига моҳирлик билан кўтара олган. Шу аснода республика учун доимий қўшимча маблағ олишга эришган. Қозоғистон компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби Д.Кунаев Ш.Рашидов ҳақида шундай хотирлайди: «Бу мулойимгина, қирғиз ковоқли, чинор бўйли ўзбек ўғлонида Амир Темурнинг ҳайбати бор эди. Салобатли бу инсоннинг кувлиги ҳам, донишмандлиги ҳам етарли эди. Марказ «пахта» дер эди, Ш.Рашидов эса Сибирь дарёсини берасан, деб шарт кўярди». Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонга Сибирь дарёсини олиб келиш Ш.Рашидовнинг улкан орзуси эди.

Шароф Рашидов халқ дардини юракдан ҳис этган. Гарчи собиқ тузум маънавий негизида инсон шаънини ҳурмат қилмаслик, унинг маънавий дунёсини менсимаслик каби иллатлар ҳукмрон бўлса-да, Ш.Рашидов инсонпарварликни улуғлаган. У кишиларда ташаббус уйғота олди, энг яхши туйғуларни инсонга бўлган ҳурмат ва эътиборни ўрнига қўйиш билан ривожлантирди. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш ва ажрата олиш лозимки, Ш.Рашидов давлат раҳбари вазифасидан ташқари халқ дарди ва армони билан яшаган шахсдир. Унинг барча асарларида инсоннинг кадрқиммати улуғланади. Сиёсат, давлат бошқаруви тизими фалсафаси, айниқса, тоталитар жамиятда самимий муносабатларни инкор қилади. Давлат сиёсатининг ёзилмаган ўзига хос ахлоқлари мавжуддир. Умум ахлоқий қоидаларда инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун ташкил этилади ва унинг эрки, манфаатига хизмат қилиши кераклиги ҳақида айтилади. Лекин социализм бутун бир халқларни давлат мафқурасига тобе қилди. Эркинликдан маҳрум қилиб, шахсни, ўзликни ўлдирди. Ш.Рашидов ташаббуси ва шахсан ташкилотчилиги тўфайли республикада кўплаб халқаро конференциялар, кинофестиваллар, симпозиумлар, декадалар, хўжалик соҳасида катта йиғин ва тажриба алмашиш анжуманлари доимий ўтказилган. Ўзбек фани, маданияти, ижтимоий ютуқлари турли асосларда тарғиб ва ташвиқ қилинган.

Ш.Рашидов оддий ва камтар инсон бўлган. Унинг ақли ва маданияти эгаллаб турган вазифасидан доимо устун бўлган. Ҳар қандай нафс ва иштиёқлар ақл ва ирода измига бўйсундирилган. Ушбу юксак ахлоқий фазилатлар баркамол маънавий, миллий анъаналаримизга ҳурмат, инсоний туйғулар мукамаллиги чорак аср раҳбарлиги мобайнида ҳеч кимда шубҳа уйғотгани йўқ. Табиатан самимий ва адолатли бу инсон ўз

яқинларининг раҳбарлик лавозимларида ишлашини ёки қандайдир алоҳида имтиёздан фойдаланишини ҳуш кўрмаган. Ҳар нарсада, ҳар бир ҳаракатда меъёр ва мезонга амал қилган.

У ҳеч қачон топшириқларни назоратсиз қолдирмаган. Ҳар бир масалада, ҳар бир соҳада белгиланган ишни охирига етказа оладиган интизомли ва маданиятли мутахассисларни танлай билган. Шу даврда эришилган муваффақиятлар Ш.Рашидов яратган муҳитда камол топган мутахассислар билан ҳам боғлиқ эди. 1960–1980-йиллар мобайнида барча соҳаларда малакали миллий мутахассис раҳбарлар етишди.

– Ш.Рашидовда йирик раҳбарга хос салоҳият бор эди, – дейди унинг сафдошларидан бири Ҳ.Шоғазатов. – У киши раҳбарларга, айниқса, ёш раҳбарларга ишонар ва ўта масъулиятли вазифаларни топширарди, бу билан ёшларни синовдан ўтказиб, келажак ишлар учун тобларди. Доимий эътибор, одамгарчилик Ш.Рашидовга хос бўлган бошқарув санъати эди. У киши очикқўнгил, ҳар доим ҳозиржавоб бўлган. Ҳамма вақт ҳар бир масалани чуқур ўрганган, хулоса қилишга шошилмаган. Қуйи бўғин раҳбарлари билан бевосита боғлиқ бўлган муваффақият ва муаммолардан огоҳ бўлган.

Бизга маълумки, маъмурий-буйруқбозлик тузумида мутахассис кадрлар социал жиҳатдан ҳимоя қилинмаган, уларга маълум вазифаларни амалга оширувчи восита сифатида қаралган. Ҳар қандай вазиятда ишсиз ёки даражасиз қолиши эҳтимоли кўпроқ бўлган. Бу ўринда Ш.Рашидов ўз атрофига қобилиятли мутахассис раҳбарларни бирлаштирган ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилган.

Албатта, раҳбарлар орасида давр синовлари ва шароит тақозосидан ўтолмаганлар ҳам бўлган.

Ш.Рашидов раҳбарлик фаолияти билан бирга мураббий, устоз сифатида иқтидорли ёшларга ҳар томонла-

ма ёрдам беришни ҳам ўз бурчи деб билган. Қуйидаги мактуб маколамиз қахрамонининг ушбу фазилатини яққол намоён этади.

«Москва «Советский писатель» нашриёти.

ўрт. Н.В.Лесючевга.

Қадрли оғам Николай Васильевич!

Тошкентдан сизга оташин салом!

Мен сизга Абдулла Ориповни сафарбар этмоқдаман. Яқинда унинг ўзбек тилида «Юртим шамоли» деб номланган китоби чиқди. Мен диққат билан ўқиб чиқиб, ушбу тўпламга ажойиб шеърлар кирганидан ҳайратда қолдим. Шунини айтишим керакки, яқин фурсатда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ўзбек поэзияси даражасини белгилайдилар.

Шу сабабдан сизга илтимос билан мурожаат этаяманки, ўзингиз шахсан Ориповни қабул қилиб танишинг, суҳбатлашинг. 1978 йилда унинг шеърлари москвалик энг яхши таржимонлар томонидан таржима қилиниб, рус тилида чоп этилса, айни муддао бўлар эди. Мен уни сафарбар қилишимдан мақсад, айнан ўзингиз унинг шеърларини энг юқори поэтик даражада таржима қилишга ёрдам берсангиз.

Ишонинг, Абдулла Ориповнинг шеърлари сизга Расул Ҳамзатов, Эдуард Межелайтес ва бошқа кўплаб қобилиятли шоирларнинг ижодини эслатади. Биз сиз билан ушбу қобилият устида асосли ишлашимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб сизга, азиз дўстим ва оғам, мустаҳкам соғлиқ, меҳнатда муваффақият, ҳаётда катта бахт ва қувонч тилайман.

2 февраль 1977 йил.

Тошкент шаҳри.»

Хат услуби Ш.Рашидов учун иш услуби ҳисобланган. Шу ўринда иккита аҳамиятли жиҳатга эътибор

бериш мумкин. Биринчидан, хатда иш, мақсад, вазифа, уни рўёбга чиқариш каби манфаатлар ётади. Иккинчидан, Ш.Рашидов ушбу мақсадларни хат орқали бажариши афзал кўрган. Афзаллиги – самимий хат матни ўқувчига тез таъсир этади. Одамлар ўз номларига юборилган илтифот ва илтимосни бажара олиш мумкинлиги билан рухланади. Хат мана шундай таъсир хислатлари билан Ш.Рашидовнинг иш услубига айланган. У киши сафдошлари, қуролдошлари, ҳамкасблари билан республика ичида ҳам бевосита хат ва телеграмма ёзишиб турган. Кўплар кутилмаганда Ш.Рашидовдан табрик хатлари олган. Унинг атрофдагиларга самимий муносабати одамлар хотирасида эзгулик рамзи сифатида сақланиб келмоқда.

Ш.Рашидов ўта қобилиятли, иродали инсон бўлган. Мўлжалланган, белгиланган, топширилган вазифаларни доимо ниҳоясига етказган. Ҳамма вақт босиқлик, вазминликни сақлай билган. Шунингдек, Ш.Рашидов салбий ҳолатларга мурасасиз, қатъиятли бўлган. 1980 йил «Правда» газетасининг «Камтарлик» мавзуси бўйича суҳбатида Ш.Рашидов Фарғона вилояти партия котибининг дабдабали тўй ўтказиб, камтарлик ва ахлоқий чегараларни бузганлиги учун ишдан озод қилганлигини таъкидлайди. Унинг сафдошларидан яна бири шундай хотирлайди: «Катта миқдорда давлат мулкани талон-тарож қилган собиқ бир юқори вазифада ишлаган кишини республика Олий Совети президиуми йиғилишида оқламоқчи бўлдилар. Шунда Ш.Рашидов қатъият билан «Ҳамма нарсани кечириш мумкин, лекин ўз халқидан ўғирлик қилганни кечириб бўлмайди», – деди».

Шароф Рашидов кабинетда ўтириб ишлашни ёқтирмаган. У доимо одамлар орасида бўлишни афзал кўрган, бунга ички эҳтиёж сезган. Сафар чоғида қишлоқ хўжалик ерларини, завод, фабрикаларни, чорвачилик

ва паррандачилик комбинатларини, курилиш объектларини кўрган, кузатган. Одамлар билан суҳбатлашган, маслаҳатлашган, хулоса чиқарган. Бундай иш услуби кўп томонлама олиб борилаётган сиёсатни таҳлил этишда, қабул қилинган қарорларни янада муваффақият билан амалга оширишда ёрдам берган.

Халққа раҳнамолик қилиш ўзига хос санъатни талаб этади. Бошқарув санъати, авваламбор, шахсга берилган илоҳий қудрат ҳисобланиб, йиллар мобайнида шаклланади, давр синовларида мустаҳкамланади. Ҳар бир давр, ижтимоий-сиёсий вазият шахсларни бизга номаълум бўлган қудратлари билан олиб келади. Унинг аҳамияти ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўли босиб ўтилган тарих ҳақида хулосалар чиқарганда маълум ва намоён бўлади. Истиқлол эса бизга ана шундай тарихий шахсларга холисона баҳо бериш, тарихий адолатни тиклаш, инсоннинг қадр-қимматини жойига қўя оладиган имконият берганлиги учун ҳам қадрлидир.





Шароф Рашидов куролдош дўсти билан



Шароф Рашидов оиласи даврасида



Шароф Рашидов Ҳамроқул Носиров билан



Шароф Рашидов илғор пахтакор Умри Орифжонова билан



Шароф Рашидов пахта даласида



Иш жараёнида



Шароф Рашидов ва Фидель Кастро



Шароф Рашидов Арнасой туманидаги янги мактаб очилиши маросимида (1976 йил)



Шароф Рашидов набираси билан



Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги тантаналари
(1992 йил, 6 ноябрь)



Нарзулла ШОДИЕВ,
профессор

ХАЛҚ ФИКРИ – ОЛИЙ ҲАҚИҚАТ

Агар олий адолат мавжуд бўлса, бизнинг эътиқодимизга кура, халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу адолат, худди ана шу ҳақиқат Шароф Рашидовнинг номи билан боғлиқ жумхурият ҳаётидаги катта аҳамиятга эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди.

Ислом КАРИМОВ

Миллий таракқиётнинг Президент Шавкат Мирзиёев бошлиқ янги сифат босқичи маънавий ҳаёти Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг порлоқ номи абадийлаштириш баробарида, жумладан, Шароф Рашидовнинг пок хотирасини ҳам шарафлашдан бошлангани миннатдор миллатнинг ўз улуғларига абадий оқибат ифодаси сифатида ибратлидир.

Сиёсатчининг қандай келиши эмас, балки тарихда қандай ном билан қолиши – хотираси муҳим. Хотира эса инсоннинг асл виждони. Айнан виждон инсонга олий руҳий-маънавий идеалларга, наинки ихтиёрсиз, ҳатто, ихтиёрий ҳам хиёнат қилишга ҳеч қачон имкон бермайди. Хотира олдидаги масъуллик, маънавий, руҳий ва ҳатто ахлоқий мажбурият – абадий синов. Уни танлаб бўлмайди. Қаршилиқ ҳам қилиб бўлмайди унга. Рашидов хотираси миллат маънавий уйғонишига, киндик қони томган тупроқ – она юрти маънавий тикланишига руҳий ҳамда ахлоқий асос-замин бўлиб, мангу қолиши муқаррар.

Ўзбекистоннинг XX аср иккинчи ярми, хусусан, бевосита чорак асрли тарихининг раҳнамоси, 33 йил давомида турли давлат мақомларида республиканинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожига шахсан қўшган беназир хиссаси, ўзбекнинг миллат мартабасида шаклланишида, мутафаккир ижодкор сифатида миллатнинг ақлий, маданий равнақида ўйнаган роли Рашидовни фавқулодда ўзгача қалб ва рух киши-си, атоқли арбоб рутбасида ҳаётлигидаёқ ўзи мансуб тарихнинг тирик тимсолига айлангирди.

... Такдир мени Шароф Рашидович билан бевосита боғлагани мазкур изҳори дилим – эсседа ифодасини топган. Эссени мен 1990 йилда ўз дил амрим билан ёзганман. Уни Шароф Рашидовичнинг турмуш ўртоғи Хурсандой Ғафуровна билан қизлари Сайёра Шарофовна маъқуллаб, мақолани аввал Жиззах шаҳри ва туманининг қўшма органи – «Коммунизм сари» рўзномасида чоп эттиришни маслаҳат беришди. Мақола 1990 йилнинг 30 октябрь куни рўзноманинг уч саҳифасида эълон қилинди. Ўша кунёқ СССР Олий Совети депутаты Тухфахон Раҳмонқулова ва Ўзбекистон ССР халқ депутаты Парда Зиётов ташаббуси билан Тошкентга, Олий Совет сессияси иштирокчиларига тарқатилди. Анча шов-шувларга сабаб бўлган мақолани ёқлаганлар ҳам, ёқламаганлар ҳам топилди. Мустақиллик қўлга киритилгач, ёқлаганлар кўпайди: «Халқ сўзи» 1991 йил 7 ва 12 ноябрь сонларида мақолани пешма-пеш эълон қилди.

Мақола муаллифнинг ўша 90-йиллар ибтидосидаги изҳори. Матн деярли ўзгартирилмади: Шароф Рашидов шахсига, ижодига муносабати ва баҳоси ўшанда қандай бўлса, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундайлигича ўзгармасдан қолди, қолади. Рашидов миллат учун ҳам, муаллиф учун ҳам ягона!

Бир-бирини инкор қиладиган парадоксларга сероб қисмат то ҳануз – эҳтимол, сўнги нафасгача! – жисму жонимни, руҳи равонимни, имону диёнатимни имтиҳон қилади. Шафқатсиз, дўзах азобларидек даҳшатли имтиҳон, покланиш имтиҳони. Сония сайин ўзликнинг ўзликка қайтиши, инсонмисан, инсондек тирикчилик қилиш санъати, диёнат ва имон имтиҳони, ўз-ўзини алдашларга, ёлғон-яшиқлар билан овунишларга барҳам бериб, тириклигу ўлмас руҳнинг абадияти қадриятларида бутун яшашдек мардоналик, жасорат синови...

Миллий руҳиятнинг асрий-азалий маънавий қадриятлари, типик аломатлари, моҳияти шафқатсиз нурай бошлагани халқ руҳий-ахлоқий маънавияти буюк фазилатларининг армонли ҳасратга, ҳақоратга айланиб қолганидагина яққол кўзга ташланди. Ўзбекчилик – ўзбек руҳиятининг соф миллий бош фазилатидан етакчи маломатга айланганини назарда тутяпман. Тириклигидаёқ миллатнинг отасига, унинг сиёсий-маънавий рамзига – жонли тимсолига, халқ номининг синонимига айланган ўз фарзанди хотирасини асраб-авайлай олмаган, олишга қудрати-ю журъати етмаган мўмин халқ маънавиятининг чиригани мазкур маломатнинг ўзбекона соф миллий исботи эмасми?! Худди шундай!

Миллатнинг боши ғафлат ва алдовларнинг узок сармаст уйқусидан тиклана борди. Ўзбекистон осмони узра янгиланишдек поклик нурлари Мустақиллик ялови остида баралла балқимокда. Ўзбекистоннинг хотирани тиклашдан бошланган покланиши шахсан Ислом Каримов ташаббусидир.

Ҳа, миллат миллат сифатида шаклланганида ўзини ҳам, марҳумларини ҳам оёқости қилдирмасди. Курашарди, исён кўтарарди, қурбон бериб бўлса-да, ўзини

химоя эта олар эди... Бадбахтликни карангки, унинг сардори – Рашидов ҳам меҳнат фронтида содиқ аскардай жон таслим қилди. Агар ўлмаганда, пешонасига сиғиб, ишдан олинса-да, соғ-омон юрганида ҳам ҳеч ким на унинг ўзини ва на у мансуб миллатни бу даражада оламжаҳон шармисор қилмасмиди?! Ҳар ҳолда, Қозоғистонда Кунаев, Озарбайжонда Алиев (бошқаларни айтмайман) омон юришибди-ку?! Улар ўз халқларининг миллий қаҳрамонларига айланиб кетишди-ку! Шароф Рашидов ҳаёт бўлганида, «пахта фронтида» «қаҳрамонларча» ҳалок бўлмаганида ўзи ҳам, Ўзбекистон ҳам бу даражада хору зор бўлмасди. Бунга тўлиқ аминман.

Афсус, тарбиясиз тарбия «кўрган», маърифатсиз, хотирасиз жамият фақат ўлганлардангина, ўтиб кетганлардангина, уларнинг хотирасидангина ўч олишга уста. Партия обрўсининг қолмаганлиги, социализм қадриятларининг, «улуғ» идеалларнинг оёқости бўлаётганлиги, жамият чок-чокидан сўкилиб бораётганлиги сабаблари, аввало, ана шу маънавий-руҳий қадриятсизликларда эканлигини бугун бутун дунё кўриб турибди...

* * *

...Тақдир мени адабиётшунос сифатида ёзувчи Шароф Рашидов билан ўзимга боғлиқ бўлмаган тасодиф, аниқроғи, заминда реал қонуният ётган тасодиф туфайли рўбарў қилди. Тўғри, мен адибнинг латиф зарифликлар, анвойи бўйлару уфорлар, мастона оҳанглару ошуфта ранглар, нағмалар «симфония»си фавкулудда тиниклик-ла, муқаддас музаффарлик-ла, уйғун оҳангларда жилोलаниб, жаранглаб, поэтик тафаккурнинг бир даста чиннигулидай чинниланиб, ороланиб турган донгдор «Кашмир кўшиғи»ни ёд билар эдим («Кашмир кўшиғи» шартли-рамзий романтик

поэтикаси билан Шароф Рашидов ижодининг гултожи). «Қудратли тўлқин» романи бош қаҳрамони Пўлат қатъияти руҳимни чархлаган (ушбу романда ёзувчининг психологик таҳлил маҳорати мен томонимдан махсус илмий ўрганилган ва «Қудратли тўлқинлар олами» номи билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1982 йилда нашр этилган эди), «Бўрондан кучли» романидаги ўз руҳи-ю номи билан ойдек фаришта – Ойқизнинг моҳдек шаффоф дил эҳтирослари қалбим нағмаларига оҳангдош эди. Лекин булар, табиийки, мени ёзувчи ижодини махсус ўрганиш, илмий тадқиқ этиш учун асос бўлолмасди. Боз устига, номзодлик диссертациям Абдулла Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳоратига бағишланган, уни тез ёзиб, вақтида ҳимоя қилиб, сўнг 13 кун кам икки йил азобда кутганларим, Илмий Кенгаш аъзоларидан Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича илмий иш ёзганлигим учун тўрт киши қарши овоз бериб, сўнг Москвага, Олий Аттестация Комиссиясига ҳам махсус хатлар жўнатишгани дардлари ҳали эсимдан чиқмаган эди. Абдулла Қаҳҳор тугайли зарбалар яғири битмай Шароф Рашидов ижоди билан махсус шуғулланишга тўғри келди. Илмий ва кўпроқ инсоний қисматим парадокслари ичида ушбуси энг ноёби...

...Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида ТошДУнинг шарқшунослик факультетини тугатиб, қўшни Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридаги илмий-тадқиқот институтларидан бирида фаолият юритаётган, туркий шеърийат, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди поэтикаларидан атиги 28 ёшида докторлик диссертациясини ёқлаган атоқли аллома Мурод Каримович Ҳамроев Шароф Рашидович ҳиммати билан Тошкентга, Педагогика илмий-тадқиқот институти директорлиги лавозимига ишга келган эди (Рашидов шеърларининг рус ва уйғур тилларидаги бу таржи-

мони кейин Бутуниттифоқ Педагогика фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланди). Олмаотада унга сабаб-бесабаб қаттиқ ҳужумлар уюштиришгани, касбдошлари тазйиқлари туфайли соғлиғи жуда ёмонлашган эди. Шароф Рашидов унинг йирик илмий ишларини, хусусан, Бутуниттифоқ ёшлар ташкилоти мукофотига сазовор бўлган «Туркий шеърят асослари» машҳур китобини яхши билар эди.

Менинг Мурод Ҳамроев билан танишувим Абдулла Қаҳҳор поэтикасига бағишланган номзодлик диссертациямга боғлиқ бўлган. «Думалоқ» хатлар ишни ички махсус махфий тақризга юборишни «тақозо» этган. Мурод Ҳамроев эса Олий Аттестация Комиссиясининг шундай тақризчиси – эксперти ҳисобланган. Ишни синчиклаб ўқиб, ижобий тақриз бергач, уни тасдиқлашган. Буни мен кейинчалик, Мурод Каримович Тошкентга келганида билдим. Устозу шогирдлигимиз ана шу тариқа бошланган эди. Кунлардан бирида у киши: «Нарзулла, сенга устозлик илтимосим бор. Биласан, Шароф Рашидович мени нақд ўлимдан қутқарди (афсуски, Олмаота интригалари бу фавқулодда серқирра ва серқўлам буюк истеъдод эгасини адои тамом қилган экан. 1983 йилнинг баҳорида у 46 ёшида дунёдан ўтди). Ўзбекчани сендай қойиллата олмайман. Соғлиқ ҳам ўзига яраша. Мен қилишим лозим бўлган ишни сен қилишинг керак...», деб қолди.

Ана шу тариқа мен Шароф Рашидов ижодини кўп миллатли совет адабиёти контекстида қиёсий-таҳлилий типологияда ўрганиш, ижод поэтикасини тадқиқ қилишга киришдим.

Биринчи йирик рисола – «Қудратли тўлқинлар олами» – узоқ илмий-назарий, ижодий-эстетик изланишлар ҳосиласи сифатида 27 кун ичида ёзиб тугатилди. Буни Мурод Каримович ва Тошкент олий партия мактаби журналистика кафедраси мудири, устозим Алексей

Лаврентьевич Петроченко (Усмон Юсуповнинг куёви бўлмиш Петроченко Марказқўмдан олий партия мактабига ишга келган бўлиб, Шароф Рашидовнинг ёрдамчиси Г.А.Крайнов билан девонда бирга ишлашган якин дўсти эди) ҳамда ўзимдан бўлак ҳеч ким билмасди. Петроченко орқали Крайновга етказилган қўлёзма икки нусхада Шароф Рашидовичга берилди ва қарийб йил давомида у махсус ўрганилди.

Маълум бўлишича, шахсим ҳам, қўлёзма ҳам бот-бот турли синовлардан ўтказилган экан. Адабиётшунослар, ёзувчи-шоирлар, Марказий Қўмита ходимлари, Шароф Рашидовичнинг шахсан ўзлари қўлёзма билан диққат-ла танишиб, ундан тўлиқ қаноат ҳосил қилишгач, мени Марказқўмга таклиф этишди. Шароф Рашидович билан биринчи учрашув ана шу тариқа рўй берди (учрашувни расман ташкил қилган ва кейинчалик менинг тақдиримда катта роль ўйнаган Георгий Алексеевич Крайновдан умр бўйи қарздорман!) ва у бизни – КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, саркотибу адиб билан ижодининг бир қишлоқи тадқиқотчисини ҳавас қилгулик самимият ришталари-ла, маҳкам боғлади...

Катта сиёсатдонларга хос улуғворлигу маҳобат тиниқ самимият билан бу мураккаб шахс сиймосида фавқулодда уйғунлик-ла, уйқашиб кетганлиги олдини-га мени ҳайратга солди. «Мен киму у киши ким?!» деган ваҳима то ҳузурларига киргунча жисму жонимни, руҳимни безовталаб турди. Титроқ қўлларим катта дераза ёқалаб қўйилган узун стол ортидан оҳиста туриб, синовчан табассум билан мени қарши олган маҳобатли арбобнинг қўлларини олгач, ўзим ҳам билмаган ҳолда, бирдан енгил тортдим. Рўпарамда бутун салобати билан Шароф Рашидов турарди...

Ўзимдаги ўша ҳаяжонлар ҳақида Мурод Ҳамроевга айтганимда «Шароф Рашидовичда шундай одат бор:

ёктирган одами бўлса, кимлигидан қатъи назар, ўзини дарҳол у билан тенглаштириб, орадаги хаяжон пардасини кўтариб ташлайди», – деб изоҳ берганди. Кейинчалик ўзим ҳам бунга бот-бот ишонч ҳосил қилган эдим...

* * *

Ёзувчи серқирра ижодининг гносеологик илдизларини билиш, ғоявий-эстетик асос-заминларига кўз ташлаш, истеъдод бешигини тебратган илҳомий «доя» манбаларига назар солиш, Рашидов – адиб, Рашидов – публицист, Рашидов – шоир, Рашидов – санъаткор ва ҳатто, Рашидов – давлат ҳамда сиёсат арбоби, деган яна қатор қонуний сифатдошларнинг туб моҳиятини англаб олиш учун мен унинг бутун серкўлам ижодини – илк шеъри, «Қаҳрим» илк шеърий тўпламидан сўнги «Дил амри» қиссасигача изчил ва мукаммал ўргана бошладим. Адибнинг ижод психологияси олами бўлмиш ижод биологияси ботинига ингичка кириб борганим сари, бу сирли ва сеҳрли хилқатнинг бадиий-поэтик мўъжизалари баробарида эстетик ночор, ҳатто, ожиз томонларини ҳам нозик фаҳмлай бошладим. Мени, бир томондан, Рашидов – ижодкор яхлит ҳолда қизиқтирса (бу унинг барча адабий жанрлардаги меросига муштарак ёндашув имконини берарди), иккинчи томондан, Рашидов – ижодкорни ҳам ўз қонуний камровига олган серкўлам, ўта мураккаб фаолиятларни фавқулодда уйғунлик-ла яхлитлаштириб олган Рашидов – сиёсий сардор, атоқли давлат намояндаси, ўзининг ниҳоятда мураккаб, қалтис ҳаёт йўлида чорасиз қарам халқининг шу даражада мураккаб қисматини акс эттирган, халқининг маълум маънода рост бўлмиш сиёсий синонимига айланган, унинг XX асрдаги чорак даври сиёсий муҳити-ю иқлимини белгилаб келган сиймо – Рашидов, арбоб Рашидов қизиқтирарди. Кейингиси шахсан мен учун, албатта, ушалмайдиган

орзу эди ўшанда. У кишини шахсан танимасдим, олдинлари ҳам суҳбатда бўлмаганман, ҳатто, яқинлари билан ҳам танишлигим йўқ эди. Нима қилиш керак? Афсуски, ушбу савол саволлигича армон бўлиб қолди мен учун.

Ушбу ҳақиқатни мен ўша кунлариёқ тушунган эдим. Шунинг учун ортиқча кучанмай, ўзимни алдамай дастлабки реал имконият – Рашидов-ижодкор феномени сирлари дунёси тадқиқи-ю таҳлилига киришгандим. Ижод психологияси қонуниятларидан бўлмиш ижодий-эстетик эволюция-тадриж бошловчи шоирнинг дорилфунун, уруш ва урушдан кейинги оғир, мураккаб даврларнинг кўтаринки романтик руҳи баралла уфуриб турган оҳанглари бағрида тез ва соз кечди. Ана шундан бўлса керак, ижодкор индивидуаллигининг узвий қирраси – кўтаринки-патетик услуб ижод поэтикасининг ҳам етакчи услубий фазилатига, жанрий кўламдор яратмаларига муштарак яхлитлик бахш этувчи эстетик қонунга айланди.

Ижод биологиясининг ғоявий-эстетик такомил қамолотида илк шеърлардан сўнгги қиссагача хос яна бир ижодий хусусият – бу бугунги кишилар, айниқса, истиқлол замони китобхонлари учун ҳам муқаддас бўлиб қолган буюк этикодларга шахсий садоқат ва уларнинг юксак пафосли поэтик зухурларидир. Шароф Рашидов ижод биологиясининг адабий маҳсуллари – ўзига жуда-жуда ўхшаш юксак руҳли, теран тафаккурли адабий-поэтик аҳолиси – лирик «мен»идан йирик эпик қаҳрамонларигача барчаси ақлан етук, ахлоқан, маънан, руҳан ва жисмонан тобланган ҳамда ижодий сараланган, бир-бирини бадий-эстетик комил бойитганларича, бир-бирларига ғоявий фавқулудда ўхшаш адабий эгизаклар ғоялару этикодлар кишиси сифатида бадий ёрқинликда рашидовча ижодий кўтаринликда намоён бўлгани ҳаммага маълум. Менинг ҳозир

ўша адабий аҳолига ҳам, уларнинг ижодкорига ҳам ғоялари-ю эътиқодлари учун ҳавасим келади. Улар ўз ғояларига қаттиқ ишонган ва ўзлигини шу ғоялар тантанасига онгли сафарбар этган «бўронлардан кучли» «ғолиблар», эътиқодлари «дил амри»га айланиб бўлган адабий аҳоли эди. Эҳтимол, булар бугунги кун учун эриш туюлар? Истиқлол ғоялари тарбия қилаётган ҳозирги китобхон учун кечаги совет даври сўз санъати қадриятлари сингари шу қадриятларнинг бадий ифодасига сафарбар Рашидов ижодий мероси ҳам бироз бошқачароқ таассурот қолдирар? Лекин собиқ кўп миллатли совет адабиётининг барча йирик намояндalари сингари Рашидов-ёзувчи ҳам ўз даврининг, ўз сиёсий ва адабий муҳитининг классик вакили эди (ҳар эпоханинг ўз вазифаси, демак, раҳнамо пешвоси бўлади. Бошқача айтганда, ҳар эпоха ўз етакчиларига табиий эҳтиёж сезади ва шу эҳтиёжини ичдан қондиради, Кашф этилган хос етакчи ўз эпохасининг сиёсий тимсолига айланади). Унинг шахси каби ижоди ҳам ўз замонаси маҳсули! Кўп ҳам эмас (эҳтимол, сал кўпроқ бўлса ажабмас), кам ҳам эмас! Тамом-вассалом! Жамият каби тарихий ва инсоний хотира ҳам кечаги ўтмишидан воз кечолмайди. Айниқса, маънавий ўтмишидан!

Биз, бугунги авлод ҳам кечаги адабий-маданий, демак, маънавий меросимизни инкор қилолмаймиз. Бу – навбатдаги хотирасизлик бўлишига миллий истиқлол мафкурамиз йўл қўймайди. Кечаги кун қандай бўлса, уни бутун рост ва шафқатсиз ҳақиқатлари билан диалектик шундай қабул этиш, адабий жараённи давр фалсафаси ҳамда талаблари қоидalари асосида ўрганиш, унга холис баҳо беришдек мардона, ҳалол маданиятни ўзимизда тарбия қилиш кўникмасини айнан миллий истиқлол мафкураси шакллантирмоқда. Ушбу ғоявий ҳамда маънавий соғлом тарихий-адабий қонуниятдан

келиб чиққан ҳолда, Рашидов – арбоб феноменига, Рашидов – Шахс, ниҳоят, Рашидов – ёзувчи ижод ақолидига ёндашсак, юқорида эслатилган идеалларга садоқат донгдор адиб бадий-поэтик меросида ҳам, сиёсий-ижтимоий фаолиятида ҳам бош ғоявий-эстетик ва сиёсий теран моҳият касб этганлиги асрори маълум бўлади. Зотан, Рашидов – арбоб ўз замони сиёсий етакчиси мақомида бошқача ўйлай олмас, демак, бошқача ёза олмас ҳам эди.

Рашидов – ёзувчининг ижодий мураккаб яхлит ялакат қиёфаси шу даражада яхлиту янада мураккаб сиёсий қиёфаси – арбоб имиджи-ла, табиий бир бутун ялакатлашиб кетган. Бири иккинчисининг ва аксинча, кейингиси дастлабкисининг сабаб-оқибат ибтидоси-ю интиҳоси эканлиги Рашидов – арбоб феномени туб моҳияти инкишофини анча теранлаштиради. У ўзи садоқат ва оқибат-ла хизмат қилган ғояларни реал ҳаётдан, аниқроғи, ўзининг идеалидан, ҳаёлот дунёсидан бевосита адабий асарлари, хусусан, йирик эпик асарлари – романлари саҳифаларига кўчирди ва шу тариқа уларга бадий-эстетик «либос кийдирди». Айни пайтда, ёзувчи ўша «идеалли» ғояларни адабиётдан реал ҳаёт саҳнасига кўчирмоқчи бўлди. Рашидов яхлит феноменида мазкур ҳақиқат шусиз ҳам зиддиятлар-ла, чигаллашиб кетган сиёсий, хусусан, инсоний қисмат тамал тошини белгилади. Унинг ихтиёрисиз, унингсиз... Ғоялар иллюзияси, уларнинг «ғолиб»лиги бамисоли ёху – беадад курбонлар истарди. «Музаффар» идеалларнинг оч даҳани ҳамма нарсани ялмоғиздай ямларди. Орол ўлди. Тонналаб кўринмас туз зарралари зурёдни, наслни емира бошлади. Еру осмон нураб, суву замин захри қотилга айланди. Миллат, юрт экологик харобалик сари юз тутди. Лекин қани энди бу «музаффар» муқаддаслик – ғоя (ғоялар)нинг иштаҳаси сўнса. Аксинча, маконида, замонида кенгайиб борди...

Ҳаммаси яхши ният, ёруғ умидлар билан бошланган эди-ку! Мақсад олижаноб эди: халқ, меҳнаткаш халқ яхши ишлаб, яхши яшасин! Унинг эртаси, ёруғ истикболи бўлсин ва у маёқдай порлаб, ҳаёт йўлини ёритсин. Ғоялар – ҳаёт ва қисмат реалликларига айлансин! Улар – ғолиб ғоялар, ғолиблар ғояси қудратли тўлқин бўлиб, бўронлардан кучли келиши, дил амрига айланиши лозим ва шарт эди. Рашидов-ижодкор бахтига шундай бўлди. Лекин арбоб Рашидов қисматига эса, надоматлар бўлғайким, ундай бўлмади. Бўлмасди ҳам! Ижодий ҳаёл билан реал ҳаёт бир-бирини мутлақо инкор этарди. Ва буни унинг ўзи яхши биларди. Рашидов – арбоб фожиаси, вафотининг маънавий руҳий, жисмоний «заминлари» ана шу даҳшатли парадоксдадир! «Ғоялар»нинг, «мукаддас» идеалларнинг ғолиби эмас, қурбони бўлишдек улуғ бебахтлик Рашидовдек мумтоз, сарафроз шахсни ҳам четлаб ўтмади, ўтолмади. Бу эса улуғ сиймо фожиасини янада фожиалироқ қилди, у мансуб халқни бадном, идеалларни эса паймол этди...

Рашидовнинг инсонга ишониш, уни улуғлаш ва унга хизмат қилишдек туғма олижаноб фазилати сиёсий фаолиятининг бош мезони эди. Зеро, инсоннинг ўзгаларга нафи тегадиган ҳар бир ҳаракати, яхшилиги савоб бўлиши баробарида Аллоҳ таолога ибодат ҳам ҳисобланади. Одамлар ортидан эргашишини истаган раҳбар ўзи одамлар ортидан юриши, ёлғону алдов, куруқ ваъдалар эмас, фақат ва фақат ҳақиқат, адолат, қайси йўналишда боришнинг аниқ кўрсатмалари, йўл-йўриқлари, кўзланган марраларга эришишнинг етти ўлчаб бир кесилган ягона йўлини тўғри танлай билган, ўзининг ҳақлигига, харизмига ишонган сардор мақомида жамиятни, халқни ортидан дадил эргаштирганича, кўркмасдан, босиқлик, сиёсий донолик ҳамда комиллик билан амалда ғолибликка эришиш оқибат-самараси республикада раҳбар билан халқ,

аҳоли ўртасида мустаҳкам ишончни юзага келтирган, пировард-мақсад учун курашувчи битта яхлит команда шакллланган эди.

Афсуслар бўлсинки, андишали бандаси барибир адашар экан: республика ҳаётининг барча жараёнларига қатъий ишонч-ла, шахсан ўзи бевосита иштирок этган ҳолда, юксак идеаллиликни прагматиклик билан фавқулодда қўшишни эплай олган (Рашидов-арбоб сиёсий феномени, аввало, ана шу фазилатда яхлит муштарак!) саркотиб сиёсатда муҳаббат эмас, манфаат устунлиги тамойилига ҳамиша ҳам тўғри амал қилавермади. Инсон улуғворлиги, маҳобати уни кўролмайдиган ҳасадчилар сони билан ҳам белгиланишини ҳамиша ёдда тутмади. Ҳаётлигида юрагига кишан солишга пинҳона уриниб, «командадош»ликдан махфий ғанимга айланганлар дастидан чеккан риёзатлар унга ҳамма вақт ҳам сабоқ бўлавермаган экан. Туғма гуманизм кечиримли бўлиб, кечиримли яшаттирди, лекин ўзи ҳамма вақт ҳам кечирилмади.

Рашидов – ижодкорга ва шу ижод парадоксларига қайтайлик. Ёзувчи барча асарларининг ғоявий-эстетик концепциясига яна бир ўзига хослик, юқорида эслатилганларнинг бевосита узвий давоми ҳисобланмиш қахрамонлик, жасорат, бунёдкорликни мадҳ этиш эди. Адиб ижодига социалистик реализм деб аталмиш сунъий қолип ўлчовларидан, ўз даври ғоявий-эстетик ҳақиқатларидан ва таъкидлаганимиз «Рашидов бошқача эмас, шундай ва фақат шундай ёза оларди», деган ростликдан келиб чиққан ҳолда, шу ижод манбаларига диалектик ёндашсак, мазкур ғоявий-тематик йўналиш ўзини ҳар жиҳатдан оқлашига гувоҳ бўламиз. Сиёсий Бюро аъзолигига номзод, Марказий Комитет саркотиби, расман тан олинган сардор халқнинг жасорати, шу жасорат поэзияси ва романтикасини кўтаринки-патетик услубда ижодий-бадий тадқиқ этмаслиги мумкин

эмас эди. Унинг барча адабий аҳолиси, айниқса, юрагига беҳад яқин ва жондошу руҳдош Ойқизию Олимжони, Баҳорию Пўлати, Погодиную Сорокини, Жўрабоевию Содиқову, Сергейю Иринаси – ҳамма-ҳаммаси ўз давру замонининг бадий маҳсуллари сифатида муаллифи каби юксак онглилик, идеаллар ғалабаси учун толмас курашувчи, теран эътиқодли фидойилар эди. Фидойиликни улар онгли равишда кундалик одатий эҳтиёж, ахлоқий-маънавий бурч, инсоний мажбурият, деб билардилар. Бундай руҳ бадий образларнинг ғоявий мазмунига, шу мазмун фалсафасига ҳам таъсир этиши табиий эди. Бу, ўз навбатида, уларнинг илмий тадқиқию таҳлил услубига (баландпарвоз иборалар, ифодалар) ҳам таъсир этмасдан қолмасди, албатта.

Адабий аҳолиси наздида одамзотнинг азалий ибтидоий ижоди ҳосиласи бўлмиш меҳнат ва кураш инсон даҳоси инкишоф этган буюк мўъжиза – санъат эди. «Меҳнатга шон-шарафлар!» шиори меҳнат кишисиз довруқдор бўлган, типик модага айланган, яъни меҳнати улуғланиб, ўзи унутилган даврда меҳнат қатори шу меҳнат кишиси Рашидов ижодининг бош қаҳрамонига айлангани рағбатга лойиқ эди. Ёзувчининг ўз қаҳрамонларига, қаҳрамонларининг эса унга ўхшашлиги, улар орасидаги руҳий, қалбий, маънавий ва ҳатто, жисмоний яқинлик – қондошлик сирлари ҳам мазкур ҳақиқатда тажассум эди.

Адибнинг барча асрларини типологик уйғун яхлитликда ўрганиш унинг ижодий индивидуаллигини таъминловчи яна бир услубий, ғоявий ва тематик ўзига хосликни эътироф этишга олиб келди. Бу табиатан байналминал сўз устаси бутун ижодининг ҳавас қилгулик байналминал руҳи, дўст-қардошлик руҳи эди. Катта-кичик асарларининг - шеърларидан то йирик эпик шакллардаги романларигача – бутун ғоявий руҳи, тематик мазмуни, концепцияси, образлар тизими-ю таркибига байналмилаллик, қардошлик, дўстлик – буюк мушта-

раклик муҳри билан эстетик безанган эди. «Кашмир қўшиғи», «Дил амри» асарлари бадиий макони-ю бадиий замони билан, ғоявий руҳи билан кашмир ва рус диёрлари нафасидан «балқиган». Погодину Смирнова, Петрову Наргисга ўхшаш турли миллатга, турфа маконлар – кентларга мансуб адабий аҳолиси руҳидан ўзбекона назокатлар уфуриб туради...

Мазкур ғоявий-тематик йўналишларнинг бадиий-эстетик тадқиқи уларнинг публицистик теран ифодалари билан фавқулодда уйғунлиги ёзувчи ижодий тажрибаси – ижодий биологиясининг яна бир адабий синашта фазилатидир. Ҳар кунги оғир ва ўта масъул партиявий-сиёсий фаолияти, бадиий ижоди, ҳозиржавоб жанговар публицистикаси ана шу тарзда Рашидов – арбоб – ижодкор ҳалқасининг тугал занжирини кўз ўнгимда яхлитлаштирди. Мен фавқулодда серкўлам ва фавқулодда серқирра истеъдод соҳиби – Рашидовни ўзимча ялписига кашф этган эдим. Ва бу инкишоф мени бошқа бир ҳақиқатга, адабий ҳақиқатга олиб келди: Рашидов – ёзувчи ўзи мансуб адабий муҳитнинг типик вакили эди. У бу муҳитга ижобий таъсирини ўтказган бўлсада, лекин кучли, қудратли характер сифатида уни ёриб чиқиб кета олмади. Кета олмас ҳам эди...

Рашидов ноёб феномени парадоксларидан яна бири эди бу!

Зотан, адабий муҳитнинг барча катта-кичик, хусусан, деярли тенгдош иштирокчилари ўз истеъдод йўналишлари, ижодлари табиати, ҳатто, мавзулари ва уларнинг ғоявий-тематик концепциялари билан бир-бирларига фавқулодда ўхшаш эдилар. Шу маънода, улар бир-бирларини тўлдириб, ҳатто, баъзан бир-бирларини ижодда такрорлаб туришарди. Бу жараён ёлғиз XX аср ўзбек адабиётигагина эмас, балки деярли кўп миллатли барча сўз санъати, жумладан, рус носирчилиги учун ҳам хос эди. Улар орасидан Михаил Шолохов ҳамда Чингиз Айтматовга ўхшаш буюклар чикмади.

Лекин ўта иқтидорсиз ҳам деб бўлмайди уларни. Сўз санъати азал-азалдан ана шу «ўртамиёна» адабиёт эвазига яшаб келганлиги, келаётганлигини ҳисобга олсак, Рашидов – ёзувчи ва у мансуб адабий муҳит вакилларининг, адабий жараён иштирокчиларининг бадиий фаолиятлари эстетик қиммат касб этади. Рашидов асарлари, хусусан, ижодининг энг сара поэтик намунаси – «Кашмир қўшиғи» ўз бадиий ҳофизаси нуқтаи назаридан дунёда романтик энг гўзал поэтик бисотлардан қолишмаслигини яна бир бор алоҳида махсус қайд этишининг ҳожатсизлигини инсофли китобхон-ўқувчи яхши тушунса керак.

Маълумки, Шароф Рашидов кейинги асарларини бирварақайига рус ва ўзбек тилларида аввал Москвада, сўнг Тошкентда чоп эттирарди. Ортиқча гап-сўзлардан, «мансабини суистеъмол қиляпти», деган маломатлардан қочиб, шундай қилар эди. Ҳатто, бутун ижодий ҳаётининг сарҳисоб якуни ҳисобланмиш 5 жилдлик «Танланган асарлар»ини ҳам КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг расмий рухсати билан аввал Москвадаги «Художественная литература» нашриётида рус тилида чиқарган, кейин эса улар Тошкентда ўзбек тилида чоп этилган эди. Тақризлар ҳам, асосан, олдин Москва ойномалари-ю рўзномаларида чиқар, китобларига сўзбоши ёхуд сўнгсўзларни ҳам россиялик машҳур адиблар ёки олимлар ёзишарди. (Бундай эҳтиёткорлик ёлғиз ўз ижоди маҳсулларига эмас, балки айрим йирик ўзбек ёзувчиларининг яратмалари учун ҳам қўлланарди. Биргина мисол: совет даврида шоир ва шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳамда ижоди расману норасман мафкуравий қаттиқ тазйиқлар исканжасида эди. Шундай оғир ва ўта нозик, мураккаб вазиятда ўтган асрнинг 70-йилларида Шароф Рашидович ёзувчи Пиримқул Қодировни ҳузурига чақириб, Бобур тўғрисида тарихий йирик роман ёзишини, ташкилий жихатдан керакли барча шароитлар яратиб бери-

лишини, Бобур юрган йўллар ва манзилларни шахсан бориб кўриши, зарур барча материалларни йиғиш учун харажатлар берилишини, булар ҳаммаси фақат ҳозирча сир сақланиши, асар ёзиб тугатилгач, аввал рус тилида Москвада, ундан кейингина Тошкентда ўзбек тилида нашр этилишини топширади. Машҳур «Юлдузли тунлар» тарихий романи ана шу тариқа дунёга келган эди).

Навбатдаги боришимда Шароф Рашидовични ўта асабий ҳолатда учратдим. Ўтирмасимданоқ, гўё мен бир катта мансабдордек, жаҳл билан гапира кетди: «Биласанми, Сибирга олма, карам жўнатиш билан ҳам мен шуғулланишим керак, Украина, Қозоғистон шартномадаги гўштни бермаса ҳам мен шуғулланишим керак. Ахир, қани бу соҳаларнинг ўз кишилари... Бу гапларни ҳам билиб қўй. Сендек бир фидойи «Ажойиб кишилар ҳаёти» (АКХ) туркумида китоб ҳам ёзарсан, ёшсан, шунинг учун сенга айтяпман. Бу ерда 28 соат ишласанг ҳам иш тугамайди, – деди турли рангли қаламларни ҳовучлаган чап қўлини столга асабий уриб. – Энг ёмони, сендан ҳеч ким миннатдор бўлмайди, Қоладигани ижод, китоблар, илм. Нарзулла, ука, шуни унутма. Ҳа, Москвага Академияга иш сўраб, тўғри қиялпсан (КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академияси назарда тутиляпти – *Н.Ш.*). Биринчидан, диссертациянгни тез ёзасан, иккинчидан, тез ҳимоя қиласан, учинчидан, тез тасдиғини оласан, тўртинчисини бизга қўйиб берасан. Айтгандек, дачангни топшир. У Марказкўмнинг справкасига тушибди. Ҳали кўп дачаларни кўриш насиб этади».

Мен бирдан тош қотдим. У кишининг мен ҳақимдаги деярли барча маълумотларни билиши ҳайратга солган эди. Мен кўзланган мақсадга бу даражада бағрикенглик ва олижаноблик билан осон эришганимдан ҳайратда эдим. Шу пайт у киши мен томон ўгирилиб: «Сен ҳам бир нарса сўра. Кўрдинг, олдимга кирадиганлар, ал-

батта, бир нарса ундириш илинжида бўлишади. Сўрагин, тортинмагин», деб қолдилар. «Раҳмат, домла (иккаламиз ёлғиз қолганда мен «домла», деб мурожаат қилардим ва бу у кишига ёқарди!). Саломат бўлсангиз, бас. Менинг илтимосимни маъқулладингиз. Москвага, Академияга кетаверай. Ишончингизни бу гал ҳам оқлайман!» деган сўзим оғзимда қолди – узун стол четдаги катта оқ «ВЧ» трубкаси кўтарилди: «Дорогой брат Константин Устинович! Сердечный, пламенный привет Вам из Ташкента...» сўзлари билан бошланган телефон алоқаси «Большое спасибо! Крепко обнимаю и целую» изҳори билан тугади.

КПСС Марказий Комитетининг котиби, ўша пайтда партиянинг иккинчи раҳбари К.У. Черненко билан телефондаги суҳбат узоқ давом этмади. Менинг тақдирим ҳал бўлган эди!..

Докторлик диссертациям мавзуси ва концепцияси Тошкентда Мувофиқлаштирувчи Кенгашда расман тасдиқланган бўлса-да, унинг план-проспектини Ижтимоий фанлар Академияси Низомига кўра, тегишли дахлдор кафедра қарори ҳамда тавсияси асосида Академия Илмий кенгаши муҳокама қилиб, янгидан тасдиқлаши шарт ва шундан сўнггина катта илмий ходимликка қабул қилишарди. Олий Аттестация Комиссияси адабиётшуносликдан ёзилажак докторлик диссертацияларининг мавзуи ёлғиз бир сўз устаси, у кимлигидан, истевдод даражасидан қатъи назар, ижоди билан боғлиқ бўлмаслиги тўғрисида янги қарор қабул қилганди. Ушбу қарор ўлароқ, диссертациянинг «Шароф Рашидов поэтикаси», деб атаганимиз дастлабки мавзусини «Йирик эпик шакллар поэтикаси» номи билан ўзгартиришга тўғри келди. Аслида моҳият ўзгармаган, яъни Шароф Рашидов романлари, хусусан, «Ғолиблар» – «Бўрондан кучли» дилогияси кўпмиллатли совет носирчилиги контекстида таҳлилий-қиёсий ўрганилганича, деярли асслигича қолган эди. Фақат

янги боб – поэтиканинг бадийи замон ва бадийи макон муаммолари қўшимча сифатида киритилган эди. Боз устига, диссертациянинг асосий мазмуни ифодаси – навбатдаги монография ҳам тайёр бўлганди. Ана шу икки сабаб мени яна қабул сўраб расман мурожаат қилишга асос бўлди.

Илтимосим қондирилди: эртага соат 11.00 да Марказкўмнинг олтинчи қаватида бўлишим айтилди. Афсуски, қабул кечқурун соат 19.30да бўлди. Олтинчи қаватнинг иккинчи котиб ўтирадиган кун чиқар томонида кута-кута кеч бўлди. Шароф Рашидович куни бўйи Давлат хавфсизлиги кўмитаси раиси Мелкумов билан банд бўлди...

Менга яна икки киши – Қишлоқ хўжалик техникаси Давлат кўмитаси раиси Мавлон Эгамбердиев билан андиджонлик шоир Восит Саъдулла ҳамроҳ бўлди.

Шароф Рашидович ҳорғин асабий ва асабий ҳорғин эди. Оғир чарчоқ кўрғошин бўлиб, бутун вужудидан «селдай» ёғилиб турарди. Ранглари оқарган, қисик лаблари қонсиз, қўллари калтирарди. Кўнглим қандайдир нохушликни сезиб, ташрифим бемавридликдан хижолатда негадир кўрқиб кетдим. Рухий оғир «энергетика» муҳитни янада таранглаштирганини жисмонан жонимда ҳис этдим. М.Эгамбердиев меҳнат таътилидан қайтганлигини айтгач, у-бу кўрсатмалар ва топшириқлар билан унга дарҳол жавоб берилди. Кекса шоир у кишининг нохушлигини сездими, гапни бирдан бошқа ёққа бурди: ёзувчи Шухратнинг оғир бетоблигини, 3-стационарда ётганини айтди. «Бориб кўрдингизми? Аҳволи қандай?» дея шошинч, ташвишли саволлар билан Восит Саъдулла томон сурилди. Ва шу заҳотиёқ телефон гўшагини кўтариб: «Азиз Оппоқович (Марказий Комитет маданият бўлимининг ўша пайтдаги мудири А.О.Тўраев) Шухрат касал экан, хабарингиз борми? Пирматни (Пирмат Шермухамедов маданият бўлимининг инструктори эди) ҳозироқ 3-касалхонага

жўнатиш. Бориб кўрсин. Врачларга менинг номимдан керакли топшириқларни берсин, Ҳаммасини ўз назоратингизга олинг ва мени ҳар куни хабардор қилиб тулинг», дея қаттиқ топшириқ берди. Кабинетдаги танг вазият, назаримда, биров юмшагандек туюлди...

Кекса шоир чиқараётган китоби нашр ҳажмини ошириш билан боғлиқ ниятига етиб, миннатдорликда чиқиб кетди. Унинг ортидан ёрдамчиларига ҳам рухсат этдилар. Одатдагидек, иккаламиз қолдик.

Қўллар ҳамон қалтирарди...

Қисқача ахборот бериб, дарҳол чиқиб кетмоқчи бўлдим, Йўқ, бўлмади. У киши – Рашидов янги концепция план-проспектини (7 бет) эринмай, диққат билан қараб чиқди. Саволлар берди. Жавоблардан қониқиш ҳосил қилди, шекилли, «Молодец. Пишиб қолибсан», деб мақтаган бўлди ва «Хўш, яна хизмат борми?» қабилида менга боқди.

– Домла, «Ўзбекистон» нашриёти диссертация кўл-ёзмаси билан қизиқиб қолди...

– Қани кўл-ёзма?

Шу заҳоти очик папкани олдиларига қўйдим. Номига эътибор бериб, аннотацияни тўлиқ ўқиди. Муқаддима ва Хотимани варақлаб, йўл-йўлакай у ёки бу жойларини синчиклаб ўрганди. Сўнг ўнг кафтини кўл-ёзма устига қўйиб: «Наимжонга айт («Ўзбекистон» нашриётининг бош директори Н.Ё. Ғоипов), менга душанба куни эрталаб қўнғироқ қилсин», деди.

Ранг ҳамон оппоқ, лаблар кўкиш, қўлларнинг қалтироғи ҳамон кўзга ташланарди. Хайрлашиб, қўлларини кафтларимга олганимда титроқ кучайганини сездим. Йўқ, жоним билан туйдим...

Бу 1983 йилнинг 3 феввали оқшоми эди.

Москвада, Ижтимоий фанлар Академиясида бизнинг кўлимизга КПСС Марказий Комитети котибиятининг К.У. Черненко имзо чеккан расмий қароридан нусха беришди. Собиқ СССРнинг турли минтақала-

ридан атиги саккиз киши (Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидан ёлғиз мен эдим) Академиянинг катта илмий ходими бўлган эдик.

Сентябрнинг биринчи кунндаёқ иш режаларимни белгилаб олган, асосий ишим диссертация «Муқаддима»си ҳамда «Хотима»сини ёзиш ва «Фойдаланилган адабиётлар» рўйхатини тартибга солиш эди. Монография ва икки рисола (мақолалардан ташқари) ўзбек ҳамда рус тилларида чиққан, иккинчи монография эса Тошкентда, «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилмоқда эди. Бу томондан кўнглим тинч бўлгани сабабли кўпроқ вақтимни, асосан, кечкурун, таржимон-муҳаррир билан ишлашга ажратган эдим. Текис, бир маромга тушиб олгандим. Ишларим режадагидек борарди.

...Сахар тонгда ёмон тушдан алахсираганча уйғониб кетдим. Кўз очишга ҳам улгурмасдан телефон қаттиқ жиринглаб қолди. Олсам, таниш овоз: «Нарзулла, Шароф Рашидович пешанамизга сиғмади. Ярим оқшом Нукусда жон таслим этди. Келишинг керак».

«Ё, Парвардигор, бу қандай шум хабар. Нахотки... Нахотки, рост бўлса?...» Хаёлу беҳаёл олий партия мактаби ректори, устозларимдан бўлмиш Мирзагани Искандарович уйига кўнғироқ қилдим.

Ҳаммаси рост эди...

«Энди нима қиласиз? Диссертация нима бўлди энди?» деган қасду хусумат тўла саволу нигоҳлар мени Шароф Рашидовичнинг пок руҳи билан қарши олди юртимда – Ўзбекистонда. Одамлар уммонида марҳум видоси сари оқарканман, таниш нигоҳларнинг бесас ҳамдардлик тиллари бу қадар ақл бовар қилмас фавқулодда теран мазмундорлик, сўз-ла ифодалаш мумкин бўлмаган илоҳий сеҳр-қудрат ва на шуурим, на қора кийган туйғуларим, на оғриқ-азобли руҳим туя олмаётган яна қандайдир номли-номсиз моҳиятлар

касб этганлиги, этаётганлигини негадир жоним билан жисмонан ҳис қилиб борардим. Буюк мотам халкимни, элимни руҳан, қалбан бирлаштирганди. Тириклигидаёқ ўз халқи номи-ю руҳининг рамзига, синонимига айланиш муқаддаслигини кўрдим, кўриб туриб, теран туйдим мен ўшанда. Мотам оғриғи ичра руҳимда ифтихор уйғонди...

«Диссертация нима бўлади энди? Бу савол мени билган, таниган кишилар хаёлида мотам азаси билан уйғунлашиб кетганлигини ҳозиргача айтиб юришади. Айниқса, огир дамларда ҳам мендан мардона юз ўгирмаган ёзувчи Мақсуд Қориев, академик Салоҳиддин Мамажонов, профессорлар Тўра Мирзаев, Наим Каримов, Мирзагани Искандаров сингари устозларим...

Шукроналар бўлғайким, ҳар томонлама эзилган, расман ошқора ҳақоратланган халққа тақдир Ислом Каримовдек ўз исми-шарифи билан улуғ Йўлбошчини берди. Айнан у кишининг ташаббуси ўлароқ, ўзларининг сўзлари билан айтганда, «Шароф Рашидов ҳақидаги муносабатларда йўл қўйилган хатолар тарих олдида ва келажак авлодларимиз олдида тузатилди... Ҳурматини ўз ўрнида тиклаб, руҳларини шод этайлик» даъватлари ижобат бўлди. Шароф Рашидовнинг тикланган пок номи, порлоқ хотираси мубораклашди!

* * *

Мен ички ифтихору ғурур билан Рашидов шоҳқўчасидан ўзбек бўлиб, Ўзбекистон бўлиб, элу юртимнинг буюк келажаги сари бормоқдаман. Мени, Ўзбекистонни нузли пок Рух, тақдир ва тарих бўронларидан қудратли ғолиб Рух қарши олмоқда. Шарафлару шонлар абадияти-ла, алқамоқда.

– Ярашган алқовлар муборак, озод Ўзбекистон, обод Ватан, ғолиб миллат!

Мадийр ХУДОЙБЕРГАНОВ,
меҳнат фахрийси

ХОТИРАГА МУҲРИЛАНГАН СЎНГГИ КУНЛАР

...1983 йил деҳқончиликда огир келди. Пахта ва бошқа деҳқончилик экинлари баҳор серёғин бўлганлиги сабабли кеч экилди. Аксига олиб, куз ҳам эрта келди. Кузнинг ярмига етар-етмас ёгингарчилик бошланди. Далада ҳосил кўп бўлса ҳам, ёгингарчилик туфайли уни йиғиб-териб олиш қийин эди. Шунинг учун республиканинг барча раҳбарлари вилоятларда пахта йиғим-теримини ташкил этиш ишларига жалб этилди. Шароф Рашидов 23 октябрда вилоятимизга етиб келди. У билан бирга ёрдамчиси, соқчиси, доктори, шофёри, ошпази ва бошқа хизмат турлари бўйича ходимлар вагонларда келишди. Улар 30 октябрга қадар Хоразмда туришди ва шу вақт мобайнида вагонларда яшашди. Шароф Рашидов Хоразмда турган пайтида бир марта 26–27 октябрь кунлари Тошкентга бориб келди. Бу ҳам иш юзасидан бўлиб, ўша пайтда шўро раҳбарларидан бири Ҳайдар Алиев Вьетнамга бораётиб, Тошкентга тушиб ўтиши режалаштирилганди. Шароф Рашидов уни кутиб олиб, кузатиб юбориши лозим эди. Шароф ака Ҳ.Алиев билан учрашув ва кузатиш маросимидан чарчаб қайтиб келди. Ўша кунлари Хоразмда ҳам иш ниҳоятда тигиз ва қийин эди. Оғир шароитларга қарамай, вилоят давлатга пахта топшириш режасини бажариш арафасида эди. Ҳар куни 2–3 та туманга борардик. Шароф Рашидов пахтакорлар, раҳбарлар,

ҳашарчилар билан даланинг ўзида учрашар, уларнинг кўнглини кўтарар, қилаётган меҳнатлари учун раҳмат айтарди. 28 октябрь куни у киши Қорақалпоғистоннинг Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа туманларини бориб кўриб келди. 29 октябрда биргаликда Хивага боришни режалаштирдик.

Айтганимиздай бўлди. Икки-уч соат атрофида Хиванинг қадимий ёдгорликларга бой Ичан-Қалъа қисмини кўриб чикдик. «Мана бу ёдгорликларни келажак авлодларга ҳам асраб қолиш керак. Булар бизнинг боболаримиздан қолган мерос. Уларни қайта қуриб, таъмирлаб, асл ҳолига келтириш керак. Дунёнинг турли нуқталаридан сайёҳлар сизу бизни эмас, мана шу тарихий бойликларни кўргани келадилар. Буларни кўриб, уларни барпо этган аждодларимизга раҳмат айтади, қадимий тараққиётимизнинг юксаклигидан ҳайратга тушади. Агар бу ёдгорликлар бус-бутун, гўзал ҳолда сақланаётган бўлса, бу раҳматнинг бир учи сизу бизга ҳам тегади, келажак авлодларимиз ҳам бизлардан миннатдор бўлади. Акс ҳолда... Дунёда асл қадимиятини, тарихини Хива каби бус-бутун сақлаб қолган шаҳарлар жуда кам. Бу билан фахрланишимиз керак!» деди у. Шароф ака йўл-йўлакай Пахлавон Маҳмуд мақбараси, бу улуғ инсоннинг қилган ишлари, Хиванинг мўгуллар, чор ҳукумати томонидан босиб олиниси, рус тарихчиларининг бу шаҳар тўғрисида ёзиб қолдирган асарларидаги ишончли маълумотлар ҳақида тўхталди. Ўз тарихчиларимизнинг асарларини кириллга ўгириб, нашр этиш кераклигини айтди. Унинг куюнчаклик билан айтган гаплари ҳам ҳамон эсимда.

Туман йўлларида кетаётиб, русча ёзилган бир шиорга кўзи тушиб қолди. Менга секингина: «Нима, бу ерда бошқа миллат вакиллари яшайдими?», – деди. «Йўқ», дедим. Лекин билдим, нима мақсадда сўраганини. У кишининг шундай одати бор эди. Нимадандир

кўнглида норози бўлса, секингина мулоҳазакор тарзда савол берарди. Шунинг ўзи ўзини англаган одам учун старли эди. «Одамнинг қандайлигини билиш учун унга амал бериб кўриш керак. Ана шунда ҳақиқий қиёфаси аён бўлади», – дерди. Бир куни дала шийпонларидан бирига борганимизда четроқда ўйноқлашиб ётган итларга кўзи тушди. «Мавлоно Румийдан шогирдлари мана шундай аҳил, иноқ, ўйноқлашиб ётган итларни кўрсатиб сўрабди: «Устоз, қаранг итларни, улар қандай аҳил, нега одамлар ўртасида шундай иноқлик йўқ?» «Улар ўртасига битта суяк ташланг, ана шунда бу итлар қай даражада аҳиллигини биласиз», – деган экан мавлоно. Мавлоно Румийнинг отаси Баҳовуддин Валадни биласиз. У киши Хоразмда Нажмиддин Кубро кўлида тарбия топганлар. Демак, Румий ҳазратнинг қонига ҳам шу тупроқ ҳикматлари сингган».

Шароф аканинг кўнглига ўша кунлари бир маъюслик чўкканди. У бунинг сабабини ошкор қилмасди. Буни биз, атрофидагилар пахта ташвиши, тинимсиз, дам олишсиз меҳнат натижаси, деб ўйлардик. Ўша куни Хивадан қайтаётиб, йўлда кўнглидаги кўп армонларни тўкиб солди. «Бир ниятим, – деди у жиддий қиёфада, – имконият бўлса, мана шундай тарихий жойларни обод қилсак, яна бир ниятим – юртимиздан етишиб чиққан жуда кўп алломалар бор. Мана, масалан, Хоразмнинг ўзида Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Сайфи Саройи, Абу Бакр Хоразмий, Носириддин Рабғузий, Мажлисий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий каби улуғ инсонлар фаолият юритганлар. Чағминий, Жузжоний каби буюк олимлар нодир асарлар яратганлар. Хўш, шуларнинг ҳаммасини биламизми? Афсуски, йўқ. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд сингари бир-икки аллома ва шоирларни биламиз, холос. Ана энди республикамиз бўйича турли даврларда яшаб ўтган алломалар, шоирлар, сар-

кардалар, юртимиз озодлиги учун курашган инсонларни бир кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг руҳлари олдида қарздормиз. Меросларини билмаймиз. Хорижий мамлакатларда шу алломаларимиз, ижодкорларимиз ҳақида ёзилган асарлардан беҳабармиз. Ахир, улар меросини, ҳаёти, ижоди, фаолиятини биз билмасак, ким билади? Улар бизлардан нажот кутиб, бизлардан имдод кутиб ётибди-ку, мана, менинг кўнглимдаги орзулар, ниятлар. Аммо ҳозирги шароитда бу ниятларни амалга ошириш имконияти йўқ. Лекин бу ишларни, албатта, қилишимиз керак!..»

Мен ўшанда Шароф аканинг бор-йўғи икки кунлик умри қолганини билмаганман, у бу гапларни Аллоҳ-таолонинг иродаси билан ошкор қиляптими ёки қалбининг тўрида узоқ йиллардан бери сақланиб келаётган дард эдими, бунга эътибор бермаганман. Лекин бир нарсадан ҳайрон бўлганман. У дардини бирор жойда дастурхон қиладиганлар хилидан эмасди. Аммо ўзим ҳам у кишига бирор нарса деб тасалли беришга қодир эмас эдим.

Шароф ака ўша кунлари Лобосевичнинг «Хива юриши – 1873 йил» китобини мендан сўраб олди. Бу китобга у киши нима учун қизиқиб қолгани ҳақида бир оғиз изоҳ беришим керак. Маълумки, Лобосевич 1873 йилда Хива хонлигига қарши юришда қатнашган чор Россияси офицерларидан бири. Бу хотира китобда чор ҳукуматининг Хива хонлигини босиб олишни кўзлаб юргизган сиёсати, тузган режалари, ҳарбий юриш тафсилотлари батафсил ҳикоя қилинган. Бир суҳбатда Хива хонлигининг чор ҳукумати билан ўзаро муносабатлари ҳақида сўз борганда шу китобдан айрим маълумотларни келтиргандим. Шароф ака дарров бу асарнинг асл нусхаси бор-йўқлиги ҳақида сўраб қолди. У кишига 1874 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган нусхаси борлигини айтдим. Тўғри, Рашидов Хива хонлиги,

умуман, Ўрта Осиёдаги хонликлар ва амирликлар чор қўшинлари томонидан қурол кучи билан, қирғинбарот жанглар билан забт қилинганини биларди. «Ўрта Осиё Русия империясига ихтиёрий қўшилган» деган ёлғоннинг умри қисқалигини ҳам англади. У киши ижодкор сифатида ҳам ўша давр тарихидан хабардор эди. Лобосевичнинг бу китоби унга тарих ҳақиқати сифатида керак эди. «Ҳозир бу китобни ўқишга вақт йўқ, вақт топсам, албатта, ўқийман», – деди у.

30 октябрда вилоятимиз пахта топшириш режасини бажарди. Ана шу муносабат билан Урганч шаҳрида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Шароф ака йиғилишда қисқагина гапирди. Ундан кейин Кубанинг Совет Иттифоқидаги элчисини қабул қилди. Элчи Куба ҳукумати раҳбари Фидель Кастронинг саломини етказиш ва элчилик муддати тугагани сабабли Шароф Рашидов билан хайрлашиш ниятида келган эди. Элчи билан хайрлашгач, машиналарда йўлга чиқдик. Шароф ака кейинги кунларни Қорақалпоғистонда ўтказишни режалаштирганди. Шу сабабли вағони, турмуш ўртоғи, ошпазлар ва бошқа хизматчилар 30 октябрь эрталаб Нукусга жўнатилганди. Мен Шароф Рашидов билан соат 12.00 ларда йўлга тушдим. У кишининг таклифи билан катта йўлдан эмас, қишлоқлар, овуллар оралаб кетдик. Йўл бўйи орзу-ниятларини гапириб борди. Тушки соат 13.00 да Гурлан ва Амударё туманлари чегарасига етиб бордик. У ерда Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг раҳбари Қаллибек Камолов билан учрашди. Гурлан тумани етакчиси Шоназар Жабборовнинг таклифи билан тушлик қилдик. Соат 14.30 да Шароф Рашидов билан хайрлашдик. Ўшанда у шахсий доктори, соқчиси ва Қ.Камолов билан бирга кетди. Биз у кишини тириклигида охириги марта кўриб турганимизни билмагандик.

1983 йилнинг 31 октябри эрта тонгида Шароф Рашидов Нукусда вагон уйида соғлиги ёмонлашиб, ҳаётдан

кўз юмди, деган совуқ хабарни эшитдик. Бир неча соатлар илгари бизлар билан суҳбатлашган, орзу-армонларини айтган, юрт ободончилиги, одамлар ҳаёти ҳақида қайғурган, қалби армонларга тўла бу одамнинг ҳаётдан кўз юмганига ишониш қийин эди. Лекин бу ҳақиқат эди...

Мен ҳам ўзимнинг у киши олдидаги қарзимни адо этиш учун дафн маросимида қатнашдим. У кишига Аллоҳдан имон тиладим. Кейинчалик жасади Чиғатой қабристонига кўчирилганидан сўнг у ерга бориб, дуои фотиҳа ўқидим. Яхши-ёмон кунларимда у кишини хотирлаб тураман. Лекин кўнглимда ўзимни доимо у кишининг хотираси олдида қарздордай ҳис қиламан. Барча соҳаларда устозлик қилган, ҳаётнинг пасту баландларини англаган, инсонларга, халққа, юртга нисбатан муҳаббат намунасини кўрсатган, камтарин, ҳар жиҳатдан бошқаларга ибрат бўлган бу инсонни шунчаки эслаш қийин. Эҳтимол, қарздорлик ҳисси ҳам шундандир. Ўлимидан икки-уч кун олдин даладан, пахтакорлар хузуридан қайтиб келаётганимизда менга: «Мен сизнинг олдингизда, бутун хоразмликлар олдида қарздорман. Мана шундай оғир пайтда юзимни ерга қаратмадингизлар, раҳмат!», деди. Бу раҳматнинг остида чексиз миннатдорлик бор эди. Чунки ўша йили пахта режаси фақат бизнинг вилоятимиздагина бажарилган эди. Шароф ака ана шундай оқибатли, ҳар қандай ташвишли онларда ҳам ҳеч нарсани эсидан чиқармайдиган меҳрибон инсон эди.

Саъдулла СИЁЕВ,
ёзувчи

Ё ОТИНГ ЧИҚСИН, Ё ЎТИНГ

(Воқеий ҳикоя)

Бу йигит ҳамқишлоғим бўлади. Жуссаси кичикрок, лекин чайир, хушчакчак, гапни чўрт кесадиған «кайсар» йигитлардан. Биз онда-сонда учрашиб қолардик. Аммо кўнглимда бир армон бор эди: у билан ўтириб бемалол гаплашгим келади. Биламан, акамнинг бошидан кўп савдолар ўтган, негаки, у киши Тошкентда ер кимирлаган ўша алғов-далғов йилларда катта ишларда ишлаган. Шароф Рашидов билан кунда бўлмаса-да, тез-тез кўришиб турган.

Бир куни шаҳар марказидаги бир шифохонага бордим. Қарасам, рўпарамда илжайиб Тўлан ака келяпти.

– Ҳа, Қарнокий, бу ерда нега адашиб юрибсан, ёш бола деган ҳам касал бўладими? – деб ҳазил қилди.

– Тўлан полвонга текин қулоқ керак эмасмикан, деб келдим, ака.

Тўлан ака «таслимман» дегандек иккала қўлини кўтарди.

– Бўлди. Ўн-ўн беш кун ўтган-кетган гапларни эзиб бир мойини чиқарамиз. Сеники қайси бўлим?

Худди келишгандек, иккаламиз санаторийнинг юрак бўлимига йўлланма олган эканмиз.

Яна икки-уч кун ўтди. Тушлиқдан кейин Тўлан ака хонага кириб келди.

– Ҳўв, Қарнокий, кетдик, айланиб келамиз.

– Гапнинг мойини чиқарсангиз бораман, бўлмаса бормайман, – дедим ёлғондан қовоқ солиб.

– Бўпти, инжиқ, кийиниб пастга туш.

Шифохонанинг орқа ҳовлиси истироҳат боғига туташи эди. Кеч куз. Ариқларда сувлар тип-тиник. Дарахтлар тилло либосда. Ҳаво ҳам муздек. Атроф жимжит.

Холироқ бир жойга бориб ўтирдик. Тўлан ака бошидан ўтган можароларни айтсамми-айтмасамми, деб иккиланаётгандек эди.

Менга қара, иним, шу гапларни қайта кавлаб, эски ярани тирнаб ўтириш шартми? Давай, қўл силтаймиз, а?

– Йўқ, шарт, – дедим, – ичингизда қолиб кетса армон бўлади. Сиз билан мендан кейин келадиган авлод билиб қўйиши керак ҳақиқатни.

Тўлан ака шарт қўйди:

– Майли, бўлган гапларни қисқача айтиб бераман. Лекин ёзадиган бўлсанг, отимни ўзгартирасан. Биласан, мен бировларнинг номини сотиб обрў олишни ёмон кўраман.

Тўлан ака йигирма йил бурунги воқеаларни қайта эсладим, жим бўлиб қолди. Чехрасига ёқимли бир кулгу ёйилди. Сўнг ўзи айтмоқчи «трагикомик» хангомасини бошлади.

– Биласан, темир йўл институтини битирганман. Бир жойда мазза қилиб ишлаб юрувдим. Уй тинч. Маишат яхши. Зериксак, оғайнилар билан улфатчилик қиламиз. Хуллас, эркин қуш эдим. Омадимнинг келганими, кетганими, бир куни хўжайин чақиртириб қолди. Қийшайиб кирдим. Хўжайин ҳовлиқиб кетган эди. Мени остонанинг ярмига келиб кутиб олди. Кейин томдан тараша тушгандай қилиб, «Сиз эртага... Шароф Рашидовнинг қабулига боришингиз керак экан», – деди. Ҳайрон бўлдим. Юрт каттасининг мендай бир инженерда нима иши бўлиши мумкин?

– Хуллас, эртасига оппоқ кўйнакни кийиб, янги гал-стукни боғлаб, ясан-тусан бўлиб Марказкомга кириб бордингиз?

– Бордим. Умрим бино бўлиб Марказкомнинг эшигидан ўтмаган эдим.

Қабулхонада у ёқ-бу ёкка кўз қиримни солиб ўтирибман. Ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман: «Бунчалик эътиборнинг сабаби нима экан?» Бироқ минг ўйласам, отам хаёлимга келмайди.

Келишган, хушмуомала йигит ичкарига кириб-чикиб турибди.

Ниҳоят, менга навбат келди шекилли, ҳалиги йигит «Юринг!» деб ишора қилди. У ёқ-бу ёғимни тўғрилаб йигитга эргашдим.

Ичкарига кадам босдиму бир зум тўхтаб қолдим. Тортиниб тўрга қараб юрдим. Шароф ака ўрнидан турди. «Келинг, келинг!» деди очиқ юз билан. Кейин «Марҳамат, ўтиринг», деб ёнбошидаги ўриндикни кўрсатди. Худди иссиқ бир нарсага ўтираётгандек омонат чўкдим. Шароф ака ёрдамчисига қаради.

– Бизни холи қолдилинг.

Ходим йигит қалин папкасини кўтариб кўздан ғойиб бўлди.

Шароф ака менга бошдан-оёқ разм солди. Худди бирон гуноҳ қилиб қўйгандек ўзимни баттар ўнғайсиз сездим. Биласан, мен ҳам унақа бировлардан тап тортадиганлардан эмасман. Ўрисча мактабда ўқиганман. Одамнинг бетига қараб тикка гапиравераман. Лекин, гапнинг тўғриси, Шароф аканинг сусти ёмон босди-да, иним.

Шароф ака: «Биз кўрмагандан бери катта йигит бўлиб қолибсиз, Тўланбек», – деб кулди. Уй ичимизни, бола-чақани сўради, ишларимни суриштирди. Кейин кўзимга қараб, «Сиз мени эслайсизми, Тўланбек?» деди. Шошиб қолдим. Қанақасига эслайман ахир, бу

киши билан биринчи марта юзма-юз ўтирган бўлсам... Шароф ака бош силкиди: «Тўғри, эслай олмасангиз керак. У пайтлар сиз жуда ёш эдингиз. Биз Самарқандда ўқиб юрганимизда сизларникида турганмиз. Ҳовлининг этагида бир-икки хужра бўларди. Беш-олти студент ана шу хужраларда яшардик. Отангиз раҳматлик яхши одам эди, бағри кенг эди, қўлидан келса бировга яхшилигини аямас эди. Мен Карим аканинг тузини кўп ичганман, буни ҳеч қачон унутмайман».

Кўзим ярқ этиб очилди. Ҳамма саволларимга бирдан жавоб топдим. Аям яқин-яқингача айтиб юрарди. «Отанг қўли очиқ одам эди, борини бировдан аямасди, – дерди, – ўзи университетнинг каттаси бўлишига қарамай, ким уй-жойдан қийналиб қолса эргаштириб келаверарди. Йил ўн икки ой ҳовлимизда қишлоқдан келган студент болалар турарди. Менга: «Онаси, уларнинг иссиқ-совуғига қараб тур, савоб бўлади, бу болалар бир куни Ўзбекистоннинг юкини кўтарадиган кишилар бўлиб чиқади», – деб кўярди.

Шароф аканинг нимага чақиртирганини энди тушундим. Орадан шунча йил ўтиб, у киши ўзига, вақтинча бўлса-да, бошпана берган, таълим берган домласининг фарзандларини бир кўриб қўймоқчи бўлган, шекилли. Шароф аканинг одамгарчилиги менга қаттиқ таъсир қилди.

Қайта-қайта раҳмат айтиб хайрлашдим. Шароф ака елкамга қўлини қўйди:

– Эшигимиз сиз учун доим очиқ. Бирор илтимос бўлса, тортинмай келаверинг, – деди. Бошим осмонга етди.

Ҳеч нарса кўрмагандай яна ишга тушиб кетдим. Бир-бирига ўхшаган зерикарли кунлар. Эрталаб идорага чоп, кечқурун – уйга. Хуллас, икки ойми, уч ойми ўтди. Мени бир бўлимга бошлиқ қилиб қўйишди. У ерда кўп ишламадим. Мансабимни яна бир поғона кў-

таришди. Орадан ярим йил ўтди-ёв. Тағин Марказкомга чакиришди. Бордим. Ўша ўзим кўрган катта кабинет. Беш-олти киши ўтирибди. Баъзиларини танийман.

Шароф ака дарҳол мақсадга ўтди:

– Биз сизга янги вазифа юкламоқчимиз. Ўртоқлар сизни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосарлигига тавсия қилишмоқда. Нима дейсиз? – деди.

Бошимдан бир пақир муздек сув қуйилгандек бўлди. Кечагина инженер бўлиб юрган мендек йигит қайдаю Ташгорисполком қайда! Биласан, мен реалист одамман, ўз куч-қудратимни чамалайман. Бўйим етмаган дорга осилмайман. Шунини ўйлаб чўчидим. «Ишончингиз учун раҳмат. Шароф Рашидович, – дедим минг азобда, – бироқ бундай улуғ вазифани эплармиканман, деб кўрқиб турибман».

Гапим Шароф акага ёқмади. «Бу ишни эплайманми, йўқми, деб иккиланган киши ҳеч қачон эплай олмайди. Эплайман, деб астойдил уринган одам ҳар қандай оғир юмушнинг уддасидан чиқади», – деди. Уни ёнидагилар қувватлади. Шароф ака гапни чўзмади: «Ёш йигитсиз, бир йигитлик ғайратингизни кўрсатинг, қийналсангиз, мана биз ёрдам берамиз».

Масала ҳал бўлган эди. Эътирозга ўрин қолмади. Эртасига шаҳар ижроия комитети раисининг уй-жой масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинландим. Мен ҳали ўттиз бешга ҳам кирмаган эдим. Мен учун энди бутунлай бошқа ҳаёт бошланди.

Тошкент ҳозир жуда кенгайиб кетди. Юнусободдаги телеминорага чиқиб қарасанг, учи-қири кўринмайди. Лекин ўша олтмишинчи йилларнинг ўрталарида ҳам Тошкент кичкина эмасди. Бир миллиондан ортиқ халқи бор эди. Келди-кетди билан бир ярим миллион. Тошкент – Тошкент-да. Энди мен ана шу бир мамлакатдай шаҳарни бошқаришим керак эди.

Тўлан ака рўпарамиздаги азамат дарахтга қўниб олиб қақаглаётган қора қарғаларга қараб сўради:

– Сен бургутнинг болалари билан ўйнаганини ҳеч кўрганмисан?

– Йўқ, нимаиди?

– Мен ҳам кўрмаганман. Бироқ қаердадир ўқиганман.

Бургутнинг полапонлари сал катта бўлиб қанот чиқарганда отаси уни чангалига қисиб кенг далага олиб чиқар экан. «Қани, энди учишни ўргансинлар, бургутча!» дегандек боласини ерга ташлаб юборар экан. Полопон жон ҳолатда қанот қоқиб ўзини ўнгласа-ўнглади, бўлмаса отаси уни илиб олиб қайта машқ қилдираар экан. То полопон ўзи кўркмай учадиган бўлгунча отаси уни баландроқдан ерга қараб отиб юбораверар экан... Мен ҳам худди шу бургут боласининг аҳволига тушган эдим. Олдимда икки йўл турибди: ё қанотимнинг кучига ишониб учиб кетишим керак, ё ерга тушиб пачақ бўлишим керак. Бошим қотиб қолди.

Шароф аканинг насихатини эсладим. Билиб турибман, у киши менга жуда катта мурувват қилди. Менга ишонди, мени синаб кўриш учун юқори мансабга қўйди. Энди жонимни аямай ишламасам, аввало, у кишининг юзини ерга қаратган бўламан.

Ана шундай хаёллар билан билакни шимариб ишга киришдим. Бу орада бошимга яна бир синов тушди. Тошкентда ер қимирлади. Ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди. Тошкент ёмон вайрон бўлган эди.

Минглаб киши бошпанасидан айрилди, ўн минглаб одамнинг уй-жойи бузилди. Уларга янги ватан керак, томорқа керак, бузуқ уйларни қайтадан тиклаб бериш керак. Жабрдийдалар орасида тўғриси ҳам бор, эгриси ҳам, муттаҳами, инсофлиси, шаллақиси, бемори, сабрлиси, бесабр фитначиси ҳам бор. Ана шуларнинг савдосини ўйласам, баданим қизиб ўзимни қўярга жой тополмай қолардим.

Шароф ака билан, онда-сонда бўлса-да, кўришиб турамиз. У киши зилзиланинг эртасига шахарнинг ҳамма раҳбарларини чақириб катта йиғилиш ўтказганди. Йиғилишдан кейин мени олиб қолиб икки оғиз насихат қилди: «Сиз учун синов вақти келди, ука. Қатикқўл бўлинг. Кўнгилчанлик қилманг. Қамишни қаттиқ ушласанг кўлингни кесмайди, деган гап бор. Ҳар хил провакациялар бўлиши мумкин. Хушёр бўлинг. Халқнинг яна бир гапини эслатиб қўяй, ё отинг чиқсин, ё ўтинг чиқсин, дейдилар. Мен сизнинг отингиз чиқишини жуда истайман».

Тўлан ака узун уҳ тортди, гуё қизиб кетгандай ёқасини очиброқ қўйди.

– Ёз ўтди, куз келди. Зилзилада ватансиз қолган кишиларга атаб қурилаётган кўпқаватли уйлар бирин-кетин бита бошлади. Минглаб одам вақтинчалик чодирларда, ётоқхоналарда ёки кариндош-уруғларникида яшаб турарди. Хайрият, совуқ тушгунча уларни янги уйларга кўчирадиган бўлдик, деб суюндик. Қарасак, бу уйларнинг эгаси чиқиб қолди. Айниқса, Россиядан ёрдамга келган биродарлар ҳунар кўрсатишди. Улар ўзлари қурган уйларга ўзлари кириб ўтириб олишди. Бир тасаввур қил. Мен сеникига ҳашарга борсаму иморатингни битириб, томингни ёпиб бергандан кейин бу уйнинг ярми меники бўлади, деб ичига кириб ўтириб олсам. Шу инсофдан бўладими?

Жанжал бошланди. Нима қилиш керак? Зўровон меҳмонларга уйни бўшат, дейиш нари турсин, оғайни нега шапканг қийшиқ, десанг балога қоласан. У замонларни биласан. Қайсарлигим тутди, таваккал деб бир-икки олишиб кўрдим. Оқибатда яна бир лақаб орттирдим. Илгари «Тўлан қайсар» эдим, энди Тўлан миллатчи, деган тавқи лаънатга қолдим.

Тўлан ака фикрини жамлагандек жим бўлиб қолди, юзидаги тундлик тарқаб, ўрнини илиқ бир ифода эгаллади.

– Ана энди Шароф аканинг бир хислати ҳақида икки огиз гапириб берай. Билган у дейди, билмаган бу дейди. Майли, қизил тил ҳаммада ҳам бор. Аслида Шароф ака ватаним, миллатим деб куйиб кетган чин инсон эди. Ўзбекнинг шаънига тирноқдай гап тегса, жигарлари эзилиб кетарди.

Шароф аканинг дала ҳовлиси шундоқ шаҳар биқинида эди. Зилзилага бир йил бўлган, айна баҳор пайти. Шароф ака мени боққа бошлади. Мажнунтоллар тагида айланиб юрибмиз. Шароф ака ишларимни суриштирди, далда берган бўлди. Кейин бирдан тўхтаб юзимга синовчан боқди.

– Сизга бир гап бор, – деди, – ҳали бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Шаҳарни бутунлай бошқатдан курамиз. Масковдан яна пул сўрадик. Худо хоҳласа Тошкент чиройли шаҳар бўлади. Лекин ўн-ўн беш йил ўтгандан кейин шаҳар айланган одам марказда биттаям ўзбек хонадонини кўрмаса, сизу бизга уят бўлади. Авлодлар бизни кечирмайди. Фикримни тушундингиз-а?

– Тушундим, Шароф Рашидович, – дедим юрагим дукиллаб. Чунки Шароф ака миллатнинг ёнини оламан деб, қалтис ишга қўл ураётган эди. У киши давом этди:

– Шаҳар марказида қурилаётган яхши уйларга кўпроқ ўзимизникиларни жойлаштиринг. Ҳужжатларини пухта қилинг. Ғаламислар кўп, бир куни кавлаштириб қолиши мумкин. Бирор гап чиқса, биз ёнингизда турамиз. Келишдикми?

Шароф ака билан бўлиб ўтган бояги гапдан кейин бир неча кунгача ўйланиб юрдим. Одамлар билан ҳаёт мени тобора сиқиб исқанжага олиб бораётган эди. Йил ўтган сари иш оғирлашаберди. Бир ёқда қурилиш жанжали, танбех устига танбех, бир ёқда тепамда турган баъзи амалдорларнинг зуғуми, янги пайдо бўлган дўсту туғишганларим, минг бир ҳийла билан йўл топиш-

га уринаётган пулдорларнинг хужуми, ишхонадаги харомхўрларнинг найранги... Унинг устига ҳадемай «ёз-ёз!» бошланди.

Хуллас, комиссия устига комиссия босди. Ҳаммаёқни элак-элак қилди. Ковлаган одам айб топади. Беайб парвардигор. Менга ҳайфсан беришди. Алам қилди. Хузур-ҳаловатдан кечиб, соғлиқни йўқотиб, ўн беш соатлаб ишлаб, охир топганинг таънаю танбех бўлса – алам қилмайдими?

Бир-икки йилда сочим қув оқарди. Қон босими пайдо бўлди. Сал нарсага жаҳлим чиқади, бақироқ бўлиб қолдим. Демак, «етилибман» деб қўйдим ичимда. Гоҳо Шароф ака билан юзма-юз бўлганда: «Энди бизга жавоб бера қолинг, бу ёғини соғлиқ кўтармаяпти» деган гапни айтиб юборай дейман. Айтолмайман. Ёмон фикрга бормасин, деб номус қиламан.

Барибир бўладиган иш бўлмай қолмас экан. Томчи тош тешади, деган гап бор. Кўзёшдай томчи чак-чак этиб томиб тураверса, бир куни уйдаи тошни ҳам тешиб юборади. Рақибларнинг хужуми кучайди. Тошкентдагилар тўппончаю милтиқ билан курашса, Масковдагилар олисдан замбарак отишга тушди. Охири мақсадларига етдилар.

Мени ишдан олишди, партиядан ўчиришди. Бирок менинг қўрқадиган ерим йўқ. Ҳаром ишга қўл урмаганман. Билганларини қилсин, деб уйга кириб ётиб олдим.

– Бояги ярим йўлда қўшилган қариндош-уруғларингиз тўсатдан ғойиб бўлган бўлса керак?

– Албатта. Кунига икки марта телефон қилиб, ҳафтасига йўқлаб турадиган кадрдон «дўстларим» ҳам қорасини кўрсатмай кетишди. Лекин мен мансабда ўтирганимда деярли йўқламаган, бирон нарса сўрамаган оғайниларим бошимга оғир кун тушганда ҳол сўраб келишди. Ана шунда мен чин дўст билан ёлғон

дўстинг фаркига бордим. Мол дўстинг бошқа-ю жон дўстинг бошқа, деб шунга айтсалар керак-да.

– Шароф Рашидович ҳам йўқлатмадим?

– Йўқлатди. Ишдан бўшаганимга икки ойми, уч ойми бўлганди. Уйда ётавериб зерикдим. Ўз соҳам бўйича бир иш топиб эрмак қилиб юрувдим. Бир куни Марказкомдан уйга телефон қилишди. «Сизни Шароф Рашидович йўқлаптилар», – деди эскидан таниш овоз. Аввалига ғашим келди. «Бўлар иш бўлди, буёғи сингди, – дедим ичимда, – энди у киши мени нима қиладилар? Менинг ҳам катталарда ишим йўқ».

Ўзимча, аввал бошда Шароф ака мени топтириб шу вазифага қўймаганларида бу кўргиликлар йўқ эди, деб хафа бўлиб юриб эдим. Рашидовнинг ёрдамчисига хўп дедиму бормадим. Индинига у яна телефон қилди. «Менга қаранг, биродар, – деди, – аввало Шароф Рашидович ҳаммани ҳам ҳузурларига чақиравермайдилар, қолаверса, сиз шу юртнинг фуқароси экансиз, биринчи шахснинг гапини икки қилганингиз ҳурматсизлик бўлади. Гапимни тушунгандирсиз?»

Ўйлаб қарасам, андишасизлик қилган эканман. Эртасига Шароф аканинг қабулхонасига кириб бордим.

Шароф ака худди ҳеч нарса бўлмагандек кулиб кўришди. «Қалайсиз энди, Тўланбой?» деб ҳол сўраган бўлди. Мен «рахмат»дан нарига ўтолмай ерга қараб ўтиравердим.

– Ҳамма нарсадан хабарим бор, – деди Шароф ака, – комиссия сизнинг ишингиздан жинойт белгиларини тополмади. Мен сизнинг ҳалоллигингизга ишонардим. Хатоларингизга келсак, ёшлиқ қилдингиз, тажрибасизлик қилдингиз, кўнгилчанлигингиз ҳам бор экан. Аслида биздан ҳам жиндай хато ўтибди. Сизнинг елкангизга бирданига катта юк қўйиб юборибмиз. Тошкентнинг юкини унча-мунча одам кўтаролмайди. Лекин ўқинманг. Одам мана шундай аста-секин пишади.

Тўрт оёқда юриб арғумоқ от қоқилади-ю. Сиз ҳаёли ёшсиз. Сиз учун ҳаётнинг қизиғи олдинда.

Шароф ака хайрлашар экан, биринчи куни айтган гапини такрорлади:

– Бизнинг эшик сиз учун доим очиқ. Бирор илтимос бўлса, тортинмай келаверинг.

Шу бир оғиз гап менга етарли эди. Кўнглим тоғдай кўтарилди. Лекин Шароф ака билан қайтиб кўришмадик. У кишини безовта қилишга ҳаққим йўқлигини билардим.

Қаҳрамонимнинг илтимосига кўра унинг исмини очиқ айтмаган эдим. Энди айтиш мумкин. У – Тельман Абдуллаев, инженер, фан номзоди. Тельман ака Самарқанд университетининг биринчи ректори Карим Абдуллаевнинг ўғли. Карим ака ўттизинчи йилларнинг охирида туҳмат билан қамалди ва кейинчалик тўла оқланди. Тельман ака ҳозир ҳаёт.



Ўрол САФАРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Денов туман бўлими раиси

ЮРАКЛАРДА МЕҲРИНГИЗ ҚОЛДИ

Бугун мен қўлимга қалам олиб хотиралар ёзмокчи бўлаётганим буюк зот Шароф Рашидов ҳаётлик чоғларида мақтовлардан кўнгли зада бўлган, ҳар дуч келган киши «ҳаммамиз учун ҳурматли» дея сўз бошланиши билан кўнгли алланечук бўлиб кетар, «илтимос, шу гапларни камайтиринглар» деса-да, қайтанга кун сайин эмас, соатлар сайин болалаб, кўпайиб борарди. Нима қилиш керак – минглаб оғизларни ёпиб, сўрғичлаб бўлмаса.

Демакки, бугунги қаламламокчи бўлган хотираларда ҳам заррача хушомад, заррача товланиш йўқ.

Ўзи ёзув-чизувларга менда укув йўқ. Шу ёшга етибманки, қўлимга қалам олиб, бирор газета-журналга бирор нарса ёзиб юборганимни билмайман. Аммо, рўй-рост айтаманки, Шароф Рашидов ҳақида кўп нарсаларни ўйлаб, кўрган билганларимни ёзиш ниятида юрардим, ҳали айтганимиздек заррача талаб бўлмагани учун қаламга юзлана олмасдим.

Шундай кунлардан бирида кўнглим бирданига мунавварланиб, чексиз ҳаяжонланиб, қувончларга тўлиб кетди.

Бу ҳаяжон-у қувончларни кекса қалбимга муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақидаги

қарорлари бахш этганди. Ана шу адоқсиз битмас–туганмас қувончлар оғушида қўлимга қалам олдим. Баҳоли қудрат, у киши ҳақидаги юрагимда муҳрланган хотираларни кўз олдимга келтирдим.

Мен Ўзбекистон Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Шароф Рашидовни бундан қирқ етти йил муқаддам – ўқувчилик давримда кўриш, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман. Шу пайтлари Мичурин номи билан юритилувчи 5-ўрта мактабнинг 9-синфидан ўқирдим. Ўша пайтлари ҳам ишчи кучи етмаганидан бўлса керак, 1968 йилнинг 15-сентябр куни синф раҳбаримиз синфимиздаги беш-олтита ўғил болани Абдусаттор Сафаров бригадасига ишга олиб борди. Ишимиз машина пахта терадиган пайкалнинг юқорисидан ўн метрларча жойини ғўза поясини ўриш, терим машинасининг ўнғайгина буриб олиши учун жой очишдан иборат эди. Абдусаттор Сафаров Денов туманидаги доврўқли пахта бригадирларидан бири, менинг туғишган акам бўларди. Юқори ҳосилдор бригада бўлгани учун туманга ташриф буюрган ёзувчи-шоирлар, олимлар ва давлат раҳбарлари шу ерга келишарди.

Ишдан биров толиққанимиз учун шийпон ёнидан ўтувчи қатта кўча четидаги тут соясида бировгина дам олиб, суҳбатлашиб ўтирувдик. Бир маҳал ҳеч қутилмаганда яқингинамизга қоп-қора зулукдай «Чайка» келиб тўхтади. Ундан олдинма-кейин уч киши тушишди. Оҳорли оқ кастюм-шим кийган, бошидаги шляпаси ҳам шу кийимларга рангдош, салобатли, чиройли одам биз томон юрди. Бошқалар унга эргашди. Шляпали одам ҳаммамиз билан худди қатта одамлардек қўл бериб кўришди. Яхши эсламан. У киши шундай саволлар берди:

– Йигитлар адабиётни яхши кўрасизларми? Яхши. Унда «Меҳробдан чаён»ни ким ёзган?

Дарров синфдошларимга қарадим. Улар жим эди. Уларни ҳаяжон босганди. Мен худди синфдагидай қўл кўтардим.

– «Меҳробдан чаён» романини Абдулла Қодирий ёзган. У кишининг яна «Ўтган кунлар» романи бор. Зўр роман.

Шароф Рашидов яна савол ташлади.

– Мактабларинг Мичурин номи билан аталар экан. Мичурин ким?

Бу саволга бир синфдошим:

– Бу киши олим. Дунёда машҳур боғбон, – деди.

Куз бошланган бўлса-да, ҳали-ҳамон жануб куёши мўл-кўл нур сочар, ҳарорат ёздагидек эди. Шароф ота қўлидаги шляпа билан елпинганча яна бир неча саволлар берди:

– Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби ким?

Ҳаяжоним ёз куёшига ўхшаб кетди. Олдинга қандай икки қадам ташлаганимни билмайман. Баланд овозда, ўша пайтларнинг жасур йигитларидек жавоб қайтардим:

– Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби – Сизсиз. Сиз... Шароф Рашидов.

Сўнгги саволга жавобни билишимга менда тўла асос бор эди. Гап шундаки, шу пайтлари телевизор энди ҳаётимизга кириб кела бошлаганди. Отам кўп йиллар Ульянов номи билан аталган колхозда ҳисобчи бўлгани учун қишлоғимизда биринчи телевизор бизнинг уйга кириб келган эди.

Ўша пайтларни эсласам кулгим келади. Уйимиз кечқурунлари тўй бўлиб кетарди. Одамлар ҳовлига сиғмасди. Бу ҳисобчининг уйи, дея тортиниб ҳам ўтирмасди – телевизор кўргани келишарди. Телевизорда қизиқ кино бўлаётган куни-ку, ўтиришга жой топилмай қоларди. Қисқаси, мен телевизорда Шароф Рашидовни

кўп кўрардим. У киши «Чайка»дан тушаётганидаёк бу улуғ одамнинг Шароф Рашидов эканлигини дарров билувдим, танувдим.

Шароф Рашидов кетар чоғида ўқишимиз билан кизикди:

– Албатта Тошкентга боринглар, зўр-зўр ўқишларга хужжат топширинглар, – деди.

У киши кетди. Биз сеҳр кучоғида қолгандай эдик. Наҳотки, шу одам Шароф Рашидов бўлса! Бошқа иши йўқдай, оддийгина мактаб болалари билан эринмай суҳбатлашса! Уларнинг дунёсига орзу-ҳавасларига қизикди, дердик! Чиндан ҳам қойил қоларли эди.

1967 йили мактабимиз бизга оқ йўл тилаб, ҳаётга йўлланма берди. Барибир мактаб бағри яхши экан. Тинч, осуда. Фақат яхши ўқисанг бўлди. Ҳаёт тенгқурларим қатори мени ҳам роса чиғириқлардан ўтказди. Минг бир умид билан хужжат топширган Тошкентдаги политехника институтида айтганимдек бўлмади – тўплаган балларим етмади.

Маъюсланиб қолдим. Бир кўнглим Шароф Рашидов хузурига бормоқчи бўлдим. Ҳар хил андишалар бунга йўл бермади. Ректорга киришга мажбур бўлдим. Колхоздан йўлланма билан келганим инобатга олиниб, Тошкент политехника институтининг Бухородаги филиалига таклиф қилишди. Бу ерда кундузи ишлаб, кечкурун ўқишим керак эди. Худди шундай бўлди – нефтни қайта ишлаш бўлимида кечкурунлари ўқий бошладим. Институт маъмурияти бизни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишга киришимизни маслаҳат беришди. Факультетимиз кўмағида турли жойларда ишга жойлашдик.

Мен Бухородаги архитектура-чизмачилик конструкторига ёрдамчи сифатида фаолият бошладим.

Қисқаси, 1976 йили ўқишни тугатдим. Бунгача ҳаётимда хилма-хил воқеаларга дуч келдимки, уларнинг

барисини ёзаман десам танлаган мавзум – Шароф Рашидовдан четлашиб кетадиганга ўхшайман.

Мени кутилмаганда Бухоро вилояти обком котиби ҳузурига суҳбатга чақирди. Бу вақтгача мен ҳақимдаги барча хужжатлар, маълумотларни тахлаб бўлишган экан. Суҳбатдан сўнг обком котиби муовинига тайинлади:

– Когон тумани, «Қоровулбозор» массивидаги янги очилган «Бухоросовхозстрой» трестига обком йўлланмаси билан ишга жўнатилинг.

Обком муовини билан ташқарига чиқдик. Бизни яхшигина кийинган, хушқад бир киши кутиб турарди. Бу киши Азим Истамов бўлиб, мен борар трестнинг бошлиғи экан. Алқисса, яхши одамлар оғушида қизгин ишга киришиб кетдим.

1980 йилнинг 6 май куни Шароф Рашидов Қарши чўлига ўтаётиб «Қоровулбозор»га тушди. Бизнинг ишимизни кўздан кечирди. Бир маҳал Бухоро вилояти обкоми билан келган Ш.Рашидов ҳамма билан бир-бир кўришаётиб, менга келганда бирдан диққатландилар.

– Сен йигит кўзимга негадир иссиқ кўринасан. Адашмасам, сени Деновда кўргандим-а... Қаерда ўқини тугатгансан? Қаерда ишлайсан? Ишинг қандай?

Шу пайтлардаги ҳаяжонларга сўз йўқ, тавсиф йўқ. Ҳамма менга қарайди. Мен эса иссиқ укол олаётгандай тобора қизиб бораяпман.

– Ҳа...мен ҳам Сизни Деновда кўрувдим. Саволлар берувдингиз...

Шароф Рашидов обкомнинг биринчи котиби Абдувоҳид Каримовга юзланди:

– Бу ёш йигитни назоратга олинг. Қувватланг. Билимдон йигит.

Мен тахтадай қотиб қолгандим. Анграйиб қолгандим. Ана хотира, мана хотира! У киши бир кунда юз-

лаб одамлар билан учрашиб, юзлаб одамлар билан мулоқот қилади. Буларнинг барисини мендай эсласа... Худо меҳрлаган одам бўлса, шу кишича бўлади-да.

Орадан ўн кунлар ўтди. Трестимиз бошлиғи Азим Исматов Навоий вилоятидаги туманларнинг бирига райком котиби бўлиб ишга ўтди. Унинг жойи менга топширилди. Шароф Рашидовнинг яхши, беғараз мадади туфайли Бухорода иқболим очилиб келаётганди. Обрўйим, иззат-хурматим жойида. Обком биринчи котибининг ҳам хурмати баланд эди. Ана шундай кунларнинг бирида уйдан «отанг бетоб» деган хабар келди. Бу гап ҳаётимни остун-устун қилиб юборди. Отам ўғиллари ичида мени яхши кўрарди, бўлакча меҳрларди. Кўзимга трест бошлиғидай амал ҳам кўринмади. Тезда Деновга жўнаб кетдим.

Орадан ўн кунлар ўтиб-ўтмай мени Тошкентдан – кишлоқ хўжалиги вазирлигидан йўқлашди. Бу пайт отамнинг соғлиги яхшиланиб қолганди. Отам шундай дедилар:

– Тайин шу ерда ҳам Шароф Рашидовнинг қўли бор. Бухородагилар сенинг у ердан кетганингни айтишган бўлса керак. Билмайман, кўнглим шунга чопаётир.

Хуллас, вазир мени очик чехра билан қабул қилди.

– «Тўпаланг гидрострой»га муовин бўлиб иш бошлайсиз. Уйингизга яқин. У ерда Чеховский Владимир Михайлович директор, Ўзбекистон Марказқўмининг аъзоси, жуда яхши инсон...

Вазирнинг Чеховскийни мақтаганича бор экан. Ғоят ишчан, мулоҳазали одам эди. Биргалашиб кўп ишларни қилдик. Доимо ҳаммаслаҳат эдик.

Тақдир, нон насиба экан, турли жойлардаги ризқимни еб, 22 йил деганда азиз Деновга – ота юртга қайтдим.

1991 йилнинг апрель ойида Денов туманидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозига раисликка сайландим.

Хўжалик менга маъкул бўлди. Шунинг учун енг шимариб ишга киришдим. Аммо очигини айтай, хўжаликнинг номи менга ёқмасди. Фикримни туман ҳокими Эшмурод Турдалиевга (жойлари жаннатдан бўлсин) билдирувдим: «Буни элингиз билан маслаҳатлашиб кўринг», – деди.

Шу орада ишлаётганимга бир йил тўлиб, хўжалик аъзоларига бир йиллик ишлар ҳақида ҳисобот бердим. Ҳисобот йиғилиши охирида пахтакорларга, умуман, хўжалик аҳлига кўнглимдагини айтдим:

– Хўжалик номини ўзгартирсак: унга буюк инсон Шароф Рашидовнинг номини берсак, жуда яхши бўларди.

Одамлар гуриллашиб кетди, тўлқинланиб кетди: «Жуда тўғри!», «Жуда муносиб!»

Шундай одамнинг номини қўймасак, кимникини қўямиз? Шунда ўз-ўзимдан мамнун бўлиб кетдим. Кўз олдимда гуриллаган товушлар ичра чароғон чехрали Шароф отанинг юз-кўзларини кўриб турардим. У киши оқ-сарикдан келган, чуқур мулоҳазали, юксак салобатли инсон эдилар. Юзларига самимият ҳусн ва безак эди.

Аммо эртаси... Бу қувончларим ёрилган шардай бўлди. Чақирув бошланиб кетди.

– Келиб-келиб, сиз шундай одамми-а?... Ҳеч ўйламадингизми, кўркмайсизми?

– Шундай одам бўлиб нима қилдим? – журъатланиб гапирдим – Тошкентни Ўрта Осиёда битта қилиб қўйди. Вайрон бўлган шаҳарни бошқатдан тиклаб, керак бўлса, янгилаб кетди. Тошкент метросидай метро яна қаерда бор?

Яна кўп гапларни айтмоқчи бўлдим. Ҳалқумимга нимадир тикилгандай бўлиб, қаттиқ йўтал тутди. Бу йўтални пиёла-пиёла сувлар қондиrolмас эди. Ҳадеб ўқчирдим.

Бекорга нур борки, соя бор, дейишмайди. Йиғилишнинг эртаси куни Денов туман ҳокими Эшмурод

Турдалиев идорам эшигидан кириб келди. Мен кутмовдим. Кўришиб сўрашгач, қўлидаги телеграмма қозини қўлимга тутқазди. Телеграмма Шароф Рашидовнинг кизи Сайёра Рашидовадан эди. «Ҳурматингиз ва жасоратингизга қойилмиз. Сизларни отамнинг руҳи қўлласин»...

Қизиғи шундаки, телеграммада Сайёра Рашидова исми-фамилияси ёнида Шароф отанинг «покликка, вафога тимсол»и (А.Орипов) бўлган Хурсандой аянинг ҳам исми қўйилганди.

Буни қарангки, колхозга Шароф ота номи қўйилгани ҳақидаги хабарни Ўзбекистон телевидениеси, республика матбуотига деновлик олим, фидойи инсон Тоштемир Турдиев етказган экан. Сайёра Рашидова эса телевизордаги ахборотни эшитгач, шошилинч Деновга телеграмма жўнатган.

«Эркесвар элларнинг орзусин ёқлаган» (А.Орипов) Шароф Рашидовга юқорида баёнлаганимдай, меҳрим болаликдан тушганди. Чинакам меҳр айрилмас бало бўлар экан. У юракнинг тубига шундай маҳкамланар эканки! Унга етмоқ учун юрак эгасининг умри ҳам етмас экан. 1993 йили тонгда хаёлимга келган фикрдан кўнглим нурланиб кетди:

«Мен Шароф отага ҳайкал қўяман»!

Шу кунидек Тошкентга кетдим. Аввал Сайёра опани топдим. Эҳ, у кишининг қувониб кетганлари! Кўнгли ёш қизалоқлардай бўлиб кетди. Кўзларига ёш келди, бу қувонч ёшлари эди. «Бунча юрагингиз катта-а?! Биринчи бўлиб ном қўйиш, биринчи бўлиб ҳайкал қўйиш», – дерди у киши. Биргалашиб ҳайкалтарошни топдик. Мен хаёлимдаги, кўз олдимдаги Шароф отанинг кўришини, суратини баёнладим. Сайёра опа ҳам қўшимча қилди.

Бюст кўнглимдагидан ҳам зиёда бўлди. Ул зотнинг чехрасида бутун Ўзбекистон намоён эди! Жамийки ўзбек элининг нурли қиёфаси намоён эди!

1993 йилнинг 6 ноябри – Шароф ота таваллуд топган куни Денов туманининг «Озод» маҳалласида ўрнатилган бюст вилоят ҳокими Ҳаким Бердиев иштирокида тантанали равишда очилди. Бу маросим улкан тантананага, тўйга айланиб кетди. Шунда билдимки, Шароф Рашидов меҳри мен каби минглаб одамларнинг қалбига муҳрланган экан, ўчмас бўлиб жой олган экан.

2017 йилнинг 15–17-апрель кунида Деновда «Адабиёт анжумани» бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, академик Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, шоирлардан Сирожиддин Рауф, Абдурасул Жумакул, ёзувчи Тўлқин Ҳайит ташриф буюришди. Шароф ота Рашидов бюсти пойига гулчамбарлар қўйилди. Шу муносабат билан Шароф ота ҳақидаги хотиралар ёдланди. Шеърлар ўқилди. Қўшиқлар янгради. Айниқса, шеърхон қизлардан бири ёддан ўқиган шеър юракларни ларзага келтирди.

*Қуллуқ, Шароф ота, минг бора қуллуқ,
Боқий Ўзбекистон Сизга ҳам ёдгор.
Бугуну Истиқлол шавқига тўлиб,
Хизматингиз эслар такрор ва такрор.*

*Илоҳи, ҳар кимга берсинки тўзим,
Бут бўлсин Ватаннинг метин қўргони.
Сизни қўллаб турар Ўзбегим-ўзим,
Ва юртнинг посбони, жасур ўғлони.*

*Султон бўлмасангиз Шароф ота, гар
Яшардингиз қалам йўлдоши бўлиб.
Покликка, вафога тимсол муқаррар,
Хурсандой аянинг йўлдоши бўлиб.*

Ҳаким САТТОРИЙ,
ёзувчи

ДОЛГАЛИ УМР

1992 йил. Шўро тузуми (1917–1991) инсоният тарихида ўзигача бўлган тартибларга ўхшамаган ёндашувлар воситасида кун кўрди. Бундай бетимсол «новаторлик» замон пешволари – тузумга хизмат қилган зотлар таржимаи ҳолида ҳам ўчмас бўлиб акс этди. Бинобарин, одми мезонлар билан у воқеликни баҳолаш қийин. Жумладан, 1959–1983 йилларда 15–20 миллион аҳолига эга бўлган салоҳиятли республиканинг «биринчи киши»си бўлган Шароф Рашидов ҳаёти ҳам ана шундай контрастларга бой. Унинг хизматлари эътироф этилиб, жуда юқори сийлиқлар (хатто тузум асосчиси – Ленин номидаги нишонга СССРда рекорд даражада – ўн бир марта сазовор бўлган) билан мукофотланган, номи «қудратли давлат»нинг бармоқ билан санарли устунлари қаторида турган бўлса-да, ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам турли узункулоқ гаплар – пахтанинг харид нархи кескин оширилмоқчи бўлганда бошқа «қардош республикаларга ҳурмат юзасидан байналмилал бурчига содиқ қолиб» бунга қарши чиққан сингари – анчамунча маълумотлар юради.

Тошкент зилзиласидан кейинги жонфидолигини, айниқса, метро қурилиши билан боғлиқ собитлигини мамнун эшлашади. Сибирь сувларининг Ўрта Осиёга келмаганини унинг вафоти билан боғлашади. Илм ва ижод аҳлига меҳрини ҳамон кўмсашади. Хуллас, бу инсоннинг номи юртимизда ҳеч кимни бепарво

қолдирмайди. Вафотидан сўнг хотираси бадном этилгани, жасади кўчирилгани ҳам рост. Тухмат тошларини ким ўзарга отиш авж олиб кетган паллада бир гуруҳ содиқ фидойиларнинг уни ўзбек халқининг асил фарзанди деб чиққани ҳам бўлган гап. Фараз қилиш мумкинки, шундай руҳдаги қарама-қарши қарашлар бундан кейин ҳам давом этаверади. Негаки, ўша тузумнинг ўзи зиддиятли, ғайриахлоқий бўлган.

Ана шундай мураккаб тақдирли инсон фаолиятини атрофлича тасаввур қилишга ёрдам беради, деган илинж билан қуйидаги мақола ҳам китобдан жой олмоқда.

* * *

Биз мазмун ва моҳият жиҳатдан тарихий кунларда яшамоқдамиз. Бу, аввало, қадимий заминда мавжуд бўлган ва кейинчалик «Ўзбекистон» деган ном остида бирлашган мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани билан изоҳланса, иккинчидан, тарихга, инсоний кадриятларга, бўлиб ўтган катта-кичик воқеа-ҳодисаларга, шахслар фаолиятига холисона, инсоф билан, қолаверса, умумжаҳон мезонлари талаблари асосида баҳо берила бошланганидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, бир вақтлар инсоният маънавияти тараққиётига маданият бешиги – Византиядан кам таъсир этмаган Турон – Мовароуннаҳр заминида яшаб ўтган улуғ бобокалонларимиз меросини халқимизга тўлалигича қайтарилаётгани, миллий урф-одатларимизга кенг йўл очилаётгани, ислом дини арконларини дил эҳтиёжи сифатида қабул қилинаётганини фақат кутлаш керак бўлади.

Социализм шароитида шахс фаолиятига баҳо беришда муросасиз муносабат ҳукмронлик қилди. Қайсидир «дохий» амалиётга киритган «Ким биз билан бўлмаса, бизнинг душманимиздир», яна «Агар душман

таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар» қабалидаги ёндашувлардан келиб чиқиб, одамлар икки қутбга ажратилдилар, ўртадаги учинчи йўл ёки муроса майдони йўқотилди. Шунга мувофиқ шахс фаолияти (бу, айниқса, йирик давлат, партия арбоблари фаолиятида аниқ кўринади) тарозига қўйилганда, у ё пайғамбар даражасига чиқариб улуғланди, ё бутунлай қора бўёк чапланди. Ҳолбуки, табиатнинг нодир мўъжизаси, олмос қиррали фаолият соҳиби Инсон бундай сийқа ўлчовларга сиғмас эди. Ҳар қандай буюк одамда ҳам жузъий камчиликлар бўлиши ёки ёмонотлиқ кишилар ҳам қалбида баъзи эзгуликларни сақлаб юриши мумкин-ку! Ахир халқ мақолларида беҳудага «Ойда ҳам доғ бор» ёки «Беш бармоқ баравар эмас» деб айтилмаган! Бундай доно гапларни эътироф этмаслик туфайли қанчалаб кишилар бадном этилдилар, каторгага юборилдилар, отилдилар...

Айтиш мумкинки, қарийиб 30 йил давомида юқори раҳбарлик лавозимида – дастлаб Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси, кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда ҳам юқоридагидек бир ёқлама йўл тutilди. Унинг барча хизматлари рад этилди, номи бадном қилинди. Афсуски, бу шўришлар у тириклигида эмас, вафотидан кейин, ҳатто қабрининг тупроғи совимасидан бошланиб кетди. Бу хатти-ҳаракатлар на мусулмончиликка, на оддий инсоний одобга тўғри келарди.

Албатта, бугунги хушёр зехн, мустақил давлат фуқароси гурури билан ўша воқеаларга баҳо бериш қийин эмас. «Рашидовчилик» деган сунъий атаманинг тўқиб чиқарилгани, худди жиноят кодексидаги бир модда сингари шу айб билан кўплаб кишиларнинг қатағон қилингани шунчаки англашилмовчилик бўлиб қолмай, мустабидлар 37–50-йилларда ўтказган қирғин, миллат-

нинг етук фарзандларидан жудо қилиш тадбирининг навбатдагиси экани маълум бўлиб қоляпти.

Шундай қилиб, замон машинаси тескари айлана бошлаган пайтларда кечагина Рашидовнинг соясига салом бериб юрган кўплаб нухсалар соҳилнинг нариги томонига ўтиб, унга тош отишдан уялмадилар. Бирок имони бутун, эътиқоди мустаҳкам кишилар унинг номини, хизматларини қалбида сақлаб юрдилар. Улар қаторида Рашидовнинг садоқатли шогирдлари, бирга ишлаган сафдошлари, ҳатто уни бир кур кўрмаган, лекин қадрини қалбидан ҳис этган кўплаб кишилар бор эди.

Халқ иродасининг рамзи сифатида юзага чиққан катъият, жасорат ҳали қизил империя барбод бўлмаган кезларидаёқ ўз самарасини бера бошлаган эди. Қалбига қулоқ солган фаросатли арбоблар Рашидовнинг хизматларига холисона баҳо бериш фурсати етганини, бу кўплаб кишиларнинг дил истаги эканини англаб етди ва ўзига хос жасорат билан буни элга ошкор қилди.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Шароф Рашидовнинг 75 ёшини бутун республикада байрам қилиш ташаббуси ҳеч кимда таажжуб уйғотмади. Бу мустақиллик йўлига кирган мамлакатнинг ўз тарихида нурли из қолдирган, тараққиёти ва равнақи йўлида катта ишлар қилган фарзандига миннатдорчилиги, эътирофи эди. Қолаверса, тириклигида нукул ташвишлар ичида ўралиб, бирон муносабат ила ўз юбилейи-ю қувончли кунини халққа маълум қилишдан истиҳола қилган камтар, камсуқум одам хотираси ҳурмати – бу умумхалқ тўйи қонуний ва жоиздир.

Гапнинг индаллосини айтганда, аниқ бир тасаввур ҳосил қилиш учун Ўзбекистоннинг ўтган асрнинг 60–80-йилларидаги йигирма йиллик тараққиёт даврини кўз олдимишга келтирайлик.

Шароф Рашидовда марказнинг темир иродасига қарши бора олиш салоҳияти ва жасорати бўлган. Пахта ялпи ҳосилини 6 млн тоннага етказиш талаби кўйилганда Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга оқизиш шартини қўйди. Мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолиши кўзда тутилган Қарши чўлини ўзлаштиришнинг бош лойиҳасида шу ҳол ҳисобга олинган эди.

Янги ерларни ўзлаштириш, шу билан боғлиқ равишда турар жойлар ва коммуникация воситалари барпо қилиш кенг жабҳа бўйлаб давом этди. Шароф Рашидов ташаббуси билан 1960 йилда Ўрта Осиё ҳудудида ирригация ва совхозлар қурилиши билан шуғулланувчи бош бошқарма ташкил қилинди. У Мирзачўл, Қарши ва Амударёнинг қуйи қисмида йирик массивларни ўзлаштириш бўйича катта ҳажмли ишларни амалга оширди. 1 млн гектарга яқин янги ерлар халқ хўжалик оборотига киритилди.

Иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиши билан бир қаторда Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарлар сафида янги аҳоли посёлкалари, қишлоқларда ҳам катта ҳажмли қурилиш ишлари олиб борилди. Навоий, Зарафшон, Учқудук, Ширин, Маржонбулоқ, Нуробод, Бўстон каби янги шаҳарларнинг дунёга келишида Шароф Рашидов бош-қош бўлди. Лойиҳаларни тайёрлашдан тортиб, уларга чиройли ном қўйишгача биринчи раҳбарнинг ўз дастхати ва ҳиссаси бор.

Шароф Рашидов ўша пайтда «Шарқ машъали» деб тан олинган Тошкентни жон-дилдан севарди, уни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш орзуси билан яшарди. Бу туйғунинг ифодасини 1966 йилги зилзиладан кейин қайта туғилган Тошкентнинг жамолига қараб тўла ҳис этиш мумкин.

Адабиёт-санъат, илм-фан аҳлига кўрсатилган эътибор туфайли жаҳон андозалари билан бемалол белла-

ша оладиган бадий, сахна, кино асарлари яратилди, оламшумул кашфиётлар қилинди.

Гарчи ижтимоий ҳаётда маълум ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, бу мустабид тузум моҳиятини ҳас-пўшлай олмайди. Шубҳасиз, текин хомашё манбаи, ар-зон ишчи кучини абадий саклаб туриш учун шундай ён беришлар жоиз бўлгандир. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг чинакам нурли тарихи энди бошланди. Унда Шароф Рашидов ўз даврининг халқига фидойи фар-занди сифатида қайд этилиши, шубҳасиз.

2017 йил. «Вақт – ҳакам» дейишади. Ўтган йиллар ҳам йирик давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов хотирасини яна бир марта синовдан ўтказди, дейиш мумкин. Бу, аслида, хотира эмас, хотирага муносабат синови эди. Мамнун бўладиган томони шуки, Прези-дентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган қарор халқимиз кўнглидаги гап бўлди. Гапнинг сираси-ни айтганда, азиз хотираларни юракдан суғуриб ташлаб бўлмас экан. Очиғи, катта авлод вакиллари тасдиқлаши мумкин, Шароф Рашидов биринчи шахс бўлиб турган йилларда юртимиздаги ҳар бир фуқаро қалбида бу ин-соннинг ўзига хос тимсоли муҳрланган эди. Ҳар бир одамнинг ўз Шароф Рашидови бор эдики, бу тасаввур айнан идеал даражасига тенг эди. Эсимни танигандан мен ҳам бу ҳодисага қизиққанман...

Тоғ қишлоғида асосий ахборот воситаси бўлган ра-диодан бир киши нутқ сўзляпти. Овоз шунчалик ма-йин, самимийки, беихтиёр маҳлиё бўлиб қолади киши. Мен ҳам охиригача миқ этмай тингладим. Гап чорва озуқаси тайёрлаш, маккажўхоридан юқори ҳосил олиш ҳақида кетарди. Нутқ тугади ва бошловчи нотикни маълум қилганда, ҳайратим яна ортди. Биринчи марта Ш.Рашидовнинг жонли овозини шу тахлит эшитган-ман ва бу мен учун чинакамига тарихий воқеа бўлган.

Ўқишдан таътилга чўлдаги янги хўжалигимизга борсам, қишлоқда тўла байрам руҳи ҳукмрон. Ҳамманинг оғзи қулоғида, дуч келган одамни тўхтатиб, қувончини баҳам кўради: «Хабарингиз борми, бизнинг даламизга Шароф Рашидов келди!» Кейин гап нимадалигини суриштириб билдим. Пахта терими палласи катта йўлга яқин пайкалдан бола-бақра «оқ олтин» йиғиштириш билан банд экан. Кетма-кет машиналар тўхтаб, бирдан айнан Шароф Рашидов тушибди ва дала оралаб, одамлар ҳузурига келибди, улардан ҳол-аҳвол сўрабди. Деҳқонча гурунг бошланиб кетибди. Яқин орада чоллар ҳам бор экан, улар ҳам келишибди. Тафсилотларни бир-бирига гал бермай сўзлашарди. Айниқса, қўл олишиб кўришишга муяссар бўлганлар бахтиёр эди. Айримлар икки-уч марта айланиб кўришганини яширмай, оғзини тўлдириб гапирарди. Бу оддий одамларнинг ўз Раҳбарига меҳри эди.

Вилоят газетасида хизмат қилиб юрган йилларим Шаҳрисабз туманидаги Гулистон хўжалигига бир шикоят изидан бордим. Суриштиришлар чўзилиб кетиб, шу окшом меҳмонхонада қолдим. Тўрдаги кенг-мўл кароватга жой қилиб қўйишган экан. Тоза ҳаво, ишлар ҳам кўнгилдагидек битди. Мириқиб ухладим. Эрталаб мезбон келиб, ҳол-аҳвол сўради-да: «Яхши ухладингизми, ҳеч нарсани сезмадингизми?» – деб сўради. У ўзича мамнун ва сирли эди. «Ҳар ҳолда босиринқирамадим», – дедим. «Э, бу хосиятли кароват. Бир вақтлар Шароф Рашидов дам олган», – деди. Ўшанда изғирин шамоллар эсиб турган бўлса-да, оддий инсоннинг кайфиятида заррача хижолат йўқ, аксинча, у қора булутлар ўтиб кетишига қатъий ишонгандек эди. Бу ҳам ватандошларнинг ҳақ танатанасига ишончи, ўз Раҳбари хотирасига таъзими эди.

**Жамолиддин МУСЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси**

ЎЗ ДАВРИНИНГ ФАРЗАНДИ

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон мамлакатга пахта етказиб берувчи асосий республика эди. Режалар Москвадан берилар, нима қилиб бўлса-да, режани ба-жариш «қонуни» ҳукмрон эди.

1959 йили етти йиллик режа қабул қилинган бўлиб, унда 1965 йилга келиб Ўзбекистонда пахта етишти-риш ҳажмини 1,2-1,3 марта ошириш кўзда тутилган эди. Шу мақсад йўлида Мирзачўл, Фарғона водийси, Сурхондарё ва Амударёнинг куйи оқими, Қарши ва Шеробод чўлларида йирик ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошлаб юборил-ди. Чимкўрғон, Тошкент, Жанубий Сурхон ва Каркидон сув омборларининг биринчи навбати, Аму – Қоракўл ва Жанубий Мирзачўл каналлари ҳамда мамлакатда энг йирикларидан бири бўлган Аму – Бухоро машина канали ишга туширилди. Сув омборларининг умумий ҳажми икки мартага оширилди. Минглаб гектар янги ерлар очилди.

Аммо «коммунизм қурувчилари»ни Оролнинг тақ-дири, экологик муаммолар ва дефолиация тагида қолган халқнинг тақдири асло қизиқтирмади. Бу тақдир эса аянчли эди: республикада юқумли касалликларнинг тарқалиши ва болалар ўлими ўртача Иттифоқ даража-сидан анча юқори, сут маҳсулотлари ва гўшт истеъмол қилиш эса ўртача Иттифоқ даражасидан икки баробар паст эди.

Республикада ижтимоий вазият мураккаб бўлиб, хал қилинмаётган муаммолар тўпланиб, охир-оқибат 80-йилларнинг охирларидаги бир қатор ғалаёнларга олиб келди.

Муаммоларга қарамасдан, Москва борган сари кўпроқ пахта талаб қилаётган эди. Ўзбекистонда эса борган сари пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилиб, етиштирилаётган пахтанинг умумий ҳажми ошиб борди.

Ўша пайтда фақат Ўзбекистонда эмас, СССР деб аталмиш бутун мамлакатда раҳбарлар қўлдан келганича бир-бирини, ҳаммаси йиғилиб эса қариб, мақтовларга суяниб қолган Бош котибни алдаш билан банд эдилар. Аллақачон ўзини бошқаролмай қолган Л. Брежнев ва унинг атрофидагиларга республикалар раҳбарлари томонидан хушомад, лаганбардорлик кулгули, баъзан жирканч тус олди. Гўё бу соҳада ҳам социалистик мусобақа авж олганди. Тўғрироғи, буни ўзлари талаб қилишарди десак ҳам адашмаймиз.

Шарафли умрнинг сўнгги кунлари

1983 йили ҳам республикамизга 6 миллион тонна пахта тайёрлаш режаси туширилган эди, бироқ ўша йили об-ҳаво ноқулай келган, пахта яхши бўлмаган эди.

Леонид Брежневдан кейин тахтга ўтирган Юрий Андропов бу режани бажаришни талаб қиларди. Шу билан бирга у Шароф Рашидовга қарши қора режаларини тайёрлаётган эди.

Йил оғир келди. Тундбашара бош котибнинг кўнглини топиш, партия тошпириғи – «оқ олтин» режасини ўз вақтида ва ошириб бажариш қийин эди. Бу режани уйдлаш ёки уйдламаслик кўп нарсаларни белгиларди. Ўзбекистонда улкан хирмон учун омонсиз кураш бошланди. «Миллион эгатларга сочилган халқ» ва унинг

ишбошилари тақдири ана шу олти миллионлик хирмон тақдирига боғланиб қолганди.

1983 йилнинг 18 октябр куни КПСС МК котиби И.В. Капитонов Ўзбекистонга келди. У «ўртоқ Андроповнинг топшириғини турмушга тадбиқ этиш соҳасидаги иш билан танишиш»га келган эди. У 21 октябр куни жўнаб кетди. 24 октябр куни эса Шароф Рашидов Хоразмга келди. Нега? Ўша йили хоразмликларнинг деҳқончилик соҳасида ишлари ўнгидан келганди. Улар режани бажариб, қолган вилоятлар юқини бир мунча енгиллаштириши мумкин эди.

Рашидов Хоразм туманларидан ташқари, 28 октябрда Амударёнинг ўнг қирғоғига – Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманларига бориб келади. Одамларнинг дардларини эшитиб, маслаҳатлар беради. Икки кундан кейин Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларига бориши, у ерда беш кун бўлиб, кейин Тошкентга қайтиши керак эди.

29 октябр куни Хоразм пахта тайёрлаш режасини бажаради. Шу куни Хивани зиёрат қилди. 30 октябр кунига режа уддалангани шарофати билан партия совет фаоллари йигилиши белгиланган эди. Йиғилиш кечроқ бошланади. Тошкентдан ташқи ишлар вазири Б.Абдураззоқов билан Куба элчиси Хоразмга келади-лар. Элчи ўз муддати тугагани сабабли юртига қайтаётган, айна кезде инқилоб раҳбари Фидель Кастронинг саломини келтирганди. Рашидов Куба элчисини вилоят ижроқўми биносида қабул қилади, ўзаро суҳбат бўлиб ўтади.

Ўша пайтда Хоразм вилояти раҳбари бўлган М.Худойбергановнинг эслашича, фаоллар йигилиши кўтаринки руҳда ўтган, Ш.Рашидов вилоят раҳбарларидан яна қирқ минг тонна пахта беришлари ваъдаларини олган. Йиғин кеч соат ўн бир яримларда тугайди. Қорақалпоғистонга кетаётган Ш.Рашидовни чегарага-ча Хоразм раҳбарлари кузатиб қўйишади.

Яна бир қизик ҳолат: Шароф Рашидов М.Худойбергановдан ноёб китоб, полковник Ф.И.Лобесевич ва генерал-адъютант В.Н.Троцкийнинг 1898 йилда Санкт Петербургда нашр қилинган «Описание Хивинского похода 1873 года» нашрини олиб кетади ва ундан нусха кўчиртириб, эртасига қайтариб берган.

Нега? Руслар истилоси ҳақидаги асарни ўқиш унга нега керак бўлиб қолди? Ўлим арафасида шўро империясига шунча йил қилган хизматларига кўрсатилаётган ишончсизликдан кейинги афсусли ўйлари натижасимиди бу?

Мухтор республика раҳбари Қ.Камолов уни кутиб олади. Унинг махсус вагон уйи Урганчдан Нукусга жўнатилган эди. Ш.Рашидов Нукусга кирмайди, ҳеч ким билан учрашмайди. Тўппа-тўғри вагон жойлаштирилган станциянинг хилват бурчагига боради ва шу ерда Қ.Камолов билан хайрлашади. У эртасига туманларга чиқишини айтиб, дам олажагини айтади.

Кечки соат еттиларда юрак хасталиги хуруж қилади. Уни ташқарига олиб чиқишларини сўраган, бир муддат вагон олдига қўйилган омонат ўриндиқда ўтирган. Аҳволи яхшиланавермагач, ичкарига кириб ётиш истагини билдиради...

Эртаси куни газеталарда Шароф Рашидовнинг фалоллар йиғилишидаги нутқини ўқиётган одамлар республика раҳбари бу ёруг оламни ташлаб кетганини билишмасди. Унинг юраги 31 октябрь эрталаб соат 5 да уришдан тўхтаган эди...

Орадан бир йил ўтиб-ўтмай, Ўзкомпартия XVI пленумида Шароф Рашидов ҳар томонлама қоралаб ташланди. Собик Марказ мустабидлари «Рашидовчилик» деган уйдирмани ўйлаб чиқишди ва бунга Андроповнинг вакили Лигачёв раҳбарлик қилди. «Пахта иши», «Ўзбек иши» номи остида ўн минглаб кишилар қатағон қилинди...

Бу ишларга мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов биринчи қадамларидаёқ чек қўйди

Шу ерда савол туғилади. Нега Леонид Брежнев даврида СССР деган улкан мамлакатнинг ҳамма бурчагида ташмачилик, қўшиб ёзишлар авжига чиққанда Андропов ҳужумни Ўзбекистонга қаратди?

Гап шундаки, ўша пайтда юксак совет раҳбарларининг нафси тўгрисида жаҳон матбуоти катта шов-шувлар кўтарганди. Масалан, СССР Олий Совети Президиумининг котиби, учинчи даражали раҳбар М.Георгадзе вафотидан сўнг унинг хонадонидан 6 миллиард рубль ва 2 миллион доллар, ўз жонига қасд қилган Цвигундан деярли 2 миллиард сўмлик бойлик топилган эди. Цвигун Андроповнинг ДХҚдаги биринчи ўринбосари, Брежневнинг божаси бўлган. Бу маблағлар айрим республикаларнинг бутун йиллик бюджетига тенг эди. «Пахта иши»га раҳбарлик қилган Гдлян-Иванов кампанияси деярли 7 йил давомида 22 минг кишини қамаб, қийнаб уларнинг қариндошлари ёрдамида олган 44 миллион рублни юкоридаги аждаҳоларнинг миллиардларига солиштириб бўладими?

Ю.Андропов дунё аҳлини бу бедодликлардан чалғитиб, улар эътиборини бирор республика «иши» баҳонасида Марказдан четга қаратишни ўйлаган эди.

Кейин эса, сўнгги совет раҳбари М.Горбачев янада ифлос ишга қўл урди: эрта-ю кеч демай меҳнат қилиб, қолоқ аграр республика бўлган Ўзбекистонни саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган юртга айлантирган Шароф Рашидовнинг хотираси ҳақоратланиб, қабрини тинтув қилиш ва кўчиришга томошабин бўлиб турди.

Ушбу воқеалар – зуваласи зўравонлик ва ноинсонийликдан қорилмиш шўро тузумининг ҳақиқий баъшарасини кўрсатади. Қуруқ сўзларга алданган халқ

ва унинг раҳбарининг фожиаси ҳам бу ҳодисотнинг тадрижий давомидир.

На дўсти ва душманига ва на оддий фуқароси-ю каттаконига яхшиликни раво кўрмаган тузумнинг кун келиб чок-чокидан сўкилиб йўқликка юз тутгани эса энди ҳеч кимни ажаблантирмайди. Тарих ҳамма нарса-ни жой жойига қўйиб қўйди.

Жисму жонини ўз халқига бағишлаган улуғ инсон Шароф Рашидов ҳаёт бўлганида, ҳеч бир иккиланмай комил ишонч билан Мустақилликни қучоқ очиб кутиб олган ҳолда унинг олдинги сафларида юрган бўлар эди. Чунки, у ўзининг бутун ҳаёти, амалга оширган ва қилиб улгуролмаган улуғ ишлари ҳамда ижоди билан мана шу улуғвор, афсонавор ёруғ айёмнинг келишини, шубҳасиз, орзу қилган. Энг оғир шароитда, унгача бўлган ҳеч бир раҳбар «СССР» аталмиш баҳайбат қизил аждар комидан ўзбек халқининг туз-насибасини унингчаллик тортиб ололмаган ва бу билан у мустақиллигимизга замин яратган, деб айта оламиз.



Абдумуталлиб ҚОСИМОВ,
публицист

ХАЛҚҚА БАҒИШЛАНГАН УМР

Шароф Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган чорак аср республикамиз тарихидаги мураккаб даврлардан ҳисобланади.

1960 йилларда Ўзбекистон собиқ СССРнинг қолоқ аграр республикаларидан бири бўлган. Аммо Шароф Рашидовнинг оқилона раҳбар ва ватанпарварлиги туфайли, юртимиз ўтган асрнинг 80-йилларига қадар кўплаб кўрсаткичлар бўйича анча шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Айнан ана шу ораликда Ўзбекистоннинг илмий, саноат ва кишлоқ хўжалик салоҳияти кескин кўтарилди ва Ўрта Осиёнинг энг кўзга кўринарли республикасига айланди десак хато қилмаймиз. 60-йилларгача Ўзбекистон саноати асосан кичик корхона ва артеллардан иборат бўлган бўлса, Шароф Рашидовнинг хатти-ҳаракати туфайли кўплаб йирик корхоналар ишга туширилди.

1976–1981 йиллар орасида саноат ишлаб чиқариши деярли 30 фоизга ўсган, Олмалик ва Самарқанд минерал ўғитлар заводлари, Фарғонада триацетилцеллюлоза, Навоийда каторан, Чирчиқда капролактан ишлаб чиқариш қувватлари, умуман юзга яқин саноат корхоналари ишга туширилган. Жумладан, Хива гилам комбинати, Қувасой чинни заводи, Андижон, Бухоро, Марғилон тўқимачилик комбинатлари, Урганч, Гулистон ёғ заводлари, шунингдек, бир неча маҳаллий, мебель, балиқ саноати корхоналарининг ишга туширили-

ши Шароф Рашидовнинг она юрти ва унинг келажаги учун қанчалик қайғурганини кўрсатади.

Факатгина Наманган вилояти мисолида ўша йиллардаги ўзгаришларни кўриб чиқайлик: 1965 йилгача кичик сув электростанциялари бўлган вилоятга уч томондан 220 кв кучланишли подстанциялар қурилди. Натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланиши анча тезлашди. Кўп минг кишилик жамоаларни ташкил қилган Наманган шойи ва костюмбоп газламалар, аврли газламалар комбинатлари, Наманган машинасозлик, механика заводлари, Ўзэлектротерм илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи, Уйчи, Учқўрғон тўқимачилик фабрикалари, Поп нотўқима материаллар фабрикаси, Чодак олтин ишлаб чиқариш фабрикалари ишга туширилди. Кимё заводи, НУР ишлаб чиқариш корхонаси, Наманган нотўқима материаллар фабрикаси ва бошқа кўп корхоналар тўла реконструкция қилинди. Наманган қишлоқ хўжалигида 1978–1980 йилларда 25 та боғдорчилик ва узумчиликка асосланган совхозлар ташкил қилинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўша даврда бу каби ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Шароф Рашидов республика пахта хирмонидан келадиган фойданинг ўн фоизигина республикага тегишини яхши биларди. Ўзбекистон ривожланиш бўйича собиқ СССРнинг Европа қисмидаги республикалардан анча ортда қолган эди. Республиканинг салоҳияти қанчалик катта бўлмасин, собиқ Марказ асосий фондларнинг катта қисмини мамлакатнинг Европа қисмида жойлаштириш сиёсатини юргизарди.

Партия съездларининг навбатдаги беш йилликларга мўлжалланган директиваларида Ўрта Осиё республикалари учун «ички резервлардан самаралироқ фойдаланиш» каби «ривожланиш дастурлари» белгиланар эди. Шунга қарамай, Ш.Рашидов республикада саноат-

ни ривожлантиришга жон-жаҳди билан курашар ва кўпинча бу курашда енгиб чиқишга муваффақ бўларди.

Республикада рангли металлургияни ривожлантиришга ҳам Ш.Рашидов катта ҳисса қўшган. Унинг бевосита ташаббуси билан 1962 йили Олмалиқ мисни бойитиш фабрикаси, 1967 йили Мурунтов олтин кони ишга туширилди.

Кейинчалик Навоий, Зарафшон ва Учкудуқ шаҳарлари курилди. Ўзбекистон фақат «оқ олтин» эмас, ҳақиқий олтиннинг ҳам кони эканлиги исботланди. Мурунтовда ҳар йили 18 млн тонна руда қайта ишланар, дастлаб йилига 50 тонна олтин олинган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 70 тоннани ташкил этди. Бу корхонанинг қуввати ва олтиннинг софлиги бўйича дунёда тенги йўқ эди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон дунёдаги энг йирик олтин ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. Кейин Олмалиқ комбинати, Ангрен, Чодак, Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикалари курилди. Лекин, афсус, олтинларнинг ҳаммаси Москвага етказилар ва сарфлаш ҳам у ерда ҳал қилинар эди. Республика раҳбариятига олиб кетилаётган олтиннинг қанчалиги ҳам билдирилмасди.

Ўзбекистон собиқ Марказ империячи тизимининг «кашфиёти» орқали дотацияда ушлаб туриларди. Ваҳоланки, республикада фаолият кўрсатган иттифоқ вазирликлари тасарруфидаги корхоналар маҳаллий бюджетга ҳеч нима бермасди.

Тошкент шаҳрини қайта қуриш, 1974–1977 йилларда Тошкент метрополитени қурилишига эришиш, бу борада ўша замоннинг қудратли органи партия Сиёсий бюросининг қарорини олиш осон кечмаганлиги ҳозир яхши маълум. Бугун халқимизга хизмат кўрсатиб келаётган мухташам «Истиклол» санъат саройи ҳам ўз даврида Шароф Рашидовнинг ғояси асосида, «Халқлар дўстлиги» номи билан қад кўтарган эди.

Собиқ Иттифокда республикаларнинг бор-йўғи уч миллион сўмликкача қурилишни амалга ошириш ҳуқуқи бор эди. Бу маблағга битта цех ҳам қуриб бўлмасди. Ҳамма нарсани, ҳатто оддий «салафан пакет»ни ҳам Московдан сўраб олинарди. Яқин ўтмишимиздаги бундай тобелик ва зугумли даврларни бугунги озод авлодларимиз яхши билиб қўйишлари керак!

Мен Шароф Рашидовни уч бора кўришга муяссар бўлганман: Биринчи бор 1971 йилда Тошкентда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, аълочи талабаларнинг 1-республика слётида бўлса, иккинчи бор 1977 йилда Намангандаги Машраб номидаги кинотеатрнинг, 1978 йили Тўрақўрғондаги шон-шухрат музейининг очилишида эди.

Менда шундай таассурот колган: бу киши истараси ниҳоятда иссиқ, содда ва оддий инсон бўлиб, юзидан нур ёғилиб турарди. У оддий одамлар билан жуда самимий ва содда тилда гаплашарди. Айтишларича, чет эллардан келган меҳмонларни Тошкентдаги Олой бозорига ҳам огоҳлантирмай олиб борар экан.

Машраб номидаги кинотеатрнинг очилишида бу маскан Машраб номига қўйилгани учун жуда хурсанд бўлиб, шаҳар ва вилоят раҳбарларига раҳмат айтган эди. Ваҳоланки, Машраб номига вилоят раҳбарияти тиш-тирноғи билан қарши бўлганига қарамай ўша пайтдаги шаҳар раҳбари, шоир Ҳайитбой Азимов қатъийлик билан афсонавий инсон номини ҳимоя қилган эди. Бу мисол Шароф Рашидов миллий-маънавий бойлигимизга эътиборсиз бўлмаганлигини кўрсатади. 1970 йилда у кишининг қўллаб-қувватлаши туфайли қадимий Наврўз байрамимиз «қувғин»дан қайтарилган эди. Бирок, Шароф отанинг вафотидан кейинги раҳбарият бу байрамни иккинчи бор «қувғин» қилди.

Шароф Рашидов 50-йилларнинг ўрталарида бошланган чўлларни ўзлаштириш, қўриқ очиш дастурлари

республика комиссиясининг раиси эди. У кишининг бевосита раҳбарлигида Мирзачўл – кечагина чўл бўлган жойларда кўплаб совхозлар тузилди, Навоий, Зарафшон, Гулистон, Янгиер, Учқудук шаҳарлари пайдо бўлди, Сирдарё вилояти ташкил топди.

Шароф Рашидов шоир, ёзувчи, публицист сифатида машҳур эди. Унинг ижоди асосан 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган бўлиб, дастлаб шеърятда қалам тебратган. Унинг биринчи йирик асари «Чегарачи» поэмаси 1937 йилда нашр қилинган. Илк шеърый тўплами «Самарқанд куйлари» номи билан босилган. Сўнг эса «Ўлкам», «Орзуимиз» (1939) каби шеърлари чоп этилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм устидан ғалабага етакловчи шеърлар ёзиб, 1945 йилда «Қаҳрим» номи билан тўплам сифатида чоп эттиради.

1940 йилда ўзбек халқининг қурилишдаги қаҳрамонликлари ҳақида «Кўриқда» ҳикояси, «Меҳнатчи қизлар» очеркини яратди. 1951 йилда «Ғолиблар», 1956 йилда ҳинд халқи афсоналари асосида «Кашмир кўшиғи» қиссасини эълон қилди. 1958 йилда яратган «Бўрондан кучли» романида Ойқиз, Олимжон образлари «Ғолиблар» қиссасининг қаҳрамонлари бўлиб, асарда ўзбек халқининг янги қурилиш давридаги ҳаёти, кураши, руҳий дунёси, маънавий савияси ёрқин кўрсатиб берилган. 1964 йилда ёзилган «Қудратли тўлқин» романида уруш йиллари ўзбек халқининг фронт ортидаги қаҳрамонона меҳнати Фарҳод ҒЭС қурилиши тимсолида акс эттирилган. Шароф Рашидовнинг публицистик мақолалари 1950 йилда «Тарих ҳукми», 1967 йилда «Дўстлик байроғи» номларида тўплам қилиб нашр этилди.

Шароф Рашидов ниҳоятда банд бўлишига қарамай, кечалари мижжа қоқмай юксак савияли асарлар яратди. Ижодкорнинг «Кашмир кўшиғи», «Икки дил достони» каби лирик қиссалари анъанавий Шарқ дostonчилиги

услубида битилган бўлиб, ёшлик, баҳор, гўзал ҳаёт нашидаси мадҳига бағишлангандир. Адиб ҳаётининг сўнгги йилларида яратган «Дил амри» киссаси Ватан уруши йилларида Беларус заминида кечган жанг манзаралари, турли миллат жангчиларининг ғалаба йўлида олиб борган ҳаёт-мамот кураши тасвирига бағишланган.

«Кашмир кўшиғи» киссаси дунёнинг 56 мамлакатига таржима қилиниб чоп этилган.

Шароф Рашидов ёш ижодкорларни биринчи қадамлариданоқ билиб олар ва улар ҳақида ғамхўрлик қилар эди. «Ўзбегим» шеъри учун Эркин Воҳидовни катагон қилмоқчи бўлганда ҳимоя қилган, Ҳалима Худойбердиевага ўқувчилик йилларидан ҳомийлик қилган эди.

Шароф Рашидов ижодкорларга ана шундай руҳлантирувчи куч берардилар.

Шароф Рашидов республикани бошқаришдек сермашаққат фаолият, шунингдек, ижод қилиш билан бир қаторда, китоб ўқишни ҳам ташлаб қўймаган эди. Укаси Асил Рашидовнинг эслашларича, К.Паустовскийнинг «Серташвиш ёшлик» романини йўл-йўлакай ўқиб чиққанларига гувоҳ бўлган. Бадиий асарларни мутолаа қилишгина эмас, шу билан бирга унинг ижтимоий, тарбиявий ва маърифий аҳамияти мислсиз эканлиги, инсонни гўзаллик, нафосат билан ошно қилишда, эзгу ниятлар руҳида тарбиялашда санъатнинг бирон тури у билан тенглаша олмаслиги ҳақида кўп таъкидлар, китобни варақлаш, унга тикилиш ҳали китоб ўқиш дегани эмаслигини, китобни синчковлик билан теран тушуниб, мағзини чақиб ўқиш кераклигини уқтирар эканлар.

Шароф Рашидовнинг яна бир жасорати шуки, 1971–1977 йилларда «Ўзбек совет энциклопедияси» 14 жилдда босилиб чикди. Чунки, миллий республикалар, жумладан Ўзбекистон тарихига 10 йиллик ўқув

дастурларида бор-йўғи 22 соат ажратган собиқ Марказ бундай ишларни қўллаган эди.

Шароф Рашидов фақат партия раҳбари эмас, ёзувчи, зиёли киши бўлганлиги учун ҳам республикада фан ва маданиятни ривожлантиришга айнақса катта ҳисса қўшган. Унинг даврида Тошкентда академиклар шаҳарчаси, университетнинг янги бинолари мажмуаси, ТошМИ шаҳарчаси, Тошкент цирк биноси каби кўплаб бинолар қурилди. Республикада фан ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Шароф Рашидов партия ва давлат делегациялари бошлиғи сифатида дунёнинг кўплаб мамлакатларида, чунончи Куба, Жазоир, Мали, Индонезия, Ҳиндистон, Гвинея, Чили, Италия, Австрия, Ироқ, Болгария ва бошқа мамлакатларда бўлди. У Қоҳирада 1958 йилда, Гаванада 1966 йилда бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари бирдамлиги конференцияларида совет делегацияси раҳбари сифатида иштирок этган эди.

Шароф Рашидов раҳбарлигида республикада ҳам миллий, ҳам байналмилал маданият ривожланди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг «Ижтимоий тараққиёт сари» Тошкент кинофестивалига асос солинди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Шароф Рашидович собиқ Иттифоқнинг ўша пайтдаги айрим раҳбарлари каби ўзини ўйламади, партия олтинларини ўзиники қилиб олмади, бойлик тўплагани йўқ. Ҳалол яшади, ҳалол ишлади. Бевосита иш жараёнида, юрт бўйлаб сафари чоғида вафот этди. Халқига бағишланган ҳаёти халқ орасида ниҳоя топти.

▽

Ўриш МАЖИДОВ,
Давлат мукофоти лауреати,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор,
собиқ «Жиззах чўлқурилиш»
бошқармасининг бошлиғи

БИЗ БОСГАН ЙЎЛЛАР

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида меҳнат майдонларида бу улуғ инсон билан учрашиб, унинг қимматли фикрларини тинглаб, ўзимга дастуриламал қилиб юрган навқиронлик даврим сира эсимдан чиқмайди. Хотираларга берилар эканман, бундай юрт фарзандининг эл-юрт учун амалга оширган улкан бунёдкорлик ишларида озми-кўпми ҳиссам борлигидан кўнглимда фахр туйғулари уйғониб, ўтган умримдан қониқиш ҳосил қиламан.

Мен Жиззах вилоятига (у вақт Самарқанд) қарашли Зомин тумани Ём кишлоғида таваллуд топиб, ўрта мактабдаги таҳсилдан сўнг Ўрта Осиё политехника институти тоғ факультетида илм олиб, тоғ муҳандис электромеханиги мутахассиси сифатида Қирғизистоннинг Ҳайдаркон – симоб, Қадамжой сурма конларида фаолият юритганман. Туғилган юртимга 1966 йилда қайтиб келганман.

Унгача Шароф Рашидовни ёзувчи, шоир, журналист сифатида унинг асарлари – шеърлари, мақолалари оркали таниганман.

Мени жуда ўзига яқин тутадиган икки атоқли ёзувчимиз Назир Сафаров ва Асқад Мухтор хонадонларига бориб, улар билан суҳбатдош бўлардим. Бу адиблар Шароф Рашидов билан яқин муносабатда бўлиб, ибратли воқеалар ҳақида менга сўзлаб берган эдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, дўстим Абдулла Орипов билан 30 йиллик оилавий яқинлигимиз бор эди. У киши ҳам менга Шароф Рашидов ҳақида кўп воқеаларни, учрашувларни сўзлаб берган. Жумладан, дўстимнинг ўғил фарзанди дунёга келганда унинг исмини Илҳом қўйсангиз яхши бўлади, деб табриклар ёзиб берган хатларини кўрсатган эди. Шароф Рашидов Москва ёзувчилар уюшмаси раиси Лисичанский номига Абдулла Ориповни иқтидорли ёшлар қаторига қўшиш, шеърларини рус тилига таржима қилиб, чоп этишларини илтимос қилиб хат ёзган. Ушбу хат Саидакбар Ризаевнинг «Шароф Рашидов суратига чизгилар» деган китобида келтирилган.

Шароф Рашидов билан 70-йилларнинг ўрталарида яқиндан учрашиб, ишлаб чиқариш жараёнида мулоқотда бўла бошладим.

Асосан Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш мобайнида, ўтган ўн беш йиллик меҳнат фаолиятимда Шароф Рашидов билан кўп маротаба ҳар хил вазият ва шароитда, ишлаб чиқаришдаги воқеалар жараёнида учрашганман.

Биринчи маротаба, янги ташкил бўлаётган Дўстлик «Совхозқурилиш» трестига бошқарувчи вазифасига эндигина тайинланганимда кўришганман. 1975 йилнинг 10 апрелида, биз қурилиш ишларини олиб бораётган Дўстлик пахта тозалаш заводининг қурилиш майдончасида содир бўлган бу илк учрашувимиз ҳануз ёдимда.

Ишларим билан танишгач, қурилишни жадаллаштириш ҳақида кўрсатмалар бердилар. «Қурилишни 1 сентябрга тугатсангиз, мен келиб унинг очилишида қатнашаман. Сизга бу ишни бажаришда Республика пахта-саноати вазири Ваҳобжон Усмонов, Марказком енгил саноат бўлим мудирини Мўминжон Йўлдошев ва туман раҳбари Расулмат Ҳусанов ёрдам берадилар», – деб уқтирдилар.

Биз ишларни муддатида тугатдик. Шароф Рашидов айнан 1 сентябрь куни очилиш маросимига келиб катнашдилар. Бошлиғимиз Нажим Ҳамроевга: «Бу йигитча қурилишни биз айтган кунга тугатиб берди, биз шу каби ёш раҳбарларга эътибор бериб, тарбиялаб боришимиз керак», – деб насиҳат бериб кетган эдилар.

Навбатдаги учрашувимиз Дўстлик тумани марказида (туман раҳбари Хўжам ака Исроилов эди) 240 ўринли, кўп тармоқли шифохонанинг очилиши маросимида бўлиб ўтди.

Шароф Рашидов шифохона очилиши тантаналарига бир гуруҳ ҳукумат раҳбарлари билан келиб: «Биз барча туманларимиз марказида шу каби тиббиёт марказларини барпо этамиз», – деган эдилар.

1976–1983 йилларда мен Жиззах чўл қурилиш ҳудудий бошқармасининг бош муҳандиси ва бошлиғи, Республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазири (Исмоил Ҳакимович Жўрабеков)нинг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган йилларимда, Шароф Рашидов ўтказган йиғилишларда қатнашиб, қурилиш майдонларида бирга юриб, кўп бор мулоқотда бўлдим. Ўзбекистоннинг XIX ва XX, Москвада Иттифокнинг XXVI съездлари делегатлари сафида Шароф ака билан бирга бўлдим.

«Главредазирсовхозстрой»га қарашли Жиззах чўл қурилиш бошқармасига бошлиқ этиб тайинлашлари олдидан мени суҳбатга чақиришган эди. Марказком сув хўжалиги бўлими мудирини Владимир Сускин билан Шароф Рашидов ҳузурларига кирганимда ҳаяжонланганимдан чап оёғим қалтираб, қўлим билан ушласам ҳам тўхтамасдан полга урила бошлади. Бу ҳолатни сезган Шароф Рашидов хужжатларим билан танишаётиб: «Биз Мажидовни фақат етти фарзандни тарбия қилаётгани учунгина ушбу лавозимга тайинласак бўлар экан», – деб ҳазиллашганларида шу заҳотиёк оёғим қалтирашдан тўхтаган эди.

Жиззахдаги аккумулятор заводини кураётган эдик. Ўша давр, 1980 йил режаси барбод бўлиш хавфи остида қолганда, Шароф Рашидовнинг ўзлари бир неча вазирларни олиб келдилар. Ҳолатни айтиб беришни менинг зиммамга юкладилар. Мен режанинг бажарилмаслигида Москва ва Ленинград томонидан лойиҳа хужжатлари ва ускуналар кўрсатилган муддатда етказиб берилмаган, деган хулосани айтдим. Шароф Рашидов: «Аҳвол ҳақиқатан танг, Мажидовнинг ўзи бу ишни бажара олмайди, лекин бизлар ҳаммамиз унга ёрдам берсак, уддаласа бўлади», – деб айтдилар.

Мени эса чеккароққа тортиб: «Мажидов, сен чўчий-верма. Ўзингни қўлга олиб, менинг келганимдан фойдаланиб масалаларингни ечиб ол. Билиб қўй, пахта топшириш режаси бажарилмай қолса ҳам, завод топширилади, буни доимо эсингда тутгин», – деган эдилар.

Мен эртасига муаммолар рўйхатини тузиб чикдим. Тошкентга бориб, «Госплан» раиси Қудрат Аҳмедовнинг кўрсатмаси билан унинг биринчи ўринбосари Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг қабулига кириб, барча масалаларни ечиб қайтдим ва йил охирига заводни ишга туширдик.

Шароф Рашидовнинг кўрсатмаси билан бошқа тўрт киши қаторида 1981 йилнинг 18 мартида менга ҳам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» унвони берилган эди.

1981 йил феврал ойида Москвада собиқ Иттифоқнинг XXVI анжуманида қатнашаётган пайтимизда, Шароф Рашидов самолётсозлик заводи директори Сивец билан тегишли идораларга учрашиб, завод яқинида «Машинасозлар» метро станцияси қурилиши масаласини ҳам ҳал қилиб келган эдилар.

Биз турган «Россия» меҳмонхонасига барча Марказком бюро аъзоларини олиб келиб, бошлиғимиз Н.Ҳамроевга аккумулятор заводининг иккинчи нав-

батини куриш ҳақида топширик бердилар. Нажим Раҳимовичга ўша кунлари Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиши ҳақида Фармон чиққан эди.

Бир куни мени: «Шароф Рашидов борар экан, зудлик билан Бектемирда қурилаётган Мотор заводига етиб боринг», – деб чақиришди (вазир Исмоил Жўрабеков Тошкентда йўқ эдилар). Шароф ака менга: «Қани, бизга завод қурилишини кўрсатинг», – дедилар. Биз қурилиш майдонини УАЗ-469 машинасида айландик. Сухбат жараёнида Шароф Рашидовга аввалги ҳафта Душанбе шаҳрига командировкага борганим, Тожикистоннинг яқинда оламдан ўтган кўп йиллик раҳбари Жаббор Расулович ва Садриддин Айнийнинг қабрларини зиёрат қилиб келганимни айтгандим, «Яхши иш қилибсиз, зиёрат қилиш яхши иш», – деб кўнглимни кўтариб қўйдилар.

Биз бир гуруҳ ходимлар Шароф Рашидовнинг Бухоро вилоятига ташрифи арафасида тайёргарлик кўриш учун бориб, тўрт кун мобайнида вилоят раҳбари Абдувоҳид Каримовнинг ҳамма масалаларни юқори савияда тайёрлаганининг шоҳиди бўлганмиз.

Шароф Рашидов тайёрланган ҳужжатларни кўриб, деярли барчасини, республикадаги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ижобий ҳал қилиб берган эдилар.

Шароф Рашидов ҳар йили чўлқуварларнинг йил якуни анжуманларига қатнашар эдилар. Навбатдаги йиғилиш Пахтакор шаҳрида, Сирдарё ва Жиззах фаоллари иштирокида ўтказилган. Мен Жиззах чўлқурилиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи сифатида маъруза қилдим.

Атоқли арбоб Шароф Рашидов билан шунга ўхшаган учрашувлар доимо бунёдкор меҳнат кучоғида содир бўлар эди. У киши иштирокида насос станция қурилиш майдончаларида, Жиззах чўлида биринчи лоток ўрнатилган трассада, пахта далаларида, заводларда, хўжа-

лик марказий кўрғонлари қурилишида кечган жуда кўп тадбирларда қатнашганман.

Жиззахлик ашаддий китобсеварлардан бири, китоб дўкони мудир Абдуқаххор дўстим жиззахлик ижодкорларнинг Ҳамид Олимжондан бошлаб то кейинги йилларда етишиб чиққан адиб ва шоирларининг асарларини менинг шахсий кутубхонамга тақдим этган эди. Унда Шароф Рашидовга тааллуқли ва у киши ҳақида ёзилган анчагина китоблар бор. Жумладан, ўзбек тилидаги 5 жилдлик ва рус тилидаги 6 томлик танланган асарлари, алоҳида чоп этилган «Бўрондан кучли» (1958 йил), «Қудратли тўлқин» (1964) романлари, «Ғолиблар» (1972) қиссаси, «Кашмир кўшиги» достони, «Икки дил достони» киноасари, «Дил амри» асари – жами жаҳоннинг 56 тилига таржима қилинган асарларидан қардош халқлар тилида босилганлари ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Саидақбар Ризаевнинг Шароф Рашидовга бағишланган «Суратга чизгилар», Анқабой Қулжоновнинг «Шароф Рашидов тирик», Марат Зокировнинг «Суратлар тилга кирганда», Ўрол Носировнинг «Шароф Рашидов – давр фарзанди», Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида», Исмоил Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» (1992) китоблари Бўстондаги ҳовлимда, шахсий кутубхонамнинг нуфузли жавонларидан ўрин олган.

Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларини кенгайтириш, кўриқ ва бўз ерларни комплекс равишда ўзлаштириш масаласига катта эътибор берар эди. У киши Республикага раҳбарлик қилган салкам йигирма беш йил мобайнида суғориладиган ерлар майдони деярли икки баробар ошиб, тўрт миллион гектардан ошди.

Шароф Рашидов «Главсредазирсовхозстрой» бошлиқлари Акоп Саркисов, Нажим Ҳамроев ва Эркин Турсунов, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлари Соли-

жон Мамарасулов ва Исмоил Жўрабеков, «Узглавводстрой» бошлиқлари Наби Қурбонов ва Тўхтамиш Боймировлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, маслаҳатлашиб турар эдилар.

Мирзачўл ва Жиззах чўллари, Қарши чўли, Сурхон – Шеробод массивлари, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг янги ерлари, Бухоронинг Қоровулбозор, Маликчўл, Ўрта чўл массивлари, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш билан биргаликда, йирик каналлар ҳамда Туямўйин, Андижон, Чорвоқ, Жанубий Сурхон, Толлимаржон, Тўполон, Ҳисорак каби ўнлаб сув омборларининг қурилишлари ҳам Шароф Рашидовнинг доимий эътиборида турар эди.

Дунёда ўхшаши ва тенги бўлмаган Қарши, Жиззах, Аму-Бухоро, Амузанг насос станцияларида қурилиш ишлари бориши фақат жойлардагина эмас, ҳатто Марказкомда бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам асосий эътиборда турганлиги шоҳиди бўлганман.



Салима УМАРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ОҚИЛ САРКОР, ФОЗИЛ ИНСОН ВА САЛОҲИЯТЛИ АДИБ

Ёшлик умрнинг энг жўшқин, энг порлоқ фасли бўлгани билан ардоқлидир. Унда битилган ҳар бир мисра, ҳар бир жумла нақадар самимий ва беғубор. Ана шу самимияту беғуборлик инган жайдари кундалик-битикларимда атоқли давлат арбоби, ёзувчи ва баркамол инсон Шароф Рашидовга бўлган самимий меҳру ҳурматим ҳам ўз аксини топгани рост. Боиси, ўша пайтлар китоб кўрса ютоқиб ўқийдиган феълим билан китобхонликка муккадан кетган мен – куюнчак қизгинани забардаст ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» асарлари ўзига бутунлай ром қилиб олганди. Шу боис бу улуғ Юрт саркорини энг аввало суюкли ёзувчиларимдан бири сифатида қалбан ардоқлар эдим. Айниқса, у зотнинг телевидение орқали қилган чиқишларини жон қулоғим билан тинглаб, ҳар бир айтган сўзларидан ҳикмат излар-топар, эртасига адабиётсевар дугона-дўстлар даврасида гапириб, адабий гурунгни қиздирар эдик.

Олис «хотиралар кўзгуси»га назар ташлайдиган бўлсам, бугун ҳам «зангори экран»даги бир чиқишлари кўз олдимда яққол намоён бўлади. Етмишинчи йилларнинг боши – ёз палласи эди ўшанда. Биз – қишлоқ қизлари ёзги таътилни далада – пахтазорда ишлаб ўтказаётгандик. Ана шундай кунларнинг бирида кечки пайт – ғира-шира қоронғиликда ёвондан қайтдим

ҳовли юзидаги чорпояда ўтирган раҳматли онажонимнинг уй деразасидан ташқарига қаратиб қўйилган чоккина телевизорни ихлос билан кўриб ўтирганларига дуч келдим. Яқинлашиб борганим сари таниш, ширали, отамизникидай қадрдон овоз ёрқинроқ эшитила бошлади. Шу асно мен ҳам ҳатто дала кийимларимнида ечмай, чорпоя деворига суянганча эътиборимни экранга қаратдим.

Шароф Рашидов – мен ихлос қўйган Юрт отаси ва катта ёзувчи шу тобда аҳолига, айниқса, аёлларга мурожаат тарзида гапираётган эканлар. Ўшанда бугун ҳам хотирам синиқлари аро яшаб келаётган ушбу мисралар қалбу қулоғимда муҳрланиб қолди.

«Кўрдим, кўзларим куйди, дилим оғриди. Болачаларнинг тирноқлари ўсган, кийимчалари, қўлу юзлари кир-чир юришибди... Азиз опа-сингиллар, қизларим, биз асли ўзи ким учун яшаймиз-яшайпмиз, шу фарзандларимиз-дилбандларимиз учун эмасми?!..

Ҳар қандай шароитда ҳам ўз нуридийдангизнинг тоза-озодалиги, яхши яшаб-ўйнаши-ўқиши, соғлом ва бахтиёр ҳаёт тарзи учун шароит қилишингиз, бунинг учун вақт топишингиз, жон куйдиришингиз лозим!..» Нутқлари бағоят самимий, фақат ижодкор инсонгина топиб гапира оладиган шоирона, юракнинг туб-тубидан чиқиб келаётган дил розлари эди. Қайсидир вилоятнинг узоқ кишлоқларидан бирида (балки бир нечасида) бўлиб қайтгач, у жойдаги вазиятлардан таъсирланиб, юртнинг аёл-қизларига мурожаат қилаётган эдилар, эҳтимол...

Не бахтки, шу чиқишларидан кейин ўша мустабид тузумда ҳам чет-чекка кишлоқларга-да болалар боғчалари қуришга эътибор кучайиб, оналар ва болаларнинг турмуш тарзлари бир қадар яхшиланди. (Демак, ҳар қандай катта-кичик ишга бош хўжайин бўлган «марказқўм»дагилар бошларига гаврон кўтариб тур-

ган бир даврда ҳам мазкур масалада давлат томонидан қилинадиган ишларни у киши қойиллатиб бажариш учун имкон тополган эканлар.)

Мавзуда давом этамиз. Шароф Рашидов билан замондош яшаган юртдошларимизнинг, айниқса, у киши билан учрашиб-қўришганларининг ёрқин хотиралари яна-да нурафшон, дилтортар ва ҳаётийлиги билан қадри баланд бугун. Масалан, Кармана туманида чоп этиладиган «Кармана овози» (кечаги кунда «Коммунизм учун» деб номланган) газетасида узок йиллар масъул лавозимларда ва раҳбар сифатида фаолият кўрсатган нафақадаги журналист Эргаш ака Ёқубов бир неча марта бу катта раҳбар билан учрашиб, олган таассуротларини давраларда эҳтиром билан тилга олганларига гувоҳман.

– Ҳеч ёдимдан чикмайди, – дея эсладилар устоз Шароф Рашидов ҳақида сўз кетганда яқинда. – 70-йиллардаги гап бу. «Гидроузел»да бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойи энди бошланаётган эди. Унда иштирок этаётган республика миқёсидаги катта раҳбар Шароф Рашидов томонга қараб бир момо ҳовлиқиб келаверди. Ички ишлар соҳаси ходимлари унинг йўлини тўсиб, орқага қайтармоқчи бўлишганда, Шароф ака жуда мулойим ва меҳрибончиликка тўла овоз билан «қўйинглар, йигитлар, келаверсинлар!» дедилар. Момо етиб келди, у киши одоб билан саломлашдилар ва кейин аҳвол сўрадилар. Ҳаяжондан қалт-қалт титраган, овози бўғзига тикилган кўйи онахои дардини тўкиб солди.

Ўғли бир мушкулли ҳолатга тушиб қолган экан. Юрт саркори шу заҳоти тегишли мутасаддиларга юзланиб, момонинг масаласини ечишни, ўғлига ёрдам беришни топширдилар. Ҳали юз-кўзида алам-изтироб ва ҳадик-хавотир билан келган онахоннинг чехраси ўшанда қувончдан шундай чарақлаб, ёришиб кетди-

ки... Адолатли Юртбошисига меҳру ҳурмати туфайлидан ўгирилмасдан, у кишини дуо қила-қила, орқама юрганича анжуманни тарк этди...

Бу улуғ саркор хақида фахрий журналистнинг яна бир арзирли хотираси мавжуд.

– Ўшанда райкомпартия биносининг «парткабинет»ида ўтириб, Ўзкомпартиянинг биринчи котиби Шароф Рашидов келишларини кутаяпмиз. Лекин ҳаммамиз у кишининг биринчи котиб хонасига киришларига ишонамиз, кейин мажлислар залида бўлиб ўтадиган йиғинда кўрамиз, деган ишонч билан ҳаяжон ичидамиз. Аммо кизиғи худди шу лаҳзаларда рўй берди. Эшик очилиб, беихтиёр, ҳаммамиз учун қадрдон ва таниш бўлган нурли сиймо – бу хонада ҳеч кутмаганимиз – Шароф ака Рашидов кириб келдилар. «Парткабинет»да карманалик олимлар, фаоллар рўйхати битилган, ўша вақтнинг таъбири билан айтганда, «стенд»лар бор эди. Юрт улуғи ҳамма билан саломлашиб бўлгач, беихтиёр, карманалик олимлар рўйхати олдида тўхтаб, уни ўқишга тутиндилар ва «Найим Ғойибов ҳам карманаликми?» – дея сўрадилар дафъатан. Ҳа, Карманамиз фарзанди, олимларимиздан бири Найим Ғойибов ўшанда марказқўмда фаолият кўрсатаётган эди ва биз Юрт отаси олдида бу билан фахрланиб ўтирдик.

Шароф Рашидов: «Шунча олиму фузалоси бор район пахта «план»ини бажармаса, уят бўлади», – дедилар хонадан чиқаётган пайтларида ғоз турган ҳолатда меҳр ва ҳайрат билан ортларидан қараб қолган – бизларни шижоатга чорлаб.

Айниқса, меҳнат фахрийси, фидокор пахтакор, ўз даврининг жонкуяр раҳбар аёли (вақтида «Ҳурмат белгиси» ордени ҳам олган) Ойтош опа Гулинованинг хотира дафтарида Шароф Рашидов билан боғлиқ ўринлар шу қадар кўпки...

– Кечаги тузумда пахта масаласи ҳаёт-мамот масаласи эди. Фалон-фалон миллион тонналаб пахтани етиштириб беришнинг ўзи бўлмасди. Айниқса, август ойида худудларда йиғим-терим мавсумига тайёргарлик бўйича қишлоқ хўжалик ходимларининг катта-катта анжуманлари бўлиб ўтар эди, – дея «хотирот китоби»ни варақлайди онахон. – Ана шундай йиғинлардан бири 1974 йил август ойида район (у пайтлар туман район деб аталар эди)нинг 70 фоиз пахтасини берадиган «Нарпай» совхозида бўлиб ўтди. Бутун «область» (вилоят)нинг раҳбарлари йиғилишда иштирок этишди. Партком секретари эдим. Йиғилишни бошқариб бордим. Очиғи, ўшанда Шароф Рашидовни биринчи марта, аммо шундоқ ёнгинамда кўриб турар эдим. Сўзга чиқдилар, камгап инсон эканлар, кўпи билан 20–25 дақиқа гапирдилар. Аммо сўзлаганда, ёзувчи эмасми, китобий қилиб, адабиётдан мисоллар келтириб, шунақа чиройли гапирдиларки, аудитория қалбан уйғонди, юракларда тўлқин мавжланди... Маърузаларининг мағзу мазмуни халқ иши учун фидокорлик, ёшларни яхшиликка чорлаш, ватанпарварлик, пахта йиғим-теримини ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтказиш каби масалалар бўйича ёрқин фикр ва кўрсатмалардан иборат эди. Кейинчалик йиғинларда бот-бот дуч келавердим...

Бугун Навбахор тумани худудида жойлашган ерлар ўшанда «Свердлов колхозини» деб аталар эди. «Нарпай» парткомлигидан кейин шу хўжаликка раис сифатида иш бошладим. 1977- ёки 78-йилнинг гапи бу. Юқоридан «Бугун колхозингизга Шароф Рашидов боради», деб огоҳлантиришди. Келдилар обком секретари ва «Нарпай» совхозини директори Суронбой Умаров билан бирга обкомпартиянинг «Чайка» машинасида. Тушдилар, пахтазорга қараб келавердилар. Пешвоз юрдик. Япроқларида шираси ялтираб турган ғўзалар орасига тортинмай кириб бордилар. Баланд бўлиб, ба-

равж ўсаётган ғўзаларнинг шохларини санаб чиқдилар, хар тупда камида ўн олтита шох бор эди. Энг пастки шохдан бошлаб ғиж-ғиж ҳосил тугаётган бақувват ниҳолларга қараб чехраларида қувонч порлади. «Пах-таси яхши бўлади, насиб бўлса», – дедилар мулойим жилмайиб.

Дала шийпонига дастурхон тузаган эдик. Пиёлада чой узатар эканман, олдилар, лекин ичмадилар. Пиёлани стол устига қўйиб, бир меҳрибон отадай менга шундай сабоқ айтдилар:

– Инсонга омад ва бахт бир марта берилади. Сизга насиб қилгани кўриниб турибди, унинг қадрига етинг. Ўзингизга ҳам, халққа ҳам, давлатга ҳам ҳеч қачон хиёнат қилманг. Айниқса, одамлар учун яшашни ўрганинг!

Шу куни ўша машинанинг олдинги томонига мен ҳам ўтирдим. Масъул шахслар билан бирга у кишини Нурота тумани орқали Самарқанд вилоятига кузатиб қўйдик...

Юқорида айтган ўғитлари эса бутун ҳаётимга дастуриламал бўлди, шундай ишладим, шундай яшадим.»

* * *

Илло, бугун менинг ҳам «Хотира дафтар»имда яна бир ёзув борлигини таъкидлашим жоиз. Аммо жуда оғриқли, қалбан ардоқлаган инсонингни йўқотиш изтироби акс этган ёзув бу. 80-йиллар ҳаёти (аниқроғи, 1983 йил 31 октябрь)га дахлдор бу жайдари кораламамни, қандай бўлса, шундайлигича кўчириб ёзяман ҳозир:

ШАРОФ РАШИДОВГА

Ўзанига сизмас уммон эдингиз,
Халқим деган оқил Сарбон эдингиз,
Муҳими, бош аввал Инсон эдингиз...
Наҳот, кетарингиз рост бўлди энди?
Юракларга зардоб, дард тўлди энди.

Сизни севган она Эл бўзлаб қолди,
Ижодингиз севган дил сурон солди.
Бу қора қайғудан кўнгиллар толди,
Наҳот, кетарингиз рост бўлди энди?
Юракларга зардоб, дард тўлди энди.

Юрт сўраган ҳамма бўлмайди улуг,
Ватанни кўтарган Сиз ушлаган туг –
Элга тутқазгани неъматдир қутлуг!
Наҳот, кетарингиз рост бўлди энди?
Юракларга зардоб, дард тўлди энди.

Йилларнинг юкини, халқнинг дардини,
Заҳматли дунёнинг заққум зардини
Кўтариб, юракка зардоблар иниб,
Эвоҳ, кетарингиз рост бўлди энди,
Юракларга азоб, дард тўлди энди.

Ким подшо деб қарар, ким учун арбоб,
Ижодкор аҳлига эдингиз аҳбоб.
Бу қаро қайғуга дил бермагай тоб!..
Наҳот, кетарингиз рост бўлди энди?
Юракларга зардоб, дард тўлди энди.

...Ўзанига сизмас уммон эдингиз,
Халқим деган оқил Сарбон эдингиз,
Муҳими, бош аввал Инсон эдингиз...
Наҳот, кетарингиз рост бўлди, энди?
Юракларга зардоб, дард тўлди, энди...

Ҳа, ана шундай, ўша кунлар энг улуғ ва нуқтадон раҳбар ҳамда буюк Инсон ва ардокли ёзувчимизни йўқотган эдикки, бу қайғу ичида анча вақт мутаассир бўлиб юрдим.

Яна бир гап. Тошкентдаги ҳамкасбларимиздан қабрлари пойтахтнинг энг нуфузли майдонида эканини эшитган эдим. Шу боис фурсат ўтиб, бир неча хотинкиз отага муҳаббатли қалб туғёни ила зиёрат қилиш ниятида пойтахтга қараб сафарга отландик. Аммо айтилган жойдан дил севган ёзувчи ва Юрт отасининг қабрларини тополмадик, чунки хоклари аллақачон бу манзилдан кўчирилган экан...

Шундай қилиб, қалб ардоқлаган, халқ ардоқлаган бу Зотга нисбатан тоталитар тузумнинг ўйинлари бошланди; таги йўқ, адолатсиз, юракларга оғир ботадиган ҳар хил гап-сўз, айбловларнинг кети кўринмай қолди...

Минг шукрки, мухтарам Биринчи Президентимиз, раҳматли Ислом Каримов фаолият бошлаганларидан кейин бу айблов ва гап-сўзларга нуқта қўйилди. Истиклолга эришганимизнинг иккинчи йили эса эл севган раҳбар Шароф Рашидов номи тўла-тўқис оқланди. Буюк давлат арбоби ва таниқли ёзувчи таваллудининг 75 йиллиги ҳам мамлакатимизда кенг нишонланди.

Юқорида тилга олганимиз қарор ҳамда шу аснода қилинган ва қилинажак ишлар эса халқимизнинг улуғ фарзандларидан бири, донишманд давлат арбоби ва катта ёзувчи Шароф Рашидовнинг ишу ижодига берилган ниҳоятда муносиб, адолатли баҳодир.

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

ЗИЛЗИЛА

Тошкентда 1966 йилда бўлиб ўтган зилзила ҳақидаги хотираларимни сўйлаб берай...

Ўша давр ҳақида кўп нарсалар ёдимда, чунки бот-бот зилзилани эслаб тураман. Мен 1966 йилги ер қимирлашида 20 ёшли йигит эдим. У пайтда киш совуғидан танча куриб, жон саклардик. Кўмир анқонинг уруғи эди. Газ Бухоро – Урал тармоги бўйлаб бизни четлаб ўтиб кетарди. Бир арава (машина эмас) Ангрен кўмири кишининг чилласида 100 сўм бўларди. Бу пул ишчининг бир ойлик маошига тенг эди.

Ўша куни қандайдир нотаниш товуш ва ўриндиғимнинг бетартиб қимирлашидан уйғониб кетдим-да, сакраб туриб, ҳовлига чошиб чиқдим-у, нима гаплигини аниқламоқчи бўлдим. Шунда бошқа хонада ётган дадамнинг: «Ёт, жойингга, ёт! Ер қимирлаяпти», – деган овози эшитилди. Мен ҳам дадамнинг гапини мағзини чақиб ўтирмадим-да: «Ер қимирлаётганда жойимда ёта беришим керак экан-да», – деган хулосага келиб, дарров кўрпамга қайта шўнғидим... сўнгра котиб ухлаб қолибман.

Эрталаб ҳар галгидек ўрнимдан туриб, апил-тапил нонушта қилган бўлдим-у қайдасан, университет, дея йўлга отландим. Бекатда, одатдагидек, 30–40 одам тўпланган, тиқилинч автобуслар ҳар замон тўхтамай ўтиб турибди. Мендай паҳлавон йигит ҳам мабодо автобус ўтиб кетмай тўхтаб қолса, чиқиб олиши амримаҳол даврлар. Шунинг учун шошилиб қолганимда, юк маши-

насида икки баробар ҳақ ҳисобига хиёбонгача кетардим. У пайтларда пул ҳам, такси ҳам анқонинг уруғи эди. Яхшиям, шу куни омадим юришиб бир автобусга илиниб олдим.

Энгашиб автобус ойнасидан мўраладим ва томда гиштдан терилган мўриларнинг баъзилари ярим, баъзилари эса бутунлай ағанаб ётганига кўзим тушди, шундан сўнгина кечаси ер кимирагани ёдимга келди-да, энди жиддий тортиб, йўл-йўлакай уйларга разм сола бошладим, лекин то вузгородокка боргунимча бирон бир эсда қоларлик, ваҳималик воқеа асоратига кўзим тушганини эслай олмайман.

Ер кимираши қай даражада жиддий бўлганини кўп ўтмай Москвадан Тошкентга Л.Брежнев ҳамда А.Косигин учиб келгач билдим. Мен ўша оғир шароитда Шароф Рашидов Тошкент шахрига садоқати, муҳаббати тасдиғи ўлароқ, Тошкент зилзиласининг барча ёмон оқибатларини Москвага кўрқмасдан етказганига тасаннолар айтаман. Ўша даврда лаганбардорлик қилиб: «Ҳаммаси яхши, ўртоқлар, мард ўзбек халқи ҳаммасини ўзи эплайди! Ваҳимага ўрин йўқ!» – деса, тамом эди. Марказдагиларга бу гап мойдай ёқар, биз эса ўша эски ҳаммом-эски тос, бир арава кўмир билан қолаверардик. Ўзбек халқи ялангоёқ бўлволиб, эркагу аёл Катта Фаргона каналини қургандаги каби тупроқларни қопда орқалаб, Тошкентни ҳашар қилиб йиллаб тиклаган бўлармидик?.. Лекин Шароф Рашидов мардларча доно йўл тутди ва СССР раҳбарлари зудлик билан Тошкентга келишига эришди. Улар ортидан эса шаҳарни тиклашга иттифокдаги барча республикалардан қурувчилар, техникалар, моддий ёрдамлар кела бошлади...

Зилзила бир марта бўлиб тўхтаб қолгани йўқ. Ҳар куни унча кучли бўлмаса-да, ўзини бир-икки билдириб турар, менимча, бу ҳол бир йилча давом этиб, ер силкиниши сони мингдан ошиб кетди. Одамлар ичида зилзила баллини камайтириб кўрсатишибди, чунки зилзила кучи

фалон баллдан ошса, Американинг Тошкентда курилиш килишга ҳуқуқи бўларкан. Америка Тошкентда иншоотлар куришга киришса борми, унинг атрофидаги барча иншоотларнинг пачақлиги билиниб қоларкан. Бу эса катта сиёсат... деганга ўхшаш гаплар ҳам тарқалиб кетди. Ростини айтсам, менга Америка Тошкентимизда бизга ҳаммани анграйтириб қўядиган уй-жойлар куриб берса-ю, Тошкент бошқа барча шаҳарлардан гўзалроқ бўлиб кетса деган хаёл-туйғулар ёқар ва ўзимча бекорга зилзила баллини камайтириб кўрсатишибди-да, деб қўярдим... 9 май куни ҳам қаттикроқ ер қимирлади, лекин тошкентликларни ер қимирлаши эмас, ўша кунги кучли бўрон каби елиб ўтган, манаман деган катта дарахтларни ҳам илдизи билан қўпориб ташлаган шамол кўпроқ ваҳимага солди...

Брежнев ва Косигин келиб кетгач, Тошкент марказидаги уйларни бузишга киришиб кетилди. Бузилаётган уй эгаларига эски ҳарбий чодирлар тикиб беришди. Уйларни бузишда танклар ҳам иштирок этарди. Ҳайдовчилар ўша йиллари бузилган уйлардан чиққан ёғочларни маҳаллама-маҳалла сотиб, бироз даромад ҳам қилиб олишди. Тошкентнинг бошқа жойларида кўрмаганман-у, аммо палаткалар атрофидаги бир неча жойда ўша йили донаси хусайни донасича келадиган кишмишлар яшиқ-яшиқ сотилар эди. Навбат узун бўларди.

Ўша йиллари газета-журнал, радио-телевидение бетиним Тошкент ҳақида дастур бериб борар эди. Ёдимда, 2 йилда 4 миллион кв. метр уй-жой куриш режалаштирилган эди, лекин амалда 4 йилда 2 миллион кв.метр уй-жой куриб топширилди. Бу ҳам, албатта, кичкина ҳиммат эмас эди. Мудҳиш зилзиладан бир неча ой аввал Тошкентда Шароф Рашидов саъй-ҳаракати билан ўзаро уруш олиб бораётган икки давлат раҳбарлари — Ҳиндистон Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри ва Покис-

тон Президенти Муҳаммад Аюбхон тинчлик битимига имзо чеккан эди. Нон шаҳри бўлган Тошкент тинчлик шаҳри ҳам дея атала бошлади.

Ер қимирлаши баҳонасида Тошкентда катта қурилишларни амалга ошириш учун Марказ рухсатини олишга имкониятлар пайдо бўлди. Лекин ўзимизнинг Ғозғон мрамари ёки гранитларини Тошкент қурилишларида ишлатишга ҳамон рухсат йўқ эди. Бу рухсатни олиш учун Шароф Рашидов доно йўл тутди: Тошкент марказида Ленин музейи учун бино қурилишида мрамар ишлатишга Марказдан рухсат олиб келди. Ушбу рухсатни олгач эса мрамар секин-аста бошқа жойларга, жумладан, Шароф Рашидов қабулхонаси, метро бекатларини безашга, касалхоналар зинапояларига ҳам ишлатила бошланди. Қабристонларда ҳам мрамар пайдо бўлди...

Ўша йилларнинг машҳур журналистларидан бири Василий Песков зилзилага бағишлаган мақоласида Тошкентга кўрсатилаётган ёрдамга асосий урғуни бериш билан бир қаторда, шаҳар узоқ йиллар ўзида қурилишлар олиб бориш учун Марказ сармоясини жалб этмаганини, мана, орадан 50 йил ўтгач ўзи ҳам қурилиш бобида ёрдамга муҳтож бўлиб қолганини ёзади.

Ўша даврларда Тошкентдаги раҳбарлар йўталмоқчи бўлса ҳам Марказдан рухсат олиши шарт эди. Лекин шундай қалтис шароитда Шароф Рашидов Тошкент атропофидаги яшашга қулай ерлардан уй-жой қуриш учун фуқароларга ер майдони ажратиб бериш ҳуқуқига эга бўлди ва бу савобли ишни гўзал қилиб беозор амалга оширди.

Зилзила бўлган даврда Тошкент университетининг ректори академик Саъди Сироҷиддинов эди. У Шароф Рашидов топшириғи ва қалби амри билан Москва университети раҳбариятига мурожаат этиб, физика факультетининг бир неча талабаларини МГУда ўқишни давом эттириш учун жўнатишга келишди. Шу талабалар ичида мен ва бўлажак рафиқам ҳам бор эдик...

Шароф Рашидов ректоримизни ўзига жуда яқин олар ва ТошДУга тез-тез келиб турарди. Мен бунга кўп маротаба шохид бўлганман... Биз эр-хотин 1968 йил сентябрининг биринчи кунлари Ленинград аспирантурасига кетар олдимиз ректорат рўпарасидаги зинапоядан пастга энди тушган эдик ҳам, бирдан қаршимиздан С.Сирожиддинов ҳамда Ш.Рашидов чиқиб келишди-да, рўпарамиздаги деворларга осиглик плакатлар билан таниша бошлашди. Бизларни шунда Шароф Рашидовдан бор-йўғи икки одим масофа ажратиб турарди... Орадан кўп йиллар ўтгач ўша тасодифий учрашувни хотирлар экан, хотиним афсусланиб: «Нега энди дадил бориб Шароф Рашидов билан сўрашмадик ҳамда бизларга нисбатан ғамхўрлиги туфайли аспирантурага кетаётганимиз учун миннатдорчилик билдирмадик, ғўрлик қилган эканмиз-да...» дегани ёдимда. Ҳар қалай, ўшанда Шароф Рашидовнинг бизларга назари тушган эканки, мана кам бўлмадик, хотиним Тошкент Ирригация институти физика кафедрасида доцент бўлиб 42 йил – 2012 йилгача дарс берди, менга профессор унвонини олиш насиб қилди.

Ўша йилларда киши кўнглига ёқимли барча ишларга, албатта, Шароф Рашидов ва унинг Саъди Ҳасанович каби сафдошлари бош-қош бўлган эди. Бунга шубҳам йўқ. Очиғини айтсам, Шароф Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик лавозимига ўтирганида баъзиларга маъқул бўлмагандек эди. Менда ҳам шундай туйғу, озми-кўпми, бор эди. Бироқ ҳаёт тажрибам ошгач, билсам, Шароф Рашидов ўзини аста-секин намоён қилиб бориш орқали, ўзидан аввал Ўзбекистонга раҳбарлик қилганлардан тубдан фарқ қилишини кўрсата олди, айниқса, Тошкент зилзиласидан кейинги жонбозлиги, ватанпарварлиги, миллатпарварлиги билан қалбимиз тўридан жой олди. Бир пайтлар уни ёқтирмаган одамлар ҳам Шароф Рашидов тобути ёнидан ўтар экан, кўплар қатори кўз ёшларини тўхтата олмагани ёдимда...

Абдурахим Шерматов деган миришкор дехқон бўлар эди. Шу одамга ўша пайтда урф бўлган тақдирлаш усули билан Брежнев номидан хат етиб келади ва қайсидир бир йиғиндаги президиумда бу кишига Шароф Рашидов ўтирган курси орқасидан жой ажратишади. Тадбир пайтида Шароф Рашидов бошини орқа томонга ўгиради. Шунда Шерматов кулоғини Шароф Рашидовга яқин тутлади. Шароф Рашидов унга икки дунё саодатига эришган экансиз-да, дея шивирлаб қўяди. Маълум бўлишича, Абдурахим ака номозхон экан-у бундай одамга Брежневнинг хат ёзиши қандоқ бўлар экан, деган масала Шароф Рашидов аралашмагунча ҳал бўлмаган экан.

Йиллар ўтди, замонлар ўтди, XX аср соча олмаган бахт нурини Мустақиллик куёши сахийлик, қут-баракка билан сочиб келяпти. Тошкент кўчаларидан ёшларимиз ўтиб борар экан, Шароф Рашидов ва унинг ҳамфиқрлари орзу қилган, ер юзидаги ҳар қандай одамни лол этиб қўядиган даражадаги гўзал меъморчилик намуналарини, тинчлик ва хотиржамлик бўлгани учун усталарнинг тешаси айна мўлжалга тушиб бино қилинаётган мухташам биноларни кўриб, қувончи ичларига сигмаяпти ва ушбу азим юртга, кадрдон шаҳарга, улуғ халққа муносиб бўлиш йўлида эртанги кунга ишонч ила кучларига куч, меҳрларига меҳр, садоқатларига садоқат қўшилган ҳолда шахдам қадамлар ташлаб буюклик сари яқинлашиб бормоқда... Мен эса шахримизда куриляётган ҳар бир янги қасрга қарар эканман, ёш ғилтиллаган кўзим олдида ушбу қаср ўрнида хароба каби пойтахтимиз қоқ марказида турган пачоқ иморатлар гавдаланади-да, ушбу манзарани биз кексалар қатори ёшларимиз ҳам тасаввур этишаётгандир, бир вақтлар, халқимизнинг буюк келажагини ўйлаб ўзини ажнабийлар «миллатчи» дея аташидан мутлако чўчимаган, фидойи бўлишдан кўрқмаган оталар, оналар, боболарни ҳар замон эслашаётгандир дея хаёлга ботаман...

Қудрат АҲМЕДОВ,
кимё фанлари доктори,
Тошкент кимё-технология
институтини профессори

ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН ЭДИ

Мактабдаги синфдош дўстларим бўлган Эркин Воҳидов, Анвар Исроилов, Иброҳим Гафуров каби ўқувчилар бадиий китобларни кўп ўқиши, асарлар қаҳрамонлари характери ва тақдирини муҳокама қилиш мунозаралари билан мени ҳам қизиқтирар, адабиётга тортар эди. Айниқса, бизлардан бир синф олдин ўқийдиган, келажакда шоир бўлиб етишган Сайёрупўлат Файзуллаев Алишер Навоий, Бобур, Фурқат ва ўзининг шеърларини ёддан ўқиш маҳорати билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган эди.

Кунларнинг бирида дўстим менга «Бўрондан кучли» романини тутқазиб, ўқиб чиқишимни маслаҳат берди. Асар менга ёқиб тушди. Шу-шу Шароф Рашидовнинг асарлари ва публицистик мақолаларини ҳавас билан ўқий бошлаганман. Мактабни битиргач, баъзи дўстларим адабиётни, баъзилар медицинани, мен эса кимё-гарликни танладим. Шунга қарамай, адабиётга бўлган қизиқишим сўниб қолмади. Айниқса, техника, фантастика, беллитристикага оид адабиётларни доимий ўқиб бордим.

Олтмишинчи йиллар ўрталарида Москвадаги М.В.Ломоносов номли кимё-технология институтини аспирантурасида ўқиётган пайтим эди. Кутилмаганда мени «Литературная газета» редакциясига таклиф қилиб қолишди. Хайрон бўлдим. Мени бир рус йигити кутиб олди, ўзини таништирди. Тошкентлик аспирант-

лигимни суриштирганлигини айтди. Ўша пайтда журналист ва хаваскор ёзувчи бўлган акамни ҳам билар экан. Шароф Рашидовнинг асарлари катта мукофотга номзод сифатида қўйилаётганини айтиб, мен у киши ижоди ва асарлари билан қизиқишимга тўхтади. Менинг ижобий жавобларимдан коникди шекилли, ўз таклифини билдирди. Ёзувчи ижоди ёшларга ва шахсан менга ёқиш-ёқмаслиги каби масалаларда фикримни ёзиб беришимни илтимос қилди. Рози бўлдим. Орадан икки ҳафталар ўтгач, фикрларимнинг қисқа ва лўнда мазмуни газетада босилиб чиқди. Шароф Рашидов шарофати билан номим собиқ Иттифокнинг барча бурчақларига тарқалганлиги мен учун қувончли эди, албатта. Ана шу вақтдан бошлаб катта ёзувчимизнинг асарлари ва иш фаолияти билан янада кўпроқ қизиқа бошлаганман.

Кунларнинг бирида ёзувчимизнинг марказий газеталардан бирида босилиб чиққан таҳлилий мақоласини ўқиб қолдим. Унда ёш ёзувчилар Ҳожи Аҳмад (акам) ва Ҳамид Гулом ижоди ҳақида умидли фикрлар билдирилганди. Ана шу даврларда мен ҳам давлатимиз бошлиғи ва сеvimли ёзувчимизни шахсан кўриш, иложи бўлса суҳбатларини олишни ният қилиб қалбимга тугиб қўйгандим.

1966 йилнинг бошларида номзодлик диссертациямни ёқлаб, Тошкент политехника институтида талабаларга дарс бера бошладим. Шундай кунлардан бирида пойтахтда кучли зилзила рўй берди. Республикамиз раҳбари тонг саҳарданоқ шаҳар айланиб, бузилган иморатлар ва бошқа талафотларни шахсан кўриб, одамларга далда берган, қайта қуриш ишларига бош-қош бўлгандилар. Зилзила кунининг эртасидан талабаларимиз билан биргаликда шаҳар марказидаги бузилган уйларни тозалаш, кўча-куйларни тартибга солиш билан банд бўлдик. Шу пайт, кечга яқин Ш.Р.Рашидов, собиқ Иттифок раҳбарлари Л.И.Брежнев ва А.Н.Косигин би-

лан биргаликда Навоий номли опера ва балет театри майдонига келганларини кўриб қолдик. У киши куюнчаклик билан бузилган биноларга қараб қўяр, бўлиб ўтган воқеаларни раҳбарларга тушунтирар эдилар. Саволларига берилган аниқ жавоблар уларни қониқтирди шекилли, тезликда машиналарга ўтириб, Марказкўм томон йўлга тушдилар.

Тошкентни қайта тиклаш, зилзила оқибатларини тезликда бартараф қилиш, собиқ Иттифоқдан кўнгилли курувчиларни таклиф қилиш, зарур ашёларни етказиб бериш каби масалалар бўйича махсус қарорлар қабул қилинди. Кўчалар, боғлар, дам олиш масканлари ҳашар йўли билан ободонлаштиришга киришилди. Кўп ўтмай янги бинолар, боғча ва мактаблар ишга туширилди. Бузилган уйлар таъмирланди, палаткалар йиғиштирилди, шаҳримиз тинч-осойишта ҳаёт кечира бошлади. Бу ишларнинг бошида турган Шароф Рашидов ўткир ақл-заковатли ва моҳир ташкилотчи раҳбар эди.

Ўша қийин кунлардан бирида Шароф Рашидовнинг «Комсомольская правда» газетаси муҳбири билан суҳбати эълон қилинди. Машғум зилзила рўй берган тонг саҳарда у киши ҳовлида юрган эканлар. Пойтахтнинг шимолий чеккасидаги Ўнкўрғон қишлоғи атрофида газнинг портлашидан ҳосил бўлган алангани кўриб, тезликда ёнғин ўчириш ходимларига кўрсатма берадилар. Демак, раҳбаримиз тонг саҳардан ярим кечагача доимо уйғоқ, сергак ҳолда халқ ташвишида, мамлакат тақдирини ўйлаб яшаганлар. Халқимизнинг меҳнатсевар, ватанпарвар, ўз идроки, ақл-заковати билан иш юритувчи фарзандларини излаганлар, уларни ўстириш, раҳбарлик ишларига кўтариш ташвишида бўлганлар. Бунга мисоллар кўп.

Раҳбаримизни яқиндан кўриб, суҳбатлашиш ниятим кўп марта амалга ошди. Бир дўстимизнинг тўйига Шароф Рашидов бошлиқ меҳмонлар ҳам келиб қолишди.

Тўй бошқарувчиси биринчи табрик сўзини, табиийки, Ш.Рашидовга берди. У киши келин-куёв билан бирга барча тўпланганларга энг яхши тилакларни изҳор қилдилар. Халқ ташвиши билан яшаган инсон, элимизнинг тўй-томошалари, хурсандчилик кунларида ҳам бирга бўлиш учун имкон топишга ҳаракат қилардилар.

Орадан йиллар ўтиб, 1978–1979 ўқув йилининг дастлабки куни Шароф ака Тошкент политехника институтининг Навоий кўчасидаги мухташам биносига ташриф буюрдилар. Кўча ва институт ҳовлиси талабалар ва профессор-ўқитувчилар билан тўлган эди. Ҳамма ҳаяжонда, меҳмонни кутиб ўтирарди. Ш.Р.Рашидов залга кирар эканлар, ҳамма ўрнидан турган ҳолда қарсақлар билан қарши олди. Институт ректори академик К.С.Аҳмедов республикамиз раҳбарини олқишлаб, у кишига сўз бердилар. Шароф Рашидович институт жамоасини қутлаб, муваффақиятлар тиладилар, профессор-ўқитувчилар олдида турган долзарб масалаларга тўхталдилар. Ўқув адабиётларини кўриш, лаборатория ва кабинетларни кўздан кечириш баҳонасида ҳамма талабалар билан саломлашар эканлар, уларга яхши ва аъло баҳоларга ўқиш, илм асосларини чуқур эгаллаш, мамлакатимиз саноат корхоналарининг етакчи муҳандислари бўлиб етишишларини тиладилар.

Бу шодлик кунини ўша пайтдаги ёш ўқитувчи ва устозлар ҳали-ҳамон эслаб юришади. У киши ташрифларидан кейин институтимиз янги мебель, аудитория стол-стуллари ва асбоб-ускуналар билан янада бойиди. Кутубхонамизга техникавий ва бадий адабиётлар келди, газета ва журналлар сони кўпайди. Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америка мамлакатларидан келиб ўқийдиган талаба ва аспирантлар сони ҳам ошди.

Шароф Рашидов нафақат олий ўқув юртлари, балки мактаблар, техникумлар шароити билан ҳам қизиқар эди. Бу ишларнинг ҳаммасини ўзларига хос ўта зийраклик,

билимдонлик билан бамаслаҳат амалга оширишларини кўпчилик биларди. Шу билан бир қаторда маҳаллаларда яшовчи нуроний отахон-онахонлар турмуши, ҳаёт тарзи, ташвиш ва муаммолари билан ҳам қизиқардилар.

Шароф Рашидов ўз оила аъзоларига меҳрибонлиги ва фарзанд тарбиясидаги эътибори билан ҳам барчага ўрнак эдилар. Фарзандлари ҳам уларга ўта меҳрибон эдилар. Буларни у кишининг қизлари, касбдошимиз Сайёра Рашидованинг суҳбатларидан билиб қолардим, сезардим. Бу олима ҳамкасбимиз академик бўлиб етишди. Сайёра Рашидова кўп йиллар давомида юксак лавозимларда ишлади. Оталари сингари ақл-заковат ва инсоний фазилатларини намоён этди.

Мен Ватанимнинг оддий бир фуқароси сифатида мамлакатимизга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилган Ш.Рашидов ҳақидаги эсдаликларимни битар эканман, у кишининг юртимиз ободонлиги, ривож, дунёга танилишидаги буюк хизматларидан бир томчисини айта олдимми-йўқми, билмайман. Бадий ижоддаги ақл-заковати, мушоҳада қуввати, чин инсонийлиги, меҳр-оқибат, самимийлик, ўз ватани ва халқини чин юракдан севиши каби буюк фазилатларининг ўзи бир қанча китобларга жо бўлгулик. Мана энди орадан кўп йиллар ўтиб, юзидан нур ёғилиб тургувчи инсоннинг тириклигида ёзиб қолдирган башоратли мисраларини ёддан эслайман:

*Мана шундай бу бизнинг ҳаёт,
Кундан кунга олдга кетажак.
Илҳомимга бериб зўр қанот,
Мамлакатим гуллар тутажак!*

▼

Сайфиддин ЖЎРАЕВ,
«Нуроний» жамғармаси
Уйчи туман бўлими фаоли

ЭЛ ҒАМИДА ЎТГАН УМР

Фарғона водийсини Ўзбекистонимиз гавҳари, дурдонаси дер эдилар. Кремлнинг иродаси билан Наманган маълум муддат Андижон вилоятига бўйсунганда бу ноқулайликдан изтироб чекар, бу хол тезда ечим топишини айтар эди. Ниҳоят, Наманган ҳам алоҳида вилоят сифатида ташкил топиши учун қаттиқ курашганидан хабардор эдик.

Ўша йиллари комсомол ташкилоти котиби сифатида амалга оширилаётган ишлардан унча-мунча дахлдор бўлганим учун Шароф Рашидовнинг Наманганга келиб-кетганларига гувоҳ бўлганман. Бир сафар Рашидов Андижон томондан Балиқчи тумани орқали Наманганга кириб келди. Катта йўл ёқасидаги хонадонлардан бирида тўй бўлаётганди. Шароф ака тўпланиб турган одамларга ишора қилиб, нима мақсадда туришгани билан кизиқди.

Вилоят раҳбари Ашур Ҳайдаров бу ерда тўй бўлаётганини айтди. «Унда биз ҳам кириб табриклайлик», – дея ҳалиги хонадон сари юришди. Одамлар меҳмонни ўраб олишди. Шароф ака тўй эгасини сўради. Сочсоқоли ўсиб кетган, эгнида эски кийим кийган одам рўпара бўлди. «Рўзғорингиз қандай ўтяпти?» – деб савол беришди. «Яхши, икки бош соғин сигир бузоғи билан, 10 бош қўй, минадиган отим бор», – деб жавоб қилди. «Тўй – бу оиладаги, маҳалладаги қувончли воқеа, шундай кунда соч-соқолингизни олиб, озода кийимда юриб,

эшик олдида меҳмонларни кутинг», – деган сўздан кейин: «Мана, шунча хизмат қиладиган йигитлар бор экан-ку», – деб тўпланган ёш-ялангларга ишора қилди.

Тўйга келган одамлар худди Хизрни кўргандай ҳайратланишар, тўй соҳиби «Менинг тўйимга Ўзбекистоннинг раҳбари ташриф буюрди», – дея ғурурланганди.

Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг асосий пахта база-си бўлишига қарамай, соҳага эътибор кам бўлиб, қўл меҳнати устувор, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон, сара уруғлар йўқ, далаларни ўт босиб, ҳосил кечиқиб, йиғим-терим қор-ёмғирга қолиб кетар эди.

Москва рухсатисиз бирорта йўл чиқариб бўлмайдиган пайтлар эди. Вазият ўта эҳтиёткорликни талаб этгани ҳолда, Ш.Рашидов жонажон она ватани Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун жон фидо қилиб, ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кечиқиб, республикадаги ҳолатни чуқур таҳлил қилиб – ички имкониятлар, ер, сув ресурслари, жуда катта ишчи кучи салоҳиятини ҳисобга олиб, собиқ иттифоқ раҳбарлари билан тил топиб, мазкур ишларни амалга ошириш учун маблағ, моддий ресурслар, техника воситалари ажратилишига эришдилар.

Мирзачўл, марказий Фаргона чўли, Қарши чўли, Қизилқум саҳролари ўзлаштирилиб, қатор янги вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, янги инфратузилмалар ташкил этилиб, кўплаб кишилар иш билан таъминланди, янги автомобиль ва темир йўллари, каналлар, суғориш иншоотлари, газ ва ичимлик суви қувурлари, электр ва телефон линиялари тортилди. Қатор мактаблар, боғчалар, шифохоналар қурилди. Телевизор, кўплаб маиший техникалар кириб келди. Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи ишга тушди. Пахтачиликда техника тараққиёти ўсди, янги технологиялар жорий этилди, толаси пишқ, истиқболли, тезпишар пахта навлари яратилди.

Кадрлар кўнимсизлиги олди олиниб, тинчлик, осойишталик, соғлом муҳит, барқарор вазият қарор топди. Бунда Ш.Рашидовнинг хизматлари беқиёсдир. У киши кадрларга ўта талабчан, айна вақтда ғамхўр ва меҳрибон, уларни тарбиялаш, асраб-авайлашга, иззат-хурматини жойига қўйишга жиддий эътибор берар эдилар.

Шароф Рашидов пахтаинг меҳнати оғирлигини, пахтакорлар чекаётган заҳматни чуқур англаган ҳолда, айниқса, асосий оғирлик аёллар зиммасига тушишини ҳис этиб турарди. У киши бу оғир заҳматни енгиллатиш ҳақида муттасил ўйларди. Қаерга борсалар, энг аввало, дала шийпонидаги шарт-шароитни кўриб чиқар эдилар.

Шароф Рашидов чин маънода халқлар дўстлигини ўзбекона меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни улуғловчи раҳбар эдилар. Шу боис бўлса керак, ён қўшни республикалар фуқаролари ҳам у кишини қаттиқ ҳурмат қилишар эди.

1973 йил июль ойида Уйчи тумани далаларини айланиб, туманнинг Жийдакапа кишлоғига борилди. Бу кишлоқ Буюк ипак йўлининг – «Наманган – Фарғона – Андижон» йўналишида Уйчи марказидан тикка тушганди. Худди шу ерда одамлар зўр шодиёна, қарсақлар билан раҳбарни кутиб олишди. Шунда ёши 60–70 га бориб қолган отахон у кишига яқинлашиб, «Мен тожикстонликман, бугун бу ерга Кисловодскда бирга дам олган бир дўстимникига меҳмонга келган эдим. Менинг узоқ йиллардан бери ягона орзуим Сиздай улуғ инсонни бир кўриш эди. Бугун орзуимга эришдим. Рухсат этсангиз, Сизни бағримга бир босиб олсам – бутун Тожикистон оқсоқолларининг орзуларини ушатган бўлар эдим», – деди. Шароф ота қулоч ёзиб бағриларига босдилар.

Муҳтарам Президентимизнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қалбимиз тубидаги армонлар, орзу-умидларнинг ижобати бўлди.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими**

ЗУККО РАҲБАР, ФИДОЙИ ИНСОН, ИҚТИДОРЛИ АДИБ

Одамийлик! Бу нақадар мукамал ва ниҳоят кенг маънодаги тушунча. Унинг заминида, аввало, адолат, билим ва ақл, инсонпарварлик, меҳр, қариндошу уруғ, дўсту биродарлар, қўйингки, барча инсонларнинг қадрига етиш, одоб, тўғрисўзлик, ҳалоллик...

Хуллас, санайверсак, қалбга қувонч бахш этадиган бундай қимматли хусусиятлар мужассам сўзлар рўйхати ҳали анча давом этади. Дилингизни равшан этувчи бу ибораларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун ва айниқса, ўша оғир ва жафоли даврнинг гувоҳи бўлган, бошидан кечирган инсонлар учун номи эъзоз ва ҳурмат билан тилга олинадиган Шароф Рашидовда тўла мужассам эди.

Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қалбларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Негаки, чинакам шижоат соҳиби, ҳақгўй, кадр-қимматни жуда юксак баҳолайдиган, юрт, миллат, ҳақиқат дарди билан яшаган, бошига ҳар қандай оғир кулфатлар келмасин, бўҳтонлар тўқилмасин, маслак ҳамда эътиқодидан чекинмаган, мураккаб йилларда юртимиз тараккиёти йўлида жон куйдириб хизмат қилган, миллий маданиятимиз, адабиётимиз ривожига бениҳоя катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, донишманд мутафаккир сифатида қалам тебратган таниқли ёзувчи-

нинг ёрқин хотирасини улуғлаш республиканинг ҳар бир фуқароси учун ҳам қарз, ҳам фарз. Шундай экан, зукко раҳбар, меҳри қуёш инсон билан бир даврда ишлаган ижодкор сифатида бўлиб ўтган учрашувлар, эсдаликлар, баъзи хотиралар ҳақида сўзламокни зим-мамдаги бурч деб англадим.

Шароф Рашидов Қашқа воҳаси, унинг меҳнаткаш, дангал, ҳақгўй халқига ўзгача меҳр кўйган эди. Вилоятга қачон келмасин, йиғилганларнинг ҳар бири билан қўли олишиб кўришиб, амалга оширилган ишлар, жафокаш инсонлар меҳнатига юксак баҳо берар, ўз навбатида, улар олдига жуда ширинсуханлик билан янги вазифалар кўярди. Қарши даштини ўзлаштириш, газ саноатини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган улкан ишлар авж олиб кетган, айникса, Амударё сувини чўлга йўналтириш учун сафарбарлик эълон қилиниб, чинакам мардлик-матонат кўрсатилаётган пайтларда вилоятга тез-тез ташриф буюрар, ҳар доим Москвадаги бу улкан ишларга маблағ, асбоб-ускуна, хомашё ажратадиган ташкилотларнинг раҳбарлари билан бирга келар, улар қалбига йўл топиб, керакли ёрдамни олишга интилар ва бунга эришарди.

Барча ОАВ ходимлари қаторида биз радиожурналистлар ҳам республика раҳбари ташриф буюрган ҳамма ерда, хоҳ улкан газ иншоотлари, хоҳ янги ўзлаштириладиган қўриқ ерлар, хоҳ пахтазору ғаллазорлар, чорва яйловлари, хоҳ ўқув юртлари, мактаблар, болалар боғчалари бўлсин, дарҳол ҳозиру нозир бўлар, репортёр тасмаларини келгуси эшиттиришлар учун суҳбат ва интервьюлар, чўлқуварларнинг истаклари, муаммолари акс этган сўзлар, орзу-ҳавасларга тўлдирардик. У киши журналистлар ишига алоҳида эътибор бериб, бизлар билан алоҳида ва қизгин суҳбатлашар, ташриф тўғрисидаги материалларни тайёрлашда эътиборни нималарга қаратиш ҳақида зарур маслаҳат, кўрсатмалар берардилар. Мен вилоятдан ташқари республикада

ишлаган йиллари Ўзбекистон компартияси Марказий қўмитасида ўтказилган йиғилишларда қатнашиб, у кишидан кўплаб кўрсатмалар, топшириқлар, саволларимга жавоблар олганману, лекин вилоят радиоэшиттириш қўмитасида бу самимий инсон билан бўлган юзма-юз суҳбат дилимда ўчмас хотира бўлиб қолган. Бу воқеа 1982 йил февраль ойида юз берганди.

1959 йилнинг сўнгги кунларида Қарши шаҳрида «Қашқадарё вилоятининг порлоқ истикболи» тўғрисида уч кунлик Халқаро кенгаш ўтказилди. Мамлакат раҳбарлари, энг кўзга кўринган олимлари, мутахассислар шундай муҳим ва мазмунли маърузалар билан вилоятнинг эртанги куни тараққиётини аниқ рақамлар, турли схемалар, кўрсаткичларда очиб бердиларки...

Ана холос, бўладиган улкан ўзгаришлардан завқланиб, тўлқинланиб турган бир пайтда кенгаш тугаган куннинг эртасигаёқ (1959 йил, 31 декабрь) Қашқадарё вилоятини Сурхондарё билан қўшиш ҳақида Ҳукумат қарори эълон қилинди. Ҳамма ҳангу манг. Биринчидан, шундай мақсад бор экан, айти пайтда бундай йирик кенгашнинг қандай зарурати бор эди? Иккинчидан, бир ёғи Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларига туташган, ҳудуди Бухоро, Самарқандгача чўзилган икки йирик вилоятни бирлаштириш кутиладиган натижани берадими? Ҳар қандай фикр, эътирозлар билдирилмасин, Москва раҳбарлари хоҳишига зид ҳисобланарди.

Хўш, натижа қандай бўлди? Қанчалар муҳим кўрсатмалар, қарорлар, фармонлар қабул қилинмасин, ривожланиш бўлмади, икки вилоятда ҳам халқ хўжалигининг барча соҳалари орқага кетди, жабр кўрди. Уч йилдан озроқ вақт ўтиб, 1964 йил 8 февралда Қашқадарё вилояти яна қайта ташкил топди.

Термиз шаҳрида Қашқадарё туманларида мўлжалланган қурилиш, ободонлаштириш соҳасидаги маблағ ҳисобига бир қадар ўзгариш бўлганлиги рост. Аммо

Қарши шаҳридаги ҳолат олдингидан ҳам орқага кетди. Шу боис вилоят қайта ташкил этилган дастлабки йилларда корхоналар, ташкилотларни иш жойлари билан таъминлаш жуда оғир мушкул масалага айланди.

Ана шундай шароитда вилоят радиоси учун талабларга жавоб берадиган йўлдан йироқ, турли товушлар таъсир этмайдиган, деворлари пишиқ ғиштдан бўлган бинони топиш амри маҳол эди, албатта. Мутахассислар ноиложликдан радиони вақтинчалик Ўзбекистон кўчасидаги «Бекмиркозоқ мадрасаси»га жойлаштиришни лозим топишди. Бу ердаги кичик-кичик хоналарда студияларни қўя туринг, ҳатто ишлаш учун оддийгина шароит ҳам йўқ эди.

«Бу бинода узоғи билан бир-икки йил турасизлар, сўнг сизларни ҳамма талабларга жавоб берадиган алоҳида жойга кўчирамиз» деб ишонтиришди раҳбарлар. Ана шу бир икки йил... роппа-роса 17 йилга чўзилди. Вилоят раҳбарлари радиого бино ажратиш билан мутлақо қизиққанлари йўқ. «Ўзинг учун ўл етим» деганларидек, катта қийинчиликлар билан маблағ топилиб, «Радио уйи» қурилгач, уни КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюроси аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Шароф Рашидов очишлари аниқ бўлгандан кейингина улар чора излаб ҳар томонга югуриб қолишди. Хуллас, юқорида қайд этилганидек, 1982 йилнинг февраль ойида «Радио уйи» тантанали равишда очилди. Шароф Рашидов қизил лентани кесиб ичкарига киргач, бу ердаги овоз ёзиш жиҳозларини ўрнатган москвалик меҳмонларга алоҳида ҳурмат билан чуқур миннатдорчилик билдирдилар, иш хоналари, овоз ёзиб олиш студиялари, монтаж хоналаридаги имкониятлар билан танишгач, ходимлар билан бирма-бир суҳбатлашдилар. Республика раҳбари мен билан дўстона суҳбатда ота-онам, қаерда таълим олганлигим, оилавий аҳволим билан қизиқдилар. «Радио уйи» қурилиши давридаги қийинчиликлар, муаммолар

ҳам эътибордан четда қолмади. Республика телерадио кўмитасининг ўша вақтдаги раҳбари У.Иброҳимовга қатор саволлар билан мурожаат этдилар:

– Убайдулла Ёқубович, шундай замонавий «Радио уйи» яна қайси вилоятда бор?

– Ҳеч қаерда йўқ, бу биринчиси.

– Наҳот, нега қурилмаган?

– Рухсат бўлмаган, катта маблағ талаб этилган.

– Бу йигит маблағни қаердан топди?

– Ўн йиллаб югуриб-елиб, йўлини топди.

– Демак, бошқалар изланмабди, изланса, имкон топиларкан. Шундай қурилишлар, имкониятлар айна вақтда жуда зарур. Иш самараси ҳам шунга яраша бўлади, шубҳасиз. Бугунданок ишга киришинг, ҳамма вилоятларда худди шундай бино қурилиши зарур. Мен рухсат бердим, каноатлантирадими сизни?

– Бўлмасамчи, катта раҳмат.

Қўлимни қисиб, кейин ишларимда катта омад тиладилар. Шунда яна бир бор қилинган меҳнатга муносиб баҳонинг завқини туйдим. Шу йилиёқ барча вилоятларда «Радио уйлари» қурилиши бошланиб кетди. Мени қувонтирган яна бир савоб иш шу бўлдики, ўз вақтида Шароф Рашидов билан ҳамкорликда фаолият юритган, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг собиқ раиси (у киши турли асоссиз айблар билан қамалиб чиққач, айна вақтда «Қаршистрой»га қарашли «Целинхлопок» бирлашмасида мутахассис бўлиб ишлаётган эди) Раҳмонқул Қурбоновни чақиртириб, узоқ суҳбатлашиб, ундан барча айбларни олиб ташлаш, унвонлари, мукофотларини қайтариб, партиёга тиклаш тўғрисида кўрсатмалар бердилар. Вилоятдаги илгариги раҳбарлардан яна анчагина кишилар шундай шарафга муяссар бўлишди. Хуллас, «Радио уйи» жуда хосиятли келди.

Шароф Рашидовнинг ҳаётда учрайдиган воқеаларга ҳақиқий баҳо берадиган самимий ва дилкаш инсон

эканлигини тасдиқловчи яна бир воқеани эсламасдан ўтолмайман.

1982 йилнинг куз ойлари эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ёш ижодкорлардан бири қўшиқчилик ҳақида фикр юритиб, республика радиосида ижро этилаётган бир шеърни оҳангдош сўзлар тизмасидан иборат бўлган жуда саёз ва жўн эканлигини танқид қилганди. Мана ўша қўшиқдаги баъзи сатрлар:

*Бағрига бош қўярман,
Тўйиб-тўйиб суярман.
Жондан азиз ёримнинг
Дийдорига тўярман.*

Аслида бу сатрлар учун муаллифни ортиқча айблаш унчалик инсофдан эмас. Лекин... қалтис жойи шундаки, шеър муаллифи мамлакатнинг биринчи раҳбари бўлиб, унинг Иккинчи жаҳон уруши даврида босилган шеърини тўпламидан олинган эди.

Бу воқеа нафақат газета муҳаррири, унинг ўринбосари, ходимларини, балки жами ижодкорларни ўйлантирди, аниқроғи ваҳимага солди. Ҳар ким ўзича фикр юритар, бу мақола ўша газетагагина эмас, бутун оммавий ахборот воситаларига катта зарар келтириши, кўплаб айбсизлар ҳам кескин жазоланиши ҳақида ўзича фол очарди. Газета навбатдаги сонидеяқ «ўз хатосини» бўйнига олиб раддия берди, кекса, тажрибали муаллимнинг мақоласини чоп этиб, муаллиф фикрларини тоза қоралади. Тегишли ташкилотлар, айниқса, Марказқўм ходимлари ҳаммадан олдин чанг кўтариб, газета ходимларини «Ёзиб берган тушунтириш хатларинг бир чақага ҳам арзимаиди, қандай жиноят қилганларингни бўлажак муҳокамада англайсизлар», – дея тинимсиз айблашарди. Ниҳоят, кутилган кун келди. Шароф Рашидов газета редакторини ҳузурига чорлади.

– Мен бу улкан даргоҳда тақдирим нима бўлишини сира ҳис эта олмай раҳбардан дудуқланиб узр сўрай

бошладим, – деб эслайди газетанинг ўша вақтдаги бош муҳаррири Одил Ёқубов. – У киши гапириш ўрнига табассум билан қўл чўзиб сўрашдилар.

– Бу гапни бошқа такрорланганг. Биз пайғамбар эмасмиз. Хато ҳаммамиздан ҳам ўтади, идорангизга бориб, илгари қандай ишлаган бўлсангиз, бундан кейин ҳам шундай ишонч билан ишлайверинг, қани, қўлни беринг, ука... Сизга омад! – дедилар.

Ортиқча мулоҳазага ўрин йўқ. Чинакам одабийлик, кечиримлилик, ҳурмат шунчалар бўлар-да?! Нафақат республика матбуоти, балки вилоятдаги ОАВ ходимлари кўкрагига ҳам ана шундан кейин шамол тегди.

Йилдан йилнинг фарқи катта, деган гап бор халқимизда. Айниқса, бу қишлоқ хўжалиги соҳасида яққол кўзга ташланади. Айрим йиллар пахтачилик учун анча қулай келса, ғаллачилик, чорвачиликда кутилмаган қийинчиликларни туғдиради. Дейлик, баъзи йилларда баҳор чўзилиб кетиб, чигит экиш, ҳосил тўплаш муддати кечикса, бўладиган кетма-кет ёғингарчиликлар ғаллакорлар, айниқса лалми ерларда меҳнат қилаётганлар, чорвадорларга омад келтиради, улар кутилгандан ортиқроқ ҳосил кўтаришади. Пахтакорни бу йил баҳор ҳавоси қўллаб-қувватласа, иккинчи йили унга синалмаган уруғлик чигит, учинчи йили турли ҳашаротлар, сувсизлик панд беради. Хуллас калом, деҳқон учун силлиққина ўтадиган йилни эслаш жуда қийин.

Аммо минг шукрки, кейинги йилларда Сурхондарё ҳамда Қашқадарёда йил сайин учраб турадиган катта офат – «Афғон шамоли» барҳам топди. Ойлаб давом этадиган ўта кучли чанг-тўзон, чўлнинг кум бўрони одамларни на кундузи, на кечаси кўз очирмас, пахтазор, ғаллазор, боғ-роғларга путур етказар, ғалвирда ҳосилнинг чўғи ниҳоятда пасайиб кетарди. Кейинчалик, аввало, табиатни қўриқлаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, яна аниқроғи, бепоён чўллар-

нинг экинзорларга, боғ-бўстонга айланиши бу офатга чек қўйди. Ўтган аср 80-йилларининг бошларида содир бўлган «Афғон шамоли» келтирган офат ҳамон кўз олдидимда гавдаланади.

Қашқадарёда Чирокчининг қоқ бўз майдонларида янги туман ташкил топди. Унга яхши ният билан «Кўкдала» номи берилди. Шижоат сохиблари – бободехқонлар янги ерларда яхши ният, орзу-хавас билан иш бошладилар. Кенг майдонларда ғўзалар мўл ҳосилдан дарак бериб чунонам ривож топдики, асти кўяверинг. Айни саратон, ғўзалар иссиқдан баҳра олиб, ҳам бўйига, ҳам энига ўсадиган кунларда «Афғон шамоли» шунақаям уввос солиб бостириб келдики, бир ой ичида деҳқонлар меҳнатини, умидини ер билан яксон қилди. Серавж ғўзалар ҳосили баргигача тўкилиб, курук чўпга-ғўзапояга айланиб қолди.

Ана шундай кунларда Шароф Рашидов офат келтирган зарарлар билан танишиш, деҳқонларга далда бериш мақсадида «Кўкдала»га ташриф буюрдилар. Аҳвол ғоятда даҳшатли, барчанинг чехрасида алам, ғам-ғусса, аҳволни бироз бўлса ҳам ўнглаш учун эса вақт ниҳоятда чегараланган.

Ҳамманинг диққати-эътибори республика отахонида. У киши: «Сизларга қийин бўлибди, ҳосил қўлдан бой берилибди», – дегудек бўлсалар, эзилган халқнинг алами янада ошади. Даврадагиларга бирма-бир боқиб, уларнинг кўнглини кўтариш учун кўп ўйлагач, одатларига кўра босиқлик билан сўз бошладилар.

– Бизнинг деҳқонларимиз чинакам шижоат сохиби, ҳақгўй, қадр-қимматни жуда юксак қадрлайдиган, юрт, миллат, ҳақиқатдан бошқасини тан олмайдиган, бошига ҳар қандай оғир кулфатлар келмасин, ўзини сира йўқотмайдиган, маслак ва эътиқодларидан мутлақо чекинмайдиган инсонлар. Сизларга бугун табиат келтирган офат ҳаётда ҳамиша учраб туради. Аммо

ишончим комилки, у сизнинг қудратингизни бука олмайд.

Баъзиларнинг кўзларида ёш кўрдим. Бу уят. Эркак йиғласа, тоғлар кулаб тушади, дейди халқимиз. Бугунги қийинчиликлар ота-боболаримиз кўрган, бошидан кечирган кулфатлар олдида ҳеч гап эмас. Энг муҳими, жонга жафо етмаган, ҳаммангиз соғ-саломатсиз. Бу катта бахт. Сиз мўлжалланган юксак хирмон бу йил бўлмаса, келаси йил яратилади. Очиғини айтганда, ҳали ҳеч нарса тамоман йўқотилмаган. Ғайрат қилинса, сиз кутган даражада бўлмаса ҳам, камроқ ҳосил яратилади. Бунинг учун сизларга бутун вилоят, Ўзбекистоннинг тажрибали деҳқонлари, олимлари ёрдамга келади. Асло кайфиятни туширманг, орзу-ҳавасингиз сира сўнмасин!

Шундай бўлди ҳам. Шижоат билан қилинган меҳнат, ҳар томонлама кўрсатилган ёрдам эвазига ялонғоч ғўзалар жонланди. Тўғри, ҳосил деҳқонлар кутганидек бўлмаса-да, анчагина миқдорда кечки пахта етиштирилди. Шароф аканинг ана шундай оғир кунларда халқнинг дилини топиб, дардига малҳам, дармон бўлганликларига кўплаб шоҳид бўлганман.

Атоқли давлат арбоби, зукко раҳбар, фидойи инсон, таниқли адиб Шароф Рашидовнинг узоқ йиллар давомида юртимиз тараққиёти, халқ бахт-саодати йўлида кўрсатган ниҳоятда катта хизматлари ҳар қанча эъзозга арзигулик.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» деб номлаган рисоласида қайд этилганидек, Шароф аканинг миллатпарварлиги, ватанпарварлиги, ажойиб шахсий фазилатлари, камтарлиги, вазминлиги, камсуқумлиги, юксак ахлоқ, юксак маданияти, баъзида учраган адолатсизликларнинг янги қирралари очилади, шубҳасиз.

Кенжа РАҲМАТОВ,
меҳнат фахрийси

МИРЗАЧЎЛНИНГ БОШ ЧЎЛҚУВАРИ

Ҳойнаҳой, Сайхунобод туманида Шароф Рашидов номидаги қишлоқ ва мактаб борлигини кўпчилик билмас керак. Эътиборлиси, ушбу манзил ва таълим маскани халқимизнинг атоқли давлат ва жамоат арбоби оламдан ўтган йиллардан буён унинг номи билан аталиб келинмоқда. Бинобарин, халқнинг хоҳиш-иродаси билан қўйилган атама ҳар доим ўчмас ва мангуга дахлдор бўлади. Қолаверса, бунда қишлоқ аҳлининг Шароф Рашидовга бўлган миннатдорлиги ва ҳурмат-эҳтироми ҳам ўз ифодасини топган. Зеро, бир вақтлар тўқай, камиш ва киёк босган чўл бағрида очилган ерларда бўстонга айланган дала-ю боғлар ва албатта, мазкур қишлоқ тарихида халқимизнинг садоқатли фарзанди – Шароф аканинг бевосита ўрни бор. Бу тарихнинг ибтидоси эса бу ерлардан анча олис масофадаги – Қашқадарёнинг Тошли ва Узунқудук қишлоқларига бориб тақалади.

...Менинг отам Раҳмат Шодмонов Тошли қишлоғида 1984 йилда таваллуд топган. Қишлоқнинг номидан ҳам билса бўладики, замини тақир ва тошлоқлиги, боз устига, оқар сувнинг йўқлиги туфайли бу ерларда суғорма деҳқончилик қилишининг иложи йўқ эди. Лалми ғалланинг тақдири эса ёғингарчиликнинг қай даражада бўлиши билан боғлиқ эди, айни чоғда, чорванинг тақдири ҳам. Хуллас, икки қишлоқ аҳолиси ҳам, ўз иборалари билан айтганда, «осмонга қараган халқ» са-

налишарди. Падари бузрукворим ана шундай оғир шароитда етти ўғилнинг отаси эди. Улардан Яхё ва Парда, яъни менинг акаларим 1941 йилда Иккинчи жаҳон урушига кетиб, қайтиб келишмади. Убайдулло комбайн хайдовчиси, Рўзи савдо ходими, Қўзи ўқитувчи, Очил механизатор бўлиб ишлаган. Ўзим эса иқтисодчилик касбида фаолият кўрсатдим. Отамиз ва унинг оиласи хусусида батафсил маълумот беришимнинг сабаби шундаки, Шароф Рашидов ва унинг ҳамқишлоқларимиз тақдиридаги тутган бекиёс ўрни ҳақидаги ҳикоям айнан бизнинг хонадон билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

1950 йил. Урушнинг аянчли оқибатлари ҳали аримаган, зоғора нон – дастурхонимизнинг «шоҳ таоми» бўлган, етишмовчилик кунлари эди ўшанда. Насибасини осмондан ёғиладиган қору ёмғирдан кутган бизнинг қишлоққа ўхшаш жойларда эса аҳвол янада оғир эди. Шундай кунларнинг бирида кишлоғимизга Ўзбекистон Олий Совети Президуми раиси бўлиб ишлаётган Шароф Рашидович Рашидов келдилар. Бу ташрифни мен жуда яхши эслайман. Бунга сабаб шуки, у киши бир ой мобайнида бизнинг хонадонда яшаб, ҳамқишлоқларимизни Мирзачўлга кўчишга даъват этдилар. Қолаверса, бу ишда қишлоқда ўзига яраша обрў-эътиборга эга, эл кишиси бўлган отамни ҳам ўз ёнларига олдилар. Шунингдек, Узунқудук қишлоқ Совети раиси Қорабоев ва хўжалик раиси Абдуалим Махмудов ҳам одамларни чўлга кўчириш ишида Шароф Рашидовга яқиндан ёрдам берадилар.

Ўшанда мен эндигина мўйлабим сабза бўлаётган ўсмир эдим. Шундай бўлса-да, Шароф Рашидовнинг Мирзачўлни ўзлаштириш халқимизнинг эртанги кунини учун нақадар муҳим иш эканлиги хусусида одамлар орасида айтган гапларини ҳамон яхши эслайман. Унинг даъваткор сўзларида халқига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат уфуриб турарди. Бунини одамлар юрак-

юрақдан ҳис қилишди ва тез орада 200 дан зиёд хонадон кўч-кўронини ортиб янги макон – Мирзачўлнинг ҳозирги Сайхунобод тумани сари йўл олдилар. Улар билан поездда Шароф Рашидов ҳам бирга келди. Уларга бевосита Шароф Рашидовнинг саъйи ҳаракати билан кийимлик учун керакли матолар, озик-овқат ва бошқа зарур нарсалар тарқатилди. Шу билан бирга ҳар бир оила ўша вақтдаги имконият даражасидаги уйлар билан таъминланди. Тез орада мактаб ҳам қуриб берилди.

Эсимда, кўчиб келган илк кунларимизда уйимиз бор-у аммо ҳали экин экадиган ердан дарак йўқ эди. Нега десангиз, атроф жавониб ёппасига қамишу қиёқ босган тўқайзор эди. Ана шу одам юрса адашадиган, илону чиябўри ва бошқа турли жониворлар макони бўлган жойлардан экин майдонлари очиш энг биринчи вазифа эди. Билсангиз, бир киши бир кунда нари борса учта қиёқни тагидан қўпориши мумкин эди (Айтиш лозимки, ҳамқишлоқларим шу зайлда, яъни қўл кучи билан икки минг гектар ерни тўқайдан тозалашган). Боиси, йиллар давомида ўсиб келган ўсимликнинг илдизпояси гўёки дарахт тўнкасидек баҳайбат бўлиб кетган эди. Лекин тошлоқликлар ҳам, узунқудуқликлар ҳам бўш келишмади. Дастлабки йили оз бўлса-да янги ер очиб, баҳоли қудрат ҳосил кўтаришди. Бу эса уларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Энг муҳими эса, уларнинг меҳнати, яшаш шароити Шароф аканинг доимий эътиборида бўлди. У киши вақт топди дегунча ўзи етаклаб келган чўлқуварлар ҳолидан хабар олиб турди, эришган ютуқларини бир оғиз ширин калом билан бўлса-да рағбатлантиришни қанда қилмади. Дарвоқе, отам раҳматли бора-бора инисидек бўлиб кетган Шароф Рашидовичнинг айнан шу хислати – ширинсуханлигини кўп эътироф этар эдилар.

Етмишинчи йилларнинг охирида Шароф Рашидов туманимизга келгандилар. У кишининг ташрифи қиш-

лоғимизда тантанага айланиб кетди. Шароф Рашидович ким билан кўришса, ҳар бирдан самимий ҳолаҳвол сўради. Ютуқларимизни эшитиб беҳад суюнди. Энг асосийси, туғилган жойини тарк этиб, янги маконда мустаҳкам қарор топган одамларимизнинг шу заминга қўйган меҳр-муҳаббатидан чунонам қувондилар. Шу куни у кишининг тавсиялари билан 6 нафар энг илғор деҳқонларимизга энгил автомашина бериладиган ҳам бўлди. Ҳамқишлоқларимиз бу уловларини узоқ йиллар Шароф ота совға қилган машина деб фахр билан миниб юришди.

Яна бир қизиқ учрашувни айтмасам бўлмас. Бир галги ташрифларида белгиланган йўналишга кўра у киши туман марказига ўтиб кетиши керак бўлган. Лекин ҳайдовчисига: «Шу ерда мен кўчириб келган кадрдонларим бор, бир кўриб кетмасак бўлмас, машинани буриш», – деб бизнинг қишлоққа қараб юришни буюрган. Ўша паллада акам Убайдулла Раҳматов мотоциклда қишлоқдан чиқиб келаётган бўлган. Табиийки, у Шароф Рашидов билан рўбарў келган. Эътиборлиси, Шароф ака орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, акамни таниб ҳамроҳларига: «Бу киши оғайним, Қашқадарёдаги уйларида бир ой меҳмон бўлганман», – дейди. Кейин акамга юзланиб: «Қизиқ, менга сизларни кўчиб кетган дегандилар», – дейди оҳиста. «Тўғри, Шароф ака, бир-икки киши кўчиб кетгани рост, лекин сиз олиб келган кишиларнинг деярли барчаси ҳеч қаёққа кетгани йўқ, ана қаранг, қишлоғимиз аввалгидан нечоғли кенгайган», – дейди акам. Шароф Рашидович Убайдулла Раҳматовнинг бу гапидан хурсанд бўлади.

Дарҳақиқат, ҳамқишлоқларим бугун Мирзачўл бағрида юртимизнинг турли манзилларидан келган минг-минглаб чўлқуварлар каби минг машаққат билан очган ерларини ўзларининг жонажон маконлари деб билишади. Қолаверса, ҳозирда уларнинг иккинчи ва

учинчи авлодлари шу заминни обод қилишда ота-оналарининг муносиб давомчилари бўлишмоқда. Шубҳа йўқки, келажак авлодлари ҳам уларнинг йўлидан боришади.

Атоқли ёзувчиларимиздан бири айтганидек, «Мирзачўл – Ўзбекистон гулдастаси»дир. Яъни, бу ернинг аҳолисини Мирзачўлни ўзлаштириш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан кўчиб келган одамлар ва уларнинг авлодлари ташкил этади. Чўлқуварлар аллақачон бир-бирлари билан куда-анда бўлиб, кадрдон элга айланишган. Эҳтимол, Шароф Рашидовнинг орзуси ҳам шундай бўлгандир. Лекин йиллар ўтган сайин яна бир нарса тобора ойдин бўлмоқдаки, у кишининг ҳар бир нияти, бош бўлган тадбири, ташаббуси замирида халқининг эртанги куни ва уни бахтиёр қилиш истаги устувор бўлган.

Бу, албатта, бугунги минг-минглаб оилаларга ризқнасиба манзили бўлган, Ватанимизнинг тобора гуллаб-яшнаётган Мирза воҳаси аҳолисининг турмуш фаровонлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳудудни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада юксалтириш борасида ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар эса воҳа таракқиётидаги туб бурилиш ва тарихий босқич бўлиши шубҳасиздир.



Собир ҚУРБОНОВ,
меҳнат фахрийси

ҲАСАД ЭМАС, ҲАВАС БИЛАН ЯШАШ КЕРАК...

1969 йил май ойи ўрталарида, ўша пайтлардаги Тошкент Политехника институтида ўқитувчилик қилиб юрганымда, мени Ўзкомпартия Марказқўми чақираётганини ректоратдан айтишди. Марказқўм ижтимоий фанлар ўқитувчиларини аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришга жалб қилишини эшитган эдим. Шунинг учун мени қайси вилоятга юборишлари мумкин, Бухорога бўлса, яхши бўлар эди, ишқилиб дарсларим қолиб кетмасин-да, деб Марказқўм мафкуравий бўлимига борсам, мудир М.М.Раҳмонқулов ва унинг ўринбосари – лекторлар гуруҳи раҳбари И.М.Жабборов мен билан узоқ суҳбатлашиб, қандай қилиб М.В.Ломоносов номидаги МДУга ўқишга кирганим, Бухоро педагогика институтидан кетганим сабаблари, ҳозирги фаолиятим ва илмий изланишларим, оилам тўғрисида сўраб олганларидан кейин, партия воизи этиб ишга олишга фикримни сўрадилар. Мен кутилмаган бу таклифни ўйлаб кўришим, илмий ишларни давом этишим лозимлиги, докторлик диссертациям мавзуи республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқлангани, оилам яқинда Тошкентга кўчиб келиб, хотиним ишга жойлашмагани, янги ишга ўтсам молиявий қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкинлиги, чунки институтда жамоат ташкилоти раҳбари ўринбосарилигим учун ҳам ярим ставка маош олаётганимни

айтсам, улар аниқ фикр билдирмасдан «ўйлаб кўр», дедилар. Орадан 3-4 кун ўтгандан сўнг мени бўлимга яна чиқариб, Марказқўмнинг ўша пайтдаги мафкуравий ишлар бўйича котибига етаклаб бордилар. Мудир мен ва менга ўхшаб ишга олинаётган 5 нафар бўлажак ходимларни котибга таништирар экан, менинг янги ишга ўтишга мойиллигим йўқлиги ва унинг сабабларини айтганда, котиб русчалаб: «Ҳозир Шароф Рашидовичга борамиз. Бизни кутмоқдалар», – деб ҳаммамизни бинонинг 6-қаватидаги биринчи котиб хонасига олиб чиқди. Ана шу тариқа мен илк маротиба республика биринчи раҳбарининг хонасида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотда иштирок этгандим.

Айтиш жоизки, бу менинг Шароф Рашидович Рашидовни иккинчи марта кўришим эди. Биринчи марта уларни МДУнинг катта мажлислар залида Индонезия президенти Аҳмад Сукарнога ҳамроҳ бўлиб келганларида узокдан кўргандим. Ана энди уларнинг ишхонасидаги катта стол атрофида ўтириб, яқиндан кузатиб, суҳбатларини тинглаяпман. «Биз, – деди республика раҳбари ҳаммамизга бир-бир қараб, – сизларни Марказқўмнинг етакчи бўлимларидан бирига ишга олаяпмиз. Бу сизларга катта ишонч билдириляпти ва зиммангизга катта масъулият юкланяпти, дегани. Марказқўм ходими эътиқоди мустаҳкам, ўз соҳасининг билимдони, бошқаларни ишонтира оладиган, юксак маданиятли киши бўлиши ҳамда вазифаларини бажарётганда ўзини маҳаллий партия ташкилотлари ходимларидан, давлат органларида ишлаётган хизматчилардан, оддий одамлардан устун қўймаслиги, манманликка берилмаслиги керак. Бунинг тескарисини қилганлар бу ерда кўп ишлаёлмайдилар. Яхши ишлаётганларни биз мустақил ишларга юборишимиз мумкин. Бу ўзларингга боғлиқ. Шунинг эсдан чиқарманглар. Ҳаммангизни табриклаймиз. Сизлар бюро тасдиқлагандан кейин ишга тушасизлар».

Рахбар ходимларнинг камтарлиги мавзуси Шароф Рашидовичнинг Марказқўм ходимлари билан деярли барча учрашувларида (умумий йиғилишларда албатта иштирок этиб, сўзга чиқар эдилар) муҳим ўрин тутар ва улар бизни камтар бўлишга даъват этишдан чарчамас эдилар. Бу мавзу мени Хоразмга ишга юбораётганларида ҳам, кичик ўғлимиз Нодиржоннинг никоҳига таклиф қилгани олдиларига кирганимда ҳам кўтарилиб, янги жойда ўзингизни камтар тутинг, ёшларнинг тўйи камтарона бўлсин деб насихат бердилар. Бошқа ходимларни ишга олаётган ёки мустақил ишга юбораётганда ҳам шундай эди, деб ўйлайман.

Шундай қилиб, 1969 йил июнь ойи бошидан мен Ўзкомпартия МҚ воизи(лектори) сифатида иш бошладим ва 1970 йилнинг мартада лекторлар гуруҳи раҳбари этиб тайинладим. Шароф Рашидович гуруҳимиз ишига аралашмасалар-да, унинг фаолиятини кузатиб борар ва барча шароитларни яратиб бергандилар. Ўзларининг номига Москвадан келадиган ТАССнинг кундалик ахборотлари(тахминан 2–3 минг варақ), турли бюллетен ва ахборотномаларни олган кундаёқ кўриб чиқиб, бизга туширар, фаолиятимиз учун зарур матбуот нашрларига обуна қилишимизга имконият берар, фаоллар ва аҳоли ўртасидаги чиқишларимиз тўғрисидаги тезкор ахборотларимиз билан танишиб борар, айниқса, воизларга берилган саволлар билан қизиқар эдилар. Мабодо, тингловчилардан норозилик оҳангидаги саволлар тушган бўлса, биздан уларнинг қайси шаҳар (туман), меҳнат жамоаси ёки маҳалладан берилганини қайд этиб, раҳбариятга тақдим этиш талаб қилинар эди. Биз саволларни тўплаб, энг муҳимларини ажратиб, яхлит шаклда раҳбариятга тақдим этар эдик. Одатда, МҚ раҳбарлари саволлар билан танишиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, тегишли идораларга зудлик билан чора кўрилиши тўғрисида кўрсатма берардилар.

60-йилларнинг охирлари – 70-йилларнинг бошларида телевидение республикамизнинг узоқ бурчакларига ҳам етиб бориши билан мамлакатда ва халқаро майдонда юз бераётган воқеалар, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш масалаларига одамларнинг қизиқиши кучайиб, нафақат тезкор ахборотлар, балки уларни шарҳлаш, туғилаётган саволларга жавоб бериб бориш зарурати кучайди. Шунинг учун Ўзтелерадио давлат қўмитаси раиси У.Ё.Иброҳимов биздан республика телевидение ва радиоси орқали долзарб мавзуларда, айниқса, ўзбек тилида чиқиб туришни илтимос қилди. Воизлардан М.Блок рус тилидаги, Эркин Ҳайитбоев, Шавкат Яхъеев ва мен ўзбек тилидаги телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда фаол қатнаша бошладик. Махсус кўрсатувлар ташкил қилдик, «зангори экран» орқали томошобинларнинг саволларига жавоб беришни йўлга қўйдик ва ҳоказолар.

Марказқўм лекторлар гуруҳининг обрўйи ошиб, бизни нафақат пойтахт, балки республикамизнинг бошқа минтақалари, шу жумладан, узоқ туманларга (масалан, Зарафшон ва Учкудук шаҳарлари, Мўйноқ ва Дехқонободга) ҳам тез-тез таклиф қиладиган бўлдилар. Бироқ, бу Марказқўмнинг айрим ходимларига ёқмаганидан бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан бизнинг фаолиятимизни, айниқса, ОАВдаги ишларимизни текшир-текшир қилиб, бирон камчилик тополмай, эфирда чиқишларимиз учун қалам хақи олишда айбладилар. Гўёки биз иш вақтида тайёрланиб, мақолалар ёзарканмиз, телевидение ва радиода чиқаётган эмишмиз. Бу, албатта, кўролмаслик оқибати бўлган тухмат эди, чунки биз шанба ва якшанба кунлари, иш кунлари ишгача ва ишдан кейинги вақтларда тайёргарлик кўрардик ё мақолалар ёзардик. Қолаверса, иш вақтидаги фаолиятимиз ҳам навбатдаги маърузага тайёрланиш, унинг матни ёки чизгиларини қоғозга

туширишдан иборат эди. Телерадиоқўмита раиси раҳматли Убайдулла ака Иброҳимов Марказқўм раҳбарлари билан учрашиб, қалам ҳақи ҳар бир муаллифга, у қаерда ишлаши ва қачон тайёрланишидан қатъи назар, тўланиши ҳукумат қарорларида белгилаб қўйилганини тушунтириб берди. Аммо биз миш-мишларга чек қўйиш мақсадида телевидение ва радиода чиқмай қўйдик. Бир неча ҳафта ўтгандан кейин, бир куни ошхонада тушлик қилиб Марказқўм ҳовлисига чиқсак, Шароф Рашидов, Марказқўм котиблари, ҳукумат раиси ва раҳбарлардан яна 3–4 киши кундузлари тушлик вақтида қисқа метражли кинофилмлар кўрсатиладиган хонанинг ташки эшиги олдида гаплашиб турган эканлар. Биз уларни кўриб, узоқлашмоқчи бўлиб турганимизда Шароф аканинг кўзи тушиб, мени имладилар.

– Ўртоқ Қурбонов, – дедилар улар мен яқинлашганимдан кейин ҳамманинг олдида, – кейинги пайтларда телевидениеда чиқмай қўйдиларинг. Нега? Сизлар бирон жамоага бориб маъруза қилсангиз 100 ёки 200 нафар одам катнашади, телевидениени эса миллионлаб одамлар томоша қилади. Тушундингизми? Бундай қилманглар, телевидениеда тез-тез чиқиб турунглар. Ҳалиги йигитчангиз ҳам чиқсин.

– Шавкат Яҳъёевми? – сўрадим мен. «Ҳа, – дедилар Шароф ака ва О.У. Салимовга қараб: «Оқил Умурзоқович, булар телевидениеда чиқиб турсинлар», – деб таъкидладилар. Шу билан Марказқўм воизларининг телевидение, радио ва бошқа ОАВда чиқишлари йўлидаги барча ножўя гап-сўзлар, тўсиқларга барҳам берилди. Бу нохуш масаланинг келиб чиқиши сабаблари ва кимдан чиқиши мумкинлигини пайқаган Шароф Рашидович Марказқўм аппарати ходимларининг умумий йиғилишида одам бошқаларнинг ютуқларидан хурсанд бўлиши, ҳамкасблари, қўшнилари, танишларининг муваффақиятларига кўз олайтирмаслиги масаласига урғу

бериб, «Ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан яшаш керак», деган мақолни эслатган эдилар.

– Айрим ходимларимиз, – дедилар Шароф ака, – бошқаларнинг ишдаги ютуқларига қизғонадилар, баъзи ўртоқлар жойларга борганларида маҳаллий касбдошларининг пастроқ русумдаги машинада уларни кутиб олганлари, меҳмонхонанинг оддий номерини уларга тайёрлаб қўйганларидан норози бўлганликлари, ҳаттоки, маишатга берилиши тўғрисидаги фактлар бизда бор. Бундайлар бизнинг сафимизда бўлмасликлари керак. Улар бошқаларга ибрат бўлолмайдилар.

Шароф аканинг ўзлари барчамизга ибрат эдилар. 1974 йил апрель ойининг охири эди, шекилли, О.У.Салимов мени чақириб: «Сариосиё туманидаги «Коммунизм» номли йирик жамоа хўжалигида музей ташкил этилиб, жамоа сардори Олий Совет депутаты, Марказқўм аъзоси Бобомурод Омонов унинг очилиши маросимига Шароф Рашидовични таклиф этибди. Сен ходимларингдан бири ва лозим бўлса маданият вазирлигидан мутахассислардан олиб, вилоятқўм вакиллари билан биргаликда шу музейни бориб кўринглар-чи, мазкур объект республиканинг биринчи раҳбари эътиборига лойиқми ёки йўқми? Музей материаллари, экспонатлари, ёзувларини диққат билан кўздан кечириб, керак бўлса, ёрдам беринглар ва натижаси тўғрисида мени хабардор қил», – деди.

Мен вилоятқўм мутасаддилари билан маслаҳатлашиб, май байрамидан кейин гуруҳимизда ишлаётган Марказқўм воизи раҳматли Дўнан ака Ғаниев билан бирга Душанбега учиб бориб, у ердан Сурхондарё вилоят партия қўмитаси котиби ҳамроҳлигида тўғри Сариосиёга ўтдик.

Жамоа раиси хўжалик маъмурий маркази, бу ерда қурилган иморатлар – идора, клуб, икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйи, чойхона, сельпо дўкони ва

бошқа объектлар билан таништириб, музейга бошлаб борди. Унинг биноси алоҳида қурилган бўлиб, у асосан кираверишдаги кичик хона ва экспонатлар учун катта залдан иборат экан. Кичик хонанинг деворларига Л.И.Брежнев (чап томонда) ва Ш.Р.Рашидов (ўнг томонда)нинг рангли портретлари осиб қўйилган. Катта хонадаги экспонатларнинг биринчи қисмида Сурхон водийсининг, иккинчи қисмида жамоа хўжалигининг келиб чиқиши тарихи, қолган қисмларида унинг ҳозирги ҳаёти ва ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўтган асрнинг 20-йиллари охири, 30-йилларнинг бошларида юртимизда коллективлаштириш ўтказилиб, ўзига тўқ деҳқонларни қулоқ қилиш кампанияси авж олган бир вақтда республиканинг ўша пайтлардаги раҳбарларидан бири Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан Фарғона водийсидан кўчириб келтирилган деҳқонлар тўқайзор ва қамишзор ерларни ўзлаштириб, жамоа хўжалигига асос солган эканлар. Заҳматқаш деҳқонларнинг меҳнати, раҳбарларнинг ишбилармонлиги туфайли хўжалик йилдан йилга ривожланиб, қишлоқлари обод, аҳолиси фаровонлик сари бораётган, донги оламга таралган йирик жамоага айланган.

Биз экспонатларни илмий-тарихий ва бадиий жиҳатлардан кўздан кечириб, бирон нуқсон топмадик, чунки уларни тайёрлаш ва жойлаштиришда Тошкент ва Термиздан таклиф этилган мутахассислар қатнашганлар. Шундан сўнг мен Тошкентга қўнғироқ қилиб, музейни очиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосамизни билдирдим.

– Энди, – дедилар Оқил ака, – ўша ерда бўлиб, Шароф Рашидовични кутиглам.

Белгиланган кун эрталаб Термиздан чиққан Шароф ака бир неча туманларда бўлиб, чамаси соат иккиларда Сариосиёга етиб келдилар. Музей олдидаги майдонда йиғилиб турган юзлаб одамлар уларни қарсақлар би-

лан кутиб олдилар. Шароф Рашидович тавозе билан саломлашиб музей томон юрдилар. Меҳмонлар кичик хонага киришлари билан Бобомурод ака музей ташкил этиш сабаби тўғрисида икки оғиз гапириб берди ва экспонатларни томоша этишга таклиф қилди. Шароф Рашидович экспонатларни диққат билан кўздан кечирдилар, раисдан нималарнидир сўраб олдилар-у, фахрий меҳмонлар учун очилган қалин китобда музейни ташкил этганларга ташаккур билдириб, унинг ёшлар тарбияси учун муҳимлиги тўғрисидаги фикрларини ўз қўллари билан ёзиб қолдирдилар.

Музейдан чиқаётганларида Шароф Рашидович менга ўз портретларини кўрсатиб, буни олдинг дедилар. Майдонга чикиб уларни кутаётган одамларга қараб: «Аҳил бўлинглар, бирлигимиз йўқолмасин. Аҳил бўлиб меҳнат қилганларинг туфайли ана шундай ютуқларга эришгансизлар», – дея хайрлаша туриб мени ёнларига чакириб, деворда осилган портретларини олиб қўйишни яна бир бор тайинладилар. Уларни жўнатганимиздан кейин вилоятқўм котиби: «Энди бу ёғини нима қиламиз?» – деганида мен раҳбарнинг топшириғини бажариш шарт, деб қатъий айтганим учун бу масалага чек қўйилган эди.

Шароф Рашидовичнинг камтарлигини тасдиқловчи яна бир мисолни келтираман. Маълумки, Шароф ака умрининг охирги ҳафтаси Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтди. 1983 йил октябрь ойининг охирларида Хоразмга келиб, вилоятнинг биринчи раҳбари Мадийр Худойберганов билан бирга-лиқда қатор туманларни айланиб чиқдилар. Ободончилик ишлари билан танишдилар, давлатга пахта сотиш бўйича республика режасини тўлдириш хавф остида бўлган бир шароитда хоразмликларнинг юқори ҳосил етиштириб, ҳаттоки, мажбуриятларини ҳам ортиги билан бажарганликларидан хурсанд бўлиб, далада

пахта тераётган деҳқонлар ва ҳашарчилар билан узок суҳбатлашдилар. Туман ва хўжаликлар раҳбарларига республикага ёрдам бериш лозимлигини айтдилар. Вилоят фаоллари йиғилишида Шароф Рашидович пахтакорларга республиканинг кўчма байроғи ва мукофотларни топшириб, барча хоразмликларни самимий табрикладилар. Ўттиз дақиқача танаффусдан кейин бўлиб ўтган вилоят партия ташкилоти пленумида ҳам қатнашиб, нутқ сўзладилар. Шароф ака вилоят фаоллари ва раҳбарларини ютуқлардан мағрурланмасликка, халқни янги марраларни олишга сафарбар этишга, бунинг учун эса аҳилликда ишлашга чақирдилар.

Йиғилишлардан кейин Шароф Рашидович вилоят партия ташкилоти биносидан чиқиб кетаётганларида, мени чақириб: «ЎзТАГ мухбирига айтиб қўйинг, менинг иштирокимни фақат бир йиғилиш ҳақидаги ахборотда эслатиб ўтсинлар», – дедилар. Мен ЎзТАГнинг вилоятимиз бўйича мухбири Юсуфжон Иброҳимовга Шароф аканинг кўрсатмасини етказдим ва буни раҳбарларига ҳам маълум қилиб қўйишни илтимос қилдим.

Бу мисолда ҳам Шароф Рашидовичнинг қанчалик камтар инсон бўлганини кўрамыз, чунки вилоятда ўтказилган иккита йирик тадбир тўғрисидаги ахборотда республика раҳбарининг иштирок этиб, сўзга чиққанларини кўрсатиш табиий нарса бўлар эди. Лекин Шароф ака камтарлик қилиб унга йўл қўймадилар.

Ҳа, раҳматли устозимиз ана шундай беназир Инсон эдилар.



М.О. Костецкий,
Генеральный директор
АО «Средацветметэнерго»

ОБ ОДНОЙ ИЗ ВСТРЕЧ С ШАРАФОМ РАШИДОВИЧЕМ В АНГРЕНЕ

Масштаб личности Шарафа Рашидовича Рашидова сегодня трудно переоценить. Это подтверждается и постановлением Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева, подписанного 27 марта 2017 года «О праздновании 100-летия со дня рождения выдающегося государственного деятеля и писателя Шарафа Рашидова». В документе, указано, что целью этого постановления является «возвеличивания светлой памяти и достойного празднования 100-летия со дня рождения выдающегося государственного деятеля, известного писателя Шарафа Рашидова, возглавлявшего нашу республику в чрезвычайно сложные и тяжелые годы, самоотверженно трудившегося во имя ее развития, своей общественной и творческой деятельностью внесшего большой вклад в развитие национальной литературы и культуры». Ранее постановлением Сената Олий Мажлиса имя Шарафа Рашидова было присвоено Джизакскому району Джизакской области.

Документом предусмотрено создание в Шараф-Рашидовском районе мемориального комплекса Шарафа Рашидова и установление памятника. Для широкого ознакомления с жизнью и деятельностью Шарафа Рашидова в Джизаке идет подготовка к открытию мемориального дома-музея. Это будет достойным подарком к 100-летию Ш.Р.Рашидову – государственному и об-

щественному деятелю, писателю и поэту, дважды Герою труда и лауреату Государственной премии. Это будет ярким признанием его заслуг перед узбекским народом.

Шараф Рашидович много сделал для развития экономики, науки, искусства и литературы в республике. При нем выросли кадры, способные решать сложные проблемы Узбекистана. Во времена правления Ш.Рашидова не было такого года, чтобы в строй не вступало новое промышленное предприятие: Чирчикский электрохимический комбинат, «Навоiazот», Навоийский горно-металлургический комбинат, Алмалыкский горно-металлургический комбинат, «Ташкенткабель», «Таштекстильмаш», «Узбексельмаш», «Чирчиксельмаш», «Узбекхиммаш», Бухарский текстильный комбинат. Заводы – «Компрессор», «Подъемник», «Гидрометприбор», «Экскаваторный», завод электронной техники, тракторосборочный завод, Андижанский машиностроительный, Кокандский «Большевик», Самаркандский «Кинап», Чирчикский трансформаторный, Ферганский НПЗ, новые цеха на ТАПОиЧ и т.д. В период его руководства выросли новые города – Навои и Зарафшан, Янгиер, Гулистан и др.

В следующем году будет 50 лет, как я связал свою жизнь с Узбекистаном. Как выяснилось немного позже, мое появление здесь напрямую связано с Шарафом Рашидовичем Рашидовым.

В 60-е годы получила бурное развитие цветная металлургия, и страна ощущала острый голод на технические кадры. Одной из основных статей импорта были молодые специалисты из России, Украины и других союзных республик.

При этом, согласно распоряжению Шарафа Рашидовича, в республику направлялись специалисты, наряду с отличными знаниями, также родом из многодет-

ных семей, так как он был убежден, что они не уедут обратно к родителям, испугавшись трудностей, а будут работать на совесть.

Одновременно со мной в нынешнее АО «Средазцветметэнерго» прибыли 25 человек из различных регионов, в том числе и моя будущая жена из Дальнего Востока. С тех пор моя судьба напрямую связана с этим предприятием и моей второй родиной стал Узбекистан. Более двадцати пяти лет я работаю генеральным директором АО «Средазцветметэнерго».

Вплотную я столкнулся с Шарафом Рашидовичем в начале 80-х годов, когда меня в возрасте более 30 лет назначили директором бывшего Ангренского химико-металлургического завода (в дальнейшем СП «Ангренэнергоцветмет»), знаменательного тем, что первые слитки золота Узбекистана были получены на площадке АХМЗ.

Помню, как республике развернулось большое дорожное строительство, и постепенно в республике появилась сеть прекрасных автомобильных магистралей, и в этом большая заслуга Рашидова. В это же время началось строительство новой дороги Ташкент – Ангрен и далее через горный перевал в Ферганскую долину.

Я хочу напомнить о той работе, которая была проделана Шарафом Рашидовичем в становлении и развитии золотодобывающей промышленности Узбекистана. При нем республика вошла в первую десятку золотодобывающих стран мира. Были построены более десяти рудников, в том числе крупнейшее в мире золотодобывающее предприятие Мурунтау с выпуском золота самой высокой пробы.

Шараф Рашидович обладал энциклопедическими знаниями по истории золота. Он был хорошо осведомлен и прекрасно знал дислокацию, названия и особенности месторождений золота по всей территории республики.

В дальнейшем в г. Ангрене была построена золотоизвлекательная фабрика. На ее открытии выступил Шараф Рашидович. Он сразу расположил присутствующих к себе. Выйдя из машины, он поздоровался с каждым за руку, поинтересовался о самочувствии и здоровье. Всех, кто хоть раз встречался с ним, удивляла эта его простота, доступность, вежливость и изумительная память. Манера его выступления, умные и простые предложения, приподняли всем настроение и вселили надежду, что все трудности преодолимы, главное захотеть. Он сказал, что эта стройка и ее продукция нужна республике. Благодаря вниманию Рашидова, было положено начало развитию не только добыче золота в Ахангаранской долине, но и извлечению из зол ангренских углей редкоземельного металла – германия. Длительное время АХМЗ (В дальнейшем «Ангрэнэнергоцветмет» был основным поставщиком этого редкого металла. При этом происходила комплексная безотходная технология переработки золотоотвалов Ангренской ГРЭС.

Еще хотелось бы подчеркнуть одну из важнейших черт характера Шарафа Рашидовича. Человек высочайшей культуры он прекрасно понимал значение национального вопроса в жизни страны. При этом он был интернационалистом в самом лучшем понимании этого слова. Эту идею он считал одной из главных для развития науки, экономики и культуры страны.

В одном из своих интервью он говорил: «Нет силы более жестокой и разрушительной, нежели сила вражды и ненависти между людьми, между народами. Лучшие, благородные умы испокон веков мечтали о том светлом дне, когда народы, распри позабыв, проживут на земле единой дружной семьей... Нет в мире силы более жестокой и разрушительной, – говорил он, – нежели сила вражды и ненависти, – правда и то, что нет в мире

энергии более доброй и созидательной, нежели энергия, рожденная дружбой людей и братством народов.

Неоспоримым свидетельством, вещественным доказательством этого служит наша прекрасная Родина, каждая пядь земли и каждое мгновение жизни которой – незыблемый памятник дружбы и братства народов». В результате такой политики вошли в историю Ташкентские международные встречи писателей, кинофестивали стран Азии, Африки и Латинской Америки, получившие названия «дух Ташкента», а сам Ташкент – «столица дружбы и тепла».

Конечно же, в деятельности Шарафа Рашидовича были недостатки, и упущения. Но лично я убежден в главном: в любом своем начинании Шарафа Рашидов, прежде всего, думал об Узбекистане и интересах народа. Он сделал очень многое, чтобы возвеличить доброе имя узбекского народа, показать всему миру его замечательные черты – прежде всего трудолюбие, доброту, уважительность и миролюбие.

Вспоминая сегодня о добрых делах Шарафа Рашидовича Рашидова, мы на его примере, покажем нашей молодежи, что в жизни существует историческая справедливость и если человек действовал по совести, во имя других людей и целой страны, то его имя обязательно войдет в историю и сохранится уважение к нему перед лицом истории и последующих поколений.



Рахимжон СУЛТАНОВ,
собственный корреспондент
Узбекского телевидения и радио
в Москве в 1977–1993 годах.

НЕСКОЛЬКО ЭПИЗОДОВ, ВКЛЮЧАЯ НЕСОСТОЯВШЕЕСЯ «УВЕКОВЕЧЕНИЕ»

Сразу оговорюсь: я никогда не был сотрудником организаций, которыми руководил Ш.Р.Рашидов. Никогда он меня не назначал ни на какие должности и не благословлял на какие-нибудь карьерные высоты. Все годы его руководства я стоял в самом низу иерархической лестницы огромной государственной машины, где, в том числе, решались и пропагандистские задачи выстроенной на тот период общественно-политической системы.

Тем не менее, и я, благодаря своей профессии журналиста, неоднократно с ним встречался, слушал его наставления и был очарован его вниманием и обаянием. Часто это были мимолетные встречи, всего лишь рукопожатие, несколько раз были встречи у него в кабинете на шестом этаже здания ЦК, а также много раз в Москве, где он часто бывал по своим партийным и государственным делам.

Одна из таких встреч была в начале 1978 года в Ташкенте, во время вручения детской популярной газете «Пионер Востока» ордена «Знак почета» в связи с её 50-летием. Будучи собкором Узбекского телевидения и радио в Москве, я также сотрудничал с редакцией «Последних известий» Всесоюзного радио. А в те дни на несколько дней по каким-то слежебным делам

оказался в Ташкенте. Эркину Рахимову – тогдашнему собору Всесоюзного радио по Узбекистану – нездоровилось, и он попросил меня подготовить небольшой репортаж, и как он делал всегда, когда в материале звучала фамилия первого лица, согласовав лично с ним, передать в Москву.

Позвонив в Москву выпускающему «Последних известий», заявил тему. То ли она ему не понравилась, то ли в тот день официальных материалов было много, он посоветовал предложить репортаж детской редакции, выпускающей утренние передачи «Пионерская зорька». Там эту тему приняли с большой радостью. Мы согласовали время перегона репортажа по междугородному широкоэвещательному каналу связи в 17.00 московского времени (тогда разница ташкентского времени с Москвой была три часа) того же дня, и хронометраж репортажа – не более трех с половиной минут.

В точно назначенное время в большом зале заседаний ЦК Компартии Узбекистана собрались приглашенные. В основном это были читатели газеты – школьники, их учителя-наставники, комсомольские работники. В самом начале торжеств раздались звуки горна и детских барабанов, и дети, как это часто бывает на больших форумах, песнями, стихами, музыкальными выступлениями поздравили коллектив газеты с юбилеем и награждением орденом.

С яркой, запоминающей речью выступил Шараф Рашидович. Он говорил о роли газет, в частности детских и молодежных в воспитании подрастающего поколения, о миссии учителя, о комсомоле и лично прикрепил орден к знамени газеты.

После окончания церемонии я подошел к Шарафу Рашидовичу. К тому времени он меня знал как журналиста, так что необходимости представляться не было. Я сказал, что готовим репортаж для «Пионерской зорьки» Всесоюзного радио. Эфир будет завтра утром.

При упоминании «Пионерской зорьки» Шараф Рашидович как-то оживился, сказал, что это очень хорошая передача, что каждое утро всей семьей её слушают. Это и было его согласием на подготовку репортажа и передачу его на Всесоюзное радио.

В точно назначенное время репортаж был передан в Москву. Но я до утра не знал покоя: прозвучит ли он в эфире? И если не прозвучит, как я буду смотреться перед всеми и лично перед руководителем республики? Сколько раз было, что хорошие репортажи прямо с эфира снимались без объяснения причин. И всё это было в порядке вещей.

Но вот, в семь часов сорок минут утра прозвучали позывные «Пионерской зорьки», и добрый детский голосочек юного диктора объявил на весь мир: «Дорогие ребята! Есть в Ташкенте хорошая такая детская газета. «Пионер Востока» она называется. В прошлом году у неё был юбилей – 50 лет. В связи с этим газета была награждена орденом «Знак почета». Накануне в Ташкенте эту высокую награду прикрепил к знамени газеты кандидат в члены Политбюро ЦК КПСС, первый секретарь ЦК Компартии Узбекистана Шараф Рашидович Рашидов...». И далее прозвучали отрывок из его очень теплого выступления и интервью ташкентской школьницы – юнкора газеты.

Вечером того же дня тогдашний председатель Гостелерадио Узбекской ССР У.Ибрагимов рассказывал мне, что ему звонил Шараф Рашидович и, помимо обсуждения текущих дел, поблагодарил за хорошее освещение вручения ордена газете «Пионер Востока».

Вспоминаются также другие случаи, больше всего связанные с Москвой. Как кандидат в члены Политбюро, Шараф Рашидович часто приезжал в Москву, и не было никакой проблемы встретиться с ним в Постоянном представительстве республики в Курсовом переулке, 17, где на втором этаже старинного здания у него, и

председателей Президиума Верховного Совета и Совета Министров республики был один общий кабинет.

Осенью 1978 года в Большом театре в Москве торжественным заседанием намечалось отметить 100-летие классика таджикской литературы Садриддина Айни. За два месяца до этого я проинформировал Гостелерадио Узбекистана о намечаемом мероприятии и спросил, в каком формате будем освещать это событие? Репортажем в информационных выпусках или как-то иначе?

Согласование в то время в нашей работе было самым больным местом. Ведь решения о съемках, а теле-трансляции тем более, принимались всегда в верхах. К тому же они очень дорого стоили. Никто не хотел брать ответственность на себя, а в данном случае, как затратные съемки, так и затрагивающее взаимоотношения двух соседних республик.

Буквально за две недели до этого события узнаю, что Шараф Рашидович в Москве, в Постпредстве. Мигом мчусь туда, прошу Надежду Ивановну Гусеву, которая была секретарем постпреда, а во время приезда руководства республики перемещалась в приемную, передать Ш.Рашидову, чтобы он принял меня. И наша встреча состоялась.

После обычных в таких случаях расспросов сообщил Шарафу Рашидовичу, что через две недели в Большом театре намечается торжественное заседание, посвященное 100-летию Садриддина Айни, и поинтересовался, как он посмотрит на то, если мы организуем прямую трансляцию торжественного заседания по первой программе нашего республиканского телевидения. Ведь Садриддин Айни не только наш земляк, уроженец Бухары, но он был одним из первых академиков АН Узбекской ССР, ряд своих произведений писал на узбекском языке.

Шараф Рашидов очень обрадовался, вспомнил, что весной Жаббар Расулов, первый секретарь ЦК Компар-

тии Таджикистана, приглашал его в Душанбе, когда там отмечали 100-летие классика. Но тогда он не смог присутствовать на этих торжествах, так как выполнял поручение Политбюро и вылетел с визитом во главе советской делегации на конференцию неприсоединившихся стран. В душанбинских мероприятиях принимала участие узбекская делегация во главе с председателем Союза писателей Узбекистана Камилем Яшином, тепло встреченная таджикскими братьями.

– Если мы организуем прямую трансляцию, – начал рассуждать Шараф Рашидович, – как на это посмотрят в Таджикистане? Как они воспримут? Будут ли они сами транслировать? Шараф Рашидович хорошо знал, что первую программу Узбекского телевидения свободно принимали почти на всей территории Таджикистана, за исключением Горно-Бадахшанской области и некоторых отдаленных горных районов.

Я сказал, что, насколько мне известно, таких намерений у них нет. Никакой заявки Гостелерадио Таджикистана в Телевизионный Технический центр в Останкине не поступало, да и такой практики у наших таджикских коллег нет. При этом вспомнил, что, когда отмечался юбилей Абулкасима Рудаки, таджикские коллеги ограничились всего лишь съемкой сюжета для информационной программы.

При мне Шараф Рашидович по ВЧ позвонил в Душанбе Жаббару Расулову, в шутовском тоне сказал, что хочет исправиться перед братьями-таджикистанцами. Весной, мол, его по уважительной причине не было в Душанбе на 100-летие Садриддина Айни, и теперь он хочет участвовать в московских мероприятиях. В конце разговора, так, между прочим, сказал Жаббару Расулову, что освещать мероприятие будут и наши телевизионщики. Широко будут освещать.

Вот таким был внимательным, деликатным Шараф Рашидович, за казалось бы, малым делом, видел боль-

шое, как говорится, смотрел очень глубоко. Прощаясь, как всегда в таких случаях, он сказал:

– Яна бизга топшириклар борми? – Есть ли к нам другие поручения?

Через две недели Шараф Рашидович специально прилетел из Ташкента в Москву. Вместе с кандидатом в члены Политбюро ЦК КПСС, министром культуры СССР П.Н.Демичевым, а также с одним из секретарей ЦК КПСС, и с первым секретарем ЦК КП Таджикистана Ж. Расуловым сидел в президиуме. Из-за участия Ш.Р.Рашидова в этом мероприятии таджикская сторона даже большие изменения внесла в концертную программу. Хорошо помню, тогдашний народный кумир двух республик народный артист СССР Журабек Мурадов несколько песен исполнил и на узбекском языке. А специально приглашенные артисты Бухарского драмтеатра сыграли импровизированную сцену из романа «Бухара» на таджикском языке.

Всё это транслировалось на нашу республику. Она началась ровно в 19.00 московского времени. Это 22.00 часа ташкентского времени. Самое удачное время на телевидении, прайм-тайм, сказали бы сейчас. Вся техническую часть обеспечивали специалисты Останкинского Телевизионного технического центра. К задней стороне Большого театра Союза ССР подогнали четыре больших автобуса, оснащенных французской аппаратурой «Секам». В зале было установлено шесть видеокамер, в том числе и на четвертом ярусе. Режиссером трансляции была знаменитая Калерия Кислова, впоследствии лауреат Государственной премии СССР. Обычно, такие трансляции стоили, по ставкам, утвержденным Госкомцен СССР, 6300 рублей. Тогда это была стоимость автомобиля «Жигули». Но наша республика ничего за это не платила. Ведь по существующему тогдашнему положению, если на публичном мероприятии участвует член высшего партийного руководства,

то это обязательно в тот же день показывали по программе «Время» Центрального телевидения. Показывали 40-50 секунд, не больше, максимум одна минута. Но поскольку от времени мероприятия до эфира остается менее двух часов, обязательно подгоняли ПТС – передвижную телевизионную станцию. Стоимость трансляции шла из бюджета программы «Время» ЦТ, а трансляция на Ташкент, это параллельно, бесплатно, по законам гостеприимства. Вот почему мне было важно участие кандидата в члены Политбюро, в данном случае Ш.Р.Рашидова, в этом мероприятии.

Смотрели трансляцию как в нашей республике, так и в Таджикистане, а также в сопредельных областях Казахстана и Киргизии. На следующий день всё торжественное заседание в Большом театре СССР в записи из Душанбе было вновь было показано по всей соседней республике.

В своих воспоминаниях я не могу осветить и события, прошедшие после ухода Ш.Р.Рашидова из жизни.

Всеобщий шок, который мы, «московские» узбеки, наравне со всем многонациональным народом Узбекистана испытали в последний день октября 1983 года, когда неожиданно ушёл из жизни бессменный на протяжении около четверти века руководитель республики Шараф Рашидович Рашидов, со временем стал постепенно отходить от сердца.

На состоявшемся сразу после ноябрьских праздников совещании аппарата Постпредства Узбекистана в Москве тогдашний постпред Эркин Турсунов (светлая ему память!) в числе прочего сообщил, что из Секретариата ЦК КПСС в Ташкент ушло поручение подготовить предложения об увековечении памяти Ш.Р.Рашидова, и, если есть ли у кого-то из нас какие-то идеи... Если есть, то можем их предложить... Вообще-то Постпредство обычно занималось реализацией чисто экономических задач, а этот вопрос был явно полити-

ческим. И коль скоро постпред информировал об этом аппарат, то, скорее всего, только для того, чтобы приподнять настроение в большинстве своём опечаленных сотрудников на фоне всё разрастающихся различных нелепых слухов об ушедшем из жизни Шарафе Рашидовиче, с которым каждый сотрудник был знаком лично на протяжении многих лет, и в их среде его высокий авторитет никогда не подвергался никакому сомнению.

Прошел месяц-другой, и в самом конце 1983 года, постпред Э.Т.Турсунов на совещании сказал о принятом совместном Постановлении ЦК КПСС и Совета Министров СССР за подписью Ю.В. Андропова и Н.А.Тихонова «Об увековечении памяти Ш.Р.Рашидова». Удивляло, что документ был с грифом «Совсекретно», а это уж точно не предполагало его обнародования в печати с этими высокими подписями.

Это было совсем непонятно. В бюрократических, аппаратных правилах аналогии играют большую роль. Помнится, за три года до этого в газетах «Правда» и «Известия» было опубликовано постановление тех же высоких партийных и правительственных структур об увековечении памяти трагически погибшего в нелепой автомобильной катастрофе первого секретаря ЦК Компартии Белоруссии П.М. Машерова. В Кремлевской иерархии они числились равными – оба были кандидатами в члены Политбюро, оба были руководителями республик, и во всевозможных президиумах всегда, я сам этому неоднократно был тому свидетелем, сидели рядом. По идее, почести, казалось бы, тоже должны бы отдаваться одинаковые. Объяснение напрашивалось одно – тогда это было при Л.И.Брежнев, а сейчас глава государства – Ю.В. Андропов. И на том спасибо, – сказал я себе, и стал ждать дальнейшего развития событий.

11 января 1984 года во всех республиканских газетах в изложении было опубликовано постановление ЦК Компартии Узбекистана и Совета Министров Узбекис-

тана «Об увековечении памяти Ш.Р.Рашидова». В силу специфики моего пребывания в Москве и освещения сугубо союзных и столичных новостей, меня заинтересовал последний пункт этого документа:

«Принято к сведению, что Министерству морского флота поручено присвоить имя Ш.Р. Рашидова одному из строящихся судов».

Понятно, что узбекские партийные и государственные органы никак не могли дать поручение союзному министерству. Для людей, сведущих в партийно-бюрократических делах, эта строка, прежде всего, свидетельствовала о том, что решение принято на самом верху и, само собой подразумевалось, что оно будет оберегать доброе имя Шарафа Рашидовича от всяких кривотолков и всевозможных напастей.

Но, как выяснилось, я ошибался. Я тогда свято верил в силу и незыблемость коллегиально принятых решений, никак не предполагая, что из-за одной за другим последовавших замен руководителей страны зигзагообразно станет меняться и государственная политика, притом очень кардинально, и не только в интересующем нас эпизоде.

Хронологически также хочу вспомнить разговор, состоявшейся у меня в эти же дни конца 1983 года, буквально через месяца полтора после кончины Шарафа Рашидовича, с видным военачальником, Маршалом Советского Союза П.Ф.Батицким. В его огромную московскую квартиру в очень престижном доме на улице Сивцев Вражек меня привела журналистская профессия. В то время маршал являлся генеральным инспектором Группы генеральных инспекторов Министерства обороны СССР. По сути своей, это почетная, но чисто декоративная должность. Но все генеральные инспектора, а их было не больше десяти маршалов и генералов армии, являлись членами ЦК КПСС, депутатами Верховного Совета СССР, имели персональные каби-

неты с приемными, средствами спецсвязи в основном здании Министерства обороны СССР на Арбате, с приемными, адъютантами, автомашинами «Чайка» и прочей атрибутикой. В обиходе, в войсках, их называли «райской группой».

П.Ф.Батицкий как раз был депутатом Верховного Совета СССР от граждан города Бухары. Мне нужно было записать новогоднее поздравление маршала к своим избирателям. После нескольких попыток записал несколько вариантов. Из них путем монтажа предстояло сделать добротное новогоднее поздравление.

После того, как всё было закончено, Павел Федорович почти командирским голосом то ли попросил, то ли приказал:

– А теперь убери свою бандуру, – показывая на мой репортерский магнитофон. Я был вынужден собрать магнитофон, спрятать в портфель, и вынести в коридор, у входной двери, где рядом с маршальской шинелью на вешалке висело и мое пальто.

Маршал вновь завел меня в свой просторный кабинет, посадил на мягкий диван, а сам сел на свое кресло. И без какого-либо предисловия, заявил:

– Вы что, мерзавцы, так и потеряли моего друга, угробили его!?

Всё это было сказано так грубо, так безапелляционно, что я, откровенно говоря, сильно испугался. К тому же, я, конечно же, ничего не понял. О чем речь? Кто мерзавец? Кого мы угробили? Всё стало понятно тогда, когда Павел Федорович чуть мягче сказал:

– Я хотел полететь на похороны. Но у вас быстро хоронят. Узнал, как и все, вечером из программы «Время». Позвонил Юре Максимову, он отговорил.

Только теперь я понял, что речь идет о кончине Шарфа Рашидовича, а генерал-полковник Ю.П.Максимов тогда являлся командующим ТуркВО.

– Ты понимаешь, какого человека вы потеряли? Да что вы, вся страна, ох как жалко!

– Мой друг был человеком высокого ума, – всегда далеко смотрел. Порой из происходящих в мире и стране событий делал такие выводы, что ни одному человеку не пришло бы в голову, будь он семь пядей во лбу.

Я молчал, слушал Павла Федоровича, иногда кивая головой в такт его рассказа.

– В конце 1971 года произошла очередная индо-пакистанская война, вызванная событиями в Восточном Пакистане. Все знают, тогда при поддержке Индии на этой части Пакистана образовалось государство Бангладеш.

Конечно, эти события сильно обеспокоили наше высшее руководство. Было созвано специальное заседание Политбюро, на котором с участием военных обсуждались меры по укреплению южных границ СССР.

– Я тогда, – продолжил маршал свой рассказ, – был Главнокомандующим войсками противовоздушной обороны СССР, заместителем министра обороны. Обсуждение было бурным, долгим. Заседали мы два дня с перерывом на ночь. Хорошо помню, в первый же день со своими предложениями выступил, в том числе, и Шараф Рашидович. У него была развернутая программа укрепления южных границ, которую поддержали и член Политбюро Д.Кунаев, с которым Л.Брежнев всегда считался, и приглашенные на заседание первые секретари ЦК Таджикистана и Туркменистана.

Шараф Рашидович в числе прочих настоял на строительстве магистральной дороги Ташкент–Термез, как часть союзной трассы, и современного авто/железнодорожного моста Термез-Хайратон над Амударьей. Эти предложения были как бальзам на мою душу. Ведь войска ПВО – это не только всевозможная современная авиация, но и ракеты разных габаритов, вспомогательные средства, которых надо перевозить к местам запуска,

на модернизацию, на учения. Не всегда удастся пользоваться железной дорогой. Так что мы, наши войска, как никогда нуждались в хороших, добротных дорогах.

С тех пор мы очень близко подружились с Шарафом Рашидовичем, стали единомышленниками во многих вопросах. Впоследствии такая дорога, (теперь она называется М-39, примечание автора) как и мост, были построены. А за Ташкентом, прямо на части этой дороги в сторону Самарканда, был построен запасной аэродром со всей инфраструктурой. Один раз в ночное время мы там провели учения с посадкой и взлетом тяжелых самолетов транспортной, бомбардировочной и стратегической авиации. Рано утром на разбор учений прибыл Шараф Рашидович, тепло благодарил весь личный состав за хорошо проделанную работу.

– Вот таким дальновидным, видящим большое во всех делах руководителем был Шараф Рашидович, которого страна потеряла, – вполне искренне, с грустью говорил мне крупный советский военачальник, участник минувшей войны, один из активных организаторов военного строительства.

Слушая П.Ф.Батицкого, я никак не предполагал, что буквально через два месяца и он тоже уйдет из жизни. Да, все мы смертны. Никто не останется в этой жизни.

Однако вернемся к нашему рассказу об увековечении памяти Ш.Р.Рашидова. Вскоре, в конце января 1984 года, вышел приказ Министра морского флота СССР Т.Б.Гуженко о присвоении имени Ш.Р.Рашидова строящемуся лихтеровозу из серии «Алексей Косыгин» с припиской к Дальневосточному морскому пароходству. Тогда в Советском Союзе было принято решение о строительстве на Херсонском судостроительном объединении в Украине в течение ближайших восьми-десяти лет шести лихтеровозов, каждый водоизмещением 62 тысячи тонн. «Алексей Косыгин» к тому времени уже был спущен на воду и осваивал прогрессивный спо-

соб перевозки грузов между европейскими портами, а «Шараф Рашидов» должен быть вторым судном. Забегая немного вперед, скажу, что впоследствии, до конца 80-годов, херсонскими кораблестроителями были построены такие же близнецы – «Ле Зуан», названного в честь коммунистического лидера Социалистического Вьетнама, и «Че Гевара», получившее свое наименование в честь другой исторической личности, героя освободительного движения 50–60 годов прошлого века народов Латинской Америки. Но последовавший затем распад СССР, а затем разрыв хозяйственных связей не позволил полностью реализовать планы по строительству этих судов.

Это сейчас перевозка грузов лихтеровозами, их ещё называют сухогрузами, обычное явление, а тогда только Советский Союз и США, только для себя, для своих национальных грузоперевозчиков, строили подобные суда. Как потом объяснили сведущие люди, всё на этом судне, и оборудование, прежде всего – мощный вычислительный комплекс и космическая система связи, по которой члены экипажа с любой точки мирового океана могли по телефону регулярно разговаривать со своим пароходством и родными, система управления судном, – буквально всё поражало воображение. Была в нем и судовая типография, в которой намечалось печатать для экипажа центральные газеты, получаемые по фототелеграфу из Москвы, вертолетная площадка на палубе. Всё это было строго засекречено. Ведь даже непосвященный понимал, что лихтеровозы при необходимости легко можно было приспособить для перевозки крупногабаритных военных грузов – танков, самолетов, ракет и, естественно, личного состава большой численности.

Я, ухватившись за этот факт, начал планировать поездку в Херсон, чтобы подготовить сюжет для телепрограммы «Ахборот» о ходе строительства лихтеровоза

«Шараф Рашидов». Постпредом уже было подписано соответствующее ходатайство на имя Министра судостроительной промышленности СССР И.С.Белоусова о содействии съемочной группе Узбекского телевидения во время работы на Херсонском судостроительном заводе. Прежде чем отправить письмо, связался с одним из помощников министра судостроительной промышленности, оказавшимся очень внимательным к журналистской братии и досконально знающим не только свою отрасль, но и то, что нужно корреспонденту телевидения для получения хорошей картинки.

– Насколько я знаю, – сказал помощник, – в цехах ещё строятся части судна. Для съемок будет хорошо, если судно предстанет на стапеле в собранном виде, будут видны его название по бокам, прикрепленная мемориальная доска при входе на корабль. Так что будем на связи. Когда подойдет время, я во всем вам помогу, – многообещающе завершил разговор помощник министра.

Вроде всё шло нормально. Вскоре в Постпредство позвонили из Минморфлота и попросили прислать им текст для мемориальной доски. Вместе с заведующим отделом Постпредства Б.В.Хамидовым мы составили текст, гласивший:

Лихтеровоз «Шараф Рашидов»

Назван в честь видного деятеля коммунистической партии и советского государства, дважды Героя Социалистического Труда, лауреата Ленинской премии, писателя Шарафа Рашидова.

Было несколько вариантов текста. И в процессе его подготовки, как сказали бы сейчас, проходили интенсивные консультации со специалистами Минморфлота, а на завершающей стадии Б.Майнагашев, член коллегии Минморфлота СССР, председатель объединения «Мореплавание», которое вело реестр всех советских судов, предложил включить в текст слово «писатель». Оказалось, что Бронислав Семенович по долгу службы

несколько лет до этого присутствовал на состоявшейся в порту Находка церемонии вручения экипажу грузового судна «Алишер Навои» Памятного Красного знамени ЦК КП Узбекистана, Президиума Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. Вместе со знаменем узбекская делегация тогда вручила коллективу судна большой комплект различной литературы, выпущенной в Узбекистане, для судовой библиотеки. И среди них, по словам Б.Майнагашева, был и пятитомник избранных произведений Ш.Рашидова, вышедший в московском издательстве «Художественная литература».

Поскольку суда подобного типа также заходили и в иностранные порты, мемориальные доски должны быть и на английском языке. Текст был переведен и на этот язык. Данные тексты на двух языках с сопроводительным письмом за подписью постпреда Э.Т. Турсунова были отправлены в ЦК КП Узбекистана. Как мне потом рассказывали очевидцы, в частности, тогдашний председатель Гостелерадио Узбекской ССР У.Я.Ибрагимов и редактор газеты «Совет Узбекистони» М.Кариев, коллегиальное утверждение этого текста на Секретариате ЦК в феврале 1984 года опять-таки внесло некоторое позитивное оживление в рядах соратников Ш.Р.Рашидова, ещё находившихся на своих должностях.

А ведь то время, как хорошо помнит старшее поколение, было очень непростым. В республике «пересурдствовали» несколько комиссий из Москвы. Почти каждый день то в одной, то в другой области снимались со своих должностей секретари обкомов и райкомов, другие, ещё недавно авторитетные руководители. Чувствуя свою безнаказанность, бесчинствовала ретивая следственная группа Прокуратуры СССР под предводительством небезызвестного Т.Гдяна. Многие неожиданно-негаданно для всех оказывались под следствием. Ходили упорные слухи, что то этого, то другого

увезли спецсамолетом в Москву. То, что в подобных условиях Министерство морского флота СССР всё же присвоило имя недавнего руководителя республики строящемуся судну, говорило о многом.

Вскоре утвержденный на Секретариате ЦК текст для мемориальной доски фельдсвязью был отправлен в Минморфлот. А мне нужно было придать огласке происходящее, поскольку нездоровая атмосфера вокруг доброго имени недавнего авторитетного руководителя республики всё больше усугублялась и прежде всего в самой республике. Я не терял надежду съездить в Херсон. Связался по телефону с директором судостроительного объединения В.Ф.Заботиным. Это тогда, в тех условиях, надо признаться, было очень просто в сравнении с нынешними днями, когда, несмотря на обилие всевозможных средств связи, журналисту порой очень трудно связаться с каким-нибудь руководителем, даже не очень значимого звена. Прежде всего, из-за того, что постпред Турсунов Э.Т., выпестованный, как и многие другие, Шарафом Рашидовичем, был милейшей души человеком, никогда ни в чем, что касалось интересов республики, не отказывал. В том числе разрешал по служебным делам звонить, и не только мне, по своей «кремлевской вертушке» в какую угодно инстанцию, а также в другие города по «ВЧ», где трубку поднимали сами абоненты, что было хорошо. Любой, кто пользовался этим видом правительственной связи, знал, что его вопрос обязательно решится. Не всегда обязательно положительно, но ясность будет предельной: «да» или «нет», чётко и определённо.

Так вот при первом же телефонном разговоре по ВЧ В.Ф.Заботин сообщил, что на следующей неделе он будет в Москве на коллегии Минсудпрома, свяжется и со мной. Когда я попросил его взять с собой какие-нибудь фотографии строящегося лихтеровоза, то прозвучало:

– Зачем фотографии, я тебе привезу очень хороший макет.

Это уже в Москве он мне объяснил, что предприятие его закрытое, фотографировать там категорически запрещено, а если и возникнет нужда в фотографировании передовиков производства, то только крупным планом и под присмотром представителей «комбината глубокого бурения» (читай КГБ).

Довольно скоро, буквально через нескольких дней, в марте 1984 года, на Киевском вокзале я встретил скорый поезд Херсон – Москва, на котором прибыл В.Ф.Заботин – богатырского телосложения, ростом под два метра. Он не обманул моих ожиданий: одно из купе СВ целиком было занято не только им самим, но и макетом. Макет был такой большой, что, будучи с трудом извлечённым из вагона, никак не помещался в легковой «Волге». Пришлось нам дожидаться микроавтобуса «РАФ», на котором и доставили благополучно макет лихтеровоза «Шараф Рашидов» в Курсовой переулок, в Узбекское постпредство в Москве.

Помнится, в тот день в столице стояла очень хорошая солнечная погода, и я, не теряя времени, на фоне этого макета, поставленного у кромки берега Москвы-реки, провел интервью с В.Ф.Заботиным. Кто помнит, тогда производственники были людьми довольно косноязычными, и со многими не так-то просто было провести хотя бы небольшую синхронную запись беседы. Но Всеволод Федорович оказался человеком, словно созданным для телевизионного репортажа. К тому времени он уже был весьма известным судостроителем, и не только на Украине. Шутка ли – более двадцати лет директорствовал на этом крупном заводе. В глаза и за глаза его называли адмиралом. Был Героем Социалистического Труда, за особые заслуги в развитии отечественного судостроения, прежде всего военно-морского, удостоивался Ленинской и Государственных премий СССР. Был депутатом Верховного Совета Украинской ССР, избирался делегатом партийных съездов. Так что

опыт общения с телерепортерами он имел богатый, и знал, кому что говорить.

В.Ф.Заботин оказался ровесником Шарафа Рашидовича, начал вспоминать свои встречи с ним на партийных съездах, а также на праздновании 1500-летия Киева, других форумах, и завершил интервью словами, что его коллектив точно в срок, в третьем квартале 1985 года сдаст заказчику судно.

Киноплёнка с текстом в тот же день, самолетом была отправлена на телевидение в Ташкент. Тогда обычно все материалы, полученные из Москвы, шли в эфир без каких-либо задержек. Но к вечеру следующего дня выяснилось, что зампред Гостелерадио по телевидению У.Бурханов (светлая ему память, был телеорганизатором от Бога), во время предварительного просмотра, видимо, по инерции, позвонил куратору в ЦК, в отдел пропаганды. А тот, наверное, или не был в курсе состоявшегося решения Секретариата ЦК о тексте мемориальной доски, которое шло через орготдел, или, как всегда, перестраховался, и посоветовал не торопиться.

Меня это сильно задело. Разным начальникам по творческим, профессиональным вопросам никогда не звонил. Да и в этом случае мало бы кто помог – раз в ЦК не разрешили, то разговор короткий: «Уберите, не надо!» Таковы были тогдашние бюрократические нравы. И никто не стал бы разбираться, почему, зачем, кто, когда, отчего и т.д.?

Не долго думая, позвонил в Ташкент Н.Ф.Тимофееву, тогдашнему редактору газеты «Правда Востока» (тоже светлая ему память, человек, который с ходу всё понимал, советы давал неоценимые), предложил ему для газеты материал о строящемся лихтеровозе «Шараф Рашидов» с фотографиями.

Николай Федорович вспомнил, что недавно на Секретариате ЦК (руководители республиканских СМИ в них всегда участвовали) обсуждался вопрос, связан-



ный с этим судном, все были благожелательно настроены. Но в республике обстановка меняется не то что каждый день, а каждый час. Параллельно работают несколько комиссий из Центра.

Николай Тимофеевич хорошо знал узбекский язык, и последние слова произнес на узбекском: «Сизлар томондан, Марказдан юришипти». И будет лучше, если этот материал с фотографией ты отправишь в ЦК с сопроводителькой от постпреда, с пометкой о публикации не только в «Правде Востока», но и в «Совет Узбекистони» на узбекском языке.

Очень хорошо помню, это было 15 марта 1984 года. Из имеющего текста, подготовленного для выпуска «Ахборота», совсем не трудно было сделать газетный материал. В тот же день репортаж с несколькими фотографиями фельдсвязью был отправлен в Ташкент прямо в ЦК.

Материал в обеих газетах был опубликован 18 марта под рубрикой «Сообщение в номер». Тогда очень многие читали газеты, а руководители тем более, определяли по ним векторы текущей политики. Несмотря на воскресный день, несколько человек позвонили мне из республики, поблагодарили за публикацию, подчеркивая, что я сделал благое дело. А вечером в «Ахбороте», тоже на двух языках, без какого-либо звонка прошло пролежавшее в редакции четыре дня интервью с В.Ф.Заботиным о строящемся на возглавляемом им Херсонском судостроительном объединении лихтеровозе «Шараф Рашидов». Буквально через два-три дня этот же материал был перепечатан на таджикском языке в газете «Хакикати Узбекистон», и на татарском – в «Ленин байрагы».

Время шло своим чередом. Макет по-прежнему стоял на специальной подставке в кабинете постпреда. Всякий новый посетитель, кто заходил к постпреду, сначала подходил к этому макету, рассматривал. Уставший от однообразных вопросов постпред попросил напечатать технические характеристики судна, что было сделано и прикреплено к макету. После переезда Постпредства с Курсового переулка на Большую Полянку в новое здание в Погорельском переулке, дом 12, макет неделю-другую постоял в кабинете постпреда, а потом из-за изменившейся аппаратно-политической ситуации перекочевал на второй этаж в кабинет Управляющего делами, но уже... с бортов содраным наименованием. А потом и вовсе оказался в подвале, откуда таинственным образом совсем пропал.

К тому времени в республике прошел XXI съезд Компартии Узбекистана, а вслед за ним, в Москве, XXVI съезд КПСС. В них виновником всего негативного, что произошло в республике за последние годы, объявили прежде всего незабвенного Шарафа Рашидовича. С подачи пришедшего к власти М.Горбачева, поддержанного тогда ещё соратником-единомышленником Е.Лигачевым, первым делом взялись за останки усопшего (ничего более кощунственного и выдумать было нельзя), сняли мемориальные доски со скромного четырехэтажного многоквартирного дома в Ташкенте, где жил Шараф Рашидович, с фронтона главного здания Самаркандского госуниверситета, где он учился. Пошли по республике и другие переименования. В этой ситуации совершенно точно стало, что на лихтерозе название «Шараф Рашидов» долго не устоит.

Точно не помню, когда, но, скорее всего, между этими событиями где-то в марте 1986 года из Херсона мне позвонил милейший Всеволод Федорович:

– Объясни мне, пожалуйста, что у вас там происходит? Мы всё сделали как надо, только недавно по

обеим сторонам на бортах и на корме смонтировали наименование судна, у нас почти всё готово для спуска на воду, и вдруг сегодня получаем приказ заказчика: всё содрать!

Да, несколько дней тому назад в «Известиях» была опубликована информация со ссылкой на Министерство морского флота СССР о присвоении имени погибшей от рук террориста индийского премьера-министра Индиры Ганди строящемуся лихтеровозу класса «Алексей Косыгин». Но ни тогда, ни потом, никогда не было никакой информации о том, что это то самое судно, которому первоначально было присвоено имя «Шараф Рашидов». Всё-таки, по-моему, хорошие люди тогда работали в Минморфлоте СССР – в политику не лезли, с большим чувством, с тактом относились к представителям союзных республик.

Больше не было никакой нужды взаимодействовать с сотрудниками Минморфлота и Минсудпрома СССР, и наши связи естественным образом прервались.

Впрочем, не совсем. После распада СССР, в середине 1992 года, когда в России начался процесс акционирования пароходств и приватизации, и суда начали менять собственников, я нашел Б.Майнагашева, который к тому времени стал одним из руководителей отраслевого департамента министерства транспорта России. Бронислав Семенович по-прежнему был внимателен, демократичен в общении, рассказал о происходящих процессах в отрасли. А я, улучив момент, спросил его, что стало с памятными знаменами республики, которые в свое время были вручены не только экипажу сухогруза «Алишер Навои», но и круизному лайнеру «Узбекистан», нефтеналивному танкеру «Самарканд», другим судам, носящими названия, связанные с моей страной.

– С нынешним бедламом, что сейчас происходит в портах, на судах, не так-то просто найти, где находится

то или иное знамя. Со сменой собственника, они, конечно, же, не останутся на борту. Но не беспокойтесь, у нас сильны традиции, сохранившиеся от прежних и нынешних поколений моряков. Скорее всего, сами капитаны или замполиты заберут их к себе домой, как доброе напоминание о годах плавания на «узбекском корабле». Я уверен, что наши ветераны, их потомки бережно отнесутся к этим реликвиям, — успокоил меня ветеран арктических походов и советского морского торгового флота Б.С.Майнагашев.

Так именно случилось или нет, у меня нет точной информации. Но то, что все «узбекские корабли» вскоре поменяли и своего собственника, и свое название, это свершившийся факт. Например, по информации моего коллеги, признанного авторитета в этой сфере, а сейчас и аксакала узбекских репортеров Шахабутдина Зайнутдинова, пассажирский теплоход «Узбекистан» ещё в середине 90-х годов прошлого века Черноморским пароходством был продан какому-то греческому миллионеру и под названием «Odessa Sun» до 2000 года был занят обслуживанием туристов на круизах по Черному и Средиземному морям. А потом тот же владелец продал его на металлолом. Что касается лихтеровоза «Индира Ганди», то он тоже, в те же годы, был продан китайцам, а глава серии «Алексей Косыгин» — неведомому американскому судовладельцу. И, естественно, плавают сейчас эти суда-красавцы совсем под другими названиями или, скорее всего, утилизированы. Такая же участь постигла и «Ле Зуан», и «Че Гевара». Один из крупнейших грузовозов «Петр Машеров», построенный в Польше, на знаменитой Гданьской судовой верфи, приписанный с 1982 года к Балтийскому морскому пароходству, после всего лишь 20-летней безупречной службы в 2003 году уже новым иностранным владельцем был утилизирован в индийском порту Аланг, являющемся главным центром мировой судоразделки.

Узнав обо всём этом, я ещё раз убедился в правоте общеизвестной поговорки – «Всё что делается, всё к лучшему». Хорошо, что в свое время подобное «увековечение» не состоялось. Оно ведь продержалось бы тоже недолго – максимум до начала 90-годов, а потом и это судно новоявленные морские «прихватизаторы» со всеми потрохами продали бы куда-нибудь за океан.

А с обретением независимости в Узбекистан вернулось и доброе имя незабвенного Шарафа Рашидовича Рашидова, хотя в памяти народной он был всегда – и в те непростые времена тоже. Широкие меры в целях возвеличивания светлой памяти и достойного празднования 100-летия со дня рождения выдающегося государственного деятеля, известного писателя Шарафа Рашидова, возглавлявшего нашу республику в чрезвычайно сложные и тяжелые годы, предусмотрены мартовским постановлением президента Ш.М.Мирзиёева. В Ташкенте одна из центральных и самых красивых улиц названа его именем. Памятник ему – в живописном скверике напротив Музея истории народов Узбекистана – там, где прежде было первое место его упокоения. На главном здании Самаркандского государственного университета установлена мемориальная доска с его барельефом. Один из пригородных районов Джизакской области назван Шараф Рашидовским. Здесь же сооружен мемориальный комплекс Шарафа Рашидова с установкой ему памятника. В доме, где он родился, функционирует мемориальный музей, посвященный его насыщенной событиями жизни и многогранной деятельности. На стеллажах его многочисленные книги, вышедшие на многих языках во многих странах.

Такова краткая история несостоявшегося в союзном масштабе «увековечения» светлой памяти этой исторической личности, обнародованная в этих записках мною – непосредственным свидетелем, а в некоторых случаях и участником тех событий.

Убайдулла НОСИРОВ,
Тошкент давлат аграр
университети профессори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

ОЛИМ БЎЛИНГ, ОЛИМ БЎЛИНГ ВА ОЛИМ БЎЛИНГ...

Бу дил сўзлари собиқ иттифоқ даврида чорак аср давомида республикани бошқарган ва уни ҳар томонлама ривожлантирган Шароф Рашидовичнинг миллий олимларни тайёрлашдаги орзу ва ниятларига хосдир.

Республикамизнинг тараққиёт босқичларида ўз меҳнати билан халқ ичида ҳурмат қозонган, катта ривожланишларга бош-қош бўлган, миллат тинчлиги, равнақини таъминлаб келган ватанпарвар, халқпарвар, тинчликпарвар, илмпарвар бўлган Шароф Рашидович Рашидовнинг кўп қиррали ҳаёти, унга хос бўлган олижанобликнинг айрим жабҳаларини меъёрига етказиб таърифлаш учун чуқур билим ва ҳаётий тажриба талаб этилади.

Шу боис даставвал Шароф Рашидовичнинг ватанпарвар, халқпарвар, миллатпарвар ва ижодий фаолиятларини уларнинг дил сўзлари билан ёзган шеърлари орқали изоҳлашни макбул кўрдим. Жумладан, «Ватан ишқи» (1937 й) шеърида юрт туйғуси шундай улуғланган:

*Садоқатим нурдай товланур,
Бизга боққан завқ ила Ватан.
Унга менинг муҳаббатим зўр,
Фидо бўлсин унга жону тан.*

«Эрким» (1937 й.) шеърида ўз ният-туйғуларини шундай изоҳлаган:

*Олқиш олар тилларимдан, илҳомимдир ёш,
Мақом айлар қўлларимда эркимнинг сози.
Юрагимда озодликнинг янгроқ овози,
Эрким қўлда, гунчаланур умримнинг ёзи.*

Ватан посбонларига атаб ёзган шеърида ватанпарварлик руҳида шундай дейилган:

*Ватаним бор куч-мадад берган,
Кўриқлайман доим бахтимни,
Қумрим, сергак туриб постимда,
Мен бажардим қилган онтимни.*

Мен шу юрт ва Ватан фарзанди сифатида айтишим керакки, ўтганларни эслаш, Ватан, миллат олдида қилган меҳнатларини, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаган куч-қувватларини, оталарча меҳрибонлик сифатларига раҳматлар айтиб, руҳларини шод этиш миллатимизга хос бўлган фазилатлардир. Шу боис мен Шароф Рашидов даврида у зот билан суҳбат даврасида бўлганимни, чорвачилик фани ва амалиётига хос бўлган фикрлар ва тавсияларини, олимларга бўлган иззат-ҳурматларининг гувоҳи сифатида кўрган-билганларимни сиз, азиз ўқувчиларга етказишни ўзимнинг фуқаролик бурчим деб ёндашдим.

Мен қуйида Шароф Рашидовнинг илмпарварлик хислатлари тўғрисида ўртоқлашмоқчиман. Яратганининг ўзи берган ушбу хислат ҳаммада ҳам шаклланавермайди. Ушбу хислат ёки инсоннинг олий фазилати эскичасига ҳам, янгичасига ҳам устуворликни, узоқни кўра билишни англатади. Фан – бу ривожланиш пойдеворидир.

Чорвачилик илмий-тадқиқот институтига 1960 йилларда аспирантурага кирганимдан бошлаб, Шароф

Рашидовнинг олимларга бўлган оталарча меҳрибонлигини ҳис этганман.

Республикада фан марказларининг шаклланиши, уларнинг моддий-техник тараққиёти шахсан Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан боғлиқ, десам, ҳақиқатга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалик академиясининг Ўзбекистонда ташкил этилиши, унга тегишли илмий-тадқиқот институтларини ривожлантириш, аспирантура ва докторантуранинг очилиши, миллий кадрларни тайёрлашда катта имконият яратди. Илмий-тадқиқотлар назарий ва амалий томондан чуқурлаштирилиши ўз самарасини берди.

Республика раҳбари бўлган Шароф Рашидов ҳар йили 1-2 мартадан илмий-тадқиқот институтларига ташриф буюриб, ҳукумат ҳамда вилоят раҳбарлари ва Қишлоқ хўжалиги вазири билан биргаликда институтлардаги янгиликлар билан танишган ва ҳар бир олим билан шахсан суҳбатлашганлигини барча кекса олимлар яхши билади. Бизнинг Чорвачилик илмий-тадқиқот институтимизда бўлганларида, аввало, институтимизнинг директори Шавкат Асамович Акмалхонов қилинаётган янгиликлар ва ютуқлар тўғрисида гапириб бергандан сўнг, раҳбарлар саволларига жавоб берар ҳамда лойиҳалар раҳбарларини суҳбатга чақирар эди. Шунда ҳар бир олим ўз ютуқларининг аҳамияти тўғрисида ва уни жорий этишда қанчалик самара берганини айтганда Шароф Рашидов ва бошқа раҳбарлар уларни ёзиб олиб, қандай ёрдам кераклигини аниқлаб, тегишли вазирликлар ва вилоят раҳбарларига топшириқлар берганларининг гувоҳи бўлганмиз.

Шахсан менинг аспирантлик тадқиқот ишларимга хос натижалар – «Маҳаллий қорамолларни Санта-гертуда зоти билан чатиштиришнинг илмий асослари» мавзуси, унинг гўшт маҳсулдорлигини нисбатан

100 килограммга кўтариш имкониятлари йиғилиш катнашчиларида катта кизикиш уйғотди. Шунда Шароф Рашидов берган саволлари мени руҳлантириб юборди. У киши: «Айтингчи, Санта-гертруда зотли молларни қайси давлатлардан олиш мумкин?» – дедилар. Мен ушбу эътибордан руҳланган ҳолда Санта-гертруда зотли молларни АҚШнинг иссиқ иқлимли Техас штатидан олиб келиш ва бу борада собиқ иттифок қишлоқ хўжалик вазири В.В.Мацквичга илтимос қилиш мумкинлигини айтдим.

Шунда Шароф Рашидов қишлоқ хўжалик вазири А.Уркинбоевга бир қараб қўйганларини, бунга эътибор беринг дегандай бўлганларини сездим.

Шундай ҳар бир танишув ва учрашувнинг якунида олимларга ташаккур билдириб, Шароф Рашидов соҳадаги бўлажак янгиликлар, мақсад ва вазифалар ва дастурлар билан биз, катнашчиларни таништирар, улар самарасини тушунтирар эдилар. «Сизлар ҳам бўш келманглар! Сизларнинг кашфиётларингга соҳа равнақи муҳтождир», – деб оталарча меҳрибонлик билан раҳбарлик топшириқларини беришлари бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Шароф Рашидов суҳбатни шундай олиб борар эдиларки, уларнинг сўзларини эшитган инсон мафтун бўлиб, шу дақиқа ўзини парвоз қилаётган кушдек ҳис этарди.

Айниқса, Шароф Рашидов: «Олим бўлинг, олим бўлинглар, амалга қизикманглар», – деган орзу-ниятлари ва насиҳатлари олимларга нисбатан эҳтиром ва ҳурматни англатарди.

Шароф Рашидовичнинг мени ва бошқа олимларни хайратда қолдирган эзгу ниятлари – яъни барча колхоз ва совхозларда сутчилик комплексларини қурамиз, чорвачилик ишлаб чиқаришини саноат даражасига кўтарамиз, кўплаб гўштчилик комплекслари ва хўжалик-

лараро бўрдокичилик корхоналарини қурамиз, бу борада «хам пахта, хам сут ва гўшт» етиштиришни ҳар бир хўжаликда такомиллаштириш ва ривожлантириш тащаббусини кўтармоқдамиз, деганларини ҳалигача энтикиб эслаймиз. Ҳақиқатан ҳам, ушбу ташаббус амалга оширилиб ҳар бир хўжаликда 300–600 бошга мўлжалланган сутчилик комплекслари ишга туширилди. 100 дан ортиқ гўштчилик комплекслари ва хўжаликлараро бўрдокичилик корхоналари самарали иш фаолиятини намоён этди. 1975 йилдаёқ Республика собик иттифоқда сут ишлаб чиқариш саноат технологияси бўйича эътибор қозонди. Республикада Анастасия Чудная ва Мунаввар Исоқовалар сигирларни машинада соғиш бўйича рекордга эришдилар. Кўргазмали семинарда Шароф Рашидович, Республика ва вилоят раҳбарлари ташриф буюриб, қилинган ишларга ва ютуқларга ташаккурлар билдиришган.

Яна Шароф Рашидов фаолият кўрсатган вақтларни эсга оламан. Бу учрашув 1970 йилга тўғри келади. Унда мен Чорвачилик институтининг гўштдор қорамолчилиқ бўлими мудир, қишлоқ хўжалиқ фанлари номзоди бўлиб, докторлик ишимни шакллантириш йўлида изланишлар олиб бораётган кунларимда республика раҳбариятидан хабар қилишди: «Ўртоқ Носиров, Сизнинг илтимосингизга биноан Санта-гертурада зотли молларни республикага олиб келиш масаласида Шароф Рашидович иттифоқ Қишлоқ хўжалиқ вазири В.В.Мацкивич билан гаплашдилар, ёрдам берадиган бўлди», – деб тушунтирдилар. Ушбу муаммо 1967 йили ноябрь ойида амалга ошди. 80 бош Санта-гертурада зотли молларни махсус ташкил қилинган «Бахмал» тажриба хўжалигига олиб келиб, бутун меҳнатимизни аямасдан, куч-қувватимизни сарф қилиб, уларни кўпайтириш, соғлом сақлаб, селекция қилиш ишларини олиб бордик. Меҳнатимиз ўз самарасини бера бош-

лади. Моллар соф ҳолда урчиб кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ўз ватанидагидан ҳам ортиб кетди.

1973 йили май ойида институт раҳбариятига хабар келдики, 27 май куни Шароф Рашидович республика раҳбарияти билан Санта-гертруда молларини кўриш учун «Бахмал» тажриба хўжалигига ташриф буюрадилар.

Биз институт ва хўжалик раҳбарияти билан маслаҳат қилган ҳолда Санта-гертруда зотли молларни дала шароитида турли ёшдаги моллар гуруҳлари бўйича меҳмонларга намойиш қилдик. Улар 6 пода гуруҳини ва наслдор буқаларни ўз кўзлари билан кўриб, уларнинг қанчалик йирик, гўштдор, гўзаллигига қойил қолиб, дил-дилдан хурсанд бўлганларини юракдан ҳис қилдик.

Шунда Шароф Рашидович савол бердилар: «Убайдулла, айтинг-чи, бу моллар ҳали май ойидаёқ мунча гўштдор ва чиройли бўлиб етишибди?» «Шароф Рашидович, бу зотли моллар яйлов ўтларини гўштга айлантириш учун яратилган. Шунинг учун тез етилиб гўштдор ва чиройли бўлиб, баликка ўхшаб ялтиллаб кетади», – дея изоҳ бердим мен.

«Демак, Сизга топшириқ – бутун Республика бўйлаб тоғ олди ҳудудларидаги хўжаликларда бу қорамолларни кўпайтиринг», – дедилар.

Шароф Рашидовичнинг ушбу топшириқларини бажаришга киришиб Республиканинг тоғ олди ва Амударёнинг куйи оқими кенг яйлов ҳудудларидаги қорамолчилик хўжаликларида бўрдоқчилик подаларини шакллантириб, улар сонини 186 минг бошга етказишга муваффақ бўлдик.

Устозимизнинг олим бўлинг деган насиҳатларини олиб, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан аربоби, академиянинг мухбир аъзоси унвонларига сазо-

вор бўлишим Шароф Рашидовичнинг оталарча берган маслаҳати, фанга ва олимларга бўлган эътибори туфайли деб биламан.

Шароф Рашидовичнинг ташқи сиёсатдаги хизматлари, Узоқ ва Яқин Шарқдан бошлаб то араб мамлакатлари ва Кубага қадар кенг микёсдаги давлатлар раҳбарларини ўзига мафтун қилиб, уларнинг ишончи, меҳр-мурувватига эришганлигини «Тошкент – тинчлик шаҳри» деб тан олинishi билан изоҳлаш мумкин.

Мени юқорида келтирган далиллар ва изоҳларим Шароф Рашидович ижобий ишлари самарасининг мингдан бир томчисидир.

Шароф Рашидович тўғрисида ҳақ ва рост сўзларни айтарканмиз – Республикада минглаб гектар бўз ерларнинг очилиши, уларга каналлар орқали сув чиқариши, янги посёлкалар, шаҳарчалар ва хўжаликларни барпо этиш, пахтачилик ривожини таъминлаш, ер ости ва ер усти бойлик захираларини аниқлаш ва ишга солиш, завод ва фабрикаларни ишга тушириш, халқ фаровонлигини таъминлаш, миллионер хўжаликларни шакллантириш, Тошкент шаҳрини зилзиладан сўнг қайта қуриш, метрони қуриш, фан тараққиёти, олимларнинг шаклланиши, миллатни қизил гвардиячи корчалонлардан сақлаш ва ҳимоя қилишдек буюк ишлар ўша кезлари Республикага карвонбошилиқ қилган Шароф Рашидовичнинг машаққатли меҳнати, уйқусиз тунлари, соғлик-саломатлигини аямай жонбозлик кўрсатиши ва раҳбарлик санъатини пухта эгаллагани билан боғлиқ, деб биламиз.

Биз 2017 йил 6 ноябрда давлат арбоби ва юртга танилган ёзувчи Шароф Рашидович таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан барча халқимиз ва олимларни табриклаймиз!

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

ҚАДАМИДА ГУЛЛАР ОЧИЛГАН

Журналистика оламида, республика матбуотида ишлаб келаётганимга қирқ йилдан ошган бўлса, шу даврнинг роппа-роса ўн йили Ўзбекистонга Шароф Рашидов раҳбарлик қилган муддатга тўғри келди. Мен ишлаётган таҳририят раҳбари, таниқли журналист Исмоил Сулаймонов Марказкомдаги бюро ва котибият йиғилишларидан келганларида Ш. Рашидов томонидан берилган топшириқларни яшин тезлигида ходимларга етказар, биз ҳам республика етакчиси қўйган вазифаларни ижро этишга ҳаракат қилардик.

Муҳарримиз навбатдаги бюро йиғилишидан келиб, таъсирланган бир гапни бизга сўзлаб берганди. У кишининг айтишича, бюро мажлисида Фаргона водийсидан бир район матлубот жамияти раиси, аёл кишининг партия аъзолигида қолиш-қолмаслик масаласи муҳокама қилинар эди. «Гилам»га чақирилган опахоннинг айби яққол кўриниб турибди: ўзлаштириш рўй берган. Агар шу йиғилишда райпо раиси партиядан ўчирилса, тўғри камокқа йўл олади. Йиғилишда иштирок этаётганларнинг ҳаммаси шундай бўлишини кутиб турарди. Шу дамда Шароф Рашидов вазминлик билан бир савол берибди:

- Нечта фарзандингиз бор, опахон?
- Саккизта...

Шароф Рашидов бу жавобдан кейин бюро аъзоларининг юз-кўзларида ўзгариш бўлдимикан, деган маънода уларни синчиклаб назардан ўтказибди.

– Менда таклиф бор: шу саккиз фарзанднинг тақдир, келажаги ҳаққи опахонни ҳисоб карточкасига ҳайфсан ёзиш шарти билан партия сафида қолдирсак.

Муҳокама қилинаётган аёл қаттиқ ҳаяжондан жойига ўтириб олди, тик туришга қурби етмади. Қолган бюро аъзолари мажлис раисининг таклифини қўллаб-қувватлашди.

Ҳалиги опахон мажлисдан соғ-омон чиққанига ишониб-ишонмай:

– Мен нима қилай? – деган гапни нукул такрорларди. Шароф Рашидов:

– Нима қилардингиз, шу саккизта фарзандни оқ ювиб-оқ тараб, жамиятимизга муносиб қилиб етиштирсангиз кифоя.

Мажлис тугагач, марказком котиби И.Г.Анисимкин сўз олибди:

– Шароф Рашидович, мен 16 йилдан буён сиз билан ёнма-ён ишлаб келяпман. Ҳозирги масалага қандай ечим таклиф қилганингизни кўриб, очиғи, сизга таъзим қилмоқчиман. Ахир бу фикр биз, бюро аъзоларидан чиқиши керак эмасмиди? Биз эса бирор масала муҳокама қилинса, дарров Кодекс варақлаймиз, моддасини қидирамиз. Сиз Ҳаёт деб аталмиш кодексни бизга ўргатдингиз...

Ҳаммамиз Исмоил ака ҳикоясидан таъсирланиб ташқари чикдик. Шароф Рашидовнинг одамийлик сабоғидан биз ҳам дарс олгандай бўлдик...

Ҳар йили мамлакат ҳаётида муҳим бир воқеа бўларди, биз уни интизорлик билан кутардик. Гап Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи ҳақида бормоқда. Ушбу анжуманда иштирок этувчилар қурултойни байрамдек қабул қилишарди. Биз, оддий журналистлар ҳам касб тақозосига кўра қурултой ишида бевосита иштирок этишимиз доимо қалбимизда муҳрланиб қоларди. Бу тадбирга ҳамма қишлоқ хўжалиги ходимлари эмас, айнан илғор вакиллар ташриф буюришарди.

Мазкур анжуманнинг таклифномаси, катнашчиларга бериладиган зарҳал ёзувли ён дафтарларини кўлга олганимизда ҳамкасбларимизга ғурур билан кўрсатардик. Курултойга алоҳида нуфуз ва ғайз бағишлаган жиҳат Шароф Рашидовнинг нутқи бўларди. Замона зайли билан аксарият йигин ва мажлислар рус тилида ўтказилган бўлса, республика раҳбари курултойда ўзбек тилида нутқ ирод қиларди. Назаримда, русча нутқ белгиланган рамка бўйича расмий чиқса, Ш. Рашидовнинг деҳқон ҳамда чорвадорлар билан она тилида гаплашиши эркин ва озод фикрларни ифодалагандай бўларди.

Шароф Рашидов минбарга чиққанда пашша учса билинадиган даражада жимжитлик ҳукм суради, Тошкентдаги Санъат саройини тўлдирган курултой катнашчилари бир вужуд бўлиб тинглашарди. Пахтакор меҳнатининг заҳмати ҳақида, бу соҳада ўзбек деҳқонининг фидойилиги хусусида республика раҳбари ёниб, бекиёс жонкуярлик билан гапирарди. Бир анжуманда «Пахтанинг томи йўқ» деган иборани ишлатди. Кейинчалик бу сўзлар афоризмга айланиб кетди. Шароф Рашидов бир неча ой муқаддам Андижон вилоятининг Қўрғонтепа районига борганларини гапириб қолди. У ерда маккажўхори етиштиришнинг миришкор деҳқони Найни Маматқодиров билан гаплашганини, бу инсон маккажўхоридан юқори ҳосил етиштираётганини ҳикоя қилди. Ўзбекистон раҳбари ҳар икки сўзининг бирида «Найни ака, Найни ака» деб гапирганларида бир деҳқон тимсолида жамики дала меҳнаткашларига чексиз эҳтиромини намоён қиларди. Шу курултойдан кейин Найни Маматқодировнинг номи республика бўйлаб тилларда дoston бўлди. Нафақат Андижонда, балки ҳамма вилоятларда Маматқодиров издошлари пайдо бўлди.

Шароф ака деярли ҳар бир курултойда Алишер Навоийнинг «Деҳқонки дон сочар, дон сочмак билан ризқ йўлин очар...» деган пурҳикмат сатрларини алоҳида

такрорлашни яхши кўрарди. Қибрай туманидан шу анжуманда қатнашаётган Иноят ака Неъматов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) ўтирган жойида беихтиёр: «Рашидов гапларини эшитгандан кейин тезда кетмон чопгим келади», – деганида атрофдагилар мийғида кулиб қўйганди.

Мен Шароф Рашидов нуткидан кейин республикамизнинг турли вилоятларидан келган вакиллардан интервью олишимга тўғри келган. Одамлар ихлос қўйган раҳбарининг нуткидан ниҳоятда таъсирланганини, Ватан учун, шу эл учун жонини фидо қилишга бел боғлаганини айтишарди. Қатнашчилардан бири «Тезроқ кетайлик» деб қолди. «Тошкентга бир келиб қолибсиз, борасиз-да томоша қилиб», – деган лутфга: «Ҳозир эшитдингиз-ку Шароф отани, тезроқ далага бормасак бўлмайди», – деган сўзни жиддийлик билан айтганди.

Ҳозирги «Экспомарказ» иавильонларидан бирида «Қовун сайли» ўтказиларди. Бу тадбир ниҳоясида Шароф Рашидов ташриф буюрар, юртимизнинг турли вилоятидан келган полизчилар ушбу учрашувни интизорлик билан кутишарди. Биз, журналистлар бу мўътабар инсонни яқиндан кўрганимизга хурсанд бўлардик. Бу жойга Ш. Рашидов келгач, республика ҳукуматининг бошқарахбарлари ҳам етиб келишар, «Қовун сайли»нинг нуфузи ошарди. Шундай тадбир давомида Шароф ака Фарғона вилоятидан келган Абдазхон ота Алигавҳаров билан суҳбат курди. Қовуннинг йўқолиб кетаётган ноёб навларини тиклаган халқ селекционерининг меҳнати раҳбар томонидан юксак баҳоланди. Бу кишига кўргазманинг автомашинаси совға қилинадиган бўлди. Етакчи ва деҳқон ўртасидаги самимий суҳбатдан бошқалар катори биз ҳам баҳраманд бўлгандик.

Хуллас, Шароф Рашидов нигоҳи, назари тушган жойида барака, файз ва бунёдкорлик яшнаб кетарди.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

ШАРОФ ОТА ШАРАФЛАГАН ШОИРА

*Дунёда ҳар кимга қисмат ёр эмиш,
Кимдир тож кийгандир, кимлардир кулоҳ.
Гўёки Алишер Сизга ҳам дермиш:
«Сийратинг дарвешу сувратингдир шоҳ».*

Абдулла Орипов

Икки дўст баҳслашуви

Оташқалб шоиримиз «Икки мактуб тарихи» номли мақолада: «Шароф Рашидов адабиётимизни иложи борича кенгроқ ташвиқ қилишни истарди», – дейди. Мен бу фикрга тўла-тўқис қўшиламан.

Мен бугун бундан кўп йиллар муқаддам, аниқроғи, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида адабиётимизнинг бугунги кундаги улкан вакилларида бири бўлган Раъно Узоқова ижодига беғараз самимий мадад қўлини чўзгани, шу мадад туфайли бир шоира «йўқдан бор бўлгани» ҳақида кенгроқ қалам тебратишни мақсад қилдим. Бунинг учун эса гапни узоқроқдан бошлашга тўғри келади.

...1970 йилнинг апрель ойи бошлари эди. Тошкентда баҳор фасли ўз кўрки ва тароватини тўла намоен қилган эди. Мен Бухоро педагогика институтида 5 йил талашиб-тортишиб ўқиган собиқ курсдошим Тўра билан «Анҳор» четидаги чойхонада чойлашиб ўтирибмиз. У ҳам, мен ҳам мунозара дейишса суягимиз йўқ. «Ким енгар» қабилидаги тортишувларимиз туфайли

кўп ҳолларда олдимиздаги ош совиб коларди. Тўғриси, биз самимий, «беғараз жанглашардик». Орамизга кек-адоват тушмасди.

Аммо бу гал унинг бир гапи табиатимни тиррик қилди. Анҳор бўйидаги баҳорнинг кўрку тароватидан мосуво бўлгандай бўлдим.

– Сен ўзи, – деди у қўлларини ҳавода силкиб-силкиб. – Менга эртақ айтма. Сурхондарёдан шоира чикмаган. Бор бўлса, исботла...

– Кечирасан, дўст, – дердим мен иложи борича ўзимни босиб. – Бўлмаса, «Ўзбек шеърляти антологияси»-нинг тўртинчи жилдидаги Раъно Узоқова ким? У шоира эмасми? Жарқўрғонда туғилган бўлса. Антологияда унга яқин шеърлари эълон қилинган.

– Ҳа, оғайни, адабиёт аҳли ҳозир сен мактамоқчи бўлаётган Раъно Узоқованинг таржимаи ҳолини ҳам билмайди. Сен шундай зўр экансан, излан, ўрган, аравани курук обқочасан, институтни қизил диплом билан тугатгансан-ку.

Тўғрисини айтиш керак, мусоҳабага тушган дўстимнинг гапларида анча-мунча жон бор эди, ҳақиқат бор эди. Антологияда шеърлари эълон қилинган бўлса-да, Раъно деярли номаълум эди, очилмаган кўрик эди. Чўнтагимда имтиёзли диплом, бунинг устига адабиётга ошно қалб бўлиб, мен ҳеч нарса билмайман-у, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Раъно юрган йўллари излаб.....

Деновга кайфиятсиз келган бўлсам-да, эртаси райкомнинг биринчи котиби ҳузурида кўнглим ёзилгандай бўлди. Шу пайтлари «Сурхондарё булбули» деган ажойиб ном олган, кўп феъллари биринчи котибликка мос тушмайдиган диловар инсон Эгамберди Мавлонов биринчи котиб бўлиб ишлар, мен унга ёрдамчи эдим. Эгамберди Мавлонов ўша йиллари кўп ташвишманд

бўлиб, унинг ғанимлари томонидан биринчи котиб муҳри ўғирланган, текшир-текшир пайтлар эди. Шундай бўлса-да, у юзимдаги саросималикни пайқаганига хайрон қолдим.

– Тоштемир... нега бундай? Ё кўзимга шундай кўринаяпсанми?

Бошида бир дунё ташвиши бор одамга Тошкентдаги гапларни айтганимга қаранг. Гумрохлик денг, гумрохлик.

– Мақсад нима ука? Тортинмай айтавер, ҳечам тортинма.

– Агар Аллоҳ йўлимни очса, шу шоира ҳаётини ўрганаман. Ҳаётини тадқиқ этаман. Асарларини излаб топаман. Топганларимни китоб қиламан. Ўрганганларимни ҳам китоб қиламан. Бунинг учун шоира яшаган, ишлаган жойларда бўлишга тўғри келади.

Эгамберди аканинг чехраси болалардай ёришаркан, деди:

– Ўзингга ишонасанми? Қўлингдан келадими? Юрагинг, қалбинг нима деяпти?

– Қўлимдан келади. Ҳаракат қиламан, интиламан. Агар

– Нима агар?

– Таътил пайтим яқинлашиб қолди.

– Бу ҳақда гап бўлиши мумкинмас. Таътилдан кейин ҳам шароит яратиб бераман. Бу ахир осон иш эмас. Сен дам олишга кетаётганинг йўқ. Катта бир ишга бел боғлабсан. Бу ердаги ишингни ҳамма қилади, қилаверади. Аммо Раъно Узоқова... Бу ҳамманинг қўлидан келадиган иш эмас.

Қисқаси, «Сурхондарё булбули» бўлган биринчи котибдан дуо олиб, кўнглим кўтарилган эди. Юрагим яхши бир ҳаволар оғушида мавжланарди. Шу кечаси ухламай чиқдим. Борар жойларимнинг режасини туздим. Йўл олис ва сермашаққат эди. Қаршимда Бу-

хоро, Қизилтепа, Самарқанд, Ургут йўллари нурланиб ётарди.

Режага биринчи бўлиб Бухорони шарифни киритишимнинг ўзига хос сабаби бор эди. Мен ўзбек диалекталогиясининг юксак билимдонларидан бири, ўзбек тилшунослигида ўзининг «Бухоро шевалари» китоби билан машхур олим, устоз Мустақим Мирзаевдан сабоқ тинглаш бахтига муяссар бўлганларданман. У киши бир гап аёллар шеърляти ҳақида гап кетганда: «Сурхондарёлик шоира Раъно Узоқовани ҳам бемалол Зулфия, Ойдин, Саида Зуннунова каби шоиралар ёнига кўшса бўлади. Мен Раъно Узоқова билан бирга ишлаганман», – дегандилар.

Устозни институтдан топдим. Бахтимга, у киши дарс машғулотларидан бўшаб турган пайтлари экан. Институт ҳовлисидаги тушдан кейин одамлар сийраклашиб қоладиган чойхонага ўтдик. Бир пиёла чой устида мақсадимни айтдим. Домла суюниб кетдилар.

– Зўр ишга бел боғлабсан-ку. Табриклайман. Мен «Бухоро ҳақиқати» газетасида бирга ишлаганман. Аммо кўп эмас. У киши қандайдир сабабларга кўра Самарқандга ишга ўтиб кетувдилар. Аммо шу қисқа вақт ичида ҳам унда юксак шеърлий истеъдод борлигини пайқаганман. Сиз, ука, яхшиси Самарқандга ўтинг. У ерда «Ленин йўли» газетасида Мардонкул Муҳаммадқулов деган шоир ишлаган. Билишимча, Раъно Узоқованинг кўплаб шеърляри шу кишида, шоирнинг архивида сақланяпти, деган гапларни эшитгандай бўлувдим. Очиғи, у кишини анчадан бери кўрганим йўқ.

Устоз қувонганидан янада ҳиммат кўрсатди. Кўлимга «Бухоро ҳақиқати» газетаси тахламларини бердилар. Уларда Раъно Узоқованинг кўплаб шеърляри эълон қилинган экан.

Мардонкул аканинг мардоналиги...

Ишим юришаётганди. Чамадон тўла газета тахламлари билан Самарқанд шаҳрида яшовчи Мардонкул аканинг уйини топиб борганимда, у киши томорқада ишлаётган экан. Тили ширин, чеҳраси очик, хуллас, бу феъли билан суҳбатдошини ўзидан дарров қўйиб юбормайдиганлар хилидан экан.

Мен ҳам мардлик қилиб мард гапни айтай. Дунёда мени ҳаёт кўплаб мард одамларга дучор қилди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам Мардонкул Муҳаммадқуловнинг ёнидан ўтаверсин, дейман. Мақсадимни эшитгач, Мардонкул ака севиниб кетди.

– Яхши гап бўпди. Хаёлингизга яхши гап кепти. Шундай талантли шоиранинг ижоди бесоҳиб, беэга қолиб кетмасин. Раънонинг деярли ҳамма асарлари менинг қўлимда. Тўла архив десангиз ҳам бўлаваради.

У шундай дея болохонага кўтарилиб кетди. Мени эса чексиз ҳаяжон қуршади. Ана буни одам дейди. Буни одамийлик дейди. Ўзи ҳам қаламкаш бўлса, адабиётни тушунса. Нима, менинг ақлим етган ишларга унинг ақли етмайдими? Унга шон-шуҳрат, обрў керак эмасми? Хазина қўлида-ку!

Ижодий мерос бир чемадонча келарди. Уларга кўз ташларканман, юрагим бесарамжом урар, олтин топган девонадай эдим.

Уларни апил-тапил, саҳрода ҳафталаб юриб чанқанган йўловчидай ютоқиб кўздан кечира бошладим. Ана бойлигу, мана бойлик! 77 та шеър, 14 та ғазал, 4 та дoston, 2 та баллада. Бундан ташқари қисса ва ҳикоялар!

Ишонинг, шундан кўз олдимга Тошкентдаги «Анҳор», унда Тўранинг қўлларини ҳавода сермаб-сермаб сенлардан, Сурхондарёдан шоира чиқмаган...

Тарихда... деб гапиришлари кўз олдимга келди. Яширмайман, юрагимда бир нидо гувраниб келарди. «Шоира чикмаган эмиш-а? Ҳали кўрасан, шоира чикмаган бўлса. Керак бўлса шеърларини ёд оласан».

Журъат...

Шундай мунаввар кунларнинг бирида кўлимга «Ёрқин ҳаёт» журналининг 1940 йилдаги 4-сони тушиб қолди. Унда Шароф Рашидовнинг «Раъно» номли мақоласи... Бу шоира ҳақидаги биринчи мақола эди. Шу пайтгача бундай мақолага дуч келмагандим. Янада ҳаяжонланиб, янада тўлқинланиб кетдим. Уни тамшаниб ўқиб чиқдим. Ишонсангиз, мақоладаги сатрлар яхши шеърдай юрагимга жойланиб қолди.

...«1918 йил куз кечининг изғирин шамоли тўхтамай эсиб турар эди. Зимистон кечанинг зулматлари ҳар ёнга ваҳима солмоқда. Вокзалдаги пастқам бир девор остидан аллақандай инграган овоз келади. Бу ёш гўдакнинг товуши эди. Онанинг иссиқ кўйнида ором ололмай, оташин меҳрига қонолмай қолган бу 3 ёшли гўдакнинг бу ерга қачон, қаердан ва ким келтиргани номаълум, гўдак йиғлайди, юраги эзилади. Меҳрибон онанинг иссиқ кўкрагини қидиради. Ота-онасининг ўлганини билганлар унинг мунгли йиғисига бир оҳ тортиш билан, билмаганлар эса, «Эҳ, лаънати ота-она», дебгина жавоб берадилар.

Қоп-қоронғида бир хотин нимадир кўтариб келарди. Бу Термиз вокзали машинистининг хотини Марям эди. У эрига овқат олиб келарди. Гўдакнинг овозини эшитган Марям у томон бориб уни дарҳол ердан кўтариб олди-да, ўз боласидек бағрига босди».

Ҳа, бу уч ёшли шўрли гўдак Раъно эди... Узоқова эди.

Айтиш керакки, мақола йўлимни очиб юборди. У ишларимга беадад мадад бўлди. Шу туфайли кўнг-

лимда чексиз ёшлик шижоати ва тоғдек улкан журъат пайдо бўлди. Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби Шароф Рашидовга мактуб йўллай олишга жасоратландим. Яхши эслайман. Хатда шундай жумлалар бор эди.

«Муҳтарам Шароф Рашидович!

Мен шоира Раъно Узоқованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бир ишлар қилишга жазмландим. Шу мақсадда Бухоро, Самарқанд, Қизилтепа, Ургутларда бўлдим. Муҳими Мардонқул Муҳаммадқуловдан унинг асарларини топдим, архивини топдим. Раъно Узоқованинг бу топилган мероси яхшигина бир «сайланма» бўлади.

Сизга мурожаат этишимнинг сабаби шуки, сиз шоира билан уруш йиллари Самарқандда чиқадиган «Ленин йўли» газетасида бирга ишлагансиз. Сиз муҳаррирлик қилган бу газетада Раъно Узоқова адабиёт ва маданият бўлимини бошқарган. Демокчиманки, сиз Раъно Узоқова ҳақида бошқаларга қараганда кўп нарсаларни биласиз. Ниятим сиз билан учрашиш, тегишли маслаҳат, йўл-йўриқлар олиш. Ўйлайманки, менинг хоҳишимни оқибатсиз қолдирмайсиз».

Хатни юборган бўлсам-да, ундан умидим кўп эмасди. Чунки республика ташвиши бошида бўлган Шароф Рашидовдай зотга менинг хатимдан бошқа иш йўқми? Қолаверса, бир кунда у кишига бундай хатлар юзлаб ёзилади. Йўқ, адашган эканман, хомхаёл эканман. 1975 йилнинг 6 май куни, орадан бир ой ўтар-ўтмас Тошкентдан, Шароф Рашидовдан хушxabар келди. Шундай зот мени, оддий бир қаламкашни қабулига таклиф қилаётганди.

Ҳали-ҳали кечагидай эсимда, шошилиб ўша пайтдаги котиб Ҳимойиддин Шарофиддиновнинг хонасига кириб бордим. Қўлимда қоғоз.

– Нима мунча антикасан? – деди биринчи котиб.

– Мени Шароф Рашидов чақиряптилар. Қабуллари-
рига.

Биринчи котибнинг ҳайронлиги янада ошди.

– Нималар деяпсан, сени Шароф Рашидов нима
килади?

– Ишонмасангиз мана хабар, қоғоз...

Мана, Шароф Рашидов қабулхонасидаман. Ҳаяжондан оёқларим қалтираб кетаётгандай бўлади. Шу тобдаги юрагимнинг гурс-гурс уришини қулогим эшитди. Ёрдамчилари – Қозоқжон Солиев Шароф Рашидов иш кабинетларига бошлаб кирди.

Мен журналу газеталарда, телевизорларда кўриб юрган ёқимтой юзлари нурли, юксак салобатли инсон. Агар эътибор бераётган бўлсангиз, мақолада «ишонсангиз», деган сўз кўп ишлатилган. Шу ерда уни яна бир бор ишлатишга ўзимда эҳтиёж сезаяпман. Хуллас, ишонсангиз, у киши мени кўриши билан ўринларидан турди ва майин, юксак салобатли овозда дедилар:

– Келинг, сурхондарёлик йигит.

– Келдим, устоз.

Ҳамон мўл-кўл ҳаяжон оғушида эдим. Шу онда келдим деган сўзни қай йўсинда талаффуз этдим – эслай олмайман.

– Кўп хайрли, савоб ишни бошлабсиз. Мен ўзи бу ишни самарқандлик шоир Суръат Ориповга юкламоқчи бўлиб юрувдим. Майли, сиз юртдош сифатида илғорлик қилибсиз.

Мен жим, гунг ва лол эдим. Шароф ота ёқимли оҳангда гапирарди.

– Раънонинг шеърларининг мазмуни қуюқ, мисралари пухта ва равон. Мен унинг ижоди ҳақида доклад ҳам қилгандим. Афсуски, бу доклад мен урушга кетганда йўқолиб кетган. Урушдан ярадор бўлиб қайтганимдан сўнг ҳам у билан бирга ишладик.

Раъно довьюрак аёл эди. У Ленинград жангчиларига ўзбек элидан совға-саломлар олиб борган вакиллар каторида бўлган. Афсуски, у Ленинграддан касалланиб келди. Шундан сўнг Кисловодскка дам олишга юбордик. Буни қарангки, у даволаниш ўрнига «Макр ва мухаббат» достонини ёзиб келди. Достондан қувондим, аммо юзидаги ҳорғинлик ва толиқишлардан юрагимга ваҳима тушди. Хуллас, Раъно Узоқова 31 ёшида орамиздан кетди.

Самимийлик беқиёс катта куч. Унинг кучини шу ерда ҳам сездим. Юрагим энди осойишта урар, мен у кишининг нур балкиб турган чехрасига бемалол, осойишта тикилардим.

– Раъно опанинг Раҳима исмли кизи бор экан.

– Ҳа, шундай. Тақдир қизиқ-да. Раъно 3 ёшида онада ажралади. Буни қарангки, Раҳима ҳам. Аммо Раъно онасини билмайди. Раҳима эса онасидан минг чандон бахтлироқ. У онасини билади. Ва шоира онаси билан фахрланади. У онаси вафотидан сўнг давлат назоратига олинди. Олий маълумотли бўлиши учун ғамхўрлик кўрсатилди.

Деновга бир дунё қувончлар оғушида қайтдим, яна Раъно Узоқованинг шеърят чаманига шўнғиб кетдим.

Иккинчи учрашувдан сўнг...

Ёшликда тошга чизганинг, қариликда музга, дейишади. Шундайми, ўша пайтларни эсласам, ҳозир ишонгим келмайди. Нима бўлганда ҳам, Аллоҳ кучкудрат берди. Раъно Узоқованинг ҳаёт ва ижодий йўли ҳақида монография тайёр бўлди. Назмий ва насрий асарлари тайёрланиб, «Сайланма» ҳолига келтирилди.

Тўғриси, бугун китоб чиқариш ҳеч нарса бўлмай қолди. Янаям китоб қадрсизланиб қолдими дейман. Ҳозир биргина Тошкентнинг ўзида юзлаб нашриётлар.

Бунинг устига вилоятларда ҳам... чўнтагингда тўрт-беш сўм пул бўлиб, икки гапни бир-бирига ямай олсанг бўлди. У ёғи хамирдан қил суғургандай.

Авваллари эса... Айтгулиги йўқ эди. Кафтдай китоби чиқишини кутиб қариб кетарди ижодкор. Бор-йўғи иккитагина нашриётга қатнайвериб тинка-мадори курирди. Ниятига етавермаган ижодкор нашриёт бўсағасига қўлёмаларини ташлаб кетди, деган гапларни ҳам эшитганман.

Бу гапга аввалига ишонмаганман. Аммо бошга тушгандан сўнг билдим, ишондим. Раъно Узоқова ҳаёти ва ижоди ҳақидаги «Субҳидам қалдирғочи» китобида шундай қийинчиликларга дуч келдим.

Шароф Рашидов зарурат ва эҳтиёж туғилганда албатта келинг, деган бўлса-да, аввалига ҳар хил андишаларга бордим.

Йўқ, охири йўқлашга мажбур бўлдим. Йўқлама-сам, 10–15 йиллик меҳнатим Денов шаҳри ўртасидан оқиб ўтадиган Қизилсув сингари фойдасиз туюлди.

Иккинчи учрашувимиз аввалгига нисбатан анча қизиқарли кечди. Ҳар икки китобим – «Субҳидам қалдирғочи» ва «Сайланма»ни кўздан кечираркан, «Сени қара-ю, зўр-ку! Шунча иш қилдим дегин. Раънони ўлмайдиган қилибсан. У энди чиндан ҳам ўзбек адабиётининг тўнғич вакиллари ичидан ўзига муносиб ўрин олди», – дердилар. Дарров шоир Барот Бойқобиловни чақариб, тегишли топшириқлар бердилар.

Шундай қилиб, Раъно Узоқова ижоди тўлалигича халқ мулкига айланди. Шеърят мухлислари яхши кўрган асарлардан бири бўлиб қолди. Ҳозир ўзимча ўйлайман: Шароф ота бўлмаганларида, нима бўларди? Ажойиб, зукко шоира ўз-ўзидан унутилиб, номи чикмай кетаверарди-да! Тарихда эса бунга мисоллар кўп.

1982 йил эди. Хонамда ишлаб ўтирган эдим. Бир вақт эшик очилиб, бўсагада кулимсираганча Тўра дўстим, курсдошим кўринди. Қўлида Раъно Узоқованинг «Сайланма» китоби. У кўришар-кўришмас одатдаги феълини қилди – мақсадига ўтди. Шундай қилмаса, гаплари худди эсидан чиқиб кетадигандай.

– О, Тош! Ўзимнинг Тошим! Барибир зўр кетдинг. Раъно чинданам зўр шоира экан-ку. Унинг шеърларидан Раъно таралиб турибди, гўзал бўй таралиб турибди. Мен Тошкентдаги «Анҳор» бўйидаги гапларимни қайтариб олдим, қайтариб олдим, дўстим.

Мен эса ҳамиша иш столимда турадиган Шароф Рашидовнинг чиройли рамкага солинган сурат-портретига меҳр билан тикилдим.



Дамин ТЎРАЕВ,
*филология фанлари доктори,
профессор*

ТИНЧЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУЙЧИСИ

Умуминсоният учун сув ва ҳаводек кадрли бўлган бу ғоялар таваллудига юз йил тўлаётган атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов ҳаёти ва ижодининг асоси – лейтмотивини ташкил этади. У кундалик ҳаётда ҳам, ижодида ҳам ана шу олий идеалларга содиқ инсон эди.

Шароф Рашидов 1941 йилда университетда олий таҳсилни битиргач, журналист сифатида Самарқанд вилояти «Ленин йўли» газетасида ўз фаолиятини бошлайди.. 1941 йилнинг август ойида ўз хоҳиши билан иккинчи жаҳон урушига йўл олади. Фронт газеталарида фашизмга қарши қахрамонларча жанг қилаётган ватанпарварлар ҳақида мақола, очерклар ва шеърлар ёзади. Унинг жанггоҳларда ёзган шеърлари 1945 йилда нашр этилган «Қаҳрим» номли тўпламида эълон қилинди. Шимолий-Ғарбий фронтида оғир жароҳатланган Ш.Рашидов юртига қайтади ва «Ленин йўли» газетасининг муҳаррири, кейинчалик Самарқанд вилояти партия кўмитасининг котиби вазифаларида фаолият олиб боради.

Шароф Рашидов 1947–1949 йилларда республиканинг етакчи – отахон газетаси ҳисобланган «Қизил Ўзбекистон» таҳририятида бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезлари мамлакат маданий ҳаётида фаол иштирок этди.

Шуни эътироф этиш керакки, Шароф Рашидов собиқ шўро тузуми давридаги жуда мураккаб ва оғир йилларда республикага раҳбарлик қилган чоғларида Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида танилишида ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшди. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистоннинг Осиё ва Африка, Лотин Америкаси, Куба ва бошқа кўплаб мамлакатларга кишлоқ хўжалиги машиналарини етказиб берувчи, адабиёт ва санъат соҳаларида халқаро анжуманлар ўтказиладиган тинчлик ва дўстлик марказига айланганини эслаш жоиз. Хусусан, 1958–1959 йилларда Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари фестивалида жаҳонга машҳур адиблар – Абдурахмон ал Хомисий, Юсуф ас-Сибойй, Файз Аҳмад Файз, Азиз Несин, Яшар Камол, Прем Чанд, Кришан Чандр, Хожа Аҳмад Аббослар қатнашиб, ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳиятини, меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлигини чин дилдан эътироф этишган эди.

Шароф Рашидовнинг республикамиз илм-фани, маданият, адабиёт ва санъатининг ривожига фидоийлик қилганини, ижод аҳлини, ёрқин истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаганини катта авлод вакиллари яхши эслашади. Мирзачўл ва Қарши даштларининг ўзлаштирилишида, ўлкамизда йирик иншоотлар, завод ва фабрикалар, янги шаҳарларнинг юзага келиши, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метрополитенининг қурилишида ҳам раҳбарлик ва ташкилотчилик салоҳияти ҳали ҳануз халқимиз қалбида сақланиб келади.

Таъкидлаш жоизки, Шароф Рашидов атокли давлат ва жамоат арбоби бўлиши билан бирга, XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига, айниқса, романчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчи, адабиётшунос ва танқидчи, эҳтиросли публицист ҳам эди. Ободлик ва фаровонлик келтирувчи бунёдкор меҳнат

аҳлини улуғлаш Ш.Рашидов ижодининг аввалию охи-
рини ташкил этади. Бу хусусият унинг дастлабки ижод
намуналари – шеърларида ҳам кўзга ташланиб тура-
ди. Она-юртга шайдолик, Ватанга муҳаббат, яратув-
чан меҳнатдан завқланиш шоир лирик қаҳрамонининг
муқаддас туйғусига айланади:

*Сен билан очдим кўзимни, сен билан бўлдим азиз,
Сен билан кулди диёрим, сен билан турмуш лазиз.
Сен билан олам ёруғ, сен бердинг менга нону туз,
Ҳам гурурим, ҳам сурурим, ҳам ҳузурим, меҳнатим.*

«Меҳнатим» мадҳиясидаги бу туйғулар» Ватан қаси-
даси», «Гул диёрим бор», «Ўлкам», «Ватан ишқи» каби
шеърларидаги мисраларда ҳам замон руҳи ва ўз даври-
нинг муҳим муаммоларини ҳис этган лирик қаҳрамон
қиёфаси китобхон кўз ўнгида янада ёркинрок намоён
бўлади.

Шароф Рашидовнинг иккинчи жаҳон уруши йил-
ларида ёзган шеърларида фашизм келтирган уруш
офатларига қарши жаҳоннинг кўпчилик халқлари бир-
лашиб қаҳрамонлик кўрсатаётгани, бу уруш фашизм
учун босқинчилик, собиқ совет халқлари учун адолат
ва озодлик учун кураш эканлиги, замон ҳам, тарих ҳам
фашизмни қоралашини, Гитлер ва унинг малайлари
«тарихнинг қаҳрига» учраяжаги жўшқин сўзлар билан
ифодаланади. Шоир «Тарихнинг қаҳри-ла қайрадим
қилич» шеърда Ватан озодлиги учун жангга кириш-
ни виждон бурчи деб билган эл-юрт ботирлари албатта
ғалаба қозонажасига комил ишонч билдиради. Шароф
Рашидов ўша кунларда ёзган «Жанг қил», «Дўстимга
мактуб», «Лочинлар», «Она насихати», «Белград қизи»,
«Қасос ол», «Яшасин севги!» каби жўшқин шеърлари
билан фашизм босқинчиларига қарши жанг қилаётган
аскарлар қалбида ғалабага ишонч уйғотишни ўз бур-
чи, ижодкорнинг асосий вазифаси деб билди. Бу шеър-

ларда ватанпарварлик ғоялари бадиий жиҳатдан анча пишиқ, халқона жонли тилда, мақол ва ҳикматли сўзлар асосида берилиши билан ўқувчи қалбига бориб етарди:

*Ғалаба қиличида элим қаҳри бор,
Ғазаб қиличининг кескин заҳри бор.
Юракда қасоснинг тошқин наҳри бор,
Қиличим – қаҳримсан, ёвга бўлгин ёв!*

Таниқли адабиётшунос Ўрол Носиров «Шароф Рашидов – давр фарзанди» (1992) номли китобида Шароф Рашидовнинг бадиий ижодга қадам қўйганидан бошлаб, меҳнатни шарафловчи шеърларида бунёдкор меҳнат аҳли жўшқин эҳтирос билан куйлангани, унинг Ватан ҳақидаги шеърларида Ҳамид Олимжоннинг ижодий таъсири борлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон шеърляти ўттизинчи йиллардаёқ кенг шуҳрат қозонган эди. Ҳамид Олимжон шеърлятидаги бадиият, лиризм ва нафосат, жўшқинлик ҳозирги давр учун ҳам кадрлидир. Шу маънода, Шароф Рашидовнинг устоз Ҳамид Олимжон ижодидан таъсирланиши табиий ҳол эди.

Шоирнинг «Белград кизи» шеърида гўзаллик ва ёвузлик ўртасидаги аёвсиз кураш тасвирланади. Асарда ота ва онанинг қувончи, бахти бўлган гўзал қизнинг фожиали тақдири акс этган. Бу манзумани профессор Ўрол Носиров баллада талабларига жавоб беради, деган хулосага келиши ҳам илмий жиҳатдан асослидир. Чунки ушбу шеърда баллада жанрига хос воқеабандлик, оҳангдорлик, эпик тасвир билан лиризм соҳибжамол кизнинг ўз эрки ва ватани учун душман билан олишувини тасвирлашга имкон яратган.

Шароф Рашидовнинг очеркларида, публицистик асарларида мадҳ этилган бунёдкор кишилар – чўлқуварлар, қурувчилар, чорвадорлар кейинчалик йирик

жанрдаги бадий асарларига, хусусан, қиссалари ва романларига кўчиб ўтди.

Шароф Рашидов ёзувчи сифатида замонамиз қаҳрамонларини бунёдкор халқ орасидан топа олган. «Ғолиблар» қиссаси қаҳрамонлари – Ойқиз, Олимжон, Лолахон, Бекбўта, Умрзоқ ота меҳнатсеварлиги, серғайратлилиги билан кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш йўлида жонбозлик намунасини кўрсатдилар. «Ғолиблар» қиссасида муаллифнинг ўзбек халқи менталитетига, табиатига хос гўзал фазилатларни яхши билиши сезилади. Қисса қаҳрамонлари оддий меҳнат аҳли – тўғрисўз, очиқкўнгил, самимий, ориятли, ғурурли, бир-бирига меҳрибон бўлганликлари сабабли уларнинг ҳаёти ҳам мазмунли, қизиқарли ўтади, улар машаққатли, қийин ишларни ҳам кўпчилик бўлиб юзага чиқарадилар. Қиссанинг бош қаҳрамонларидан Ойқизда одамлар калбига йўл топа билиш, ташкилотчилик, раҳбарлик қобилияти аста-секин очила боради.

Адабиётшунос Очил Тоғаев «Кураш ва қаҳрамон» номли китобида бадий асар сюжетини куришда конфликт, ғоялар ва характерлар тўқнашуви ҳақида фикрлаб, Шуҳратнинг «Олтин зангламас», Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар» асарлари қаторида Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» романларига ҳам кенг тўхталади. «Атоқли ёзувчи Шароф Рашидов ижодида янги ерларни очиш мазуси, айниқса, кучли пафос билан тараннум этилган, – деб ёзади Очил Тоғаев. – Тараққиётимизнинг бош йўлини белгиловчи илғор тенденцияларни бадий акс эттириш асарнинг замонавийлигини белгиловчи асосий хусусиятдир. Ўз ўрнида Очил Тоғаев «Ғолиблар» романи қаҳрамонларининг бунёдкорлик ишларини ҳаққоний акс эттирганини мақташ билан бирга, асарнинг баъзи жиддий камчиликларини ҳам кўрсатган ва муаллиф бу танқидий фикрларни мардона қабул қилган эди. «Ле-

кин, – дейди танқидчи, – асарда булоқларни тозалаш, канал ва ховуз ковлаш, янги ер очиб, пахта экиш каби бу муҳим масалалар асар бошидан охиригача давом этувчи ягона конфликт асосида жойлаштирилмаган...» Танқидчи ўз сўзи давомида бу мавзу – янги ерларни очиш «Бўрондан кучли» романида ҳам давом эттирилганини, янги асарда юкорида айтилган камчиликлар бартараф этилганлигини айтади. Ҳақиқатдан ҳам, «Бўрондан кучли» романида илғор, халқчил раҳбарлик билан бюрократлик – маъмурий раҳбарлик ўртасидаги конфликтлар асар сюжетида ҳаракатга келтиради, шу тўқнашувларда бош қаҳрамоннинг характери, руҳий олами очилади.

Жамиятга ободлик ва фаровонлик келтирувчи бунёдкор меҳнатни, тинчликни, халқлар дўстлиги ғояларини ўз асарларида завқ билан куйлашни Шароф Рашидов ҳам инсоний, ҳам ижодий бурчи деб билди. Унинг асарларида жўшқинлик билан тасвирланган ижобий қаҳрамонлари – Ойқизни, Олимжонни, Умрзоқ отани, Ҳалим бобони, Холбибини баъзи адабий танқидчилар идеал қаҳрамонлар, бошқалари романтик қаҳрамонлар, яна бирлари буларни ҳаётда учраб турган реалистик образлар-киёфалар деб таърифлашди. Бизнингча, бундай баҳолар, таърифларнинг барчасида ҳақиқат бор. Эътибор қилинг: адиб «Ғолиблар» қиссасини ҳам, шу номдаги романини ҳам тоғларда, тоғ қишлоғида тонг отиш манзараси билан бошлайди: «Водий яшнаб кетди. Эрталаб куёш чиққан пайт тоғлар нақадар гўзал, нақадар нашъали, нақадар ажойиб ва улуғвор! Олтинсой-чи! Куёш чиқиши билан Олтинсой нур билан ясаниб, тенги йўқ чирой касб этди... Эндигина гулга кирган наъматак эса шабнам сувларида ювиниб, келинчақлар мисоли ясаниб, ўзига зеб беради...» Бу – тириклик завқи, ҳаёт завқи тасвирини романтика деймиз, ҳатто айтиш мумкин, роман-

тизмга ҳам алоқаси бор. Бош қаҳрамон Ойқиз характерида ҳаёт романтикаси жилоланади.

Асар қаҳрамони Ойқизнинг жазирамадаги бўз ерларни боғларга, экинзорларга айлантириш учун бир замонлар кўмилиб кетган булоқларнинг кўзини очиш ҳақида орзу қилиши ҳаёлпарастлик эмас, балки ҳаётий асосга эга. Қариялар бир вақтлар бу қирлар бағрида булоқлар ва жилғалар бўлгани, агар илмини билиб қазилса, булоқлар яна юзага чиқиш ҳақида гапирар эдилар. Хўжалик раиси Қодиров эса Ойқиз ва Олимжоннинг бу ташаббуслари билан ўзининг ўрнини олиш мақсадлари бор деб тўсқинлик қилади. Ёзувчи ҳаётий тажрибасида бундай ҳолатларга кўп марта дуч келгани, ўзи бундай дадил ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келгани учун Ойқиз ва Олимжон каби ташаббускор ёшларга хўжалик раиси Қодиров ҳам тўсқинлик қилолмай қолганини ҳаққоний тасвирлайди.

«Ғолиблар» романида деҳқон, пахтакорнинг меҳнати гўзал самаралар бериши, меҳнат аҳлига, деҳқон маҳоратига чуқур ҳурмат, меҳр билан тасвирланади. Роман Ойқиз ва Олимжоннинг тўйи билан якунланади. Баъзида Ш.Рашидовнинг «Ғолиблар» романидаги воқеалар тасвирини ўқиб ва асар қаҳрамонлари қиёфасини кўз олдинга келтириб, ўзингни улар орасида кўрасан, асар ва унинг муаллифининг халқимиз қалбидан жой олганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан. Ҳаёлингда кечган бу эътирофли ўйларни адиб ҳаётлиги даврида Сурхон воҳасининг қир-адирларига жойлашган серунум гўшаларидан бири Олтинсой тумани деб номланиши ҳам тасдиқлайди...

Ойқизнинг ҳаётий тажрибалар билан бойиган навбатдаги ташаббуслари, орзу-истаклари, халқлар дўстлиги – бунёдкорларга муваффақият келтиришни тасвирлаш адибнинг кейинги романи – «Бўрондан кучли» асаридан ўрин олди. Иккинчи роман илк баҳор кунла-

ри тоғ кишлоғида деҳқон Муроталининг бир туп кекса ўрикни сугориш учун икки кўза билан узоқ пастликдаги сойдан сув олиб, тепага кўтарилганида чарчаб йиқилиши, яна сув танқислиги тасвири билан бошланади. Роман сюжетини ҳаракатга келтирувчи конфликт, чигаллик тўқима эмас, ҳаёт ҳақиқати: биринчи романда тоғ кишлоғи Олтинсойда ерлар сувсиз эди, энди янги булоқлар очилиб, сув кўпайганда ер етишмай қолди. Бир ҳаётий муаммонинг ҳал этилиши иккинчи муаммони келтириб чиқаради. Хуллас, адиб китобхон кўз ўнгида «Бўрондан кучли» романидаги образлар талқинида, хусусан, Муротали қиёфасида ўз мақсадига эришиш йўлида олиб борган курашини, характери товланишини кўрсатиб беради. «Ғолиблар»да бизга таниш бўлган Ойқиз, Олимжон, Жўрабоев, Умрзоқ ота образлари фаолиятидаги даврнинг янги муаммоларини ҳал этиш жараёнида янгича шижоат ва фидойиликни кўра-миз. Ёзувчи бу образлардаги кураш жараёнини тасвирлар экан, ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари мавжудлигини, янгилик ҳар қандай тўсиқларни мардона енгиб, ҳар қандай шароитда ҳам ўзига йўл очишини исботлаб беради.

Адиб навбатдаги «Кудратли тўлқин» (1964) романида ҳам ўз даври таракқиёти масалалари билан боғлиқ муаммоларни тасвирга олиб, ижод соҳасида ўзининг янги сўзини айта олди. Роман иккинчи жаҳон урушидаги муҳим бурилиш даври – 1943 йил воқеаларига боғлиқ фронт орти ҳаётини тасвирлашга бағишланган. Ватан мудрофааси учун сафарбарлик жанг майдонларида ҳам, фронт орқасида ҳам ҳақиқий одамлар ҳаётининг асоси эканлиги Пўлат ва Баҳор каби ёшлар образи мисолида очиб берилади. Асарда тасвирланган воқеалар реал воқеалардир. Жумладан, асар қаҳрамонлари фаолият олиб борган Ғалаба ГЭС Республика ҳукуматининг 1942 йил 18 майда қабул қилган

қарори асосида Сирдарё ўзанида қурилган энг йирик гидроиншоот – Фарҳод ГЭС қурилиши воқеалари асосида тасвирланган. Кўринадики, муаллиф бадий асар учун танлаган ҳаёт воқелиги нафақат Ўзбекистон учун, балки собиқ совет халқлари учун ҳам Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун муҳим эди. Асарнинг реал воқеалар – халқимизнинг фронт ортидаги Фарҳод ГЭС қурилишидаги ватанпарварлигини тасвирлаш мақсадида юзага келганини адиб «Дружба народов» журнали мухбирининг саволларига берган жавобларида айтиб ўтган эди. Айтиш мумкинки, ёзувчи фронт орқасидаги халқимиз жасоратини тасвирлар экан, бу билан у Ўзбекистон бадий тарихининг муҳим саҳифаларидан бирини яратди. Ш.Рашидов фронт ва фронт ортидаги мустаҳкам алоқадорликни ўз шеърларида ҳам кўрсатиб ўтган эди. Фронтдаги жанггоҳлар, Фарҳод ГЭС қурилишидаги жуда кўп қайноқ ва ёрқин таассуротлар ёзувчига тасвирда манзаралар ва образлардаги ўзига хосликни, айтмоқчи бўлган ғояларни ифодалаш, уруш ҳаётининг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган янги-янги томонларини очиб беришда қўл келган. Хуллас, адибнинг романлари ўз даврининг долзарб муаммоларини бадий тадқиқи этиши ва ўз-лигини умумхалқ манфаати учун курашга бағишлаган жасоратли замондошлари образларини гавдалантирганлиги билан эътиборлидир.

Шароф Рашидов узоқ йиллар раҳбарлик фаолиятида ҳам, ижодий соҳада ҳам доимо меҳнатсевар, оккўнгил, меҳр-оқибатли халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига ишонч билан қаради, эл-юрт равнақи йўлидаги халқ ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Хайрулла ИНАТОВ,
*Жиззах вилояти халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш
институтини доценти, педагогика
фанлари номзоди*

КУРРАИ ЗАМИНГА ТАНИЛГАН ИНСОН

Президентимизнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори воҳамиз аҳлини беҳад кувонтирди. Айни пайтда мамлакатимиз миқёсида мазкур сана олдидан тайёргарлик ва айникса, Жиззах шаҳридаги бунёдкорлик ишлари мисли кўрилмаган даражада олиб борилмоқда. Халқимизнинг асл фарзанди Шароф Рашидов ҳаёти ва жўшқин ижодий фаолияти бугунги китобхонни қизиқтириши табиий. Яқинда П.Бердибеков, Ғ.Қодировлар ҳаммуаллифлигида «Ўзбекистонда таълим ва фан тараққиётига оид илмий-назарий қарашлар» номли мақолалар тўплами нашр этилди. Ушбу тўплам Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тайёрланган бўлиб, унда Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ қимматли маълумотлар, фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Тўпламда Шароф Рашидовнинг сиёсий арбоб сифатидаги фаолиятига кенг ўрин берилган. Унда келтирилишича, у 1949 йилдан 1950 йилгача Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми раиси, собиқ иттифоқ Олий Кенгаши Президиуми раи-

си ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. Ўз ишига бўлган масъулиятни тўғри англаган, вазифасига жиддий киришган раҳбар фидойилиги билан элда хурмат топди. Узоқ йиллар республиканинг биринчи раҳбари сифатида мамлакат иктисодиёти ва маданий ҳаётини юксалтиришга улкан ҳисса қўшди.

Тўпламда Шароф Рашидовнинг ижодий фаолиятига ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Негаки, ҳаммамиз бу табаррук инсоннинг воқеаларга ҳозиржавоб, давр ўзгаришларини тегин идрок этадиган инсон сифатида яхши биламиз. Адибнинг «Ғолиблар» номли биринчи китобида уруш вақти ва урушдан кейинги дастлабки йилларда халқимизнинг кўриқ ерларни ўзлаштиришдаги фидокорона меҳнати қаламга олинган. Бундан ташқари, «Бўрондан кучли» романида ҳам биринчи китобидаги қаҳрамонлар иштирок этади. Бунда туйғулар тўқнашуви, ғоялар ва дунёқарашлар зиддияти янада чуқурлашган. Шунингдек, «Қудратли тўлқин» романи, «Кашмир қўшиғи» қиссаси, «Тарих ҳукми» публицистик мақолалар тўплами, «Дўстлик байроғи» китоби ва яна кўплаб бошқа асарлари ўқувчилар меҳрини қозонди.

Ана шу беназир инсон саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон барча соҳаларида ривожланди. Жаҳоннинг 117 давлати билан халқаро, маданий алоқалар ўрнатилиб, адабиёт, санъат, фан, таълим, туризм, спорт соҳаларида кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Кўплаб декадалар, ҳафталиклар, маданият кунлари ўтказилди. Масалан, Қозоғистон, Польша, Болгария, Венгрия, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Коломбо, Сурия, Ироқ ва бошқа давлатлар билан ўтказилган муҳим маданий тадбирлар орқали давлатлар ҳамда халқлар ўртасида ўзаро бағрикенглик, дўстлик, ҳамкорлик ришталари боғланди. Осиё, Африка ва Ло-

тин Америкаси кино ва санъат усталари иштирокида Тошкентда ўтказилган фестиваллар юртимизнинг маданий-маърифий соҳалардаги нуфузини оширди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида республикамиз Фанлар академияси қошида биоорганик химия, полимерлар физикаси ва химияси институтлари очилиб, «Қуёш» илмий мажмуига пойдевор қўйилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ президенти, академик Обид Содиков таъбири билан айтганда, Шароф Рашидов жуда эътиборли, талабчан раҳбар, йирик давлат ва жамоат арбоби, фанимиз жонкуяри эди. У ўз даврида Ўзбекистон фанининг ривожига карвонбошилиқ қилди. Ўша йиллар республика Фанлар академияси қошида иттифоқдош республикаларнинг фанлар академиялари илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилгани илму фан фидойилари учун қувонарли воқеа бўлган эди. Ш.Рашидовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли республикамизда энергетика, химия, космик тадқиқотлар, математика, физика фанлари кенг кўламда ривожланди. Республикада таркиб топган табиий фанларнинг айрим соҳаларидаги илмий мактаблар муносиб равишда эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистон олимларининг математик статистика, физикавий электроника, ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, механика, сейсмология соҳасидаги ишлари кенг миқёсда машҳур бўлди. Биорганик химия, алкалоидлар ва полимерлар химияси, активация анализи, ярим ўтказгич материаллардаги физик жараёнлар, юксак молекулали ва табиий бирикмалар, тирик материянинг химиявий тузилиши ва хоссалари соҳасида муҳим тадқиқотлар ўтказилди. Техника кибернетикаси ва информация назариясининг, республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг илмий муаммоларини ишлаб чиқишда катта муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон ФА Президиуми қошидаги иттифоқдош

республикалар Фанлар академияларининг илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Тошкентда ўтказилиши барча фан фидойилари учун қувонарли ҳол бўлди. Бир сўз билан айтганда, олимлар неча йиллардан буён нималар устида тадқиқот олиб бораётган бўлсалар, фаннимиз шу йўналишларда тараққий этди.

Фанлар академиясида яна учта муаммога айниқса кўпроқ аҳамият берилади.

Биринчиси – илмий тадқиқотларни автоматлаштириш. Мана шу мақсадларда яратилажак замонавий АБС (автоматик бошқариш системаси) олимларнинг меҳнат унумдорлигини кескин оширади. Барча хил ўлчовларнинг тезкорлиги ортади ва баъзида ғоят мураккаб дастур бўйича берилган топшириқ натижалари шу заҳотиёқ қайта ишланади.

Иккинчи йўналиш – биотехнология. Биологиянинг бу соҳасида назарий тадқиқотлардан ташқари, биологик усулларни технологик жараёнларга татбиқ этиш борасидаги ишлар ҳам амалга оширилди. Биологик технологиянинг кўлами беқиёс даражада кенг бўлиб, турли-туман химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан то бактериялар ёрдамида рудалардан металл ажратиб олишгача бўлган соҳаларда қўлланилмоқда. Мамлакатимиз учун биотехнологиянинг аҳамиятли томони яна шундаки, унинг воситасида доривор моддалар, озиқ-овқат маҳсулотлари олинади.

Ва ниҳоят, **учинчи йўналиш** ҳисоблаш техникаси соҳаси, микро ва миниэлектрон машиналарни яратиш ҳамда улардан фойдаланишни юқори поғонага кўтаришдир. Улар бизнинг ҳаётимизга, нафақат ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқотларга, балки рўзгор ишларини енгиллатиш учун хонадонимизга ҳам кириб келади. Ҳозирги кунга келиб, буларнинг ҳаммаси амалга оширилди.

Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида» (Тошкент: «Фан», – 1992. 38-б.), Виктор Илюхиннинг «Қабоҳат ёхуд ...» («Ўзбекистон» 1993. 147–148-бетлар) китоблари ва бошқа газета саҳифаларида чоп этилган мақолаларни мутолаа қилган киши бу табаррук инсон умрининг ўзига хос жиҳатларини яна бир бор теран англайди. Унинг ўчмас сиймосини яққолроқ кўради ва улуғлайди. Ватан ва халқ манфаати йўлида қилинган ҳалол, самарали меҳнат албатта кадрланишини билиб олади.



Гулноз МАМАРАСУЛОВА

«ПЎЛАТ ОТ» СУВОРИЙСИ

Онамнинг бугунги кунимиздан шукроналик ҳисси-га йўғрилган хотираларини тинглаш менга доим завқ бағишлайди. Онам таъсирли сўзлаши давомида воқеалар ривожини кўз олдимда худди кино ленталаридек ўта бошлайди. Гўё ўша даврга тушиб қолгандек ҳис қиламан ўзимни. Ҳозирги шароитлар билан ер-у осмонча фарқларни санайман. Онамнинг айтишларича, болалик чоғларида аёл қадрини нақадар топталган ва ерга урилган бўлса, мустақиллик шарофати билан яна минг бора кўкларга кўтарилмоқда. Айниқса, онамнинг жонкуяр инсон Шароф Рашидов билан бўлган учрашуви, сўнгра ҳаётида, қарашларида содир бўлган улкан ўзгаришлар тўғрисидаги ҳикояни қайта ва қайта тинглагим келаверади...

* * *

– Аёл киши учун дала ишлари, фермерликни юриштиш ҳазилакам иш эмас. Болалик чоғларимда отам билан бирга далага чиқиб, ёнларида ўтириб тракторни бошқаришни ва шу каби жараёнларни қизиқиш билан кузатар эдим. Вояга етгач, секин-аста ўзим ҳам мустақил равишда баҳайбат машиналарни бошқара бошладим. Аввалига тракторда, кейин эса ғалла ва пахта йигиш комбайнларида ишладим. Ўша давр қарашларига кўра, бу ўзбек аёли учун кутилмаган ҳодиса эди. Аёл киши фақат уйда, хўжалик ишлари ва фарзанд тарбияси билан шуғулланиши лозим деб тушуниларди. Шу боис-

дан менинг худди эркаклар каби машина бошқаришим, улар билан тенгма-тенг меҳнат қилаётганим атрофдагиларга сал ғалати туюларди. Ўша даврнинг руҳияти натижасида, қанчадан-қанча тўсиқлар-у қийинчиликларга дуч келмадим, дейсиз. Аммо иродам мени ҳар хил гапларга қулоқ солиб, ишимни ташлаб қўйишимга йўл бермади. Мен ўзбек аёлининг кўлидан нелар келиши, унинг сабр-тоқати ва матонати метиндек мустаҳкам эканлигини исботлашим зарурлигини ҳис этардим. Бу мени янада руҳлантириб, олға интилишга ундади. Ҳаракатларим бесамар кетмади. Тез орада номим бутун Ўзбекистон бўйлаб ёйилди. Аёл кишининг шундай ишларга қодир эканлигини овоза қилиш учун мамлакатимизнинг турли газета ва журналларидан мухбирлар кела бошлади. Улар менинг иш жараёнларимни кузатиш давомида ҳайратланиб боқишар, суръатларга олишар ва мен билан суҳбат қилиб, мақолалар тайёрлашга ошиқарди.

1979 йилнинг ёзида кунлар айни қизиган, ғалла ўрими вақти эди. Далага давлат раҳбари Шароф Рашидовнинг шахсан ўзлари ташриф буюриш мақсадида йўлга чиққанини хабар қилиб қолишди. Қулоқларимга ишонмадим. «Катта мартабали инсон мендек оддий механизаторни кўришга келса-я», деган таажжублар хаёлимда гир айланарди. Ишониб-ишонмай ташрифни интиқиб кута бошладик.

Ўша пайтларда эндигина йигирма ёшни қаршилаган киз эдим. Белимдан тушиб турадиган узун сочларимни битта қилиб ўриб, устимга ғалла ўриш учун махсус ишчи кийимимни кийиб олдим. Дала шийпонимиз ҳовлисига сувлар сепиб, тартибга келтирдик. Ўзбек урф-одатларига кўра, авваламбор, келган меҳмонга нон синдирилади. Шунинг учун, ўзимизнинг далада етилган буғдойдан тайёрланган тегирмон унидан онам шийпонда иссиққина нонлар ёпиб қўйди. Кун иссиқ. Ший-

пон бўйлаб турли ўт-ўланлар, пишиб етилган буғдой ва иссиқ ноннинг хушбўй иси таралар эди.

Ва ниҳоят интиқиб кутилган меҳмонлар етиб келди. Шароф Рашидовга обком ва райком котиблари, совхоз директори, мухбирлар ва яна бир нечта кишилар ҳамроҳ эди. Шийпон олдида меҳмонлар машинадан тушишлари биланоқ, кўлимда тандирдан янги узилган нон ва қанд-курс солинган патнис билан уларга пешвоз чиқиб, салом бердим. Ўта зийрак ва кузатувчан Шароф Рашидов атрофи зимдан кузатар экан, турфа анвойи гуллар барқ урган боғ, шохларидаги маржондек тери-либ турган меваларни аранг кўтариб турган олма, шафтоли дарахтлари, жилдираб оқаётган ариқ бўйидаги ялпиз-у райҳонларни кўриб, унинг ҳорғин юзи бирданига ёришиб етди. Ноннинг бир бурдасини синдириб, оғзига солгач, шартта патнисни кўлимдан олиб, ҳамроҳларига узатди. У оталарча меҳрибонлик ва самимият билан бошимдан силади.

– Қизим, сочларингиз жуда узун экан-а, баракалла! Аммо комбайн шундай улкан машинаки, эҳтиёт чоралари юзасидан сочни тушириб олган ҳолда уни бошқариб бўлмайди, – деди Шароф Рашидов ғамхўрлик билан.

Мен бироз уялиб, жавоб кайтаришга тортиниб турардим. Шу заҳоти, обком котиби ичимдаги гапни топгандек жонимга ора кирди:

– Зулайҳо бугун сизни кутиб олиш учун сочларини ташлаб чиққан-да. Иш вақтида шундай ўраниб оладики, асло уни таний олмайсиз, – деди ярим ҳазил аралаш.

Меҳмонларнинг юзига ним табассум югурди. Ш.Рашидов яна гапида давом этди:

– Сиз ҳақингизда жуда кўп яхши гаплар эшитдик. Наҳотки, шундай нозик билакли қизимиз баҳайбат бир машинани бошқара олса?! Қани, қизим, маҳоратингизни

бир кўрайлик-чи! — дея кўлимдан ушлаб, комбайнга чиқишимга кўмаклашдилар.

Эпчиллик билан машинага сакраб чиқиб, уни дала ичига ҳайдадим. Айни ғалла ўрими пайти эди. Далада чанг-тўзон кўтарилиб, шиддат билан ғаллани ўришга киришиб кетдим. Шароф Рашидов комбайнни бошқаришим ва ишлаш жараёнини кузатиб турди. Кейин ёнига чорлаб, ҳамма эшитганлари рост эканлигидан мамнунлигини изҳор этиб, менга оқ йўл тилади:

— Раҳмат, кизим! Барака топинг! Отангизга минг раҳмат! Сиздек оқила ва метин иродали фарзандларимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дея кўп эзгу тилаклар билдирди.

Сўзи сўнгида ҳамроҳ бўлиб келганлардан бирига тоншириқ берди:

— Зулайхо қизимга менинг номимдан исмим ёзилган тилла соат тақасизлар! Не-не одамлар эплай олмайди-ган шундай мушкул ва оғир меҳнатни бажараётган бу нозик билакларга аслида бу ҳам кам! Мана шундай бизнинг Тўмарис мисоли ўзбек аёлларимиз ўз ор-номуси, меҳнати ва шижоати билан буюк ишларга қодир эканлигини ҳали кўп исботлашади.

Ўша даврнинг носоғлом муҳитидан, одамларнинг қилаётган ҳаракатларимга нотўғри баҳо беришларидан азият чекиб юрган бир пайтимда Шароф Рашидовнинг оловли тилаклари, аёл зотига юксак ҳурмат-эҳтироми, келажакка ишонч билан дадил боқиши менга катта куч-қувват, илҳом, шижоат бағишлади. Юртимизнинг пахта ва ғалла хирмонига ўзимнинг арзимас бўлса-да ҳиссамни кўшишим учун тинмай меҳнат қилишга ундади. Мамлакат раҳбарининг айнан мени йўқлаб келиши, вақтини аямай бир соат давомида фаолиятимни кузатиши, ўз маслаҳат-у ниятларини юзма-юз туриб изҳор этиши чекка бир қишлоқда яшовчи мендек оддий бир қиз учун улкан шараф-шон, таърифлаб бўлмас бахт эди. Кўзимда қувонч ёшлари қалқиб турарди.

Ҳа! Менинг бошимга бахт куши кўнгани рост эди!

Орадан кўп ўтмай, менга «Ш.Рашидовдан З.Сат-торовага совға» ёзуви туширилган тилла соат такдим этишди. Бу ташрифдан сўнг журналистлар атрофимда янада кўпайиб қолишди. Уйимизга юртимизнинг турли чеккаларидан йўлланган мактублар, шеърий дилнома-лар кела бошлади. Буни карангки, бахтимга тақдирим мана шу ёнимга қатнаётган мухбирларнинг бири билан битилган экан...

Қарийб ўттиз йилдан ошиқ вақт давомида саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Минг шукрки, мустақиллик йилларида ўз фермер хўжали-гимизга асос солиб, пахта ва ғалла режасини давлатга топишириш шартномаларини мунтазам бажардик.

Ўтган умримга шукроналар келтираман. Тангрим менга ҳалол меҳнатларим эвазига елкадош турмуш ўртоқ ва солиҳа фарзандлар ато этди. Балки кимлар-дир бу сонни айтсам, ваҳимага тушар, аммо рости ҳам саккиз нафар қизни тарбиялашнинг ўзи осон иш эмас. Бир аёл, ҳам она, ҳам рафиқа ва яна фермерлик ишларини юритиши шунчаки ўзи-ўзидан бўлиб қолмайдиган ҳолатдир. Бу йўлда қанчадан-қанча машаққатлар, сабр-тоқат ва матонат талаб этилади. Аёл сифатида на-фақат давлат ишини адо этишим, балки мен учун энг муҳим саналган қизларимизнинг тарбияси билан шу-ғулланишим ғоятда зарур эди. Уларга кўп бора ўзим-нинг болалик чоғларим тўғрисида гапириб бераман.

Бизнинг болалик чоғларимизда ёшлар учун ярати-лаётган ҳозирги шарт-шароитлар қайда эди, дейсиз?! Юқорида таъкидлаганимдек, қиз болаларнинг кўча хат-лаб чиқиб, орзу-умидлари йўлида интилишларини оёқ-ости қилишга уринувчилар кўп эди. Аммо мен буларга эътибор қилмадим, шундай кимсаларга аёл зотининг қўлидан кўп ишлар келишини исботлашга интилдим. Бу йўлда эса менга Шароф Рашидов катта мадад берди, сабр-тоқат ва ишончимни янада мустаҳкамлади.

Абдулҳаким Шаръий Жузжоний,
юримик фанлар доктори,
профессор

ШАРОФ РАШИДОВ БИЛАН УЧРАШУВ ИФТИХОРИ



Шароф Рашидов билан учрашув. 1979 йил, 24 март.

Шароф Рашидовни Ўзбекистон тарихида унутил-
мас қолдирган буюк раҳбар деб биламан. Мен би-
нон марта унинг овозини 1959 йили Москва радиоси
дан эшитган эдим. Ўшанда жаҳон тарихида ернинг
қачон сунъий йўлдоши дунё халқларини хайратда
қолдирган кунлар эди.

Шароф Рашидов қандайдир катта бир мажлисда
сухбатдан кейин бу тарихий ҳодисани баён қи-
ладиган сунъий йўлдош тарқатадиган сигнални мажлис
иштирокчиларига эшиттирди. Мажлис бу хушхабарни
қайта тасдиқлаш билан кутиб олди.

Ўшанда мен Кобул универстети шаръиёт факультетининг тўртинчи курсида талаба эдим. Тарихда биринчи сунъий йўлдош фазодан тарқатадиган сигнални биринчи марта бундай катта мажлис иштирокчиларига ва шунингдек, жахон халкига эълон қилган киши катта эътиборга эга, атоқли ва мухтарам киши эканлигидан далолат берарди. Шундай қилиб мен илк бор, собиқ КПСС МҚ сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси биринчи котиби, атоқли ёзувчи ва шоир Шароф Рашидов номи ва овози билан ошно бўлдим.

Ўша вақтлари мен Ўзбекистон сиёсий раҳбарларидан фақат Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва Афғонистонга собиқ совет раҳбарлари (Ворошилов ва Булганин) билан сафар қилган Нуриддин Муҳиддинов ҳақида бир мунча маълумотга эга эдим. Яна бир катта лавозимда иш олиб бораётган ўзбек сиёсий раҳбарини топиб олганимдан кўп қувондим. Бир ўзбек фарзанди сифатида фахрланиб, у кишига нисбатан қалбимда чуқур ҳурмат ва муҳаббат сездим. Унинг ҳаёти билан ошно бўлишга қизиқдим.

Шароф Рашидовнинг мен ўқиган биринчи асари «Кашмир қўшиғи»нинг арабча таржимаси бўлди. Бу кашмир халқининг фольклоридан илҳомланиб ёзилган дoston эзгулик ғояларини тарғиб этувчи бир нафис романтик асар сифатида муаллифнинг сезгир ва латиф руҳидан далолат бериб, унинг севги куйчиси эканлигини англатарди.

Узоқ йиллар давомида Тошкент радиоси орқали Шароф Рашидов овозини эшитиб, у олиб бораётган улкан ишлар билан ошно бўлиб келар эдим. Бир кечаси унинг гўзал асари бўлган «Икки дил достони» спектаклини эшитиш менда чуқур таассурот қолдирди. Рашидов яратган бу асарда Комде, Мудан, Отуб Чатр, наққош ва айниқса сеҳрли танбур образларининг ҳар бири

қандайдир ўзига хос жозибаси билан мени ўзига тортиб, руҳимни эгаллаб олди.

Менда «Икки дил достони»нинг асл матнини ўқиш ва таржима қилиб нашр этиш фикри пайдо бўлди. Лекин бу орзуга эришиш учун ҳеч бир восита тополмас эдим. Чунки бизда Ўзбекистон билан ҳеч қандай маданий алоқа йўқ эди.

Мен ўша замонгача Ўзбекистоннинг машҳур шоираси Зулфияхонимнинг бир қисқа танланган асаридан бошқа ўзбек тилида (албатта кирилл ёзувида) биронта китоб ва ё рисола ўқимагандим. Биринчи бор кирилл ёзувини ҳам ушбу китобча орқали ўрганиб олган эдим.

Анча вақтдан сўнг дўстларимдан бири М.Ёқуб Воҳидий манбашунослик соҳасида ўқиш учун Ўзбекистонга бориб, номзодлик диссертациясини ёклашга муваффақ бўлди. У илтимосимга биноан «Икки дил достони» китобини топиб менга юборди.

Асарни неча марта кунт билан ўқиб чиқдим. Уни Шароф Рашидов Мирзо Абдулқодир Бедилнинг «Комде ва Мудан» достони асосида яратган ва Бедил бу достонни Ҳиндистон халқи фольклоридан олган экан. Шунинг учун Мирзо Бедилнинг «Ирфон» маснавийсида ушбу достонни топиб, унинг мазмунини бевосита ўрганиб чиқдим.

Шароф Рашидов ўз асарининг ҳар фасли бошида эпиграф қилиб таржимасини берган байтларни ҳам ўзбекча таржимаси билан таққослаб кўрдим ва баъзи ерларда Рашидов ўз шеърларидан қўшган байтларни дарий тилига таржима қилдим. Шундай қилиб «Икки дил достони»ни дарийга таржима қилишни бошладим.

Шароф Рашидовнинг таржимаи ҳолини ёзиш учун ҳам ҳеч қандай манба йўқ эди. Бу мушкулни ҳам Ўзбекистонга олий таълим олиш учун келган дўстлар ёрдамида ҳал қилишга муваффақ бўлиб, керакли манбаларни, шунингдек, муаллифнинг бир суратини қўлга киритдим.

«Икки дил достони»нинг дарий тилига таржимасини Рашидов таржимаи ҳоли ва сурати билан «Жвандун» (ҳаёт) мажалласида нашр этиш баъзи бир «сиёсий» қийинчиликларга дуч келса ҳам, матбуотдаги нуфузли ўртоқлар ёрдами билан «Унгут» (шаҳримизда нефть топилган тоғнинг оти), «Мустаор» таҳаллуслари билан нашр этишга муваффақ бўлдик. Асар мажалланинг 51-сонидан (1974 йили март ойидан) чиқа бошлаб, охиригача нашр этилди ва ўқувчилар (хонандалар) диққатини ўзига жалб этди. Ундан кейин Афғонистон радиоси орқали спектакль шаклида ҳам эфирга чиқди.

Таржима учун ёзилган муқаддимада Шароф Рашидовнинг таржимаи ҳоли берилиб, «Икки дил достони» ҳақида қисқача ҳикоя қилинганди.

Ундан кейин неча йиллар жараёнида Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», «Кудратли тўлқин», «Ғолиблар» номи билан ёзган асарлари, публицистик мақолалари ва шеърлар тўпламлари билан ошно бўлиб, улардан Афғонистон шароитига мувофиқ келадиганларини таржима қилиш фикрида эдим.

1978 йили апрель ўзгариши юз бериб, Афғонистон демократик жумҳурияти қурилди. Ўша йилнинг охири кунларида Афғонистон халқ демократик партиясига аъзолик билети топширилган намунага мувофиқ босилишини кўздан кечириб, унда йўл қўйилган хатоларни тузатиш мақсадида, собиқ КПСС МҚ даъватига биноан АХДП Марказий қўмитасининг аъзоси сифатида бир ҳайъат билан Москвага келдик. Ундан қайтишда икки ҳафтадан ортиқроқ Ўзбекистонда қолдик. Ўшанда мен Афғонистон Адлия вазири, бош прокурори ва айни пайтда Олий суд раиси вазифасини бажарувчиси лавозимларида ишлардим. Биз Ўзбекистон моддий ва маънавий ҳаёти билан бир мунча ошно бўлдик. Тузилган дастур асосида бизларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва Навоий шаҳарларини, бу ерлардаги

танкилотлар ва баъзи бир колхозларни кўрсатишди. Ҳайъатимизга Москвадан қўшилиб келган Шпилиной номли бир кишидан бошқа Ўзбекистон компартияси ходимларидан хурматли дўстимиз Ў.А.Рустамов, Инқилоб Юсупова ва Қориевлар мезбон эдилар...

Москвалик мезбон бор пайтларда суҳбатлар рус тилида ва таржимаси пушту тилида олиб бориларди (бизлар беш киши эдик – мен ўзбек, иккита тожик ва иккита пуштун). Москвалик мезбон хузурида бирор миллатдошимиз билан ўз тилимизда сўзлашсак, улар матлабнинг кичик ё содда бўлишига қарамасдан уни рус тилига таржима қилишга мажбур эдилар.

Илму адаб ахлидан мен фақат марҳум академик Воҳид Зоҳидов билан учрашдим. Шунингдек, олий суд раиси Муҳиддинова ва Ўзбекистон Республикаси прокурори Бўрихўжаев билан мулоқотда бўлиб, ҳуқук ва қонун соҳасида суҳбатлашдик. Мен ўшанда собиқ Совет Иттифоқи, жумладан, Ўзбекистон Республикасида казо (суд) мустақилликка эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, таажжубда қолдим.

Мен Москва сафари жараёнида муҳтарам Шароф Рашидов билан учрашиш учун илтимос билдирганимда, буни Тошкентнинг ўзи ҳал қилади, деб жавоб беришганди. Бу илтимос билан биргаликда «Икки дил достони» асосида яратилган бадиий фильмни кўриш истагини ҳам билдирдим. Кечаси бадиий фильмни ўзбек тилида кўриб хурсанд бўлдик.

Бизга «Эрталаб сизларни мулоқот учун Шароф Рашидов қабул қиладилар» деб айтишди. 1979 йил март ойининг 24-куни соат ўнларда ўртоқ Шароф Рашидов ўз қабулхонасида бизларни кутиб олди.

Мулоқот расмий фазода бошланди. Ўртоқ Рашидов бизлардан ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда Ўзбекистон ютуқлари, шунингдек, келажакда мамлакатда тарақ-

киёт учун назарда тутилган режалар борасида маълумот бериб, бу гуллаб-яшнаб турган ўлканинг порлок келажаги ҳақида ўзининг қатъий ишончини билдирди.

У киши Ўзбекистон борасида қувонч ва ҳаяжонга, фахрга тўлиб сўзларди. Ўзбекистондаги инсоний ва моддий имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш бу ўлкани кутилмаган тараққиёт босқичларидан ўтказиб, жаҳоннинг энг такомиллашган мамлакатлари қаторидан ўрин олишга муваффақ қилади, деди.

Шароф Рашидов Афғонистон билан Ўзбекистон халқлари орасидаги тарихий дўстона муносабатга ишора қилиб, бу дўстлик келажаги тўғрисида ўз эзгу ниятларини билдирди.

Мен бўлса АХДП МҚнинг биринчи котиби ва Афғонистон демократик жумҳурияси Президенти Нурмухаммад Таракийнинг саломларини тақдим этдим, сўнгра, Ўзбекистон сафари ҳайъатимизда қандай яхши таассуротлар қолдиргани ҳақида гапириб, ўзбек халқи ва Ўзбекистон давлатининг меҳмоннавозлигига ташаккур билдирдим. Мен талабалик чоғимдан бошлаб у кишига нисбатан ихлос ва муҳаббатим борлигидан, шунингдек, у киши яратган асарлар борасида қисқача қилиб ўз фикр ва мулоҳазаларимни баён этдим. Неча йиллар муқаддам Ойбекнинг «Навоий» номли романи, Ш.Шомухаммедовнинг «Амир Хусрав Деҳлавий» китоби ва бир неча ўзбек афғоншунослари С.Ҳ.Ғаниев, Абаева, Ориф Усмонов ва А.Маннонов асарларидан ташқари, у кишининг «Икки дил достони»ни дариё тилига таржима қилиб, «Жвандун» мажалласида чоп қилдирганимни, ундан кейин Афғонистон радиосида унинг спектакль шаклида эшиттирилганини айтдим. Ва наққош дўстим (Карим Раҳимий) «Икки дил достони» учун ишлаган етгита миниатюралар билан кўшиб китоб шаклида чоп қилиш иродам борлигини билдирдим.

Шароф Рашидов хурсанд бўлиб кетди. «Менинг энг яхши кўрадиган асаримни таржима қилган экансиз», – деб мамнуният билдирди ва менинг илтимосимга кўра Марказий қўмита ходимларидан бири ўртоқ Раҳимовга тўлароқ таржимаи ҳоли ва баъзи бир суратларни тайёрлаб бериш учун ҳидоят берди.

Суҳбат расман рус тилида олиб борилса ҳам, мен баъзан протоколни бузиб ўзбекча савол берардим. У киши ўзбекча жавоб бериб, сўнгра ҳайъат бошқа аъзолари ва москвалик мезбонни назарда тутиб, русча суҳбат қиларди. Суҳбат жараёнида сўрадим: «Шароф ака, сиз бутун иттифоқ ва Ўзбекистон бўйича буюк вазифаларни бажариш билан шуғулланасиз. Мен баъзан кўпқиррали бу ишлар, сизни кеча-кундуз ўзига машғул қилиб, ижодий ишларингиз учун ўрин қолдирмаса керак деб ўйлайман. Сўрамоқчи бўлганим, ижодий ишларингиз учун қандай вақт топасиз?»

Шароф Рашидов кулимсираб жавоб берди:

– Саволингиз тўғри. Лекин ҳаётнинг оғир тажрибалари мени интизомга ўргатган.

Рашидов бу тажрибалар борасида маълумот бераркан, Улуғ Ватан урушида у мансуб бўлган ҳарбий қисмдан бир дўсти билан фақат унинг ўзи тирик қолиб, бошқалари ҳалок бўлганидан, ундан кейин оғир аҳвол ва чидаб бўлмайдиган шароитни бошдан кечириб ҳарбий фаолиятни давом эттиргани ҳақида сўзлаб суҳбатни давом берди:

– Мен ҳар куни соат 6 да туриб, соат 8 гача фақат ўз ижодий ишларим билан шуғулланаман. Сиз айтиб ўтган асарлар ва бошқа адабий-ижодий ишлар ҳар куни фақат мана шу икки соат ижодий меҳнат натижасидир. Бу режимни ҳеч қачон бузмаганман...

Ўша йили бир шеърим «Ўзбекистон маданияти» ва «Правда Востока»да босилиб чиққан эди. Унга таҳририят томонидан бир неча мисраларга ўзгарти-

риш киргизилиб, ҳам шакл, ҳам мазмун ва ҳам бадиий жиҳатдан путур етказилган эди. Бу ҳақда мен ўртоқ Баҳодир Абдураззоқов билан сўзлашган эдим (У киши Кобулдаги собиқ совет элчихонасида катта бир лавозимда ишлар эди). Шу сабабли бўлса керак, ўртоқ Шароф Рашидов суҳбат чоғида мени кўп шеър ижод этишга ташвиқ этиб бундай деди:

– Ўзбекистоннинг бутун матбуоти сизнинг шеър ва мақолаларингизни чоп этиш учун тайёр. Иложи бори-ча кўп ёзиш керак. Сизнинг шеърларингиз таҳирисиз нашр этилади.

Менга кўрсатилган ушбу лутфу муҳаббатдан мамнун бўлганимни изҳор этиб, чин кўнгилдан ташаккурлар билдирдим ва бу ташвиқ келажақда менинг ижодий ишларим учун бир туртки бўлгусидир, дедим.

Учрашув сўнгида Шароф Рашидов чиройли саккиз киррали кутига солинган, бир юзи Афғонистон Президентининг портрети билан безатилиб, дўстона сўзлар ёзилган каттагина чинни гулдонни совға ўрнида менга топшириб, Афғонистон жумхур раисига икки ўлка дўстлигининг рамзи сифатида ўз қўлим билан топширимни сўради.

Учрашув жараёнида, шунингдек, хайрлашув чоғида эсдалик суратлар олинди. Шароф Рашидов ниҳоят улуғворлик ва камтарлигидан бизларни қабулхона бўсағасида туриб кузатди. Учрашув хабари кечаси муфассал шаклда Ўзбекистон телевидениесида эълон қилинди.

Бу мулоқотдан 39 йил ўтади. Бу муддат ичида мен ҳеч қачон бу улуғвор инсонни унутган эмасман. Ундан қолган ёдгорлик тасвирлари менинг учун унутилмас хотиралар бўлиб қолаверади.

Шароф Рашидов сиймосида ҳақиқий инсонни кўриш мумкин эди. Унинг ҳар бир сўзида, ҳаракат ва қарашларида она Ватани – Ўзбекистонга, ўзбекларга ва бутун инсон ва инсониятга бўлган меҳри, муҳаббати

тўлқинланиб турарди. Табиий камтарлик, ҳар қандай сунъийликдан узоқ бўлган самимийлик, фан, адабиёт ва санъатга шайдолик ҳамда бошқа инсоний фазилатлар, ҳар бир одамда у кишига нисбатан муҳаббат ва ҳурмат туйғусини уйғотарди.

1979 йилнинг 27 декабрида собиқ Совет Иттифоқи Армияси Афғонистонга кириши билан 80 дан кўпроқ жаҳон давлатлари томонидан расман тан олинган қонуний давлат ағдариб ташланди. Давлат ва партия раҳбарлари қамоққа олинди. Менинг тақдирим ҳам улар билан қўшилган эди. Ўшанда мен партия сиёсий бюро аъзолигига ҳам сайлангандим.

Турмадан бир коғоз ёзиб, ҳамшаҳрим бўлган аскар орқали яширин, катта ўғлим Ҳумоюн Жузжонийга юбордим. Бу хатда янги босилиб чиққан «Яшасин партия» номли ўзбекча шеърларим мажмуасини Шароф Рашидовга тақдим этиб, охирида «Пуличархий» турмасидан деб имзо чекдим. Бу китоб элчихона ходимларидан бўлган ўзбек бир дўстим орқали у кишига етказилган эди. 7 йил ва 3 ойдан сўнг турмадан чиққанимдан кейин, аниқ бўлдики, Шароф Рашидов ўша вақт Афғонистон жамхурайиси билан гуноҳсиз турмага тушганим борасида сўзлашиб, ундан мени турмадан озод қилишни илтимос қилган эканлар, аммо Президент асоссиз далилларга биноан бу талабни бажармаслигини билдирган экан. То ҳаёт эканман, ушбу инсоний ёрдам ва улугвор муҳаббатни унутмайман.

Шароф Рашидов Афғонистон халқининг дўсти сифатида ўлкамизга турли соҳаларда ёрдам кўрсатди. «Нанграҳор» вилоятида «Дарунта» сув омбори ва суғориш канали қурилиши билан, ўттиз минг гектар ердан иборат бўлган цитрус мевалар етиштирадиган фермалар вужудга келди. Бу ерларни суғориш учун экилган кўчатларни самарали парваришлаш ишлари йиллар давомида, жазирама офтобда ўзбек мутахассисларининг

тўхтовсиз меҳнати ва билимдонлиги туфайли амалга оширилди. «Дарунта» канали ва сув омбори, ям-яшил боғлар билан бирга жазирама чўллари беҳишт боғига айлантириб, Жалолободнинг чидаб бўлмас экологиясини мўътадил ҳолатга келтирди ва «Дарунта» электростанцияси бутун шаҳар ва шаҳар атрофини электр энергияси билан таъминлади. Бу катта иншоотлар туфайли Жалолободда зайтун фермалари ва унинг консерва заводи вужудга келди.

Шароф Рашидов ташаббуси билан Кобулда ижтимоий фанлар институтининг гўзал ва улкан биноси ўзбек меъморчилиги асосида қурилиб, Афғонистон халқига совға қилинди. Бу чиройли уч қаватли бино, учта катта ётоқхона, катта дарсхоналар, гўзал замонавий аппаратлар билан жиҳозланган кенг илмий конференция зали ва турли аудиториялардан иборат бўлиб, Ўзбекистон рангли мрамор тошлари билан безатилган.

Тарихда биринчи марта Амударё икки қирғоғини бир-бирига улкан дўстлик кўприги (Ҳайратон кўприги) ҳам Шароф Рашидовнинг ташаббуси ва эътибори орқали бунёд этилди.

Дўстлик рамзи бўлган кўприк очилиш маросимида Шароф ака шахсан ўзлари иштирок қилиб, Афғонистон халқи томонидан кўп ҳурмат ва эъзоз билан кутиб олинди.

Шунингдек, бизнинг ўлкамиз Афғонистонда бошқа кўп соҳалар, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳалари, Ўзбекистон ишбилармонларининг илму тажрибаларидан кенг қўламда баҳраманд бўлиб келган.

Мен 1991 йил август ойида Ўзбекистонга сафар қилган эдим. Сафар жараёнида Шароф Рашидовнинг рафиқалари Хурсандой Ғафуровна, қизлари, кимё фанлари доктори Сайёра Шарофовна, Дилором Шарофовна ва бошқа оила аъзолари билан учрашиб, у кишининг яқинлари билан ошно бўлдим.

Сафар самараси сифатида «Ўзбекистони мустақил дар масери инкишоф» («Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлида») сарлавҳали катта бир мақола ёзган эдим. Мақола керакли суратлар билан бирга 1991 йили январь ойининг биринчисидан бошлаб «Ҳивод» (Ватан) рўзномасининг 6 сонидан нашр бўлди.

Мақолада Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарларидан Файзулла Хўжаев, Шароф Рашидов ва мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, ҳурматли Ислоҳ Каримов ҳақларида муфассал маълумотлар берилган. Мақоланинг иккинчи қисмида Шароф Рашидов ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «...Менимча, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалиги тараққиёти, сугориш системасининг такомиллашуви, улкан саройлар, юксак бинолар ва метрополитен қуриш, кўҳна Тошкентни замонавий ва гўзал шаҳарга айлантириш, янги вилоятлар ташкил этиш ва турли саноат тармоқлари тараққиётини таъминлаш унинг номи билан абадий чамбарчас боғланиб қолади».

Шароф Рашидов иқтидорли шоир ва ёзувчи бўлганлиги учун, маданият негизларини ижод этиш, илму фан соҳаларини кенгайтириш ва миллий кадрларни тарбиялаш йўлида катта ва унутилмас хизматлар қилди.

Мен Шароф Рашидов оламдан ўтганида турмада хабар топиб, ниҳоятда ғамгин бўлдим. Узоқдан туриб у кишининг пок руҳига дуо ўқиб, дўстларимга унинг илмий, адабий ва сиёсий шахсияти борасида гапириб бердим.

У кишининг вафотларидан сал ўтмай туриб, «ўзбек иши» ва «пахта иши» баҳонасида Шароф Рашидов шахсига қарши бошланган мурувватсиз ҳужумлар, айниқса, ўзбек халқи учун мўътабар бўлган ул зотнинг жасадини кўмилган ўрнидан чиқариб, бошқа ерга дафн қилиш ҳодисаси менинг юрагимни қонга тўлдирди. Бу аламларни ўз Ватанининг ҳақиқий фарзанди бўл-

ган инсонга нисбатан маданий ва ахлоқий меъёрларга зид деб билдим.

Бу ҳатти-ҳаракатлар менинг у кишига бўлган ихлос ва ҳурматимни заррача камайтиргани йўқ. Чунки мен Шароф Рашидовнинг ўзи билангина эмас, балки унинг юксак руҳи, буюк шахсияти ва инсоний меҳру муҳаббатга тўла қалби билан ҳам ошно бўлган эдим. Менинг бу ишончим унинг жозибали инсонийлигидан, ўз ватанига ва ўз халқига нисбатан чексиз севгисидан ҳосил бўлган эди. У кишининг руҳлари ҳеч қачон нораво сўзларга, ўринсиз тўхматларга сазовор эмас эди. Ўзбеклар қачондир ўз фарзандларини оқлашлари, ёқлашларига ишонардим.

Турмадан чиққанимдан кейин Шароф Рашидов билан бирга тушган суратлардан бирини катта қилдириб, хонамнинг кўзга тушадиган ерига осиб қўйдим. Фирқадаги баъзи дўстларим у киши хусусидаги нотўғри ахборотларга ишониб менга қаршилик кўрсатсалар ҳам, ўз фикримдан қайтмадим ва охир бир куни ҳақ ўз ўрнида қарор топишига имоним комил эканини айтдим.

Замон ўтиши билан ҳақиқат юзидан парда кўтарилди. Шароф Рашидовнинг нуруний сиймосини қамраб олган қора бўҳтон булутлари бирин-кетин йўқолиб кетди. Ҳақиқат ҳеч қачон ўзидан ўзи юз кўрсатмайди. Уни ҳамisha ҳақиқат ҳомийлари, адолат соқчилари авайлаб, ҳимоя қилиб келади.

Мен бу ерда Ўзбекистон биринчи Президенти ҳурматли Ислом Каримовнинг жасоратли ташаббуси ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Кўп муддат давомида Шароф Рашидовга қарши олиб борилиб жаҳон миқёсида кенг тарқатилган бўҳтонларга кескин қарши туриб, ҳақиқатни ёқлаш ва Шароф Рашидовга ҳавола қилинган тўхматлар асоссиз деб партия қурултойи ва Ўзбекистон Олий Кенгаши минбарларидан жиддий ва қатъий гапириш, ҳақиқатни тиклаш ва ҳақни ҳимоя қилиш йўлида кўтарилган мардона бир қадам эди. Шу-

нинг учун ҳам халқ ушбу жасоратни қадрлади ва унга доир тадбирларни қўллаб-қувватлади.

Хурматли Ислом Каримов Шароф Рашидовни фақат оқлаш билангина чекланиб қолмай, унга ҳавола қилинган тухматларга боғлиқ бўлган бошқа кўп масалаларни ҳам қайтадан кўриб чиқиш ҳақида фармойиш берди.

Хайрли бу ҳаракатдан ташқари ноҳиялар, кўчалар, завод ва хўжаликларга Шароф Рашидов номини бериш, радио-телевидение ва матбуот орқали унинг ҳақида эшиттиришлар кўрсатиш ва мақолалар бериб бориш, у киши таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш маросими учун кенг тайёргарлик кўриш унинг тўғрисидаги ушбу инсоний ва одилона сиёсатнинг ўқ илдизи ҳисобланади.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессияларидан бирида Ислом Каримов бундай деган эдилар: «...биз Шароф Рашидов учун ҳайкал ўрнатамиз».

Агар сўзларимизни қисқача қилиб яқунлайдиган бўлсак, Шароф Рашидовни асоссиз қоралаш, устидан тухмат мағзаваларини сочиш мустабидлик даврининг белгиси бўлса, уни оқлаб ҳақиқий сиймосини кўрсатиш мустақиллик даврининг нишонасидир. Мен ишонманки, Шароф Рашидов ўзбек халқининг ҳақиқий фарзанди ва содиқ раҳбари сифатида ўзидан қолдирган буюк моддий ва маънавий ёдгорликлар ҳамда унутилмас хизматлари билан ҳар бир ўзбек қалбида абадий яшаб қолади ва ўлка тарихи осмонида мангу, барҳаёт сиймо бўлиб порлаб туради.

Соҳибқирон Амир Темур қурган Оксарой айвонида қуйидаги арабча шеър ёзилган:

*Инна осорано тадаллу алайно,
Фанзуру баъдано илалосори.*

Яъни:

*Асарларимиз биздан далолат беради,
Биздан сўнг асарларимизга боқинг!*

Миракмал МИРАЛИМОВ

ШИФОКОР НИГОҲИДА

Ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк инсонларга дуч келиши мумкин. Улар оламшумул кашфиёт соҳиби, Оппенгеймер мисоли даҳшатлар сабабчиси, мисли кўрилмаган миллиардлар вориси, энг юқори рутбадаги амал эгаси бўлиши шарт эмас. Оддий, самимий, инсоний фазилатлари, ибратлари, эзгуликлари билан бир умр хотирангда муҳрланиб қоладиган, нималари биландир сенинг идеалингга айланишга улгурадиган инсонлар бўлиши мумкин. У оддий ўқитувчи, чўпон, диншунос, ёмон кўзлардан асрасин дея сенга беғараз тилак билдирган нурли бир отахон бўлиши мумкин.

Ким бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири – бир дунё. Агар «бутун ҳаётим давомида шундай инсонларга рўбарў бўлмадим», деб ўйласанг – сен ниҳоятда ғариб ҳаёт кечирдим, деб ҳисоблайвер. Зеро, бундай инсонлар дунёда кўп, улар борлиги учун ҳам дунё бардавом турибди.

Субҳонкул Орипов узоқ йиллар Ўзбекистон раҳбари Ш.Р.Рашидовнинг шахсий даволовчи врач, Тўртинчи бош бошқарма бошлиғи, Соғлиқни сақлаш вазири, Самарқанд медицина институтининг ректори ва бошқа раҳбарлик лавозимларида ишлаган шахс. У киши билан кўп марта ҳамсуҳбат бўлганман. Ҳали-ҳануз эслаб, қувониб юраман. Катта акам у кишини устоз деб эъзозлар, ҳар гал йўқлаганларида мени ҳам албатта ҳамроҳ қилардилар.

Кунларнинг бирида акам билан Бешёғоч даҳасидаги кўп қаватли уйларнинг бирига бордик. Хонадон эшигини соч-соқоллари оппоқ, кўлида қандайдир газета, кўзойнаги пешонасига кўтарилган одам очди. Бу киши Субҳонкул Орипов эдилар. Мен хайрон бўлиб қолдим. Чунки сўнгги лаҳзаларгача акам кимникига кетаётганимизни айтмагандилар.

Узоқ суҳбатлашдик. Назаримда, Субҳонкул Орипов билмаган соҳанинг ўзи йўқ эди. Исталган масалага муносабати мени таажжубга соларди. Суҳбат асносида шунга амин бўлдимки, у қайсидир фикри, гапи кимгадир ёқишига ҳаракат қилмас, ҳамма нарсани борича, ҳеч истиҳоласиз баён қиларди. «Менинг билишимча, шундай, агар нотўғри айтаётган бўлсам эътирозингизни билдиринг, шундай қила олсангиз, сизга раҳмат айтишга ваъда бераман». Субҳонкул ака бироз таажжубланаётганимизни ҳис этса, гапини шундай деб тугатарди.

– Мени Самарқанд вилояти ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига тавсия қилишди, – дея ҳикоясини давом эттирди С.Орипов. – Шу муносабат билан 1971 йилнинг 22 февраль куни Шароф Рашидович қабулига келдим. Бу бизнинг иккинчи учрашувимиз эди. Бундан аввал вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасига мудир этиб тайинланаётганимда суҳбатлашган эдик. Шароф ака мени негадир эски танишлардек, ҳар куни гаплашиб юрадиган кишисидек қабул қилдилар. Узоқ суҳбатлашдик. Сўнг дабдурустдан: «Субҳонкул Орипович, агар сизни соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этсам, нима дейсиз?» – деб қолди Шароф ака. Мен бироз эсанкираб турдим-да, сўнг ўзимни босиб:

– Шароф Рашидович, онам жуда бетоблар, ҳар куни алоҳида қаров керак, уларга ўзим қарамасам, кўнглим

жойига тушмайди. Оиламиз ҳам каттагина, аммо мендан бўлак қарайдиган одам йўқ. Таклифингизни рад этиш менга осон эмас. Лекин вилоят раҳбарига ҳам суҳбатдан қайтгач, жону дилим билан ёрдам бераман, деб ваъда қилгандим. Бугун, дабдурустдан биргина ўзимни ўйлаб, оиламни қаровсиз, ёлғиз қолдириб, ваъдани ҳам четга суриб, Тошкентда қолиб кетишим тўғри бўлармикан...

Шароф ака майин жилмайганча, менга узоқ тикилиб, жим турдилар. Бошларини бироз эгиб, фикримни ўқидиларми, билмайман, жилмайганча яна дабдурустдан:

– Майли, ҳозирча Самарқандда ишлайверинг, кейинчалик кўрамиз, – дедиларда мени янги лавозим билан табрикладилар.

Шу воқеадан сўнг бир йилдан ортиқроқ вақт ўтиб, яна шу қабулхонада бўлишимни сира ўйламаган эдим.

1972 йилнинг 3 март куни Тошкентга хизмат сафари билан келиб, «Тошкент» меҳмонхонасига жойлашдим. 4 март эрта саҳарда хонамга телефон қилиб, соат 12.00 да Марказқўмга, Шароф Рашидов қабулига келишим кераклигини уқтиришди. Айтилган вақтда Марказқўмга етиб келдим. Мени Рашидов хонасига олиб киришди.

– Салом, Субҳонқул, – Шароф ака мени эски танишлардек очиқ чеҳра билан қарши олдилар. – Вилоятда ишлар жойидами? Болалар, уйлар тинчми? Онахон тузалиб кетдиларми?

Мен ҳаммаси жойида эканлигини айтиб, миннатдорчилик билдирдим. Шу пайт О.У.Салимов қандайдир папкани Шароф Рашидовичга узатди. У киши папкани олмай, жилмайдилар-да:

– Мен бу папкадаги маълумотлар билан бир йилдан бери танишман. Шунинг учун биратўла мақсадга кўча қолайлик, – деб менга тикилдилар. Шундагина бу папка

менга тааллуқли маълумотлар жамланган йиғмажилд эканлигини англадим.

– Субҳонқул, биз маслаҳатлашиб, бир қарорға келиб қўйдик: республика раҳбар ходимлари ва улар оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш вазифасини сизга ишониб топширсак, нима дейсиз?!

Аввалига гап нима ҳақида кетаётганини тушунмадим. Шароф Рашидович буни англадилар чоғи, гапга аниқлик киритдилар:

– Биз сизни Тўртинчи бош бошқарма бошлиғи – Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари этиб тайинламоқчимиз. Бир йил аввал соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари бўлишни таклиф қилган эдим. Сиз Самарқандда ишлаш истагини билдирдингиз. Мен ўшанда: «нега Тошкентдаги шундай катта амалдан воз кечиб, вилоятга талпинаяпти?» – деб ҳайратлангандим. Шундан сўнг эринмай бир йил давомида сизни кузатдим ва ўзимча бир хулосага келдим: ҳар хил майдачуйда мансабпарастликдан, ғийбату фитналардан юқорироқ инсон экансиз. Мен тавсия қилаётган лавозим жуда нозик жой. Сизни бу лавозимга ҳеч ким тавсия қилгани йўқ. Ўзим танладим. Энди Тошкентга қайтасиз. Тўртинчи бош бошқарма – бу мустақил иш. У Соғлиқни сақлаш вазирлигидан бутунлай холи, лекин анча ночор ташкилот. Тўғриси айтганда, уни яратишингизга, оёққа турғазингизга тўғри келади, биз ҳаммамиз четда, томошабиндек турмаймиз, ёрдам берамиз.

Мен Шароф Рашидовични диққат билан тингладимда, жавоб ўрнида:

– Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, жавобини 2–3 кундан кейин айтсам бўладими, – деб сўрадим.

Саркотиб каҳкаха уриб кулиб юборди.

– Республика раҳбарияти Сизнинг ўрнингизга ҳаммасини ҳал қилиб қўйган. Ёки раҳбарият қарорига қаршимисиз?!

Шароф Рашидович ярим ҳазил, ярим чин оҳангда гапириб, менга жилмайиб қарадилар. Мен ҳам шу руҳда:

– Шароф Рашидович, раҳбарият нимани хоҳласа, шу бўлади-да! – дедим.

– Мана бу бошқа гап!..

Масала ҳал бўлгач, мен ўша куниёқ Самарқандга жўнаб кетдим.

9 март куни Тошкентга қайтиб, тўғри Рашидов хонасига кирганимда, у киши ҳали телефондан бўшаманганди. Гапни тугатмай, қўл билан ўтиришимга ишора қилди. Мен стулга чўкиб, унинг гаплашиб бўлишини кутиб турдим. Саломлашдик. Бироздан сўнг Ш.Рашидов менга юзланди.

– Биз Сочида қурилиш бошлаш учун яхши хушманзара жойдан ер олдик. Мен ўзим у ерда бўлдим ва вилоят раҳбари Медуновга шаҳар марказидан ва денгизга яқин жойдан участка ажратгани учун унга ҳозир телефонда ҳам миннатдорчилик билдирдим. Сиз дарҳол участкани юридик томондан рўйхатдан ўтказишингиз ва қурилишни бошлашингиз керак. Менимча, бу йилги қурилиш режасига 1 млн. сўм ажратилган. Қримда, Кисловодскда нималар қилиш кераклигини жойига бориб кўринг. Санаторийларни, айниқса Қримдаги санаторийларни кенгайтириш зарур. Ўзбек халқи ниҳоятда заҳматқаш, республика аҳолиси жуда оғир шароитларда меҳнат қилмоқда. Биз раҳбар ходимлар билан тенг равишда колхозчилар ва ишчиларнинг дам олиши учун шарт-шароитлар яратишимиз керак. Аслида бу халқ бундан-да ўқтам жойларда дам олишга ҳақли...

Мен шифокор бўлганим ёки шу соҳага мени масъул этиб тайинлаётгани сабабими, ўзбек халқининг саломатлиги ҳақида, айрим хасталиклар аҳоли ўртасида йил сайин кўпайиб бораётгани, айниқса жафоқаш ўзбек аёлларининг оғир туриш-турмуши ҳақида Шароф

Рашидович узок, куюниб гапирди. Шу орада Россиянинг у ёки бу ўлкасига телефон килиб, худди ўзи учун томорқа кураётгандек ёрдам сўради, рус дўстларини ишга солди. Бу инсон билан бўлган ана шу мулоқот у ҳақидаги фикрларимни тамомила ўзгартириб юборди. Ўз халқи ҳақида бамисоли онаизорига қарагандек қайгуриш, унинг дарди, машаққати, ташвишларини ўзиникидек ҳис қилиш учун катта амалдор – раҳбар бўлишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун ҳассос инсон, катта қалб, иймон эгаси бўлиш керак эди. Шароф ака эса халқнинг машаққатли меҳнати ҳақида қайғуриб гапирганда бу изтироблар қалбидан ўтаётганлигини унинг юз қиёфаси «азобланиб» ўзгаришидан пайқаш қийин эмасди.

Шу воқеа сабаб бу инсон сиймоси хотирамда бутун умр сақланиб қолди...



Вали ҚАҲҲОРОВ,
меҳнат фахрийси

ХОТИРАМНИНГ ЭНГ ЁРУҒ САҲИФАЛАРИ

1. Шароф Рашидовга мактуб

Ўтган асрнинг 60-йилларида, Узоқ Шарқнинг Тинч океани соҳилларига якин ҳудудида ҳарбий хизматни ўтаганман. Ёшликнинг энг ширин ва қувноқ дамлари, хизматнинг иккинчи йили – биз, аскарлар ўзимизни анча эркин тутадиган, атрофда юз бераётган воқеа ва янгиликларга диққат-эътибор билан қарайдиган дамларимиз экан. Бирор юртдош, хизматдошимиз зарурият туфайли уйга – таътилга борадиган бўлса, китоб олдиртирар ёки уйга мактуб йўллаганимизда, «Мабодо жўнатма (посилка) қилмоқчи бўлсангизлар, албатта янги чиққан китоблардан ҳам жўнатинглар», деб ёзардик. Хизмат жойимиз темир йўл орқали Ўзбекистондан 9 минг километр олида, вақт минтақасида ҳам шунга яраша фарқ бор. Қуёшни биринчи қарши оладиган Япония мамлакатига океан орқали икки соатда борса бўларди. 1965 йил баҳорида уйдан жўнатма олдик. Дарҳол китоб борлигини кўриб, хурсандлигимиздан бир-биримиздан қизганганча ўқишга тутиндик. Яқинларимиз юборган китоб ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи эди.

Мактабда ўқиб юрган кезларимизда адибнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Кашмир кўшиғи», «Икки дил достони» каби асарлари билан танишганмиз. Она тилимизда ёзилган бу китобни ҳамма бирма-бир ўқиди. Ҳатто туркменистонлик, бизнинг тилни биладиган Аннакули Мамедов ҳам ўқиб чиқиб, «Туркман ади-

би Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам»ини ўқигандай бўлдим», – дея миннатдорчилик билдирди. Олтиариқлик Собиржон Ғафуржонов бўлса китобни бошқа қисмларда хизмат қилаётган водийлик ҳамюрт танишларга ўқишга берди.

Тинч океани флотидаги кемада тўрт йил давомида хизмат қилган, кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари вазифасида фаолият юритган таниқли шоир, Олий Мажлис депутати Ҳабиб Саъдулла, бухоролик театр ва кино актёри Исомиддин Жумаев (ҳар икковларини Яратган ўз раҳматига олган бўлсин!) ҳам ўшанда шу китобни ўқиган эдилар. Сўраб-суриштириб, уч-тўрт ойдан кейин китобни топдик. Қайта варақлаб туриб, қуролдошлар билан баҳслашиб: «Нега асар қаҳрамонининг кейинги тақдири ҳақида ёзилмаган, урушда ҳалок бўлдимикан ёки китобнинг давоми бормикан?», – деб ўйлардик. Шунда Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманидан бўлган Шарифхўжа Валихўжаев: «Сен хат ёзишдан зерикмайсан-ку, ҳар кун бировга хат ёзасан, у кишига ҳам саволингни ёз-да», – дея ундаганидан кейин, Шароф Рашидовга хат ёзиш нияти туғилди.

Ота-она, қариндошларга хат ёзсак ҳам, жавобини кутмасдан орқасидан янги мактубимизни битардик. Чунки хатлар манзилига ўн беш кун деганда етиб борар, ёки етиб келар эди. Хуллас, сентябрь ойлари бўлса керак (аниқ эслашим қийинроқ, ахир орадан эллик йилдан кўпроқ вақт ўтди), Шароф Рашидовга мактуб битдим. У кишига мурожаат қилиб ёзган хатимни яхши эслайман. Унда: «Хурматли ёзувчимиз Шароф Рашидов. Сизга Тинч океани флотида хизмат қилаётган барча ўзбекистонликлардан салом. Ажойиб роман – «Қудратли тўлқин» китобингизни ҳаммамиз бирма-бир ўқиб чикдик. Фақат роман якунида асар қаҳрамонининг кейинги тақдири баён этилмаган. Эҳтимол, китобнинг давоми бордир?..» деган сўзлар бор эди. Конверт юзига: «Тошкент шаҳри,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ёзувчи Шароф Рашидовга. Хабаровск ўлкаси, Советская Гавань шаҳри, Ванино порти, ҳарбий қисм рақами... Вали Қаҳҳоровдан», дея манзил ёзилган эди.

Хизмат ўтадиган жойимиз Тинч океани қирғоқлари, портнинг қуруқликка яқин жойлари. Бухта деб аталадиган, яъни океанга қуруқликдан сув тушадиган ўзанлари ноябрь ойларида қаттиқ совуқдан қалин музлаб қоларди. Автомашина, тегачлар манзилни яқинлаштириш учун грейдерлар ёрдамида қалин қорларни суриб, у қирғоқдан бу қирғоққа музликлар устидан йўллар очарди.

Шу йили иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги нишонланиб, хизматда бўлганларнинг ҳаммаси юбилей медали билан тақдирланган эди. Ҳар кунги сафланишларимизда шу медални кўксимизга таққан-тақмаганимизни обдон назорат қилишарди. Ҳар икки кунда бир марта қисмимиз почтальони хат ва хабарларни олиб келарди. Кечга яқин почтальон тўсатдан баланд овозда мени чақириб: «Сенга каттакон хат бор. Ичидагидан бизларни зиёфат қилсанг бераман, бўлмаса, ўзимиз хатни очамиз», – деб қолди. Шартга кўндим. Бирор марта катта ҳажмдаги хат олмаганман, конверт каноп ип билан боғланиб, сурғучланган эди. Очганимизда, тикилиб турган кўзлар китоб эканлигини кўриб, хурсанд бўлиб, почтальон йигитга «Ҳа, ейсан шоколад», – дея қулишдилар. Қарангки, бандеролда Москвада, рус тилида 1964 йили бир миллион нусхада чиқарилган «Могучая волна» романи нусхаси бор эди. Китобнинг биринчи бетида яшил сиёҳли ручкада қуйидаги сўзлар битилган: **«Укам Валижон Қаҳҳоровга. Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан автордан. Имзо. Рашидов. 23.XI.65 й.»** Дастхатни кўриб, хурсанд бўлдик ва хайратландик. Ахир, хатимизга бундай жавоб олишимизни кутмагандик-да. Бу азиз совғани, мана, шунча йилдан бери авайлаб сақлаб келаман. «Ўқиб чиқай, бериб туриг», – деганларга, неча марта огоҳлантириб,

«Вараклари йиртилмасин. Ўқиб бўлгач, тезда қайтарасан», – дея шарт қўйиб бераман...

1966 йилнинг 26 апрелида Тошкент шаҳрида қаттиқ zilзила рўй бериб, вайронагарчиликлар кўп бўлганини аввал радио, кейин газеталардан ўқиб билдик. Ҳар бир эшитган юртдошимиз жойида қотиб қолиб, ўзини йўқотишгача борган эди ўшанда. Ота-онаси ва яқинлари Тошкент шаҳрида яшаётганларни бирин-кетин хизматдан бўшатиб юбора бошлашди. Талабаликдан чақирилганимиз учун ва янги ўқув йилигача ўқишга етиб бориш мақсадида бизлар ҳам август ойида хизматдан бўшатилдик. Бутун мамлакатнинг ҳамма республика, ўлка ва шаҳарларидан қўплаб кишилар Тошкентни қайта қуриш учун сафарбар қилинган эди. Ҳар куни ер қимирлаб, zilзила бўлиб турарди. Йилнинг охиригача, сейсмик станция маълумоти бўйича, етти юз мартадан ортиқ катта-кичик ер қимирлашлар содир бўлган. Ниҳоят, яна талабаликка қайта тикланиб, олий маълумотли муҳандис сифатида туғилган гўшамизга қайтдик.

2. Биринчи учрашув

Тақдирни қарангки, Бухорода қишлоқ хўжалик вазирининг йўлланмаси билан муҳандис сифатида фаолият кўрсатиш менга насиб этмаган экан. Гиждувон фирқа кўмитасида ҳужжатларимни кўришгач, қишлоқ хўжалиги мутахассиси эканлигимни билиб, анчадан буён кўмитага шу соҳа бўйича бўлим йўриқчиси излаб юришганини айтишди. Бўлим мудирини Нор ака Бобоев ҳужжатларимни кўргач, Тошкентга бориб, институт фирқа кўмитасидан тавсиянома олиб келишимни тайинлади.

Барча ҳужжатлар тайёрлангач, биринчи қотиб Маҳмуд Мираков ҳузурда суҳбатдан ўтдим. Кейин Бухоро вилоят фирқа кўмитасидан суҳбатдан ўтишим зарурлигини айтишди. Илк бор ажойиб инсон, моҳир ташкилотчи, кўп йиллардан буён Бухоро вилоятида биринчи раҳбар бўлиб ишлаётган Қаюм Муртазоев билан учра-

шиб, суҳбатдан ўтдим. У киши менга оқ йўл тилаганлари ҳали-ҳануз ёдимда.

Вилоят фирқа кўмитасининг иккинчи котиби В.Петров эса норози бўлиб, «Халқ хўжалигида ҳеч бўлмаса ярим йил ишламаган, институт партасидан туриб келган одам туман фирқа кўмитаси йўриқчилигини удалай олармиди?» – дея дийдиё қилган эди. Тақдирни қарангки, тўртинчи йили шу соҳанинг олий партия мактабига ўқишга кириб, муваффақиятли тугаллаб келиб, яна аввалги вазифамни давом эттирдим.

1968 йилнинг ноябри охиридан бошлаб қиш совуқ бўлди, 1969 йилнинг май ойигача устма-уст ёққан қор айрим жойларда ярим метр қалинликдан ошиб, йўллар кўмилиб қолди. Бундай об-ҳавога тайёр бўлмаган халқимиз кўп азиятлар чекди. Қизилкум яйловларидаги ҳайвонлар, айниқса, қўйлар буткул қирилиб кетди. Шу боис кўп талафот кўрган аҳоли ўзининг шароитини яхшилаш учун қўлдан келган ҳамма имкониятларни ишга солди.

Чорва яна жадал тиклана бошлади. Ем-хашак, озуқа базасини икки йилга мўлжаллаб тайёрлаш белгиланди. Аввалги йилда тоғли жойларда кўплаб музликлар, қорлар йиғилгани туфайли Зарафшон дарёси тўлиб оқди, сахий Бухоро ерлари сувдан қониб, баракали ҳосил олинди. Айниқса, 1970 йилда бухороликлар республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини қўшимча мажбуриятлар билан бажариб, юзлари ёруғ бўлди. Янги қаҳрамонлар ва нишондорлар анчага кўпайди.

Аммо кейинги йилларда қаторасига раҳбарларнинг омади юришмай ёки бошқа сабаблар туфайли барча соҳаларнинг режалари бажарилмай, кадрлар кўнимсизлиги бошланди. Асосий сабаблардан муҳими, ерларни суғориш учун сув етишмаслиги, Аму-Бухоро машина каналининг тўла қувват билан ишламаётгани, Қизилтепа насос станциясида битмаган ишларнинг кўплиги, Навоий – Кармана ҳудудларида янги каналлар қурилиши кечикаётгани эди. Шунда собиқ марказқўм 1977 йилнинг

киш фаслида Қаюм Муртазоевни республика меҳнат кўмитасига раис этиб тайинлади. Февраль ойи бошларида Бухорога Шароф Рашидов келдилар ва ҳар бир туман фирқа кўмитасида раҳбарият билан шошилинкисқа учрашув-суҳбатлар ўтказдилар. Шундай учрашув Гиждувонда ҳам бўлди. Туман фирқа кўмитаси котиби лавозимида Салом Ғуломович Ғаниев ишлардилар. У киши жуда ҳам маданиятли, юмшоқ ва меҳрибон сўзли, кўп йиллардан буён турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, оддий ва камтарин, лутфи ширин инсон эдилар.

Суҳбатда иштирок этаётганлар билан Шароф Рашидович бирма-бир қўл беришиб самимий кўришдилар. Ҳаётимда илк бор шундай улкан давлат арбоби билан қўл бериб кўришаётганимдан ҳаяжонланиб кетган эдим. У кишидан кейин биз билан кўришган қорақўл теридан чиройли телпак кийган, бўйлари Шароф акадан анча пастрок, Сурхондарё вилоятида ишлаётган Абдувоҳид Каримовни Шароф ака ҳаммамизга таништирдилар ва бундан кейин у кишини доимо қўллаб-қувватлашимиз лозимлигини тайинладилар.

Узоқ йиллар пахтачилик хўжалик раисаси бўлиб ишлаган меҳнат қаҳрамони Қизбиби Хусенова ижрокўм раиси ўринбосари бўлиб ишлаётганига унча кўп вақт бўлмаган эди. У киши Шароф акага мурожаат қилиб, «Шароф ака, колхозда йигирма йилдан кўпроқ давр мобайнида раҳбар бўлиб ишладим. Энди Салом Ғуломович, «Келинг, туманда бирга ишлаймиз», деб чақириб олдилар», – дедилар.

Шароф Рашидович у кишига жавобан дедилар: «Янги ерлар очяпмиз, хўжалигингиз икки бараварга кенгаяди. Мана, Қизилтепа насос станцияси ҳам тўла қувват билан ишлайдиган бўлади. Бундан буён ўртоқ Каримов Бухорода сув масаласини тўлиқ ҳал этадилар. Хўжаликдан чакки кетибсиз».

Шунда Абдувоҳид Каримов табассум билан дедилар: «Шароф ака, Қизбиби опани янги ташкил қилинадиган

совхозларнинг бирига раҳбар қилиб тайинлаймиз». Шундан сўнг Шароф ака: «Эртага вилоят пленуми бўлади», – дея даврадагилар билан хайрлашдилар.

Ёшликнинг энг завқли, ишлаб чарчамайдиган йиллари бўлганлиги учунми, иш вақти тугагандан сўнг ҳам, дам олиш кунлари бўлишидан қатъий назар, касбдошлар иш кабинетида тўпланиб, туман биринчи раҳбари С.Ғаниевнинг турли мавзуларда берган саволларига жавоблар излардик. Режали йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалаларнинг ҳар томонлама, шошма-шошарлик қилмай ечилиши бизларга катта дарс бўларди. «Кўпни кўрган кўп билади», дея бежиз айтилмаган, ахир. Айниқса, у киши «Қани, сиз ўқишни яқинда тугатиб келгансиз, мана бу масалани қандай ҳал қилиш керак?» – дея саволга тутар, жавобимиздан қоникмасалар, бафуржа мисоллар билан тушунтириб берар эдилар.

Орадан бир йил ўтиб, мени собиқ вилоят фирқа қўмитаси қишлоқ хўжалиги бўлимига ишга ўтказишди. 1977-1978 йилларда вилоятда халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди. Аму–Бухоро машина канали кенгайтирилди, насосларнинг сув чиқариш қувватлари оширилди, барча туманларда ирригация тармоқлари, бетонлаштириш ишлари олиб борилди, коллектор-зовурлар тозаланиб, сизот сувларини вилоят ҳудудидан чиқариб ташлаш йўлга қўйилди. Қоровулбозор, Ўртачўл, Тўдакўл атрофларидаги ерлар ўзлаштирилиб, янги хўжаликлар ташкил этилди.

3. Достонга айланган дийдорлашув

Вилоят миқёсида икки йилга яқин ишлаганимдан сўнг, 1979 йилнинг августида Қоракўл туман фирқа қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаётган Юсуф Қурбонов Ўзбекистон марказқўмининг қишлоқ хўжалиги бўлимига сектор мудир лавозимига ишга юборилди. У кишининг ўрнига танланган номзодлар захирасида

борлигимни билмасдим. Вилоят ташкилий бўлими му-дири Аҳмаджон Хўжаев кечкурун иш жойимда бўли-шимни тайинладилар. Одатда, раҳбарлар кўпинча кеча-си кабинетда бўлар эдилар.

Қоракўлга бориб ишлаш кераклигини айтишди ва муваффақиятлар тилашди. Сентябрь ойининг ўрталари-дан, пахта йиғим-терими авж олган палладан эътиборан янги иш жойида ишлай бошладим. Аксарият туманлар-нинг раҳбарлари янгиланган, кимўзар қабилида пахта етиштирилар, бунинг устига, вилоятдан ҳар бир туманга масъул раҳбарлардан вакиллар қўйилган эди. Кунига ка-мида бир йиғилиш ўтказилиб, белгиланган ҳудудларга борилиб, пахта тайёрлаш каттиқ назорат қилинар ва шу асосда вилоятга ҳисобот бериб туриларди. Пахта мавсуми бошланганига салкам икки ой бўлиб, терим суръати анча пасайган эди. Яқиндагина вилоят фирқа кўмитасининг котиби бўлиб иш бошлаган Тошпўлат Ҳамидов кўп йиллар вилоят газетаси «Бухоро ҳақиқати» (ҳозирги «Бухоронома»)нинг бош муҳаррири лавозими-да ишлаган, таниқли шоир ва журналист эдилар. Тош-пўлат ака бир куни менга: «Обком котиби бўлиб сизнинг туманда вакиллик қилаётганимдан буён биринчи котиб Исо Мусаевич Барноев билан ўтириб ҳамсуҳбат бўлма-дик, фақатгина телефонда гаплашиб, саломатликларини биламиз, холос. Яқин кунларда вилоятимизга Шароф ака Рашидовнинг келишлари кутилаётган экан. Мен, сиз янги кишилар бўлсак, бу жойда ижрокўм раиси аёл киши бўлса (ўша пайтларда Мўмина опа Сувонова ижрокўм раиси эдилар), пахта тайёрлашда ҳаммадан кейиндамиз, Шароф ака ва Абдувоҳид Каримович олдиларида уятли бўлиб қолмайлик. Исо Мусаевичнинг саломатликлари анча яхшиланган бўлса, тезроқ касалхонадан чиқсалар, яхши бўлар эди-да. Шундоқ ҳам, кунлик пахта топши-риш кўнгилдагидай бўлмаяпти. Абдувоҳид ака менга: «Сиз вакил сифатида талабни каттиқ қўйинг. Белгилан-ган мўлжалга чиқмаяпсизлар. Худди сўфидай бориб-ке-

либ юрманг-да. Шароф акани Қоракўлга олиб бораман», деб ҳазиломуз гап қилдилар», – дедилар.

Кейинчалик бу суҳбатимизни эслаганда, Тошпўлат ака: «Биласизми, Абдувоҳид аканинг «сўфидай» деган гапларидан сўнг, кўз олдимга бошига саллача ўраган, узун яктак кийиб, соқол-мўйлов кўйган одам гавдаланди», – дедилар. Шунда мен у кишига: «Сиз ҳам нафақага чиқиб қария бўлганингизда, балки мулла, сўфига ўхшаган кийимлар кийиб, соқол-мўйлов кўярсиз, домла», – деганимда, «Эҳ, нафасингизни шамол олиб кетсин», – дедилар. Афсуслар бўлсинким, домла узоқ яшамадилар. 1984 йилда сиҳатгоҳда учинчи марта кузатилган юрак инфаркти ҳаётдан олиб кетди у кишини...

1979 йилнинг 20–22 октябрида Қоракўлга шошилинч келган Тошпўлат Ҳамидов менга: «Шароф ака 28 октябрда вилоятга ўзларининг махсус вагон поездларида келар эканлар. Тезлик билан темир йўл бекати бошлиғини топинг. Темир йўлда юрадиган моторли, тўрт ғилдиракли хизмат вагон-машинаси топтирсин. Қоракўл – Когон маршрутини кўриб чиқамиз. Мен камчиликларни айтавераман, сиз ёзиб олиб, участкаларга топшириқ берасиз», – дедилар. Барча камчиликлар тезлик билан бартараф этилиб, кутиб олишга яхши тайёргарлик кўрилди. Шароф Рашидов Бухорога келгунларигача Тошпўлат ака билан бирга юрганимиз боис, мен у кишига ўқишимнинг иккинчи йилида ҳарбий хизматга олинганим, хизматни Тинч океани флотининг куруқликдаги қўшинлари сафида ўтаганим, ўшанда Шароф ака юборган дастхатли китобни қимматбаҳо буюмдай асраб юрганим ҳақида гапирган эдим.

29 октябр ҳаво очик, қуёшли кун бўлганди. Шароф Рашидов ва Абдувоҳид Каримовларни катга йўл ёқасидаги янги қурилган йўл назоратчилари биноси ёнида, барча хўжалик раҳбарлари иштирокида кутиб олдик. Ўша пайтда у кишига назар солиб, узоқ тикилдим. Қўл беришиб саломлашдик, табассум билан ҳам-

мамизга қарата дедилар: «Ҳорманглар, бўшашманглар! Бу йил маррамиз катта, хирмон улкан, вазифамизни муваффақиятли бажарсак, сафимизда қаҳрамон ва нишондорлар кўпаяди. Далаларингизда ҳали кўп ҳосил бор, қор, ёмғирда қолиб, меҳнатимизни беҳуда сарф қилмайлик».

Кейин йиғилганларга пахтани машинада теришни жадаллаштириш, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан узлуксиз таъминлаш, пахтакорларга далада иссиқ овқат бўлишини таъминлаш каби масалаларни бирмабир айтиб, кўшни Олот туманига ўтишларини айтишди. Сал олдинроқ бораётган Исо ака Барноев мени имлаб: «Хабар олинг-чи, опа чойни тайёрлатибдиларми?» – деди. Ҳаммамиз ижрокўм раиси Мўмина Сувоновани «опа» дердик. Опа берилган топширикни тезлик билан амалга ошира оладиган, эркак раҳбарлар қатори туну кун меҳнат қиладиган мард аёл эди. Исо акадан кейин вакилимиз Тошпўлат Ҳамидов ҳам ёнларига боришимни табассум билан имладилар ва паст товушда қулоғимга: «Мен Шароф акага сиз ҳақингизда айтдим, у киши сиз билан савол-жавоб қиладилар. Китоблари ёнингизда бўлсин, сўраганларида кўрсатасиз», – дедилар.

Одатда, вилоят раҳбарлари туманларни кезишга чиққанларида кўпинча Ғиждувон, Ромитан ва Қоракўлда бир пиёла чой ичардилар. Шунинг учун боғимизда доим тайёргарлик кўриб қўйиларди.

Меҳмонлар хонага кириб ўтирганларидан сўнг, Исо ака: «Киринг, Шароф ака сизни сўраяптилар», – деганларида эгим жимирлаб, ўзимни йўқотиб қўяёзим. «Ассалому алайкум», – деб ичкари кирдим. Шароф ака «Келинг, ўтиринг», – деб ўзларига юзма-юз ўтиришни айтдилар ва исмимни сўрадилар. Дарҳол исмим ва фамилиямни айтдим, чап қўлимда «Қудратли тўлқин», «Дўстлик ва қардошлиқ тили» китобларининг ҳам рус, ҳам ўзбек тилидаги нашрлари бор эди. «Қани, менга китобни беринг-чи», – деганлари захоти «Қудратли тўлқин» китоблари-

ни узатдим. Шароф ака аста варақлаб, биринчи бетни очиб, ўз қўллари билан ёзилган дастхатга кўзлари тушди. Ўқиганларидан сўнг, «Қаерда хизмат килдингиз?» – деб сўрадилар. Мен Тошкент Ирригация институти талабалигидан хизматга чақирилиб, Тинч океани флоти курукликдаги қисмларида хизмат килганимни айтдим.

«Ўзбекистондан борганлар кўпчилик эдими? Хизмат оғир эмасми?» каби савол-жавоблардан сўнг яна «Бошқа миллат кишиларидан хизмат қиладиганлар ҳам китобимни ўқидиларми?» – дея кизикиб сўрадилар.

Мен мактаниб: «Командирларимиз ва бошқа қисмда хизмат қиладиганлар ҳам ўқидилар. Хизмат охирида дастхатингиз борлиги учун у ерларда қолдирмасдан, ўзим билан олиб юрибман. Институтни битиргунимча кўпгина ўртоқларим ҳам олиб ўқишган. Ўн саккиз йилдан буён ёнимда», – дедим.

Шундан кейин Шароф ака китобнинг ёзилиши, унинг қаҳрамонлари, китобни ёзишдан кўзланган мақсад ҳақида ҳикоя қилиб, дастурхон атрофида бир соатлар чамаси суҳбатлашиб ўтирдилар. Қўйилган таомлардан фақатгина бир стакан сабзи шарбати ичдилар. «Қани, менга беринг-чи», – деб қўлимдан ўзларининг ўзбек тилида чоп этилган «Дўстлик ва қардошлиқ тили» китобларини олиб, учинчи бетини очиб, «*Хурматли Валижон Қаҳҳоровга. Сизга бахт-саодат, севинч-қувонч, ишларингизга омад тилайман. Имзо. Рашидов. 29.Х.79 й.*» дея ёзиб, менга узатдилар. Қўлимни кўксимга қўйиб, миннатдорчилик изҳор этдим. Кейин шу китобнинг рус тилида чоп этилган нусхасига дастхат ёзиб, Исо Барноевга узатиб, дастурхон атрофидан турдилар. Бизлар билан самимий хайрлашиб, Мўмина опага раҳмат айтиб: «Ҳеч чарчаманг, бахт-саодат тилайман сизга», – дедилар. Тошпўлат акага қараб: «Сиз, шоир, ижодни ташлаб қўйманг», – деб огоҳлантирдилар.

Шундан кейин машинага ўтириб, Каримов ва Барноев билан ҳамроҳликда Олот туманига қараб йўл олди-

лар. Тошпўлат ака: «Ана, кўрдингми, Шароф ака қанака ажойиб раҳбар, ғамхўр инсон, ҳаммага баравар, катта раҳбар бўлдим, деб ижодни ташлаб кўйманг, дейдилар-а. Қани, ҳамма ўз ишига», – деганларидан сўнг барчамиз тарқалдик.

Каранг, Шароф аканинг пойқадамлари билан об-ҳаво куёшли келди, куз фасли пахтакорларга енгиллик яратиб, даладаги ҳосил нест-нобуд килинмай йиғиштириб олинди. Катта хирмон яратилди. Пахтакорлар кўшимча иш ҳақлари олиб, тўйлар кўпайди, халкнинг фаровонлиги ошди. Қимматбаҳо буюмлар, автомашиналарга талаблар кўпайди. Саёҳат ва дам олишга борувчилар сони ортди. Кейинги йилда ҳам халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилди. Айниқса, республикамиз, вилоятларимиздаги туманлар пахтачиликда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

1981 йилнинг февраль ойида бухоролик илғор пахтакор, чорвадор ва бошқа соҳа кишиларидан иборат 454 нафар киши ихтиёрига ўша пайтда дунёда энг замонавий ҳисобланган «Қозоғистон» кемаси берилиб, Қора денгизнинг барча портларига, шу жумладан, Болгария давлатига бориб саёҳат қилиш имконияти яратилди. Мен саёҳат раҳбари этиб тайинланган эдим.

Вилоят миқёсида бўладиган йиғинларда мени танийдиган кекса раҳбарлар табриклашиб, жилмайиб ҳазил қилиб: «Оббо сен-ей, пухта чиқиб қолдинг. Шундай улуғ раҳбарнинг суҳбатини олибсан, молодец», – дея кўлимни сиқиб кўярдилар.

Анча йиллар ўтиб, ўша даврни кўз олдимга келтирсам: «Мақтовлар мени эсанкиратиб қўймаган эдим, кимгадир ёмонлигим ўтмадими?» – дея ўйлашиб қоламан. «Шундай ажойиб устозлардан ҳаёт мактабини олсам-у, ёмон бўлармидим...» дея ўзимга таскин берман. Ҳа, дунёда яхшиликдан улуғроқ мерос йўқ.

Султонмурод ОЛИМ,
«Меҳнат шухрати»
ордени соҳиби

ТОШДАГИ МАФКУРА

ёки Шароф Рашидовнинг тўни

Кўпчилик пойтахтимизнинг Шароф Рашидов дастлаб дафн этилган майдонини яхши билади. Бу – шаҳри азимнинг марказида жойлашган Ўзбекистон тарихи давлат музейининг рўпарасида. У ердаги адиб ва давлат арбобига ўрнатилган ёдгорликни ҳам кўрган. Бу ер мустақиллик шарофати билан халқимизнинг зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди. Баъзилар марҳумнинг руҳи покига тиловат ҳам қилади.

Лекин камдан кам одам шу бюст, унда ифодаланган ғояга қизиқади, бу асардан мафкуравий маъно-мазмун қидиради.

Аслида эса...

Ҳар қандай санъат муайян бир мафкурани ифодалаши аниқ. Мафкура кўпчиликнинг, масалан, халқ ё миллатнинг нуқтаи назарини билдиради.

Шу маънода ёдгорликдаги бадий чизгиларни бир сидра таҳлил қилиб ўтайлик.

Костюм ва галстук Рашидовга айрича салобат бахш этган. Шу тариқа унинг йирик давлат арбоби эканлиги ифодаланган. Бу яна кишида: «У, шубҳасиз, ўз замонасининг одами эди», – деган хулоса туғдиради.

Чап кўкракда Меҳнат қаҳрамони эканини тасдиқловчи икки юлдуз ҳам бор. Бу эса зимдан: «Рашидов замонасига хизмат қилди», – деган маънони уқтиради.

Ўнг қўлда – китоб. Бир карашда, бу унинг зиёли, маърифатли киши, қаламкаш, журналист эканлигига ишора, холос.

Каминага шу биргина чизги: «Рашидов, ҳар қанча замонаси мафқурасига хизмат қилган бўлмасин, халқидан ажралгани, элу юрти дардини унутгани йўқ, у юрагининг туб-тубидаги ҳамма вақт ҳам тўла ошкор эта олмайдиган фикр-ўйини имкон топгани қадар бадий сўз қудрати ила баён қилиб яшади», – деяётгандек туюлади. Чунки, бу давлат арбоби, ҳар қанча юксак лавозимларда ишламасин, қаламини асло қўлдан қўймади, адабиёт унинг учун халқи билан она тилида диллашишнинг бир воситаси эди-да.

Ахир, унинг она тилида халқ олдида сўзлаш имкониятлари қанчалар чеклангани, амалда фақат йилига бир бор – қишдаги деҳқонлар қурултойидагина ўзбекча маъруза қилишини бир эсланг.

Бу тасвирий санъат асарининг чизгилари шулардангина иборат эмас.

Рашидовнинг эғнида тўн бор. Бу – ўзбекнинг тўни! Унинг чап қўли тўнни кийган, лекин ўнг қўл енгга суқилмаган.

Одатда тўн кўпроқ маҳаллада, уйда кийилади. Бунда костюм-шим, галстукка ҳожат йўқ. Бюстда костюм, галстук устидан тўн кийилиши киши кўнглидан: «Рашидов ўзбек эди, у ҳеч қачон миллатини унутгани йўқ, шундай мураккаб замонда қўлидан келганича халқи, миллатига хизмат қилишни ўйлади», – деган фикр-мулоҳаза кечишига сабаб бўлади.

Бироқ...

Миллий одатимизга кўра, кийимни чала кийишни ирим қиламиз, умр чала бўлмасин, деймиз! Ҳатто, плашини эғнига киймай, елкасига илиб халқ олдига мажлис қилгани чиққан олифта раисга бир отахон: «Аввал эғнингизни кийиб олинг, раис!» – дея дашном берган экан.

Раққос йигитларимизнинг тўнни чала кийиши, яъни бир энгни белга тугиб рақсга тушиши зиёлиларимизнинг кўп эътирозига сабаб бўляпти. Матбуотда улар: «Бу – миллий хусусиятимизга зид», – деган мазмундаги чиқишлар ҳам қилишди.

Ажабо, Рашидовнинг тўни яримта: у чап қўлгагина кийилган. Нега?

Асар муаллифи – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Яковъ Иосифович Шапиро: «Мен Рашидовнинг уйида тўн кийиб юрганини кўп кўрганман», – деб эслайди. Лекин бу ерда тўн – бир бадий тимсол. Эҳтимол, ҳайкалтарош бу тимсол орқали фақат, аслини олганда, миллий тараққиётга имкон берилмаган бир даврда ҳам Рашидов миллийлигича қолди, демоқчи бўлгандир.

Санъат асаридан ҳар ким ўзича маъно уқади ва бунга тўла ҳаққи ҳам бор. Бир мухлис сифатида кимдир бундан бошқа ғоя топади: «Рост, Рашидов ўзбек эди. Мустабид тузум унга буни баралла айтиш, миллат ва халқ дардига том маънода малҳам бўлиш имкони бормади. Тўнни бир энгини кийди, лекин уни тўлик кийишга... ҳамма вақт ҳам имкон бўлавермади».

Шунда бирдан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг: «Шўролар замонида Ўзбекистон ярим мустамлака эди», – деган аниқ-тиниқ баҳоси моҳиятини тушунгандек бўласиз. Тан олайлик: ўша замонларда ҳаммамизнинг, демак, бутун халқнинг аҳволи шу – тўннинг бир энгини кийиб, иккинчисига қўл суқишга ҳадиксариб туришдан иборат эмасмиди?!

Бу ёдгорлик фақат Шароф Рашидовга бюст эмас, у каминага халқнинг ўз тарихи бутун бошли бир даври – шўролар истибдоди йилларига мустақилликка эришганидан кейин берган мафкуравий баҳоси бўлиб туюлаверади.

Оддий бир тошда ҳам шунча мафкура, шунча сиёсат ётганига қойил қоласиз. Ўзбекистонимизда истиқлол йиллари қад ростлаган ёдгорликларнинг ҳар бирида шундай ва шунга ўхшаш бой мафкуравий маъно-мазмунлар бор. Бу ғоя-мафкуранинг бошида эса давлатимизнинг Биринчи раҳбари – Ислом Каримов турганини ҳам эсдан чиқармайлик.

Мустақиллик моҳиятини англаш учун узоқ ва яқин ўтмишда халқимиз қандай оғир истибодларни бошидан кечирганини яхши ҳис қилишимиз зарур. Шундагина бугуннинг қадрига кўпроқ етамиз.

Мафкуравий мушоҳада-мулоҳаза Шароф Рашидовга қўйилган ёдгорлик тугал маъно-мазмунини обдан чақиб кўриш билан тўхтамайди.

Ўзингиз айтинг, нега айнан Рашидовнинг жасади беқабр қилинди, яъни дастлаб кўмилган жойидан Чиғатой қабристонига кўчирилди? Рашидовни, шу баҳона бутун Ўзбекистонни, ўзбек халқини шунчалар бадном қилишга ким ҳуқуқ берган? Ахир, бевосита унинг сафдошлари бўлган Қозоғистоннинг собиқ раҳбари Динмуҳаммад Қунаевнинг ҳурмати жойида эди, ҳатто, пенсияга чиққанидан кейин мамлакатимизга келганида ҳам катта ҳурмат билан кутиб олинган. Грузиянинг собиқ раҳбари Эдуард Шварднадзе, Озарбойжоннинг Ҳайдар Алиеви – бу республикалар истиқлолга эришганидан сўнг яна қайтадан ўз миллий давлатини бошқариб, халқини янги жамият куриш йўлига бошлади. Нега ҳамма «оқ»-у, Рашидов «қора» бўлиши керак?

Ўзбек халқи бу адолатсизликка чидаши, тарих олдида бу масалани очик қолдириши мумкинмиди?

Йўқ!

1992 йили Ўзбекистонимизда бевосита Ислом Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидов тавалудининг 75 йиллиги кенг нишонлангани, бу йирик давлат

арбобига бюст ўрнатилгани мустақиллик йилларида айнан халқнинг, миллатнинг ўз ғурурини тиклаш сари ташланган дастлабки дадил қадамлардан бири бўлди. Бу айни чоғда миллий истиқлол мафкураси пойдевори-га қўйилган бир ғишт ҳам эди.

Жамиятимиз янги мафкурасининг иморати истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ана шундай мустақамланиб, ўзанини топиб борганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Миллий мафкурамизнинг айнан истиқлол йилларидаги янгиланишлари моҳиятини тушуниш бугун бево-сита халқимизнинг буюк келажакка ишончи, айниқса, шунга эришиш учун сидқидилдан интилишини кучай-тириши аниқ.



**БОҶИЙ
ЎЗБЕКИСТОН
СИЗГА ҲАМ ЁДГОР...**



*Азизим Хурсандой,
қадрли Шароф Рашидович!*

*Садоқат тимсоли сиз гўзал йўлдош,
Икки кўздай азиз яшанг ёнма-ён.
Энг оғир кунимда бўлдингиз дарддош,
Бахтиёр шеъримнинг сатридаги жсон
Сингари азизсиз, мунис дўстларим,
Сизга бу дард, қувонч тўла соф сатрларим.*

Эҳтиром ва таъзим билан,

Зулфия
1959 йил 9 февраль



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ШАРОФ РАШИДОВ ХОТИРАСИГА

*Марҳумлар ҳаётдан эрурлар йироқ,
Демакки, йироқлар хушомаддан ҳам.
Макру найрангларин қўймайди бироқ,
Токи ҳаёт экан Нобакор Одам.*

*Уларнинг турфа хил одатлари бор,
Аввал ганжларини қўмгай тупроққа.
Сўнг бирдан ўзларин ҳис этиб ночор,
Гавҳарим қайда деб тушгай титроққа.*

*Дунёда ҳар кимга қисмат ёр эмиш,
Кимдир тож кийгайдир, кимлардир кулоҳ.
Гўёки Алишер сизга ҳам дермиш:
«Сийратинг дарвешу сувратингдир шоҳ».*

*Эзгулик ниқобин юзига тортган
Манфур бир майдонда сургандингиз от.
Кимдир ўз падарин бир пулга сотган,
Қўл-оёқ кишанда, таланган бисот.*

*Ҳйчан кўзингизда не гам бор эди,
Келажакмиди ё мозийнинг шони?
Ўзбек-ку, бир эрка интизор эди,
Сизни адо қилди минг бир армони.*

*Эрксевар элларнинг орзусин ёқлаб,
Хаёл денгизида тунлар сузгансиз.
Истиқлол сўзини юракда сақлаб,
Сиз қафас ичида гуллар тузгансиз.*

*Шоирман, бўйнимда шеърнинг гуноҳи,
Соҳиби асрайди Салтанат маккор.
Очкўз, амалпараст кимсалар гоҳи
Адолат менман деб топгай эътибор.*

*Уларнинг дастидан нотинч эл, замон,
Танимай қолурсан оқ-қорани ҳам.
Чалғитиб келганлар топганда имкон,
Ҳаттоки Темуру Бойқарони ҳам.*

*Одилдир – ким элни бошлаган бахтга,
Ўзи ўтда ёниб, йўлни очганлар.
Лекин интиларкан тож ила тахтга,
Во ажаб, кўпинча дордан қочганлар.*

*Қуллуқ Шароф ота, минг бора қуллуқ,
Боқий Ўзбекистон сизга ҳам ёдгор.
Бугун у истиқлол шавқига тўлиқ,
Хизматингиз эслар такрор ва такрор.*

*Илоҳи, ҳар кимга берсину тўзим,
Бут бўлсин Ватаннинг метин кўргони.
Сизни қўллаб турар Ўзбегим – ўзим,
Ва юртнинг посбони – жасур ўғлони!*

*Султон бўлмасангиз, Шароф ота, гар,
Яшардингиз қалам қўлдоши бўлиб.
Покликка, вафога тимсол муқаррар,
Хурсандой аянинг йўлдоши бўлиб.*

1992 йил 2 ноябрь



Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

АЛВИДО, ОТАЖОНИМ

*Шароф Рашидовнинг ёрқин
хотирасига*

*Алвидо, Отажоним, демоққа тилим бормас,
Марҳум, – деб ғамингизни емоққа дилим бормас.
Ё, Раб, бу Видо шеърин ёзмоққа қўлим бормас,
Ногаҳонда мард юрак панд бердим, Отажон?
Сиздан халқнинг умиди шул эрдими, Отажон?*

*Юракларга қулаган энг юксак тоғ дейинми,
Авжи етилганида дўл урган боз дейинми,
Бир шогирддай кўксимда ҳеч ўчмас доғ дейинми,
Нима дейин, сўзданам адаштириб кетдингиз?
Ҳамма даврада-ку, Сиз барвақт туриб кетдингиз.*

*Тошкентнинг ҳар уйини асосин Сиз қўйгансиз,
Ўз рўзгорингиз каби бул шаҳарни суйгансиз,
Ўзбекистон деганни жонингизда туйгансиз,
Бирдан бу хабар... ҳар уй зир титраса нетармиз?
Ҳар бир гишт тилга кириб «қани» деса нетармиз?*

*Сор бургут энг баландда урилгандай қояга,
Қандоқ гўзал ўлим бу, ҳожат йўқ ҳимояга,
Тириклик ҳам, ўлим ҳам тикилган бир зояга,
Яшамоқ ва ўлмоқни бу хил уддалаш бирдай,
Менга туюлар гўзал, ҳеч ечим йўқ сирдай.*

Бул кун Олтинсой ёқдан шабада эсар сим-сим,
«Ғолиблар»ингиз кўнгли – вимо жомидир лим-лим,
Олимжонлар тураркан бош кўтаролмай жим-жим,
Тугатолмай қолдирган китобингиз куймасми?!
Ойқиздек Холбувилар қаро-қаро киймасми?!

Бул кунларам ўтар-у, ўтар жафога қийин,
Азал-абад жоннисор содиқ вафога қийин,
Сизга эллик йиллик дўст – Хурсанд опага қийин,
Тобут узра кўксини ушлаб ҳар жон тўкилди.
Алп фарзанддан айрилган Ўзбекистон тўкилди.

Баъзан битта одамнинг кўнглини топмоқ мушкул,
Чорак аср бутун бир халқ кўнглига топиб йўл,
Қон-қардош, хорижийга «жигарим» деб тутиб қўл,
Яшадингиз, келсалар хотирангизни «Сиз»лаб,
Анжуманлар тўридан қолмасми Сизни излаб?

Мен қандоғам йиғламай, тоғу тошлар йиғласа,
Дийдаларни куйдирган аччиқ ёшлар йиғласа,
Бир умр эгилмаган эгик бошлар йиғласа?
Юрт юртбошини йўқлар, қандоқ қаро кундир бу?
Сарбонини йўқотган карвони забундир бу?

Кўз юмдим, ўтаверар оломон қатор-қатор,
Олдда маҳзун аёллар суянишган бемадор.
Халқим, бу хил ўлимни Сен қачон кўрганнинг бор?
Халқим-ей, бу ўғилни қандоқ бердинг тупроққа?
Умидинг борми тагин шундоқ ўғил топмоққа?!

«Бор, бор» дейман ўрнингиз бўшмаслигини кўриб,
Бир эл боласи йироқ тушмаслигини кўриб,
Олдинга чиққанларнинг фикр тигини кўриб,
Аминман, бу юрт тагин юртбошисини топгай,
Халқ тагин қад кўтаргай, тагин омади чопгай!

*Бугун эса... бу ўлим сизмас ҳеч бир таъбирга,
Бугун кўмирдай куйиб йўл оларкан қабрга,
Тоқатга тоқат тилаб, сабр тилаб сабрга,
Халқим қайтмас бир даҳо ўғлинг учун куяман,
Алвидо, деб бу шеърга қандоқ нуқта қўяман.
Алвидо, Отажоним! Демоққа тилим бормас...*



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

НОТИНЧ РУҲ

Шароф Рашидов хотирасига

*Бу шундай бевафо дунё, бу ҳаёт,
Тунда тугишганинг – тонгда етти ёт.
Балки, тақдир шудир, балки шу қисмат,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!...*

*Борингизда бизга бўлдингиз Ота,
Йўгингизда йўқдан қидирдик хато.
Беайб парвардигор, дейдилар ҳатто,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.*

*Ҳали тупрогингиз совумай туриб,
Рухингиз йиғлатдик қабрингиз суриб,
Чизатой томонга кетингиз юриб!...
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.*

*Қабр учун қалбдан жой топганлар бошқа,
Қул бўлиб қўлингиз бўлганлар бошқа,
Қабрингиз устидан тепганлар бошқа,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.*

*Сизни алқаганлар бир халқ, бир денгиз,
Сизни қаргаганлар – жўраларингиз,
Сизни адо қилди тўраларингиз,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.*

*Сизни золим десак, ранжир адолат,
Фаришта десак ҳам, кўнгил хижолат,
Сиз одам – омадли, гоҳи беомад,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.*

*Ким бўлманг, Сиздан шу юрт бизга мерос,
Йўқчилик – тўқчилик, не бўлса рўй-рост,
Энди тупроқ Сизни айласин эъвоз,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.*

*Шоҳларга ҳамиша хушомад зомин,
Кўзин ёгин ялаб, сотарлар номин,
Шеърим ҳам тугади. Ўзбекча омин –
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!*



Саъдулла ҲАКИМ

ДАВР ФАРЗАНДИ

Шароф Рашидов хотирасига

*Она юрт меҳридан ҳар сўзим бурчли,
Дониш табиатин айладим талқин.
Англадим, халқ меҳри «Бўрондан кучли»,
Куйладим, халқ меҳри «Қудратли тўлқин».*

*Зулм ниқоб кийса, меҳру оқибат
Тугал талафотдан ёлғиз ҳимоя.
Гарчи йўригида тутди салтанат,
«Кашир қўшиғи»да дардим ҳикоя.*

*Элимга қолдирдим халқим мулкени,
Нима демасинлар танг мухолифлар –
Замон ўқийверар «Тарих ҳукми»ни,
Ҳаёт китобидан ўчмас «Ғолиблар»!*

1987 йил



МУНДАРИЖА

<i>Шавкат Мирзиёев. «Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихи ва ҳаётидан айри тасаввур этиб бўлмайди»</i>	3
---	---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида	6
---	---

ВАТАННИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ

<i>Ислом Каримов. Халқимизнинг оташкалб фарзанди</i>	10
Шароф Рашидов машхур инсонлар нигоҳида	25

ЮРТГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛГАН ИНСОН (Сухбатлар)

<i>Хурсандой Рашидова: «Мен бахтли аёлман...»</i>	28
Юртга садоқат билан хизмат қилган инсон халқ қалбида мангу яшайди	47
<i>Сайёра Рашидова: «Бағрикенг халқимизнинг меҳр-муҳаббати бизга куч-қувват бағишлаган»</i>	58
Яркий пример служения Родине	68

ХАЛҚҚА БАХШИДА УМР (Хотиралар)

<i>Раҳмат Файзий. Тоғ кулади</i>	78
<i>Мақсуд Қориев. Эл фарзанди</i>	80
<i>Абдуллажон Турдиқулов. Эл бахти учун яшаган инсон</i>	92
<i>Муҳаммад Али. Шароф Рашидов тухфаси</i>	112
<i>Фёдор Раззоқов. Фидойи умр қиссаси</i>	122

<i>Акрам Иномов. Орзулар оғушида Ватан мухаббати.....</i>	131
<i>Мели Норматов. Устозим ҳаётидан икки воқеа</i>	144
<i>Аҳмадали Асқаров. Дурдоналар эъзоз топганда</i>	150
<i>Муҳиддин Нарзиқулов. Қоя.....</i>	159
<i>Турсунбой Рашидов. Метро қурилиши ташаббускори</i>	169
<i>Тухтамиш Баймиров. Шараф Рашидов – пример для будущих поколений</i>	174
<i>Бахтиёр Носиров. Аввало, инсон эди</i>	191
<i>Очил Мўминов. Қадрланган кадрлайди</i>	197
<i>Тўлқин Алимардонов. Ўчмас шараф.....</i>	201
<i>Нарзулла Шодиев. Халқ фикри – олий ҳақиқат</i>	209
<i>Мадийёр Худойбергенов. Хотирага муҳрланган сўнгги кунлар.....</i>	231
<i>Саъдулла Сиёев. Ё отинг чиқсин, ё ўтинг</i>	237
<i>Ўрал Сафаров. Юракларда меҳрингиз қолди.....</i>	248
<i>Ҳаким Сатторий. Долғали умр</i>	257
<i>Жамолиддин Муслим. Ўз даврининг фарзанди.....</i>	264
<i>Абдумуталлиб Қосимов. Халққа бағишланган умр.....</i>	270
<i>Ўриш Мажидов. Биз босган йўллар.....</i>	277
<i>Салима Умарова. Оқил сарқор, фозил инсон ва салоҳиятли адиб.....</i>	284
<i>Мансурхон Тоиров. Зилзила.....</i>	292
<i>Қудрат Аҳмедов. Фазилатли инсон эди</i>	298
<i>Сайфиддин Жўраев. Эл ғамида ўтган умр</i>	303
<i>Қурбон Эгамбердиев. Зукко раҳбар, фидойи инсон, иктидорли адиб.....</i>	306
<i>Кенжа Раҳматов. Мирзачўлнинг бош чўлқувари</i>	315
<i>Собир Қурбонов. Ҳасад эмас, ҳавас билан яшаш керак</i>	320
<i>Костецкий М.О. Об одной из встреч с Шарафом Рашидовичем в Ангрене</i>	329
<i>Рахимжон Султанов. Несколько эпизодов, включая несостоявшееся «увековечение»</i>	334

<i>Убайдулла Носиров. Олим бўлинг, олим бўлинг ва олим бўлинг...</i>	357
<i>Шухрат Жабборов. Қадамида гуллар очилган</i>	364
<i>Тоштемир Турдиев. Шароф ота шарафлаган шоира</i>	368
<i>Дамин Тураев. Тинчлик, бунёдкорлик ва халқлар дўстлиги куйчиси...</i>	379
<i>Хайрулла Инатов. Курраи заминга танилган инсон...</i>	388
<i>Гулноз Мамарасулова. «Пўлат от» суворийси</i>	393
<i>Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Шароф Рашидов билан учрашув ифтихори...</i>	399
<i>Миракмал Миралимов. Шифокор нигоҳида...</i>	412
<i>Вали Қаҳҳоров. Хотирамнинг энг ёруғ саҳифалари</i>	418
<i>Султонмурод Олим. Тошдаги мафкура</i>	430

**БОҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН СИЗГА
ҲАМ ЁДГОР...**

(Шеърлар)

<i>Зулфия. Шеърый дастхат</i>	436
<i>Абдулла Орипов. Шароф Рашидов хотирасига</i>	437
<i>Ҳалима Худойбердиева. Алвидо, отажоним</i>	439
<i>Муҳаммад Юсуф. Нотинч рух</i>	442
<i>Саъдулла Ҳаким. Давр фарзанди</i>	444



Manavrajat

ISBN 978-9943-04-329-9



9 789943 043299